

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**

НАМАНГАН ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

**«Миллий ғоя, маънавият асослари ва ҳуқуқ таълими»
кафедраси**

ФУҚАРОЛИК ҲУҚУҚИ

фанидан 2-курс учун

МАЪРУЗАЛАР МАТНИ

**Билим соҳаси: 100000 – Гуманитар
Таълим соҳаси: 110000 – Педагогика
Таълим йўналиши: 5111600 - “Миллий ғоя, маънавият
асослари ва ҳуқуқ таълими”**

НАМАНГАН – 2017

Фукаролик ҳуқуқи фанининг маърузалар матни ЎРООМТВ томонидан БД-5111600 -3.13 рақами билан 9- январ 2016 йилда рўйхатга олинб, 2016 йил 22 январдаги 26-сонли буйруғининг 2- иловаси билан тасдиқланган “Ҳуқуқ соҳалари” фани намунавий ўқув дастури ҳамда 51116000- Миллий ғоя, маънавият асослари ва ҳуқуқ таълими йўналишлари ўқув режаларига мувофиқ ишлаб чиқилди.

Маърузалар матни “Миллий ғоя, маънавият асослари ва ҳуқуқ таълими” кафедрасининг 2017 йил 24 ноябрдаги 3-сон йиғилишида муҳокамадан ўтган ва факультет кенгашида муҳокама қилиш учун тавсия этилган.

Маъсул муҳаррир: У.Юсупов. Наманган вилояти 1- давлат нотариал идораси катта нотариуси

Тузувчи: М. Акаева - Намду Миллий ғоя, маънавият асослари ва ҳуқуқ таълими кафедраси доценти ю.ф.н.

Такризчилар:1. О. Чубоева -Намду Миллий ғоя, маънавият асослари ва ҳуқуқ таълими кафедраси катта ўқитувчиси.
2. Ж. Умаров- Намду Миллий ғоя, маънавият асослари ва ҳуқуқ таълими кафедраси катта ўқитувчиси.

Мазкур маърузалар матни Наманган давлат университети Илмий услубий кенгашининг йиғилиш қарорига асосан нашрга тасия этилган.
(2017 йил 20 декабрдаги № 5 сонли баённома)

М У Н Д А Р И Ж А

- 1-мавзу: Фуқаролик -ҳуқуқий муносабат тушунчаси ва элементлари. Фуқаролик -ҳуқуқий муносабат мазмуни.....4-18**
- 2-мавзу: Фуқаро(жисмоний шахс) тушунчаси. Фуқароларнинг ҳуқуқ лаёқати тушунчаси. Фуқаронинг муомула лаёқати тушунчаси.....19-32**
- 3-мавзу: Васийлик ва хомийлик тушунчаси ҳамда унинг аҳамияти.33-62**
- 4-мавзу: Юридик шахс тушунчаси ва белгилари. Юридик шахсларнинг вужудга келиши. Юридик шахснинг жавобгарлиги.....63-83**
- 5-мавзу: Фуқаролик ҳуқуқлари объектларининг тушунчаси ва турлари.....84-95**
- 6-мавзу: Битим тушунчаси ва турлари. Битимнинг бошқа юридик фактлардан фарқи. Битимларнинг аҳамияти ва қўлланиш соҳаси. Битим шакли.....96-109**
- 7-мавзу: Вакиллик тушунчаси, аҳамияти ва белгилаш асослари....110-117**
- 8-мавзу: Мажбурият тушунчаси. Мажбурият ҳуқуқи тушунчаси ва тарафлари. Мажбуриятларнинг мазмуни. Мажбуриятларнинг турлари.....118-161**
- 9-мавзу: Шартнома тушунчаси ва аҳамияти. Шартноманинг турлари.....162-172**
- 10-мавзу:Зарар етказишдан келиб чиқадиган мажбуриятларнинг умумий қоидалари.....173-186**
- 11-мавзу:Интеллектуал фаолият тушунчаси ва унинг асосий белгилари.187-219**
- 12-мавзу: Ворислик асослари.....220-270**

1. МАВЗУ: Фуқаролик -ҳуқуқий муносабат тушунчаси ва элементлари. Фуқаролик ҳуқуқий муносабат мазмуни.

Режа:

1. Фуқаролик ҳуқуқий -муносабат тушунчаси ва элементлари
2. Фуқаролик –ҳуқуқий муносабат мазмуни.
Фуқаролик субъектив ҳуқуқ ва бурч тушунчаси.
3. Фуқаролик ҳуқуқ ва бурчларнинг вужудга келиш асослари.
Юридик фактлар. Ҳуқуқ ва бурчларнинг узвий боғлиқ бўлишилиги.
4. Фуқаролик ҳуқуқларини амалга ошириш ва химоя қилиш.
5. Фуқаролик ҳуқуқи предмети ва услубининг фуқаролик ҳуқуқий муносабатларга бўлган таъсири.
6. Фуқаролик ҳуқуқий муносабатларнинг турларга бўлиниши. (таснифланиши)

Мавзунинг мақсади: Ҳар қандай ҳуқуқ соҳасининг тартибга соладиган ҳуқуқий муносабатлар доираси мавжуд. Бундан фуқаролик ҳуқуқи ҳам мустасно эмас. Фуқаролик-ҳуқуқий муносабатлар доимо ривожланишда бўлиб, иштирокчиларнинг тенг ҳуқуқлилиги асосидаги ўзаро алоқаларидан иборатдир. Мазкур бобда ўқувчи фуқаролик ҳуқуқини ўрганиш учун фуқаролик ҳуқуқий муносабатларнинг мазмунини англаш асосий аҳамиятга эга эканлигига эътибор бериши лозим. Зеро фуқаролик-ҳуқуқий муносабатлар билан боғлиқ тушунчалар бутун фуқаролик ҳуқуқи фани мавзуларида дуч келинади. Шунинг учун фуқаролик ҳуқуқий муносабатлар ҳақида аниқ бир тасаввурга эга бўлиш бутун фуқаролик ҳуқуқини ўрганишда калит вазифасини ўтайди.

1. Фуқаролик-ҳуқуқий муносабат тушунчаси ва элементлари.

Фуқаролар ва юридик шахслар ҳар доим турли хил (иқтисодий, маданий, маънавий ва ҳ.к.) эҳтиёжларни қондиришга муҳтож бўладилар. Бу мақсадда улар мулкка эга бўладилар, бир-бирларига турли хил хизматлар кўрсатадилар ва ишлар бажарадилар. Давлат фуқаролик қонунчилиги билан мулккий ва у билан боғлиқ номулкий муносабатларни, фуқаролик-ҳуқуқий муносабат иштирокчиларининг фуқаролик-ҳуқуқий мақомини тартибга солади, мулкдорнинг мулкка эга бўлиш имкониятини яратади ва уларнинг товар-пул муносабатларида иштирокини таъминлайди.

Ушбу муносабатлар тарафларнинг юридик тенглиги, уларнинг мулккий ва эрк-иродасининг мустақиллигига асосланади. Зеро ФКнинг 1-моддаси, 2-қисмига биноан, фуқаролар (жисмоний шахслар) ва юридик шахслар ўз фуқаролик ҳуқуқларига ўз эрklarига мувофиқ эга бўладилар ва бу ҳуқуқларини ўз манфаатларини кўзлаб амалга оширадилар.

Фуқаролик ҳуқуқи давлат ва жамият манфаатдор бўлган ички иқтисодий муносабатларни ривожлантиради, мустаҳкамлайди ҳамда ҳуқуқий тартибга солади, чунки улар жамиятнинг иқтисодий асоси, фундаментини

ташкил этади. Бу энг аввало мулкый ва товар-пул муносабатларидан иборатдир. Шунинг учун фуқаролик-ҳуқуқий нормаларда мулк ҳуқуқи ва бошқа ашёвий ҳуқуқлар, шунингдек шартнома эркинлиги тамойилига асосланган мажбурият муносабатларга эга бўлиш ва уларни амалга оширишга кенг имконият берилади.

Мулкый муносабатлар, шунингдек фуқаролик муомаласидаги муносабатлар иқтисодий қонунлар асосида ривожланади, лекин, уларнинг ривожланиши, мустахкамланишига давлат фуқаролик-ҳуқуқий нормалар орқали таъсир кўрсатади.

Давлат ҳуқуқ нормаларида турли хил иқтисодий муносабатларни ўрнатиш имкониятини олдиндан кўра билганлиги сабабли, у дарҳол ҳуқуқий алоқалар шаклида пайдо бўлади. Бунда иқтисодий ва бошқа муносабатлардан манфаатдор бўлган юридик ва жисмоний шахслар ўз эрк иродаси орқали муносабатда иштирок этадилар. Демак, турли хилдаги иқтисодий алоқалар ҳуқуқий муносабатлар шалида келиб чиқади, деган хулосага келиш мумкин.

Юқоридагилардан келиб чиқиб, фуқаролик-ҳуқуқий муносабат деб, юридик жиҳатдан тенг бўлган шахслар ўртасида бўладиган ва фуқаролик-ҳуқуқий нормалар билан тартибга солинадиган ижтимоий муносабатга айтилади. Шахслар (фуқаролар ва ташкилотлар, шунингдек давлат) ўртасида тузиладиган олди-сотди, маҳсулот етказиб бериш, бирор-бир ишни бажариш, ижара, қарз тўғрисидаги шартномалар фуқаролик-ҳуқуқий муносабатлар жумласига киради.

Фуқаролик-ҳуқуқий муносабат фуқаролик ҳуқуқи предмети доирасида субъектларнинг фуқаролик қонунчилиги билан тартибга солинадиган мулкый ва шахсий-номулкий муносабатлари натижасида юзага келади.

Бошқа фуқаролик-ҳуқуқий муносабат ҳам ҳуқуқий муносабатлар сингари учта мустақил элементдан – ҳуқуқий муносабат субъектлари, мазмуни ва объектларидан иборатдир.

Фуқаролик-ҳуқуқий муносабат субъектлари. Фуқаролик-ҳуқуқий муносабат ҳуқуқий нормалар билан тартибга солинувчи ижтимоий муносабат иштирокчилари ўртасида юз беради. Бу иштирокчилар муносабатга индивидуал ёки гуруҳ бўлиб киришишлари мумкин. Ҳуқуқий муносабат авваламбор, инсонлар (инсонлар Самоаси) ўртасидаги алоқа, боғланиш, муносабатдир ва ҳуқуқий муносабат субъекти деганда, ҳуқуқий нормалар туфайли муайян муносабатлар иштирокчиси ҳамда субъектив ҳуқуқ ва юридик мажбуриятлар эгаси бўлган инсонлар ёки ташкилотлар тушунилади¹.

Фуқаролик-ҳуқуқий муносабатларда фуқаролик ҳуқуқи субъектлари институти марказий ўрин эгаллайди. Мамлакатимизда амалга оширилаётган иқтисодий ва ҳуқуқий ислоҳотлар натижасида ушбу институтнинг мавқеи янада ошиб бормоқда ҳамда унинг доираси кенгаймоқда. Ушбу субъектлар иштирокисиз фуқаролик-ҳуқуқий муносабат вужудга келмайди. Бозор иқтисодиётига босқичма-босқич ўтиш борасида амалга оширилаётган қатор ислоҳотлар натижасида фуқаролик ҳуқуқи субъектларининг турлари ва

¹ Давлат ва ҳуқуқ назарияси. –Тошкент: Иқтисодиёт ва ҳуқуқ дунёси., 2000. –296-297 б.

хуқуқий мақоми ҳам янгича тус олиб бормоқда. Улар ҳаракати учун кенг имкониятлар яратиб берилмоқда. Ушбу хуқуқий муносабатда қатнашувчи субъектлар – фуқаролар ва ташкилотлар (яъни, юридик шахс хуқуқига эга бўлган корхоналар) ҳисобланади. Давлат ҳам фуқаролик-хуқуқий муносабат субъекти бўлиши мумкин.

2. Фуқаролик -хуқуқий муносабат мазмуни..Фуқаролик субъектив хуқуқ ва бурч тушунчаси.Фуқаролик хуқуқ ва бурчларнинг вужудга келиш асослари.

Фуқаролик-хуқуқий муносабатнинг мазмунини шу муносабатда қатнашувчи шахсларнинг субъектив хуқуқлари ва бурчлари ташкил этади. Баъзи муаллифлар фуқаролик-хуқуқий муносабатнинг мазмунини бундай муносабат қатнашчиларининг ўз субъектив хуқуқ ва мажбуриятларига мувофиқ амалга оширадиган ўзаро ҳаракатлари ташкил этади, субъектив хуқуқлар ва бурчлар эса хуқуқий муносабатнинг хуқуқий шаклидир, деб ҳисоблайдилар².

Субъектив хуқуқ дейилганда, муайян хуқуқий муносабатда қатнашувчи шахсга тегишли хуқуқ тушунилади. Субъектив хуқуқлар объектив хуқуқ нормалари, яъни давлат томонидан белгиланган умумий қоидалар асосида вужудга келади ва уларга мувофиқ равишда амалга оширилади³. Фуқаролик-хуқуқий муносабат иштирокчиларининг хуқуқлари одатда объектив хуқуқ (давлат томонидан ўрнатиладиган ва белгилаб қўйиладиган хуқуқлар) нормаларидан келиб чиқади. Ушбу хуқуққа нисбатан “субъектив” сўзи қўлланилишининг асосий сабаби, фуқаролик-хуқуқий муносабат иштирокчисининг ушбу хуқуқнинг соҳиби бўлиш ҳамда уни амалга оширишдаги хоҳиш-иродасининг бирлашиши аҳамиятга эгалигидир. Чунки субъектив хуқуқ соҳиби ўзининг бу хуқуқларини ўз хоҳишига кўра амалга ошириши ёки умуман амалга оширмаслиги ёхуд ушбу хуқуқлардан воз кечиши мумкин.

Субъектив хуқуқлар ўз эгасига қонун билан йўл қўйилган доираларда ўз хоҳиши ва ихтиёри билан ҳаракат қилиш имкониятини беради. Бошқача қилиб айтганда, субъектив хуқуқ субъектга ўз эркини амалга ошириш ва ўз манфаатларини қондириш имкониятини берадиган муносабатларни вужудга келтиради. Субъектив хуқуқ иккинчи томондан, хуқуққа эга бўлган шахснинг бошқа шахслардан ўз хуқуқининг бузилмаслигини талаб қилиш имкониятини назарда тутди. Масалан, мулк эгасининг субъектив хуқуқи, бир томондан, ўз мулкини эгаллаш, ундан фойдаланиш ва уни тасарруф этиш билан боғлиқ хуқуқларни назарда тутса, иккинчи томондан, у субъектив хуқуқ эгаси сифатида ўз хуқуқларининг бузилмаслигини ҳар кимдан талаб қила олади. Субъектив хуқуқлар ўз ҳаракатларига кўра мулкӣ ёхуд шахсий-номулкӣ бўлиши мумкин.

Фуқаролик-хуқуқий муносабатнинг объекти. Фуқаролик-хуқуқий муносабатнинг объекти деб, фуқаролик-хуқуқий муносабатда қатнашувчи

² Гражданское право. Учебник. Ч.1. -М.: Проспект., 1996. -78-79 б.

³ Халфина Р.О. Общее учение о правоотношении. -М.: Юридическая литература., 1974. -134-140 с.

шахсларнинг ҳаракатлари қаратилган ҳамда субъектив ҳуқуқлари ва мажбуриятлари белгиланган моддий ва номоддий неъматларга айтилади. Фуқаролик кодексининг 81-моддасига асосан фуқаролик-ҳуқуқий муносабат объекти доирасига ашёлар, шу жумладан пул ва қимматли қоғозлар, бошқа буюмлар, мол-мулк, шу жумладан мулкӣ ҳуқуқлар, ишлар ва хизматлар, ихтиролар, саноат намуналари, фан, адабиёт, санъат асарлари ва интеллектуал фаолиятнинг бошқа натижалари, шунингдек шахсий-номулкӣ ҳуқуқлар ва бошқа моддий ҳамда номоддий бойликлар киради.

Фуқаролик-ҳуқуқий муносабатларнинг объектлари сифатида кўрилган ашёлар фуқаролик ҳуқуқида муҳим аҳамиятга эга.

Ишлар ва хизматлар фуқаролар ва юридик шахсларга кўрсатиладиган ҳуқуқий муносабатларнинг объектлари бўлиб ҳисобланади⁴.

Масалан, олди-сотди шартномаси бўйича сотувчи ашёни топширишга қаратилган ҳаракатни қилади, пудрат шартномаси бўйича, кийим тикиш ательеси миждознинг буюртмаси бўйича кийим тикишга қаратилган ҳаракатни қилишга ва ўзи бажарган иш натижасини топширишга мажбурдир.

3. Фуқаролик ҳуқуқлари ва бурчларининг вужудга келиш асослари.

Юридик фактлар

Фуқаролик ҳуқуқи нормалари (қонунлар) ўз ўзидан фуқаролик-ҳуқуқий муносабатларни вужудга келтирмайди. Фуқаролик-ҳуқуқий муносабатларнинг вужудга келиши, ўзгариши ёки бекор бўлиши маълум ҳолатлар билан белгиланади. Бинобарин, ҳуқуқий муносабатларни белгилаш, ўзгартириш ва бекор қилишга қаратилган ҳолатлар юридик факт деб юритилади.

Фуқаролик-ҳуқуқий муносабатлар вужудга келиши учун ҳуқуқий нормаларда тўғридан-тўғри назарда тутилган, шунингдек назарда тутилмаган бўлсада, фуқаролик қонунларининг умумий асослари ва мазмунига мувофиқ келадиган муайян ҳолатлар мавжуд бўлиши керак.

Фуқаролик-ҳуқуқий муносабатларни вужудга келтирадиган, ўзгартирадиган ва бекор қиладиган асослар сифатида кўрилган юридик фактлар турлича бўлиб, субъектлар эрки-иродаси мазмунига кўра икки гуруҳга: ходисалар ва ҳаракатларга бўлиниши мумкин.

ФКнинг 8-моддаси 1-қисмида кўрсатилишича, фуқаролик ҳуқуқлари ва бурчлари қонун ҳужжатларида назарда тутилган асослардан, шунингдек фуқаролар ҳамда юридик шахсларнинг гарчи қонун ҳужжатларида назарда тутилган бўлмаса-да, лекин фуқаролик қонун ҳужжатларининг умумий негизлари ва мазмунига кўра фуқаролик ҳуқуқ ҳамда бурчларини келтириб чиқарадиган ҳаракатлардан вужудга келади.

ФКнинг 8-моддаси 2-қисмида фуқаролик ҳуқуқлари ва бурчлари вужудга келиш асослари санаб чиқилган. Улар қуйидагилардан иборат:

⁴ Ибратов Б. Служба быта и права потребителя. -Тошкент: Ўзбекистон., 1992. -35-40 с.

- 1) қонунда назарда тутилган шартномалар ва бошқа битимлардан, шунингдек гарчи қонунда назарда тутилмаган бўлса-да, унга зид бўлмаган шартнома ва бошқа битимлардан;
- 2) давлат органлари ҳамда фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органларининг фуқаролик ҳуқуқлари ва мажбуриятлари вужудга келишининг асоси сифатида қонунда назарда тутилган ҳужжатларидан;
- 3) суднинг фуқаролик ҳуқуқлари ва мажбуриятларини белгилаган қарорларидан;
- 4) қонун йўл қўйган асосларда мол-мулк олиш натижасида;
- 5) фан, адабиёт, санъат асарларини яратиш, ихтиролар ва бошқа интеллектуал фаолият натижасида;
- 6) бошқа шахсга зарар етказиш натижасида;
- 7) асоссиз бойиб кетиш натижасида;
- 8) фуқаролар ва юридик шахсларнинг бошқа ҳаракатлари натижасида;
- 9) қонун ҳужжатлари фуқаролик-ҳуқуқий оқибатларнинг келиб чиқиши билан боғлайдиган ҳодисалар натижасида.

Ҳодисалар, воқеалар, яъни кишиларнинг эркидан ташқари содир бўладиган фактлар (масалан, ўлим ва шунга ўхшашлар) фақат қонунда назарда тутилган ҳоллардагина фуқаролик ҳуқуқи ва мажбуриятларини вужудга келтиради. Масалан, фуқаро вафот этган тақдирда унинг меросхўрлари ворислик ҳуқуқи тўғрисидаги нормалар асосида мерос олиш ҳуқуқига, марҳумнинг қарзи бўлса, олган мерос мулки қиймати ҳажмидан шу қарзни тўлашга мажбур бўладилар. Табиий офатлар, ёнғин юз берган тақдирда, суғурта органлари жабрланган шахс зарарини суғурта ҳақидаги ҳуқуқий нормаларга асосан тўлашга мажбур бўладилар (агар аввалдан суғурта шартномаси тузилган бўлса).

Ҳаракатлар фуқаролик-ҳуқуқий муносабатларда қатнашувчи шахс (ёки шахслар) нинг эрки бўйича қилинадиган юридик фактлар ҳисобланади. Ҳар қандай ҳаракат ҳам юридик факт ҳисобланмайди, фақатгина муайян ҳуқуқий оқибат туғдирадиган ҳаракатгина юридик факт сифатида эътироф этилади.

Улар ўз навбатида икки турга: ҳуқуқ йўл қўйган ва ҳуқуқ йўл қўймаган ҳаракатларга бўлинади. Ҳуқуқ йўл қўйган ҳаракатлар қонун билан ман этилмаган ҳаракатлардан иборат. Бундай ҳаракатлар фуқаролар ва юридик шахсларнинг фуқаролик ҳуқуқлари ва бурчларини белгилаш, ўзгартириш ёки бекор қилишга қаратилган ҳаракатлар бўлиб, муайян ҳуқуқий оқибатни туғдиришга қаратилади. Ҳуқуқ йўл қўймаган ҳаракатларга бировга зарар етказиш ва асоссиз бойиб кетиш ҳолатлари киради (ФК, 8-модда, 2-қисм, 6-7-бандлар).

4. Фуқаролик ҳуқуқларининг амалга оширилиши ва бурчларининг бажарилиши.

Фуқаролик ҳуқуқларининг амалга оширилиши тушунчаси. Фуқаролар ва юридик шахслар ўзларининг ҳуқуқ лаёқати мазмунига яраша хилма-хил фуқаролик ҳуқуқлари олиш имкониятига эгадирлар. Фуқаролик ҳуқуқларни амалга ошириш билан боғлиқ барча масалалар уларни амалга

ошириш йўллари, доираси субъектив ҳуқуқлардан воз кечиш ёки бошқа шахсга ўтказиш кабилар ваколатли шахс томонидан ўз хоҳиш-иродаси асосида бажарилади.

Масалан, кредитор мажбуриятни нафақат ўз вақтида бажарилишини талаб қилиши, балки ундан воз кечиши, унинг қиймати ва миқдорини камайтириши, мажбуриятни талаб қилиш ҳуқуқини бошқа шахсга ўтказиши мумкин.

Шунингдек, қонунда белгиланган ҳоллардан ташқари, шахслар ўзларига тегишли бўлган ҳуқуқларни амалга оширишдан воз кечишлари бу ҳуқуқларни бекор бўлишига олиб келмайди. Масалан, акциядор жамият умумий йиғилишида қатнашмаслиги, унинг акциядор сифатидаги ҳуқуқларини амалга оширишларига тўсқинлик қилмайди ҳамда уни акциядорлар сафидан чиқариб юборилишига олиб келмайди.

Аксинча ўз ҳуқуқлари бузилган шахс ҳуқуқларини тиклаш мақсадида судга уч йилгача сабабсиз даъво билан чиқмаса, ўз ҳуқуқларини суд орқали тиклаш ҳуқуқидан маҳрум бўлади.

Баъзи субъектив ҳуқуқлар бир вақтнинг ўзида фуқаролик-ҳуқуқий мажбурият сифатида баҳоланади. Масалан, васий ўз васийлиги остидаги вояга етмаган фуқаро номидан битимлар тузиши учун васийлик остидаги шахснинг бу хусусидаги талабининг билдирилишини кутиши шарт эмас. Аксинча қонун-ҳужжатларига мувофиқ, унинг манфаатларини кўзлаб бундай юридик ҳаракатларни қилишга мажбур. Шунинг учун баъзи фуқаролик ҳуқуқлари нафақат ваколатли шахс хоҳишига, балки қонун талабларига мувофиқ ҳам амалга оширилиши лозим бўлади.

Одатда шахслар ўзларига тегишли ҳуқуқларни амалга ошириш орқали муносабатда иштирок этадилар. Ҳуқуқлар қонун, шартнома ёки битимлар асосида амалга оширилади.

Фуқаролик ҳуқуқларини ҳимоя қилиш

Одатда нормал фуқаролик муомаласи нафақат фуқаролик-ҳуқуқий муносабат субъектларининг субъектив ҳуқуқларини амалга ошириш балки, уларни ишонарли ҳимояси орқали ҳам намоён бўлади. Фуқаролик ҳуқуқларни амалга ошириш ва ҳимоя қилиш фақатгина ҳуқуқий чораларни қўллаш билан чекланмайди. Унинг учун зарурий шароитларни яратишга йўналтирилган сиёсий, иқтисодий, ташкилий ва бошқа характердаги чоралар ҳам мавжуд.

Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримов таъкидлаганидек, “инсон, унинг ҳуқуқ ва эркинликлари ҳамда манфаатлари, уларни ҳар томонлама ҳимоялаш ва таъминлаш, жамиятни демократлаштириш йўллари ҳақида гапирар эканмиз, бу мавзу дунёда ҳар доим, айниқса, сўнгги пайтларда энг ўткир долзарб масалага айланиб бораётганлигини кузатиш мумкин ва буни табиий ҳол деб қабул қилишимиз керак”⁵.

Фуқаролик ҳуқуқларини ҳимоя қилиш фуқаролик ҳуқуқи назариясининг асосий категорияларидан бири саналади.

⁵ Каримов И.А. Инсон, унинг ҳуқуқ ва эркинликлари ҳамда манфаатлари – энг олий қадрият. // Халқ сўзи, 2005 йил 9 декабрь.

Фуқаролик ҳуқуқларини ҳимоя қилиш қонунда белгиланган доирада яъни ҳимоянинг маълум бир шакл, усул ва воситаларини қўллаган ҳолда амалга оширилади. Фуқаролик ҳуқуқларининг ҳимоя қилиш шакли деганда фуқаролик ҳуқуқлар ҳамда қонуний манфаатларни ҳимоя қилишдаги ташкилий чора-тадбирлар мажмуи тушунилади. Фуқаролик ҳуқуқларининг ҳимоя қилишнинг икки – юрисдикциявий (суд орқали) ва ноюрисдикциявий (судсиз) шакллари мавжуд.

Фуқаролик ҳуқуқларини ҳимоя қилиш усуллари деганда қонун томонидан мустаҳкамланган мажбурий тусдаги моддий-ҳуқуқий чоралар тушунилади. Ушбу чоралар ёрдамида бузилган (низолашаётган) ҳуқуқларни тиклаш ва ҳуқуқбузарга муайян таъсир ўтказиш амалга оширилади. Уларнинг умумий рўйхати ФКнинг 11-моддасида мустаҳкамлаб қўйилган. Улар қуйидагилардан иборат:

- 1) ҳуқуқни тан олиш (масалан, асарнинг, биров томонидан ўзлаштирилиб нашр этилгани тўғрисида низо бўлгани ҳолда, шу асарга нисбатан муаллифликни тан олиш);
- 2) ҳуқуқ бузилишидан олдинги ҳолатни тиклаш ва ҳуқуқни бузадиган ёки унинг бузилиши хавфини туғдирадиган ҳаракатларнинг олдини олиш (масалан, мулк эгаси ўзининг мулкидан фойдаланиш ҳуқуқининг ҳар қандай равишда бузилишини бартараф этиш ва келгусида мулкдан фойдаланишда ҳалақит бермаслик мажбуриятини бузувчи шахсга юклаш);
- 3) битимни ҳақиқий эмас деб топиш ва унинг ҳақиқий эмаслиги оқибатларини қўллаш (ФКнинг 116-125-моддалари талабларига асосан, битим қонун талаб қиладиган шаклга риоя этмасдан тузилса, қонун ҳужжатларининг талабларига мувофиқ бўлмаса, муомалага лаёқатсиз, муомалага лаёқатсиз деб топилган ва муомала лаёқати чекланган фуқаро томонидан тузилганда, ўз ҳаракатларининг аҳамиятини тушуна олмайдиган ёки уларни бошқара олмайдиган фуқаро томонидан тузилганда, янглишиш таъсирида тузилганда, алдаш, зўрлик, қўрқитиш, бир тараф вакилининг иккинчи тараф билан ёмон ниятда келишиши ёки оғир ҳолатлар юз бериши таъсирида, қалбаки ва кўзбўямачилик учун тузилганда шунингдек, юридик шахс ҳуқуқий лаёқатидан ташқарида тузилса ҳақиқий эмас деб топилади.
- 4) давлат органининг ёки фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органининг ҳужжатини ҳақиқий эмас деб топиш (Бу ҳимоя усули фуқаролик қонунчилигида янги киртилган усуллардан бири бўлиб ҳисобланади. Фуқаронинг ҳуқуқлари ва эркинликларини бузадиган, фуқаронинг ўз ҳуқуқлари ва эркинликларини рўёбга чиқаришига монелик туғдирадиган ҳамда фуқаро зиммасига қонунга хилоф равишда қандайдир мажбурият юклатилишига сабаб бўлган хатти-ҳаракатлар вужудга келтирувчи турли ҳужжатлари (қарорлари) шикоят билан судга мурожаат қилиш ҳуқуқини вужудга келтиради.
- 5) шахснинг ўз ҳуқуқларини ўзи ҳимоя қилиши (мазкур усул ноюрисдикциявий усул ҳисобланиб, ўз ҳуқуқини ҳимоя қилаётган шахсдан ҳимоявий чора-тадбирларни қонун талабларига мувофиқ амалга оширишни талаб этади. Бу ҳолатда охириги зарурат ва зарурий муодофаа чегараларидан

четга чиқмаслик, учинчи шахсларнинг ҳуқуқ ва манфаатларига путур етказмаслик шарт, яъни ФКнинг 13-моддаси талабларига мувофиқ, фуқаролик ҳуқуқларини шахснинг ўзи ҳимоя қилиш усуллари ҳуқуқни бузишга мутаносиб бўлиши ҳамда ҳуқуқ бузилишининг олдини олиш учун зарур ҳаракатлар доирасидан чиқиб кетмаслиги керак);

б) бурчни аслича (натура) бажаришга мажбур қилиш (масалан, сотилган ашё сотувчи томонидан ихтиёрий равишда топширилмаганида унинг олувчисига мажбурий тарзда олиб бериш);

7) зарарни тўлаш (шахс ҳуқуқи бузилганлиги туфайли кўрган зарарини тўла қопланишини талаб қилиши қонун билан кафолатланади. Зарарларни қоплаш бузилган ҳуқуқ ва манфаатларни уни бузишда айбдор бўлган шахс ҳисобига тиклашдир Мажбурият бажарилмаган ёки лозим даражада бажарилмаган ҳолларда кредиторга етказилган зарарни тўлаш мажбурий ҳисобланади);

5. Фуқаролик ҳуқуқи предмети ва услубининг фуқаролик ҳуқуқий муносабатларга бўлган таъсири.

Фуқаролик ҳуқуқи –юридик жиҳатдан тенг бўлган субъектлар ўртасидаги мулкӣ ва шахсий-номулкӣ муносабатларни тартибга соладиган ҳамда мустаҳкамлайдиган ҳуқуқий нормалар йиғиндисидир. Фуқаролик ҳуқуқининг ҳуқуқ соҳалари тизимида тутган ўрнини англаш учун, даставвал ушбу ҳуқуқ соҳаси тартибга соладиган ижтимоий муносабатларни таҳлил этиш лозим.

Ижтимоий муносабатлар тизимида фуқаролик ҳуқуқи тартибга соладиган муносабатлар кенг ўринни эгаллайди. Айниқса, бу муносабатлар кишилар ўртасидаги ўзаро иқтисодий муомалада, кундалик эҳтиёжларни қондиришга қаратилган ҳаракатларда кўп учрайди.

Фуқаролик ҳуқуқ нормалари билан тартибга солинадиган юридик жиҳатдан тенг бўлган субъектлар ўртасида юзага келадиган мулкӣ, шахсий-номулкӣ ва ташкилий-ҳуқуқий мазмундаги житимоий муносабатлар – фуқаролик ҳуқуқи предметидир.

Мулкӣ муносабатлар. Фуқаролик-ҳуқуқий муносабатлар доирасида мулкӣ муносабатлар етакчи ўринни эгаллайди. Мазкур хилма-хил ва жуда кенг қамровли муносабатларнинг “мулкӣ муносабатлар” деб номланишига сабаб, бу муносабатларнинг вужудга келиш асосида ва замирида мол-мулк ҳамда моддий неъматлар ётишидир.

Мулкӣ муносабатлар деганда, вужудга келиш асосида мол-мулк ва моддий неъматлар ётадиган муносабатлар тушунилади. Одатда мулкӣ муносабатлар иқтисодий муносабатлар, яъни ишлаб чиқариш воситалари, истеъмол буюмлари, умуман киши меҳнатининг ҳар қандай маҳсулотларни яратиш, эгаллаш, фойдаланиш ва тасарруф этиш билан боғлиқ бўлган ижтимоий муносабатларни қамраб олади.

Шахсий-номулкӣ муносабатлар. Фуқаролик ҳуқуқи предметининг асосий мазмуни мулкӣ муносабатлардан иборат бўлса-да, муҳим ижтимоий-иқтисодий аҳамиятга эга бўлган шахсий-номулкӣ муносабатлар ҳам борки,

уларни ҳуқуқий тартибга солишда фуқаролик қонун ҳужжатлари муҳим ўрин эгаллайди.

Фуқаролик ҳуқуқи томонидан тартибга солинадиган мулкӣ кўринишда бўлмаган шахсий ҳуқуқий муносабатлар икки турга: мулкӣ муносабатлар билан боғлиқ бўлган шахсий муносабатларга ва мулкӣ муносабатлар билан боғлиқ бўлмаган шахсий муносабатларга (шахсий номулкий) бўлинади.

Шундай шахсий характердаги муносабатлар борки, улар бевосита мулкӣ муносабатлар билан боғлиқ. Мулкӣ муносабатлар билан боғлиқ бўлган муносабатларга мисол қилиб, интеллектуал фаолият натижалари – муаллифлик ҳуқуқи, турдош ҳуқуқлар, саноат намуналарига бўлган ҳуқуқлар, селекция ютуқларига бўлган ҳуқуқлар, интеграл микросхемаларга бўлган ҳуқуқлар, товар (иш, хизмат)ларни индивидуаллаштиришга бўлган ҳуқуқлар (фирма номи, товар (хизмат) белгиси, савдо белгиси)га доир муносабатларни кўрсатиш мумкин.

Интеллектуал фаолият натижаларининг муаллифлари ана шу натижаларга нисбатан шахсий-номулкий ва мулкӣ ҳуқуқларга эга бўладилар. Шахсий-номулкий ҳуқуқлар муаллифга унинг мулкӣ ҳуқуқларидан қатъи назар тегишли бўлади ва унинг интеллектуал фаолият натижаларига бўлган мулкӣ ҳуқуқлари бошқа шахсга ўтган тақдирда, унинг ўзида сақланиб қолади.

Ташкилий-ҳуқуқий муносабатлар. Фуқаролик-ҳуқуқий муносабатлар фақатгина мулкӣ ва шахсий-номулкий характердаги муносабатлардан иборат эмас. Ҳозирги ривожланган фуқаролик ҳуқуқи назариясида предмет доирасининг кенгайганлиги эътироф этилмоқда. Яъни мулкӣ ва шахсий-номулкий муносабатлар билан бирга ташкилий-ҳуқуқий муносабатлар ҳам фуқаролик ҳуқуқи предмети доирасига киради.

Ижтимоий муносабатларни тартибга солишда ҳар бир фан ўзига хос метод (услуг)лардан фойдаланади. Метод – бу муайян ижтимоий соҳада юридик усуллар йиғиндиси, юридик таъсир воситаларини қўллашни ифода этувчи тартиб ва қоидалар йиғиндисидир.

Фуқаролик ҳуқуқининг асосий тамойиллари

Фуқаролик ҳуқуқи билан боғлиқ бўлган умумҳуқуқий тамойиллар жумласига демократизм, қонунийлик, адолат, инсонпарварлик, фуқароларнинг қонун олдида тенглиги, давлат ва шахснинг ўзаро масъуллиги каби тамойилларни келтириш мумкин.

Демократизм тамойили фуқаролик ҳуқуқининг субъектлари ҳисобланган жамоат бирлашмалари ва бошқа нодавлат ноижорат ташкилотлари томонидан амалга оширилиши билан характерланади.

Қонунийлик тамойили барча ҳуқуқ соҳаларида бирдек амалда бўлгани каби фуқаролик ҳуқуқида ҳам раҳбарий қоида сифатида алоҳида ўрин тутаяди. Зеро, қонунийлик тамойили бутун мамлакат ҳудудида ягона ва бўлинмас мезон сифатида амалда бўлар экан, барча ҳуқуқ соҳаларининг нормалари ана шу тамойил асосида шакллантирилиши лозим бўлади.

Адолат тамойили фуқаролик ҳуқуқи субъектларининг ўзаро муроаса асосида алоқа олиб боришларини таъминлайди. Ҳуқуқ нормалари амал қилишида ҳам

адолат тамойили асосий мезон бўлиб ҳисобланади ва у фуқаролик-ҳуқуқий асосий манбаси ҳисобланган ФКнинг айрим нормаларида тўғридан-тўғри ўз ифодасини топган. Масалан, ФКнинг 5-моддасига асосан, қонун ўхшашлигидан фойдаланиш мумкин бўлмаса, тарафларнинг ҳуқуқ ва бурчлари фуқаролик қонун ҳужжатларининг умумий негизлари ва мазмуни (ҳуқуқ ўхшашлиги)га ҳамда ҳалоллик, оқиллик ва адолат талабларига амал қилган ҳолда белгиланади (ҳуқуқ аналогияси).

Инсонпарварлик тамойили ҳам фуқаролик ҳуқуқи муҳим аҳамият касб этади. Фуқаролик ҳуқуқининг кўплаб нормалари инсонпарварлик тамойилига асосланади. Мазкур тамойилнинг ифодаси шаън, кадр-қиммати, ҳаёти, соғлиги ҳамда бошқа ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш билан боғлиқ фуқаролик қонун ҳужжатларида ўз аксини топган.

Умумҳуқуқий тамойилларидан яна бири ҳисобланган, **фуқароларнинг қонун олдида тенглиги тамойили**, фуқаролик-ҳуқуқий тамойиллар учун бевосита тааллуқли ҳисобланади.

Фуқаролик ҳуқуқининг соҳавий-асосий тамойиллари қуйидагилардан иборат:

1) *Фуқаролик-ҳуқуқий муносабатларда иштирок этувчи тарафларнинг тенг ҳуқуқлилиги.*

2) *барча мулк шаклларининг тенглиги ва ҳуқуқий томондан баб-баравар муҳофаза қилиниши.*

3) *мулкий муносабатларнинг мафкуравий муносабатлардан ажратилганлиги.*

4) *қонунда нимаки тақиқланмаган бўлса, руҳсат берилади.*

5) *фуқаролик-ҳуқуқий муносабатлар иштирокчилари мулкнинг дахлсизлиги*

6) *қонуний асосларга эга бўлмасдан туриб, ҳеч ким иштирокчиларнинг хусусий ишларига ўзбошимчалик билан аралашмаслик тамойили.*

7) *фуқаролик ҳуқуқларининг тўсқинликсиз амалга оширилиши (ФКнинг 1-моддаси).*

8) *фуқаролик-ҳуқуқий муносабат иштирокчиларининг бузилган ҳуқуқларининг тикланиши (ФКнинг 1-моддаси).*

9) *фуқаролик-ҳуқуқий муносабат иштирокчилари ҳуқуқларининг суд орқали ҳимоя қилинишини таъминлаш (ФКнинг 1-моддаси).*

10) *шартнома тузиш эркинлиги (ФК 1-354-моддалар).*

11) *Ўзбекистон Республикасининг бутун ҳудудида товарлар, хизматлар ва молиявий маблағларни эркин ҳаракатда бўлиши (ФК 1-моддаси).*

6. Фуқаролик-ҳуқуқий муносабатларнинг турлари (таснифи)

Юқорида таъкидланганидек, фуқаролик-ҳуқуқий муносабатлар турли-туман ва кенг қамровлидир.

Фуқаролик-ҳуқуқий муносабатларни турларга бўлишда ҳуқуқий муносабатнинг вужудга келиш асоси, ҳуқуқий муносабат субъектлари ваколатлари доираси, моддий ва номоддий неъматларнинг фуқаролик муомаласидаги ҳолати асосий мезон сифатида белгиланади. Масалан, ҳуқуқий муносабатнинг вужудга келиш асосига кўра фуқаролик-ҳуқуқий муносабатлар – мулкий характердаги ва мулкий характерда бўлмаган шахсий ҳуқуқий муносабатларга, ҳуқуқий муносабат иштирокчилари ваколатлари

доирасига кўра - мутлоқ ва нисбий ҳуқуқий муносабатлар, моддий ва номоддий неъматларнинг фуқаролик муомаласидаги ҳолатига кўра – мулкӣ ҳуқуқий ва мажбурият ҳуқуқий муносабатларга бўлинади.

1. Мулкӣ характердаги ва мулкӣ характерда бўлмаган шахсий ҳуқуқий муносабатлар. Мулкӣ характердаги муносабатлар дейилганда, муайян иқтисодий мазмунга эга бўлган ижтимоий муносабатлар, масалан, мулк юзасидан белгиланадиган, мулкни сотиш, ижарага қўйиш ва бошқача шаклда қўлдан-қўлга ўтказиш, умуман, мулкӣ муомала билан боғлиқ ҳуқуқий муносабатлар англашилади. Мулкӣ характерда бўлмаган шахсий ҳуқуқий муносабатлар шахс (фуқаролар ва юридик шахслар)нинг ўзи билан бевосита боғлиқ бўлган, ўз соҳибидан бегоналаштирилиши ва бировга ўтказилиши мумкин бўлмаган шахсий ҳуқуқлар, чунончи, шахснинг муаллифлик номи, кадр-қиммати ва бошқа шахсий манфаатлари билан боғлиқ бўлган ҳуқуқлардан иборат.

2. Мутлоқ ва нисбий ҳуқуқий муносабатлар. Мутлоқ ҳуқуқий муносабатларда субъектив ҳуқуқ эгалари ўз ҳуқуқларининг бузилмаслигини ҳар кимдан ва ҳаммадан талаб қила оладилар. Мутлоқ ҳуқуқлар номаълум ҳар бир кимса томонидан бузилиши мумкин бўлгани сабабли ҳар кимдан қўриқланади. Уларга мулк, муаллифлик ҳуқуқлари, шахсий ҳуқуқ кабилар киради. Нисбий ҳуқуқий муносабатда эса фақат бир шахс (ёки шахслар)гина ҳуқуқ ёки мажбурият олади. Нисбий ҳуқуқлар зиммасида мажбурият олган маълум шахс (ёки шахслар)га нисбатангина кучда бўлади. Шартномага асосланган барча ҳуқуқлар нисбий ҳуқуқлар жумласидандир. Нисбий ҳуқуқларга асосланган талабларнинг амалга оширилиши, мажбуриятларнинг бажарилиши, қарзга олинган пулнинг тўланиши бўйича ўз зиммасига шартнома асосида мажбурият олган шахсдангина талаб қилиш мумкин бўлади.

3. Мулкӣ ҳуқуқий ва мажбурият ҳуқуқий муносабатлар. Мулкӣ ҳуқуқий муносабатлар юқорида қайд этилганидек, мутлоқ ҳуқуқий муносабат бўлиб, мулкӣ характерга эга ҳамда ашёни эгаллаш, ундан фойдаланиш ва уни тасарруф этишга қаратилади. Мулкӣ-ҳуқуқий муносабатларда ҳуқуқ эгаси бўлган шахслар бошқа шахсларнинг ижобий ҳаракатларига муҳтож бўлмай, ўз ҳуқуқларини ўзлари бевосита амалга ошириш имкониятига эга бўладилар.

Мажбурият-ҳуқуқий муносабатлари нисбий муносабат бўлиб, мулкӣ ҳуқуқий муносабатлар билан боғлиқ бўлса ҳам, ҳамма вақт моддий нарса (ашё) билан боғлиқ бўлмаслиги мумкин. Бундай муносабатлар, одатда, фуқаролик муомаласи натижасида вужудга келади. Чунончи, муайян ишларни бажариш, хизмат кўрсатилиши ёки етказилган зарарни тўлатилишига қартилиши мумкин. Барча шартномалар, бировга зарар етказиш, мулкни асоссиз олиш ёки тежаш билан боғлиқ муносабатлар мажбурият муносабатлари ҳисобланади.

Кейинги йилларда фуқаролик ҳуқуқининг ривожланиши ва бозор иқтисодиёти шароитида фуқаролик-ҳуқуқий муносабат иштирокчиларига кенг имкониятлар берилиши сабабли фуқаролик-ҳуқуқий муносабатларни

турларга бўлиш меъзонлари ҳам ўзгариб бормоқда. Айниқса, юридик шахсларнинг давлат монополиясига барҳам берилиши ва ҳуқуқий муносабат иштирокчиларига нисбатан ижтимоий ҳимоя тамойилларининг амал қилиниши натижасида фуқаролик-ҳуқуқий муносабатларни корпоратив ҳуқуқий муносабатлар ва имтиёзли ҳуқуқий муносабатларга бўлиш мумкинлиги ҳақидаги фикр-мулоҳазалар юридик адабиётларда ўз ифодасини топмоқда.

4. Корпоратив ҳуқуқий муносабатлар. Бозор муносабатлари тизимида фуқаролик-ҳуқуқий муносабатларнинг янги тури – корпоратив ҳуқуқий муносабатлар ҳам вужудга келди ва у фуқаролик ҳуқуқи предмети доирасини ташкилий-ҳуқуқий муносабатлар билан кенгайтишига олиб келди. Субъектларни юридик шахс белгиларига эга бўлган ташкилий-ҳуқуқий тузилмалар – корпорацияларда аъзолиги (иштироки) асосида вужудга келадиган ҳуқуқий муносабатлардир. Корпоратив ҳуқуқий муносабатларнинг вужудга келиш асослари турлича бўлиб, улар жумласига:

- таъсис шартномасида қатнашиш;
- кооперативга аъзо бўлиб кириш;
- акцияларни сотиб олиш ва ш.к. киради.

Корпоратив ҳуқуқларни амалга ошириш бевосита ёхуд бавосита бундай ҳуқуқ соҳиблари мулкӣ манфаатларини қаноатлантириш мақсадини кўзда тутади. Шу сабабли ҳам корпоратив ҳуқуқларни мулкӣ ҳуқуқлар жумласига мансуб деб ҳисоблаш мумкин.

Имтиёзли (афзаллик) ҳуқуқий муносабатлар.

Фуқаролик-ҳуқуқий муносабатларида муайян ҳуқуқ субъектига имтиёз, афзаллик берувчи ҳуқуқлар мазмунини ўз ичига олган алоҳида гуруҳдаги ҳуқуқий муносабатлар мавжуд. Масалан, улушли мулкда умумий улушли мулкдаги улуш сотилганда шерик мулкдорлар имтиёзли сотиб олиш ҳуқуқига эга (ФК, 224-модда).

Мавзунӣ мустаҳкамлаш учун саволлар.

1. Фуқаролик ҳуқуқий -муносабат тушунчаси?
2. Фуқаролик ҳуқуқий муносабат элементларини тушунтириб беринг?
3. Фуқаролик –ҳуқуқий муносабат мазмунини қандай?
4. Фуқаролик субъектив ҳуқуқ ва бурч тушунтириб беринг?
5. Фуқаролик ҳуқуқ ва бурчларнинг вужудга келиши қандай асосларда пайдо бўлади?
6. Юридик фактлар тушунчасини айтиб беринг?
7. Ҳуқуқ ва бурчларнинг узвий боғлиқ бўлишилиги ҳақида тушунча беринг.
8. Фуқаролик ҳуқуқларини амалга оширишқандай тартибда амалга оширилади?
9. Фуқаролик ҳуқуқларини ҳимоя қилишни тушунтириб беринг?
10. Фуқаролик ҳуқуқи предмети ва услубининг фуқаролик ҳуқуқий муносабатларга бўлган таъсири қандай?
11. Фуқаролик ҳуқуқий муносабатларнинг турларга бўлиниши.(таснифланиши)ҳақида тушунча беринг?

Таянч сўз ва иборалар.

Фуқаролик ҳуқуқий –муносабат,Фуқаролик ҳуқуқий муносабат элементлари, Фуқаролик –ҳуқуқий муносабат мазмуни, Фуқаролик субъектив ҳуқуқ,бурч , юридик фактлар,фуқаролик ҳуқуқларини химоя қилиш,фуқаролик ҳуқуқи предмети, имтиёзли (афзаллик) ҳуқуқий муносабатлар, мулкӣ ҳуқуқий ва мажбурият ҳуқуқий муносабатлар,мутлоқ ва нисбий ҳуқуқий муносабатлар .

Глосарийлар.

Ўзбекистон Республикасининг фуқаролик ҳуқуқи фани тушунчаси - фуқаролик ҳуқуқи ҳуқуқнинг алоҳида соҳаси бўлиб, у фуқаролик ҳуқуқий муносабатларни тартибга солиди ва мустаҳкамлайди.

Ўзбекистон Республикасининг фуқаролик ҳуқуқи фани предмети - мулкӣ муносабатлар ва шахсий номулкӣ муносабатлардир.

Фуқаролик ҳуқуқи манбалари - фуқаролик-ҳуқуқий муносабатларни тартибга солидиган норматив ҳужжатлар фуқаролик ҳуқуқининг манбаи ҳисобланади.

Фуқаролик ҳуқуқи манбалари турлари - фуқаролик ҳуқуқи манбаларига қуйидагилар киради:

Ўзбекистон Республикасининг Конституциявий қонунлари (масалан, Ўзбекистон Республикасининг Давлат мустақиллиги асослари тўғрисидаги Конституциявий қонуни).

Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодекси.мазмунда фуқаролик ҳуқуқи нормалари ётувчи бошқа кодекслар (Оила кодекси, Ер кодекси, Уй-жой кодекси).

Жорий қонунлар (Ўлкчилик тўғрисидаги, Истеъмолчиларнинг ҳуқуқларини химоя қилиш тўғрисидаги, Лизинг тўғрисидаги қонунлар, улар юздан ортиқ).

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг қарорлари.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармонлари.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари.

Давлат бошқарув органларининг норматив-ҳуқуқий ҳужжатлари, (Вазирликлар, давлат қўмиталари, идоралари).

Маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг қарорлари.

Одат ҳуқуқи нормалари.

Муносабат тушунчаси - фуқаролик ҳуқуқий муносабат яъни шахслар ўртасидаги муносабатдир.

Фуқаролик ҳуқуқининг субъекти сифатида жисмоний шахслар – Ўзбекистон Республикаси фуқаролари, чет эл фуқаролари ва фуқаролиги бўлмаган шахслар.

Фойдаланилган адабиётлар.

Асосий адабиётлар:

1. Зокиров И.Б. Фуқаролик ҳуқуқи: Дарслик. 1 қисм. –Т. ТДЮИ нашриёти, 2009. 611 б.
2. Инсон ҳуқуқлари тўғрисида халқаро Билль. -Т.: Адолат. 1992.
3. Муаллифлар жамоаси. Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг иккинчи қисмига шарҳлар. -Т.: Иқтисодиёт ва ҳуқуқ дунёси. 1998.324 б.
4. Топилдиев Б. Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик ҳуқуқи. (биринчи ва иккинчи қисмлар). -Т.: ТДЮИ. 2014.511 б.

Қўшимча адабиётлар:

- 1.Каримов И.А. Инсон, унинг ҳуқуқ ва эркинликлари ҳамда манфаатлари – энг олий қадрият. // Халқ сўзи, 2005 йил 9 декабрь.
- 2.Мирзиёев Ш.М. Демократик ислоҳотларни изчил давом эттириш халқимиз учун тинч ва осойишта, муносиб ҳаёт даражасини яратиш барқарор тараққиёт кафолатидир // Халқ сўзи. 2016 йил 2 ноябр.
- 3.Мирзиёев Ш.М. Қонун устуворлиги ва инсон манфаатларини таъминлаш- юрт тараққиёти ва халқ фаровонлигининг гарови Халқ сўзи 8 декабр 2016 йил. Ўзбекистон Республикасининг сайланган Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганлигининг 24 йиллигига бағишланган тантанали маросимидаги маърузаси.
4. Узбекистон Республикаси Президентининг "2017 — 2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устивор йуналиши буйича Ҳаракатлар стратегиясини амалга оширишга доир ташкилий чора-тадбирлар тўғрисида" 2017 йил 14 февралдаги Ф-4849- сонли Фармойиши. Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2017 й.. 7-сои, 88-модда;
- 5.Ўзбекистон Республикаси Конституцияси-Т.: Ўзбекистон, 2017.

6. Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик кодекси. (2016 йил 1 июлгача бўлган ўзгариш ва қўшимчалар билан). Тўплам. “Адолат” нашриёти.

Электрон ресурслар

<http://Allpravo.ru>

<http://Internet-law.ru>

<http://dissertation1.narod.ru/avtoreferats1>

<http://www.library.by/data>

<http://www.lawportal.ru>

<http://www.legislature.ru>

2-мавзу: Фуқаро(жисмоний шахс) тушунчаси. Фуқароларнинг ҳуқуқ лаёқати тушунчаси. Фуқаронинг муомула лаёқати.

Режа:

- 1.Фуқаро (жисмоний шахс) тушунчаси.**
- 2.Фуқароларнинг ҳуқуқ лаёқати тушунчаси.**
- 3.Фуқароларнинг муомула лаёқати тушунчаси.**

1. Фуқаро (жисмоний шахс) тушунчаси

Мазкур ҳуқуқ субъекти фуқаролик ҳуқуқ назариясида ўзига хос аҳамиятга эгадир. Умуман олиб қараганда мазкур субъект – инсонлардир. Зеро “инсон ва фуқаро” тирик организм бўлиб, бу икки тушунча социал биологик шахс - жамият аъзосига нисбатан қўлланилади⁶. “Инсон” ва “фуқаро” тушунчалари гарчи синоним сўзлардек туюлса-да, лекин бу икки тушунча ўртасида фарқлар мавжуд

. “Инсон” тушунчаси фалсафий тушунчадир. Мазкур тушунча кенг камровли, бутун дунёда истиқомат қилувчи ибтидоий ёки маданий кўринишда ҳаёт кечиришидан қатъи назар барча инсонларни ўз ичига қамраб олади. Мазур тушунча “Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларацияси”да қўлланилган⁷.

Фуқаролик ҳуқуқ нормаларида “инсон” тушунчаси ўрнига “фуқаро” тушунчаси қўлланилган. Лекин бу тушунча фуқаролик ҳуқуқининг мазкур биологик субъектларининг барчасини қамраб олмайди. Зеро “фуқаро” муайян давлатга тегишлилик маъносида ишлатилади. Шу сабабли фуқаролик қонун ҳужжатларида, аниқроғи ФК нормаларида бундан ташқари “жисмоний шахс” тушунчаси ҳам қўлланилади.

Бу тушунча кенг маънода ижтимоий ҳаётда субъект сифатида намоён бўлувчи жисмий мавжудлик билан боғлиқ. Шу сабабли ФКнинг 3-боби “Фуқаролар (жисмоний шахслар)” деб номланади ва барча жисмий субъектларни ўз ичига қамраб олади. Фуқаролик ҳуқуқида жисмоний шахс ўзига хос ҳуқуқий мақомга эга. Унинг субъектчилиги ҳали инсон сифатида мавжуд бўлмаган ҳолларда ҳам (туғилмасдан олдин меросга эга бўлиш жараёнида) юзага келиши мумкин. Бундай “хусусият” юридик шахс ва давлатда мавжуд эмас.

2. Фуқаролик ҳуқуқ лаёқати тушунчаси

Жисмоний шахсларнинг фуқаролик-ҳуқуқий муносабатдаги ҳуқуқий ҳолати ҳуқуқ ва муомала лаёқати категориялари орқали “очиқ” берилади. Фуқароларнинг фуқаролик ҳуқуқ лаёқати ҳуқуқ ва мажбуриятларга эга бўлиш лаёқати бўлиб, у тенг равишда эътироф этилади. Давлат ҳаётнинг моддий шароитларига қараб фуқароларнинг ҳуқуқ лаёқати, яъни муайян ҳуқуқ ва бурчларга эга бўлиш лаёқатини белгилайди.

Ҳуқуқ лаёқатининг белгилари ва мазмуни жамиятдаги ишлаб чиқариш муносабатларидан келиб чиқади.

⁶ Матқурбанов Р.Ж. Проблемы правосубъектности граждан (физических лиц) в гражданском праве. – Ташкент: ТГЮИ, 2008. -58 с.

⁷ Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларациясига шарҳлар. –Тошкент: Адолат, 1999.

Фуқаролик ҳуқуқ лаёқати фуқароларга ўзларининг моддий ва маданий эҳтиёжларини қондириш мақсадида хилма-хил ҳуқуқий муносабатларга киришишнинг юридик имкониятини беради.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 18-моддасида айтилганидек, Ўзбекистон Республикасидаги барча фуқаролар бир хил ҳуқуқ ва эркинликларга эга бўлиб, жинси, ирқи, миллати, тили, дини, ижтимоий келиб чиқиши, эътиқоди, шахси ва ижтимоий мавқеидан қатъи назар, қонун олдида тенгдирлар. Ушбу қоидага асосланган ҳолда фуқаролик ҳуқуқида фуқаролар ҳуқуқ лаёқатида тенг ҳисобланадилар. Яъни барча фуқароларга бир хилдаги ҳуқуқ ва бурчлар белгиланади.

Ўзбекистон Республикаси фуқаролари ҳуқуқ лаёқатининг мазмуни Конституциянинг “Инсон ва фуқароларнинг асосий ҳуқуқлари, эркинликлари ва бурчлари” номли иккинчи бўлимидаги қатор моддаларда кенг таърифланган ва мустаҳкамланган. Уларда фуқароларнинг мол-мулкка эга бўлиши, мерос олиши, мерос қолдириши, касб ва турар-жой танлаш, фан, адабиёт, санъат асарлари яратиш, тadbиркорлик фаолияти билан ва умуман қонунда тақиқланмаган ҳар қандай фаолият билан шуғулланиш, шунингдек бошқа кенг мулкӣ ва шахсий-номулкӣ ҳуқуқларга эга бўлишлари мумкинлиги айтилган ва асосий қонун доирасида мустаҳкамланган.

Ҳуқуқ лаёқатининг бошланиши ва тамом бўлиши

Ҳуқуқ лаёқати киши туғилганидан то ўлимигача ундан ажралмайди, у билан бирга бўлади. Янги туғилган чақалоқ ҳам ҳар хил ҳуқуқларга, чунончи, яшаш ҳуқуқи, овқатланиш ҳуқуқи, эркин бўлиш ҳуқуқи каби қатор табиий ҳуқуқларга, шу жумладан, ота-оналардан тарбия олиш ва бошқа ҳуқуқларга эга бўлади. Ақли заиф ва руҳий хасталар ҳам ҳуқуқ субъекти бўлиб ҳисобланади. Улар, хусусан, даволаниш, пенсия олиш ва бошқа ҳуқуқларга эга. Уларнинг мулкӣ ҳуқуқлари тўлиқ ҳажмда сақланади.

Киши туғилиши билан унинг ҳаёти бошланганидек, туғилиши билан ҳуқуқ субъекти сифатида яшаши ҳам бошланади. Кишининг туғилиш факти муҳим юридик аҳамиятга эга бўлганлиги туфайли боланинг туғилиши фуқаролик ҳолати далолатномаларини ёзиш бўлимида (ФХДЁ) давлат рўйхатидан ўтказилади. Рўйхатдан ўтказилмаслик туғилган боланинг ҳуқуқига таъсир этмайди, фақат унинг ҳуқуқларини рўёбга чиқариш учун зарур ҳаракатларни амалга оширишда қийинчилик туғдиради.

Кишининг ҳуқуқ лаёқати унинг туғилиши билан бошланса ҳам, қонун баъзи ҳолларда хали туғилмаган боланинг – келгусидаги ҳуқуқ субъектининг манфаатларини ҳам эътиборга олади ва қўриқлайди. Масалан, қонунга асосан мерос қолдирувчи вафот этган, яъни қонун белгиланган тартибда мерос очилганидан сўнг туғилган болалари ҳам ворис бўла оладилар (ФКнинг 1118-модда). Уй-жой кодексида кўрсатилганидек, фуқароларга уй-жой берилганида, турар-жой ҳажмини белгилашда оилада ҳомиладор аёлларнинг бўлиши ҳам ҳисобга олинади.

Ҳаётнинг бошланиш вақтини қонуний мустаҳкамлаш муҳим амалий аҳамиятли масаладир.

Медицинанинг ривожланиши ўз-ўзидан юридик фан олдига ҳам улкан муаммоларни қўймоқда. Масалан, жуда ҳам жуссаси кичкина, аммо ақли, руҳияти нормал чақалоқлар туғилмоқда. (Масалан, Хитойда оғирлиги 250 грамм, бўйи 15 см.ли чақалоқ туғилган)⁸.

Айрим қонун ҳужжатларида келажакда туғиладиган болани ҳуқуқ ва манфаатларини қўриқлашга қаратилган нормалар мавжуд. Масалан, ФКнинг 1009-моддасида боқувчиси вафот этган тақдирда зарарни ундириш ҳуқуқига эга бўлган шахслар қаторига марҳумнинг вафотидан кейин туғилган фарзанди ҳам кўрсатилган.

3. Фуқароларнинг муомала лаёқати

Муомала лаёқати фуқароларнинг ўз ҳаракатлари билан фуқаролик ҳуқуқларини олиш, амалга ошириш, ўзлари учун фуқаролик бурчларини вужудга келтириш ва уларни бажариш лаёқатидир (ФКнинг 22-моддаси). Муомала лаёқатини юридик ҳаракатлар қилиш, яъни қонун бўйича маълум ҳуқуқий оқибатлар қилиш лаёқати деб ҳам таърифлаш мумкин (масалан, шартномалар тузиш, етказилган зарарни тўлаш ва хоказолар).

Муомала лаёқатининг ҳуқуқ лаёқатидан фарқи шуки, барча фуқаролар ҳам муомала лаёқатига эга бўлавермайдилар. Муомала лаёқатига эга бўлишнинг шarti шундан иборатки, муомала лаёқатига эга бўлган фуқаролар ақли расолик билан ўз ҳаракатларининг оқибатларини тушуниб ҳаракат қиладилар.

Маълумки, янги туғилган бола тўла ҳуқуқ лаёқатига эга бўлса ҳам, ўз ҳаракатлари билан бирорта ҳуқуқ ва мажбурият олмайди. Онгли ҳаракатлар қилиш лаёқати фақат маълум ёшга етгандан кейингина бошланади. Бинобарин, фуқаролик муомала лаёқатининг фуқаро тўла ҳажмда вояга етиш билан вужудга келишини кўрсатади. Вояга етиш 18 ёшга тўлиш билан бошланади. Бу ёшга етиш билан киши фуқаролик-ҳуқуқий муносабатларда, жумладан, мулкӣ муносабатларда тўла қатнашувчигина бўлиб қолмай, сиёсий ҳуқуқлар билан бирга, бошқа фуқаролик ҳуқуқлари ва мажбуриятларини ҳам олади.

Қонун вояга етиш ёшини белгилаш билан бир қаторда, вояга етгунга қадар қонуний асосда никоҳдан ўтган фуқаро никоҳдан ўтган вақтдан эътиборан тўла ҳажмда муомала лаёқатига эга бўлишини ҳам белгилайди (ФКнинг 22-моддаси).

Вояга етган фуқаролар тенг даражада муомалага лаёқатли ҳисобланадилар. Фуқароларнинг муомала лаёқати фақат қонунда назарда тутилган ҳолларда ва тартибдагина чекланиши мумкин. Фуқаронинг муомала лаёқатини чеклашга қаратилган битимлар ўз ўзидан ҳақиқий эмас (ФКнинг 23-моддаси).

Фуқароларнинг муомала лаёқати қуйидаги гуруҳларга бўлиб ўрганилади:

-тўлиқ муомалага лаёқатсизлар (6 ёшгача бўлган болалар, суд томонидан рухий касал ва ақли заиф деб топилганлар);

⁸ Насриев И. Шахсий-номулкий ҳуқуқларни амалга ошириш ва муҳофаза қилишнинг фуқаролик-ҳуқуқий муаммолари. –Тошкент: Фафур Фулом номидаги нашриёт матбаа ижодий уйи, 2006. -17 б.

-қисман муомалага лаёқатлилик (6-14 ёшли ҳамда 14-18 ёшли вояга етмаганлар);

-муомала лаёқати чекланганлик;

-тўлиқ муомалага лаёқатлилик (ақли расо 18 ёшдан ошган ҳамда эмансипация ҳолати қўлланилганлар ва 18 ёшга етмасдан никоҳ муносабатларига киришган фуқаролар).

Ҳ.Раҳмонқулов 18 ёшгача бўлган вояга етмаганларни қисман муомалага лаёқатли ҳисоблаб уларни икки тоифага бўлади⁹.

Айрим муаллифлар фуқароларнинг муомала лаёқатини тўлиқ муомала лаёқатига эга шахслар, бевосита муомала лаёқатлилар (14-18 ёшгача бўлганлар), чекланган муомала лаёқатига эга шахслар, қисман муомалага лаёқатлилар (14 ёшга тўлмаган ёш болалар), тўлиқ муомалага лаёқатсиз шахслар каби гуруҳларга бўлишни таклиф этадилар¹⁰.

Ҳар бир муомалага лаёқатлилик гуруҳи ўзига хос хусусиятлари, фуқаролик муомаласида иштироки билан бир-биридан ажралиб туради.

Тўлиқ муомалага лаёқатсизлик.

6 ёшгача бўлган болалар ҳамда суд томонидан рухий касал ва ақли заиф деб топилганлар тўлиқ муомалага лаёқатсиз ҳисобланадилар. Муомала лаёқати битим тузиш ва делкт лаёқатдан иборат бўлганлиги сабабли 6 ёшли болалар ҳар икки лаёқатга ҳам эга эмаслар. Зеро, мазкур кичик ёшли болаларнинг юридик аҳамиятга эга ҳаракатларни амалга ошириши ФК нормаларида назарда тутилмаган.

Улар номидан ота-оналари, фарзандликка олувчилар ва васийлар юридик ҳаракат қиладилар.

Руҳий касаллар ва ақли заифлар тўла ҳажмда муомалага лаёқатсиз ҳисобланадилар.

Ақли норасолик мия фаолиятини бузилишидир. Ақли норасолик юридик ва тиббий мезонларга эга. Юридик мезон қонунда ўз ҳаракатлари (ҳаракатсизлиги)нинг жамиятга ҳавфини ва далилий тавсифини ҳис эта олмаслик ёки уларни бошқара олмаслик сифатида шаклланади, у интеллектуал ва иродавий белгиларга эга. Шахсни ақли норасо деб топиш асоси тиббий мезонга боғлиқ. У сурункали руҳий касаллик, руҳий ҳолатни вақтинча ўзгариши, ақли заифлик ва бошқа турдаги руҳий бузилишлардан иборат¹¹.

Онгли ҳаракатлар қилиш ва ўз ҳаракатларининг юридик оқибатларини ҳисобга олиш лаёқати (муомала лаёқати)га, руҳий касаллиги ёки ақли заифлиги сабабли эга бўлмаган фуқаро - муомала лаёқатига эга эмас деб танилиши мумкин.

Ҳар қандай руҳий касаллик ёки ақли заифлик фуқарони онгли ҳаракатлар қилиш ва фуқаролик муомаласида қатнашиш лаёқатидан маҳрум

⁹ Раҳмонқулов Ҳ.Р. Фуқаролик ҳуқуқининг субъектлари. –Тошкент: O'zbekiston, 2008. -19 б.

¹⁰ Н.Ашурова Вояга етмаганлар ҳуқуқ ва муомала лаёқатининг фуқаролик-ҳуқуқий муаммолари. –Тошкент: ТДЮИ, 2008.-37 б., Кузнецова Л.Г. Шевченко Я.Н. Гражданско-правовое положение несовершеннолетних. М.: Юридическая литература, 1968. –15-16 б.

¹¹ Шамсиев Э.С. Искандаров А.И. Зуфаров Р.А. Талимбаев В.К. Суд тиббий фанлари. -Тошкент, ТДЮИ, 2004. –254-255 б.

қилмайди. Руҳий ҳолат бузилиши фактининг ўзигина кишини муомалага лаёқатсиз деб топишга асос бўлмайди. ФКда кўрсатилишича, руҳий касаллиги ёки ақли заифлиги сабабли ўз ҳаракатларининг аҳамиятини тушуна олмайдиган ёки уларни идора қила олмайдиган фуқаро суд томонидан муомалага лаёқатсиз деб топилиши мумкин, шу муносабат билан унга нисбатан васийлик белгиланади (ФКнинг 30-моддаси). Таъкидлаш жоизки, юқоридаги асосларга кўра фуқарони муомалага лаёқатсиз деб топиш учун фуқаро 18 ёшга тўлган бўлиши зарур.

Қисман муомалага лаёқатлилиқ. Мазкур лаёқат икки тоифага бўлинади. 6-14 ёшгача бўлган вояга етмаганлар ҳамда 14-18 ёшли вояга етмаганларнинг муомала лаёқати.

Олти ёшдан ўн тўрт ёшгача бўлган вояга етмаганлар (кичик ёшдаги болалар) қисман муомалага лаёқатли ҳисобланадилар.

Олти ёшдан ўн тўрт ёшгача бўлган болалар:

- 1) майда маиший битимлар;
- 2) текин манфаат кўришга қаратилган, нотариал гувоҳлантириш ёки давлат рўйхатидан ўтказишни талаб қилмайдиган битимлар;
- 3) қонуний вакил ёки унинг розилиги билан учинчи шахс томонидан муайян мақсад ёки эркин тасарруф этиш учун берилган маблағларни тасарруф этиш борасидаги битимларни амалга оширишга ҳақлидирлар (ФКнинг 29-моддаси).

Мазкур ёшдаги болаларда гарчи делект лаёқат бўлмаса-да (ФКнинг 993-моддаси), лекин ФКнинг 29-моддасига асосан битим тузиш лаёқатининг унсурлари мавжуд бўлади. Шу сабабли ҳам уларни қисман муомалага лаёқатли деб ҳисоблаш мумкин.

Майда маиший битим тушунчаси фуқаролик қонунчилигида бўлмаганлиги боис, унинг тушунчаси турлича талқин этилади.

Майда маиший битим хусусиятлари билан боғлиқ қатор фикр-мулоҳазалар мавжуд. Жумладан, улар ёш болаларнинг ёки оила аъзоларининг кундалик эҳтиёжларини қондиришга қаратилганлиги¹², юқори бўлмаган баҳода тузиладиган, нақд тўланадиган, тузилган заҳоти ижро этиладиган ва кундалик эҳтиёжларни қондирадиган битимлар эканлиги¹³, Республикада ўрнатилган энг кам иш ҳақи доирасида бўлиши лозимлиги¹⁴ ва бошқалар.

Ўн тўрт ёшгача бўлган вояга етмаганлар учун битимларни уларнинг номидан ота-оналари, фарзандликка олувчилар ёки васийлари тузадилар.

Бировга етказилган зарарлари учун ҳам кичик ёшдаги болалар жавобгар бўлмайдилар. Улар учун ота-оналари ёки бошқа назоратчилари жавобгардир.

Ўн тўрт ёшгача бўлган вояга етмаганларнинг банкларга омонат қўйиш ва уларни тасарруф қилиш ҳуқуқлари қонун билан белгиланади.

¹² Гражданское право. Учеб.: В 3 т. Т. 1. –6-е изд. Отв. Ред. А.П.Сергеева Ю.К.Толстого. –М.: Проспект., 2003. –122 с.

¹³ Комментарий к Гражданскому кодексу Российской Федерации части первой (постатейный). Изд 2. –М.: Инфра – М. 2003. –95 с.

¹⁴ Юлдашева Ш. Фуқаролик ва оила ҳуқуқида васийлик ва ҳомийликнинг моҳияти ва уни амалга ошириш шартлари. Юрид.фан.номз. Дисс... -Тошкент, 2005.

Ўн тўрт ёшдан ўн саккиз ёшгача бўлган вояга етмаганлар (ўсмирлар) қисман муомалага лаёқатли бўлиб, қонуний вакиллари (ота-оналари, фарзандликка олувчилари ёки ҳомийлари)нинг розилиги бўлган тақдирда ўз ҳаракатлари билан ҳуқуқ ва мажбуриятлар олишлари мумкин.

Муомала лаёқати чекланганлик. Қонун баъзи ҳолларда вояга етган фуқароларнинг муомала лаёқатини чеклаш ҳолларини назарда тутаяди, чунончи, ФКнинг 31-моддасида кўрсатилишича, спиртли ичимликларни ёки гиёҳвандлик воситаларини суиистеъмол қилиш натижасида ўз оиласини оғир моддий аҳволга солиб қўётган фуқаронинг муомалага лаёқати ФПКда белгиланган тартибда суд томонидан чеклаб қўйлиши мумкин. Лекин, буларни у майда маиший битимларни истисно қилганда, битимларни ҳомийнинг розилигисиз тасаруф эта олмайди.

Муомала лаёқатини чеклаш учун асос спиртли ичимликларни ёки гиёҳвандлик воситаларини суиистеъмол қилиш натижасида ўз оиласини оғир моддий аҳволга солиш ҳисобланади. Шунда ҳам манфаатдор шахслар судга муурожаат этсагина суд шахсининг муомала лаёқатини чеклаши мумкин.

Агар фуқаро спиртли ичимлик ёки наркотик моддаларни суиистеъмол қилишни ташласа, суд унинг муомалага лаёқати чекланганлигини бекор қилади. Суд қарорига асосан унга нисбатан белгиланган ҳомийлик ҳам бекор қилинади.

Тўлиқ муомалага лаёқатлилиқ. Ақли расо, 18 ёшдан ошган ҳамда эмансипация ҳолати қўлланилганлар ва 18 ёшга етмасдан никоҳ муносабатларига киришган фуқаролар тўлиқ муомалага лаёқатли ҳисобланадилар.

60-йиллар ўртасида кўпчилик давлатларда вояга етганлик ёшини 21 ёшдан 18 ёшга туширилиши тўғрисида қонун қабул қилинган. Германияда вояга етган деб 18 ёшнинг охири куни тугагандан сўнг ҳисобланади. Швейцарияда 20 ёш, Англияда 18 ёшнинг 1-қунидан шахс вояга етган ҳисобланади. АҚШда штатларга қараб, 18 ёшдан 21 ёшгача вояга етганлик белгиланади¹⁵, Японияда бу ёш 20 ёш¹⁶, Францияда 21 ёш¹⁷, Австрияда 19 ёш¹⁸ қилиб белгиланган.

Вояга етмаганлар гарчи муомала ёшига етмаса-да айрим қонунда белгиланган ҳолларда тўлиқ муомала лаёқатига эга бўладилар. Айнан шу қонунда белгиланган ҳоллар ФКнинг 22-моддасида белгиланган никоҳга киришиш муносабати ва ФКнинг 28-моддасида белгиланган эмансипация ҳолати ҳисобланади.

ФКнинг 22-моддасига мувофиқ, вояга етгунга қадар қонуний асосда никоҳдан ўтган фуқаро никоҳдан ўтган вақтдан эътиборан тўла ҳажмда муомала лаёқатига эга бўлади. Никоҳ ёши Ўзбекистон Республикаси Оила кодексининг 15-моддасида эркаклар учун-18 ёш, аёллар учун 17 ёш

¹⁵ Гражданское и торговое право капиталистических государств Ч.1. отв.ред. Р.Л.Нарышкина. –М.: Международные отношения,. 1983. –85 с.

¹⁶ Вагацума С., Ариидзуми Т.. Гражданское право Японии.-М.: Прогресс, 1983.-50 с.

¹⁷ Французский Гражданский кодекс. –М.: изд-во. НКЮ СССР, 1941. -118 с.

¹⁸ Умаров Т. Халқаро хусусий ҳуқуқ: жисмоний шахсларнинг ҳуқуқий ҳолати. –Тошкент: Ижод дунёси, 2003. –36 б.

хисобланади. Никоҳ тузиш натижасида эга бўлинган муомала лаёқати ўн саккиз ёшга тўлмасдан туриб никоҳ бекор қилинган тақдирда ҳам тўла сақланиб қолади. Никоҳ ҳақиқий эмас деб топилганида суд вояга етмаган эр (хотин) суд белгилаган пайтдан бошлаб тўла муомала лаёқатини йўқотганлиги ҳақида қарор қабул қилиши мумкин.

“Бола ҳуқуқларининг кафолатлари тўғрисида”ги қонуннинг 11-моддасига асосан, вояга етгунча қонунга мувофиқ тўла муомалага лаёқатли деб эътироф этилган (эмансипация) бола ўз ҳуқуқларини, шу жумладан ҳимояга бўлган ҳуқуқини мустақил амалга оширишга ҳамда мажбуриятларини мустақил бажаришга ҳақлидир.

Ўн олти ёшга тўлган вояга етмаган шахс меҳнат шартномаси бўйича ишлаётган бўлса ёки ота-онаси, фарзандликка олувчилари ёхуд ҳомийсининг розилигига биноан тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланаётган бўлса, у тўла муомалага лаёқатли деб эълон қилиниши мумкин. Зеро тадбиркорлик фаолияти фуқароларнинг битим тузиш лаёқати ва деликт лаёқати билан боғлиқлиги, унда оқибатига жавоб бериш, ҳаракатнинг ҳуқуқий аҳамиятини англаш, мустақил юридик ҳаракатлар қилиш каби белгиларнинг мавжудлиги тўлиқ муомала лаёқати билан фаолиятни амалга ошириш заруратини туғдиради.

Хусусий тадбиркор фуқароларнинг ҳуқуқий мақоми.

Маълумки, тадбиркорлик фаолиятининг субъекти жисмоний шахслар ҳам бўлиши мумкин. ФКнинг тегишли нормаларида, чунончи, 18-модданинг талабига кўра, фуқаролар мулк ҳуқуқи асосида мол-мулкка эга бўлишлари деҳқон ва фермер хўжалиги ташкил этишлари, тадбиркорлик ҳамда қонунда тақиқланмаган бошқа фаолият билан шуғулланишлари, шунингдек ёлланма меҳнат асосида фаолият юритишлари мумкинлиги белгиланади.

Умумий қоида бўйича, фуқаролар 18 ёшга тўлиб, тўлиқ муомала лаёқатига эга бўлгач, хусусий тадбиркорлик билан шуғулланишга ҳақли. Бироқ ФКнинг 28-моддасига асосан 16 ёшга тўлган вояга етмаган шахс меҳнат шартномаси бўйича ишлаётган бўлса, ёки ота-онаси, фарзандликка олувчилари ёхуд ҳомийсининг розилигига биноан тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланаётган бўлса, у тўла муомалага лаёқатли деб эълон қилиниши мумкин.

Вояга етмаган шахсни тўла муомалага лаёқатли деб эълон қилиш (эмансипация) ота-онанинг, фарзандликка олувчиларнинг ёки ҳомийнинг розилиги билан васийлик ва ҳомийлик органининг қарорига мувофиқ ёхуд бундай розилик бўлмаган тақдирда, суднинг қарори билан амалга оширилади. Ота-она, фарзандликка олувчилар ва ҳомий эмансипация қилинган вояга етмаганнинг мажбуриятлари бўйича, хусусан, у етказган зарар оқибатида келиб чиққан мажбуриятлар бўйича, тадбиркорлик фаолияти билан боғлиқ мажбуриятлар бўйича жавобгар бўлмайдилар. Эмансипация

қилинган вояга етмаган тадбиркорга нисбатан ФКнинг 27-моддаси 1-2-банди қўлланилмайди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 24 май 2006 йилдаги № ПҚ-357 сонли “Тадбиркорлик субъектларини давлат рўйхатига олиш ва ҳисобга қўйишнинг хабардор қилиш тартибини жорий этиш тўғрисида”ги Қарори билан тасдиқланган “Тадбиркорлик субъектларини давлат рўйхатига олиш ва ҳисобга қўйишнинг хабардор қилиш тартиби тўғрисида”ги Низомга асосан, яқка тадбиркор давлат рўйхатидан ўтказилади¹⁹[134].

Фуқароларнинг турар жойи.

Фуқаронинг доимий турар жойи фуқаролик ҳуқуқи учун муайян аҳамиятга эгадир. Фуқаронинг доимий ёки асосан яшаб турган жойи унинг яшаш жойи ҳисобланади, деб кўрсатилади. Ўн тўрт ёшга тўлган вояга етмаганларнинг (кичик ёшдаги болаларнинг) ёки васийликда бўлган фуқароларнинг қонуний вакиллари, ота-оналари, фарзандликка олувчилари ёки васийлари яшайдиган жой вояга етмаганлар ёки васийликда бўлган фуқароларнинг яшаш жойи ҳисобланади (ФК, 21-модда).

Фуқароларнинг доимий яшашига мўлжалланган, белгиланган санитария, ёнғинга қарши, техник талабларга жавоб берадиган, шунингдек белгиланган тартибда махсус уйлар (ётоқхоналар, вақтинчалик уй-жой фонди уйлари, ногиронлар, фахрийлар, ёлғиз қариялар учун интернат-уйлар, шунингдек болалар уйлари ва бошқа махсус мақсадли уйлар) сифатида фойдаланишга мўлжалланган жойлар турар жой деб ҳисобланади (Уй-жой кодексининг 9-моддаси).

Турар жой танлаш ҳуқуқи муомалага лаёқатли фуқаронинг ўзи томонидан белгиланади. Турар жой танлаш ҳуқуқи фақат қонунда назарда тутилган ҳоллар ва тартибдагина, масалан, озодликдан маҳрум қилиниши ҳолларида махсус ижозат олиш йўли билан жойлашиш мумкин ҳудудларда чекланиши мумкин.

Фуқарони бедарак йўқолган деб топиш ёки вафот этган

деб эълон қилиниши.

Фуқаронинг ҳуқуқ лаёқати унинг ўлими натижасида батамом тугайди. Аммо ҳуқуқий муносабатдан келиб чиқадиган ноаниқликларни бартараф

этиш учун шу ҳуқуқий муносабатларнинг иштирокчиларидан бири бўлган фуқаро айрим сабабларга кўра доимий яшаш жойидан узоқ муддатга кетиб қолганда, унинг ҳақиқий яшаш жойини аниқлаш имконияти бўлмаса, бундай ҳолларда бедарак йўқолган деб топилиши мумкин.

Фуқаролик ҳуқуқида, умуман, ҳуқуқнинг бошқа соҳаларида ҳам бедарак йўқолган деб топиш институти катта амалий аҳамиятга эга. Бу институт бедарак йўқолган фуқаронинг қариндошлари ва бошқа манфаатдор шахсларнинг шахсий ва мулкӣ ҳуқуқлари таъминланишини кафолатлайди.

Фуқарони бедарак йўқолган деб топилиши тўғрисидаги институтнинг мавжуд бўлиши қарздор фуқаронинг, эр ёки хотиннинг, шунингдек, қариндош уруғлардан бирортасининг узоқ муддат давомида доимий яшаб турган жойида бўлмаслиги, қаерда эканлигининг аниқлаш имконини йўқлиги туфайли вужудга келиши мумкин бўлган ҳуқуқий ноиниқликни бартараф қилиш учун зарурлиги билан боғлиқдир²⁰[136].

Турмушда шундай воқеалар ҳам бўладики, баъзан фуқаро ўзининг доимий яшаш жойига узоқ муддат келмай қўяди. У ўзининг қаерда турганлиги тўғрисида бирорта маълумот ҳам юбормайди. Унинг қаерда яшаётганини ёки қаерга кетганини аниқлашга қаратилган барча ҳаракатлар беҳуда кетади. Унинг тирик ёки ўликлигини аниқлаш мумкин бўлмайди. Бундай ҳолларда ҳам ҳуқуқий муносабат қатнашчиси бўлган фуқаронинг анча вақт йўқолиб кетиши унинг ҳуқуқий муносабатдаги тақдирига таъсир қилмаслиги керак. Одатда, бундай фуқаронинг доимий яшаб турадиган жойида қандайдир мулклари қолади. Бу шахс бирор-бир мажбуриятда қарздор ёки кредитор бўлиши мумкин. У, шунингдек ҳуқуқ ва мажбуриятнинг эгаси бўлгани учун бошқа кишиларнинг шахси билан бевосита боғлиқ бўлиши, чунончи, никоҳда бўлиши, ота-оналик ҳуқуқ ва мажбуриятига эга бўлиши ҳам мумкин. Фуқаронинг узоқ вақт доимий турар жойига қайтиб кела олмасдан бедарак йўқолиб кетиши кўп вақтга чўзилиб кетмаслиги керак.

Фуқаролик ҳолати ҳужжатларини қайд этиш

Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг 38-моддасига ва Фуқаролик ҳолати далолатномаларини қайд этиш Қоидаларига²¹[137] асосан, қуйидаги фуқаролик ҳолати ҳужжатлари давлат томонидан қайд этилиши керак:

1. Туғилиш.
2. Ўлим.

3. Никоҳ тузилганлиги.

4. Никоҳдан ажралиш.

Фарзандликка олиш, оталикни белгилаш, фамилия, исм ва ота исмини ўзгартириш, жинснинг ўзгартирилиши каби фактлар юқорида санаб ўтилган фуқаролик ҳолати ҳужжатларига тегишли ўзгартиришлар киритиш йўли билан ифодаланади.

Фуқаронинг шахсий ҳаётдаги ҳамда унинг жамиятдаги ҳуқуқий ҳолати (фуқаролик ҳолати) учун, унинг фуқаролик ҳуқуқи ва оила ҳуқуқининг субъекти сифатида танилиши учун аҳамиятли ҳисобланган юқоридаги фактлар давлатнинг тегишли органлари томонидан рўйхатга олинади (қайд қилинади).

Фуқаролик ҳолати далолатномаларини рўйхатга олиш шаҳар ва туман марказларида, фуқаролик ҳолати далолатномаларини ёзиш (ФХДЁ) бўлими томонидан, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари (фуқаролик йиғинлари) котиблари томонидан олиб борилади.

Фуқаронинг туғилиш фактини рўйхатга олиш мазкур фуқарога нисбатан фуқаролик ҳуқуқ лаёқатининг вужудга келганлигини ва боланинг маълум ота-онадан туғилганлигини белгилаш учун зарур. Фуқаронинг фақат маълум ёшга тўлгандан сўнг муомала лаёқатига эга бўлганлиги сабабли туғилиш фактини олиш мазкур фуқарога ФХДЁ бўлими фуқаролик муомала лаёқатининг вужудга келганлигини белгилаш учун ҳам аҳамиятлидир. Боланинг туғилиши тўғрисидаги ариза ФХДЁ органига бир ойлик муддат ичида боланинг ота-онаси ёки улардан бири томонидан, алоҳида ҳолларда эса, қўшнилари, қариндошлари, тиббиёт муассасалари маъмурияти, ички ишлар ёки васийлик ва ҳомийлик органлари томонидан берилиши мумкин. Туғилиш тўғрисидаги ариза бола ўлик туғилган тақдирда ҳам берилиши шарт. Ўлик туғилган бола туғилгандан кейин 24 соат ичида ФХДЁ идорасида қайд этилиши керак.

Никоҳни қайд этиш муҳим давлат аҳамиятига эга бўлган ҳужжат ҳисобланади. Оила қонунчилигида белгиланишича, фақат ФХДЁ идораларида қайд этилган никоҳгина эр ва хотин учун муайян ҳуқуқ ҳамда мажбуриятларни вужудга келтиради. Никоҳ никоҳланувчиларнинг турар-жойлари бўйича Ўзбекистон Республикаси Оила қонунчилигига риоя қилиниб рўйхатдан ўтказилади.

Никоҳдан ажралиш эр-хотиннинг розилиги бўйича ёки суднинг никоҳни бекор қилиш тўғрисидаги ҳал қилув қарори асосида қайд этилади. Эр ва хотиннинг ажралишлари ФХДЁ идораларида қайд этилгандан кейингина тан олинади, улар ўртасидаги эр ва хотинликка оид ҳуқуқ ҳамда мажбуриятлар бекор бўлади.

Фуқаронинг вафот этганлиги ёки вафот этган деб эълон қилинганлигини қайд этиш ҳам муҳим аҳамиятга эга. Фуқаронинг ўлим факти қайд этилиши ҳуқуқ лаёқатини бекор қилади. Шу муносабат билан вафот этган шахснинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари тамом бўлади. Унинг мулкига нисбатан мерос очилади.

Фуқаролар фамилия, исм ва ота исмларини ўзгартириш тўғрисида 16 ёшга тўлганларидан сўнг ФХДЁ идораларига мурожаат қилишлари мумкин. Фуқаронинг иши терговда ёки у судланган бўлса, шунингдек давлат ҳокимияти идоралари норозилик билдирса, ФХДЁ идораларида насаб ва исмларнинг ўзгартирилишига йўл қўйилмайди ва бу суд томонидан ҳал этилади.

Оталикни белгилаш никоҳда бўлмаган ота-онадан туғилган болага оталикни белгилаш ота ва онаси (агар отаси вояга етмаган бўлса, унда унинг ота-онаси ёки қонуний вакили) томонидан берилган биргаликдаги ариза асосида ФХДЁ органида амалга оширилади. Оталикни белгилашда ота-онанинг шахсан иштироқи талаб этилади. 10 ёшга тўлган болага нисбатан оталик унинг розилиги билан белгиланади.

ФХДЁ органи оталикни белгилаш ҳақидаги ариза асосида туғилганлик ҳақидаги далолатнома ёзувига тегишли ўзгартиришлар киритади.

Агар оталик белгиланган шахс никоҳ тузган бўлса, у ҳолда ФХДЁ органи никоҳ тузилганлиги ва болаларининг туғилганлиги ҳақидаги далолатнома ёзувларига тегишли ўзгартиришлар киритади, шунингдек оталикнинг белгиланганлиги ҳақида маълумотнома беради.

Фуқаролик ҳолатлари ҳужжатлари ёзувларини бекор қилиш ва тиклаш ФХДЁ идоралари томонидан манфаатдор шахслар ўртасида низо бўлса ёки фуқаролик ҳолати ҳужжатларидаги ёзувларда жиддий тафовутлар бўлса, суд қарорига асосан амалга оширилади.

Ушбу фактларнинг давлат ва жамият ҳаётидаги, фуқаролар ҳаётидаги аҳамиятидан келиб чиқиб, ФХДЁ органлари архивларида улар тузилган кундан бошлаб, 75 йил мобайнида сақланади. Бу муддат тугагач, ушбу далолатнома ёзувлари дафтарлари тегишли шаҳар, вилоят ва республика ФХДЁ архивларига топширилади.

Фуқаронинг туғилиши, никоҳга кириши, никоҳнинг бекор қилиниши, фарзандликка олиниши, фамилия исм ва ота исмининг ўзгартирилиши, фуқаронинг ўлими фактларини қайд этиш Ўзбекистон Республикаси Оила кодекси ҳамда Ўзбекистон Республикаси шаҳар ва туман ҳокимликлари фуқаролик ҳолатлари далолатномаларини ёзиш бўлимларига ҳамда ўзини ўзи бошқариш идораларида фуқаролик ҳолати далолатномаларини қайд этиш Қоидаларига мувофиқ расмийлаштирилади.

Мавзуни мустахкамлаш учун саволлар

- 1.Фуқаро (жисмоний шахс) тушунчасини айтинг?
- 2.Фуқароликка эга бўлиш тушунчаси қандай?
- 3.Фуқароларнинг ҳуқуқ лаёқати тушунчаси қандай?
- 4.Фуқароларнинг муомула лаёқати тушунчаси?
5. Фуқароларнинг никоҳга кириши тушунчасини айтиб беринг?
6. ФХДЁ бўлими қандай ҳужжатларни раймийлаштиради?
- 7.Оталикни белгилаш қандай амалга оширилади?
- 8.Фуқарони бедарак йўқолган деб топиш ёки вафот этган деб эълон қилиниши қандай тартибда амалга оширилади?

Таянч сўз ва иборалар.

Фуқаро (жисмоний шахс),фуқароликка эга бўлиш,фуқароларнинг ҳуқуқ лаёқати ,фуқароларнинг муомула лаёқати, ФХДЁ бўлими,оталикни белгилаш,фуқарони бедарак йўқолган деб топиш, хусусий тадбиркор, фуқароликдан чиқиш, фуқароликка эга бўлиш, турар жойга эга бўлиш.

Глоссарийлар.

Фуқаролик ҳуқуқининг субъекти сифатида жисмоний шахслар – Ўзбекистон Республикаси фуқаролари, чет эл фуқаролари ва фуқаролиги бўлмаган шахслар.

Ҳуқуқ лаёқати киши туғилганидан то ўлимигача ундан ажралмайди, у билан бирга бўлади.

Муомала лаёқати фуқароларнинг ўз ҳаракатлари билан фуқаролик ҳуқуқларини олиш, амалга ошириш, ўзлари учун фуқаролик бурчларини вужудга келтириш ва уларни бажариш лаёқатидир (ФКнинг 22-моддаси).

Тўлиқ муомалага лаёқатсизлик.

6 ёшгача бўлган болалар ҳамда суд томонидан рухий касал ва ақли заиф деб топилганлар тўлиқ муомалага лаёқатсиз ҳисобланадилар.

Қисман муомалага лаёқатлилиқ. Мазкур лаёқат икки тоифага бўлинади. 6-14 ёшгача бўлган вояга етмаганлар ҳамда 14-18 ёшли вояга етмаганларнинг муомала лаёқати.

Фойдаланилган адабиётлар.

Асосий адабиётлар:

- 1.Зокиров И.Б. Фуқаролик ҳуқуқи: Дарслик. 1 қисм. –Т. ТДЮИ нашриёти, 2009. 611 б.
- 2.Инсон ҳуқуқлари тўғрисида халқаро Билль. -Т.: Адолат. 1992.
- 3.Муаллифлар жамоаси. Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг иккинчи қисмига шарҳлар. -Т.: Иқтисодиёт ва ҳуқуқ дунёси. 1998.324 б.
- 3.Топилдиев Б. Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик ҳуқуқи.

(биринчи ва иккинчи қисмлар). -Т.: ТДЮИ. 2014.511 б.

Қўшимча адабиётлар:

- 1.Каримов И.А. Инсон, унинг ҳуқуқ ва эркинликлари ҳамда манфаатлари – энг олий кадрият. // Халқ сўзи, 2005 йил 9 декабрь.
- 2.Мирзиёев Ш.М. Демократик ислохотларни изчил давом эттириш халқимиз учун тинч ва осойишта, муносиб ҳаёт даражасини яратиш барқарор тараққиёт кафолатидир // Халқ сўзи. 2016 йил 2 ноябр.
- 3.Мирзиёев Ш.М. Қонун устуворлиги ва инсон манфаатларини таъминлаш-юрт тараққиёти ва халқ фаровонлигининг гарови Халқ сўзи 8 декабр 2016 йил. Ўзбекистон Республикасининг сайланган Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганлигининг 24 йиллигига бағишланган тантанали маросимидаги маърузаси.
- 4.Ўзбекистон Республикаси Президентининг "2017 — 2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устивор йуналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясини амалга оширишга доир ташкилий чоратadbирлар туғрисида" 2017 йил 14 февралдаги Ф-4849- сонли Фармойиши. Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2017 й.. 7-сои, 88-модда;
- 5.Ўзбекистон Республикаси Конституцияси-Т.: Ўзбекистон, 2017.
- 6.Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик кодекси. (2016 йил 1 июлгача бўлган ўзгариш ва қўшимчалар билан). Тўплам. “Адолат” нашриёти.
- 7.Насриев И. Шахсий-номулкий ҳуқуқларни амалга ошириш ва муҳофаза қилишнинг фуқаролик-ҳуқуқий муаммолари. –Тошкент: Ғафур Ғулом номидаги нашриёт матбаа ижодий уйи, 2006. -17 б.
- 8.Матқурбанов Р.Ж. Проблемы правосубъектности граждан (физических лиц) в гражданском праве. –Ташкент: ТГЮИ, 2008. -58 с.
- 9.Инсон ҳуқуқлари умужаҳон декларациясига шарҳлар. –Тошкент: Адолат, 1999.

Elektron resurslar.

- 1.<http://Allpravo.ru>
- 2.<http://Internet-law.ru>
- 3.<http://dissertation1.narod.ru/avtoreferats1>
- 4.<http://www.library.by/data>
- 5.<http://www.lawportal.ru>
- 6.<http://www.legislature.ru>
- 7.<http://www.ziyonet.uz>.
- 8.<http://www.inter-mba.ru/c...>2.<http://www.businesspravo.ru>.

9.<http://www.daryo.uz>4.<http://www.kun.uz>5.<http://www.lex.uz>
10.<http://www.gov.uz>

3-мавзу: Васийлик ва хомийлик тушунчаси ҳамда унинг аҳамияти.

Режа:

1. Васийлик ва хомийлик тушунчаси.
2. Васийлик ва хомийликнинг аҳамияти.

Муомалага лаёқатсиз фуқаро шахсини, унинг қонуний ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш учун, шунингдек қонунда назарда тутилган ҳолларда мулкӣ ҳуқуқларини қўриқлаш учун васийлик ва хомийлик белгиланади. Васийлик шундан иборатки, бунда муомалага лаёқатсиз шахс – ўн тўрт ёшга тўлмаган фуқаролар, руҳий касал ва ақли заифлар номидан васий сифатида ҳаракат қилади ҳамда ўзининг ҳаракатлари билан васийликка олинган шахс учун ҳуқуқ ва мажбуриятлар туғдиради.

Ҳомийликда ҳомийлар қисман муомала лаёқатига эга бўлган шахсларга (ўн тўрт ёшдан ўн саккиз ёшгача бўлган фуқароларга) ўз ҳуқуқларини амалга ошириш, мажбуриятларни бажаришда ёрдам кўрсатадилар, шунингдек уларни учинчи шахсларнинг баъзан бўлиши мумкин бўлган ёмон ниятли ҳаракатларидан сақлайдилар. Ҳомийлик баъзи ҳолларда жисмоний камчиликлари бўлган, масалан, кўзи ожиз (кўрлик), майиблик сабабли ўз ҳуқуқларини ўзлари амалга ошира олмайдиган ва ҳимоя қила олмайдиган тўла муомала лаёқатига эга бўлган шахсларга нисбатан ҳам белгиланади. Бундай шахсларга нисбатан ҳомийликнинг вазифаси ҳуқуқлар олиш ёки уларни амалга ошириш билан боғлиқ турли ҳаракатларни улар учун бажаришдан иборат.

Боланинг ота-онаси олти ойдан ортиқ муддатда бўлмаган ҳолларда, агар боланинг манфатлари учун зарур бўлса, уларга нисбатан ҳам васийлик ва ҳомийлик белгиланади²²[132]. Маҳаллий органлар васийлик ва ҳомийлик органлари бўла олади. Улар вояга етмаганларга нисбатан васийлик ҳаракатларини амалга оширишни ёш болаларга нисбатан *халқ таълим бўлимларига*, руҳий касал ва ақли заифларга нисбатан *соғлиқни сақлаш бўлимларига*, васийликка олинувчиларнинг бошқа тоифаларига нисбатан эса *ижтимоий таъминот бўлимларига* юклайдилар. Васийлик ва ҳомийлик кишлоқ жойларида фуқаролик йиғинлари томонидан белгиланади.

Ўзбекистон Республикасидан ташқарида яшайдиган, ота-онасининг қарамоғидан маҳрум бўлган Ўзбекистон Республикасининг вояга етмаган фуқароларига ва соғлиғи туфайли ўз ҳуқуқини мустақил равишда амалга ошира олмайдиган, ўз мажбуриятларини бажара олмайдиган Ўзбекистон Республикасининг вояга етмаган фуқароларига васийлик ва ҳомийлик фаолиятини амалга ошириш Ўзбекистон Республикасининг консуллик идоралари зиммасига юкланади. Агар васийликка олинувчининг мулки у турган жойда бўлмаса, икки васий: бири – унинг ўзига нисбатан, иккинчиси – васийликка олинган шахснинг мулкига нисбатан тайинланиши мумкин.

Ота-оналар васийлик ва ҳомийлик вазифаларига алоҳида тайинланмай, васийлик ва ҳомийлик қонун бўйича бажарадилар. Ота-оналари бўлмаган тақдирда ёки улар амалда бу вазифани бирорта сабаб, масалан, қамоқда ёки шифохонада бўлиши туфайли бажара олмасалар ёки ота-оналик ҳуқуқидан маҳрум бўлган бўлсалар, васийлик ва ҳомийлик органлари васий ва ҳомийни, биринчи навбатда, васийликка олинувчига ёки ҳомий тайинланаётганга яқин шахслардан бирига тайинлайди.

Муомалага лаёқатсиз ёки муомала лаёқати чекланган шахслар, суд томонидан ота-оналик ҳуқуқларидан маҳрум қилинганлар ёки ота-оналик ҳуқуқи чекланганлар собиқ фарзандликка олувчиларнинг фарзандликка олганлиги Оила кодексининг 169-моддасига мувофиқ бекор қилинган

шахслар (яъни, ўз зиммаларидаги мажбуриятларни бажаришдан бўйин товлаётган ёки уларни лозим даражада бажармаётган, ота-оналик ҳуқуқини суиистеъмом қилаётган, фарзандликка олинганларга нисбатан, шафқатсизлик билан муомалада бўлаётган, муттасил ичкиликбозлик ёки гиёҳвандликка мубтало бўлган шахслар) қонун билан зиммаларига юкланган мажбуриятларни лозим даражада бажармаганликлари ёки ўз ҳуқуқларини суиистеъмом қилганликлари учун васийлик (ҳомийлик) вазифаларидан четлатилган шахслар, руҳий ёки наркологик муассасаларда рўйхатда турганлар, қасддан содир этган жинояти учун илгари ҳукм қилинган шахслар васий ва ҳомий қилиб тайинланиши мумкин эмас (Васийлик ва Ҳомийлик тўғрисидаги Низомнинг 8-банди)²³[133].

Васий ва ҳомийнинг асосий вазифаси васийликка олинувчининг шахси ва мулки юзасидан ғамхўрлик қилишдан, васийликка олинувчининг манфаатларини кўриқлашдан иборат. Бинобарин, васийликка олувчи ўзига ишонилган мулкдан ўзи учун ҳеч қандай фойда олмаслиги лозим. У васийликка олинган шахсни асраш ва унинг мулкни идора этиш харажатинигина ундиришга ҳақли. Умумий қоида бўйича васийлик ва ҳомийлик вазифалари бепул бажарилади. Васий ва ҳомий ўз васийлиги ёки ҳомийлигидаги шахсга таъминот беришга мажбур эмас. Васий ва ҳомийнинг ўз васийлиги ёки ҳомийлигидаги шахснинг таъминоти учун қилган харажатлари қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда ушбу шахснинг маблағи ҳисобидан қопланади, бу маблағ етарли бўлмаган тақдирда эса, унинг таъминоти учун васийлик ва ҳомийлик органлари нафақа тайинлаши мумкин.

Васий васийликка олинган шахс томонидан битимлар тузишга ҳақли, лекин васийликка олинувчининг мулкӣ аҳволига ёмон таъсир этадиган битимлар тузишда васийлик органларининг розиликлари билан иш қилиш лозим. Нотариал гувоҳлантиришни талаб қиладиган шартномалар тузиш, васийликка олинган шахсга қарашли мулкӣ ҳуқуқлардан воз кечиш, мулкни тақсимлаш ва шу каби ҳаракатлар учун васийлик органларининг розилиги зарур. Ёш болаларга қарашли иморатларни сотиш учун васийлик органларидан махсус рухсат олиниши керак.

Васий васийликка олинган шахснинг ўзи билан ва унинг номидан ўзининг яқин кишилари билан битимлар туза олмайди, чунки бунда васийликка олинувчининг манфаатларига зарар келтириб, ўзига яқин кишиларнинг манфаатларига устунлик бериш ҳавфи бор.

Васий вояга етмаганларнинг тарбияланишлари, соғликлари ҳақида ғамхўрлик қилишга ва улар билан бирга туришга мажбур. Руҳий касалларнинг васийлари эса, уларни даволаш ва соғликларига мувофиқ шароитда асраш тадбирларини таъминлашлари лозим.

Ҳомийлар ғамхўрлик қилиш учун ўзларига ишонишга шахсларга, уларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятларини амалга оширишларида ёрдам кўрсатадилар, уларни учинчи шахсларнинг ёмон ниятли ҳаракатларидан сақлайдилар. Битим тузиш учун васийлик ва ҳомийлик органларининг розиликлари талаб қилинмаган ҳолларда, битимлар тузишга розилик бера оладилар.

Васийлар ва ҳомийлар ўз ҳимояларидаги шахсларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳар қандай шахслар билан муносабатларда, шу жумладан, судларда ҳам махсус ваколатларсиз ҳимоя қила оладилар (ФК, 32-модда).

Васийлик ва ҳомийлик билан боғлиқ бўлган муносабатларга оид асосий қоидалар Оила кодекси ҳамда васийлик ва ҳомийлик органлари тўғрисидаги Низом билан тартибга солинади.

Ҳомийликда ҳомийлар қисман муомала лаёқатига эга бўлган шахсларга (ўн тўрт ёшдан ўн саккиз ёшгача бўлган фуқароларга) ўз ҳуқуқларини амалга ошириш, мажбуриятларни бажаришда ёрдам кўрсатадилар, шунингдек уларни учинчи шахсларнинг баъзан бўлиши мумкин бўлган ёмон ниятли ҳаракатларидан сақлайдилар. Ҳомийлик баъзи ҳолларда жисмоний камчиликлари бўлган, масалан, кўзи ожиз (кўрлик), майиблик сабабли ўз ҳуқуқларини ўзлари амалга ошира олмайдиган ва ҳимоя қила олмайдиган тўла муомала лаёқатига эга бўлган шахсларга нисбатан ҳам белгиланади. Бундай шахсларга нисбатан ҳомийликнинг вазифаси ҳуқуқлар олиш ёки уларни амалга ошириш билан боғлиқ турли ҳаракатларни улар учун бажаришдан иборат.

Боланинг ота-онаси олти ойдан ортиқ муддатда бўлмаган ҳолларда, агар боланинг манфатлари учун зарур бўлса, уларга нисбатан ҳам васийлик ва ҳомийлик белгиланади²⁴[132]. Маҳаллий органлар васийлик ва ҳомийлик органлари бўла олади. Улар вояга етмаганларга нисбатан васийлик ҳаракатларини амалга оширишни ёш болаларга нисбатан *ҳалқ таълим бўлимларига*, руҳий касал ва ақли заифларга нисбатан *соғлиқни сақлаш бўлимларига*, васийликка олинувчиларнинг бошқа тоифаларига нисбатан эса *ижтимоий таъминот бўлимларига* юклайдилар. Васийлик ва ҳомийлик кишлоқ жойларида фуқаролик йиғинлари томонидан белгиланади.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНING ҚОНУНИ ВАСИЙЛИК ВА ҲОМИЙЛИК ТЎҒРИСИДА

(Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2014 й., 1-сон, 1-модда; 2016 й., 52-сон, 597-модда)

Қонунчилик палатаси томонидан 2013 йил 8 ноябрда қабул қилинган
Сенат томонидан 2013 йил 12 декабрда маъқулланган

1-боб. Умумий қоидалар

1-модда. Ушбу Қонуннинг мақсади

Ушбу Қонуннинг мақсади васийлик ва ҳомийлик соҳасидаги муносабатларни тартибга солишдан иборат.

2-модда. Васийлик ва ҳомийлик тўғрисидаги қонун ҳужжатлари

Васийлик ва ҳомийлик тўғрисидаги қонун ҳужжатлари ушбу Қонун ва бошқа қонун ҳужжатларидан иборатдир.

Агар Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномасида Ўзбекистон Республикасининг васийлик ва ҳомийлик тўғрисидаги қонун ҳужжатларида назарда тутилганидан бошқача қоидалар белгиланган бўлса, халқаро шартнома қоидалари қўлланилади.

3-модда. Асосий тушунчалар

Ушбу Қонунда қуйидаги асосий тушунчалар қўлланилади:

васийлик — ўн тўрт ёшга тўлмаган етим болаларни ва ота-онасининг қарамоғидан маҳрум бўлган болаларни, шунингдек суд томонидан муомалага лаёқатсиз деб топилган фуқароларни уларга таъминот, тарбия ва таълим бериш, уларнинг мулкӣ ва шахсий номулкӣ ҳуқуқлари ва қонунӣ манфаатларини ҳимоя қилиш мақсадида жойлаштиришнинг ҳуқуқӣ шакли;

ҳомийлик — ўн тўрт ёшдан ўн саккиз ёшгача бўлган етим болаларни ва ота-онасининг қарамоғидан маҳрум бўлган болаларни, шунингдек суд томонидан муомала лаёқати чекланган фуқароларни уларга таъминот, тарбия ва таълим бериш, уларнинг мулкӣ ва шахсий номулкӣ ҳуқуқлари ва қонунӣ манфаатларини ҳимоя қилиш мақсадида жойлаштиришнинг ҳуқуқӣ шакли. Соғлиғининг ҳолатига кўра мустақил равишда ўз ҳуқуқларини амалга ошира олмайдиган ва ўз мажбуриятларини бажара олмайдиган вояга етган муомалага лаёқатли фуқароларга бу шахсларнинг илтимосига кўра ҳомийлик белгиланиши мумкин;

васийликдаги ёки ҳомийликдаги шахс — ўзига нисбатан васийлик ёки ҳомийлик белгиланган шахс;

васийлик ёки ҳомийлик белгиланишига муҳтож бўлган шахслар — алоҳида ғамхўрликка, шунингдек ўз ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонунӣ манфаатлари ҳимоя қилинишига муҳтож бўлган етим болалар ва ота-онасининг қарамоғидан маҳрум бўлган болалар, ота-оналик ҳуқуқидан маҳрум этилмаган ота-онаси бўлган ҳамда болаларнинг ҳаёти ёки соғлиғига бевосита таҳдид туғдираётган ёки уларнинг таъминоти, тарбия ва таълим олишига доир талабларга жавоб бермайдиган шароитда яшаётган болалар, соғлиғининг ҳолатига кўра ҳомийликка муҳтож бўлган вояга етган муомалага лаёқатли фуқаролар, муомалага лаёқатсиз ёки муомала лаёқати чекланган фуқаролар.

4-модда. Васийлик ва ҳомийлик соҳасидаги давлат сиёсатининг асосий йўналишлари

Васийлик ва ҳомийлик соҳасидаги давлат сиёсатининг асосий йўналишлари қуйидагилардан иборат:

васийлик ёки ҳомийлик белгиланишига муҳтож бўлган шахсларнинг ўз вақтида аниқланиши, ҳисобга олиниши ва жойлаштирилишини таъминлаш;

васийликдаги ёки ҳомийликдаги шахсларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш;

васийлик ва ҳомийлик тўғрисидаги қонун ҳужжатлари ижросини таъминлаш;

болаларни оилада тарбиялаш шаклининг устуворлигини таъминлаш;

васийлик ёки ҳомийлик белгиланишига муҳтож бўлган шахслар тўғрисида ғамхўрлик кўрсатаётган оилаларни қўллаб-қувватлаш;

васийлик ва ҳомийлик соҳасида давлат бошқаруви органлари, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ҳамда нодавлат нотажорат ташкилотлари ўртасидаги ҳамкорликни таъминлаш;

васийлик ва ҳомийлик соҳасида халқаро ҳамкорликни амалга ошириш.

5-модда. Васийлик ва ҳомийликнинг асосий принциплари

Васийлик ва ҳомийликнинг асосий принциплари қуйидагилардан иборат:

қонунийлик;

инсонпарварлик ва меҳр-шафқат;

васийлик ва ҳомийлик масалаларида индивидуал ёндашув;

болаларни оилада тарбиялаш шаклининг устуворлиги;

васийлик ва ҳомийликка доир мажбуриятларни қабул қилишнинг ва рад қилишнинг ихтиёрийлиги.

6-модда. Васийлик ёки ҳомийлик белгиланишига муҳтож бўлган шахсларни қабул қилган оилани кузатиб бориш

Васийлик ёки ҳомийлик белгиланишига муҳтож бўлган шахсларни қабул қилган оила жойлашган ердаги васийлик ва ҳомийлик органлари васийликдаги ёки ҳомийликдаги шахсларнинг ижтимоий ва психологик мослашувини таъминлаш мақсадида ушбу оилани кузатиб боришни амалга оширади.

Васийлик ёки ҳомийлик белгиланишига муҳтож бўлган шахсларни қабул қилган оилани кузатиб бориш қонун ҳужжатларида назарда тутилган маслаҳат ёрдами, ҳуқуқий, ижтимоий, психологик-педагогик, тиббий ёрдам кўрсатилишини кўзда тутди.

Васийликка ёки ҳомийликка муҳтож бўлган шахсларни қабул қилган оилани кузатиб бориш бепул амалга оширилади.

2-боб. Васийлик ва ҳомийлик соҳасидаги фаолиятни амалга оширувчи давлат органлари ҳамда уларнинг ваколатлари

7-модда. Васийлик ва ҳомийлик соҳасидаги фаолиятни амалга оширувчи давлат органлари

Васийлик ва ҳомийлик соҳасидаги фаолиятни амалга оширувчи давлат органлари жумласига қуйидагилар киради:

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси;
Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги;
Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги;
маҳаллий давлат ҳокимияти органлари.

Васийлик ва ҳомийлик бўйича фаолият:

туман, шаҳар халқ таълими муассасалари фаолиятини методик таъминлаш ва ташкил этиш бўлимлари томонидан — вояга етмаганларга нисбатан;

туман, шаҳар тиббиёт бирлашмалари томонидан — суд томонидан муомалага лаёқатсиз ёки муомала лаёқати чекланган деб топилган фуқароларга, шунингдек соғлиғининг ҳолатига кўра ҳомийликка муҳтож бўлган вояга етган муомалага лаёқатли фуқароларга нисбатан амалга оширилади;

Маҳаллий давлат ҳокимияти органлари васийлик ва ҳомийлик соҳасидаги фаолиятни ушбу **Қонунда** ва бошқа қонун ҳужжатларида белгиланган ваколатлар доирасида амалга оширади.

Ўзбекистон Республикасининг консуллик муассасалари Ўзбекистон Республикасидан ташқарида яшайдиган, ота-онасининг қарамоғидан маҳрум бўлган вояга етмаган, муомалага лаёқатсиз ёки муомала лаёқати чекланган Ўзбекистон Республикаси фуқароларига, шунингдек соғлиғининг ҳолатига кўра мустақил равишда ўз ҳуқуқларини амалга ошира олмайдиган ва ўз мажбуриятларини бажара олмайдиган вояга етган Ўзбекистон Республикаси фуқароларига нисбатан қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда васийлик ёки ҳомийлик белгилаш чора-тадбирларини кўради.

Васийлик ва ҳомийлик органларидан ташқари бошқа юридик ва жисмоний шахсларнинг васийлик ёки ҳомийлик белгиланишига муҳтож бўлган шахсларни аниқлаш ва жойлаштириш бўйича фаолият юритишига йўл қўйилмайди.

8-модда. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг васийлик ва ҳомийлик соҳасидаги ваколатлари

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси:

васийлик ва ҳомийлик соҳасида ягона давлат сиёсати амалга оширилишини таъминлайди;

васийлик ва ҳомийлик соҳасидаги давлат дастурларини тасдиқлайди;

давлат бошқаруви органларининг, маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг васийлик ва ҳомийлик соҳасидаги фаолиятини мувофиқлаштириб боради;

васийлик ва ҳомийликни белгилаш, шунингдек васий ва ҳомий тайинлаш **тартибини** белгилайди;

васийлик ёки ҳомийлик белгиланишига муҳтож бўлган шахсларни, уларнинг жойлаштирилганлиги ҳамда мол-мулкни ҳисобга олиш давлат реестрини (бундан буён матнда давлат реестри деб юритилади) ташкил этиш

ва юритиш тартибини ҳамда унга киритиладиган маълумотлар рўйхатини белгилайди;

васийликдаги ёки ҳомийликдаги шахсларнинг шахсий ҳужжатлар йиғмажилдини юритиш ва васий ёки ҳомий томонидан ўз мажбуриятларини бажариши тўғрисида ҳисобот тақдим этиш тартибини белгилайди.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа ваколатларни ҳам амалга ошириши мумкин.

9-модда. Ўзбекистон Республикаси халқ таълими, соғлиқни сақлаш вазирликларининг васийлик ва ҳомийлик соҳасидаги ваколатлари

Ўзбекистон Республикаси халқ таълими, соғлиқни сақлаш вазирликлари ўз ваколатлари доирасида:

васийлик ва ҳомийлик соҳасидаги давлат сиёсатини амалга оширишда иштирок этади;

васийлик ва ҳомийлик соҳасидаги давлат дастурларини ишлаб чиқади ҳамда уларни амалга оширишда иштирок этади;

болаларни оилада тарбиялаш шаклининг устуворлигини таъминлайди;

васийлик ёки ҳомийлик белгиланишига муҳтож бўлган шахсларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатлари ҳимоя қилинишини таъминлайди;

васийлик ёки ҳомийлик белгиланишига муҳтож бўлган шахсларга муносиб турмуш ва таъминот шароитларини таъминлайди;

васийлик ёки ҳомийлик белгиланишига муҳтож бўлган шахсларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилишни таъминловчи давлат муассасалари фаолиятини мувофиқлаштириб боради;

ижтимоий ишлар соҳасида васийлик ёки ҳомийлик белгиланишига муҳтож бўлган шахсларни маслаҳат ёрдами, ижтимоий-ҳуқуқий, психологик-педагогик, тиббий жиҳатдан комплекс қўллаб-қувватлашни таъминловчи мутахассислар тайёрлайди;

оила ва болаларни қўллаб-қувватлаш муассасалари тармоқларини, хизматларини, васийлик ёки ҳомийлик белгиланишига муҳтож бўлган шахсларга ҳамда уларнинг оилаларига маслаҳат ёрдами, ҳуқуқий, ижтимоий, психологик-педагогик, тиббий ёрдам ва хизматлар кўрсатиш марказларини ривожлантириш бўйича чора-тадбирлар кўради;

васийлик ва ҳомийлик соҳасида халқаро ҳамкорликни белгиланган тартибда амалга оширади.

Ўзбекистон Республикаси халқ таълими, соғлиқни сақлаш вазирликлари қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа ваколатларни ҳам амалга ошириши мумкин.

10-модда. Маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг васийлик ва ҳомийлик соҳасидаги ваколатлари

Маҳаллий давлат ҳокимияти органлари ўз ваколатлари доирасида:

васийлик ва ҳомийлик соҳасидаги давлат дастурларини амалга оширишда иштирок этади;

васийлик ва ҳомийлик соҳасидаги ҳудудий дастурларни ишлаб чиқади, тасдиқлайди ҳамда амалга оширади;

васийлик ва ҳомийлик соҳасидаги вазифаларни бажарувчи ҳудудий давлат бошқаруви органлари фаолиятини назорат қилишни ҳамда мувофиқлаштириб боришни амалга оширади;

васийлик ёки ҳомийлик белгиланишига муҳтож бўлган шахсларнинг, шунингдек васийликдаги ёки ҳомийликдаги шахсларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилишга доир тадбирларни ишлаб чиқади ҳамда амалга оширади;

давлат реестрини юритади.

Маҳаллий давлат ҳокимияти органлари қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа ваколатларни ҳам амалга ошириши мумкин.

Туманлар, шаҳарлар ҳокимлари васийликни ёки ҳомийликни белгилаш ва тугатиш бўйича, шунингдек васийларни ёки ҳомийларни ўз мажбуриятларини бажаришдан озод этиш ёхуд четлаштириш тўғрисида қарорлар қабул қилади.

11-модда. Васийлик ва ҳомийлик органларининг асосий вазифалари

Васийлик ва ҳомийлик органларининг асосий вазифалари қуйидагилардан иборат:

васийлик ёки ҳомийлик белгиланишига муҳтож бўлган шахсларни ўз вақтида аниқлаш ва ҳисобга олиш;

васийлик ёки ҳомийлик белгиланишига муҳтож бўлган шахсларнинг зарур ҳужжатларини тайёрлаш ва уларни жойлаштириш;

васийликдаги ёки ҳомийликдаги ҳамда васийлик ёки ҳомийлик белгиланишига муҳтож бўлган шахсларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш;

васийлар ва ҳомийларнинг мажбуриятлари бажарилишини, васийликдаги ёки ҳомийликдаги шахсларнинг таъминоти, уларга тарбия ва таълим бериш шароитларини, шунингдек мол-мулки бут сақланишини таъминлаш устидан назорат қилиш.

12-модда. Туман, шаҳар халқ таълими муассасалари фаолиятини методик таъминлаш ва ташкил этиш бўлимларининг васийлик ва ҳомийлик соҳасидаги ваколатлари

Туман, шаҳар халқ таълими муассасалари фаолиятини методик таъминлаш ва ташкил этиш бўлимлари ўз ваколатлари доирасида:

етим болаларни ва ота-онасининг қарамоғидан маҳрум бўлган болаларни аниқлайди ва уларнинг ҳисобини юритади;

етим болалар ва ота-онасининг қарамоғидан маҳрум бўлган болалар ҳақидаги маълумотларнинг ахборот базасини юритади, маълумотларни Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлигининг маълумотлар базасига киритиш учун тақдим этади, шунингдек давлат статистика ҳисоботини тегишли давлат статистика органига **қонун ҳужжатларида** белгиланган шаклда ва муддатларда тақдим этади;

етим болалар ва ота-онасининг қарамоғидан маҳрум бўлган болалар тўғрисидаги, уларнинг жойлаштирилганлиги ҳамда мол-мулки ҳақидаги маълумотларни давлат реестрига киритиш учун туман, шаҳар ҳокимлигига тақдим этади;

етим болаларнинг ва ота-онасининг қарамоғидан маҳрум бўлган болаларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатлари ҳимоя қилинишини таъминлайди;

васий ёки ҳомий бўлиш истагини билдирган ҳамда васийларга ва ҳомийларга қўйиладиган талабларга мос бўлган шахсларни танлашни ҳамда ҳисобга олишни амалга оширади;

етим болаларга ва ота-онасининг қарамоғидан маҳрум бўлган болаларга нисбатан васийлик ёки ҳомийлик белгилаш учун зарур ҳужжатларни тайёрлайди;

етим болаларнинг ва ота-онаси қарамоғидан маҳрум бўлган болаларнинг турмуш ва таъминот шароитларини, шунингдек васий ёки ҳомий бўлиш истагини билдирган шахсларнинг турмуш шароитларини текширувдан ўтказди ҳамда бу ҳақда далолатнома тузади;

етим болаларга ва ота-онасининг қарамоғидан маҳрум бўлган болаларга нисбатан васийлик ёки ҳомийлик белгиланиши зарурлиги, шунингдек васий ёки ҳомий бўлиш истагини билдирган шахснинг васий ёки ҳомий этиб тайинланиши мумкинлиги тўғрисида туман, шаҳар ҳокимига ҳулоса беради;

васийликдаги ёки ҳомийликдаги шахсларнинг шахсий ҳужжатлар йиғмажилдларини юритади;

васийлар ва ҳомийларнинг ўз зиммасига юклатилган мажбуриятларни бажариши устидан назоратни амалга оширади, уларга васийликдаги ёки ҳомийликдаги шахсларни тарбиялашни, уларнинг тиббий кузатувини ташкил этишда, таълим муассасаларига ҳамда ишга жойлаштирилишида ёрдам кўрсатади;

етим болаларни ва ота-онасининг қарамоғидан маҳрум бўлган болаларни жойлаштиришни, шунингдек уларнинг мол-мулки бут сақланишини таъминлайди;

васийликни ёки ҳомийликни тугатиш тўғрисида, шунингдек ушбу Қонуннинг **29 ва 30-моддаларида** назарда тутилган ҳолларда васийларни ёки ҳомийларни ўз мажбуриятларини бажаришдан озод этиш ёхуд четлаштириш ҳақида туман, шаҳар ҳокимига илтимосномалар киритади;

боланинг ҳаётига ёки соғлиғига бевосита таҳдид туғилган ҳолларда уни ота-онасидан ёхуд ота-онасининг ўрнини босувчи шахслардан олиб қўйиш чора-тадбирларини кўради;

вояга етмаганни тўла муомалага лаёқатли деб эълон қилиш (эмансипация) тўғрисида ҳомийларнинг розилиги билан қарор қабул қилади;

васийликдаги ёки ҳомийликдаги шахсларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш масалалари юзасидан белгиланган тартибда ариза билан судга мурожаат қилади, мазкур масалалар юзасидан ишларни суд мажлисларида кўриб чиқишда иштирок этади;

ўн тўрт ёшдан ўн саккиз ёшгача бўлган вояга етмаганнинг ўз иш ҳақи, стипендияси ёки бошқа даромадларини мустақил равишда тасарруф этиш ҳуқуқини чеклаш ёки уни бу ҳуқуқдан маҳрум этиш тўғрисида судга зарур ҳолларда ариза билан мурожаат қилади, вояга етмаганнинг қонунда белгиланган тартибда тўла муомала лаёқатига эга бўлиши ҳоллари бундан мустасно;

васийликдаги ёки ҳомийликдаги шахсларга тегишинча маслаҳат ёрдами, ҳуқуқий, ижтимоий, психологик-педагогик ва тиббий ёрдам кўрсатиш борасида ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар, таълим муассасалари, соғлиқни сақлаш муассасалари, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, нодавлат ноижорат ташкилотлари билан ҳамкорлик қилади;

фуқароларга васийлик ва ҳомийлик масалалари бўйича маслаҳатлар беради;

фуқароларнинг васийлик ва ҳомийлик масалаларига доир мурожаатларини кўриб чиқади ҳамда улар юзасидан зарур чоралар кўради.

Туман, шаҳар халқ таълими муассасалари фаолиятини методик таъминлаш ва ташкил этиш бўлимлари қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа ваколатларни ҳам амалга ошириши мумкин.

13-модда. Туман, шаҳар тиббиёт бирлашмаларининг васийлик ва ҳомийлик соҳасидаги ваколатлари

Туман, шаҳар тиббиёт бирлашмалари ўз ваколатлари доирасида:

муомалага лаёқатсиз ва муомала лаёқати чекланган фуқароларни, шунингдек соғлиғининг ҳолатига кўра ҳомийликка муҳтож бўлган шахсларни аниқлайди ҳамда уларнинг ҳисобини юритади;

муомалага лаёқатсиз ва муомала лаёқати чекланган фуқаролар, шунингдек соғлиғининг ҳолатига кўра ҳомийликка муҳтож бўлган шахслар ҳақидаги маълумотларнинг ахборот базасини юритади, маълумотларни Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлигининг маълумотлар базасига киритиш учун тақдим этади, шунингдек давлат статистика ҳисоботини тегишли давлат статистика органига қонун ҳужжатларида белгиланган шаклда ва муддатларда тақдим этади;

муомалага лаёқатсиз ва муомала лаёқати чекланган фуқаролар, шунингдек соғлиғининг ҳолатига кўра ҳомийликка муҳтож бўлган шахслар тўғрисидаги, уларнинг жойлаштирилганлиги ҳамда мол-мулки ҳақидаги маълумотларни давлат реестрига киритиш учун туман, шаҳар ҳокимлигига тақдим этади;

муомалага лаёқатсиз ва муомала лаёқати чекланган фуқароларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатлари ҳимоя қилинишини таъминлайди;

васий ёки ҳомий бўлиш истагини билдирган ҳамда васийларга ва ҳомийларга қўйиладиган талабларга мос бўлган шахсларни танлашни ҳамда ҳисобга олишни амалга оширади;

муомалага лаёқатсиз ва муомала лаёқати чекланган фуқароларга, шунингдек соғлиғининг ҳолатига кўра ҳомийликка муҳтож бўлган шахсларга нисбатан васийлик ёки ҳомийлик белгилаш учун зарур бўлган ҳужжатларни тайёрлайди;

муомалага лаёқатсиз ва муомала лаёқати чекланган фуқароларнинг, соғлиғининг ҳолатига кўра ҳомийликка муҳтож бўлган шахсларнинг турмуш ва таъминот шароитларини, шунингдек васий ёки ҳомий бўлиш истагини билдирган шахсларнинг турмуш шароитларини текширувдан ўтказди ҳамда бу ҳақда далолатнома тузади;

васий ёки ҳомий бўлиш истагини билдирган шахсларнинг васий ёки ҳомий этиб тайинланиши мумкинлиги тўғрисида туман, шаҳар ҳокимига хулоса беради;

васийликдаги ёки ҳомийликдаги шахсларнинг шахсий ҳужжатлар йиғмажилдларини юритади;

васийлар ва ҳомийларнинг ўз зиммасига юклатилган мажбуриятларни бажариши устидан назоратни амалга оширади, уларга васийликдаги ёки ҳомийликдаги шахсларни парвариш қилишни, тарбиялашни ва уларнинг тиббий кузатувини ташкил этишда ёрдам кўрсатади;

васийликни ёки ҳомийликни тугатиш тўғрисида, шунингдек ушбу Қонуннинг 29 ва 30-моддаларида назарда тутилган ҳолларда васийларни ёки ҳомийларни ўз мажбуриятларини бажаришдан озод этиш ёхуд четлаштириш ҳақида туман, шаҳар ҳокимига илтимосномалар киритади;

васийликдаги ёки ҳомийликдаги шахсларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш масалаларига доир ариза билан белгиланган тартибда судга мурожаат қилади, мазкур масалаларга доир ишларни суд мажлисларида кўриб чиқишда иштирок этади;

ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар, таълим муассасалари, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, нодавлат нотижорат ташкилотлари билан васийликдаги ёки ҳомийликдаги шахсларга тегишинча маслаҳат ёрдами, ҳуқуқий, ижтимоий, психологик-педагогик ва тиббий ёрдам кўрсатиш бўйича ҳамкорлик қилади;

фуқароларга васийлик ва ҳомийлик масалалари бўйича маслаҳатлар беради;

фуқароларнинг васийлик ва ҳомийлик масалаларига доир мурожаатларини кўриб чиқади ҳамда улар юзасидан зарур чоралар кўради.

Туман, шаҳар тиббиёт бирлашмалари қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа ваколатларни ҳам амалга ошириши мумкин.

3-боб. Васийлик ёки ҳомийлик белгиланишига муҳтож бўлган шахслар ва уларнинг мол-мулки тўғрисидаги ахборот

15-модда. Давлат реестрига киритиш учун маълумотларни тақдим этиш

Васийлик ва ҳомийлик органлари васийлик ёки ҳомийлик белгиланишига муҳтож бўлган шахслар тўғрисидаги, уларнинг

жойлаштирилганлиги ҳамда мол-мулки ҳақидаги маълумотларни давлат реестрига киритиш учун ҳар ойда туман, шаҳар ҳокимлигига тақдим этади.

Васийлик ёки ҳомийлик белгиланишига муҳтож бўлган шахснинг яшаш жойи ва унинг мулкӣ аҳволи ўзгарган тақдирда, васийлик ва ҳомийлик органлари мазкур ўзгаришлар тўғрисида етти иш куни ичида туман, шаҳар ҳокимлигини хабардор этиши ҳамда унинг шахсий ҳужжатлар йиғмажилдини мазкур шахснинг янги яшаш жойидаги васийлик ва ҳомийлик органига юбориши шарт. Бунда шахсий ҳужжатлар йиғмажилдининг кўчирма нусхаси васийлик ва ҳомийлик органининг архивида қолиши шарт.

16-модда. Васийлик ёки ҳомийлик белгиланишига муҳтож бўлган шахслар аниқланганлиги тўғрисида васийлик ва ҳомийлик органларига маълумотлар тақдим этиш

Васийлик ёки ҳомийлик белгиланишига муҳтож бўлган шахслар аниқланганда, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар, фуқаролик ҳолати далолатномаларини ёзиш органлари, таълим муассасалари ва соғлиқни сақлаш муассасалари, шунингдек фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари мазкур шахслар аниқланган кундан эътиборан етти иш куни ичида улар ҳақидаги маълумотларни ёзма шаклда васийлик ва ҳомийлик органларига юборади.

Васийлик ёки ҳомийлик белгиланишига муҳтож бўлган болалар аниқланган ҳолларда, васийлик ва ҳомийлик органи бундай маълумотлар олинган кундан эътиборан уч иш куни ичида уларнинг турмуш ва таъминот шароитларини қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда текширувдан ўтказиши шарт.

17-модда. Яшаш жойи Ўзбекистон Республикасининг бошқа вилоятлари, туманлари, шаҳарлари ёки бошқа мамлакат бўлган васийлик ёки ҳомийлик белгиланишига муҳтож шахслар аниқланганда васийлик ва ҳомийлик органларининг мажбуриятлари

Яшаш жойи Ўзбекистон Республикасининг бошқа вилоятлари, туманлари, шаҳарлари ёки бошқа мамлакат бўлган васийлик ёки ҳомийлик белгиланишига муҳтож бўлган шахслар аниқланган тақдирда васийлик ва ҳомийлик органлари:

васийлик ёки ҳомийлик белгиланишига муҳтож бўлган шахслар аниқланганлиги тўғрисидаги маълумотларни давлат реестрига киритиш учун улар ҳақиқатда турган жойдаги туман, шаҳар ҳокимлигига тақдим этади;

васийлик ёки ҳомийлик белгиланишига муҳтож бўлган шахс аниқланганлиги ҳақида унинг яшаш жойидаги васийлик ва ҳомийлик органини хабардор қилади;

васийлик ёки ҳомийлик белгиланишига муҳтож бўлган шахснинг яшаш жойидаги васийлик ва ҳомийлик органидан мазкур шахснинг ота-онаси ёки бошқа қариндошлари, турар жойи ва бошқа мол-мулки бор-йўқлигини тасдиқловчи ҳужжатларни олади;

уларни яшаш жойига қайтаришга кўмаклашади.

Яшаш жойи Ўзбекистон Республикасининг бошқа вилоятлари, туманлари, шаҳарлари ёки бошқа мамлакат бўлган васийлик ёки ҳомийлик белгиланишига муҳтож бўлган шахслар аниқланганда васийлик ва ҳомийлик органларининг зиммасида қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа мажбуриятлар ҳам бўлиши мумкин.

18-модда. Давлат реестрини юритиш

Давлат реестрини туман, шаҳар ҳокимлиги юритади.

Давлат реестрига васийлик ва ҳомийлик органларидан келиб тушадиган васийлик ёки ҳомийлик белгиланишига муҳтож бўлган шахслар тўғрисидаги, уларнинг жойлаштирилганлиги ҳамда мол-мулки ҳақидаги маълумотлар киритилади.

Давлат реестрини ташкил этиш ва юритиш тартиби ҳамда унга киритиладиган маълумотлар рўйхати Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланади.

4-боб. Васийлик ва ҳомийликни белгилаш. Васий ёки ҳомий тайинлаш

19-модда. Васийлик ва ҳомийликни белгилаш

Васийлик ва ҳомийлик туман, шаҳар ҳокимининг қарори билан белгиланади.

Васийлик ёки ҳомийлик васийлик ёки ҳомийлик белгиланишига муҳтож бўлган шахснинг яшаш жойи бўйича, агар шахс муайян яшаш жойига эга бўлмаса, васийнинг ёки ҳомийнинг яшаш жойи бўйича белгиланади.

20-модда. Ота-она яшаш жойида вақтинча бўлмаганда васийлик ёки ҳомийлик белгилаш

Ота-она яшаш жойида вақтинча бўлмаганда, агар бола улар томонидан олти ойдан ортиқ муддатга қариндошларининг ёки бошқа яқин кишиларининг васийлигида ёки ҳомийлигида ва назорати остида қолдирилган бўлса, мазкур шахсларнинг болага нисбатан васийлиги ёки ҳомийлиги белгиланади.

Ота-она яшаш жойида олти ойдан кам муддатга вақтинча бўлмаганда, башарти бола улар томонидан қариндошларининг ёки бошқа яқин кишиларининг васийлигида ёки ҳомийлигида ва назорати остида қолдирилган бўлса, васийлик ёки ҳомийлик, агар бу боланинг манфаатлари учун зарур бўлса, белгиланади.

21-модда. Васий ёки ҳомий тайинлаш

Васийлик ёки ҳомийлик бўйича мажбуриятларни бажариш учун туман, шаҳар ҳокимининг қарори билан васий ёки ҳомий тайинланади.

Вояга етган фуқаролар фақат ўз розилигига кўра васий ёки ҳомий этиб тайинланиши мумкин.

Туман, шаҳар ҳокими васий ёки ҳомий бўлиш истагини билдирган шахснинг ёзма аризасига мувофиқ васий ёки ҳомий тайинлайди.

Васий ёки ҳомий тайинлашда унинг ахлоқий ва бошқа шахсий фазилатлари, мажбуриятларни бажариш қобилияти, васий, ҳомий ва васийликдаги ёки ҳомийликдаги шахс ўртасидаги муносабатлар, васий ёки

ҳомий оиласининг васийликдаги ёки ҳомийликдаги шахсга муносабати, шунингдек васийликдаги ёки ҳомийликдаги шахснинг истаги инobatга олиниши лозим.

Васийлик ёки ҳомийлик белгилаш зарурлиги ҳақида васийлик ва ҳомийлик органларига маълум бўлган кундан эътиборан бир ойдан кечиктирмай васий ёки ҳомий тайинланиши керак.

Агар васийлик ёки ҳомийлик белгиланишига муҳтож бўлган шахсга бир ой ичида васий ёки ҳомий тайинланмаган бўлса, васийнинг ёки ҳомийнинг мажбуриятларини бажариш васийлик ёки ҳомийлик белгиланишига муҳтож бўлган шахс аниқланган жойдаги тегишли васийлик ва ҳомийлик органининг зиммасига вақтинча юклатилади.

Ота-онаси бўлган вояга етмаганларга нисбатан тегишли васийлик ва ҳомийлик органи уларнинг ота-онаси ёки қариндошлари қарамоғида бўлмаганлиги факти аниқланган кундан эътиборан васийнинг ёки ҳомийнинг мажбуриятларини бажаради.

Васийлик ва ҳомийлик органи васий ёки ҳомий бўлиш истагини билдирган шахс ҳақидаги маълумотларни олиш мақсадида ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларга, фуқаролик ҳолати далолатномаларини ёзиш органларига, шунингдек соғлиқни сақлаш муассасаларига ёзма сўров юборади. Бунда васийлик ва ҳомийлик органи фуқаро тўғрисидаги фақат васийнинг ёки ҳомийнинг мажбуриятларини бажариш қобилиятини аниқлаш имконини берадиган ахборот тақдим этилишини талаб қилади.

Васий ёки ҳомий бўлиш истагини билдирган шахс ҳақидаги васийлик ва ҳомийлик органи томонидан олинган маълумотлар махфий бўлиб, ошкор қилинмайди, қонун ҳужжатларида назарда тутилган ҳоллар бундан мустасно.

Яшаш жойидан қатъи назар, васийлик ёки ҳомийлик белгиланишига муҳтож бўлган шахснинг қариндошлари, у яшаётган оиланинг шахслари, ака-укаларни ва опа-сингилларни улар ўртасидаги қариндошлик алоқаларини узмасдан васийликка ёки ҳомийликка олаётган шахслар, шунингдек Ўзбекистон Республикаси фуқаролари васий ёки ҳомий этиб тайинланишда имтиёзли ҳуқуққа эга.

Васий ва ҳомий тайинлаш тартиби Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланади.

22-модда. Васий ёки ҳомий этиб тайинланиши мумкин бўлмаган шахслар

Қуйидагилар васий ёки ҳомий этиб тайинланиши мумкин эмас:

ота-оналик ҳуқуқидан маҳрум этилган ёки ота-оналик ҳуқуқлари чекланган шахслар;

суд томонидан муомалага лаёқатсиз ёки муомала лаёқати чекланган деб топилган шахслар;

собиқ фарзандликка олувчилар, агар фарзандликка олиш уларнинг ўз зиммасига юклатилган мажбуриятларини бажаришдан бўйин товлаганлиги ёки лозим даражада бажармаганлиги, ота-оналик ҳуқуқларини суиистеъмол қилганлиги, фарзандликка олинганлар билан шафқатсиз муносабатда

бўлганлиги, сурункали алкоголизм ёки гиёҳвандликка мубтало бўлганлиги оқибатида бекор қилинган бўлса;

ўз зиммасига юклатилган мажбуриятларни бажармаганлиги ёки лозим даражада бажармаганлиги ёхуд ўз ҳуқуқларини суистеъмол қилганлиги учун васий ёки ҳомий мажбуриятларини бажаришдан четлаштирилган шахслар;

қасддан содир этган жинояти учун илгари ҳукм қилинган шахслар.

23-модда. Дастлабки тарзда васий ёки ҳомий тайинлаш

Агар васийлик ёки ҳомийлик белгиланишига муҳтож бўлган шахснинг манфаатини кўзлаб унга дарҳол васий ёки ҳомий тайинланиши зарур бўлса, шу жумладан болалар ота-онасидан ёхуд уларнинг ўрнини босувчи шахслардан олиб қўйилса васийлик ва ҳомийлик органи бир ой муддатга дастлабки тарзда васий ёки ҳомий тайинлаш тўғрисида қарор қабул қилишга ҳақли.

Дастлабки тарзда васий ёки ҳомий тайинлаш васий ёки ҳомий бўлиш истагини билдирган шахснинг аризасига кўра, башарти мазкур шахс томонидан ўз шахсини тасдиқловчи ҳужжат, шунингдек васийлик ва ҳомийлик органи томонидан унинг турмуш шароитларини текшириш далолатномаси, яшаш жойидаги фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органидан олинган маълумотнома ва тавсифнома тақдим этилса, васийлик ва ҳомийлик органи томонидан амалга оширилади.

Дастлабки тарзда тайинланган васийлар ёки ҳомийлар васийнинг ёки ҳомийнинг барча ҳуқуқлари ва мажбуриятларига эга бўлади, васийликдаги ёки ҳомийликдаги шахснинг мол-мулкани унинг номидан тасарруф этиш ҳуқуқи бундан мустасно.

Агар васийлик ёки ҳомийлик белгиланишига муҳтож бўлган шахсга дастлабки тарзда васий ёки ҳомий тайинлаш тўғрисида қарор қабул қилинган кундан эътиборан бир ой ўтгунига қадар жойлаштиришнинг у ёки бу шакли танланган бўлса ёхуд вақтинча тайинланган васий ёки ҳомий унга васий ёки ҳомий этиб тайинланмаса, дастлабки тарздаги васийлик ёки ҳомийлик тугайди.

24-модда. Шахсга бир нечта васий ёки ҳомий тайинлаш

Васийлик ёки ҳомийлик белгиланишига муҳтож бўлган шахснинг қонуний манфаатларидан келиб чиққан ҳолда, унга туман, шаҳар ҳокими қарори билан бир нечта васий ёки ҳомий тайинланиши мумкин.

Бир нечта васий ёки ҳомий тайинланганда, васийликдаги ёки ҳомийликдаги шахснинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш бир вақтнинг ўзида барча васийлар ёки ҳомийлар томонидан амалга оширилади. Агар васийликдаги ёки ҳомийликдаги шахснинг ишларини юритиш васийларнинг ёки ҳомийларнинг бирига топширилса, бу шахс қолган васийлардан ёки ҳомийлардан ишончномалар олган бўлиши лозим.

Бир нечта васий ёки ҳомий тайинланганда, васийликдаги ёки ҳомийликдаги шахснинг парвариш қилинишини таъминлаш ва унинг тиббий

ёрдамни ўз вақтида олишига кўмаклашишга доир мажбуриятлар, васийликдаги ёки ҳомийликдаги вояга етмаган шахсга нисбатан эса, шунингдек таъминот, тарбия ва таълим беришга доир мажбуриятлар васийлик ва ҳомийлик органларининг уларни тайинлаш ҳақидаги хулосасига мувофиқ васийлар ёки ҳомийлар ўртасида тақсимланади.

Васийликдаги ёки ҳомийликдаги шахснинг ва бир вақтнинг ўзида барча васийларнинг ёки ҳомийларнинг манфаатлари ўртасида, шунингдек васийлар ёки ҳомийлар ўз мажбуриятларини бажараётганда васийлар ёки ҳомийлар ўртасида қарама-қаршиликлар юзага келган тақдирда, васийлик ва ҳомийлик органи юзага келган қарама-қаршиликлар ҳал этилгунига қадар васийнинг ёки ҳомийнинг мажбуриятларини бажаради.

25-модда. Бир шахсни бир нечта васийликдаги ёки ҳомийликдаги шахсга васий ёки ҳомий этиб тайинлаш

Зарурат бўлганда, васийликка ёки ҳомийликка олинувчиларнинг қонуний манфаатларидан келиб чиққан ҳолда, туман, шаҳар ҳокими қарори билан бир шахс бир нечта васийликдаги ёки ҳомийликдаги шахсга васий ёки ҳомий этиб тайинланиши мумкин.

Шахсни иккинчи ва ундан кейинги васийликдаги ёки ҳомийликдаги шахсларга васий ёки ҳомий этиб тайинлаш тўғрисидаги туман, шаҳар ҳокими қарорида бошқа шахс васий ёки ҳомий этиб тайинланиши мумкин эмаслигининг сабаблари кўрсатилган бўлиши шарт.

Айни бир васий ёки ҳомий ўз мажбуриятларини бажараётганда унинг васийлигидаги ёки ҳомийлигидаги шахсларнинг манфаатлари ўртасида қарама-қаршиликлар юзага келган тақдирда, васийлик ва ҳомийлик органи юзага келган қарама-қаршиликлар ҳал этилгунига қадар васийнинг ёки ҳомийнинг мажбуриятларини бажаради.

26-модда. Вояга етмаганларга нисбатан улар ота-онасининг ёки вояга етмаганларнинг ўз аризасига кўра васий ёки ҳомий тайинлаш

Туман, шаҳар ҳокими қарори билан ота-онанинг узрли сабабларга кўра ўзларининг ота-оналик мажбуриятларини бажара олмайдиган давр учун ўзининг вояга етмаган болаларига васий ёки ҳомий тайинлаш тўғрисидаги аризаси асосида васий ёки ҳомий тайинланиши мумкин, ушбу аризада аниқ шахс ҳамда васий ёки ҳомий ваколатларининг амал қилиш муддати кўрсатилади.

Вояга етмаган болаларнинг ота-онаси ўз соғлиғи ҳолатига кўра болаларига васийни ёки ҳомийни, агар унинг розилиги бўлса, белгилаши мумкин. Ота-онанинг ўз вояга етмаган болаларига васий ёки ҳомий тайинлаш ҳақидаги аризаси болаларнинг яшаш жойидаги васийлик ва ҳомийлик органига берилади.

Ота-онанинг ўз вояга етмаган болаларига васий ёки ҳомий тайинлаш ҳақидаги аризаси ушбу ариза ёзилган сана кўрсатилган ҳолда уларнинг ўз кўли билан имзоланган ва нотариал тартибда тасдиқланган бўлиши керак.

Ота-она ўз вояга етмаган болаларига васий ёки ҳомий тайинлаш ҳақидаги аризасини болаларнинг яшаш жойидаги васийлик ва ҳомийлик органига янги ариза бериш йўли билан бекор қилишга ёки ўзгартиришга ҳақли.

Ўн тўрт ёшга тўлган вояга етмаганга ҳомий вояга етмаганнинг аниқ шахс кўрсатилган аризасига кўра туман, шаҳар ҳокими қарори билан тайинланиши мумкин.

Туман, шаҳар ҳокими вояга етмаганнинг отаси (онаси) ёки ота-онаси ёхуд ўн тўрт ёшга тўлган вояга етмаганнинг ўзи кўрсатган шахсни васий ёки ҳомий этиб тайинлашни рад этиш тўғрисидаги қарорни фақат бундай тайинлаш қонун ҳужжатларига ёхуд вояга етмаганнинг қонуний манфаатларига зид бўлган тақдирда қабул қилади.

27-модда. Ота-оналик ҳуқуқидан маҳрум қилинмаган ота-онаси бўлган вояга етмаганга васий ёки ҳомий тайинлаш

Ота-оналик ҳуқуқидан маҳрум қилинмаган ота-онаси бўлган вояга етмаганга васий ёки ҳомий, агар ота-онаси билан туриши ушбу шахснинг қонуний манфаатларига жавоб бермаслиги ҳамда унинг ҳаёти ёки соғлиғи учун бевосита таҳдид мавжудлиги васийлик ва ҳомийлик органи томонидан аниқланса, тайинланиши мумкин.

Вояга етмаган васийликда ёки ҳомийликда бўлган даврда васийлик ва ҳомийлик органи унинг оиласини ижтимоий-педагогик жиҳатдан реабилитация қилиш ҳамда вояга етмаганни оиласига қайтариш масалалари бўйича, агар бу унинг қонуний манфаатларига зид бўлмаса, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар, таълим муассасалари, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, нодавлат нотижорат ташкилотлари билан ҳамкорлик қилади.

5-боб. Васийлик ва ҳомийликни тугатиш. Васийнинг ва ҳомийнинг ўз мажбуриятларини бажаришдан озод қилиниши ҳамда четлаштирилиши

28-модда. Васийликни ва ҳомийликни тугатиш асослари

Васийлик қуйидаги ҳолларда тугатилади:

васийликдаги шахс вафот этганда;

вояга етмаган ўн тўрт ёшга тўлганда;

вояга етмаган ота-онасига қайтарилганда;

васийликдаги шахс фарзандликка олинганда;

фуқаронинг муомала лаёқати суд томонидан тикланганда.

Вояга етмаган ўн тўрт ёшга тўлганлиги сабабли васийлик тугатилгач, васийнинг мажбуриятларини бажарувчи шахс белгиланган тартибда тайинланмаган ҳолда вояга етмаганнинг ҳомийси бўлиб қолади.

Ҳомийлик қуйидаги ҳолларда тугатилади:

ҳомийликдаги шахс вафот этганда;

ҳомийликдаги шахс вояга етганда;

ҳомийликдаги шахс ота-онасига қайтарилганда;

ҳомийликдаги шахс фарзандликка олинганда;

фуқаронинг муомала лаёқатини чеклаш ҳақидаги суднинг ҳал қилув қарори бекор қилинганда;

вояга етмаган тўла муомалага лаёқатли деб эълон қилинганда (эмансипация);

ҳомийликдаги шахс никоҳга кирганда;

соғлиғининг ҳолатига кўра ҳомийлик белгиланишига муҳтож бўлган шахснинг соғлиғи яхшиланганда.

Васийликдаги ёки ҳомийликдаги шахс тарбия, соғлиқни сақлаш, аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш муассасаларида ва бошқа шунга ўхшаш муассасаларда вақтинча бўлганда васийнинг ёки ҳомийнинг узрли сабабларга кўра ўз мажбуриятларини бажара олмаслиги васийнинг ёки ҳомийнинг васийликдаги ёки ҳомийликдаги шахсга нисбатан ҳуқуқлари ва мажбуриятларини бекор қилмайди.

29-модда. Васийнинг ёки ҳомийнинг ўз мажбуриятларини бажаришдан озод қилиниши

Васий ёки ҳомий ўзининг аризасига кўра ўз мажбуриятларини бажаришдан озод қилиниши мумкин.

Ҳомий ҳомийликдаги шахснинг талабига кўра ўз мажбуриятларини бажаришдан озод қилиниши лозим.

Васийни ёки ҳомийни ўз мажбуриятларини бажаришдан озод қилиш тўғрисидаги қарор туман, шаҳар ҳокими томонидан васийлик ва ҳомийлик органининг илтимосномаси асосида қабул қилинади.

Вояга етмаганнинг, муомалага лаёқатсиз ёки муомала лаёқати чекланган фуқаронинг васийси ёки ҳомийси ўз мажбуриятларини бажаришдан озод қилинган тақдирда, васийликдаги ёки ҳомийликдаги шахснинг истаги инobatга олинган ҳолда унга қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда бошқа васий ёки ҳомий тайинланади ёхуд жойлаштиришнинг бошқа шакли белгиланади.

Соғлиғининг ҳолатига кўра ҳомийлик белгиланишига муҳтож бўлган вояга етган муомалага лаёқатли фуқаронинг ҳомийси ўз мажбуриятларини бажаришдан озод қилинган тақдирда, ҳомийликдаги шахснинг розилиги билан ҳомий сифатида бошқа шахс тайинланади.

Васий ёки ҳомий мажбуриятларини бажарган шахс ўз мажбуриятларини бажаришдан озод қилинганлиги тўғрисида унга маълум бўлган кундан эътиборан уч иш кунидан кечиктирмай васийлик ва ҳомийлик органига қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда ҳисобот тақдим этиши шарт.

30-модда. Васийнинг ёки ҳомийнинг ўз мажбуриятларини бажаришдан четлаштирилиши

Васий ёки ҳомий ўз мажбуриятларини бажармаган ёки лозим даражада бажармаган ёхуд ўз ҳуқуқларини суистеъмол қилган ҳолларда, уларни ўз мажбуриятларини бажаришдан четлаштириш тўғрисидаги қарор

туман, шаҳар ҳокими томонидан васийлик ва ҳомийлик органининг илтимосномаси асосида қабул қилинади.

Васий ёки ҳомий ўз зиммасига юклатилган мажбуриятлардан ғаразли ёки бошқа паст ниятларда фойдаланганда, васийликдаги ёки ҳомийликдаги шахсни назоратсиз ва зарур ёрдамсиз қолдирганда, васийлик ва ҳомийлик органлари уни белгиланган тартибда жавобгарликка тортиш учун зарур чораларни кўриши шарт.

Вояга етмаганнинг, муомалага лаёқатсиз ёки муомала лаёқати чекланган фуқаронинг васийси ёки ҳомийси ўз мажбуриятларини бажаришдан четлаштирилган тақдирда, васийликдаги ёки ҳомийликдаги шахснинг истаги инobatга олинган ҳолда унга қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда бошқа васий ёки ҳомий тайинланади ёхуд жойлаштиришнинг бошқа шакли белгиланади.

Соғлиғининг ҳолатига кўра ҳомийлик белгиланишига муҳтож бўлган вояга етган муомалага лаёқатли фуқаронинг ҳомийси ўз мажбуриятларини бажаришдан четлаштирилган тақдирда, ҳомийликдаги шахснинг розилиги билан ҳомий сифатида бошқа шахс тайинланади.

Васий ёки ҳомий мажбуриятларини бажарган шахс ўз мажбуриятларини бажаришдан четлаштирилганлиги унга маълум бўлган кундан эътиборан уч иш кунидан кечиктирмай васийлик ва ҳомийлик органига қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда ҳисобот тақдим этиши шарт.

6-боб. Васийлар ва ҳомийларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари.

Васийликдаги ёки ҳомийликдаги шахсларнинг ҳуқуқлари

31-модда. Васийлар ва ҳомийларнинг ҳуқуқлари

Васийлар ўз васийлигидаги шахсларнинг қонуний вакили бўлиб, уларнинг номидан ёки уларнинг манфаатларини кўзлаб барча зарур битимларни тузади.

Ҳомийлар ўз ҳомийлигидаги шахсларнинг қонуний вакили бўлиб, ҳомийлигидаги шахсларга ўз ҳуқуқларини амалга оширишида ва мажбуриятларини бажаришида кўмаклашади, шунингдек уларни учинчи шахслар томонидан бўладиган суиистеъмолликлардан муҳофаза қилади.

Васийлар ва ҳомийлар:

ўз васийлигидаги ёки ҳомийлигидаги шахсни унинг фикрини ҳамда васийлик ва ҳомийлик органларининг тавсияларини ҳисобга олган ҳолда тарбиялаш усулларини мустақил белгилашга;

ўз васийлигидаги ёки ҳомийлигидаги шахсни қонуний асосларсиз ўзида ушлаб турган ҳар қандай шахсдан, шу жумладан ота-онасидан ҳамда бошқа яқин қариндошларидан уни қайтариб беришни суд тартибида талаб қилишга;

ўз васийлигидаги ёки ҳомийлигидаги шахснинг таъминоти, унга тарбия, таълим бериш ва унинг соғлиғини сақлаш бўйича ҳуқуқий, услубий, диагностика ва маслаҳат ёрдами олишга;

ўз васийлигидаги ёки ҳомийлигидаги шахс мустақил равишда амалга оширишга ҳақли бўлмаган битимларни қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда амалга оширишга;

зарур ижтимоий ёрдам олиш учун васийлик ва ҳомийлик органларига, таълим муассасаларига, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларига, нодавлат нотижорат ташкилотларига мурожаат қилишга;

ўз васийлигидаги ёки ҳомийлигидаги шахснинг даволаниши ва соғлиғини тиклаши мақсадида даволаш, санаторий-курорт муассасаларига йўлланмалар олиш учун соғлиқни сақлаш муассасаларига мурожаат қилишга ҳақли.

Васийлар ва ҳомийлар қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа ҳуқуқларга ҳам эга бўлиши мумкин.

Васий ёки ҳомий ўз васийлигидаги ёки ҳомийлигидаги шахснинг ота-онаси ва бошқа яқин қариндошлари билан мулоқотда бўлишига тўсқинлик қилишга ҳақли эмас, бундай мулоқот васийликдаги ёки ҳомийликдаги шахснинг қонуний манфаатларига мос келмайдиган ҳоллар бундан мустасно.

Васий ёки ҳомий, унинг эри (хотини) ва яқин қариндошлари васийликдаги ёки ҳомийликдаги шахс билан битимлар тузишга, шунингдек васийликдаги ёки ҳомийликдаги шахс билан васийнинг ёки ҳомийнинг эри (хотини), унинг яқин қариндошлари ўртасидаги суд ишларини юритишда васийликдаги ёки ҳомийликдаги шахснинг вакили бўлишга ҳақли эмас.

32-модда. Васийлар ва ҳомийларнинг мажбуриятлари

Васийлар ва ҳомийлар:

ўзининг яшаш жойи ўзгарганлиги ҳақида васийлик ва ҳомийлик органини хабардор қилиши;

ўз васийлигидаги ёки ҳомийлигидаги шахсни тарбиялаши, унинг таъминоти, соғлиғи, жисмоний, руҳий, маънавий ва ахлоқий камолоти ҳақида ғамхўрлик қилиши, шунингдек унинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиши;

ўз васийлигидаги ёки ҳомийлигидаги шахснинг мактабгача таълим, умумий ўрта, ўрта махсус, касб-хунар таълими олиши учун шароитларни таъминлаши;

алиментлар, пенсиялар, нафақалар ҳамда қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа ижтимоий тўловлар тўлашни талаб қилиш юзасидан зарур чоралар кўриши;

ўз васийлигидаги ёки ҳомийлигидаги шахснинг ўзларига топширилган мол-мулкни асраб-авайлаши, мол-мулкнинг қиймати пасайишига йўл қўймаслиги ҳамда ундан фойда чиқаришга имкон туғдирмаслиги;

ушбу Қонуннинг 37-моддасида назарда тутилган ҳолларда васийликдаги ёки ҳомийликдаги шахсларнинг мулкӣ ҳуқуқларига дахл қиладиган ҳаракатларни амалга оширишда васийлик ва ҳомийлик органларининг рухсатларини олиши;

ўз васийлигидаги ёки ҳомийлигидаги шахснинг мол-мулкани бошқаришдан тушган даромадлардан ва бошқа мавжуд маблағларидан унинг таъминоти учун фойдаланиши;

ўз васийлигидаги ёки ҳомийлигидаги шахснинг парвариш қилинишини, тиббий кузатувини ва даволаш-профилактика муассасаларида даволанишини таъминлаши;

васийлик ва ҳомийлик органларига ўз мажбуриятларининг бажарилиши ҳақида ҳисоботлар тақдим этиши;

ўз васийлигидаги ёки ҳомийлигидаги шахс стационарда даволаниш учун жойлаштирилганлиги ҳақида васийлик ва ҳомийлик органларини хабардор қилиши;

агар фуқарони муомалага лаёқатсиз деб топишга ёки муомала лаёқати чекланганлигига доир асослар бекор бўлган бўлса, ўз васийлигидаги ёки ҳомийлигидаги шахсни муомалага лаёқатли деб топиш тўғрисида судга ариза билан мурожаат қилиши;

ўз васийлигидаги ёки ҳомийлигидаги вояга етмаган шахс билан бирга яшаши шарт.

Ўз ҳомийлигидаги шахс билан бирга яшаётган ҳомийнинг яшаш жойини ўзгартириши васийлик ва ҳомийлик органининг ёзма рухсати ва ўн тўрт ёшга тўлган вояга етмаганнинг розилиги билан амалга оширилади.

Ҳомийнинг ўз ҳомийлигидаги ўн олти ёшга тўлган шахсдан алоҳида яшашига, башарти бу ҳомийликдаги шахснинг тарбиясига, таъминотига ва таълим олишига, ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатлари ҳимоя қилинишига салбий таъсир кўрсатмаса, васийлик ва ҳомийлик органларининг ёзма рухсати билан йўл қўйилади. Ҳомий ўз ҳомийлигидаги шахсдан алоҳида яшаган тақдирда, унинг яшаш, таълим олиш шароитларини назорат қилиши, уни атрофдагиларнинг салбий таъсиридан ҳимоя қилиши шарт.

Васийликдаги ёки ҳомийликдаги вояга етмаган шахснинг турар жойи мавжуд бўлмаган тақдирда, васий ёки ҳомий уй-жой тўғрисидаги қонун ҳужжатларига мувофиқ уни олиш бўйича чоралар кўриши шарт.

Муомала лаёқати чекланган фуқароларнинг ҳомийлари уларни спиртли ичимликлар, гиёҳвандлик воситалари, психотроп ёки ақл-ирода фаолиятига таъсир этувчи бошқа моддаларни истеъмол этишдан, чекишдан ҳимоя қилишга доир зарур чора-тадбирларни кўриши шарт.

Васийлик ва ҳомийлик бўйича мажбуриятлар бепул бажарилади.

Васийлар ва ҳомийларнинг зиммасида қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа мажбуриятлар ҳам бўлиши мумкин.

33-модда. Васийликдаги ёки ҳомийликдаги шахсларнинг ҳуқуқлари

Васийликдаги ёки ҳомийликдаги шахслар қуйидаги ҳуқуқларга эга:

ўзларига нисбатан ҳурмат билан ва инсоний муносабатда бўлиниши;
ўзларининг таъминоти, тарбияси, таълим олиши ва соғлиғи ҳақида
ғамхўрлик қилиниши;

ўз ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя
қилиниши;

ўз ҳуқуқлари ва ўзларига кўрсатилиши мумкин бўлган хизматлар
тўғрисида, шунингдек ўз ҳуқуқларини ҳимоя қилиш усуллари ҳамда
воситалари ҳақида васийлик ва ҳомийлик органларидан ахборот олиш;

таълим олишга, соғлиқни сақлашга, ижтимоий муҳофаза қилинишга
бўлган ҳуқуқларини, шунингдек ўзларининг жисмоний, ақлий ва маънавий
жихатдан уйғун ривожланишига ёрдам берадиган бошқа ҳуқуқларни амалга
ошириш учун зарур ёрдам олиш ҳамда қўллаб-қувватланиш;

агар бу васийликдаги ёки ҳомийликдаги шахсларнинг ҳуқуқлари ва
қонуний манфаатларига зид бўлмаса, ота-онаси ва бошқа яқин қариндошлари
билан мулоқотда бўлиш;

ўз шахсий ҳаётига тааллуқли ахборотнинг махфийлиги
таъминланиши;

турар жойга бўлган мулк ҳуқуқи ёки турар жойдан фойдаланиш
ҳуқуқи, шунингдек ота-онаси ва бошқа қариндошлари билан қариндошлик
фактига асосланган мулк ҳуқуқлари таъминланиши;

васийнинг ёки ҳомийнинг ғайриқонуний ҳаракатлари
(ҳаракатсизлиги) устидан васийлик ва ҳомийлик органига, шунингдек судга
муурожаат қилиш.

Вояга етмаган васийликдаги ёки ҳомийликдаги шахслар васий ёки
ҳомий билан бирга яшаш ҳуқуқига эга.

Васийликдаги ёки ҳомийликдаги шахслар қонун ҳужжатларига
мувофиқ бошқа ҳуқуқларга ҳам эга бўлиши мумкин.

7-боб. Васийликдаги ёки ҳомийликдаги шахсларнинг мулкӣ ҳуқуқларини ҳимоя қилиш

34-модда. Васийликдаги ёки ҳомийликдаги шахсларнинг мулкӣ ҳуқуқлари

Васийликдаги ёки ҳомийликдаги шахслар васийларнинг ёки
ҳомийларнинг мол-мулкига нисбатан, васийлар ёки ҳомийлар эса,
васийликдаги ёки ҳомийликдаги шахсларнинг мол-мулкига, шу жумладан
алиментлар, пенсиялар, нафақалар суммаларига ҳамда бошқа ижтимоий
тўловларга нисбатан мулк ҳуқуқига эга бўлмайди.

Мол-мулк қонунда назарда тутилган асосларга кўра умумий мулк
ҳуқуқи асосида васийликдаги ёки ҳомийликдаги шахсларга, васийларга,
ҳомийларга тегишли бўлиши мумкин.

Васийликдаги ёки ҳомийликдаги шахслар ўз васийларининг ёки
ҳомийларининг мол-мулкидан уларнинг розилиги билан фойдаланишга
ҳақли.

Васийларга ёки ҳомийларга васийликдаги ёки ҳомийликдаги шахсларнинг мол-мулкидан ўзларининг манфаатлари йўлида фойдаланиш тақиқланади.

35-модда. Васийликдаги ёки ҳомийликдаги шахснинг мол-мулкини бошқариш

Васийликдаги ёки ҳомийликдаги шахснинг мол-мулкини бошқариш мол-мулкнинг жойлашуви бўйича белгиланади.

Васийлар ўз васийлигидаги шахснинг пул маблағларини банкларга ва бошқа кредит ташкилотларига қўйишга ҳақли. Васийликдаги шахснинг банкларга ва бошқа кредит ташкилотларига қўйилган пул маблағларини васий томонидан сарфлаш фақатгина васийликдаги шахснинг таъминоти учун васийлик ва ҳомийлик органининг ёзма рухсатига кўра амалга оширилади.

Соғлиғининг ҳолатига кўра ҳомийлик белгиланишига муҳтож бўлган шахсларнинг ҳомийлари ўз ҳомийлигидаги шахснинг розилиги билан ҳомийликдаги шахснинг таъминотига ва маиший эҳтиёжларини қаноатлантиришга қаратилган маиший ёки бошқа битимлар тузади, шунингдек қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда ҳомийликдаги шахснинг мол-мулкини бошқаришни амалга оширади.

Васийликдаги ёки ҳомийликдаги шахс номидан ҳады шартномаси тузишга йўл қўйилмайди.

Суднинг фуқарони бедарак йўқолган деб топиш тўғрисидаги ёки уни вафот этган деб эълон қилиш ҳақидаги ҳал қилув қарори бекор қилинган тақдирда ёхуд мерос қабул қилинганда мол-мулкни бошқариш бекор қилинади.

36-модда. Васийликдаги ёки ҳомийликдаги шахснинг мол-мулкини муҳофаза қилиш

Васийлар ёки ҳомийлар ўз васийлигидаги ёки ҳомийлигидаги шахснинг мол-мулкини уни сақлашни амалга оширган шахслардан васийлик ёки ҳомийлик белгиланган кундан эътиборан уч иш куни ичида рўйхат бўйича қабул қилиб олиши шарт.

Зарурат бўлган тақдирда, муомала лаёқати чекланган фуқароларнинг ва соғлиғининг ҳолатига кўра ҳомийликка муҳтож бўлган вояга етган муомалага лаёқатли фуқароларнинг ҳомийлари ўз ҳомийлигидаги шахсларнинг мол-мулкини уларнинг илтимоси бўйича рўйхатга кўра қабул қилиб олишга ҳақли.

Васийликдаги ёки ҳомийликдаги шахс мол-мулкнинг рўйхати васийлик ва ҳомийлик органи томонидан васий ёки ҳомий, тегишли фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органи вакиллари, шунингдек васийликдаги ёки ҳомийликдаги шахс иштирокида тузилади.

Васийликдаги ёки ҳомийликдаги шахс мол-мулкининг рўйхатини тузишда бошқа манфаатдор шахслар ҳам иштирок этиши мумкин.

Васийликдаги ёки ҳомийликдаги шахс мол-мулкининг рўйхати уч нусхада тузилади ва мол-мулк рўйхатини тузишда ҳозир бўлган шахслар томонидан имзоланади. Рўйхатнинг бир нусхаси васийга ёки ҳомийга топширилади, иккинчи нусхаси васийликдаги ёки ҳомийликдаги шахснинг васийлик ва ҳомийлик органи томонидан юритиладиган шахсий ҳужжатлар йиғмажилдида сақланади, учинчи нусхаси эса, давлат реестрига тегишли маълумотларни киритиш учун туман, шаҳар ҳокимлигига юборилади.

Зарурат бўлганда, агар буни васийликдаги ёки ҳомийликдаги шахснинг қонуний манфаатлари талаб этса, васий ёки ҳомий ўз васийлигидаги ёки ҳомийлигидаги шахснинг мол-мулкини ўзганинг қонунга ҳилоф эгалигидан талаб қилиб олиш ҳақида судга ариза бериши ёхуд ўз васийлигидаги ёки ҳомийлигидаги шахснинг мулкӣ ҳуқуқларини ҳимоя қилиш юзасидан бошқа чоралар кўриши шарт.

Васийлар ва ҳомийлар ўз васийлигидаги ёки ҳомийлигидаги шахснинг ўзига топширилган мол-мулкини асраб-авайлаши, мол-мулкнинг қиймати пасайишига йўл қўймаслиги ҳамда ундан фойда чиқаришга имкон туғдирмаслиги керак. Васий ва ҳомий томонидан мазкур мажбуриятларнинг бажарилиши ўз васийлигидаги ёки ҳомийлигидаги шахснинг мол-мулки ҳисобидан амалга оширилади.

Васийлар ўз васийлигидаги шахслар номидан тузган битимлар юзасидан белгиланган тартибда жавобгар бўлади.

37-модда. Васийликдаги ёки ҳомийликдаги шахсларнинг мулкӣ ҳуқуқларига дахл қиладиган ҳаракатларни васий ёки ҳомий амалга оширганида васийлик ва ҳомийлик органларининг рухсатлари

Васийлар васийлик ва ҳомийлик органларининг рухсати билан:
васийликдаги шахс номидан нотариал тартибда тасдиқланиши лозим бўлган битимлар тузишга;
мол-мулкни тақсимлашга;
васийликдаги шахснинг мол-мулкини бир йилдан ортиқ бўлмаган муддатга гаровга ёки ижарага беришга;
васийликдаги шахснинг турар жойини айирбошлашга;
васийликдаги шахс номидан мерос ва (ёки) ҳадя олишдан воз кечишга ҳақли.

Агар васийнинг ёки ҳомийнинг ҳаракатлари васийликдаги ёки ҳомийликдаги шахсга қарашли мол-мулкнинг қиймати пасайишига олиб келиши мумкин бўлса, барча ҳолларда, хусусан:

васийликдаги ёки ҳомийликдаги шахснинг манфаатларини кўзлаб берилган даъводан воз кечилганда;

суд муҳокамасида васийликдаги ёки ҳомийликдаги шахс номидан келишув битимини тузишда;

васийликдаги ёки ҳомийликдаги шахс даъвогар бўлган ижро ишини юритиш бўйича қарздор билан келишув битимини тузишда васийлик ва ҳомийлик органларининг рухсати талаб этилади.

Васийликдаги ёки ҳомийликдаги шахс номидан ишончнома берилган тақдирда ҳам васийлик ва ҳомийлик органининг рухсати талаб этилади.

Васийлик ва ҳомийлик органи рад этиш сабабларини кўрсатган ҳолда рухсат беришни рад этиши мумкин.

Васийлик ва ҳомийлик органининг рухсати ёки рухсат беришни рад этиши бундай рухсатни бериш тўғрисида ариза топширилган кундан эътиборан ўн беш кундан кечиктирмасдан васийга ёки ҳомийга тақдим этилиши керак.

38-модда. Васийлик ва ҳомийлик органининг рухсатини олмай туриб васийликдаги ёки ҳомийликдаги шахс номидан шартнома тузиш оқибатлари

Васий ёки ҳомий томонидан васийлик ва ҳомийлик органининг рухсатисиз васийликдаги ёки ҳомийликдаги шахс номидан шартнома тузилганлиги факти аниқланганда, васийлик ва ҳомийлик органи васийликдаги ёки ҳомийликдаги шахснинг манфаатларини кўзлаб зудлик билан судга мурожаат қилиши шарт.

Васийлик ва ҳомийлик органининг рухсатисиз васийликдаги ёки ҳомийликдаги шахс номидан тузилган шартнома ҳақиқий эмас деб топилганда, васийликдаги ёки ҳомийликдаги шахсга тегишли бўлган мол-мулк қайтарилиши, шартнома тарафларига етказилган зарарнинг ўрни эса, қонун ҳужжатларида белгиланган миқдорда ва тартибда васий ёки ҳомий томонидан қопланиши шарт.

39-модда. Васий ёки ҳомий томонидан етказилган мулкий зарарнинг ўрнини қоплаш

Васийлик ва ҳомийлик органи васийликдаги ёки ҳомийликдаги шахсга ғайриқонуний ҳаракатлар (ҳаракатсизлик) туфайли етказилган мулкий зарарнинг ўрни тўлиқ ҳажмда қопланишини васийдан ёки ҳомийдан талаб қилиши шарт, васийлик ёки ҳомийлик тугатилганда эса, васийликдаги ёки ҳомийликдаги муомалага лаёқатли шахс талаб қилишга ҳақли.

Васий ёки ҳомий томонидан васийликдаги ёки ҳомийликдаги шахснинг мол-мулкни сақлашга ва васийликдаги ёки ҳомийликдаги шахснинг мол-мулкни бошқаришга доир мажбуриятлар бажарилмаган ёки лозим даражада бажарилмаганда (мол-мулкни яроқсиз ҳолга келтириш, лозим даражада сақламаслик, мол-мулкни белгиланган мақсад учун сарфламаслик, васийликдаги ёки ҳомийликдаги шахс мол-мулкнинг қиймати пасайишига сабаб бўлган ҳаракатларни (ҳаракатсизликни) амалга ошириш ва бошқалар) васийлик ва ҳомийлик органи бу ҳақда далолатнома тузиши ҳамда васийга ёки ҳомийга васийликдаги ёки ҳомийликдаги шахсга етказилган мулкий зарарнинг ўрнини қоплаш тўғрисида талабнома тақдим этиши шарт.

40-модда. Васийликдаги ёки ҳомийликдаги шахсга нафақа тайинлаш

Васийнинг ёки ҳомийнинг ўз васийлигидаги ёки ҳомийлигидаги шахснинг таъминотига доир харажатларининг ўрни васийликдаги ёки ҳомийликдаги шахс маблағлари ҳисобидан қопланади, бу маблағлар етарли бўлмаган тақдирда эса, васийлик ва ҳомийлик органлари қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда унинг таъминоти учун нафақа тайинлаш мақсадида тегишли органларга мурожаат қилади.

8-боб. Васийлик ва ҳомийлик соҳасидаги назорат

41-модда. Васийлик ва ҳомийлик органлари фаолияти устидан назорат

Васийлик ва ҳомийлик органлари ҳамда уларнинг мансабдор шахслари фаолияти устидан назоратни қонун ҳужжатларида ваколат берилган давлат органлари ва мансабдор шахслар амалга оширади.

42-модда. Васийлар ва ҳомийларнинг мажбуриятлари бажарилиши устидан назорат

Васийлар ва ҳомийларнинг мажбуриятлари бажарилиши устидан назорат васийликдаги ёки ҳомийликдаги шахсларнинг ёхуд васийларнинг ёки ҳомийларнинг яшаш жойидаги васийлик ва ҳомийлик органлари томонидан амалга оширилади.

Васийликдаги ёки ҳомийликдаги шахслар васийнинг ёки ҳомийнинг ҳаракатлари (ҳаракатсизлиги) устидан тегишли васийлик ва ҳомийлик органига ёхуд судга шикоят қилишга ҳақли.

Васийликдаги ёки ҳомийликдаги шахсларнинг ҳаётига ёки соғлиғига бевосита таҳдид туғилганлиги тўғрисида, уларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатлари бузилганлиги ҳақида ўзига маълум бўлиб қолган шахслар бу ҳақда васийликдаги ёки ҳомийликдаги шахснинг ҳақиқатда турган жойидаги васийлик ва ҳомийлик органига ёки ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларга хабар бериши шарт. Бундай маълумотларни олган васийлик ва ҳомийлик органлари ҳамда ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар васийликдаги ёки ҳомийликдаги шахснинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилишга доир зарур чоралар кўриши шарт.

43-модда. Васий ва ҳомийнинг ҳисоботи

Васий ва ҳомий ўз мажбуриятларининг бажарилиши тўғрисида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланган тартибда васийлик ва ҳомийлик органига ҳисобот тақдим этиши шарт.

44-модда. Васийликдаги ёки ҳомийликдаги шахсга етказилган зарарнинг ўрнини қоплаш

Васийлик ва ҳомийлик органларининг ғайриқонуний қарорлари ёхуд улар мансабдор шахсларининг ғайриқонуний ҳаракатлари (ҳаракатсизлиги) натижасида васийликдаги ёки ҳомийликдаги шахсга етказилган зарарнинг ўрни қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда қопланиши шарт.

45-модда. Туман, шаҳар ҳокимининг, васийлик ва ҳомийлик органларининг қарорлари устидан шикоят қилиш

Туман, шаҳар ҳокимининг васийликни ёки ҳомийликни белгилаш ва тугатиш, васийларни ёки ҳомийларни ўз мажбуриятларини бажаришдан озод этиш ёхуд четлаштириш тўғрисидаги, васийлик ва ҳомийлик органларининг дастлабки тарзда васий ёки ҳомий тайинлаш ҳақидаги қарорлари устидан манфаатдор шахслар томонидан судга шикоят қилиниши мумкин.

46-модда. Васий ва ҳомийнинг ғайриқонуний ҳаракатлари (ҳаракатсизлиги) устидан шикоят қилиш

Васий ва ҳомийнинг ғайриқонуний ҳаракатлари (ҳаракатсизлиги) устидан васийликдаги ёки ҳомийликдаги шахс, давлат органлари ва муассасалари, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, нодавлат нотижорат ташкилотлари ҳамда васийликдаги ёки ҳомийликдаги шахснинг яшаш жойидаги фуқаролар томонидан тегишли васийлик ва ҳомийлик органига ёки судга шикоят қилиниши мумкин.

9-боб. Яқунловчи қоидалар

47-модда. Низоларни ҳал этиш

Васийлик ва ҳомийлик соҳасидаги низолар қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда ҳал этилади.

48-модда. Васийлик ва ҳомийлик тўғрисидаги қонун ҳужжатларини бузганлик учун жавобгарлик

Васийлик ва ҳомийлик тўғрисидаги қонун ҳужжатларини бузганликда айбдор шахслар белгиланган тартибда жавобгар бўлади.

49-модда. Қонун ҳужжатларини ушбу Қонунга мувофиқлаштириш

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси:
ҳукумат қарорларини ушбу Қонунга мувофиқлаштиради;
давлат бошқаруви органлари ушбу Қонунга зид бўлган ўз норматив-ҳуқуқий ҳужжатларини қайта кўриб чиқишлари ва бекор қилишларини таъминласин.

50-модда. Ушбу Қонуннинг кучга кириши

Ушбу Қонун расмий эълон қилинган кундан эътиборан олти ой ўтгач кучга киради.

 *LexUZ шарҳи*

Ушбу Қонун «Халқ сўзи» газетасининг 2014 йил 3 январдаги 2 (5932)-сонда эълон қилинган.

Ўзбекистон Республикасининг Президенти И. КАРИМОВ

Тошкент ш.,
2014 йил 2 январь,

ЎРҚ-3

Мавзунини мустаҳкамлаш учун саволлар.

1. Ва
сийлик тушунчаси?
2. Хо
мийлик тушунчаси?
3.
Васийлик ва ҳомийликнинг аҳамияти қандай?
4. Му
омалага лаёқатсиз фуқаро шахсини, унинг қонуний ҳуқуқ ва
манфаатлари қандай ҳимоя қилинади.
5. Васийликдаги ёки ҳомийликдаги шахсларнинг мулкӣ ҳуқуқлари
6. Васийлик ва ҳомийликнинг асосий принциплари
7. Васийлик ва ҳомийлик соҳасидаги фаолиятни амалга оширувчи
давлат органлари ҳақида тушунча беринг?

Таянч сўз ва иборалар.

Ҳомий, қисман муомала лаёқатига эга бўлган шахсларга (ўн тўрт ёшдан ўн саккиз ёшгача бўлган фуқароларга), васий, маҳаллий органлар васийлик ва ҳомийлик органлари, руҳий касал, ақли заиф, мулкӣ зарар.

Глоссарийлар.

васийлик — ўн тўрт ёшга тўлмаган етим болаларни ва ота-онасининг қарамоғидан маҳрум бўлган болаларни, шунингдек суд томонидан муомалага лаёқатсиз деб топилган фуқароларни уларга таъминот, тарбия ва таълим бериш, уларнинг мулкӣ ва шахсий номулкӣ ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш мақсадида жойлаштиришнинг ҳуқуқӣ шакли;

ҳомийлик — ўн тўрт ёшдан ўн саккиз ёшгача бўлган етим болаларни ва ота-онасининг қарамоғидан маҳрум бўлган болаларни, шунингдек суд томонидан муомала лаёқати чекланган фуқароларни уларга таъминот, тарбия ва таълим бериш, уларнинг мулкӣ ва шахсий номулкӣ ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш мақсадида жойлаштиришнинг ҳуқуқӣ шакли. Соғлиғининг ҳолатига кўра мустақил равишда ўз ҳуқуқларини амалга ошира олмайдиган ва ўз мажбуриятларини бажара олмайдиган вояга етган муомалага лаёқатли фуқароларга бу шахсларнинг илтимосига кўра ҳомийлик белгиланиши мумкин;

васийликдаги ёки ҳомийликдаги шахс — ўзига нисбатан васийлик ёки ҳомийлик белгиланган шахс;

васийлик ёки ҳомийлик белгиланишига муҳтож бўлган шахслар — алоҳида ғамхўрликка, шунингдек ўз ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатлари ҳимоя қилинишига муҳтож бўлган етим болалар ва ота-онасининг қарамоғидан маҳрум бўлган болалар, ота-оналик ҳуқуқидан маҳрум этилмаган ота-онаси бўлган ҳамда болаларнинг ҳаёти ёки соғлиғига бевосита таҳдид туғдираётган ёки уларнинг таъминоти, тарбия ва таълим олишига доир талабларга жавоб бермайдиган шароитда яшаётган болалар, соғлиғининг ҳолатига кўра ҳомийликка муҳтож бўлган вояга етган

муомалага лаёқатли фуқаролар, муомалага лаёқатсиз ёки муомала лаёқати чекланган фуқаролар.

Фойдаланилган адабиётлар.

Асосий адабиётлар:

1. Зокиров И.Б. Фуқаролик ҳуқуқи: Дарслик. 1 қисм. –Т. ТДЮИ нашриёти, 2009. 611 б.
2. Инсон ҳуқуқлари тўғрисида халқаро Билль. -Т.: Адолат. 1992.
3. Муаллифлар жамоаси. Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг иккинчи қисмига шарҳлар. -Т.: Иқтисодий ва ҳуқуқ дунёси. 1998.324 б.
3. Топилдиев Б. Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик ҳуқуқи. (биринчи ва иккинчи қисмлар). -Т.: ТДЮИ. 2014.511 б.

Қўшимча адабиётлар:

1. Каримов И.А. Инсон, унинг ҳуқуқ ва эркинликлари ҳамда манфаатлари – энг олий қадрият. // Халқ сўзи, 2005 йил 9 декабрь.
2. Мирзиёев Ш.М. Демократик ислоҳотларни изчил давом эттириш халқимиз учун тинч ва осойишта, муносиб ҳаёт даражасини яратиш барқарор тараққиёт кафолатидир // Халқ сўзи. 2016 йил 2 ноябр.
3. Мирзиёев Ш.М. Қонун устуворлиги ва инсон манфаатларини таъминлаш-юрт тараққиёти ва халқ фаровонлигининг гарови Халқ сўзи 8 декабр 2016 йил. Ўзбекистон Республикасининг сайланган Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганлигининг 24 йиллигига бағишланган тантанали маросимидаги маърузаси.
4. Ўзбекистон Республикаси Президентининг "2017 — 2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устивор йуналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясини амалга оширишга доир ташкилий чора-тадбирлар тўғрисида" 2017 йил 14 февралдаги Ф-4849- сонли Фармойиши. Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2017 й.. 7-сои, 88-модда;
5. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси-Т.: Ўзбекистон, 2017.
6. Ўзбекистон Республикасининг “Васийлик ва хомийлик тўғрисида”ги Қонуни. 2014 йил январь. (Қонунчилик палатаси томонидан 2013 йил 8 ноябрда қабул қилинган. Сенат томонидан 2013 йил 12 декабрда мақулланган.)
7. Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик кодекси. (2016 йил 1 июлгача бўлган ўзгариш ва қўшимчалар билан). Тўплам. “Адолат” нашриёти.

Elektron resurslar.

1. <http://Allpravo.ru>
2. <http://Internet-law.ru>
3. <http://dissertation1.narod.ru/avtoreferats1>
4. <http://www.library.by/data>
5. <http://www.lawportal.ru>
6. <http://www.legislature.ru>
7. <http://www.ziyonet.uz>
8. <http://www.inter-mba.ru/c...>
2. <http://www.businesspravo.ru>
9. <http://www.daryo.uz>
4. <http://www.kun.uz>
5. <http://www.lex.uz>
10. <http://www.gov.uz>

4-мавзу: Юридик шахс тушунчаси ва белгилари. Юридик шахсларнинг вужудга келиши. Юридик шахснинг жавобгарлиги.(6-соат).

Режа:

- 1.Юридик шахс тушунчаси ва белгилари.
- 2.Юридик шахсларнинг вужудга келиши.
- 3.Юридик шахснинг жавобгарлиги.

1.Фуқаролик ҳуқуқида юридик шахс тушунчаси ва белгилари

Фуқаролик ҳуқуқининг мустақил субъектлари сифатида фуқаролик-ҳуқуқий муносабатларда қатнашиш ва шу муносабат билан муайян ҳуқуқ ва

мажбуриятларга эга бўлиши лаёқати нафақат фуқароларга, балки юридик шахсларга ҳам берилади.

Ўзбекистонда юридик шахслар фаолиятини тартибга солувчи қонунларнинг бутун бир туркуми вужудга келтирилган. Юридик шахс турларидан келиб чиқиб мисол келтирадиган бўлсак, тижоратчи юридик шахслар ташкилий-ҳуқуқий шаклига қараб, “Хусусий корхоналар тўғрисида”, “Кооперация тўғрисида”, “Хўжалик ширкатлари тўғрисида”, “Масъулияти чекланган ҳамда қўшимча масъулиятли жамиятлар тўғрисида”, “Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида”, “Фермер хўжалиги тўғрисида”, “Банклар ва банк фаолияти тўғрисида”, “Биржа ва биржа фаолияти тўғрисида”, “Фирма номлари тўғрисида”, “Банкротлик тўғрисида” нотижорат юридик шахслар эса “Ҳомийлик тўғрисида”, “Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари тўғрисида”, “Жамоат фондлари тўғрисида”, “Нодавлат нотижорат ташкилотлари тўғрисида”, “Нодавлат нотижорат ташкилотлари фаолиятининг кафолатлари тўғрисида”, “Жамоат бирлашмалари тўғрисида”, “Қасаба уюшмалари, уларнинг ҳуқуқлари ва фаолиятининг кафолатлари тўғрисида”, “Сиёсий партиялар тўғрисида”, “Сиёсий партияларни молиялаштириш тўғрисида”, “Виждон эркинлиги ва диний ташкилотлар тўғрисида”, “Хусусий уй-жой мулкдорларининг ширкатлари тўғрисида”, “Нотариат тўғрисида”, “Адвокатура тўғрисида” ва бошқа қонунлар шулар жумласидандир. Уларнинг ҳар бирида турли хўжалик юритиш шаклига эга бўлган у ёки бу юридик шахсларга ўзига хос таърифлар, тушунчалар берилган. ФК эса уларнинг барчасини умумлаштириб қуйидагича таъриф беради:

ФКда юридик шахсга берилган таърифдан аниқланишича, ҳар қандай ташкилот эмас, балки муайян талабларга жавоб берадиган ташкилотларгина юридик шахс бўла олади.

Юридик шахслар:

- 1) ташкилий бирлик;
- 2) мулкий мустақиллик;
- 3) мустақил мулкий жавобгарлик;
- 4) фуқаролик муомаласида ўз номидан ҳаракат қилиш белгиларига эга бўлиши керак.

Ташкилий бирлик – бу юридик шахснинг ҳуқуқ субъекти сифатида ташкил бўлганлигини, ўз олдига қўйилган вазифаларни бажариш учун таъсис ҳужжатларида назарда тутилган бошқарув органлари ва бўлинмалари орқали муайян ҳуқуқ ва мажбуриятларга эга бўлишлигини билдиради.

Юридик шахснинг ташкилий жиҳатдан тузилиши (структураси)ни кўрсатадиган Низоми, устави ёки таъсис шартномаси бўлиши керак. Баъзи давлат муассасалари ва давлат бюджетда бўлган бошқа давлат ташкилотлари, шунингдек қонунда назарда тутилган ҳолларда, бошқа ташкилотлар ҳам алоҳида Низомга эга бўлмай, мазкур турдаги ташкилотлар ҳақидаги умумий Низом асосида иш олиб боришлари мумкин.

Мулкий мустақиллик белгиси – юридик шахсга маълум бир мол-мулкни мулк (хўжалик юритиш, оператив бошқарув) ҳуқуқи асосида тегишлилигини билдиради. Яъни ФКнинг 39-моддасидаги юридик шахс таърифидан келиб чиқадиган бўлсак, “ўз мулкида, хўжалик юритишида ёки оператив бошқарувида алоҳида мол-мулкка эга бўлган” дагина, ташкилот юридик шахс ҳисобланади. Юридик шахсларнинг мол-мулки уларнинг баланс ёки сметасида ҳисобда туради ва ФКнинг 39-моддаси талабларига мувофиқ ҳар қандай ташкилотда баланс ёки смета мустақил бўлиши лозим. Баланс ва сметанинг фарқи шуки смета муассасага унинг ҳаражатларини қоплаш мақсадида мулкдор томонидан бириктирилган мол-мулклар йиғиндисини ўзида ифодаловчи воситадир. Балансда бошланғич мол-мулкнинг шаклланишида устав фонд муҳим роль ўйнайди..

Мустақил мулкый жавобгарлик – шундан иборатки, юридик шахс ҳисобланган ташкилот ўз мажбуриятлари юзасидан ўзига тегишли бўлган (давлат ташкилоти эса, ўзига бириктириб қўйилган) мулки билан жавоб беради. Юридик шахс ҳисобланган давлат ташкилотларининг мажбуриятлари юзасидан давлат жавобгар бўлмайди, бу ташкилотлар ҳам давлат ташкилотлари мажбуриятлари юзасидан жавобгар бўлмайдилар. Давлат бюджетида турадиган ташкилотларнинг қарзини қоплаш, маблағ бериш шартлари ва тартиби Ўзбекистон Республикаси қонунлари билан белгиланади.

Юридик шахснинг ҳуқуқ лаёқати ва муомала лаёқати

Юридик шахс ўз фаолиятида ўз таъсис ҳужжатларида назарда тутилган мақсадларга мувофиқ фуқаролик ҳуқуқ лаёқатига эга бўлади. Ташкилотлар билан фуқаролар ўртасидаги ҳуқуқ лаёқатининг ҳажмида фарқ бўлиши мутлақо табиийдир. Ташкилотлар фуқароларга нисбатан белгиланган бирмунча ҳуқуқ ва мажбуриятларга эга бўла олмайдилар. Бундан ташқари, вужудга келиш вақтида ҳам фуқароларнинг ҳуқуқ ва муомала лаёқатидан юридик шахсларники фарқланади. Юридик шахсларнинг ҳуқуқ ва муомала лаёқати бир вақтда рўйхатдан ўтиши билан вужудга келади.

Юридик шахснинг махсус ҳуқуқ лаёқати унинг устави, низоми ёки қонун ҳужжатлари билан белгиланади (ФК, 41-модда, 3-банд). Айнан ушбу ҳолат юридик шахсларнинг ҳуқуқ ва муомала лаёқати доирасини кенгайтириб, исталган қонуний ҳаракатни амалга ошириш имкониятини беради.

Юридик шахс ҳисобланган ташкилот ёки корхона қатнашадиган муносабатларнинг доираси унинг ташкил қилиниш мақсадлари билан ҳамда амалга оширилиши лозим бўлган ишларнинг характери билан белгиланади. Юридик шахсларнинг ҳуқуқ ва муомала лаёқати икки турга: умумий (универсал) ва махсус ҳуқуқ лаёқатига бўлинади. Қонунда тақиқланмаган исталган фаолиятни амалга ошириш юридик шахсга умумий (универсал) ҳуқуқ лаёқатини беради

. Бу лаёқат билан юридик шахс ўз фаолият доирасининг барчасини таъсис ҳужжатларида санаб ўтиши шарт бўлмайди. Аксинча, қонун ҳужжатларида тақиқланмаган исталган фаолият билан шуғулланиш мумкинлиги ҳақидаги таъсис ҳужжатидаги ҳаволанинг ўзи фаолият доирасининг кенг эканлигидан далолат беради. Махсус ҳуқуқ лаёқатида эса юридик шахс ўз фаолиятини таъсис ҳужжатида назарда тутилган мақсадга мувофиқ шуғулланиши назарда тутилади.

Шундай қилиб, юридик шахснинг ҳуқуқ лаёқати, унга махсус юкланган вазифалар билан белгиланади (махсус ҳуқуқ лаёқати принципи). Юридик шахс қонун ҳужжатларида белгилаб қўйилган айрим фаолият турлари билан фақат махсус рухсатнома (лицензия) асосидагина шуғулланиши мумкин. Масалан, нефть, нефть маҳсулотлари ва газ қазиб чиқариш, уларни қайта ишлаш ва сотиш фаолияти.

Фуқаролик ҳуқуқида фуқароларга нисбатан ҳуқуқ лаёқатининг тенглик принципи ўрнатилган бўлиб, фуқаролик ҳуқуқ лаёқатининг мазмуни ҳамма фуқаролар учун қонун билан тенг ҳажмда белгиланган бўлса, юридик шахсларнинг ҳуқуқ лаёқати ундан фарқланиб, уларнинг ҳар қайси тури учун ҳар хил бўлади. У барча юридик шахслар учун бирорта умумий ҳажмда олдин эмас, балки муайян юридик шахснинг пайдо бўлишида, унинг иш мақсадларига қараб, қонун, устав ёки низомларида белгиланади.

Юридик шахсларнинг муомала лаёқати ҳам фуқаролик муомала лаёқатидан фарқ қилади. Агар фуқароларда ҳуқуқ лаёқатидан фарқ қилиб, муомала лаёқати муайян ёшга етгач вужудга келса, муомала лаёқати юридик шахсларда ҳуқуқ лаёқати билан бир вақтда ташкил топади. Шу билан бирга, фуқаролик муомала лаёқатидан фарқ қилиб, юридик шахсларнинг муомала лаёқатини чеклаш ва уни муомалага лаёқатсиз деб топиш мумкин эмас.

Юридик шахснинг муомала лаёқати ўз номидан фуқаролик-ҳуқуқий муносабатларда ҳаракат қилиши, яъни битимлар тузиш, мажбуриятларга эга бўлиш ва уни бажариш, даъвогар ҳамда жавобгар бўлиш лаёқатидир.

Юридик шахс ўз таъсис ҳужжатлари (устави, низоми ёки таъсис шартномаси) асосида ҳаракат қилади. Юридик шахснинг ҳуқуқ лаёқати, унинг таъсис ҳужжати тасдиқланган пайтдан бошлаб ёхуд тегишли ваколатли идора ушбу юридик шахсни ташкил этиш ҳақида қарор чиқаргандан кейин вужудга келади. Юридик шахс давлат рўйхатидан ўтказилгандан бошлаб ташкил этилган ҳисобланади (ФК, 44-модда, 4-банд).

Таъсис шартномаси ва устав бир-биридан фарқланади. Таъсис шартномаси таъсисчилар томонидан тузилса, устав мулкдор ёки иштирокчилар умумий йиғилишида тасдиқланиб, давлат рўйхатидан ўтказилади. Бундан ташқари, таъсис шартномаси муассислар икки ёки ундан ортиқ бўлган ҳоллардагина тузилади. Амалдаги қонунчиликда устав ва

таъсис шартномаси таъсис ҳужжати сифатида турли юридик шахсларда турлича эканлиги аён бўлади. Масалан:

- фақат таъсис шартномаси хўжалик ширкатларида (“Хўжалик ширкатлари тўғрисида”ги қонуннинг 4-моддаси);

- устав ва таъсис шартномаси - масъулияти чекланган ҳамда қўшимча масъулиятли жамиятларда (“Масъулияти чекланган ҳамда қўшимча масъулиятли жамиятлар тўғрисида”ги қонуннинг 11-моддаси), нодавлат нотижорат ташкилотларида (“Нодавлат нотижорат ташкилотлари тўғрисида”ги қонуннинг 16-моддаси);

- устав эса хусусий корхоналарда (“Хусусий корхоналар тўғрисида”ги қонуннинг 10-моддаси), акциядорлик жамиятларида (“Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида”ги қонуннинг 14-моддаси) ва давлат корхоналарида (Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2006 йил 16 октябрдаги 215-сонли қарори билан тасдиқланган “Давлат корхоналари тўғрисида”ги Низомнинг 8-банди25[149]) таъсис ҳужжати ҳисобланади.

2. Юридик шахсларнинг вужудга келиш ва бекор бўлиш тартиби.

ФКнинг 42-моддасига асосан юридик шахслар мулкдор ёки у вакил қилган шахс томонидан ёхуд ваколатли органнинг фармойиши асосида, шунингдек қонун ҳужжатларида назарда тутилган тартибда ташкил этилади. Ҳуқуқ назариясидан маълумки, фуқаролик ҳуқуқи субъектлари орасида фақат юридик шахслардагина вужудга келиш тушунчаси мавжуд зеро, фуқаролик ҳуқуқининг субъектлари ҳисобланган фуқаролар ва давлатга бундай тушунча қўлланилмайди. Фуқаро ва давлат субъект сифатида ўз-ўзидан мавжуд. Гарчи фуқароларда субъектлик ҳолати улар туғилганидан сўнг вужудга келса-да, фуқароларнинг "вужудга келиши асослари" атамаси мантиқий мазмун-моҳият касб этмайди. Фақат юридик шахсларгина юқоридаги икки субъектнинг хоҳиш-иродаси асосида ташкил этилади. Шунинг учун ҳам юридик шахсларга нисбатан вужудга келиш ва унинг асослари ҳолати қонун ҳужжатларида акс эттирилган ҳамда шу тартиб мавжуд бўлишлиги мақсадга мувофиқ деб ҳисобланади26[153].

Юридик шахсларни таъсис этиш жараёни икки босқични ўз ичига олади:

-тайёрлов босқичи. Бу босқич юридик шахсларни таъсис этишда, у давлат рўйхатидан ўтгунгача бўлган жараённи, яъни таъсис ҳужжатларини ишлаб чиқиш ва тасдиқлаш, юридик шахсни ташкил этиш тўғрисида қарор

қабул қилиш, дастлабки мулк (пай)ларни бирлаштириш, бошқарув органларини тасдиқлаш, юридик шахснинг индивидуал белгилари (фирма номи, юридик манзили, муҳр ва штамп эскизлари)ни тасдиқлаш, рўйхатдан ўтказиш тўғрисида ариза ва унга илова қилинадиган ҳужжатларни ваколатли органга тақдим этиш жараёнларини ўз ичига олади;

-давлат рўйхатидан ўтказиш босқичи. Бу босқич яқунловчи босқич бўлиб, у рўйхатдан ўтказиш учун тақдим қилинган ҳужжатларни ваколатли давлат органи томонидан қонун ҳужжатлари талабига мослигини текшириш, мос бўлган тақдирда корхонани юридик шахсларнинг ягона давлат реестрига киритиш ва рўйхатдан ўтганлик тўғрисидаги гувоҳномани бериш жараёнларини ўз ичига олади. Юридик шахс ваколатли давлат органи томонидан бундай гувоҳномани олгандан сўнг, амалда субъект сифатида намоён бўлади.

Юридик шахслар қуйидаги усулларда вужудга келиши мумкин:

1. ***Буйруқ (фармойиш) орқали.*** Муассиснинг буйруғи асосида ташкил этиладиган юридик шахслар мазкур усулда вужудга келади. Бу усулда, одатда, давлат корхоналари ташкил этилади. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ёки бошқа ваколатли давлат органларининг қарори орқали ташкил этиладиган корхоналарнинг вужудга келишига асос мазкур императив характердаги фармойиш (қарор, буйруқ) корхонани ташкил этиш учун асос бўлади. Масалан, “Ўзмед-лизинг” ОАЖ ихтисослаштирилган лизинг Компанияси²⁷[154], “Ўзинфоинвест” агентлиги²⁸[155] ва кўпгина давлат корхоналари ва компаниялари буйруқ асосида ташкил этилган. Тошкент давлат юридик институти ҳам Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1991 йил 15 августдаги 221-сонли қарори билан тузилган.

2. ***Мурожат қилиш усули.*** Бунда муассислар томонидан тузилиши кутилаётган юридик шахсларнинг вужудга келиш имконияти қонун томонидан олдиндан белгилаб қўйилмаган бўлади. Яъни, юридик шахсни ташкил этиш истагида бўлган шахс - муассис қонунда тақиқланмаган исталган фаолият турига ихтисослашган ҳамда хоҳлаган ташкилий-ҳуқуқий шаклдаги юридик шахсни ташкил этиши мумкин. Бинобарин, бундай ҳолларда давлат органи худди шундай юридик шахснинг ташкил этилиш ва этилмаслигининг мақсадга мувофиқлигини текширмайди, фақат унинг таъсис ҳужжатлари қонунга мувофиқлиги текширилади. Айни кунларда Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2006 йил 24 майдаги ПҚ-357-сонли қарори билан тасдиқланган “Тадбиркорлик субъектларини давлат рўйхатига олиш ва ҳисобга қўйишнинг хабардор қилиш тартиби тўғрисида”ги Низомга²⁹[156] асосан ташкил этилаётган ташкилотлар

(банклар, кредит уюшмалари ва оммавий ахборот воситалари бундан мустасно) айнан мурожаат усули орқали вужудга келмоқда.

3. **Рухсат олиш усули.** Бундай усулда ташкил топадиган юридик шахсларнинг вужудга келиш имкониятлари қонунларда олдиндан белгилаб қўйилади ва бинобарин, уларнинг ташкил бўлиш-бўлмаслиги мақсадга мувофиқлиги текширилмайди, балки таъсис хужжатларининг (юридик шахсларни ташкил этиш ҳақидаги таъсис шартномаси ва уларнинг устави) қонунга мувофиқлиги текширилади, холос.

Бу усулда юридик шахсни тузиш олдиндан белгиланганлиги боис, давлат органи уни ташкил этишнинг мақсадлилигини текширади. Собик Иттифоқ даврида рухсат бериш усули орқали рўйхатдан ўтказишда мақсадга мувофиқ эмас, деган ваз билан рўйхатдан ўтказиш рад этилишига йўл қўйилар эди. Бироқ ҳозир юридик шахсни ташкил этиш мақсадга мувофиқ эмас, деган ваз билан рўйхатдан ўтказиш рад этилишига йўл қўйилмайди. Бу бевосита ФКнинг 44-моддаси 2-қисмида ўз ифодасини топган.

Юридик шахсларнинг турлари.

Фуқаролик ҳуқуқи назариясида юридик шахслар бир неча асосларга кўра турларга бўлинади. Жумладан, мулк шаклига кўра хусусий (хусусий мулкка асосланган) ва оммавий (давлат мулкига асосланган), фаолият мақсадига қараб тижоратчи ва нотижорат, таъсисчиларнинг иштирокига кўра таъсисчилар фақат юридик шахслар бўлган (уюшма ва ассоциациялар), муассис фақат давлат бўлган (унитар корхоналар) ҳамда ҳар қандай субъект муассис бўлиши мумкин бўлган корхоналар каби турлари мавжуд. Айрим адабиётларда юридик шахслар оммавий, хусусий ва оммавий юридик шахсга ўхшаш (квазипубличный) корхоналар тарзида туркумланган³⁰[169].

ФКда юридик шахслар фаолиятининг мақсадига қараб (тижоратчи ва нотижорат) таснифланади (ФКнинг 40-моддаси).

Юридик шахсларнинг тижоратчи турлари муассисларнинг фойда олиш мақсадини кўзлаб тузилади. Нотижорат турларида муассислар фойда олиш мақсадини кўзламайдилар.

Қонун хужжатларига мувофиқ тижоратчи юридик шахслар ҳам нотижорат юридик шахслар ҳам тадбиркорлик (фойда олишга қаратилган фаолият) фаолияти билан шуғулланишлари мумкин, лекин бунда, тижоратчи юридик шахслардан фарқ қилиб нотижорат юридик шахслар ўз тадбиркорлик фаолиятларидан олган фойдани фақат аъзоларининг эҳтиёжини қондириш ёки ўзга муштарак мақсадни амалга ошириш учун ишлатадилар. Олинган фойдани бошқа мақсадларда ишлатилишига йўл қўйилмайди. Шу муносабат

билан нотижорат юридик шахсларга нисбатан ФК “фойда олишни мақсад қилиб қўймаган” деган ибора эмас, балки, “фойда олишни ўз фаолиятининг асосий мақсади қилиб қўймаган” ибораси белгиланган. Бу эса, нотижорат ташкилоти тадбиркорлик билан шуғулланиши муайян фойда кўриши мумкинлигини белгилайди. Фақатгина нотижорат юридик шахсларнинг асосий мақсади (ёрдамчи ёки бошқа мақсадлар бундан мустасно) фойда олиш бўлмайди, холос.

Тижоратчи бўлган юридик шахслар жумласига хусусий корхоналар, хўжалик ширкатлари ва жамиятлари, ишлаб чиқариш кооперативлари ҳамда унитар корхоналар киради.

Тижоратчи бўлмаган юридик шахслар жумласига жамоат бирлашмалари, жамоат фондлари ва мулкдорлар томонидан молиявий таъминлаб туриладиган муассасалар киради.

Тижоратчи бўлмаган ташкилотлар ўз уставида белгиланган мақсадларга мос келадиган доирада тадбиркорлик фаолияти билан ҳам шуғуллана олади. Нодавлат нотижорат ташкилотларнинг ҳуқуқий мақоми умумий асосларда Ўзбекистон Республикасининг “Нодавлат нотижорат ташкилотлар тўғрисида”ги қонунида ўз аксини топган³¹[170].

Хусусий корхоналар – юридик шахс сифатида

Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексида мавжуд бўлмаса-да, 2003 йил 11 декабрда қабул қилинган “Хусусий корхоналар тўғрисида”ги³²[171] қонун билан янги ташкилий-ҳуқуқий шаклдаги тижоратчи юридик шахснинг ҳуқуқий мақоми белгиланди.

Ушбу қонуннинг 3-моддасига асосан, мулкдор ягона жисмоний шахс томонидан тузилган ва бошқариладиган тижоратчи ташкилот хусусий корхона деб эътироф этиладиган бўлди. Хусусий корхона тадбиркорлик субъектларининг ташкилий-ҳуқуқий шаклидир. Хусусий корхона ўз мулкида алоҳида мол-мулкка эга бўлади, ўз номидан мулкий ва шахсий-номулкий ҳуқуқларга эга бўлиши ҳамда уларни амалга ошириши, мажбуриятларни бажариши, судда даъвогар ва жавобгар бўлиши мумкин. Хусусий корхона ўз мажбуриятлари бўйича ўзига қарашли бутун мол-мулк билан жавоб беради. Хусусий корхона мулкдори корхонанинг мол-мулки етарли бўлмаган тақдирда, хусусий корхонанинг мажбуриятлари бўйича ўзига қарашли мол-мулк билан қонун ҳужжатларига мувофиқ субсидиар жавобгар бўлади.

Хусусий корхона тўлиқ фирма номига эга бўлиши лозим ва қисқартирилган фирма номига эга бўлишга ҳақли.

Масъулияти чекланган ва қўшимча масъулиятли

жамиятлар –юридик шахс сифатида

Хўжалик жамиятлари – бу бир ёки бир неча шахслар томонидан жамият номидан тадбиркорлик фаолиятини бирга амалга ошириш учун ўз мулклари (асосан маблағлари)ни қўшиш йўли билан тузган ташкилотидир.

Амалдаги қонунчиликка мувофиқ хўжалик жамиятларининг масъулияти чекланган жамият, қўшимча масъулиятли жамият ва акциядорлик жамиятлари каби турлари мавжуд.

Масъулияти чекланган ҳамда қўшимча масъулиятли жамиятларнинг ҳуқуқий мақоми ФКнинг 62-63-моддалари ва 2001 йил 6 декабрда қабул қилинган “Масъулияти чекланган ҳамда қўшимча масъулиятли жамиятлар тўғрисида”ги қонун³³[178] ва бошқа қонун ҳужжатлари билан ҳуқуқий тартибга солинади.

Бир ёки бир неча шахс томонидан таъсис этилган, устав фонди (устав капитали) таъсис ҳужжатлари билан белгиланган миқдорда улушларга бўлинган хўжалик жамияти масъулияти чекланган жамият деб ҳисобланади. Масъулияти чекланган жамиятнинг иштирокчилари унинг мажбуриятлари бўйича жавобгар бўлмайдилар ва жамият фаолияти билан боғлиқ зарарлар учун ўзлари қўшган ҳиссалар қиймати доирасида жавобгар бўладилар.

Акциядорлик жамиятлари – юридик шахс сифатида.

Хўжалик жамиятлари турларидан яна бири бу акциядорлик жамиятидир. Устав фонди муайян миқдордаги акцияларга бўлинган жамият акциядорлик жамияти ҳисобланади. Иштирокчилар (акциядорлар) жамият мажбуриятлари бўйича жавоб бермайдилар, жамият фаолияти билан боғлиқ зарарлар учун ўзларига қарашли акциялар қиймати доирасида жавобгар бўладилар (ФК, 64-модда).

Ж.И.Юлдашевнинг таъкидлашича, акциядорлик жамиятларининг ижобий томонларидан яна бири шундан иборатки, ҳар қандай шахс акция сотиб олиб, инвесторга айланиш имкониятига эгадир. Бунда маблағнинг кимга тегишли эканлиги ва миқдорининг қиймати ҳеч қандай аҳамият касб этмайди. Ва ниҳоят, акциядорлик жамиятлари аҳолининг кенг қатламини хусусийлаштириш жараёнига жалб этиш имкониятини беради³⁴[180].

Акциядорлик жамиятларининг ҳуқуқий мақоми ФК, 1996 йил 26 апрелда қабул қилинган “Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг

хуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида”ги қонун ва бошқа қонун ҳужжатлари билан тартибга солинади.

Жамият қонун ҳужжатларида тақиқланмаган фаолиятнинг ҳар қандай турларини амалга ошириш чоғида қатор хуқуқларга эга бўлади ва мажбуриятларни ўз зиммасига олади.

Жамият ўз мажбуриятлари юзасидан ўзига тегишли барча мол-мулки билан жавобгар бўлади. Акциядорлар жамиятнинг мажбуриятлари юзасидан жавобгар бўлмайдилар ва унинг фаолияти билан боғлиқ зиёнларни ўзларига тегишли акциялар қиймати доирасида тўлайдилар. Акциялар ҳақининг ҳаммасини тўламаган акциядорлар жамият мажбуриятлари юзасидан ўзларига тегишли акциялар қийматининг тўланмаган қисми доирасида солидар жавобгар бўладилар.

Жамият ўз акциядорларининг мажбуриятлари юзасидан жавобгар бўлмайди.

Давлат корхоналари – юридик шахс сифатида

ФКнинг 70-моддаси талаблари ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2006 йил 16 октябрдаги 215-сон қарори билан тасдиқланган “Давлат корхоналари тўғрисида”ги Низом35[194] га асосан, давлат корхонаси – давлат мулкидаги, ўзига тезкорлик билан бошқариш учун берилган мулк негизида ташкил этилган давлат унитар корхонаси шаклидаги тижорат ташкилотидир, у ўзига биркитилган мулкдан қонунда белгиланган доирада, ўз фаолияти мақсадларига, мулкдорнинг (ёки унинг топшириғига кўра у ваколат берган давлат органи – муассиснинг) топшириқларига ҳамда эгалик қилиш ҳуқуқидаги мулкнинг мақсадига мувофиқ мулкдан фойдаланишни ва уни тасарруф этишни амалга оширади.

Давлат корхонасининг муассиси – давлат бошқарув органи, ушбу органлар мақомини белгилайдиган ҳужжатларга мувофиқ белгиланган уларнинг ваколоти доирасида давлат корхонасини таъсис этишга вакил қилинган маҳаллий давлат ҳокимияти органлари ҳисобланади.

Ишлаб чиқариш кооперативлари – юридик шахс сифатида.

Фуқароларнинг шахсий иштироки аъзоларнинг (иштирокчиларнинг) мулки билан қўшиладиган пай бадалларини бирлаштириш асосида биргаликда ишлаб чиқариш ёки бошқа хўжалик фаолиятини олиб бориш учун аъзолик негизидаги ихтиёрий бирлашмаси ишлаб чиқариш кооперативи ҳисобланади. Қонунда ва ишлаб чиқариш кооперативининг таъсис

хужжатларида унинг фаолиятида аъзолик асосида юридик шахслар ҳам иштирок этиши назарда тутилиши мумкин (ФК, 69-модда).

Ишлаб чиқариш кооперативининг аъзолари кооперативнинг мажбуриятлари бўйича қонунда ва кооператив уставида назарда тутилган миқдорларда ва тартибда субсидиар жавобгар бўладилар.

Кооперативнинг фирма номи кооператив номини ва “ишлаб чиқариш кооперативи” деган сўзларни ўз ичига олган бўлиши керак. Ишлаб чиқариш кооперативларининг ҳуқуқий мавқеи ва аъзоларининг ҳуқуқий бурчлари Фуқаролик кодекси ҳамда бошқа қонунлар билан белгиланади. Кооператив фуқаролар истаги билан ёки юридик шахсларнинг ташаббуси билан мутлақо ихтиёрийлик асосида ташкил этилади. Кооператив аъзолари бўлган фуқароларнинг сони уч кишидан кам бўлмаслиги керак.

Кооператив ўз фаолиятини қуйидаги ҳолларда тугатади:

1. Мол-мулк эгасининг ёки у ваколат берган органнинг қарорига ёхуд суднинг ҳал қилув қарорига мувофиқ.

2. Агар рўйхатга олингандан бир йил ўтгач ишлаб чиқариш, хўжалик фаолиятини бошламаса ёки амалда тўхтатиб қўйилгач, даромадлар тўғрисидаги декларацияни топширган вақтдан бошлаб бир йил давомида фаолиятини бошламаса.

3. Олти ойдан кўпроқ вақт давомида тўловга қобилиятсиз бўлса.

4. Ўзбекистон Республикаси қонунларида кўзда тутилган бошқа ҳолларда³⁶[195].

Кооператив тугатилган тақдирда, унга нисбатан ҳақдорлар ва ёлланиб ишловчиларнинг даъволари қондирилгандан кейин қолган мол-мулки кооператив аъзолари ўртасида уставда кўрсатилган тартибда тақсимланади.

Матлубот кооперативи – юридик шахс сифатида.

Иштирокчиларнинг моддий (мулкӣ) эҳтиёжларини қондириш мақсадида фуқароларнинг аъзолигига асосланган ихтиёрий бирлашмаси матлубот кооперативи ҳисобланади ва бирлашув унинг аъзолари томонидан ўз мулкӣ (пай) бадалларини қўшиш йўли билан амалга оширилади (ФК, 73-модда).

Матлубот кооперативи уставида қуйидаги маълумотлар бўлиши керак: кооператив аъзолари қўшадиган пай бадалларининг миқдори, кооператив

аъзолари пай бадалларининг таркиби ва уларнинг кўшиш тартиби, бадални кўшиш мажбуриятини бузганлик учун жавобгарлик, кооперативни бошқариш органларининг таркиби ва ваколатлари, улар томонидан қарорлар қабул қилиш тартиби, шу жумладан, қарорлар бир овоздан ёки овознинг кўпчилиги билан қабул қилинадиган масалалар ва шунингдек, кооператив кўрган зарарларни кооператив аъзолари томонидан тўлаш тартиби тўғрисидаги масалалар кўрсатилади³⁷[198].

Матлубот кооперативининг номида унинг фаолиятини асосий мақсади кўрсатилиши, шунингдек “кооператив” сўзи ёки “матлубот жамияти” деган сўзлар бўлиши керак

Жамоат бирлашмалари – юридик шахс сифатида.

Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси ва бошқа қонунларида белгиланган ҳуқуқлари, эркинликларини ва сиёсат, иқтисод, ижтимоий ривожланиш, фан-маданият, экология ва ҳаётнинг бошқа соҳаларидаги қонуний манфаатларини биргаликда рўёбга чиқариш учун бирлашган фуқароларнинг хоҳиш-иродаларини эркин билдириши натижасида вужудга келадиган ихтиёрий тузилма жамоат бирлашмасидир. Сиёсий партиялар, оммавий ҳаракатлар, касаба уюшмалари, хотин-қизлар, ёшлар ва болалар ташкилотлари, фахрий ва ногиронлар уюшмалари, илмий-техникавий, маданий-маърифий ва бошқа кўнгилли жамиятлар, ижодий уюшмалар, юртдошлар бирлашмалари, фондлар, ассоциациялар ва фуқароларнинг бошқа бирлашмалари жамоат бирлашмаси ташкилий-ҳуқуқий шаклида тузилади.

ФКнинг 74-моддасига асосан маънавий ёки ўзга номоддий эҳтиёжларни қаноатлантириш учун ўз манфаатларининг муштараклиги асосида қонунда белгиланган тартибда бирлашган фуқароларнинг ихтиёрий бирлашмалари жамоат бирлашмалари ҳисобланади.

Жамоат бирлашмаларининг ҳуқуқий мақоми ФК, Ўзбекистон Республикасининг “Жамоат бирлашмалари тўғрисида”ги³⁸[199], “Нодавлат ноижорат ташкилотлари тўғрисида”ги³⁹[200] “Сиёсий партиялар тўғрисида”ги⁴⁰[201], “Касаба уюшмалари, уларнинг ҳуқуқлари ва фаолиятининг кафолатлари тўғрисида”ги⁴¹[202] ва бошқа бир қатор қонун ҳужжатларида белгиланган.

Сиёсий партиялар, оммавий ҳаракатлар, касаба уюшмалари, хотин-қизлар, ёшлар ва болалар ташкилотлари, ветеранлар ва ногиронлар ташкилотлари, илмий-техникавий, маданий-маърифий, физкультура-спорт ва бошқа кўнгилли жамиятлар, ижодий уюшмалар, юртдошлар уюшмалари, ассоциациялар ва фуқароларнинг бошқа бирлашмалари жамоат бирлашмалари деб эътироф этилади.

Жамоат фонди – юридик шахс сифатида.

Юридик ва (ёки) жисмоний шахслар томонидан ихтиёрий мулкӣ бадаллар қўшиш асосида ташкил этилган, хайрия, ижтимоий, маданий, маърифий ёки бошқа ижтимоий фойдали мақсадларни кўзлайдиган, аъзолиги бўлмаган нодавлат ноижорат ташкилоти жамоат фонди деб эътироф этилади. Дастлаб жамоат фондлари ФКнинг 75-моддасига асосан “ижтимоий фондлар” деб юритилган эди.

Бугунги кунда жамоат фондларининг ҳуқуқий мақоми ФК ва 2003 йил 29 августдаги Ўзбекистон Республикасининг “Жамоат фондлари тўғрисида”ги қонун⁴²[203] ва бошқа қонун ҳужжатлари билан белгиланган.

Ўзбекистон Республикасида республика фондлари ҳамда маҳаллий фондлар ташкил этилади ва фаолият кўрсатади. Фаолиятини ўз уставига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси ҳудудида ёки икки ёхуд ундан ортиқ вилоят (Қорақалпоғистон Республикаси, Тошкент шаҳри) ҳудудида амалга оширадиган фондлар республика фондлари жумласига киради. Фаолиятини ўз уставига мувофиқ туман(лар), шаҳар(лар), вилоят ёки Қорақалпоғистон Республикаси ҳудудида амалга оширадиган фондлар маҳаллий фондлар жумласига киради.

Фонд муассисларнинг (муассиснинг) қарорига биноан ёки васиятнома бўйича ташкил этилиши мумкин. Бир ёки бир нечта юридик ва (ёки) жисмоний шахс фонд муассислари (муассиси) бўлиши мумкин. Фонд муассислари (муассиси) фонд уставини тасдиқлайди, фонд васийлик кенгаши дастлабки таркибининг аъзоларини тайинлайди ҳамда қонун ҳужжатларига мувофиқ ўзга ваколатларни амалга оширади.

Фонд васиятнома бўйича ташкил этилганида васиятномада фонднинг мақсад ва вазифалари, унга ўтказилаётган мол-мулк ҳажми кўрсатилган ҳамда васиятномани ижро этувчи белгиланган бўлиши керак. Васиятномани ижро этувчи фонд васийлик кенгаши дастлабки таркибининг аъзоларини, агар улар васиятномада номма-ном кўрсатилган бўлмаса, тайинлайди, шунингдек фонднинг ташкил этилиши билан боғлиқ бошқа ҳаракатларни бажаради.

Хусусий уй-жой мулкдорларининг ширкати – юридик

шахс сифатида.

Хусусий уй-жой мулкдорларининг ширкати кўп квартирали битта ёки яқин, зич жойлашган, ободонлаштириш элементлари бўлган умумий ер участкаси билан қамраб олинган бир нечта уйдаги хусусий турар жойлар мулкдорларининг бирлашмаси ҳисобланган нотижорат юридик шахсдир. Мазкур нотижорат юридик шахснинг ҳуқуқий мақоми ФКда назарда тутилмаган. У ўз фаолиятини Ўзбекистон Республикасининг “Хусусий уй-жой мулкдорларининг ширкатлари тўғрисида”ги 12 апрель 2006 йилги Қонун43[204] асосида олиб боради.

Хусусий уй-жой мулкдорларининг ширкати хусусий турар жойлар мулкдорларининг ташаббуси билан, уй-жой фондини биргаликда бошқариш, уни сақлаш, асраш ва таъмирлашни, кўп квартирали уйдаги турар жойлар мулкдорларининг умумий мол-мулкидан фойдаланишни таъминлаш учун ташкил этилади ва у ўз уставига мувофиқ ўзини ўзи бошқариш асосида фаолият кўрсатади. Ширкат ўз мажбуриятлари бўйича ўзига қарашли барча мол-мулк билан жавоб беради ва ўз аъзоларининг мажбуриятлари бўйича жавоб бермайди. Ширкат аъзоси ширкатнинг мажбуриятлари бўйича жавоб бермайди.

Ширкатнинг таъсис ҳужжати устав ҳисобланади. Мазкур уставнинг намунавий шакли Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 30 май 2006 йилги 100-сонли Қарори билан тасдиқланган44[205].

Муассасалар – юридик шахс сифатида.

Давлат муассасалари юридик шахс сифатида давлат бюджетига турадиган ва мустақил сметага эга бўладиган давлат муассасалари ишлаб чиқариш билан боғлиқ бўлмаган фаолият, чунончи, маъмурий идора этиш ёки ижтимоий-маънавий ишларни бошқаришни амалга оширади. Булар жумласига мустақил сметага, раҳбарларни кредит тақсимлаш ҳуқуқига эга муассасалар киради. Юридик шахс ҳисобланган давлат муассасалари ўз низомлари доирасида ўзлари юритаётган вазифаларни амалга ошириб, турли фуқаролик битимлари тузадилар, ўзларига бириктирилган мулкдан оператив бошқариш ҳуқуқи асосида фойдаланадилар. Давлат органлари ўз қарзлари

учун жавобгар бўлади. Бироқ маблағи етмаса, белгиланган тартибда давлат ҳам унинг учун жавобгар бўлиши мумкин.

Ҳозирги кунда жазони ижро этиш муассасалари, давлат ва нодавлат мактабгача таълим, ўрта махсус, касб-хунар таълими, олий таълим муассасалари, тиббий ва фармацевтика муассасалари, театр, томоша ва бошқа қатор муассасалар фаолият юритмоқда.

Юридик шахслар бирлашмалари – юридик шахс сифатида.

Тижорат ташкилотлари аъзоликка асосланган, ўзларининг тадбиркорлик фаолиятларини мувофиқлаштириш, шунингдек муштарак мулкӣ манфаатларини ифода этиш ҳамда ҳимоя қилиш мақсадида нотижорат ташкилотлар ҳисобланувчи уюшмалар (иттифоқлар) ва ўзга бирлашмаларига бирлашишлари мумкин. Бундай уюшмалар нотижорат ташкилотларининг ўзаро бирлашишидан ҳам ташкил этилиши мумкин. Уни ташкил этиш мақсадида бирлашган тижоратчи ва нотижорат юридик шахслар унинг таъсисчиси ҳисобланадилар ҳамда аъзо деб юритиладилар. Агар иштирокчиларнинг қарорига мувофиқ уюшмага (иттифоққа) ва ўзга бирлашмага тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланиш вазифаси юклатилса, бундай уюшма (иттифоқ) ва ўзга бирлашма ФКда назарда тутилган тартибда хўжалик ширкати ёки жамиятига айлантирилиши керак ёхуд тадбиркорлик фаолиятини амалга ошириш учун хўжалик жамиятлари тузиши ёки уларда иштирок этиши мумкин.

Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари –

юридик шахс сифатида.

Ўзбекистон Республикасининг “Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари тўғрисида”ги қонуни⁴⁵[210] мазмунида таъкидланганидек, фуқароларнинг Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ва қонунлари билан кафолатланадиган, уларнинг ўз манфаатларидан, ривожланишнинг тарихий хусусиятларидан, шунингдек миллий ва маънавий қадриятлардан, маҳаллий урф-одатлар ва анъаналардан келиб чиққан ҳолда маҳаллий аҳамиятга молик масалаларни ҳал қилиш борасидаги мустақил фаолият билан шуғулланувчи шаҳарчалар, қишлоқлар ва овуллар, шунингдек шаҳарлар, шаҳарчалар, қишлоқлар ва овуллардаги маҳаллалар фуқароларининг йиғинлари фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларидир. Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари маҳаллий давлат ҳокимияти органлари тизимига кирмайди ва қонун билан берилган ўз ваколатларини тегишли ҳудудда амалга оширади.

Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари юридик шахс ҳуқуқларидан фойдаланади, белгиланган намунадаги муҳрга эга бўлади ва маҳаллий давлат ҳокимияти органларида ҳисобга олиниши керак.

Фуқаролар йиғини ўзи тасдиқлаган низом асосида фаолият юритади. Унда фуқаролар йиғинининг номи, фуқаролар йиғинининг ҳудуди, фуқаролар йиғини ва унинг органлари ваколатлари, фуқаролар йиғинини чақириш тартиби, фуқаролар йиғини кенгашини тузиш тартиби, фуқаролар йиғини раисини (оқсоқолини) ва унинг маслаҳатчиларини, шунингдек фуқаролар йиғини органларининг бошқа мансабдор шахсларини сайлаш тартиби, фуқаролар йиғини комиссияларини тузиш тартиби, фуқаролар йиғини раисининг (оқсоқолининг) ва раис маслаҳатчиларининг ваколатлари, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органи фаолиятининг молиявий асоси, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органини қайта ташкил этиш ва унинг фаолиятини тугатиш тартиби каби маълумотлар кўрсатилиши лозим.

Юридик шахсларнинг филиаллари ва ваколатхоналари.

Юридик ва жисмоний шахслар ўз вазифаларини амалга ошириш ва аҳолига яқиндан хизмат кўрсатиш мақсадларида ўз филиаллари (бўлимлари, идоралари, агентликлари)ни ташкил этишлари мумкин. Филиал юридик шахснинг у турган ердан ташқарида жойлашган ҳамда унинг барча вазифаларини ёки вазифаларининг бир қисмини, шу жумладан, ваколатхона вазифаларини бажарадиган алоҳида бўлинмасидир (ФК, 47-модда, 2-банд).

Филиал юридик шахснинг таркибий қисми бўлиб, мустақил юридик шахс ҳисобланмайди ва муайян бир жойда юридик шахснинг вазифаларни бошқаришга хизмат кўрсатиш мақсадида тузилади.

Филиаллар ўзларига берилган ваколатлар доирасида баъзи юридик ҳаракатларни қилишлари мумкин. Аммо бундай ҳаракатлар натижасида олинган мажбуриятлар юзасидан юридик шахс мулккий жавобгар бўлади.

“Чет эл инвестициялари тўғрисида”⁴⁶[211]ги Ўзбекистон Республикаси қонунининг 7-моддасида кўрсатилишича, чет эл инвестициялари иштирокидаги корхона ушбу Қонун талабларига риоя этган ҳолда Ўзбекистон Республикаси ҳудудида юридик шахс ҳуқуқига эга бўлган шўъба корхоналар, филиаллар, шунингдек юридик шахс бўлмаган ваколатхоналар ва бошқа алоҳида бўлимлар очиши мумкин.

Ваколатхона юридик шахснинг у турган ердан ташқарида жойлашган, юридик шахс манфаатларини ифодаладиган ва уларни ҳимоя қиладиган алоҳида бўлинмадир. Қонунда бошқача тартиб белгиланмаган бўлса, ваколатхона ва филиаллар юридик шахс ҳисобланмайди. Улар ўзларини

ташкил этган юридик шахс томонидан мол-мулк билан таъминланадилар ҳамда у тасдиқлаган низомлар асосида иш олиб борадилар. Ваколатхона ва филиалларнинг раҳбарлари юридик шахс томонидан тайинланади ҳамда унинг ишончномаси асосида иш олиб боради (ФКнинг 47-моддаси).

Юридик шахсларнинг товар белгилари, хизмат кўрсатиш белгилари ва товар келиб чиққан жой номларига бўлган ҳуқуқ.

Ўзбекистон Республикасида товарлар ишлаб чиқарадиган, хизматлар кўрсатадиган ва хўжалик-тижорат фаолияти билан шуғулланадиган ҳамда фуқаролик муомаласида қатнашадиган ҳар бир юридик шахс ўзигагина хос товар белгиси ва хизмат кўрсатиш белгисига эга бўлади. Бу белгилар бир юридик шахснинг товарлари ва хизматларини ўзга юридик шахсларнинг турдош товарлари ва хизматларидан фарқлаш учун хизмат қиладиган белгилардир.

Товар белгиси сифатида сўзлар, тасвирлар, кабарик ва бошқа белгилар ёки уларнинг жамлама ифодаси рўйхатдан ўтказилади.

Товар белгисини рўйхатдан ўтказиш тўғрисидаги талабнома юридик ёки жисмоний шахслар томонидан шахсан ёки патент идорасида рўйхатга олинган патент вакили орқали берилиши мумкин. Товар белгисининг устуворлиги товар белгисини рўйхатдан ўтказиш учун Патент идорасига талабнома берилган санага қараб белгиланади.

Қуйидагилар товар белгилари сифатида рўйхатдан ўтказилмайди:

- 1) давлат герблари, байроқлари ва давлат мукофотларининг тасвири туширилган белгилар;
- 2) давлатларнинг расмий номлари, халқаро ёки ҳукуматлараро ташкилотларнинг қисқартирилган ёки тўлиқ номлари;
- 3) расмий назорат, кафолат тамғалари ва намуна йўсинидаги тамғалар, муҳрлар;
- 4) давлат хизматларининг Ўзбекистон Республикасида қўлланиладиган ажратиш ва фарқлаш белгилари тасвирлари;
- 5) фарқлаш хусусиятига эга бўлмаган белгилар;
- 6) муайян турдаги товарларнинг белгиси сифатида умум фойдаланишда бўлган белгилар;
- 7) умум эътироф этилган рамзлар ва атамалар ҳисобланган белгилар;

8) товарларни, шу жумладан уларнинг тури, сифати, сони, хусусияти, қандай мақсадга мўлжалланганлиги ва қийматини, шунингдек уларнинг ишлаб чиқариладиган ёки ўтказиладиган жойи ва вақтини тавсифлаш учун фойдаланиладиган белгилар;

9) товар ёки унинг тайёрловчиси хусусидаги ёлғон ёки истеъмолчини чалғитиши мумкин бўлган белгилар;

10) товар келиб чиққан ҳақиқий жойни расман кўрсатувчи, лекин товар бошқа ҳудудда чиқарилаётганлиги ҳақида янглиш тасаввур берувчи белгилар;

11) маъданли сувлар, вино ёки кучли спиртли ичимликларнинг аслиятини акс эттирувчи жўғрофий номлар бўлган ёки шундай номларни ифодаловчи белгилар, мазкур жойда чиқарилмаган товарларни белгилаш учун ишлатилган белгилар, шунингдек башарти улар таржима қилиниб ёки “кўринишдаги”, “турдаги”, “усулдаги” ва бошқа шунга ўхшаш сўзлар билан кўшилган ҳолда қўлланилса;

12) жамият манфаатларига, одамийлик ва ахлоқ қоидаларига зид бўлган белгилар;

13) илгари Ўзбекистон Республикасида бошқа шахс номига рўйхатдан ўтказилган ёки рўйхатдан ўтказиш сўраб талабнома берилган, шунингдек Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномаларига мувофиқ рўйхатдан ўтказилмай ҳам муҳофаза қилинадиган ёки шу турдаги товарларга нисбатан анча илгарироқ устуворликка эга бўлган товар белгилари билан адаштириб юбориш даражасида бир хил ёки уларга айнан ўхшаш бўлган белгилар;

14) ҳар қандай товарларга нисбатан бошқа шахсларнинг белгиланган тартибда ҳаммага маълум деб эътироф этилган товар белгилари билан адаштириб юбориш даражасида бир хил ёки уларга айнан ўхшаш бўлган белгилар;

15) Қонунга мувофиқ муҳофаза қилинадиган товар келиб чиққан жой номи бўлган белгилар билан адаштириб юбориш даражасида бир хил ёки уларга айнан ўхшаш бўлган белгилар, бу белгилар ҳар қандай товарларга нисбатан шундай номдан фойдаланиш ҳуқуқига эга бўлган шахс номига рўйхатдан ўтказиладиган товар белгисига муҳофаза қилинмайдиган қисм сифатида киритилган ҳоллар бундан мустасно;

16) белгиланган тартибда рўйхатдан ўтказилган сертификатлаш белгилари билан адаштириб юбориш даражасида бир хил ёки уларга айнан ўхшаш бўлган белгилар;

17) ўзга шахсларга тегишли ва Ўзбекистон Республикаси ҳудудида таниқли бўлган фирма номларини (ёки уларнинг бир қисмини), агар бу номга бўлган ҳуқуқ бир турдаги товарларни белгилаш учун товар белгисига доир талабнома келиб тушган санадан аввалроқ олинган бўлса, такрорловчи белгилар;

18) саноат намуналарини, агар уларга бўлган ҳуқуқ Ўзбекистон Республикасида ўзга шахсларга тегишли бўлса, такрорловчи белгилар;

19) Ўзбекистон Республикасида машҳур бўлган илмий асарлар, адабиёт ва санъат асарларининг номларини, уларнинг қаҳрамонларини ёки ибораларини, санъат асарларини ёки улардан кўринишларни муаллифлик ҳуқуқига эга бўлган шахс ёки унинг ҳуқуқий ворислари (меросхўрлари) розилигини олмаган тарзда такрорловчи белгилар;

20) атоқли шахсларнинг фамилиялари, исмлари, тахаллусларини ва улардан ясалган сўзларни, бундай шахсларнинг портретларини ҳамда дастхатларини, башарти булар Ўзбекистон Республикасининг тарихий ва маданий бойлиги бўлса, ана шу атоқли шахслар, уларнинг меросхўрлари ёки давлат органи розилигини олмаган тарзда такрорловчи белгилар.

Товар белгисининг эгаси ушбу белгидан фойдаланишда ва уни тасарруф этишда, шу жумладан, ундан ўзга шахслар фойдаланишига рухсат бериш ёки тақиқлаб қўйишда мутлоқ ҳуқуққа эгадир.

Товар белгисидан қонунга зид равишда фойдаланган юридик ва жисмоний шахслар Ўзбекистон Республикасининг қонунларига мувофиқ жавобгар бўладилар. Ўзбекистон Республикасининг юридик шахслари товар белгиларини бошқа давлатларда рўйхатдан ўтказиш ёки халқаро миқёсда рўйхатдан ўтказиш ҳуқуқига эга.

Ҳар бир мамлакат, минтақа, маълум бир ҳудуд ўз иқлими, ҳавоси, тупроқ таркиби, ўсимлик ва ҳайвонот дунёси ва бошқа табиий шароитлари билан ўзига хосдир. Баъзан бу ўзига хослик ўша ҳудуд доирасида ишлаб чиқариладиган товарлар, бажариладиган ишлар, кўрсатиладиган хизматнинг ўзига хос алоҳида сифат белгиларига эга бўлишини таъминлайди. Бошқа жойдаги айнан ўшандай ишлаб чиқилган товарлар, бажариладиган ишлар ёки кўрсатиладиган хизматлар ўшандай сифатга, белгиларга эга бўлмайди. Бинобарин, маълум географик ҳудуднинг табиий шароитлари ёки бошқа омиллар (асосан ўша жойда яшовчиларнинг касб малакаси, маҳорати) билан узвий боғлиқ равишда тайёрланган товарлар бошқа жойда тайёрланган айнан шундай товарларга нисбатан харидоргир, юқори сифатли, алоҳида хусусиятли, рақобатбардошли ҳисобланади.

Бозорда ушбу товар тайёрланган жойнинг номи товарнинг маълум сифати, хусусиятга эга эканлиги ҳақида ўзига хос сертификат ҳисобланади.

Масалан, “Боржоми”, “Ессентуки”, “Тошкент” сувлари, Учқора майизи, Ургут тамакиси, Янгиқўрғон анжири, Қува анори ва ҳ.к. Баъзан товар тайёрланган жойнинг табиий шарт-шароитлари эмас, балки ўша жойда яшовчи аҳолининг маълум бир касб-хунарга, маҳсулот тайёрлашга бўлган алоҳида маҳорати, малакаси ушбу товарнинг сифатини белгилашда алоҳида муҳим омил бўлиши ҳам мумкин. Масалан: Чуст пичоғи, Самарқанд нони, Хива гилами ва ҳ.к.

Мавзунини мустахкамлаш учун саволлар.

1. Юридик шахсга тушунча беринг?
2. Юридик шахснинг қандай белгилари мавжуд?
3. Юридик шахснинг ҳуқуқ ва муомала лаёқати ҳақида нималарни биласиз?
4. Юридик шахсларнинг махсус ва универсал ҳуқуқ лаёқати тушунчаларининг мазмунини очиб беринг?
5. Юридик шахсларнинг таъсис ҳужжатларига тавсиф беринг?
6. Юридик шахслар қандай бошқарилади?
7. Юридик шахслар қандай усулларда вужудга келиши мумкин?
8. Юридик шахслар фаолиятининг бекор бўлиши қандай асосларда амалга оширилади? Қайта ташкил этиш ва тугатиш ўртасида қандай фарқ мавжуд?
9. Юридик шахсларнинг қандай турларини биласиз?
10. Хусусий корхоналарнинг ўзига хос хусусиятлари қандай?
11. Хўжалик жамиятлари ва ширкатларига тушунча беринг?
12. Қандай давлат корхоналарини биласиз, у ҳақда тушунча беринг?
13. Нотижорат ташкилотларига қандай ташкилотлар киради?
14. Жамоат бирлашмалари деганда нимани тушунасиз? Унинг қандай турларини биласиз?
15. Юридик шахсларнинг филиаллари ва ваколатхоналари қандай ҳуқуқий мақомга эга?

Таянч сўз ва иборалар.

Юридик шахсларнинг махсус ва универсал ҳуқуқ лаёқати, юридик шахсларнинг таъсис ҳужжатлари, хусусий корхоналар, хўжалик жамиятлари ва ширкатлари, давлат корхоналари, нотижорат ташкилотлари, жамоат бирлашмалари, юридик шахсларнинг филиаллари ва ваколатхоналари.

Глоссарийлар.

Ташкилий бирлик – бу юридик шахснинг ҳуқуқ субъекти сифатида ташкил бўлганлигини, ўз олдига қўйилган вазифаларни бажариш учун таъсис ҳужжатларида назарда тутилган бошқарув органлари ва бўлинмалари орқали муайян ҳуқуқ ва мажбуриятларга эга бўлишлигини билдиради.

Мулкий мустақиллик белгиси – юридик шахсга маълум бир мол-мулкни мулк (хўжалик юритиш, оператив бошқарув) ҳуқуқи асосида тегишлилигини билдиради. Яъни ФКнинг 39-моддасидаги юридик шахс таърифидан келиб чиқадиган бўлсак, “ўз мулкида, хўжалик юритишида ёки оператив бошқарувида алоҳида мол-мулкка эга бўлган” дагина, ташкилот юридик шахс ҳисобланади

Мустақил мулкий жавобгарлик – шундан иборатки, юридик шахс ҳисобланган ташкилот ўз мажбуриятлари юзасидан ўзига тегишли бўлган (давлат ташкилоти эса, ўзига бириктириб қўйилган) мулки билан жавоб беради. Юридик шахс ҳисобланган давлат ташкилотларининг мажбуриятлари юзасидан давлат жавобгар бўлмайди, бу ташкилотлар ҳам давлат ташкилотлари мажбуриятлари юзасидан жавобгар бўлмайдилар.

Юридик шахс ўз фаолиятида ўз таъсис ҳужжатларида назарда тутилган мақсадларга мувофиқ фуқаролик ҳуқуқ лаёқатига эга бўлади. **Юридик шахсларнинг ҳуқуқ ва муомала лаёқати** бир вақтда рўйхатдан ўтиши билан вужудга келади.

Юридик шахснинг махсус ҳуқуқ лаёқати унинг устави, низоми ёки қонун ҳужжатлари билан белгиланади (ФК, 41-модда, 3-банд).

Фойдаланилган адабиётлар.

Асосий адабиётлар:

1. Зокиров И.Б. Фуқаролик ҳуқуқи: Дарслик. 1 қисм. –Т. ТДЮИ нашриёти, 2009. 611 б.
2. Инсон ҳуқуқлари тўғрисида халқаро Билль. -Т.: Адолат. 1992.
3. Муаллифлар жамоаси. Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг иккинчи қисмига шарҳлар. -Т.: Иқтисодиёт ва ҳуқуқ дунёси. 1998. 324 б.
3. Топилдиев Б. Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик ҳуқуқи. (биринчи ва иккинчи қисмлар). -Т.: ТДЮИ. 2014. 511 б.

Қўшимча адабиётлар:

1.Каримов И.А. Инсон, унинг ҳуқуқ ва эркинликлари ҳамда манфаатлари – энг олий кадрият. // Халқ сўзи, 2005 йил 9 декабрь.

2.Мирзиёев Ш.М. Демократик ислоҳотларни изчил давом эттириш халқимиз учун тинч ва осойишта, муносиб ҳаёт даражасини яратиш барқарор тараққиёт кафолатидир // Халқ сўзи. 2016 йил 2 ноябр.

3.Мирзиёев Ш.М. Қонун устуворлиги ва инсон манфаатларини таъминлаш-юрт тараққиёти ва халқ фаровонлигининг гарови Халқ сўзи 8 декабр 2016 йил. Ўзбекистон Республикасининг сайланган Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганлигининг 24 йиллигига бағишланган тантанали маросимидаги маърузаси.

4.Ўзбекистон Республикаси Президентининг "2017 — 2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устивор йуналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясини амалга оширишга доир ташкилий чоратadbирлар туғрисида" 2017 йил 14 февралдаги Ф-4849- сонли Фармойиши. Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2017 й.. 7-сои, 88-модда;

5.Ўзбекистон Республикаси Конституцияси-Т.: Ўзбекистон, 2017.

6.Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик кодекси. (2016 йил 1 июлгача бўлган ўзгариш ва қўшимчалар билан). Тўплам. “Адолат” нашриёти.

Elektron resurslar.

1.<http://Allpravo.ru>

2.<http://Internet-law.ru>

3.<http://dissertation1.narod.ru/avtoreferats1>

4.<http://www.library.by/data>

5.<http://www.lawportal.ru>

6.<http://www.legislature.ru>

7.<http://www.ziyonet.uz>.

8.<http://www.inter-mba.ru/c...>2.<http://www.businesspravo.ru>.

9.<http://www.daryo.uz>4.<http://www.kun.uz>5.<http://www.lex.uz>

10.<http://www.gov.uz>

5-мавзу: ФУҚАРОЛИК ҲУҚУҚЛАРИ ОБЪЕКТЛАРИНИНГ ТУШУНЧАСИ ВА ТУРЛАРИ. (4-соат).

Режа:

- 1. Фуқаролик ҳуқуқлари объектларининг тушунчаси.**
- 2. Ашёлар – фуқаролик ҳуқуқининг объекти сифатида.**
- 3. Мол-мулклар – фуқаролик ҳуқуқининг объекти сифатида.**
- 4. Пуллар ва қимматли қоғозлар – фуқаролик ҳуқуқининг объекти сифатида**
- 5. Интеллектуал фаолият натижалари, хизмат ва тижорат сири – фуқаролик ҳуқуқининг объекти сифатида**
- 6. Ишлар ва хизматлар – фуқаролик ҳуқуқининг объекти сифатида.**

1. Фуқаролик ҳуқуқи объектлари тушунчаси.

Фуқаролик ҳуқуқининг муҳим ва асосий институтларидан бири объектлардир.

Ҳуқуқий муносабатларнинг объекти ҳуқуқ субъектларининг ҳаракатлари қаратилган, ҳуқуқ ва мажбуриятлар унинг устида белгиланган моддий ва номоддий неъматлардир. Фақатгина қонунчилик объект устида ўрнатиладиган ҳуқуқ ва мажбуриятлар, ҳаракатлар қонун-ҳужжатлари ва ахлоқ нормалари асосида амалга оширилишини талаб этади. Шу сабабли ҳам айрим тоифа объектларнинг муомалада бўлишини чекловчи қоидаларни ўрнатади.

Бозор муносабатлари шароитида фуқаролик ҳуқуқи объектлари доираси кенгайди. Масалан, объект сифатида хусусий мулк, қимматли қоғозлар объект сифатида фуқаролик муомаласида иштирок этиши эътироф этилди, ишлар ва хизматлар доираси сезиларли даражада кенгайди. Мазкур объектлар хилма-хил кўринишларда бўлиб, уларнинг хусусиятларидан келиб чиққан ҳолда субъектлар улардан фойдаланадилар, эгалик қиладилар ва унинг тақдирини белгиловчи муайян ҳаракат содир этадилар. Миллий қонунчилик ҳам уларнинг муҳофазасини белгиловчи, ҳуқуқий кафолатини таъминловчи турли қонун ҳужжатларини қабул қилган.

Фуқаролик ҳуқуқи объектини таърифлаш борасида турли фикрлар мавжуд. Масалан, айрим муаллифлар шахснинг муайян эҳтиёжларини қондирувчи неъматларга йўналтирилган фуқаролик ҳуқуқи субъектларининг ҳаракатлари фуқаролик-ҳуқуқий муносабатларнинг объекти ҳисобланишини таъкидласалар⁴⁷, айримлар фуқаролик-ҳуқуқий муносабат объектлари тушунчасини фуқаролик-ҳуқуқий муносабатнинг бир элементи ҳисобланиши ва ҳамisha манфаатдор тарафларнинг қизиқишлари билан боғлиқ бўлиши билан боғлайдилар⁴⁸.

Умумий ҳолда фуқаролик ҳуқуқининг объектларини икки турга, яъни моддий ва номоддий неъматларга бўлиш мумкин.

Бошқача айтганда, **жисмоний ва юридик шахслар фойдаланиши ва тасарруф этишини амалга ошира оладиган, эркин суратда олиш, сотиш ҳуқуқи ва одоб-ахлоқ нормалари билан чекланмаган ёки тақиқланмаган ҳар қандай моддий нарсалар ва моддий қийматликлар қадриятлар бойлик ҳисобланиб, фуқаролик ҳуқуқининг объекти бўла олади.**

2. Ашёлар – фуқаролик ҳуқуқининг объекти сифатида

Фуқаролик ҳуқуқларининг объектларидан бири ҳисобланган ашёлар муайян моддий қийматга эга бўлган ҳамда иқтисодий муносабатнинг предмети бўла оладиган нарсаларгина бўлиши мумкин. Фуқаролик ҳуқуқининг ушбу объект тури бошқаларига қараганда кенг тарқалган ва кўп муомалада бўладиган неъмат ҳисобланади. Одатда ашё кундалик ҳаётда ишлатилишига қараганда юридик маъноси кенг. Зеро кўпгина ашё турларига

⁴⁷ Раҳмонқулов Ҳ. Фуқаролик ҳуқуқининг объектлари. Ўқув қўлланма. –Тошкент: ТДЮИ. 2009. -6 б.

⁴⁸ Караходжаева Д.М. Гражданское право. –Ташкент, О'қитувчи, 2007. -90 б.

кундалик муомалада “ашё” ибораси қўлланалмайди. Масалан, бино ва иншоотлар, хайвонот ва ўсимлик дунёси, транспорт воситалари ва бошқаларга. Лекин барча моддий неъматлар бир “ашё” тушунчасининг таркибий қисми ҳисобланади.

Ушбу ҳолатларни инобатга олган ҳолда Х.Раҳмонкулов ашё тушунчасига таъриф берганда табиийлик ва моддийлик хусусиятларига алоҳида эътибор қаратади⁴⁹.

Фуқаролик муомаласидан чиқарилган ва чиқарилмаган ашёлар. Ашёларнинг муайян хусусиятлари юзасидан ҳам махсус қоидалар белгиланиши мумкин. Масалан, ўзининг хусусиятлари бўйича теварак-атрофдагилар учун ҳавф туғдирадиган ашёлар, яъни ҳавфли хоссаларга эга ашёлар (портловчи моддалар, қаттиқ таъсир қилувчи заҳар кабилар) тўғрисида алоҳида қоидалар белгиланган (ФК, 883-модда). Бундай ашёларни эркин олиш ва сотишга йўл қўйилмайди. Муомалада бўлишга йўл қўйилмайдиган фуқаролик ҳуқуқлари объектларининг турлари (муомаладан чиқарилган объектлар) қонунда тўғридан-тўғри кўрсатилган бўлиши керак (масалан, ФКнинг 214-моддаси ва Ўзбекистон Республикасининг “Давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш тўғрисида”ги қонуни⁵⁰ 4-моддасида кўрсатилган ва Ўзбекистон Республикасининг мутлоқ мулки ҳисобланувчи объектлар).

Фуқаролик муомаласидан чиқарилган ашёларга нисбатан мулк ҳуқуқи ҳар доим давлатга тегишли бўлади.

Баъзи ашёлар халқ хўжалиги учун бўлган аҳамияти, давлат ҳавфсизлиги нуқтаи назаридан ёхуд бошқа асослар бўйича фақат алоҳида рухсат бўйича олиниши, сотилиши мумкин. Бундай нарса (ашё)ларнинг рўйхати, шунингдек уларга рухсат бериш тартиби махсус қонунлар билан белгиланади. Махсус рухсатлар бўйича олиниши мумкин бўлган нарсалар жумласига: қурол ва ўқ-дорилар, портловчи ва радиоактив моддалар, қаттиқ таъсир қиладиган заҳарлар, муҳр ва штамплар киради.

Валюта қимматликлари: чет эл валютаси (банкнотлар, қоғоз пуллар, танга-чақалар); чет эл валютаси ҳисобида ёзилган тўлов ҳужжатлари (чеклар, векселлар, аккредитив ва бошқалар); банкнинг чет эл валютасига сотиб олинадиган ва шундай валютага алмаштириш ҳуқуқига эга бўлган сўм ҳисобидаги тўлов ҳужжатлари (чеклар ва бошқалар); ҳар қандай шакл ва ҳолатдаги қимматбаҳо металллар: олтин, кумуш, платина гуруҳига кирувчи металллар (палладий, иридий, радий, рутений ва осмий); хом ва ишланган шаклдаги қимматбаҳо табиий тошлар (олмос, гавҳар, лаъл, зумрад, саприф, марварид ва бошқалар)

Кўчар ва кўчмас ашёлар. Кўчар ашёлар бир жойдан иккинчи жойга кўчириш натижасида хусусиятларини ўзгаришсиз сақлайдиган ва ўз мақсадига кўра ишлатиш мумкин бўлган ашёлар ҳисобланади.

⁴⁹ Раҳмонкулов Х. Фуқаролик ҳуқуқининг объектлари. Ўқув қўлланма. –Тошкент: ТДЮИ, 2009. -13 б.

⁵⁰Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2006, 14-сон, 109-модда.

Кўчмас ашёлар одатда доимий равишда бир жойнинг ўзида мавжуд бўлиб, ўзига хос хусусиятларга, хусусий белгиларга эга бўлади. Шу сабабли ҳам у жисмий аломатлар билан белгиланадиган ашёлар тоифасига эмас, балки хусусий аломатлар билан белгиланадиган ашёлар тоифасига киритилади. Бундай ашёнинг ўзига хос хусусиятларидан бири ер билан узвий боғлиқлигидир.

Ҳар қандай мол-мулкка нисбатан кўчмас мол-мулк ибораси ишлатилар экан (айрим мустаснолар билан) ўз-ўзидан ер билан мустаҳкам узвий боғлиқлик ҳолати алоҳида эътиборга олинади. Бундай боғлиқлик икки тушунчани ўз ичига олади.

Биринчиси, табиий равишда ер билан узвий боғлиқлик. Мазкур белги инсон хоҳиш-иродасидан ташқарида юзага келади. Демакки, инсон меҳнатидан ташқарида табиий равишда ўзи мавжуд бўлади. Бунга мисол тариқасида турли хил булоқлар, қонлар, ер ости сув хавзалари, шахталар, ғорлар, кўллар, дарё ва бошқалар киради. Бу объектлар инсон меҳнатисиз мавжуд бўлади ва унга ҳар қандай таъсир мол-мулк сифатида мулккий ҳуқуқлардан фойдаланишда алоҳида ўзига хос хусусиятларни инобатга олишни тақозо этади.

Иккинчиси, инсон меҳнати билан боғлиқ ҳолда вужудга келган, ер билан узвий боғлиқ бўлган мол-мулклар. Бундай мол-мулклар жумласига бино ва иншоотлар, қудуқлар, боғлар, мулккий мажмуа сифатидаги корхоналар, тоннеллар, турли хажмдаги ариқ ва каналлар ҳамда бошқалар киради.

Истеъмол қилинадиган ва истеъмол қилинмайдиган ашёлар (ФК, 89-модда): истеъмол қилинадиган ашёлар бир марта фойдаланиш натижасида бутунлай йўққа чиқадиган ёки жиддий равишда ўзгарадиган нарсалар (масалан, озиқ-овқат, хом-ашё кабилар)дир.

Истеъмол қилинмайдиган ашёлар бирмунча узоқ вақт давомида ўзининг сифатини сақлайдиган нарсалардир. Бундай ашёлар одатда, қайта-қайта фойдаланишга мўлжалланган бўлади. Қайта-қайта фойдаланиш давомида истеъмол қилинмайдиган ашёларнинг емирилиши ҳам аста-секин кечади. Истеъмол қилинмайдиган ашёлар жумласига бинолар, ускуналар, транспорт воситалари ва ҳ.к.лар киради.

Хусусий ва турга хос аломатлар билан белгиланадиган ашёлар: хусусий аломатлари билан белгиланадиган ашёлар алоҳида фақат ўзларигагина хос белгилари ва ўзига хос, ёлғиз сифатлари бўлган ашёлар ҳисобланади. Ўзининг белгилари билан бошқа ўхшаш ашёларда ажралиб турадиган нарсалар масалан, маълум кўчадаги, маълум сонли уй-жой хусусий аломатлари билан белгиланадиган ашё бўла олади.

Хусусий аломатлари билан белгиланадиган ашёлар жумласига ноёб, яъни ўзи бир дона бўлган ашёлар ҳам киради. Масалан, жаҳон биринчилигида чемпион бўлган от, кўхинур олмоси ва шу кабилар. Хусусий аломатлари билан белгиланадиган ашёлар бошқа ашёлардан муайян усулда белги қўйиш ёки муҳр босиш, рақам қўйиш билан фарқланади.

Шу ўринда пулнинг қайси турдаги ашёга мансублиги хусусидаги масалага эътибор қаратиш зарур. Зеро, кўпчилик ҳолатларда пулнинг хусусий аломатлари билан белгиланадиган ашёми ёки турга хос аломатлари билан белгиланадиган ашёми, деган савол туғилади.

Пулнинг ашёларнинг қайси турига (хусусий ёки турга хос аломатлари билан белгиланадиган ашёларга) мансублиги масаласига жавоб ФКнинг 87-моддаси 2-қисмида ифодаланган. Ушбу нормага мувофиқ, хусусий аломатлари билан белгиланган ашёлар бошқаси билан алмаштириб бўлмайдиган ашёлардир. Пулларни эса бошқаси билан алмаштириш мумкин (масалан, йирик пулни майда пулга ва аксинча).

Турга хос аломатлари билан белгиланадиган ашёлар сон, ўлчов ва оғирлик билан кўрсатиладиган нарсалар ҳисобланади. Масалан, 100 дона шифер, 100 метр чит, 100 тонна пахта ва ҳоказо. Турга хос аломатлари билан белгиланадиган ашёлар бошқаси билан алмаштира бўладиган ашёлардир. Шунинг учун ҳам бундай ашёларга нисбатан *persona non grat*нинг (яъни, тур нобуд бўлмади) қоидаси қўлланилади.

Бўлинадиган ва бўлинмайдиган ашёлар. Бўлиш натижасида ҳар қайси қисми бутуннинг хоссаларини ўзида сақлаб қоладиган ва шу билан бирга ўзининг хўжалик (мақсадли) аҳамиятини йўқотмайдиган ашё – бўлинадиган ашё ҳисобланади. Масалан, бир қоп ун, бир қоп картошка, бир бидон пахта ёғи каби.

Бўлинмайдиган ашёлар бўлиш натижасида қисмлари дастлабки ашё (бутун)нинг хоссаларини йўқотадиган, унинг хўжалик (мақсадли) аҳамиятини ўзгартирадиган ашё бўлинмайдиган ашё ҳисобланади (ФК, 88-модда). Бўлинмайдиган ашёларга шкаф, стол, телевизор кабилар киради.

Фуқаролик ҳуқуқида ашёларнинг асосий ва мансуб ашёларга бўлиниши ҳам (ФК, 90-модда) ҳуқуқий аҳамиятга эгадир. Мансуб ашё деб, асосий ашёга хизмат қилишга тайинланган ва умумий хўжалик мақсади жиҳатидан у билан боғлиқ бўлган нарсаларга айтилади. Масалан, асосий ашё кулф бўлса, унга мансуб ашё калитдир.

Мансуб ашё, агар қонунда ёки шартномада бошқача тартиб белгилаб кўйилмаган бўлса, асосий ашёнинг тақдирига боғлиқ бўлади. Бинобарин, асосий ашё тўғрисидаги шартлар мансуб ашёга ҳам доирдир. Масалан, бировнинг эгалигига ёки вақтинча фойдаланишига асосий ашё ўтса, мансуб ашё ҳам у билан бирга ўтади. Аммо қонун ёки шартномада бошқача ҳоллар ҳам белгиланиши мумкин, яъни асосий ашё бировга ўтказилганда, мансуб ашёнинг қолдирилиши тўғрисида алоҳида келишув ҳам бўлиши мумкин.

Мансуб ашёдан унинг таркибий қисмини ажратиш керак. Ашёдан уни зарарлантирмай ва қийматини жиддий равишда туширмай ажратилиши мумкин бўлмаган ҳар нарса ашёнинг таркибий қисми ҳисобланади. Масалан, велосипеднинг насоси мансуб ашё бўлса, автомашинанинг радиатори ашёнинг таркибий қисми ҳисобланади.

Мураккаб ашёлар. Агар турли хил ашёлар бирикманинг моҳияти билан белгиланадиган вазифаси бўйича фойдаланиш имконини берадиган яхлит бир бутунни ташкил этса, улар битта ашё (мураккаб ашё) ҳисобланади.

Мураккаб ашё хусусида тузилган битим, агар шартномада бошқача тартиб белгилаб қўйилган бўлмаса, унинг таркибий қисмларига тааллуқли бўлади (ФК, 91-модда).

Ҳосил ва даромад берадиган ашёлар туфайли бу ҳосил ва даромадлардан фойдаланиш, уларни тасарруф этиш тўғрисидаги ишни ҳал этиш масаласи қўйилиши мумкин. Ашёнинг ҳосил ва даромадлари тўғрисида Фуқаролик кодексининг баъзи моддаларида кўрсатма берилади. Жумладан, ФКнинг 230-моддасида мулкни бировларнинг қонунсиз эгаллашидан талаб қилиб олишда даромад ва харажатларнинг тўланиши айтилади.

Ашёдан келадиган ҳосил ва даромадлар, агар қонунда ёки шартномада бошқача тартиб белгилаб қўйилган бўлса, ашё эгасига тегишлидир (ФК, 92-модда).

Жонли ва жонсиз ашёлар. Бундай ашёлар ўзида тириклик аломатлари мавжудлиги нуқтаи назаридан фарқланади. Фуқаролик муомаласида жонли зотлар – келиб чиқиши ҳайвонларга мансуб бўлган организмлар – сут эмизувчилар, паррандалар, судралиб юрувчи ҳайвонлар, қуруқликда ҳам, сувда ҳам яшовчи ҳайвонлар, балиқлар, умуртқасизлар ва уларнинг популяциялари ашё сифатида номоён бўлади.

Қонун ҳужжатларида бошқача тартиб белгиланган бўлмаса, мол-мулк тўғрисидаги умумий қоидалар ҳайвонларга нисбатан ҳам қўлланилади. Масалан, ФКнинг 169-моддасида нгазарда тутилган мулк ҳуқуқи объектлари таркибига ҳайвонлар ҳам киритилган.

3. Мол-мулклар – фуқаролик ҳуқуқининг объекти сифатида.

Фуқаролик-ҳуқуқий муносабатларнинг объекти бўлиб кўринган мулк тушунчаси тўғрисида тўхталиб, шуни айтиш керакки, баъзи ҳолларда ашё нарсаларни мулк деб аталса, ҳам мол-мулк атамасининг маъноси бирмунча кенг бўлишини биламиз.

Мол-мулк дейилганда, маълум шахсга (фуқаро ёки ташкилотга) эгалик ҳуқуқи билан тегишли айрим ашёлар ёки ашёларнинг йиғиндиси назарда тутилади.

Мол-мулк таркибига мажбурият ҳуқуқи, муаллифлик ва ихтирочиликка оид мулкий ҳуқуқлар, оила ҳуқуқи билан боғлиқ бўлган мажбуриятлардан келиб чиқадиган мулкий талаблар, қарз берилишида олинган тилхатлар ҳам киради.

Ўзбекистон Республикаси ФКнинг 83-моддасида мол-мулк турлари кўрсатилган. Унга асосан мол-мулк кўчмас ва кўчар мулкка бўлинади.

4. Пуллар ва қимматли қоғозлар – фуқаролик ҳуқуқининг объекти сифатида

Пуллар. Пул ҳам фуқаролик ҳуқуқининг объектидир. Пул мамлакатнинг ҳўжалик ҳаётида, хусусан, савдода катта аҳамиятга эга. Пул ўзининг узоқ давом этган тадрижий ривожланишида, мол-ҳол, зайтун ёғи, олтин ва кумуш ёмбиси кўринишидаги айирбошлаш воситаларидан ҳозирги электрон пулларга, кредит карточкаларига қадар бўлган йўлни босиб ўтди.

Пул бозор иқтисодиётини ривожлантиришнинг муҳим қуролларидан бири ҳисобланади.

Фуқаролик ҳуқуқи нуқтаи назаридан пулнинг хусусиятлари ва вазибалари қуйидагича ифодаланиши мумкин:

- пул қонун ҳужжатларига мувофиқ истеъмол қилинадиган, турга хос аломатлари билан белгиланадиган ашёларнинг ўзига хос хусусиятларига эга бўлган турларидан бири ҳисобланади;

- пул кўпчилик фуқаролик-ҳуқуқий муносабатларда (масалан, қарз, кредит, ҳадя ва бошқа шартномалар бўйича) мустақил объект сифатида иштирок этади;

- пул фуқаролик-ҳуқуқий муносабатларда (масалан, олди-сотди, маҳсулот етказиб бериш, контрактация ва бошқа шартномалар бўйича) тенг қийматга эга бўлган объект ҳисобланади;

- умумий эквивалент, яъни тенг қийматга эга бўлган объект сифатида ҳар қандай ашё билан алмаштириш, етказилган моддий ва маънавий зарарни қоплаш учун ҳам қўлланилади;

- пул ҳар қандай қонуний қарзни, унинг ҳар қандай ҳолатлар асосларида (масалан, муайян мажбуриятлар бажарилмаганлиги ёки лозим даражада бажарилмаганлиги туфайли) вужудга келишидан қатъи назар, уни тузиш, тўлаш, қоплаш воситаси сифатида муҳим роль ўйнайди⁵¹.

Қимматли қоғозлар. Қимматли қоғозлар Фуқаролик кодексининг 96-моддасида кўрсатилганидек, мулкӣ ҳуқуқларни белгиланган шаклга ва мажбурий реквизитларга амал қилган ҳолда тасдиқловчи ҳужжатлардир.

Қимматли қоғозлар тўғрисидаги қонунчиликнинг ривожланиши фуқаролик муомаласи соҳасидаги мулкӣ ҳуқуқларни ўтказиш ва мажбуриятларни бажариш хусусиятларини тартибга солувчи ҳуқуқий институт шаклланишини тақозо этади. Фуқаролик муомаласи объектларини аниқ тушунмаслик қимматли қоғозларнинг фуқаролик муомаласидаги ўрни ва ролини белгилашни қийинлаштиради. Шу муносабат билан диссертант томонидан қимматли қоғозлар ҳуқуқий табиатини уларни фуқаролик муомаласига киритиш нуқтаи-назаридан идентификациялаш таклиф этилади.

Акция – ўз эгасининг акциядорлик жамияти фойдасининг бир қисмини дивидендлар тарзида олишга, акциядорлик жамиятини бошқаришда иштирок этишга ва у тугатилганидан кейин қоладиган мол-мулкнинг бир қисмига бўлган ҳуқуқини тасдиқловчи, амал қилиш муддати белгиланмаган эгасининг номи ёзилган эмиссиявий қимматли қоғоз;

Акциялар ҳужжатсиз шаклда чиқарилади. Акциялар турига кўра оддий ва имтиёзли бўлиши мумкин.

Акциялар мулк ҳуқуқи ёки бошқа ашёвий ҳуқуқ асосида қайси юридик ёки жисмоний шахсга тегишли бўлса, ўша юридик ёхуд жисмоний шахс акциянинг эгаси - акциядор деб эътироф этилади.

Оддий акциялар овоз берувчи бўлиб, уларнинг эгасига дивидендлар олиш, акциядорларнинг умумий йиғилишларида ва жамиятни бошқаришда

⁵¹ Раҳмонқулов Ҳ. Фуқаролик ҳуқуқининг объектлари. Ўқув қўлланма. –Тошкент: ТДЮИ, 2009. -37-38 б.

иштирок этиш ҳуқуқини беради. Акция эгаларига дивидендларни, шунингдек жамият тугатилганда, акцияларга қўйилган маблағларни биринчи навбатда олиш ҳуқуқини берадиган акциялар имтиёзли акциялардир. Имтиёзли акциялар ўз эгаларига жамият фойда кўриш-кўрмаслигидан қатъи назар, муайян дивидендлар олиш ҳуқуқини беради. Чиқариладиган акцияларнинг турлари, уларни жойлаштириш, улар бўйича дивидендлар тўлаш тартиби қонун ҳужжатларига мувофиқ жамият уставида белгиланади.

Акцияларнинг номинал қиймати юз сўмдан кам бўлиши мумкин эмас.

Акция бўлинмасдир.

Эмитент ўзи чиқарган акциялар бўйича уларни қайтариб сотиб олиш шарти билан битимлар тузишга, шунингдек ўзи чиқарган акцияларни ишончли бошқарувга топширишга ҳақли эмас.

Вексель - вексель берувчининг ёки векселда кўрсатилган бошқа тўловчининг векселда назарда тутилган муддат келганда, вексель эгасига муайян суммани тўлашга доир шартсиз мажбуриятини тасдиқловчи ноэмиссиявий қимматли қоғоз;

Бошқача айтганда векселлар бир шахс томонидан иккинчи шахсга ёзиб берилган қарз мажбуриятини ифодаловчи, тижорат савдо операцияларида айрибошлаш ва муомала воситасида пул, чек ва бошқа тўлов воситаларини ўрнини қоплайдиган, қонун билан тасдиқланган ҳолатда мажбурий реквизитларга эга бўлган ва расмийлаштирилган кредит – қарздорлик тилхатидир. Векселни бошқа турдаги қимматли қоғозлардан уни сотиш орқали бозор ва корхоналардан пул маблағи иқтисодий муомалага жалб қилишда вексел депозит функциясини бажариши билан фарқланади.

Векселларни чиқариш қимматли қоғозлар бозорини тартибга солиш бўйича ваколатли давлат органи билан келишилган ҳолда Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ва Ўзбекистон Республикаси Марказий банки томонидан белгиланган тартибда амалга оширилади.

Депозит сертификати – банкка қўйилган омонат суммасини ва омонатчининг (сертификат сақловчининг) омонат суммасини ҳамда сертификатда шартлашилган фоизларни сертификатни берган банкдан ёки шу банкнинг исталган филиалидан белгиланган муддат тугаганидан кейин олиш ҳуқуқини тасдиқловчи ноэмиссиявий қимматли қоғоз;

Депозит сертификатларини чиқариш қимматли қоғозлар бозорини тартибга солиш бўйича ваколатли давлат органи билан келишилган ҳолда Ўзбекистон Республикаси Марказий банки томонидан белгиланган тартибда амалга оширилади.

Векселларни чиқариш қимматли қоғозлар бозорини тартибга солиш бўйича ваколатли давлат органи билан келишилган ҳолда Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ва Ўзбекистон Республикаси Марказий банки томонидан белгиланган тартибда амалга оширилади.

Облигация – облигация сақловчининг облигациянинг номинал қийматини ёки бошқа мулквий эквивалентини облигацияни чиқарган шахсдан облигацияда назарда тутилган муддатда олишга, облигациянинг номинал қийматидан қайд этилган фоизни олишга бўлган ҳуқуқини ёхуд бошқа

мулкый ҳуқуқларини тасдиқловчи эмиссиявий қимматли қоғоздир. Ўзбекистон Республикасининг ғазна мажбуриятлари ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ваколат берган орган томонидан чиқарилган облигациялар, шунингдек Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг облигациялари давлат қимматли қоғозлари сифатида баҳоланади. Корпоратив облигациялар фақат очик акциядорлик жамиятлари томонидан чиқарилади.

Ўзбекистон Республикасининг ғазна мажбуриятлари – эмиссиявий қимматли қоғозлар эгалари Ўзбекистон Республикасининг Давлат бюджетига пул маблағлари киритганликларини тасдиқловчи ва бу қимматли қоғозларга эгалик қилишнинг бутун муддати мобайнида қатъий белгиланган даромад олиш ҳуқуқини берувчи эмиссиявий қимматли қоғозлар;

Қимматли қоғозларнинг ҳосилалари – ўз эгаларининг бошқа қимматли қоғозларга нисбатан ҳуқуқларини ёки мажбуриятларини тасдиқловчи ва юридик шахслар томонидан эмитентнинг опционлари, қимматли қоғозларга доир фьючерслар ва бошқа молиявий воситалар тарзида чиқариладиган қимматли қоғозлардир. Уни чиқариш ва муомалага киритиш тартиби “Ҳосила қимматли қоғозларни чиқариш ва уларнинг муомаласи тартиби”да⁵² назарда тутилган.

Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунчилигида “қимматли қоғозларнинг ҳосиллари” термини қўлланилади, аммо аксарият мамлакатларнинг қонунчилик амалиётида ҳам, назариясида ҳам “ҳосила қимматли қоғозлар” тушунчаси қўлланилади, лекин улар айнан бир қимматли қоғоз тушунчаси билан боғлиқдир. Ўзбекистонда ҳосила қимматли қоғозларнинг чиқарилиши ва муомаласининг баъзи бир ўзига хос хусусиятлари мавжуд.

Омонат дафтарчаси фуқаро билан банк омонати шартномасини тузиш расмийлаштирилган ҳамда унинг ҳисобварағида омонат бўйича пул маблағлари ҳаракатини тасдиқлайдиган ҳужжатдир. Омонат дафтарчаси омонатчининг номи ёзилган омонат дафтарчаси ёки тақдим этувчига пул тўланадиган омонат дафтарчаси шаклида бўлиши мумкин. Уларнинг ҳар бири икки хил вазифани: далил-исбот (шартнома тузилгани ва унинг бекор қилинганини тасдиқлайди) ва ҳужжат (унда ҳисобварақ бўйича операциялар амалга оширилади) вазифаларини бажаради. Тақдим этувчига пул тўланадиган омонат дафтарчаси қимматли қоғоз ҳисобланади⁵³.

Коносамент бу юкни ташишга қабул қилинганлиги ва ташувчининг юкни олувчига етказиш мажбуриятини тасдиқловчи ҳосилавий қимматли қоғоз ҳисобланади. Коносаментнинг номи ёзилган, ордерли ва тақдим этувчига деб номланган турлари бор⁵⁴.

⁵² 1997 йил 31 мартда Ўзбекистон Республикаси Давлат мулки қўмитаси қарори билан тасдиқланган.

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида 1997 йил 2 апрелда 320-сон билан рўйхатга олинган.

⁵³ Фуқаролик ҳуқуқи. Иккинчи қисм. –Тошкент: Илм зиё, 2008. -392 б.

⁵⁴ Абдуллаев Ё., Шахаъзамий Ш. Қимматли қоғозлар. –Тошкент: Меҳнат, 1997. -86 б.

Адабиётларда коносамент тушунчаси денгизда юк ташиш билан боғлиқ хужжат эканлигига эътибор қаратилади⁵⁵.

Қимматли қоғозлар эгаси ёзилган, ордерли ёки тақдим этувчига деб номланган турлари мавжуд бўлиб, бу қимматли қоғознинг ўзида кўрсатилади.

Қимматли қоғозлар муомаласи деганда, қимматли қоғозларни сотиб олиш ва сотиш, шунингдек қонун хужжатларида назарда тутилган, қимматли қоғозларнинг эгаси алмашувига олиб келадиган бошқа ҳаракатлар тушунилади. Хужжатсиз қимматли қоғозга бўлган ҳуқуқлар олувчига унинг депо ҳисобварағига тегишли кирим ёзуви белгиланган тартибда киритилган пайтдан эътиборан ўтади ва қонун хужжатларида белгиланган тартибда депозитарий томонидан бериладиган депо ҳисобварағидан кўчирма билан тасдиқланади.

5. Интеллектуал фаолият натижалари, хизмат ва тижорат сири – фуқаролик ҳуқуқининг объекти сифатида

Фуқаролик ҳуқуқларининг объекти сифатида интеллектуал фаолият натижалари, хизмат ва тижорат сири номоддий неъматларнинг таркибий қисми ҳисобланади. Маълумки, инсоннинг интеллектуал фаолият маҳсуллари, уларнинг яратилиш жараёни ва ўзига хос хусусиятлари одатдаги ашёлардан фарқ қилади. Шунинг учун улар фуқаролик-ҳуқуқий муносабатларида ўзига хос объект сифатида қаралади.

Интеллектуал фаолият ижодий фаолият ҳисобланади. Бу асосан ақлий меҳнат кишилари – ёзувчилар, шоирлар, рассомлар, олимлар, инженер-техник ходим ва бошқалар ижодий фаолиятининг маҳсулидир. Бундай фаолият маҳсуллари фуқаролик қонунлари билан кўриқланиши учун қуйидаги шартларга жавоб бериши керак:

- ҳақиқатда ижод маҳсули бўлиши, яъни оригинал (ўзига хос) бўлиши;
- бетакрор бўлиши;
- бирор-бир объектив шаклда ифода этилиши.

Бу маҳсулларнинг кўпчилиги ғоявий–номоддий кўринишда бўлади. Шу сабабли ҳам уларга нисбатан одатдаги ашёларга, моддий объектга нисбатан қўлланиладиган ҳуқуқ меъёрларини қўллаб бўлмайди.

Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунлари ихтиро, фойдали модел, саноат намуналари, селекция ютуқлари, муаллифлик ва турдош ҳуқуқлар объектлари – фан, адабиёт, санъат асарлари, аудиовизуал асарлар, радио эшиттиришлар ва телевизион кўрсатувлар, асарлар ижролари, ЭҲМ учун яратилган дастурлар ва маълумот базалари, интеграл микросхемалар топологиялари каби интеллектуал фаолият натижаларини фарқлайди.

Инсоннинг ижодий тафаккури бу объектлар доирасини тинмай кенгайтириб бормоқда.

6. Ишлар ва хизматлар – фуқаролик ҳуқуқининг объекти сифатида

Кўрсатиладиган хизматлар ва бажариладиган ишлар ҳам фуқаролик ҳуқуқининг объектлари бўлиши мумкин. Айрим адабиётларда ишлар ва

⁵⁵ Назаров Ю. Правовые аспекты обращения ценных бумаг в гражданском обороте. –Ташкент: Хозяйство и право, 2004. -91 с.

хизматлар моддий неъматлар таркибига киритилади⁵⁶. Бу икки фуқаролик-хуқуқий муносабат объектнинг бир-биридан асосий фарқи, мазкур объект билан боғлиқ ҳуқуқ ва мажбуриятларни амалга ошириш натижасида ашёвий-моддий кўринишга эга бўлган натижанинг яратилишидир. Агар моддий натижа яратиш мақсадида муносабатга киришилса у иш сифатида, моддий нарса яратишни мақсад қилиб қўймаса, хизмат деб номланади. Шу сабаб ҳам иш бажарилади, хизмат эса кўрсатилади.

Мавзунини мустахкамлаш учун саволлар.

1. Фуқаролик ҳуқуқининг объектлари тушунчаси ва унинг турлари.
2. Фуқаролик ҳуқуқининг объектлари сифатида-ашёлар.
3. Пуллар ва қимматли қоғозлар тушунчаси, унинг турлари.
4. Фуқаролик ҳуқуқининг объекти сифатида-ижодий меҳнат натижалари.
5. Фуқаролик ҳуқуқининг объекти сифатида-ишлар ва хизматлар.
6. Фуқаролик ҳуқуқининг объекти сифатида-шахсий номулкий ҳуқуқлар ва уларнинг ҳимоя қилиниши.

Таянч сўз ва иборалар.

Фуқаролик ҳуқуқининг объектлари, ашёлар, Пуллар, қимматли қоғозлар, иждодий меҳнат натижалари, ишлар ва хизматлар, шахсий номулкий ҳуқуқлар, облигациялар, омонат дафтарчаси, депозит сертификати, интеллектуал фаолият натижалари, хизмат ва тижорат сири.

Глоссарийлар.

Пуллар. Пул ҳам фуқаролик ҳуқуқининг объектидир.

Қимматли қоғозлар. Қимматли қоғозлар Фуқаролик кодексининг 96-моддасида кўрсатилганидек, мулкый ҳуқуқларни белгиланган шаклга ва мажбурий реквизитларга амал қилган ҳолда тасдиқловчи ҳужжатлардир.

Акция – ўз эгасининг акциядорлик жамияти фойдасининг бир қисмини дивидендлар тарзида олишга, акциядорлик жамиятини бошқаришда иштирок этишга ва у тугатилганидан кейин қоладиган мол-мулкнинг бир қисмига бўлган ҳуқуқини тасдиқловчи, амал қилиш муддати белгиланмаган эгасининг номи ёзилган эмиссиявий қимматли қоғоз;

Вексель - вексель берувчининг ёки векселда кўрсатилган бошқа тўловчининг векселда назарда тутилган муддат келганда, вексель эгасига муайян суммани тўлашга доир шартсиз мажбуриятини тасдиқловчи ноэмиссиявий қимматли қоғоз;

Депозит сертификати – банкка қўйилган омонат суммасини ва омонатчининг (сертификат сақловчининг) омонат суммасини ҳамда сертификатда шартлашилган фоизларни сертификатни берган банкдан ёки шу банкнинг исталган филиалидан белгиланган муддат тугаганидан кейин олиш ҳуқуқини тасдиқловчи ноэмиссиявий қимматли қоғоз;

Облигация – облигация сақловчининг облигациянинг номинал қийматини ёки бошқа мулкый эквивалентини облигацияни чиқарган шахсдан

⁵⁶ Раҳмонкулов Ҳ. Фуқаролик ҳуқуқининг объектлари. Ўқув қўлланма. –Тошкент: ТДЮИ, 2009. -11 б.

облигацияда назарда тутилган муддатда олишга, облигациянинг номинал қийматидан қайд этилган фойзга олишга бўлган ҳуқуқини ёхуд бошқа мулкӣ ҳуқуқларини тасдиқловчи эмиссиявий қимматли қоғоздир. **Ўзбекистон Республикасининг ғазна мажбуриятлари** – эмиссиявий қимматли қоғозлар эгалари Ўзбекистон Республикасининг Давлат бюджетига пул маблағлари киритганликларини тасдиқловчи ва бу қимматли қоғозларга эгалик қилишнинг бутун муддати мобайнида қатъий белгиланган даромад олиш ҳуқуқини берувчи эмиссиявий қимматли қоғозлар;

Қимматли қоғозларнинг ҳосилалари – ўз эгаларининг бошқа қимматли қоғозларга нисбатан ҳуқуқларини ёки мажбуриятларини тасдиқловчи ва юридик шахслар томонидан эмитентнинг опционлари, қимматли қоғозларга доир фьючерслар ва бошқа молиявий воситалар тарзида чиқариладиган қимматли қоғозлардир.

Омонат дафтарчаси фуқаро билан банк омонати шартномасини тузиш расмийлаштирилган ҳамда унинг ҳисобварағида омонат бўйича пул маблағлари ҳаракатини тасдиқлайдиган ҳужжатдир

Коносамент бу юкни ташишга қабул қилинганлиги ва ташувчининг юкни олувчига етказиш мажбуриятини тасдиқловчи ҳосилавий қимматли қоғоз ҳисобланади.

Фойдаланилган адабиётлар.

Асосий адабиётлар:

1. Зокиров И.Б. Фуқаролик ҳуқуқи: Дарслик. 1 қисм. –Т. ТДЮИ нашриёти, 2009. 611 б.
2. Инсон ҳуқуқлари тўғрисида халқаро Билль. -Т.: Адолат. 1992.
3. Муаллифлар жамоаси. Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг иккинчи қисмига шарҳлар. -Т.: Иқтисодиёт ва ҳуқуқ дунёси. 1998.324 б.
3. Топилдиев Б. Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик ҳуқуқи. (биринчи ва иккинчи қисмлар). -Т.: ТДЮИ. 2014.511 б.

Қўшимча адабиётлар:

1. Каримов И.А. Инсон, унинг ҳуқуқ ва эркинликлари ҳамда манфаатлари – энг олий қадрият. // Халқ сўзи, 2005 йил 9 декабрь.
2. Мирзиёев Ш.М. Демократик ислохотларни изчил давом эттириш халқимиз учун тинч ва осойишта, муносиб ҳаёт даражасини яратиш барқарор тараққиёт кафолатидир // Халқ сўзи. 2016 йил 2 ноябр.
3. Мирзиёев Ш.М. Қонун устуворлиги ва инсон манфаатларини таъминлаш- юрт тараққиёти ва халқ фаровонлигининг гарови Халқ сўзи 8 декабр 2016 йил. Ўзбекистон Республикасининг сайланган Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганлигининг 24 йиллигига бағишланган тантанали маросимидаги маърузаси.
4. Ўзбекистон Республикаси Президентининг "2017 — 2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устивор йуналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясини амалга оширишга доир ташкилий чора-

тадбирлар туғрисида" 2017 йил 14 февралдаги Ф-4849- сонли Фармойиши. Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2017 й.. 7-сон, 88-модда;

5..Ўзбекистон Республикаси Конституцияси-Т.: Ўзбекистон, 2017.

6.Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик кодекси. (2016 йил 1 июлгача бўлган ўзгариш ва қўшимчалар билан). Тўплам. “Адолат” нашриёти.

7.Раҳмонқулов Ҳ. Фуқаролик ҳуқуқининг объектлари. Ўқув қўлланма. – Тошкент: ТДЮИ. 2009. -6 б.

8.Фуқаролик ҳуқуқи. Иккинчи қисм. –Тошкент: Илм зиё, 2008. -392 б.

9.Абдуллаев Ё., Шахаъзамий Ш. Қимматли қоғозлар. –Тошкент: Меҳнат, 1997. -86 б.

10.Назаров Ю. Правовые аспекты обращения ценных бумаг в гражданском обороте. –Ташкент: Хозяйство и право, 2004. -91 с.

Elektron resurslar.

1.<http://Allpravo.ru>

2.<http://Internet-law.ru>

3.<http://dissertation1.narod.ru/avtoreferats1>

4.<http://www.library.by/data>

5.<http://www.lawportal.ru>

6.<http://www.legislature.ru>

7.<http://www.ziyonet.uz>.

8.<http://www.inter-mba.ru/c...>2.<http://www.businesspravo.ru>.

9.<http://www.daryo.uz>4.<http://www.kun.uz>5.<http://www.lex.uz>

10.<http://www.gov.uz>

6.мавзу. Битим тушунчаси ва турлари. (4-соат)

Режа:

1.Битим тушунчаси ва турлари.

Битимнинг бошқа юридик фактлардан фарқи. Битимларнинг аҳамияти ва қўлланиш соҳаси.

2.Битим шакли. Битимларни давлат рўйхатидан ўтказиш.Битимнинг нотариал шаклида ва уни рўйхатдан ўтказиш талабига риоя қилмаслик оқибатлари.

3.Битимларнинг ҳақиқий саналиш шартлари.Битимларнинг ҳақиқий эмаслиги тушунчаси,турлари ва унинг ҳуқуқий оқибатлари.Битим тузиш ваколатини чеклаш.

1.Битим тушунчаси ва турлари.

Битимнинг бошқа юридик фактлардан фарқи. Битимларнинг аҳамияти ва қўлланиш соҳаси.

Битимлар деб, фуқаролар ва юридик шахсларнинг фуқаролик ҳуқуқ ва бурчларини белгилаш, ўзгартириш ва бекор қилишга қаратилган ҳаракатларга айтилади (ФК, 101-модда).

Ҳар қандай битим шахсларнинг эрки-иродаси билан боғлиқ бўлиб, муайян ҳуқуқий оқибат туғдиришга қаратилади. Битимда фуқаро ва ташкилотларнинг маълум моддий ҳамда маданий эҳтиёжларини қондиришга қаратилган эрклари ифодаланади.

Битим шахсларнинг эрки билан боғлиқ бўлган, уларнинг иродасидан келиб чиқадиган ҳаракат бўлганлиги туфайли, битимда ифодаланган эрк изҳор қилиниши, яъни бошқа шахсларга билдирилиши лозим.

Айрим муаллифларнинг фикрича, битимнинг мазмунини қуйидаги белгилар ташкил этади:

1. битим – эрк-иродани ифодаловчи ҳужжат;
2. ҳақиқий ҳаракат натижасида юзага келади;
3. битим фуқаролик-ҳуқуқий муносабатни вужудга келтириш, ўзгартириш ва бекор қилишга махсус йўналтирилган бўлади;
4. битим фуқаролик қонунчилиги билан тартибга солинувчи ҳуқуқий муносабатни юзага келтиради⁵⁷.

Битим тузиш натижасида муайян ҳуқуқий оқибат туғдириш учун битим тузувчи шахслар битимда ўз эркларини ифодалашдан ташқари муайян ҳаракатни қилишлари лозим бўлади. Бу ҳаракат шарт қилинган ишни бажаришга, хизмат кўрсатишга, маълум мулкни топширишга ёки маълум пулни тўлашга қаратилган бўлиши мумкин.

Фуқаролик ҳуқуқлари ва мажбуриятларини вужудга келтириш, ўзгартириш ёки бекор қилишга қаратилган ҳолатлар сифатида юридик факт таркибига кирадиган битимлар бошқа юридик фактлардан фарқ қилади. Масалан, юридик факт ҳисобланган ҳодиса шахсларнинг эркидан ташқари вужудга келса, битимлар фақат шахсларнинг эрки билангина тузилади. Битимлар учун қуйидаги шартларнинг бўлиши муҳимдир:

- а) битим тузувчи шахс фуқаролик ҳуқуқининг субъекти ҳисобланиши;
- б) муайян битимни тузувчи шахсда бу битимни тузиш эрки бўлиши ва бу эрк маълум ҳуқуқий оқибатлар туғдиришга қаратилган бўлиши;
- в) шахснинг эрки муайян юридик факт ҳисобланган ҳаракатда ўзининг ташқи ифодасини топиши, яъни маълум шаклда изҳор қилинган бўлиши керак.

Битим турлари. Битимни туркумлаш жараёнида бир битимнинг турли жиҳатлари эътиборга олинади. Бунда эрkning ифодаланиши, муқобил ижро ҳамда тузилган муддати ва бошқа омиллар асос қилиб олинади. Бир турга мансуб битимнинг хусусияти бошқа туркумга хос жиҳатни ҳам қамраб олиши мумкин. Масалан, мулк ижараси шартномаси консенсуал характерни ўзида ифода этадиган, ҳақ бараварига тузиладиган, икки томонлама битим ҳисобланади. Ушбу ҳолатдан кўриниб турибдики, мулк ижарасининг

⁵⁷ Гражданское право. Под ред. А.П.Сергеева, Ю.К.Толстого. –М.: Проспект, 2003. -281 с.

хуқуқий белгилари хусусида тўхталганда, ундаги тарафлар эркининг ифодаланиши, муқобил ижронинг мавжудлиги ва битимни юридик кучга кириш муддатига эътибор қилинмоқда.

Фуқаролик ҳуқуқи фанида битимлар ўзларининг белгилари бўйича қуйидаги турларга бўлинади (классификация қилинади):

1. Битимлар эркининг ифодаланишига қараб **бир, икки ва кўп томонлама битимларга** бўлинади. Ушбу ҳолат ФКнинг 102-моддасида белгиланган бўлиб, унда битимлар бир тарафлама, икки тарафлама ёки кўп тарафлама (шартномалар) бўлиши мумкинлиги, битим тузиш учун қонун ҳужжатларига ёки тарафларнинг келишувига мувофиқ бир тарафнинг хоҳиши зарур ва етарли бўлса, бундай битим бир тарафлама битим ҳисобланиши, шартнома тузиш учун икки тараф (икки тарафлама битим) ёки уч ёхуд ундан кўп тараф (кўп тарафлама битим) келишиб хоҳиш билдирган бўлиши кераклиги белгиланган.

Бир тарафлама битим қоидалари ФКнинг 103-моддасида ўз ифодасини топган. Бир томонлама битимдан фақат бир томоннинггина эрки ифодаланади, ҳуқуқ ва мажбурият фақат бир томоннинг иродаси бўйичагина вужудга келади, ўзгаради ёки бекор бўлади. У бошқа шахслар учун қонунларда ёки бу шахслар билан келишувда белгиланган ҳоллардагина бурчлар келтириб чиқариши мумкин. Бир тарафлама битимларга нисбатан, башарти қонун ҳужжатларига, битимнинг табиати ва моҳиятига зид бўлмаса, мажбуриятлар ва шартномалар тўғрисидаги умумий қоидалар тегишлича қўлланилади.

Бир томонлама битим уни тузган шахс учун мажбуриятлар келтириб чиқаради. Бир тарафлама битимда унда иштирок этувчи бир тарафнинг эрк баён этилишининг ўзи кифоя.

Икки томонлама битимлар ҳар икки томоннинг эркига мувофиқ тузилади. Бундай битимлар – шартномалардир. “Икки томонлама” ибораси битимда иштирок этувчи тарафларнинг сонини белгилаб бермайди. Масалан, қарз шартномасида ўз-ўзидан икки тараф – қарз берувчи ва қарз олувчилар иштирок этса-да, у бир томонлама шартнома ҳисобланади. Икки томонлама битимнинг моҳияти ҳар икки тарафда ҳам ҳуқуқ ва мажбуриятнинг мавжудлиги орқали белгиланади, яъни бир тарафнинг ҳуқуқи иккинчи тарафга мажбурият бўлиб ўтади ёки аксинча. Айнан шу ҳолатни олди-сотди шартномаси мисолида тушунтиришга ҳаракат қиламиз.

Маълумки, олди-сотди шартномасида икки тараф сотувчи ва сотиб олувчи иштирок этади. ФКнинг 386-моддасига мувофиқ, олди-сотди шартномаси бўйича бир тараф (сотувчи) товарни бошқа тараф (сотиб олувчи)га мулк қилиб топшириш мажбуриятини, сотиб олувчи эса бу товарни қабул қилиш ва унинг учун белгиланган пул суммаси (баҳоси)ни тўлаш мажбуриятини олади.

Кўп томонлама битимларда уч ва ундан ортиқ шахсларнинг эрклари ифодаланади. Кўп томонлама битимга оддий ширкат (биргаликдаги фаолият) шартномаси мисол бўлади. Кўп томонлама битимлар ҳам икки томонлама битимлар сингари ўзаро келишувлар, яъни шартномалардир.

2. Битимлар муқобил ижронинг бўлиш-бўлмаслигига қараб **ҳақ бараварига ва текинга тузиладиган** битимларга бўлинади.

Ҳақ бараварига тузиладиган битимлар бўйича томонлардан ҳар бири қарши томон фойдасига муайян бир мулкни топшириш, пул тўлаш, ишни бажариш, бирор бир хизмат кўрсатиш сингари ҳаракатларни қилиш мажбуриятини олади. Ҳақ бараварига тузиладиган битимларга қарши (муқобил) ижро назарда тузиладиган битимлар олди-сотди, айирбошлаш, пудрат, суғурта каби бир қанча шартномалардир, чунки уларда томонлардан ҳар бири қарши томон фойдасига бирор бир ҳаракат қилади. Масалан, сотувчи пул эвазига маълум мулкни топширади.

Текин, яъни ҳақ тўланмай тузиладиган битимлар асосида томонлардан биригина иккинчи томон фойдасига бирор-бир ҳаракат қилиш мажбуриятини олади. Бу ерда қарши (муқобил) ижро йўқ. Масалан, ҳада, фоизсиз қарз, мулкдан текин фойдаланиш (ссуда) тўғрисидаги шартномаларни кўрсатиш мумкин.

3. Битимлар қай пайтдан эътиборан тузилган деб, ҳисобланишига кўра **консенсуал** ва **реал** битимларга бўлинади.

Консенсуал⁵⁸ битим деб, ҳуқуқ ва мажбуриятларни ўзаро келишиш ва бундай келишувни лозим тартибда расмийлаштириш пайтда вужудга келтирадиган битимга айтилади. Мулк ижараси, маҳсулот етказиб бериш, пудрат, контрактация сингари шартномалар консенсуал битим ҳисобланади.

Реал⁵⁹ битим деб, ўзаро келишувга мувофиқ, ашёлар ёки пулни топшириш пайтида ҳуқуқ ва мажбуриятни вужудга келтирадиган битимга айтилади. Реал битимларга қарз, омонат, юк ташиш шартномаларини мисол қилиб кўрсатса бўлади.

4. Битимлар асосининг моҳияти ва уларнинг амал қилишига кўра каузал ва абстракт (мавхум) битимларга бўлинади. Умумий қоидага кўра битимнинг ҳақиқийлиги бевосита унинг асосига боғлиқ. Агар каузал битим барча зарурий шартларга амал қилган ҳолда тузилган бўлса-ю, лекин унинг асоси бўлмаса, бундай битим ҳақиқий эмас деб ҳисобланади. Қонунда асос юридик жиҳатдан аҳамиятсиз бўлган ҳолатлар кўзда тутилган бўлиши мумкин.

5. Бундан ташқари фидуциар битимлар ҳам мавжуд. Бундай битимлар ўзаро ишончга асосланади. Топширик, воситачилик, мол-мулкни ишончли бошқарувга бериш каби битимлар томонларнинг шахсий ишончи билан боғлиқдир.

Таъсис шартномаси ҳам фидуциар битим бўлиб, унда пайдо бўлган иштирокчиларнинг ҳуқуқ ва бурчлари шахсий тусга эга бўлади⁶⁰.

Битимларнинг муддатлари ва шартли битимлар

Ҳуқуқ субъектлари ўртасида тузиладиган битимлар муайян муддатларда ижро этилади ва бекор бўлади.

⁵⁸ “Консенсуал” сўзи латинча “consensus” сўзидан олинган бўлиб, “келишув” маъносини билдиради.

⁵⁹ “Реал” сўзи латинча “res” сўзидан олинган бўлиб, “ашё” маъносини билдиради.

⁶⁰ Гражданское право. Учебник. под. ред. Е.А.Суханова. Т.1 –М.: БЕК, 1994. –374 с.

Агар битимда ҳуқуқ ва мажбуриятларнинг вужудга келиши ёки бекор бўлиши вақти кўрсатилган бўлса, битимлар муддатли ҳисобланади. Битимларда муддатлар қуйидагича:

а) маълум кун, ой, йил билан (масалан, 2005 йил 15 сентябрь);

б) маълум вақтнинг ўтиши билан (масалан, бир ярим йилдан кейин ўтишини кўрсатиш);

в) маълум бир воқеа юз бериши (масалан, дарё орқали юк ташиш – муз эриши) билан белгиланади.

Агар битимда унинг ижро этилиш муддати кўрсатилмаган бўлса, бундай битим муддатсиз ҳисобланади. ФКнинг 242-моддасида кўрсатилганидек, агар мажбуриятни бажариш муддати кўрсатилмаган ёки талаб қилиб олиш пайти белгилаб қўйилган бўлса, кредитор ҳар қачон ижрони талаб қилишга, қарздор эса ижрони ҳар қачон амалга оширишга ҳақли бўлади. Шартли битим деб, тарафлар ўртасида тузиладиган битимнинг амалга оширилиши ёки бекор бўлиши, бирор-бир шартга боғлаб қўйилишига айтилади. Шартли битимлар икки хил кўринишда бўлади:

а) шарт кечиктирилган;

б) бекор бўлиш шарт билан тузилган битимлар.

2. Битим шакли. Битимларни давлат рўйхатидан ўтказиш. Битимнинг нотариал шаклида ва уни рўйхатдан ўтказиш талабига риоя қилмаслик оқибатлари.

Битим тузишда эркин ифодалаш усулига битим шакли деб айтилади. Битимлар оғзаки ва ёзма (оддий ёки нотариал тасдиқланган) шаклда тузилади (ФК, 105-модда, 1-банд).

ФКнинг 106-моддасига биноан, қонун ҳужжатларида ёки тарафларнинг келишувида ёзма тасдиқланган шакл белгилаб қўйилмаган, жумладан, у тузилаётган вақтнинг ўзидаёқ бажариладиган битим оғзаки тузилиши мумкин. Шахснинг хатти-ҳаракатидан унинг битим тузишга бўлган хоҳиш-иродаси билиниб турган ҳолда ҳам бундай битим тузилган ҳисобланади.

Жетон, патта ёки одатда, қабул қилинган бошқа белги бериш билан тасдиқланган битим, агар қонун ҳужжатларида бошқача тартиб белгиланган бўлмаса, оғзаки шаклда тузилган битим ҳисобланади.

Ёзма шаклда тузилган шартнома бажаришга қаратилган битимлар, агар қонун ҳужжатлари ва шартномага зид бўлмаса, тарафларнинг келишувига мувофиқ оғзаки тузилиши мумкин.

Қонунда индамасдан, сукут сақлаш орқали ҳам битим тузилиши мумкинлиги назарда тутилади. Бу ҳолда халқимизнинг қадимдан мавжуд “сукут – розилик аломати” қонидаси амал қилади. Бироқ бундай усулда битим тузишга фақат чекланган ҳоллардагина йўл қўйилади. ФКнинг 105-моддасига асосан сукут сақлаш қонун ҳужжатларида ёки тарафларнинг келишувига назарда тутилган ҳолларда битим тузишга бўлган хоҳиш-ироданинг ифодаси ҳисобланади.

Юқорида айтилганидек, шахснинг хулқ-атвори, хатти-ҳаракатларидан битим тузишга бўлган хоҳиш-иродаси билиниб турган ҳолларда ҳам бундай битим тузилган ҳисобланади. Бу усулда тузилган битимларнинг номи лотинча

“конклюдо” сўзидан олинган бўлиб, “тузаман” деган маънони англатади. Конклюдент ҳаракатлар шундай ҳаракатларки, улар оғзаки шаклда ҳам, ёзма шаклда ҳам ифода этилмаган бўлсада, шахснинг нияти, мақсади ҳақида ўз-ўзидан гувоҳлик бериб туради. Ёзма шаклда тузиладиган битимлар икки турга:

а) оддий ёзма;

б) нотариал идораларда, шунингдек қонунда назарда тутилган ҳолларда, бошқа органларда тасдиқланадиган битимларга бўлинади.

Оддий ёзма битим битимнинг шартларини ўз ичига олган ва тарафлар (ёки бир тараф) томонидан имзоланган ҳужжатга айтилади. Битимлар қўйидаги ҳолларда оддий ёзма шаклда тузилади:

1) юридик шахсларнинг ўзаро ва фуқаролар билан тузиладиган битимлари (чунки юридик шахслар мавзусида айтганимиздек, юридик шахсларнинг мулки ва маблағлари унинг балансида акс этирилиши керак. Бинобарин, юридик шахснинг турли битимлар тузиш орқали кўрган даромади ёхуд зарари ҳам бухгалтерия балансида расмийлаштирилиши керак);

2) фуқаролар ўртасидаги белгиланган энг кам ойлик иш ҳақининг ўн бараваридан ортиқ суммадаги битимлар, қонунда белгиланган ҳолларда эса битим суммасидан қатъи назар бошқа битимлар.

Хатлар, телеграммалар, телефонограммалар, телетайпограммалар, факслар ёки субъектларнинг ва улар хоҳиш-иродаси мазмунини белгилайдиган бошқа ҳужжатларни ўзаро айирбошлаш, агар қонунда ёки тарафларнинг келишувида бошқача ҳол белгиланмаган бўлса, ёзма шаклда тузилган битимга тенглаштирилади.

Баъзи ҳолларда ёзма тузилган битим қўшимча талабга ҳам жавоб бериши лозим (муайян шаклда тузилиши, муҳр билан тасдиқланиши ва ҳ.к.).

Ёзма шаклда тузилган битимни бажарган тараф иккинчи тарафдан ижронини тасдиқловчи ҳужжат талаб қилишга ҳақли. Бу қоида оғзаки тадбиркорлик битимига нисбатан ҳам жорий қилинади.

Қонун билан талаб этилган битимнинг оддий ёзма шаклига риоя қилмаслик унинг ҳақиқий эмаслигига олиб келмайди, бироқ низо келиб чиққан тақдирда, тарафларни битимнинг тузилганлигини, мазмунини ёки бажарилганлигини гувоҳларнинг кўрсатувлари билан тасдиқлаш ҳуқуқидан маҳрум қилади (ФК, 109-модда).

Оддий ёзма шаклга риоя қилмасдан тузилган битим қонун ёки тарафларнинг келишувига бевосита зид бўлмаса, ўз ўзича ҳақиқий бўлиб саналса ҳам, низо чиққан тақдирда, битимнинг тузилганлигини ва унинг мазмунини гувоҳларнинг кўрсатмалари билан исботлаб бўлмайди.

Нотариал гувоҳлантирилган битим деб, белгиланган шаклда нотариат хати бўлган, нотариус томонидан имзоланган ва гербли муҳр босилган ёзма ҳужжатга айтилади. Нотариал шаклдаги битим уни тузувчилар ёки вакиллари томонидан нотариус ҳузурида имзоланади.

Битимларни нотариал тартибда тасдиқлаш фақат қонун⁶¹ да кўрсатилган ёки тарафлардан бири талаб қилган ҳоллардагина мажбурийдир. Жумладан, уй-жойларнинг олди-сотдиси, гаровга қўйиш шартномалари ва бошқа баъзи шартномалар, шунингдек мулкни васият қилиш тўғрисидаги битим (васиятнома) нотариал тартибда тасдиқланишини талаб қилади.

Битимларнинг оддий ёзма ва нотариал тасдиқланган шаклда тузилиши баъзи муҳим асослар бўйича белгиланган, чунончи:

биринчидан, битимнинг ёзма шакли битим тузилганлиги фактини бир томоннинг баёнотиغا ёки гувоҳларнинг кўрсатмаларига қараганда асослироқ исботлайдиган далил бўла олади;

иккинчидан, ёзма шакл оғзаки шаклдан кўра битимнинг ҳақиқий мазмунини аниқлашга яхшироқ ёрдам беради ва зарур ҳолларда уни тегишли давлат органлари томонидан текширилишини енгиллаштиради. Шу нуқтаи назардан битимнинг инсофсиз иштирокчилари томонидан баъзи ҳолларда йўл қўйиладиган суиистеъмолчиликларга қарши маълум даражада гаров бўлиб хизмат қилади;

учинчидан, битимнинг ёзма шакли тарафлар учун мажбурий бўлиши юридик фактларни ҳужжатлаштириш ва тарафларнинг фаолиятлари устидан назорат олиб бориш имкониятини беради;

тўртинчидан, битимларнинг ёзма шаклда расмийлаштирилиши фуқаролик муомаласи иштирокчиларини муайян тартибга, ўз эрklarини аниқ ифода этишга ва битим билан назарда тутилган шартларни пухта бажаришга ўргатади.

Қонун баъзи ҳолларда битимларнинг ёзма ёки нотариал шаклда расмийлаштирилишидан ташқари тегишли давлат муассасаларида қайд этилишини (рўйхатдан ўтказилишини) талаб қилади. Масалан, ер участкалари ва бошқа кўчмас мол-мулк билан боғлиқ битимлар (бошқа шахсга бериш, ипотека, узоқ муддатли ижара, меросни қабул қилиб олиш ва бошқалар) давлат рўйхатидан ўтказилиши керак (ФК, 111-модда).

Қонун бўйича талаб қилинадиган шаклга риоя қилмаслик оқибатида қонунда тўғридан-тўғри кўрсатилган тақдирдагина битимнинг ҳақиқий саналмаслигига сабаб бўлади.

Биржа битимлари

Битимлар орасида биржа битимлари ўзига хос хусусиятга эга. Биржа юридик шахс бўлиб, олдиндан тайинланган жой ва муайян вақтда, белгиланган қоидалар асосида оммавий ва ошқора биржа савдоларини ташкил этиш ва ўтказиш орқали биржа товарлари савдоси учун шарт-шароит яратади. Биржалар Ўзбекистон Республикасининг “Биржа ва биржа фаолияти тўғрисида”ги қонун талаблари асосида фаолият юритади⁶². Биржа фаолияти биржа савдоларини ташкил этиш ҳамда талаб ва таклифнинг ҳақиқий нисбатини аниқлаш асосида биржа товарларининг нархларини чиқариш

⁶¹ Ўзбекистон Республикасининг “Нотариат тўғрисида”ги қонуни//Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1997. 2-сон, 42-модда.

⁶² Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 2001, N 9-10, 171-модда.

орқали биржа товарларининг бозорини яратишга қаратилган ҳаракатлар йиғиндисидан иборат.

Биржа томонидан рўйхатга олинган биржа товари хусусида биржа савдосининг биржада қайд этилган натижаси бўйича тузилган олди-сотди шартномаси биржа битими ҳисобланади. Биржа савдолари биржада марказлаштирилган тарзда ва ушбу савдоларда биржанинг барча аъзоларига бир вақтда иштирок этиш имконияти берилган ҳолда ўтказилади.

Биржа битимлари унинг ўзида рўйхатга олинади, шу сабабли бундай битимлар нотариал тасдиқланмайди, қонунларда назарда тутилган ҳоллар бундан мустасно. Биржа битимлари биржа номидан ва ҳисобидан амалга оширилиши мумкин эмас.

Биржада биржа товарлари олди-сотди битимлари, шу жумладан:

- *реал битимлар* – товарни ўзгага топшириш ёки етказиб бериш ёхуд товарга мулк ҳуқуқини берувчи ҳужжатларни ўзгага топшириш билан боғлиқ битимлар ҳисобланиб, улар одатда касса битимлари деб ҳам юритилади;

- *форвард битимлар* – реал товарни етказиб бериш муддати кечиктирилган ҳолдаги олди-сотди битимларидир. Форвард сўзи инглизча Forward transaction сўзидан олинган. Бу биржа битимининг ўзига хос хусусиятларидан бири битим тузишдан кўзда тутилган ҳаракат маълум бир вақт ўтгандан сўнг амалга оширилишидир, бундан ташқари сотиб олувчи мавжуд товарни кўриб ёки кўрмасдан (яъни келгусида ишлаб чиқариладиган товарларни назарда тутиб) шартнома тузишидир.

- *фьючерс битимлари* – товарларга доир стандарт контрактларнинг олди-сотди битимларидир. Фьючерс битимидаги “стандарт” тушунчаси фақат биржада белгиланган шартларга амал қилувчи битимлар билан савдо қилиш мумкинлиги (контракт ҳажми, етказиб бериш санаси, баҳоси ва бошқалар) билан боғлиқдир. Уларни келгусида ижро этиш мажбуриятини олган ҳолда тузилади. Бу битимлар бўйича товарлар, хом-ашёлар, қимматли қоғозлар шартномада кўрсатилган баҳода (товар қабул қилинаётганда унинг нархи ўзгарса ҳам шартномадаги баҳо императив характерга эга бўлади ва ўзгармайди), фақат муайян вақтдан сўнг ижро этилиш шarti билан сотилади. Фьючерс битимлари одатда товар хом-ашё биржалари ва фонд биржаларида тузилади. Бу битимнинг ўзига хос томони бозор қонуниятларини билганлар учун қўл келишидир.

- *опцион битимлар* (лотинча optio – танлаш деган маънони англатади) товарларни ёки товарлар етказиб бериш контрактларини белгиланган нарх бўйича келгусида сотиб олиш ёки сотиш ҳуқуқларига доир олди-сотди битимлари ҳисобланади.

Биржа битимининг мазмуни (товарнинг номи, миқдори, нархи, битим тузилган сана ва вақт ҳамда уни тузган биржа аъзоларининг номи бундан мустасно) ошқор қилиниши мумкин эмас.

3. Битимнинг ҳақиқий саналиш шартлари

Битимлар ҳақиқий саналиши учун қуйидаги шартларга жавоб бериши: биринчидан, битимларнинг мазмуни қонунга ва қонун асосида чиқарилган актларга, умуминсоний қоидаларга мувофиқ бўлиши;

иккинчидан, битимларни тузувчи шахслар муомала лаёқатига эга бўлишлари;

учинчидан, битимлар кўриниш учунгина тузилмай, балки чиндан ҳам юридик оқибат туғдириш мақсадида тузилган бўлиши;

тўртинчидан, нотариал гувоҳлантириши ёки давлат рўйхатидан ўтказилиши лозим бўлган битимлар ҳақиқий саналмаслиги ҳавфи остида қонун билан талаб қилинган шаклда расмийлаштирилиши керак.

Мутлоқ ҳақиқий саналмайдиган битимлар жумласига қонун талабларига мувофиқ бўлмаган (ФК, 116-модда), Ўзбекистон Республикасининг манфаатларига хилоф равишда тузилган (Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 175-моддаси), ўн тўрт ёшга тўлмаган шахс томонидан тузилган (ФК, 117-модда), қалбаки ва кўзбўямачилик учун тузилган битимлар (ФК, 124-модда) ўз ўзидан ҳақиқий саналмайди.

Ҳақиқий саналмайдиган битим юзасидан ижрони, мулк топширилишини ёки пул тўланишини талаб қилиш мумкин эмас.

Битим бутунлай ҳақиқий саналмаганидек, баъзи ҳолларда унинг айрим қисми ҳақиқий бўлмаслиги мумкин. Битимнинг муҳим қисми, яъни унинг нарсасини, юридик табиатини ёки мақсадини ва бошқа муҳим шартларини кўрсатувчи бандлари ҳақиқий бўлмаганида битим бутунлай юридик кучга эга бўлмайди. Масалан, фуқаронинг ўзига уй-жой қуриш учун берилган ер участкасини сотиши тўғрисида тузган битими бутунлай ҳақиқий саналмайди.

Ўз-ўзидан ҳақиқий саналмайдиган битим турлари ва уларнинг ҳуқуқий оқибатлари

Қонун ҳужжатлари талабларига мувофиқ келмайдиган мазмундаги битим, шунингдек ҳуқуқ-тартибот ёхуд одоб ёки ахлоқ асосларига атайин қарши мақсадда тузилган битим, ФКнинг 116-моддасида кўрсатилганидек, ўз-ўзидан ҳақиқий эмасдир. Бу моддада кўрсатилган “қонун” сўзи кенг маънода қўлланилади. Бу модда фақат Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси томонидан чиқарилган ҳужжатларни бузиб тузилган битимларгагина эмас, балки қонунлар асосида чиқарилган барча ҳужжатларни ҳам бузиб тузилган битимларга татбиқ этилади.

Қонун талабларига мувофиқ бўлмаган битим ҳақиқий саналмагани ҳолда, бундай битим бўйича тарафларнинг ҳар бири иккинчи тарафга битимга биноан олинган ҳамма нарсани қайтаришга, олинган нарсанинг ўзини қайтариб бериш имконияти бўлмаган ҳолда эса, агар ҳақиқий бўлмаган битимнинг бошқа оқибатлари қонунда назарда тутилмаган бўлса, унинг қийматини пул билан тўлашга мажбурдир. Масалан, Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисидаги қонуннинг 90-моддасига мувофиқ, қиймати битим тузиш тўғрисида қарор қабул қилинаётган санада жамият активлари баланс қийматининг йигирма беш фоизидан эллик фоизгачасини ташкил этувчи мол-мулк хусусида бўлган йирик битим тузиш тўғрисидаги қарор кузатув кенгаши томонидан яқдиллик билан қабул қилинади. Агар жамият активларининг 50 фоизидан юқори суммадаги шартномани кузатув кенгаши ваколат доирасида имзоласа, у ҳақиқий эмас деб топилади.

Битим атайин давлат ва жамият манфаатларига хилоф мақсадларда тузилганлиги сабабли ҳақиқий саналмагани ҳолда қуйидагича ҳуқуқий оқибатларни вужудга келтиради:

1) битим тузувчиларнинг ҳар қайсисида ғараз ният бўлса, ҳар икки тараф томонидан бажарилган битим юзасидан олинган ҳамма нарсалар ундирилиб, давлат даромадига ўтказилади;

2) битим фақат бир тараф томонидан бажарилганида эса, иккинчи тарафдан унинг олган ҳамма нарсаси ва унинг эвазига биринчи тарафга тўлаши лозим бўлган нарсалари ундирилиб, давлат даромадига ўтказилади;

3) битимлар тузишда бир тарафдагина ғараз бўлган тақдирда, унинг битим бўйича олган ҳамма нарсаси иккинчи тарафга қайтариб берилиши лозим, иккинчи тараф олган ёки битимнинг ижроси эвазига олиши лозим бўлган нарсалар ундирилиб, давлат даромадига ўтказилади. Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 175-моддасида Ўзбекистон Республикаси манфаатларига хилоф равишда битимлар тузганлик учун жиноий жавобгарлик белгиланган.

Қалбаки ва кўзбўямачилик учун тузилган битимлар ҳам ҳақиқий саналмаслиги мумкин.

Қалбаки битим – тарафларнинг келишуви бўйича юридик оқибатлар туғдирмаслик нияти билан фақат кўриниш учунгина тузилган битим бўлиб, у ҳақиқий саналмайди (ФК, 124-модда).

Кўзбўямачилик учун тузилган битим деб бошқа бир битимни яшириш мақсадида тузилган битимга айтилади. Агар битим бошқа бир битимни яширмақ учун тузилган бўлса, бу ҳолда тарафлар томонидан ҳақиқатда назарда тутилган битимга оид қоидалар қўлланилади. Кўзбўямачилик учун тузилган битим барча ҳолларда ҳақиқий саналмайди. Бундай битим билан яширилган битим қонун талабларига жавоб бериш-бермаслигига қараб ё ҳақиқий бўлади ёки ҳақиқий эмас деб топилади.

Агар кўзбўямачилик учун тузилган битим қонунга хилоф бўлса ҳам, жамият ва давлат манфаатларига қарши қаратилган бўлса, ҳар икки тарафнинг битим юзасидан олган нарсалари бир-бирига қайтарилади. Аммо битим жамият ва давлат манфаатларига хилоф мақсадларда тузилган бўлса, ҳар икки тарафнинг олган нарсаси давлат даромадига ўтказилади.

Муомалага лаёқатсиз шахслар томонидан тузилган битимлар тўғрисида шуни айтиш керакки, битимнинг ҳақиқий саналиши учун уни тузувчи шахслар муомалага лаёқатли бўлишлари керак.

Муомалага лаёқатсиз фуқаролар, жумладан, руҳий касаллар ёки ўн тўрт ёшга тўлмаган болалар учун битимларни уларнинг қонуний вакиллари – оналар, фарзандликка олувчилар ёки васийлари тузадилар.

Ўн тўрт ёшга тўлмаганлиги, шунингдек руҳий касаллиги ёки ақли заифлиги сабабли муомалага лаёқатсиз деб топилган фуқаро томонидан тузилган битимлар ҳақиқий саналмайди, тарафларнинг ҳар қайсиси битим юзасидан олган нарсаларининг ҳаммасини иккинчи тарафга қайтаришга мажбур, олинган нарсани натура бараварида қайтариши мумкин бўлмаса, унинг қийматини пул билан тўлашга мажбур.

Низоли битимларнинг турлари ва уларнинг ҳақиқий саналмаслиги оқибатлари

Ўн тўрт ёшдан ўн саккиз ёшгача бўлган вояга етмаган ўсмирлар қисман муомала лаёқатига эга бўлсаларда, битимларни ота-оналари, фарзандликка олганлар ёки ҳомийлари розилиги билан тузадилар. Аммо уларнинг кундалик эҳтиёжларини қондиришга қаратилган ва ўзлари учун зарарли бўлмаган маиший битимларни мустақил равишда тузишлари мумкин.

Ўсмир томонидан тузилган битим (агар бу битим унинг ота-оналари ёки фарзандликка олган ёхуд ҳомийлари розилигидан ташқари тузилган бўлса) ота-оналарининг ёки фарзандликка олганларнинг ёхуд ҳомийларининг даъвосига биноан суд томонидан ҳақиқий эмас, деб топилиши мумкин. Демак, бундай битимлар, умуман, ҳақиқий саналсада, улар тўғрисида низо кўзғатилиши ва битим тузувчиларнинг қонуний вакиллари томонидан кўзғатилган даъволарга биноан суд томонидан ҳақиқий эмас, деб топилиши мумкин. Бундай ҳолда, мазкур битим бўйича тарафларнинг ҳар қайсиси битим юзасидан олган нарсаларининг ҳаммасини иккинчи тарафга қайтаришга, олинган нарсани натура бараварида қайтариш мумкин бўлмаса, унинг қийматини пул билан тўлашга мажбур.

Муомалага лаёқатли тараф, бундан ташқари, агар иккинчи тарафнинг муомалага лаёқатсизлигини билган бўлса, ёки билиши лозим бўлган бўлса, унинг битим туфайли келган харажатларини мулкнинг йўқолиши ёки зарарланишидан келган зиёнларни шу вояга етмаган шахсга тўлашга мажбур.

Спиртли ичимликларни ёки гиёҳванд воситаларини суиистеъмол қилиш оқибатида муомала лаёқати чекланган фуқаро томонидан ҳомийсининг розилигисиз тузилган битимни суд ҳақиқий эмас деб топиши мумкин (ФК, 120-модда).

Ўз ҳаракатларининг аҳамиятини тушунишга ёки уларни бошқаришга қобилиятли бўлмаган фуқаро томонидан тузилган битим деб муомалага лаёқатли бўлса-да, битим тузиш пайтидан қандайдир таъсирлар остида (масалан, гипноз, психотроп дори) ўз ҳаракатларининг аҳамиятини тушуна олмайдиган ёки уларни идора қила олмайдиган ҳолатда бўлган шахс томонидан тузилган битимга айтилади. Бундай битим суд томонидан ҳам ҳақиқий эмас, деб топилиши мумкин.

Алдаш таъсири остида битим тузилишида битим тузувчи иккинчи томонни атайин ёмон ният билан янглиштиради. Бу ҳолда алданувчи томон битимнинг нарсаси ёки унинг шартлари тўғрисида нотўғри тасаввур қилади. Уй-жойларни эгаликка бериш ҳақидаги қарор ва унга асосан эгалик ҳуқуқи тўғрисида берилган ордер битимлар фуқаролик қонунчилигида белгиланган асосларда суд томонидан ҳақиқий эмас деб топилиши мумкин.

Қўрқитиш таъсири остида битим тузилишида жабрланган шахс ўзига ёки яқин кишиларига бирор мулкӣ ёки шахсий зарар етказилишидан қўрқиб, битим тузишга мажбур бўлади.

Зўрлик дейилганда бошқа шахснинг эрки шу шахсни битим тузишга мажбур қилиш мақсадида унинг ўзига ёки яқин кишиларига жисмоний азоб етказишдан иборат бўлган ғайриқонуний қилмиш тушунилади.

Бир тараф вакилининг иккинчи тараф билан ёмон ниятда келишуви туфайли битим тузилса, вакилнинг ёки у билан битим тузувчининг манфаатлари назарда тутилиб, унда вакил қилинувчининг зарарига қаратилган ҳаракат қилинади. Масалан, муайян нарса сотиб олиш учун вакил қилинган шахс сотувчи билан ёмон ниятда ўзига маълум мукофот берилиши шарти билан нарсани юқори баҳода сотиб олиш тўғрисида келишса, юқоридаги ҳол юз беради.

Оғир ҳолатларнинг вужудга келиши туфайли тузилган битимда тарафлардан бири қаттиқ муҳтожлик таъсирида ҳаракат қилади ва ўзи зарари очикдан-очик кўришиб турган битимни тузади.

Мавзуни мустахкамлаш учун саволлар

1. Битим тушунчаси ва турлари. Уларнинг бошқа юридик фактлардан фарқи.
2. Битимларнинг ҳақиқий саналиш шартлари.
3. Муддатли ва шартли битимлар.
4. Битим шакллари. Битимнинг қонун талаб қиладиган шартларига риоя этмаслик.
5. Ўз-ўзидан мутлақ ҳақиқий саналмайдиган битимлар ва уларнинг турлари.
6. Биржа битимлари.
- 7.

Таянч сўз ва иборалар.

Биржа битимлари,муддатли битимлар, шартли битимлар, реал битимлар, опцион битимлар, Консенсуал битимлар,форвард битимлар,фьючеср битимлар, битимларнинг ҳақиқий саналмаслиги оқибатлари, низоли битимлар, оғир ҳолатларнинг вужудга келиши туфайли тузилган битимлар, алдаш таъсири остида тузилган битимлар,қўрқитиш таъсири остида тузилган битимлар.

Глоссарийлар.

“**Консенсуал**” сўзи лотинча “consensus” сўзидан олинган бўлиб, “келишув” маъносини билдиради.

“**Реал**” сўзи лотинча “res” сўзидан олинган бўлиб, “ашё” маъносини билдиради.

реал битимлар – товарни ўзгага топшириш ёки етказиб бериш ёхуд товарга мулк ҳуқуқини берувчи ҳужжатларни ўзгага топшириш билан боғлиқ битимлар ҳисобланиб, улар одатда касса битимлари деб ҳам юритилади;

форвард битимлар – реал товарни етказиб бериш муддати кечиктирилган ҳолдаги олди-сотди битимларидир. Форвард сўзи инглизча Forward transaction сўзидан олинган. Бу биржа битимининг ўзига хос хусусиятларидан бири битим тузишдан кўзда тутилган ҳаракат маълум бир вақт ўтгандан сўнг амалга оширилишидир, бундан ташқари сотиб олувчи мавжуд товарни кўриб ёки кўрмасдан (яъни келгусида ишлаб чиқариладиган товарларни назарда тутиб) шартнома тузишидир.

фьючерс битимлари – товарларга доир стандарт контрактларнинг олди-сотди битимларидир. Фьючерс битимидаги “стандарт” тушунчаси фақат биржада белгиланган шартларга амал қилувчи битимлар билан савдо қилиш мумкинлиги (контракт ҳажми, етказиб бериш санаси, баҳоси ва бошқалар) билан боғлиқдир. Уларни келгусида ижро этиш мажбуриятини олган ҳолда тузилади. Бу битимлар бўйича товарлар, хом-ашёлар, қимматли қоғозлар шартномада кўрсатилган баҳода (товар қабул қилинаётганда унинг нархи ўзгарса ҳам шартномадаги баҳо императив характерга эга бўлади ва ўзгармайди), фақат муайян вақтдан сўнг ижро этилиш шарти билан сотилади. Фьючерс битимлари одатда товар хом-ашё биржалари ва фонд биржаларида тузилади. Бу битимнинг ўзига хос томони бозор қонуниятларини билганлар учун кўл келишидир.

опцион битимлар (лотинча optio – танлаш деган маънони англатади) товарларни ёки товарлар етказиб бериш контрактларини белгиланган нарх бўйича келгусида сотиб олиш ёки сотиш ҳуқуқларига доир олди-сотди битимлари ҳисобланади.

Фойдаланилган адабиётлар.

Асосий адабиётлар:

1. Зокиров И.Б. Фуқаролик ҳуқуқи: Дарслик. 1 қисм. –Т. ТДЮИ нашриёти, 2009. 611 б.
2. Инсон ҳуқуқлари тўғрисида халқаро Билль. -Т.: Адолат. 1992.
3. Муаллифлар жамоаси. Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг иккинчи қисмига шарҳлар. -Т.: Иқтисодиёт ва ҳуқуқ дунёси. 1998.324 б.
3. Топилдиев Б. Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик ҳуқуқи. (биринчи ва иккинчи қисмлар). -Т.: ТДЮИ. 2014.511 б.

Кўшимча адабиётлар:

1. Каримов И.А. Инсон, унинг ҳуқуқ ва эркинликлари ҳамда манфаатлари – энг олий қадрият. // Халқ сўзи, 2005 йил 9 декабрь.
2. Мирзиёев Ш.М. Демократик ислоҳотларни изчил давом эттириш халқимиз учун тинч ва осойишта, муносиб ҳаёт даражасини яратиш барқарор тараққиёт кафолатидир // Халқ сўзи. 2016 йил 2 ноябр.
3. Мирзиёев Ш.М. Қонун устуворлиги ва инсон манфаатларини таъминлаш-юрт тараққиёти ва халқ фаровонлигининг гарови Халқ сўзи 8 декабр 2016 йил. Ўзбекистон Республикасининг сайланган Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганлигининг 24 йиллигига бағишланган тантанали маросимидаги маърузаси.
4. Ўзбекистон Республикаси Президентининг "2017 — 2021 йилларда

Ўзбекистон Республикасини ривожлантиршининг бешта устивор йуналиши буйича Ҳаракатлар стратегиясини амалга оширишга доир ташкилий чоратadbирлар туғрисида" 2017 йил 14 февралдаги Ф-4849- сонли Фармойиши. Ўзбекистон Республикаси конун хужжатлари тўплами, 2017 й.. 7-сои, 88-модда;

5.Ўзбекистон Республикаси Конституцияси-Т.: Ўзбекистон, 2017.

6.Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик кодекси. (2016 йил 1 июлгача бўлган ўзгариш ва қўшимчалар билан). Тўплам. “Адолат” нашриёти.

7.Раҳмонқулов Ҳ. Фуқаролик ҳуқуқининг объектлари. Ўқув қўлланма. – Тошкент: ТДЮИ. 2009. -6 б.

8.Фуқаролик ҳуқуқи. Иккинчи қисм. –Тошкент: Илм зиё, 2008. -392 б.

9.Гражданское право. Под.ред. А.П.Сергеева, Ю.К.Толстого. –М.: Проспект, 2003. -281 с.

10. Гражданское право. Учебник. под. ред. Е.А.Суханова. Т.1 –М.: БЕК, 1994. –374 с.

Elektron resurslar.

1.<http://Allpravo.ru>

2.<http://Internet-law.ru>

3.<http://dissertation1.narod.ru/avtoreferats1>

4.<http://www.library.by/data>

5.<http://www.lawportal.ru>

6.<http://www.legislature.ru>

7.<http://www.ziyonet.uz>.

8.<http://www.inter-mba.ru/c...>2.<http://www.businesspravo.ru>.

9.<http://www.daryo.uz>4.<http://www.kun.uz>5.<http://www.lex.uz>

10.<http://www.gov.uz>

7-мавзу: ВАКИЛЛИК ТУШУНЧАСИ, АҲАМИЯТИ ВА БЕЛГИЛАШ АСОСЛАРИ.

Режа:

- 1. Вакиллик тушунчаси.**
- 2. Ваколат ва унинг турлари**
- 3. Ишончнома.**

1. Вакиллик тушунчаси

Вакиллик деб, бир шахснинг иккинчи шахс номидан юридик ҳаракатларни амалга оширишига айтилади. Ишончномага, қонунга, суд қарорига ёки вакил қилинган давлат органининг ҳужжатига асосланган ваколат билан бир шахс (вакил) томонидан бошқа шахс (ваколат берувчи) номидан тузилган битим ваколат берувчига нисбатан фуқаролик ҳуқуқ ва мажбуриятларини бевосита вужудга келтиради, ўзгартиради ва бекор қилади (ФК, 129-модда).

Вакилликнинг моҳияти шундаки, бунга асосланиб тузилган битимлар фақат ваколат берувчи учунгина муайян ҳуқуқ ва мажбуриятларни туғдиради, ўзгартиради ва бекор қилади. Вакилнинг шахсан ўзи эса битимлар юзасидан ҳеч қандай ҳуқуқ ва мажбуриятлар олмайди. Кишининг шахси билан боғлиқ бўлган, шунингдек қонунларда назарда тутилган битимларни вакил орқали тузишга йўл қўйилмайди. Масалан, никоҳ шартномаси тузиш, алиментларни ундириш ёки тўлаш билан боғлиқ мажбуриятлар.

Вакиллик орқали ҳуқуқ лаёқатини амалга ошириш, яъни ҳуқуқлар олиш ва мажбуриятларни бажариш мумкин бўлмаганлиги сабабли вакилларнинг хизматиға фуқаролар ҳам, юридик шахслар ҳам муҳтож

бўладилар. Чунончи, фуқаро ўзига қарашли уй-жойни вакил орқали бошқариши ёки сотиши, ташкилотлар эса вакиллар орқали бир-бирлари билан ҳар хил шартномалар тузишлари мумкин.

Муомалага лаёқатли фуқароларгина вакил бўлишлари, вакиллик қилишлари мумкин. Истисно сифатида айрим ҳолларда ўн олти ёшга тўлиб, паспорт олган фуқаро ҳам вакил бўлиши мумкин. Фуқароларнинг фақат бир-бирлари учунгина эмас, баъзи ҳолларда ташкилотлар учун ҳам вакил бўлишларига қонун йўл қўяди. Масалан, савдо ва таъминот бўлимларининг агентлари, маҳсулот тайёрловчи вакил ва бошқа ходимлар ташкилотларнинг вакиллари сифатида иш бажарадилар.

Юридик шахс фақат ўз уставида назарда тутилган ҳолларда ёки ўз фаолиятининг характерига мувофиқ бўлгандагина, фуқароларнинг вакил ёки бошқа юридик шахс вакили сифатида ҳаракат қилиши мумкин.

Ташкилотларнинг мулкӣ ҳуқуқларини, шунингдек фуқароларнинг шахсий ва мулкӣ ҳуқуқларини қўриқлаш мақсадида қонун кимларнинг вакил сифатида ҳаракат қила олмаслигини белгилайди. Жумладан, ташкилотнинг бош бухгалтерига ўзи ишлаб турган ташкилот учун банкдан ва молия органларидан нақд пул, шунингдек бошқа товар, моддий бойликлар олишга йўл қўйилмайди. Савдо корхоналари ва бошқа ташкилотлар ўзларидан олинган ваколатномалар юзасидан ҳисобот бермаган мансабдор шахсларни товар ва бошқа ашёларни олиш учун вакил қила оламайди.

Судда вояга етмаган шахслар, васийлик ва ҳомийлик остидаги шахслар фуқароларнинг вакиллари сифатида қатнаша олмайдилар. Судьялар, терговчилар, прокурорлар қонунӣ вакил сифатида (ота-оналар, фарзандликка олганлар, васийлар, ҳомийлар) шунингдек тегишли суд ёки прокуратуранинг вакили сифатида қатнашиш ҳолларидан ташқари, судда вакил бўла олмайдилар (ФПК, 51-модда).

Ваколат берувчи ҳар қандай шахс муомалага лаёқатли ва муомалага лаёқатсиз фуқаролар ҳам, шунингдек юридик шахслар ҳам бўлиши мумкин.

2. Ваколат ва унинг турлари

Вакил ўзида бўлган ваколатга биноан, ўзини вакил қилувчига нисбатан муайян ҳуқуқ ва мажбуриятларни вужудга келтиради, ўзгартиради ва бекор қилади. Бинобарин, ваколат деб вакилнинг бошқа шахс номидан муайян юридик ҳаракатлар қилишга ва шу билан у учун ҳуқуқӣ оқибатларни вужудга келтиришга қаратилган ҳуқуқ тушунилади. Вакилнинг ваколатлари қонунга, суд қарорига, вакил қилинган давлат органларининг ҳужжатига ёки ишончномага асосланган бўлиши мумкин.

Вакил ўз ваколатини ваколат берувчининг манфаатларини кўзлабгина амалга оширишга мажбур. Бинобарин, вакил ўзига ваколат берган шахс номидан, шахсан ўзига нисбатан ҳам, у айни бир вақтда вакили бўлган бошқа шахсга нисбатан ҳам битимлар тузиши мумкин эмас – тижорат вакиллиги бўлган ҳоллар бундан мустасно. (ФК, 129-модда, 3-банд).

Агар ошқора шахс номидан ҳаракат қилиш учун ҳеч қандай ваколат бўлмаса ёки ваколатли бўлса ҳам унинг доирасидан четга чиқилган бўлса, бу

ҳолда тузилган битимлар бўйича кимнинг номидан ҳаракат қилган бўлса, мазкур шахс учун ҳуқуқ ва мажбуриятлар вужудга келмайди.

ФКнинг 132-моддасида кўрсатилганидек, бошқа шахс номидан тузилган ёки ваколатлардан ташқари чиқиб тузилган битим ваколат берган шахс кейинчалик маъқулланган тақдирдагина, унинг учун ҳуқуқ ва мажбуриятларни вужудга келтиради, ўзгартиради ва бекор қилади. Битим тузишга ваколат берган шахс битимнинг ижрога қабул қилинганлигидан гувоҳлик берувчи ҳаракатлар қилган ҳолда ҳам, бундай битим маъқулланган ҳисобланади.

Вакил қилувчи томонидан битимнинг келгусида маъқулланиши у тузилган вақтдан эътиборан ҳақиқий, деб ҳисоблашга ҳуқуқ беради.

Битимлар тузишда вакил ўз эрки билан ҳаракат қилади. Бу ҳолда у ўзига берилган ваколатнинг ҳажмига, амалдаги ҳуқуқий нормаларнинг қоидаларига, вакил қилувчининг берган кўрсатмаларига асосланиб иш тутади. Битим тузилишида вакилнинг эрки ҳам ваколат доирасида ифодаланганлиги сабабли вакилнинг жиддий равишда янглишиши, алданиши, кўрқитилиши ёки зўрлик таъсирида тузилган битим суд томонидан ҳақиқий эмас, деб топилиши мумкин.

Вакил воситачидан фарқ қилади. Агар вакил битим тузишда бошқа шахс номидан ҳаракат қилса, комиссиянер бошқа бир шахс комитент топшириғи бўйича ва унинг ҳисобига ҳаракат қилса ҳам, битимни ўз номидан тузади.

Вакил вакил қилувчи томонидан юридик ҳаракатлар қилиш, вакил қилувчи учун муайян фуқаролик ҳуқуқларини вужудга келтириш, ўзгартириш ёки бекор қилиш ниятида бўлганлигини битим тузувчи шахсларга очиқ-равшан билдириши лозим. Вакилнинг бундай ниятда бўлганлиги, вакил ҳаракат қилиб турган вазиятнинг ўзидан ҳам кўриниб туриши мумкин. Масалан, чакана савдо билан шуғулланувчи корхонада ишловчи сотувчи, кассир ва бошқаларнинг ҳаракатлари, уларнинг муайян бир ташкилот вакиллари эканлигини билдиради.

Вакил билан ваколат берувчи ўртасида вужудга келадиган ҳуқуқий муносабатлардан вакилнинг юридик ҳаракатлари туфайли, жумладан, у томонидан тузилган битим туфайли, ваколат берувчи билан учинчи шахслар ўртасида вужудга келадиган ҳуқуқий муносабатни ажратиш керак. Вакил билан ваколат берувчи ўртасидаги муносабат (ички муносабат) шартномага, масалан, топшириқ ёки меҳнат шартномасига асосланган ёхуд бошқа турдаги юридик фактларга, чунончи: туғилганлик, васийлик, фарзандликка олиш фактларига асосланган ваколат берувчи билан учинчи шахс ўртасидаги ҳуқуқий муносабат (ташқи муносабат) вакилнинг учинчи шахс билан тузган битими асосида вужудга келади.

Ваколат қандай асосларда вужудга келишига қараб, вакиллик икки турга: қонун бўйича вакиллик ва шартнома бўйича, яъни ихтиёрий вакилликка бўлинади.

Вакиллик ва унинг ваколоти норматив акт билан белгиланган ҳолда бундай вакиллик муомалага лаёқатсиз шахслар: ёш болалар, руҳий касаллар,

ақли заифларнинг ҳуқуқ ва манфаатлари кўриқланишини таъминлашга қаратилади. Суд органларида вакиллик қилиш тўғрисидаги қоидалар тегишли қонунлар билан белгиланади.

Ота-оналар, фарзандликка олувчилар ва васийлар ФКнинг 131-моддасида белгиланганидек, қонуний вакиллар ҳисобланадилар.

Шартномали, яъни ихтиёрий вакилликда вакил ва унинг ваколати вакил қилувчининг эрки билан белгиланади. Бундай вакилликда вакил ва унинг ваколати вакил қилувчи томонидан кўрсатилади.

Шартнома бўйича вакилликда меҳнат шартномасига биноан ташкилот номидан берилган ваколатномага асосан ҳаракат қилувчи хизматчи, масалан, ташкилотларнинг юрист маслаҳатчилари, таъминот вакиллари ва бошқалар вакил бўлиб ҳисобланадилар.

Топшириқ шартномасига биноан берилган ваколатномага асосан ҳаракат қилувчи шахслар ҳам шартнома бўйича вакил бўла олади.

Корхона раҳбари корхона номидан бошқа субъектлар билан муносабатларга киришганда, махсус ёзма ваколатномасиз иш юритишга ҳақли.

3. Ишончнома

Ўзбекистон Республикаси ФКнинг 134-моддасида таърифланишича, ишончнома деб бир шахс (ишонч билдирувчи) томонидан иккинчи шахсга (ишончли вакилга) учинчи шахслар олдида вакиллик қилиш учун бериладиган ёзма ваколатга айтилади. Ишончли вакил ўзига ишончнома билан берилган ваколатлар доирасида иш олиб боради. Ишончноманинг берилиши вакил учун ваколат белгилашга қаратилган бир томонлама битим сифатида кўрилади. Ишончнома топшириқ шартномаси, меҳнат шартномаси, экспедиция шартномаси ва бошқа шартномалар асосида берилди.

Юридик шахс номидан, шунингдек юридик шахсга ҳам ишончнома фақат юридик шахснинг уставида (низомида) кўрсатилган фаолият мақсадларига зид бўлмаган битимларни тузиш учунгина берилиши мумкин (ФК, 134-модда, 2-банд).

Ишончнома бир шахс, шунингдек бир неча шахслар номидан бир ёки бир неча шахслар номига ҳам берилиши мумкин. Чунинчи, уй-жой қуриш кооперативининг вакили кооператив аъзоларининг барчаси томонидан ёки умумий мажлисининг ваколатига биноан, бир неча шахс томонидан имзоланган ишончнома олиши мумкин.

Ишончнома вакилнинг учинчи шахслар билан ҳуқуқий муносабатларда бўлиши учун тайинланади. Ишончноманинг мазмунидан унинг қандай ваколатларга эга эканлиги, қандай юридик ҳаракатлар қилишга ҳақли бўлиши кўриниб туради. Бинобарин, вакил ишончномада кўрсатилган ваколат доирасида ҳаракат қилиб, учинчи шахслар билан шартнома тузган бўлса, вакил қилувчи бу шартномани бажаришдан бош торта олмайди.

Амалдаги қонунчилик ишончномаининг бир неча турларини назарда тутади.

Ишончнома умумий, махсус ва бир марталик турларга бўлинади.

Умумий ишончномада ҳар хил битимлар ва бошқа юридик ҳаракатлар қилиш, масалан, юридик ва жисмоний шахсларнинг филиалларини идора этиш ёки фуқарога қарашли мулкни бошқариш учун берилган ваколат кўрсатилади.

Махсус ишончнома фақат бир доирада чекланмаган битимларни тузиш ёки юридик ҳаракатларни содир этиш имконини беради. Масалан, транспорт экспедицияси шартномаси бўйича мижоз берган ишончномада экспедиторга фақат шартномавий муносабат доирасида экспорт ёки импорт учун талаб қилинадиган ҳужжатларни олиш, божхона расмиятчиликлари ёки ўзга расмиятчиликларни бажариш, юкнинг миқдорини ва ҳолатини текшириш, уни ортиш ва тушириш, мижоз зиммасига юклатиладиган божлар, йиғимлар ва бошқа харажатларни тўлаш, юкни сақлаш, уни белгиланган манзилда олиш каби юкни етказиб бериш учун зарур бўлган ҳаракатларни амалга ошириш билан боғлиқ битимлар тузиши учун ваколат берилиши мумкин.

Бир марталик ишончнома фақат бир битим ёки юридик ҳаракат содир этиш учун берилади ва унинг бажарилиши орқали ишончнома ўз кучини йўқотади. Масалан, бир ойлик маошни олиш бўйича берилган ишончнома унинг олиниши орқали бекор бўлади.

Ишончномада унинг қачон берилганлиги кўрсатилиши лозим, акс ҳолда, у ҳақиқий саналмайди. Ишончнома кўпи билан уч йил муддатга берилиши мумкин. Агар ишончномада муддат кўрсатилган бўлмаса, у берилган кундан бошлаб бир йил мобайнида ўз кучини сақлайди. Берилган кун кўрсатилмаган ишончнома ҳақиқий эмас (ФК, 139-модда).

Ташкилотлар томонидан товарлар ва бошқа моддий бойликлар олиш учун бериладиган ишончномаларда уларнинг амалда бўлиш муддати, албатта, кўрсатилиши керак.

Нотариал шаклини талаб қилувчи битимларни тузиш ёхуд юридик шахсларга нисбатан ҳаракатларни амалга ошириш учун берилган ишончнома идора томонидан тасдиқланган бўлиши керак. ФКнинг 136-137-138-моддаларида назарда тутилган ҳоллар бундан мустаснодир.

Вакиллик шахсий ишончга боғлиқ бўлганлиги туфайли ваколат олган шахс қандай ҳаракатларни қилишга вакил қилинган бўлса, уларни шахсан ўзи бажариши лозим. Вакил олган ваколоти юзасидан бу ҳаракатларни бажаришни фақат ишончномада кўрсатилган ҳолларда ёки ваколат берувчининг манфаатларини кўриқлаш учун маълум бир шароитлар туфайли бировга топширишга мажбур бўлсагина, бошқа шахсга топширишга ҳақли. Ваколатнинг вакил томонидан бошқа шахсга ўтказилиши мумкинлиги назарда тутилган ишончнома нотариал идора томонидан тасдиқланиши лозим.

Ишончнома ФКнинг 141-моддасида кўрсатилганидек, қуйидаги ҳолларда бекор бўлади: муддат тугаши, ишончнома берувчи томонидан бекор қилиниши, ваколат олган шахснинг вакилликдан бош тортиши,

номидан ишончнома берилган юридик шахснинг бекор бўлиши, номига ишончнома берган юридик шахснинг бекор бўлиши, ишончнома берувчи фуқаронинг ўлими, муомалага лаёқатсиз, муомала лаёқати чекланган, деб топилиши ёки бедарак йўқолган, деб топилиши, ишончнома олган шахснинг ўлиши, унинг муомалага лаёқатсиз, муомала лаёқати чекланган ёки бедарак йўқолган деб топилиши билан бекор қилинади.

Ишончнома берувчи хоҳлаган пайтда уни бекор қила олади, ишончнома олувчи ҳам ундан бош торта олади.

Мавзун мустахкамлаш учун саволлар

1. Вакиллик тушунчаси, қўлланиш соҳаси ва аҳамияти.
2. Ваколат, унинг турлари.
3. Ишончнома тушунчаси, унинг турлари, муддати ва шакли. Ваколатларни бошқа шахсга ўтказиш.
4. Ишончноманинг бекор қилиниши.

Таянч сўз ва иборалар..

Вакиллик, ишончнома, вакил, ишончнома берувчи, бедарак йўқолган, муомулага лаёқатсиз, махсус ишончнома, нотариал идора, ваколат берувчининг манфаатлари.

Глоссарийлар.

Вакиллик деб, бир шахснинг иккинчи шахс номидан юридик ҳаракатларни амалга оширишига айтилади.

Ўзбекистон Республикаси ФКнинг 134-моддасида таърифланишича, **ишончнома деб** бир шахс (ишонч билдирувчи) томонидан иккинчи шахсга (ишончли вакилга) учинчи шахслар олдида вакиллик қилиш учун бериладиган ёзма ваколатга айтилади.

Махсус ишончнома фақат бир доирада чекланмаган битимларни тузиш ёки юридик ҳаракатларни содир этиш имконини беради. Масалан, транспорт экспедицияси шартномаси бўйича мижоз берган ишончномада экспедиторга

фақат шартномавий муносабат доирасида экспорт ёки импорт учун талаб қилинадиган ҳужжатларни олиш, божхона расмиятчиликлари ёки ўзга расмиятчиликларни бажариш, юкнинг миқдорини ва ҳолатини текшириш, уни ортиш ва тушириш, миждоз зиммасига юклатиладиган божлар, йиғимлар ва бошқа харажатларни тўлаш, юкни сақлаш, уни белгиланган манзилда олиш каби юкни етказиб бериш учун зарур бўлган ҳаракатларни амалга ошириш билан боғлиқ битимлар тузиши учун ваколат берилиши мумкин. **Умумий ишончномада** ҳар хил битимлар ва бошқа юридик ҳаракатлар қилиш, масалан, юридик ва жисмоний шахсларнинг филиалларини идора этиш ёки фуқарога қарашли мулкни бошқариш учун берилган ваколат кўрсатилади.

Бир марталик ишончнома фақат бир битим ёки юридик ҳаракат содир этиш учун берилади ва унинг бажарилиши орқали ишончнома ўз кучини йўқотади. Масалан, бир ойлик маошни олиш бўйича берилган ишончнома унинг олиниши орқали бекор бўлади.

Ваколат қандай асосларда вужудга келишига қараб, вакиллик икки турга: **қонун бўйича вакиллик ва шартнома бўйича, яъни ихтиёрий вакилликка** бўлинади.

Қонун бўйича вакиллик: Вакиллик ва унинг ваколоти норматив акт билан белгиланган ҳолда бундай вакиллик муомалага лаёқатсиз шахслар: ёш болалар, руҳий касаллар, ақли заифларнинг ҳуқуқ ва манфаатлари кўриқланишини таъминлашга қаратилади. Суд органларида вакиллик қилиш тўғрисидаги қоидалар тегишли қонунлар билан белгиланади.

Ота-оналар, фарзандликка олувчилар ва васийлар ФКнинг 131-моддасида белгиланганидек, қонуний вакиллар ҳисобланадилар.

Шартномали, яъни ихтиёрий вакилликда вакил ва унинг ваколоти вакил қилувчининг эрки билан белгиланади. Бундай вакилликда вакил ва унинг ваколоти вакил қилувчи томонидан кўрсатилади.

Шартнома бўйича вакилликда меҳнат шартномасига биноан ташкилот номидан берилган ваколатномага асосан ҳаракат қилувчи хизматчи, масалан, ташкилотларнинг юрист маслаҳатчилари, таъминот вакиллари ва бошқалар вакил бўлиб ҳисобланадилар.

Топшириқ шартномасига биноан берилган ваколатномага асосан ҳаракат қилувчи шахслар ҳам шартнома бўйича вакил бўла олади.

Фойдаланилган адабиётлар.

Асосий адабиётлар:

1. Зокиров И.Б. Фуқаролик ҳуқуқи: Дарслик. 1 қисм. –Т. ТДЮИ нашриёти, 2009. 611 б.
2. Инсон ҳуқуқлари тўғрисида халқаро Билль. -Т.: Адолат. 1992.
3. Муаллифлар жамоаси. Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг иккинчи қисмига шарҳлар. -Т.: Иқтисодий ва ҳуқуқ дунёси. 1998. 324 б.
3. Топилдиев Б. Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик ҳуқуқи.

(биринчи ва иккинчи қисмлар). -Т.: ТДЮИ. 2014.511 б.

Қўшимча адабиётлар:

- 1.Каримов И.А. Инсон, унинг ҳуқуқ ва эркинликлари ҳамда манфаатлари – энг олий кадрият. // Халқ сўзи, 2005 йил 9 декабрь.
- 2.Мирзиёев Ш.М. Демократик ислоҳотларни изчил давом эттириш халқимиз учун тинч ва осойишта, муносиб ҳаёт даражасини яратиш барқарор тараққиёт кафолатидир // Халқ сўзи. 2016 йил 2 ноябр.
- 3.Мирзиёев Ш.М. Қонун устуворлиги ва инсон манфаатларини таъминлаш- юрт тараққиёти ва халқ фаровонлигининг гарови Халқ сўзи 8 декабр 2016 йил. Ўзбекистон Республикасининг сайланган Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганлигининг 24 йиллигига бағишланган тантанали маросимидаги маърузаси.
- 4.Ўзбекистон Республикаси Президентининг "2017 — 2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устивор йуналиши буйича Ҳаракатлар стратегиясини амалга оширишга доир ташкилий чора- тадбирлар туғрисида" 2017 йил 14 февралдаги Ф-4849- сонли Фармойиши. Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2017 й.. 7-сои, 88- модда;
- 5..Ўзбекистон Республикаси Конституцияси-Т.: Ўзбекистон, 2017.
- 6.Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик кодекси. (2016 йил 1 июлгача бўлган ўзгариш ва қўшимчалар билан). Тўплам. “Адолат” нашриёти.
- 7.Раҳмонқулов Ҳ. Фуқаролик ҳуқуқининг объектлари. Ўқув қўлланма. – Тошкент: ТДЮИ. 2009. -6 б.
- 8.Фуқаролик ҳуқуқи. Иккинчи қисм. –Тошкент: Илм зиё, 2008. -392 б.
- 9.Гражданское право. Под.ред. А.П.Сергеева, Ю.К.Толстого. –М.: Проспект, 2003. -281 с.
10. Гражданское право. Учебник. под. ред. Е.А.Суханова. Т.1 –М.: БЕК, 1994. –374 с.

Elektron resurslar.

- 1.<http://Allpravo.ru>
- 2.<http://Internet-law.ru>
- 3.<http://dissertation1.narod.ru/avtoreferats1>
- 4.<http://www.library.by/data>
- 5.<http://www.lawportal.ru>
- 6.<http://www.legislature.ru>
- 7.<http://www.ziyonet.uz>.
- 8.<http://www.inter-mba.ru/c...>2.<http://www.businesspravo.ru>.

9.<http://www.daryo.uz>4.<http://www.kun.uz>5.<http://www.lex.uz>
10.<http://www.gov.uz>

8.Мавзу. Мажбурият тушунчаси. Режа;

1. Мажбурият тушунчаси ва мазмуни.
2. Мажбуриятларни бажариш.
- 3.Мажбуриятларнинг бажарилишини таъминлаш.
- 4.Мажбуриятларни бузганлик учун жавобгарлик.
5. Мажбуриятларнинг бекор бўлиши.

1. Мажбурият ва мажбурият ҳуқуқи тушунчаси ва мазмуни.

Фуқаролик ҳуқуқида мажбурият деб, шундай фуқаролик-ҳуқуқий муносабатга айтиладики, унга асосан бир шахс (қарздор) бошқа шахс (кредитор) фойдасига муайян ҳаракатларни амалга оширишга, чунончи мол-мулк топшириш, ишни бажариш, хизматлар кўрсатиш, пул тўлаш ва ҳоказо ёки муайян ҳаракатдан ўзини сақлашга мажбур бўлади; кредитор эса қарздордан ўзининг мажбуриятларини бажаришни талаб қилиш ҳуқуқига эга бўлади (ФК, 234-модда).

Юқорида берилган таърифга кўра, мажбурият кенг маънода ҳуқуқ субъектлари ҳисобланган шахслар (ташкилотлар ва фуқаролар) ўртасида бўладиган фуқаролик-ҳуқуқий характердаги муносабатларни билдиради.

Мажбурият тушунчаси ҳуқуқнинг бошқа соҳаларида ҳам чунончи, маъмурий ҳуқуқ, оила ҳуқуқи, меҳнат ҳуқуқи соҳаларида ҳам берилади. “Мажбурият” атамаси бошқа маъноларда ҳам ишлатилади, масалан,

мажбурият деб, фақат муайян бир ҳаракатни қилишга, чунончи, ижара ҳақини тўлашга, сотиб олинган нарсанинг қийматини тўлашга қаратилган бурчга ҳам айтилади.

Мажбурият субъектлари ва объектлари унинг муҳим унсурлари ҳисобланади.

Мажбурият субъектлари муайян ҳуқуқларга эга бўлган ва зиммасига мажбурият олган шахслардир. Ҳар бир мажбуриятда, албатта, икки тараф иштирок этади. Муайян бир ҳаракатнинг қилинишини ёки муайян ҳаракатни қилишдан сақланишни талаб этишга ҳақли бўлган тараф – *кредитор* деб аталади. Муайян ҳаракатни қилишга ёки ҳаракат қилишдан сақланишга мажбур бўлган тараф эса *қарздор* деб аталади.

Мажбуриятлар мажбурият ҳуқуқи тушунчасини келтириб чиқаради. ***Мажбурият ҳуқуқи*** – мулк топшириш, ишларни бажариш, хизмат кўрсатиш ёки пул тўлаш билан боғлиқ бўлган ижтимоий муносабатларни тартибга соладиган фуқаролик-ҳуқуқий нормалар йиғиндисидир. Мажбурият ҳуқуқи жамиятимизда мулкий муносабатларнинг энг муҳим ва кенг соҳасини, ўзининг фуқаролик-ҳуқуқий характеридаги қоидалари билан тартибга солади. У ташкилотлар билан фуқаролар ўртасидаги муносабатларни ҳам, чунончи, фуқароларга хилма-хил товарлар, озиқ-овқат маҳсулотларини сотишда, уларга ҳар турдаги хизматлар кўрсатиш, уй-жойлар бериш ва бошқа ҳолларда вужудга келадиган муносабатларни ҳам тартибга солади.

Жамиятдаги мажбуриятга оид ҳуқуқий муносабатлар фуқаролар ва ташкилотларнинг хилма-хил эҳтиёжларини қондириш, таъминлаш мақсадларида ўрнатилади. Мажбуриятлар тўғрисидаги нормалар мулкнинг бир шахсдан иккинчи шахсга ўтишини, ишлаб чиқариш ва маиший хизмат кўрсатиш корхоналари орқали хилма-хил хизматлар кўрсатилишини тартибга солади. Мажбуриятлар воситасида мулк ва мулкий ҳуқуқлар кўриқланиши таъминланади, фуқаронинг соғлиғига зарар етказилганда, фуқаро ўлдирилганида кўрилган зарарлар қопланади ва ҳоказо.

Шартномали мажбуриятларга оид ҳуқуқий институтлар асосан шартномавий муносабатлардан вужудга келади ва унинг асосий хусусияти мажбурият тарафларининг эрк-иродасини номоён этиш орқали юзага келади. Фуқаролик қонунчилигида аниқроғи, ФКда шартномали мажбуриятлар қуйидагича жойлаштирилган ва гуруҳларга бўлинган:

1. Мол-мулкни ёки бошқа ашёвий ҳуқуққа бўлган мулк ҳуқуқини бошқа шахсга ўтказиш билан боғлиқ муносабатлардан келиб чиқадиган мажбуриятлар: олди-сотди (чакана олди-сотди (ФКнинг 425-436 моддалари), маҳсулот етказиб бериш (ФКнинг 437-456 моддалари), товарлар етказиб бериш тўғрисидаги давлат контракти (ФКнинг 457-464 моддалари), контрактация (ФКнинг 465-467 моддалари), энергия таъминоти (ФКнинг 468-478 моддалари), кўчмас мулкни сотиш (ФКнинг 479-488 моддалари), корхонани сотиш (ФКнинг 489-496 моддалари)), айирбошлаш (ФКнинг 497-501 моддалари), ҳадя (ФКнинг 502-511 моддалари), рента (доимий ва умрбод

рента) (ФКнинг 512-529 моддалари), умрбод таъминлаш шарти билан уй-жой (квартира)ни бошқа шахсга бериш (ФКнинг 530-534 моддалари);

2. Мол-мулкни фойдаланиш учун бошқа шахсга топшириш билан боғлиқ муносабатлардан келиб чиқадиган мажбуриятлар: мулк ижараси, прокат, транспорт воситалари ижараси, бинолар ва иншоотлар ижараси, корхонани ижарага бериш, лизинг (молия ижараси), уй-жой ижараси, мол-мулкдан текин фойдаланиш (ФКнинг 535-630 моддалари);

3. Ишни бажариш билан боғлиқ муносабатлардан келиб чиқадиган мажбуриятлар: пудрат, маиший пудрат, қурилиш пудрати, лойиҳа ва қидирув ишлари пудрати, илмий-тадқиқот, тажриба-конструкторлик ва технология ишлари пудрати (ФКнинг 631-702 моддалари);

4. Хизмат кўрсатиш билан боғлиқ муносабатлардан келиб чиқадиган мажбуриятлар: хизмат кўрсатиш билан боғлиқ шартномалар (ҳақ эвазига хизмат кўрсатиш (ФКнинг 703-708 моддалари), йўловчи, багаж ва юк ташиш (ФКнинг 709-725 моддалари), транспорт экспедицияси (ФКнинг 726-731 моддалари), омонат сақлаш ва унинг алоҳида турлари (ФКнинг 875-913 моддалари), молиявий хизматлар (суғурта (ФКнинг 914-961 моддалари)), қарз ва кредит (ФКнинг 732-748 моддалари), пул талабномасидан бошқа шахс фойдасига воз кечиш эвазига молиялаш – факторинг (ФКнинг 749-758 моддалари), омонатларни банкда қабул қилиш ва сақлаш (ФКнинг 759-770 моддалари), банк ҳисобварақларини очиш, олиб бориш (ФКнинг 771-789 моддалари) ва банк ҳисоб-китобларини амалга ошириш бўйича банк хизматлари (ФКнинг 790-816-моддалари));

5. Вакиллик фаолияти билан боғлиқ муносабатлардан келиб чиқадиган мажбуриятлар: топшириқ (ФКнинг 817-825 моддалари), бегона шахснинг манфаатини кўзлаб топшириқсиз ҳаракат қилиш (ФКнинг 826-831 моддалари), воситачилик (ФКнинг 832-848 моддалари), мол-мулкни ишончли бошқариш (ФКнинг 849-861 моддалари), комплекс тадбиркорлик лицензияси – франшизинг (ФКнинг 862-874 моддалари);

6. Ташкилий-ҳуқуқий муносабатлардан келиб чиқадиган мажбуриятлар: юридик шахсни ташкил қилиш тўғрисидаги таъсис шартномасини тузиш, оддий ширкат асосида биргаликдаги фаолият, дастлабки шартнома бўйича мажбуриятлар, узоқ муддатли хўжалик алоқаларини ўрнатиш тўғрисидаги шартнома бўйича мажбуриятлар, мажбурий тартибда шартнома тузиш бўйича мажбуриятлар ва ҳ.к.

Шартномасиз мажбуриятлар шахснинг эрк-иродасидан ташқарида юз беради ёки бир томонлама ҳаракат натижасида келиб чиқади. Унинг қуйидаги турлари мавжуд:

1. Бир томонлама ҳаракатлардан келиб чиқадиган мажбуриятлар: омавий танлов, мукофотни ошқора ваъда қилиш (ФКнинг 976-982-моддалари);

2. Зарар етказишдан келиб чиқадиган мажбуриятлар (умумий асосларда зарар етказиш (бош ва маҳсус деликт) (ФКнинг 985-1004 моддалари), фуқаронинг ҳаёти ва соғлиғига етказилган зарарнинг ўрнини қоплаш (ФКнинг 1005-1016 моддалари), товарлар, ишлар, хизматлардаги нуқсонлар

оқибатида етказилган зарарнинг ўрнини қоплаш (ФКнинг 1017-1020 моддалари), маънавий зарарни қоплаш (ФКнинг 1021-1022 моддалари)

3. Асоссиз бойлик орттириш оқибатида келиб чиқадиган мажбуриятлар (ФКнинг 1023-1030 моддалари).

Мажбурият мазмуни деганда, кредиторнинг қарздор томонидан муайян ҳаракатлар қилинишини (ёки қилинмаслигини) талаб этишга бўлган ҳуқуқи ва қарздорнинг шунга яраша бўлган бурчи тушунилади. Қарздор томонидан қилиниши лозим бўлган ҳаракатлар ҳар хил: ашёни эгасига (кредиторга) топшириш, ашёларни фойдаланиш учун топшириш, маълум сумма пулни тўлаш, бирор-бир ишни бажариш ёки хизмат кўрсатиш, қарздор томонидан битимнинг тузилишини таъминлаш, бировга етказилган зарарни тўлаш, асоссиз орттирилган бойликни ўз эгасига қайтариш тўғрисида бўлиши мумкин.

Юқорида кўрсатилган мажбурият объектларидан кўринишича, мажбуриятнинг мазмуни асосан мулкӣ ҳарактердаги ҳуқуқ ва бурчлардан иборат бўлса-да, ҳуқуқ субъектларини ўзаро мулкӣ ҳарактерда бўлмаган мажбуриятлар ҳам белгилашлари мумкин. Масалан, маълум асар муаллифлардан бири ўзаро келишув бўйича муайян вақт ичида асарнинг бир қисмини тузатиб, қайта ишлаб келиш тўғрисида ўз зиммасига мажбурият олиши мумкин.

Хулоса қилиб айтганда, мажбуриятларнинг мазмунида қонунга ҳилоф бўлмаган ҳар қандай мулкӣ ва номулкӣ ҳаракатларни қилишни талаб этишга қаратилган ҳуқуқлар ва бу ҳаракатларни қилиш юзасидан олинган мажбуриятлар бўлиши мумкин.

Мажбурият тарафларининг бир-бирларига нисбатан белгиланган ҳуқуқ ва мажбуриятлари уларнинг ҳарактерига қараб фарқланади. Улар мазмуни, объектлари ва субъектларига қараб қуйидаги турларга бўлинади:

1.Ижобий ва салбий мазмунли мажбуриятлар. Агар мажбурият юзасидан қарздор муайян бир ҳаракатни қилишга бурчли бўлиб, кредитор айнан шундай ҳаракатнинг қилинишини талаб қилишга ҳақли бўлса, бундай мажбурият ижобий мазмунли мажбурият ҳисобланади. Ҳуқуқӣ муносабатнинг кўпчилигида ижобий мазмунли мажбуриятлар ётади. Масалан, олди-сотди, мулкни ижарага бериш, маиший хизмат кўрсатиш соҳасида олинадиган мажбуриятлар – ижобий мазмунли мажбуриятлардир.

Агар мажбурият бўйича қарздор муайян ҳаракатни қилишдан сақланишга бурчли, кредитор ҳаракат қилишдан сақланишини талаб этиш ҳуқуқига эга бўлса бундай мажбурият салбий мазмунли мажбурият ҳисобланади. Масалан, нашриёт шартномаси бўйича муаллиф шартнома кучда бўлган даврда ўз асарини бошқа нашриётга топширишдан сақланиш мажбуриятини олса, нашриёт муаллифнинг бошқа нашриёт билан шартнома тузишдан сақланишини талаб этиш ҳуқуқини олади.

2.Бир томонлама ва икки томонлама мажбуриятлар. Мажбуриятда қатнашувчиларнинг бирида фақат талаб қилиш ҳуқуқи (ёки ҳуқуқлари), иккинчи томонда эса фақат мажбурият (мажбуриятлар) бўлса, бундай мажбуриятлар бир томонлама мажбуриятлар ҳисобланади. Масалан, қарз

шартномаси. Қарз шартномаси бўйича қарз берган шахс қарзнинг қайтарилишини талаб қилиш ҳуқуқига эга бўлса, қарздор ўз зиммасига олган қарзини қайтаришга бурчлидир.

Ҳуқуқий муносабатда қатнашувчиларнинг ҳар қайсиси ҳам ҳуқуқ, ҳам мажбуриятга (қатор ҳуқуқлар ва мажбуриятларга) эга бўлса, бундай мажбуриятлар икки томонлама мажбурият ҳисобланади. Икки томонлама мажбуриятларга олди-сотди, ижара, пудрат каби шартномаларни мисол қилиб кўрсатиш мумкин. Чунончи, олди-сотди муносабатида сотувчида сотилган нарсани топшириш мажбурияти бўлса, олувчида сотиб олинган нарсанинг қийматига яраша ҳақ тўлаш мажбурияти бўлади ва аксинча. Аксарият мажбуриятлар икки томонлама мажбуриятлардир.

3. Муайян ҳаракатни бажаришга қаратилган ва муқобил мажбуриятлар. Агар ҳуқуқий муносабат бўйича кредитор қарздордан муайян бир ҳаракат қилинишини, масалан, маълум ишнинг бажарилишини, бирор-бир ашёнинг топширилишини ёки маълум сумма пул тўланишини талаб қилиш ҳуқуқига эга бўлса, бундай мажбурият муайян ҳаракатни бажаришга қаратилган мажбурият ҳисобланади. Агар ҳуқуқий муносабатда кредиторнинг талаби бўйича қарздор бир неча ҳаракатлардан бирини бажаришга мажбур бўлса, бундай мажбурият муқобил мажбурият саналади. Муқобил мажбурият бўйича ҳуқуқий муносабатда бир неча ҳаракат кўрсатилган бўлса ҳам, мажбуриятнинг мазмунини қарздорнинг фақат биргина мажбурияти ва кредиторнинг шу мажбуриятнинг бажарилишини талаб қилишга бўлган ҳуқуқи ташкил этади.

Ҳуқуқий муносабатда назарда тутилган ҳаракатлардан бирининг бажарилиши билан мажбурият ижро этилган ҳисобланади. Муқобил мажбуриятнинг бажарилиши тўғрисидаги қоида ФКнинг 250-моддасида берилган. Мазкур моддада кўрсатилишича, агар қарздор икки ёки бир неча ҳаракатлардан бирини бажаришга мажбур бўлса, қонун, шартнома ёки мажбуриятнинг моҳиятидан бошқача тартиб англашилмаса, танлаш ҳуқуқи қарздор ихтиёрида бўлади.

4. Шахсий характерга эга бўлган мажбуриятлар ва шахсий характерга эга бўлмаган мажбуриятлар. Баъзи мажбуриятлар ҳуқуқий муносабатда қатнашувчиларнинг ҳар қайсиси ёки бирининг шахси билан қатъий боғлиқ бўлиши мумкин. Масалан, топшириқ шартномаси бўйича вужудга келадиган мажбурият вакилнинг (топшириқни бажарувчининг) ишончли шахс бўлишига қараб белгиланади.

Бундай шахсий характерга эга бўлган мажбуриятларнинг бажарилишини, агар қонун ёки шартномада бошқача ҳол белгиланмаган бўлса, бошқа шахсга ўтказилишига йўл қўймайди, кредитор ҳам бошқа шахс билан алмашилиши мумкин эмас. Бундай мажбуриятлар, одатда, қарздор ёки кредиторнинг вафот этиши билан бекор бўлади.

Аксарият ҳуқуқий муносабатларда мажбуриятнинг ким томонидан бажарилиши аҳамиятга эга бўлмайди. Масалан, қарз шартномаси бўйича мажбуриятнинг фуқаро Г. томонидан ҳам ёки унинг учун фуқаро Б. томонидан ҳам бажарилиши мумкин. Бундай шахсий характерга эга

бўлмаган мажбуриятлар бўйича кредитор ҳам, қарздор ҳам бошқа шахс билан алмашилишига йўл қўйилади. Бундай мажбуриятлар бўйича кредитор ёки қарздорнинг вафот этиши мажбуриятнинг бекор қилиниши учун асос бўлмайди.

Умумий характердаги санкциялар мажбуриятнинг бажарилишини кечиктириш, бирор ашёни топшириш мажбуриятини бажармаслик учун қўлланилади.

Махсус санкцияларга мисол қилиб, сотилган ашёларнинг сифати тегишли даражада бўлмаслиги учун сотувчининг жавобгарлигини кўрсатиши мумкин.

Санкция мажбуриятларда иштирок этувчи ва ўз зиммаларидаги мажбуриятларни бажармаган тараф – кредитор ва қарздорга нисбатан қўлланилади.

Мажбуриятларни бузганлик учун қўлланиладиган санкциялар қуйидаги гуруҳларга бўлиниши мумкин:

1. Ихтиёрий бажарилмаган бурчни мажбурий ижро эттириш. Масалан, олинган қарз пули ихтиёрий равишда тўланмаганида, уни мажбуран ундириш мумкин бўлади.

2. Шартномада кўрсатилган мажбурият бажарилмаганда, уни бир томонлама бекор қилиш. Масалан, ижарага олувчи ўз мажбуриятини бажармаганда, ижарага берувчининг талаби билан шартнома муддатидан аввал бекор қилиниши мумкин.

3. Мажбуриятнинг ижро этилиши тартибини ўзгартириш. Масалан, маҳсулот олувчи ташкилот аввал маҳсулотлари учун ҳақ тўлашни кечиктирганида, маҳсулот етказувчи у билан акцепт шакли бўйича ҳисоб-китоб қилмай, балки харидор ташкилотга ноқулай бўлган аккредитив шакли бўйича ҳисоблашиш тартибига ўтиши мумкин.

4. Тузук тараф зиммасида бўлган мажбуриятлар ҳажмини камайтиришга қаратилган санкциялар. Бунга мисол қилиб, харидор ўзига шартнома шартларига номувофиқ сифатдаги ашё топширилганида, унинг нархини тегишлича камайтиришни талаб қила олишлигини кўрсатиш мумкин.

5. Нотузук тарафнинг зиммасида бўлган мажбуриятлар ҳажмини ошириш. Бундай санкция қўлланилишида мажбурият бузган нотузук тараф ўзи учун ноқулай бўлган баъзи вазифаларни, қўшимча мажбуриятларни бажаришга мажбур қилинади. Масалан, сифатли нарса ўрнига сифатсиз ашё топширган сотувчи бу ашёнинг нуқсонларини тузатиш учун ёки камчиликларни йўқотиш учун харидор томонидан қилинган харажатларни тўлашга мажбур қилиниши мумкин.

6. Мулкий жавобгарлик чоралари сифатида кўриладиган санкциялар. Бу тўғрида қуйироқда баён этилади.

Мажбуриятларнинг вужудга келиш асослари

Фуқаролик ҳуқуқлари ва бурчларини келтириб чиқарадиган ҳолатлар мажбуриятга оид ҳуқуқий муносабатларни ҳам вужудга келтирадиган асослар бўлиб, улар ФКнинг 8-моддасида кўрсатилган.

Мажбуриятларнинг келиб чиқиши шахсларнинг эркини ифода этилиши билан ёки маълум ҳолатнинг содир бўлиши билан боғлиқ бўлишига қараб, юридик фактлар қандай вазиятда келиб чиқишидан қатъи назар, икки турга – юридик ҳаракатлар ёки юридик ҳодисаларга бўлинади. Юридик ҳаракатлар мажбуриятларнинг вужудга келиш асоси сифатида деярли кенг тарқалган юридик фактлар қаторига киради.

Фуқаролик ҳуқуқи нормалари мажбуриятларнинг вужудга келишини фақат ҳаракатларнинг юз бериши билангина эмас, шунингдек ҳаракатсизлик, яъни шахснинг муайян ҳаракатни бажаришдан ўзини сақлаш билан ҳам боғлайди⁶³.

Умумий қоидага биноан, мажбуриятлар ФКда назарда тутилган асосларсиз вужудга келмайди. Аммо, бундай мажбуриятларнинг вужудга келиши қонунда назарда тутилмаган бўлса-да, лекин фуқаролик қонун ҳужжатларининг умумий моҳияти ва мазмунига зид бўлмаган фуқаролар ва юридик шахсларнинг ҳаракатлари асосида ҳам вужудга келиши мумкин (ФКнинг 8-моддаси 1-қисми).

ФКнинг 234-моддасида нормаланганидек, мажбуриятлар шартномадан, зиён етказиш натижасида ҳамда фуқаролик қонунларида назарда тутилган бошқа асослардан келиб чиқади. Фуқаролик қонунларида назарда тутилган бошқа асослар таркибига давлат органлари ва фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларининг ҳужжатлари, суд қарори, турли воқеа ҳодисаларни киритиш мумкин.

Фуқаролик-ҳуқуқий мажбурият судлар томонидан чиқарилган ҳужжатлар (ҳал қилув қарорлари, ажримлар, ҳукмлар) асосида ҳам вужудга келиши мумкин. Қонун йўл қўйган асосларда мол-мулкнинг мулк сифатида олиниши натижасида ҳам (масалан, эгалик ҳуқуқини вужудга келтирувчи муддат ҳосил бўлганлиги сабабли) мажбурият келиб чиқиши мумкин. Бир томонлама битимлар ҳам фуқаролик-ҳуқуқий мажбуриятларни келтириб чиқарувчи юридик фактлар жумласига киради.

Бундай битимга мувофиқ, шахснинг эрки иккинчи бир шахсга ҳуқуқ ва мажбурият келтириб чиқаради. Бир томонлама битимларга мисол қилиб, васиятномани кўрсатиш мумкин. Васият бўйича масалан, мулк олиш ҳуқуқи ва марҳумнинг қарзларини тўлаш мажбурияти вужудга келиши мумкин.

ФКнинг 234-моддасида кўрсатилганидек, фуқарога ёки ташкилотга зиён етказиш ҳам муайян мажбуриятлар туғдиради. Бундай мажбуриятлар, одатда, шартлашилмаган мажбуриятлар деб аталади.

Мажбурият субъектлари тушунчаси

Юқорида айтилганидек, мажбуриятда қатнашувчи тарафларнинг бири мажбуриятни бажарилишини талаб қилувчи субъект – кредитор, иккинчиси, яъни мажбуриятни бажарувчи субъект – қарздор деб аталади. Мажбурият

⁶³ Раҳмонқулов Ҳ. Мажбурият ҳуқуқи. –Тошкент: ТДЮИ, 2005. -26 б.

айнан ушбу икки субъектнинг ўзаро муносабатидан вужудга келади. Шу сабабли улар мажбурият муносабатларининг асосий субъекти сифатида эътироф этиладилар.

Мажбуриятда қарздор ва кредитор бўлиб иштирок этувчилар, фуқаролик ҳуқуқлари ва мажбуриятларига эга бўла оладиган шахслар бўлишлари керак. Мажбуриятга оид муносабатларда кредитор ва қарздор сифатида фуқаролар, юридик шахслар, шунингдек баъзи ҳолларда Ўзбекистон Республикаси ҳам субъект бўлиб иштирок этиши мумкин.

Мажбуриятнинг алоҳида турларида тарафлар турлича номланиши мумкин. Масалан, олди-сотди шартномасида – сотувчи ва харидор, энергия таъминоти шартномасида энергия билан таъминловчи ва абонент (истеъмолчи), пудрат шартномасида пудратчи ва буюртмачи, ҳақ эвазига хизмат кўрсатиш шартномасида ижрочи ва буюртмачи, транспорт экспедицияси шартномаси бўйича экспедитор ва мижоз, воситачилик шартномасида воситачи ва комитент, комплекс тадбиркорлик лицензияси (франшизинг) шартномаси бўйича бир тараф – комплекс лицензиар иккинчи тараф – комплекс лицензиат, деликт муносабатларида зарар етказувчи ва жабрланувчи ва ҳ.к. Лекин уларнинг бирини қарздор, иккинчисини эса кредитор сифатида тушунмаслик лозим. Чунончи ҳар бир тараф бир вақтнинг ўзида кредитор ёки қарздор бўлиб қолиши мумкин.

Фуқаролик ҳуқуқида аксарият мажбуриятларда (шартномаларда) қатнашувчи шахслар бир вақтнинг ўзида ҳам кредитор, ҳам қарздор бўлиб ҳисобланади. Масалан, олди-сотди шартномасида сотувчи сотилган нарсани топшириш юзасидан қарздор, унинг суммасини талаб қилиб олиш юзасидан кредитор ҳисобланади ва аксинча, сотиб олувчи нарсани талаб қилиб олиш юзасидан – кредитор, унинг суммасини тўлаш юзасидан қарздор ҳисобланади.

Бинобарин, мажбуриятда иштирок этаётган тарафларда, яъни кредитор ва қарздорда ҳам талаб қилиш ҳуқуқи, ҳам мажбурият бўлса, бундай мажбуриятлар (икки томонлама шартномалар) мураккаб мажбуриятлар, деб ҳам юритилади.

Мажбуриятда қатнашувчи тарафларнинг кўпчилик бўлиши, улушли ва шерик мажбуриятлар

Одатда, ҳар бир мажбуриятда икки тараф – кредитор ва қарздор қатнашади. Аммо баъзи ҳолларда мажбуриятда кредитор ёки қарздор тарафида ёхуд ҳар икки тарафда ҳам бир неча шахслар иштирок этишлари мумкин. Бундай мажбуриятлар кўп шахсли мажбуриятлар ҳисобланади. Масалан, бир мулк икки шахс томонидан сотиб олинганида сотувчи ҳузурида унинг суммасини тўлаш юзасидан қарздор томонидан икки шахс қатнашади.

Мажбуриятда кўпчилик бўлиб қатнашувчи шахслар актив ва пассив иштирокчиларга ажратилиши мумкин. Мажбуриятда кўпчилик бўлиб кредитор тарафида қатнашувчи шахслар – актив иштирокчилар деб, қарздор тарафида қатнашувчи шахслар эса – пассив иштирокчилар деб аталади. Агар

мажбуриятда қатнашувчи шахслар ҳар икки тарафда ҳам кўпчилик бўлиб иштирок этса – аралаш иштирокчилар деб аталади.

Кўп шахслар иштирок этган мажбуриятлар улушли ва шерик мажбуриятларга бўлинади.

Улушли мажбуриятларда қатнашувчи кредиторларнинг ҳар бири қарздордан тегишли улушининг бажарилишини талаб қилиш ҳуқуқига эга бўлса, улушли қарздорлардан ҳар бири ўзига тегишли улушни бажаришга мажбур бўлади.

ФКнинг 251-моддасида кўрсатилганидек, агар улушли мажбуриятда бир неча кредитор ёки бир неча қарздор иштирок этса, башарти қонундан ёки шартномадан бошқача тартиб англашилмаса, у ҳолда ҳар бир кредитор мажбуриятни бошқалар билан тенг улушларда талаб қилишга ҳақли, ҳар бир қарздор эса бу талабни бажариши шарт.

Улушли мажбуриятга икки фуқаро томонидан улушларга бўлиниб қурилган уй-жойнинг сотилишида сотувчилардан ҳар бири ўз улушига нисбатан тегишли ҳақни талаб қилиш юзасидан кредитор бўлишини мисол қилиб кўрсатиш мумкин.

Юридик шахслар ўртасида ҳам улушли мажбуриятлар вужудга келиши мумкин. Чунончи, бир неча ташкилот биргалашиб уй-жой қурганида, ташкилотларнинг ҳар бири ўз улушига яраша уй-жойни бошқариш ва ундан фойдаланиш ҳуқуқига эга бўлади.

Улушли мажбуриятларда фаол иштирокчи бўлган кредиторлардан ҳар бири қарздордан фақат ўзига тегишли улушнинг талаб қилиш ҳуқуқига эга бўлса, қарздорлардан ҳар бири ўзига тегишли улушда мажбуриятни бажаришга мажбур бўлади.

Кредиторлардан бирига мажбуриятнинг қарздорлардан бири томонидан ўз улушига яраша бажариши улушли мажбуриятни бутунлай бекор қилмайди. Бундай мажбурият, то бошқа кредиторларнинг талаблари қондирилгунча ёки бошқа қарздорлар ўз улушларига яраша мажбуриятларини бажаргунча сақланиб қолади.

Кредиторлар ва қарздорлар кўпчилик бўлган тақдирда кредиторлардан ҳар бири қарздордан қарзни бошқалар билан тенг улушда талаб қилишга ҳақли ва қарздорларнинг ҳар бири эса бошқалар билан тенг улушда мажбуриятини бажаришга мажбур бўлади.

Шериклик мажбуриятларга асосан, кредитор мажбуриятнинг тўла ҳажмда бажарилишини, шерик қарздорларнинг ҳар қайсидан мажбуриятнинг бутунлай бажарилишини талаб қилишга ҳақли.

Юқорида берилган таърифга кўра, шериклик мажбуриятларида қатнашувчилар сифатида қарздор битта-ю, кредиторлар бир неча бўлиши ёки бир неча кредитор ва бир неча қарздор бўлиши мумкин.

Шериклик асосида мажбурият олганлар – шерик қарздорлар бўлса, шериклик асосида талаб қилиш ҳуқуқига эга бўлганлар – шерик кредиторлар деб аталади.

Шериклик (солидаритет) асосида белгиланадиган мажбуриятга кўра, қарздорлардан бири томонидан мажбурият бажарилмаганида, унинг учун

бошқа шерик қарздорлар жавобгар бўлишади ва аксинча, шерик қарздорлар бажармаган мажбуриятнинг бажарилишини бундай қарздорларнинг биридангина талаб қилиш ҳам мумкин.

Масалан, шериклик мажбуриятда кредитор Г.нинг шерик қарздорлари А. ва В.лардан бири айтайлик, В. бошқа бир оддий мажбуриятда қарз шартномаси бўйича Г.нинг кредитори бўлса, бундай ҳолда ўзаро ҳисоблашишни фақат В.гина талаб қила олади. Бинобарин, унга нисбатан шериклик мажбурияти юзасидан талаблар қўйилганида, фақат унинг ўзигина эътирозлар билдира олади. Бошқалар бундай ҳуқуққа эга бўла олмайди.

Шериклик мажбуриятининг қарздорлардан бири томонидан тўла бажарилиши, бошқа қарздорларни кредиторга нисбатан мажбуриятни бажаришдан озод қилади.

Мажбуриятдаги шахсларнинг ўзгариши

Кредиторнинг ўзгариши мажбуриятга оид ҳуқуқий муносабатларда муайян субъектлар ўртасида вужудга келади. Мажбуриятни бажаришда иштирок этаётган тарафлар ўринларини бошқа шахс билан алмашилишига қонун бўйича йўл қўйилади. Мажбуриятда қатнашувчи кредитор ҳам, қарздор ҳам бошқа шахслар билан алмашилиши мумкин.

Кредиторнинг алмашилиши деб, мажбуриятда иштирок этаётган кредитор ўз ўрнини бошқа шахс билан алмашилишига айтилади. Кредиторнинг талаб қилиш ҳуқуқини бошқа шахсга ўтказилишига, агар бу қонун ёки шартномага зид бўлмасагина ёки талаб кредиторнинг шахси билан боғлиқ бўлмасагина йўл қўйилади. Фуқаролик ҳуқуқ назариясида кредиторнинг ўзгариши “цессия”, собиқ кредитор эса “цедент” деб номланади. Агар талаб кредиторнинг шахси билан чамбарчас боғланган бўлса, масалан, ФКнинг 314-моддасида кўрсатилганидек, алиментлар ва ҳаётга ёки соғлиққа етказилган зарарни тўлаш тўғрисидаги талабларнинг бошқа шахсга ўтишига йўл қўйилмайди.

Баъзи ҳолларда, талаб қилиш ҳуқуқини ўтказишга шартнома бўйича ҳам йўл қўйилмайди. Масалан, умрбод таъминлаш шарти билан уй-жой (квартира)ни бошқа шахсга берган шахс ўзининг талаб қилиш ҳуқуқини бошқа шахсга ўтказа олмайди. ФКнинг 318-моддасида кўрсатилишича, кредиторнинг мажбурият бўйича ҳуқуқлари бошқа шахсга қуйидаги ҳолларда ўтади:

- 1) кредитор ҳуқуқларидаги универсал ҳуқуқий ворислик натижасида;
- 2) кредитор ҳуқуқларини бошқа шахсга ўтказиш тўғрисидаги суднинг қарорига мувофиқ;
- 3) қарздорнинг мажбурияти ушбу мажбурият бўйича қарздор бўлмаган кафил ёки гаровга қўювчи томонидан бажарилиши оқибатида;
- 4) суғурта ҳолати бошланиши учун жавобгар бўлган қарздорга нисбатан кредитор ҳуқуқларининг суғурта қилувчига суброгацияси (ўтиши) натижасида;
- 5) қонунда назарда тутилган бошқа ҳолларда.

Талаб қилиш ҳуқуқини бошқа шахсга ўтказган кредитор бу ҳуқуқни тасдиқлайдиган ҳужжатларни ана шу шахсга топширишга мажбур. Чунончи,

кредитор қарздордан тилхат олган бўлса, мазкур ҳужжатга талаб қилиш ҳуқуқининг ўтказилганлигини ёзиб, уни янги кредиторга топшириши лозим. Дастлабки кредитор янги кредитор олдида унга ўтказилган талабнинг қарздор томонидан бажарилмаганлиги учун жавоб бермайди, дастлабки кредитор янги кредитор олдида қарздор учун ўз зиммасига кафолатини олган ҳоллар бундан мустасно (ФК, 321-модда).

Кредиторнинг ҳуқуқлари бошқа шахсга ўтиши учун, агар қонун ёки шартномада бошқача тартиб назарда тутилмаган бўлса, қарздорнинг розилиги талаб қилинмайди. Агар қарздор кредиторнинг ҳуқуқлари бошқа шахсга ўтганлиги ҳақида ёзма равишда хабардор қилинмаган бўлса, янги кредитор шу туфайли келиб чиққан ўзи учун ноқулай оқибатлар ҳавфини ўз зиммасига олади. Мазкур ҳолда мажбуриятнинг дастлабки кредиторга нисбатан бажарилиши тегишли кредиторга нисбатан бажариш деб ҳисобланади (ФК, 313-модда).

Регресс (қайтарма) мажбурият

“Регресс” фуқаролик ҳуқуқида “қайтариш” тушунчасини, масалан, биров учун тўланган пулнинг қайтариш тўғрисидаги талабни билдиради. Қайтарма мажбурият шериклик ва қўшимча мажбуриятларни бажаришдан келиб чиқади. Шерик қарздорлардан бири кредиторга нисбатан мажбуриятни тўла ҳажмда бажариб, кейинчалик улар учун тўланган суммани, қилинган иш харажатларини қолган қарздорлардан қайтарма талаб асосида қоплата олади. Одатда фуқаролик-ҳуқуқий муносабатларда регресс мажбуриятлар асосий мажбуриятни қарздор ўрнига учинчи шахслар бажарганда ёки учинчи шахснинг айби билан мажбурият бажарилмаган ҳолларда юзага келади. Айрим ҳолларда учинчи шахснинг айби билан уларнинг меҳнат вазибаларини бажариш жараёнида юзага келиши мумкин.

Гарчи меҳнат-ҳуқуқий муносабатлар фуқаролик ҳуқуқи предмети доирасига кирмаса-да, лекин унинг натижасида етказилган зарарни қоплаш фуқаролик ҳуқуқида ўрганилади. Шу сабабли мазкур муносабатларда юзага келган регресс мажбуриятлар фуқаролик ҳуқуқининг тадқиқот предмети доирасига киради.

Регресс мажбурият ўзига хос қуйидаги белгилари билан таърифланади:

- а) регресс мажбурият асосий мажбуриятнинг хосиласи ҳисобланади;
- б) унда иштирок этувчиларнинг биттаси ёки барчаси асосий мажбуриятнинг субъектларидан ҳисобланади;
- в) асосий мажбуриятни регресс мажбурият тарафларидан бири томонидан бажарилиши ёки регресс мажбуриятнинг ўзини вужудга келиши, унда иштирок этувчи шахсларнинг ҳаракати ёки ҳаракатсизлиги билан боғлиқ.

Регресс мажбурият бўйича қатнашувчи кредитор *регредидент* деб аталади. У албатта асосий мажбуриятда қатнашувчи ҳисобланади. Регресс мажбурият бўйича қарздор “*регрессатом*” деб номланади. Регрессатом асосий мажбуриятда қатнашган ёки қатнашмаган бўлиши ҳам мумкин, лекин асосий мажбуриятнинг бажарилиши ёки бажарилмаслиги унинг муайян

ҳаракатларни амалга ошириши ёки оширмаслигига, шунингдек регредиент учинчи шахс олдидаги вазифасини бажарилишига боғлиқ⁶⁴.

Қайтарма (регресс) мажбурият деб, бир тараф иккинчи тараф учун учинчи шахс олдида бажарган мажбуриятни қайтариш тўғрисида талаб қила олиш ҳуқуқига айтилади. Регресс (қайтарма) талабда ҳам бошқа мажбуриятлар сингари икки тараф иштирок этади. Масалан, қарз шартномасига асосан, қарздорлардан бири қарзни тўла ҳажмда тўласа, қарз мажбурияти бекор бўлади.

Лекин бошқа қарздорлар учун қарзни тўлаган қарздор улардан тегишли суммани ундириш учун қайтарма талаб қила олади. Агар мажбуриятни тўла ҳажмда бажарган қарздор бу тўғрида бошқа шерик қарздорларини огоҳлантирмаса, шерик қарздорлар мажбуриятни бажармаган бўлса, зарар кўрган қарздор қолган қарздорларга нисбатан қайтарма даъво қўзғата олмайди. У фақат кредиторга нисбатангина унинг асосиз олганини қайтариши тўғрисида даъво қила олади. Қайтарма талаб учинчи шахсга нисбатан қилинган харажатнинг умумий миқдоридан ошмаслиги керак.

2-савол. Мажбуриятларни бажариш .

Мажбуриятларни бажариш деб, қарздор томонидан кредитор талабига мувофиқ, муайян бир ҳаракатнинг қилиниши ёки ҳаракатдан сақланиш тушунилади. Қарздорнинг мажбуриятни бажариши – кредиторга ашёни топшириш, маълум ишни бажариш, жабрланувчига етказилган зарарни қоплаш, асосиз олинган мулкни қайтариш кабилардан иборат.

Давлат, юридик шахслар ва фуқаролар томонидан олинган мажбуриятларнинг ўз вақтида бажарилиши халқ хўжалигида муҳим аҳамиятга эга бўлиб, ишлаб чиқаришни ривожлантириш, мулкий муносабатларни мустаҳкамлаш, жамиятнинг тобора ўсиб бораётган моддий ва маданий талабларини қондиришда катта роль ўйнайди.

Мажбуриятлар ФКнинг 236-моддасида айтилганидек, мажбурият шартларига ва қонун ҳужжатлари талабларига мувофиқ, бундай шартлар ва талаблар бўлмаган тақдирда эса иш муомаласи одатларига ёки одатда қўйиладиган бошқа талабларга мувофиқ лозим даражада бажарилиши керак. Бунда тарафларнинг ҳар бири ўз мажбуриятларини анча тежамли бажариши, иккинчи томонга унинг ўз мажбуриятларини бажаришда ҳар томонлама ёрдам кўрсатиши лозим.

Мажбуриятлар давлат ҳужжатлари ва шартномалардан келиб чиққан бўлса, уларда кўрсатилган талаб ва шартларга мувофиқ бажарилиши керак. Агар давлат ҳужжатларида мажбуриятни бажариш шarti кўрсатилмаган бўлса, мажбуриятлар ўзаро келишиб қўйиладиган талабларга мувофиқ лозим даражада бажарилиши зарур. Мажбуриятни бажаришда ҳар икки томон

⁶⁴ Раҳмонқулов Ҳ. Мажбурият ҳуқуқи. –Тошкент: ТДЮИ, 2005. -46 б.

хўжалик алоқаларининг ривожланишини кўзлаб, тежамлилик билан ва ўзаро ҳамкорликда зарур ҳаракатларни қилишлари талаб этилади.

Мажбуриятнинг бажариш предмети юкланган мажбуриятнинг характериға қараб актив ҳаракатни амалға ошириш ёки ҳаракатдан сақланиш ҳисобланади. Одатда ФКда актив ҳаракатдан иборат мажбуриятлар ўрин олган.

Мажбуриятларни бажариш бир қатор тамойилларға асосланади. Улар: мажбуриятларни тегишли даражада бажариш, келишилган ва мақбул усулда бажариш, мажбуриятни тегишли шахс учун бажариш, аниқ бажариш, тежамлилик ва ўзаро ҳамкорликда бажариш кабилардир.

Мажбуриятларни тегишли даражада бажариш тамойили деганда, мажбуриятлар қўйилган талабларға тўлиқ жавоб берадиган даражада, бекаму кўст ва белгиланган муддатда бажарилиши назарда тутилади. Ҳуқуқий муносабатларда қатнашувчи шахслар ўз мажбуриятларининг лозим даражада бажарилишидан баб-баравар манфаатдор бўлишлари, бир-бирларига кўмаклашишлари фараз қилинади.

Айрим адабиётларда мазкур тамойил “лозим даражада бажариш тамойили” деб ҳам номланади⁶⁵. Бу ФКнинг 236-моддаси мазмунидан келиб чиқиб белгиланган. “Лозим даражада” ва “тегишли даражада” иборалари синоним сўзлар бўлганлиги сабабли муайян муаммони келтириб чиқармайди.

Мажбуриятларни бажаришнинг яна бир тамойили – **бу мажбуриятлар келишилган ва тарафлар учун мақбул усулда бажарилиши тамойилидир**. Мажбуриятни бажариш усули, агар бу усул мажбуриятнинг моҳияти англашилмаса ва қонун билан белгилаб қўйилган бўлмаса, шартномада кўрсатилган бўлиши керак (ФК, 238-модда). Ушбу тамойил мазмунига кўра ўз навбатида мажбуриятларни реал (асл ҳолича) бажарилиши, уни бажаришда тежамли усуллардан фойдаланиш, мажбурият бажарилишида тарафларнинг ҳамкорлик қилиш ҳақидаги қоидаларини англатади. Бу қоидаларни ҳам шартли равишда, гарчи қонунда бевосита санаб ўтилмаган бўлса-да, мажбуриятларни бажариш тамойиллари сифатида қараш мумкин.

Мажбуриятларнинг аниқ бажарилиши тамойили – шартномада кўрсатилган ҳаракатнинг айнан ўзи бажарилишининг, топширилиши лозим бўлган нарсанинг (маҳсулотнинг) асл ҳолатида топширилишини билдиради. Бу тамойил айрим адабиётларда “мажбуриятларни асл ҳолатда бажариш тамойили” деб ҳам номланади⁶⁶. Бу ФКнинг 330-моддаси мазмунидан келиб чиқиб белгиланган.

Мажбуриятнинг қарздор айби билан кечиктирилиши ёки лозим даражада бажарилмаслиги ҳолларини назарда тутиб, белгиланган неустойка (жарима, пеня)нинг ҳам мажбуриятнинг лозим даражада бажарилмаслиги натижасида келиб чиққан зарарнинг ундирилиши – мажбуриятни асл ҳолида бажаришдан қарздорни озод қилмайди.

⁶⁵ Раҳмонқулов Ҳ. Мажбурият ҳуқуқи. –Тошкент: ТДЮИ, 2005. -53 б.

⁶⁶ Ўша адабиёт. -53 б.

Қонунда назарда тутилган ҳоллардан ташқари мажбуриятни бажаришда бир томонлама бош тортиш ва шартнома шартларини бир томонлама ўзгартиришга йўл қўйилмайди (ФК, 237-модда). Аммо бу қоида юқорида айтилганидек, қонунда назарда тутилган айрим ҳолларда баъзи мажбуриятлар учун қўлланилмайди. Чунончи, топшириқ шартномаси бўйича топшириқ берувчи берган топшириғини ҳар вақт бекор қила олади, топшириқ олган шахс хоҳлаган вақтида топшириқни бажаришдан бош торта олади. Темир йўл ва бошқа турдаги транспорт воситасида йўловчилар ташиш муносабатида ҳам йўловчи талаби билан шартнома ҳар қачон бекор қилиниши мумкин.

Мажбуриятларни бажарувчи субъектлар (шахслар)

Мажбуриятни ўз номидан ижро этувчи ва ижрони қабул қилиб олувчилар мажбурият ижросининг субъекти ҳисобланадилар. Ижро субъектлари мажбурият субъектларига ҳамма вақт ҳам ўхшамаслиги мумкин. Мажбурият субъектлари барча ҳолларда қарздор ва кредитор бўлади. Ижро субъектлари эса айрим ҳолларда қарздорлари учун мажбуриятни бажарувчи бошқа бирор шахс бўлиши, кредитор учун ижрони қабул қилувчи учинчи бир шахс бўлиши ҳам мумкин.

Аммо баъзи ҳолларда мажбурият кредитор учун унинг кўрсатмасига биноан, бошқа шахсга ҳам ижро этилиши мумкин. Масалан, маҳсулот олувчи улгуржи савдо базаси манзилига келиши лозим бўлган маҳсулот (товар)нинг бевосита савдо корхоналарига юборилиши тўғрисида маҳсулот етказувчи билан келишиши мумкин.

Қарзни депозитга қўйиш йўли билан мажбуриятнинг бажарилиши тўғрисида ФКнинг 249-моддасида айтилганки, мажбурият бажарилиши лозим бўлган жойда кредитор ёки ижрони қабул қилиб олуш учун у вакил қилган шахс бўлмаса ёки вакил рози бўлмаса, мажбурият бўйича ким кредитор эканлиги хусусида аниқлик йўқлиги кўриниб турган бўлса, хусусан бу ҳақда кредитор билан бошқа шахслар ўртасида низо чиққанлиги муносабати билан кредиторнинг ижрони қабул қилишдан бўйин товлаши ёки унинг томонидан бошқача йўл билан кечиктирилиши муносабати билан амалга оширилади.

Пул суммасини ёки қимматли қоғозларни нотариус ёхуд суднинг депозитга қўйиши, мажбуриятни бажариши ҳисобланади.

Мажбуриятнинг бажарилишини учинчи шахс зиммасига юклаш учун куйидаги асослар бўлиши керак:

1) белгиланган қоидаларда назарда тутилган бўлиши, чунончи, юкни бир неча транспорт корхонаси иштирокида ташишда шартнома фақат бир транспорт корхонаси (юкни жўнатиш пункти) билан тузилса ҳам, мажбуриятни бажаришда (юкни ташишда) бошқа транспорт корхоналарининг иштироки транспорт қонунларида кўрсатилган бўлиши керак;

2) маъмурий жихатдан бўйсунуш ҳолатининг бўлиши, масалан, қурилиш трести билан ўзига бўйсунган қурилиш бошқармасига мажбуриятни бажаришни топшириши керак;

3) мажбуриятнинг бажарилиши учинчи шахс зиммасига юкланиши шартнома билан белгиланган бўлиши керак. Чунончи, таъминотчи ташкилот маҳсулотни етказувчидан олиб, ўзи истеъмолчиларга юбормасдан, бу вазифани (мажбуриятни бажаришни) ўзаро келишув бўйича маҳсулот етказиб берувчига юклаши ҳам мумкин.

Бажариш предмети

Моддий нарсалар (ашёлар, пуллар), ишлар ва хизматлар, шунингдек ижодий меҳнат натижалари (яратилган асарлар), умуман ниманинг барпо этилиши ёки топширилиши тўғрисида мажбурият белгиланса, у бажариш предмети бўлади. Фақат у фуқаролик муомаласидан чиқарилмаган ашёлар бўлиши керак.

Масалан, кредиторга мажбурият бўйича муайян бир ашёни, чунончи, ўзига хос белгилари бўлган нарсани топшириш лозим. Айтайлик, мажбурият предмети жисмий аломатлари, чунончи, сон, оғирлик ёки ўлчов билан белгиланадиган бўлса, қарздор томонидан шу хилдаги сон, оғирлик ёки ўлчов билан белгиланадиган ашё топширилиши керак.

Мажбуриятни бажариш предметида сифат масаласи муҳим аҳамият касб этади. Зеро, сифат мажбуриятни бажарилиши оқибатида кредитор қабул қилиб олган мажбурият натижасидан – товар, иш, хизмат, интеллектуал фаолият натижасидан қониқиш ҳосил қилиш имконини беради ва келажақда турли низоларни келиб чиқмаслигини маълум даражада кафолатлайди.

Пул мажбуриятида у сўмлар билан чет эл валютасидаги муайян суммадаги эквивалент (тенг) бўлган суммадаги ёки шартли пул бирликлари (Евро, “махсус қарз олиш ҳуқуқлари” ва ҳоказолар) билан тўланиши лозимлиги назарда тутилиши мумкин. Бундай ҳолларда, одатда, ҳисоб-китоблар тўлов кунидаги расмий курс бўйича белгиланади. Пул тўғрисидаги мажбуриятларни чет эл валютасида ифодалаш ҳамда тўлашга фақат Ўзбекистон Республикаси қонунларида белгиланган ҳолларда ва тартибда йўл қўйилади.

Муқобил ва факультатив мажбуриятлар. Қарздор икки ёки бир неча ҳаракатлардан бирини қилишга мажбур бўлиши (ФКнинг 250-моддаси) муқобил мажбурият ҳисобланади. Чунончи, икки фуқаро ўртасидаги олди-сотди шартномаси бўйича сотувчи олувчига ўзида бўлган бир нархдаги икки нарсадан бирини, масалан, ё телевизор ёки холодильникни сотиш тўғрисида келишишлари мумкин. Бунда шартнома предмети икки ашё бўлиб кўрилади. Бу ашёлардан бирини танлаб олиш билан мажбуриятни бажариш ҳуқуқи қонун, шартнома ёки мажбурият мазмунидан бошқача ҳол англашилмаса қарздорга берилади.

Факультатив мажбурият деб, асосан, қарздор муайян бир ҳаракатни қилишга мажбур бўлиб, шу билан бирга мазкур мажбуриятда назарда тутилган ҳаракат ўрнига бошқа бир ҳаракатни қилиш ҳуқуқини ўзида сақлаб қолишга айтилади. Чунончи, шартномада телевизор сотилиши кўрсатилади, аммо шу билан бирга сотувчи телевизор ўрнига холодильникни сотиш ҳуқуқини ўзига белгилаб қўяди.

Мажбуриятни бажариш муддати, жойи ва усули

Мажбуриятни бажариш муддати қонун билан ёки тарафларнинг ўзаро келишуви билан ёхуд суд қарори билан белгиланиши мумкин.

Мажбуриятни бажариш муддати календарь сана билан ёки муайян вақтда, масалан, уч ой ичида бажарилишини кўрсатиш билан ёхуд бирор ходисанинг вужудга келиши, чунончи, пахта ҳосилнинг йиғиштириб олиниши вақт билан кўрсатилиши мумкин.

Муддатлар умумий ва жузъий, асосий ва махсус, бошланғич ва охириги муддатларга бўлиниши мумкин.

Умумий муддат – барча мажбуриятнинг бутунлай бажарилиши муддати бўлса, жузъий муддат – мажбуриятнинг қонун ёки шартномада назарда тутилган қисмларга бўлиниб, қисман бажарилишидир. Бундай муддатлар асосий муддатлар ҳисобланади, чунки бу муддатлар тарафларнинг асосий мажбуриятларини бажаришлари учун белгиланади.

Махсус муддатлар бирор-бир қўшимча, махсус ҳаракатларни бажариш, чунончи, қонун ёки шартномада назарда тутилган ҳолларда зарур ҳужжатларни топшириш, маҳсулотда бўлган камчиликлар тўғрисида далолатномалар тузиш учун белгиланган муддатлардир.

Баъзи мажбуриятларда, масалан, пудрат шартномасида ишни бошлаш муддати – бошланғич муддат ва ишни тамомлаш муддати – охириги муддат қилиб кўрсатилиши мумкин. Муддатларни ҳисоблашга оид қоидалар ФКнинг 145-148-моддаларида нормаланган.

Бажариш муддати белгиланмаган мажбуриятлар ҳам учрайди. Баъзи ҳолларда ўзаро шартнома тузишда мажбуриятни бажариш муддатини белгиламасликлари ёки мажбуриятнинг кредитор ёки қарздор талаб қилган заҳоти бажарилиши кераклигини белгилашлари мумкин.

Агар мажбуриятни бажариш муддати кўрсатилмаган ёки талаб қилиб олиш пайти билан белгиланиб қўйилмаган бўлса, кредитор мажбуриятда ижрони талаб қилишга, қарздор эса ижрони ҳар қачон амалга оширишга ҳақли бўлади. Мажбуриятни дарҳол бажариш вазифаси қонун, шартнома ёки мажбуриятнинг моҳиятидан англашилмаса, қарздор бундай мажбуриятни кредитор талаб қилган кундан бошлаб, етти кунлик муддат ичида бажариши шарт (ФК, 242-модда).

3-савол. Мажбуриятларнинг бажарилишини таъминлаш тушунчаси

Мажбуриятлар қарздор томонидан кредиторни қаноатлантирадиган даражада бажарилса, мажбурият муносабатлари нормал шароитда кечган бўлади. Бу ўз ўзидан бозор муносабатлари шароитида шартномавий алоқаларнинг ривожланишига сабаб бўлади. Шартномавий мажбуриятлар келишув асосида тарафлар хоҳишларининг натижаси сифатида намоён бўлганлиги сабабли, тарафлар уни ихтиёрий бажаришдан манфаатдор бўладилар. Лекин айрим ҳолатларда субъектив ёки объектив омиллар мажбуриятни ўз вақтида, лозим даражада бажарилмаслигига олиб келиши мумкин. Буларни олдини олиш, тарафларнинг мажбуриятларни бажаришдаги

масъулиятини ошириш мақсадида фуқаролик қонунчилигида мажбуриятларни бажарилишини таъминловчи усуллар назарда тутилган.

Мажбуриятнинг бажарилишини таъминлаш деб қарздор томонидан олинган ва унинг зиммасида бўлган вазифани бажаришга мажбур қиладиган чорага айтилади. Бундай чора қонун ёки шартномага биноан асосий мажбуриятга қўшимча қилиб белгиланади. Мажбурият бажарилишини таъминлашнинг моҳияти шундан иборатки, қарздор зиммасида бўлган мажбурият белгиланган муддатда бажарилмаса ёки бошқача тарзда бузилса, кредиторда зиёнларни ундиришга бўлган ҳуқуқдан ташқари мажбуриятнинг объектини ташкил этган ҳаракатни қилишга қарздорни мажбур қиладиган бошқа мулкӣ таъсир чораларини қўшимча равишда татбиқ этилишини талаб қилиш ҳуқуқи пайдо бўлади.

Мажбуриятни бажармаган ёки лозим даражада бажармаган тараф учун ноқулай оқибатларнинг вужудга келиши мумкинлиги шартномаларни керакли ҳажмда бажаришга уларни мажбур қилади, вазифаларини виждонан бажаришга даъват этади, шунинг ўзи билан давлат ва шартнома интизомининг мустаҳкамланиши маълум даражада таъминланади.

Мажбуриятларнинг бажарилиши ҳар хил усул билан таъминланади. Мазкур усуллар ё қонун билан белгиланиши ёки шартномага асосланган бўлиши мумкин. Фуқаролик қонунчилигида мажбуриятнинг бажарилишини таъминлаш неустойка, гаров, қарздорнинг мол-мулкни ушлаб қолиш, кафиллик, кафолат, закатат ҳамда қонун ҳужжатлари ёки шартномада назарда тутилган бошқа усуллар билан таъминланиши мумкин (ФК, 259-модда).

Неустойка ва закатат қарздор томонидан мажбуриятнинг асли ҳолатида бажарилишини таъминлайди ва мажбурият ижро этилмаган ҳолда қарздорга муайян жавобгарлик белгиланишини кўрсатади. Неустойка ва закатат баъзи ҳолларда мажбуриятнинг бажарилмаслиги туфайли етказилган зарарнинг кредитор томонидан ундирилишини енгиллаштиради. Қарздор томонидан мулкнинг гаровга қўйилиши асосий мажбурият у томонидан реал бажарилишини муайян даражада таъминлайди ва мазкур мажбуриятнинг бажарилмаслиги туфайли вужудга келган кредитор талабларини қондиришга кўпроқ имконият беради.

Учинчи шахс томонидан белгиланган гаров, кафолат ва кафиллик мажбуриятнинг бажарилмагани ҳолда зарарнинг қопланиши, фоизларнинг ёки неустойкаларнинг тўланиши тўғрисида кредитор томонидан қўйилган талабларнинг қондирилишини таъминлайди.

Неустойка – мажбуриятларнинг бажарилишини таъминлаш усули сифатида.

Неустойка қонун ҳужжатлари ёки шартнома билан белгиланган қарздор мажбуриятни бажармаган ёки лозим даражада бажармаган тақдирда, кредиторга тўлаши шарт бўлган пул суммасидир (ФК, 260-модда).

Неустойка жарима ва пеня шаклида бўлади.

Мажбуриятнинг бажарилишини таъминлаш усуллари сифатида кўрилган жарима билан пеня ўртасида ҳеч қандай муҳим фарқ йўқ. Улар фақат ҳисоблашиш усуллари жиҳатидангина бир-биридан фарқ қилади.

Пеня мажбуриятнинг бажарилиши кечиктирилганда қўлланилади ва муайян вақт масалан, ўн, йигирма, ўттиз кун давомида ҳисобланади. Пеня мажбуриятнинг бажарилиши кечиктирилганида кечиктиришнинг барча муддати давомида ҳисобланиб, бажарилмаган суммаси юзасидан белгиланган фоизлар билан ундирилади. Мажбуриятнинг бажарилишини кечиктириш вақти ошиб борган сари пеня суммасининг ҳам ўсиб бориши мажбуриятни мумкин қадар тезроқ бажаришга қарздорни мажбур қилади.

Агар пеня муайян кунлар масалан, ўттиз кун давомида ҳисобланса, мазкур кунлар ўтгандан сўнг унинг ҳисобланиши тўхтатилади. Одатда, кейинчалик кредиторга қарздордан бирданига 2 фоиздан 5 фоизгача неустойка олиш ҳуқуқи пайдо бўлади. Тор маънодаги неустойка мажбуриятни бутунлай бажармаганлик ёки лозим даражада бажармаганлик учун шу жумладан, шартнома мажбуриятларининг ижросини кечиктирганлик учун ундирилади ва етказиб берилмаган маҳсулотнинг ёки пудрат шартномаси бўйича бажарилмаган ишлар суммасидан ҳамда шу каби бошқа суммаларга нисбатан фоиз билан, масалан, 2, 3, 4, 5 фоиз миқдорида неустойка олинади.

Неустойканинг хусусияти шундаки, у мажбуриятнинг бажарилиши бузилишида ҳар қайси факт учун ундирилади ва унинг миқдори мажбурият кечиктирилишининг қанчалик узоқроқ бўлиш-бўлмаслигидан қатъи назар белгиланади.

Фуқаролик қонунчилиги неустойканинг икки ҳуқуқий асослари: қонун ва шартномадан келиб чиқишини белгилайди.

Қонуний неустойка деганда, мажбуриятларнинг муайян турлари учун қонун билан махсус белгиланган неустойка тушунилади. Бу ҳолда қонун неустойканинг миқдори, унинг ундирилиш тартиби ва шартларини белгилайди. Қонун билан белгиланадиган неустойка учун шу нарса характерлики, уни тўлаш тарафларнинг келишувида назарда тутилган ёки тутилмаганлигидан қатъи назар кредитор қонунда белгиланган неустойка (қонуний неустойка)ни тўлашни талаб қилишга ҳақли.

Қонуний неустойканинг миқдори, агар қонун тақиқламаса, тарафларнинг келишуви билан кўпайтирилиши мумкин (ФК, 263-модда).

Амалдаги фуқаролик қонунчилиги **неустойканинг тўрт турини белгилайди. Булар – ҳисобга ўтказиладиган неустойка, жаримали неустойка, алоҳида неустойка, муқобил неустойкадир.**

Ҳисобга ўтказиладиган неустойка ФКнинг 325-моддасида кўрсатилганидек, агар мажбуриятни бажармаганлик ёки лозим даражада бажармаганлик учун неустойка белгиланган бўлса, зарарнинг неустойка билан қопланмаган қисми тўланади. Бундай неустойка кўпинча ташкилотлар ўртасида тузиладиган масалан, маҳсулот етказиб бериш, қурилиш пудрати шартномаларида қўлланилади.

Жаримали неустойка кредиторга қарздордан неустойканинг ўзини, шунингдек неустойкадан ташқари зарарни ҳам тўла ҳажмда ундириш ҳуқуқини беради.

ФКнинг 325-моддасида назарда тутилган бундай неустойка шундай хусусиятга эгаки, у қарздорга бутунлай бажармаганлик ёки лозим даражада бажармаганлик учун белгиланганидан бошқа турдаги неустойкаларга нисбатан қўшимча жавобгарлик белгилайди. Неустойканинг шундай тарзда қўшилиб, яъни неустойканинг ҳам, зарарнинг ҳам қўшилиши ва бир вақтда ундирилиши мажбуриятни бажарувчи қарздорга кучли таъсир этиш чораси бўлиб кўрилади. Масалан, маҳсулот олувчига сифатсиз ёки бутсиз маҳсулот етказиб берилган ҳолларда, маҳсулот етказувчининг неустойка (жарима) тўлаш, бундай маҳсулот етказиб бериш натижасида кўрилган зарарни (неустойкани бу ҳисобга киритмасдан) ундан ундириб олиш бунга мисол бўла олади.

Алоҳида неустойка шу билан характерланадики, бунда ФКнинг 325-моддасида кўрсатилганидек, кредиторга зарарни ундирмасдан, балки неустойкани ундириб олиш ҳуқуқи берилади. Мажбуриятнинг бажарилишини кечиктирганлик учун ундириладиган алоҳида неустойка – пеня шаклида белгиланади. Масалан, квартира ҳақининг тўланиши ёки бошқача пул тўловлари кечиктирилганда, одатда, алоҳида неустойка ундирилади. Бундай неустойка жарима шаклида транспорт корхоналари фаолиятдан шартномавий режа мажбуриятларининг бузилганлиги учун ҳам ундирилиши мумкин.

Муқобил неустойка юқорида кўрсатиб ўтилган неустойкалардан шу билан фарқ қиладики, бунда кредиторга қарздордан белгиланган неустойка (жарима, пеня) ни ундириш ёки мажбуриятнинг бажарилмаслиги туфайли кўрилган зарарларни ундириш ҳуқуқи берилади. Неустойканинг бундай тури рағбатлантириш аҳамиятига эга бўлишидан ташқари яна аввалдан суммада белгиланиши мумкин бўлган зарарни қоплаш имкониятини ҳам беради. Шунинг учун бундай неустойка баъзи ҳолларда баҳоланадиган неустойка деб ҳам аталади.

Гаров – мажбуриятларнинг бажарилишини таъминлаш усули сифатида

Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг 264-моддасида кўрсатилганидек, бир шахснинг бошқа шахсга мол-мулкни ёки унга бўлган ҳуқуқни мажбуриятларни таъминлаш учун бериши гаров ҳисобланади.

Гаров туфайли гаров билан таъминланган мажбурият бўйича кредитор (гаровга олувчи) қарздор томонидан бу мажбурият бажарилмаган тақдирда, гаровга қўйилган мол-мулкнинг қийматидан ушбу мол-мулк эгаси бўлган шахс (гаровга қўювчи) нинг бошқа кредиторларига нисбатан ўз талабини имтиёзли қаноатлантирилишига ҳақли бўлади.

Гаров бозор муносабатларига ўтиш шароитида мажбуриятларни таъминлашнинг энг самарали усули бўлиб, пул қадрсизланиши, ишлаб

чиқариш дажарасини тушиб кетиш, тўловга қобилиятсизлик каби салбий ҳолатлар таъсиридан холи ҳисобланади⁶⁷.

ФКнинг 264-моддасида кўрсатилган субъектив ҳуқуқ гаров ҳуқуқи бўлиб, мулкни гаровга берган шахс – гаровга қўювчи ва мулкни олган шахс эса – гаровга олувчи деб аталади. Мулкни гаровга қўювчи шахс қарздорнинг ўзи ҳам, шунингдек учинчи бир шахс ҳам бўлиши мумкин.

ФКнинг 266-моддасида кўрсатилганидек, гаровга қўювчи гаровга қўйилаётган мулкнинг эгаси бўлиши лозим. Башарти, қонун ёки шартномада бошқача тартиб назарда тутилган бўлмаса, мулкдорнинг розилигисиз ашёвий ҳуқуқни гаровга қўйишга йўл қўйилади.

Гаровнинг моҳияти шундаки, мажбурият қарздор томонидан ижро этилмаганида, кредитор ўзининг талабини гаровга қўйилган мулк ҳисобидан биринчи навбатда қондириш имкониятига эга бўлади.

Кредиторнинг талаблари қондирилгандан сўнггина гаровга қўйилган мулкни сотишдан ҳосил қилинган суммадан қолганини бошқа кредиторларнинг талабларини қондириш учун сарфланиши мумкин.

Гаров нарсаси ҳар қандай мол-мулк, ашёлар ва мулкий ҳуқуқлар (талаблар) бўлиши мумкин, аммо бундан ФКнинг 267-моддасида, шунингдек Ўзбекистон Республикасининг “Гаров тўғрисида”ги қонуни⁶⁸ да назарда тутилган ашёлар мустаснодир.

Муомаладан чиқарилган мол-мулк, кредиторнинг шахси билан узвий боғлиқ бўлган талаблар, хусусан, ҳаёти ва соғлиғига етказилган зарарни қоплаш ҳақидаги талаблар, алиментлар ҳақидаги талаблар ҳамда бошқа шахсга бериш қонун билан ман этилган бошқа талаблар гаров нарсаси бўла олмайди. Тарихий, маданий ёки ўзгача қимматбаҳолиги туфайли ёхуд давлат ҳавфсизлиги нуқтаи-назаридан гаров қўлланилиши мумкин бўлмаган объектлар рўйхати Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгилаб қўйилади. Ундирув қаратилиши мумкин бўлган фуқароларнинг айрим турдаги мол-мулкни гаровга қўйиш қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда ман этилиши ёки тикланиши мумкин.

Гаровнинг турлари ФКнинг 265-моддаси талабларидан келиб чиқиб туркумланиши мақсадга мувофиқ.

ФКнинг 265-моддасига асосан гаровнинг қуйидаги турлари мавжуд:

- а) закатат (бунда гаров нарсаси гаровга олувчида сақланади);
- б) ипотека (бунда кўчмас мол-мулк гаровга олинади);
- в) мулкий ҳуқуқларни гаровга олиш.

Закатат. Гаровга қўйиладиган мулк гаровга қўювчи томонидан гаровга олувчига ўтказилганда гаров закатат деб ҳисобланади (ФКнинг 265-моддаси). Бу ҳолатда гаров нарсасини сақлаш, ҳимоялаш ва фойдаланиш борасида муаммолар келиб чиқиши табиий. Агар шартномада ўзгача тартиб назарда тутилган бўлмаса ёки гаровнинг моҳиятидан англашилмаса, гаровга

⁶⁷ Исмоилов Н.М. О некоторых проблемах цивилистической науки и законотворческой практики/ Материалы международной научно-практической конференции на тему “Актуальные проблемы и тенденции развития гражданского законодательства”. – Ташкент: ТГЮИ, 2005. -185 с.

⁶⁸ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1998 йил. 5-6-сон, 98-модда.

қўювчи гаров нарсасидан унинг вазифасига кўра фойдаланишга, шу жумладан ундан ҳосил ва даромадлар олишга ҳақли. Бунда гаровга қўювчига фойдаланиш билан боғлиқ ҳисоботларни бериб туриш лозим бўлади. Гаровга олувчи, агар қонун ҳужжатларига мувофиқ жавобгарликдан озод қилиниши мумкинлигини исботлай олмаса, ўзига бериб қўйилган гаров нарсасининг тўлиқ ёки қисман йўқолгани ёки шикастлангани учун жавоб беради.

Гаров нарсаси гаровга олувчига топшириш чоғида қанча суммага баҳоланган бўлишидан қатъи назар, гаровга олувчи гаров нарсаси йўқолганлиги учун унинг ҳақиқий қиймати миқдорида, унга шикаст етказилганлиги учун эса - бу қиймат қанча суммага қамайган бўлса, шунча сумма миқдорида жавоб беради.

Агар гаров нарсаси шикастланиш натижасида ундан бевосита ўз вазифаси бўйича фойдаланиш мумкин бўлмайдиган даражада ўзгарган бўлса, гаровга қўювчи ундан воз кечишга ва унинг йўқолганлиги учун ҳақ талаб қилишга ҳақли. Шартномада гаровга олувчининг гаров нарсаси йўқолгани ёки шикастлангани туфайли етказилган бошқа зарарларни ҳам гаровга қўювчига қоплаш мажбурияти назарда тутилиши мумкин.

ФКнинг 269-моддасига асосан агар шартномада ўзгача тартиб назарда тутилмаган бўлса, гаровга қўйилган мол-мулк гаровга қўювчида қолади. Ипотека белгиланган мол-мулк, шунингдек гаровга қўйилган муомаладаги товар ҳам гаровга олувчига топширилмайди.

Ипотека. Кўчмас мулклар гарови ипотека деб номланади.

Ўзбекистон Республикасининг 2006 йил 5 октябрдан кучга кирган “Ипотека тўғрисида”ги⁶⁹ қонунинг қабул қилиниши муносабати билан ипотека муносабатларида янги давр бошланди, деб айтиш мумкин. Мазкур қонуннинг қабул қилиниши билан ипотека муносабатларнинг барча жиҳатларида тартибга солувчи тубдан янгилинган норматив-ҳуқуқий база пайдо бўлди.

Ипотека ипотека тўғрисидаги шартнома асосида (шартнома асосидаги ипотека) ёки қонун асосида (қонун асосидаги ипотека) вужудга келади. Ипотека асосий мажбуриятдан ҳосила хусусиятига эга ва у асосий мажбурият тугагунига қадар ҳақиқий бўлади.

Ипотека билан таъминланган мажбурият бўйича қарздорнинг ўзи ёки бу мажбуриятда иштирок этмайдиган учинчи шахс (ашёвий кафил) ипотекага қўювчи бўлиши мумкин.

Мулкдор, мулкдор ваколат берган шахс шунингдек, мулкдорнинг васий ёки хомийлари, хўжалик юритиш ёки оператив бошқарув ҳуқуқига эга бўлган шахс, агар унга ваколат берилган бўлса, учинчи шахслар (ашёвий кафил) ипотекага қўювчи сифатида кўрсатади⁷⁰.

Мулквий ҳуқуқлар гарови. Гаровга қўювчига тегишли эгалик қилиш ва фойдаланиш ҳуқуқлари, шу жумладан ижарачининг ҳуқуқлари,

⁶⁹ Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2006, 40-сон, 393-модда.

⁷⁰ Багафсил қаранг: Ўзбекистон Республикасининг “Ипотека тўғрисида”ги қонунига шарҳлар. –Тошкент: ТДЮИ, 2007. -37 б.

мажбуриятларидан келиб чиқувчи бошқа ҳуқуқлар (талаблар) ва ўзга мулкӣ ҳуқуқлар гаров нарсаси бўлиши мумкин.

Кредиторнинг шахси билан узвий боғлиқ талаблар, хусусан ҳаёт ёки соғлиққа етказилган зарарни қоплаш тўғрисидаги талаблар, алиментлар ҳақидаги ва бошқа шахс фойдасига воз кечиш қонун билан ман қилинган ўзга талаблар ҳуқуқ гарови нарсаси бўлиши мумкин эмас.

Ер участкасига бўлган ҳуқуқларни, шунингдек ўзга табиӣ ресурсларга нисбатан бўлган ҳуқуқларни гаровга қўйишга қонун ҳужжатларида белгиланган меъёр ва шартларда йўл қўйилади.

Такрорӣ ким ошди савдоси амалга ошмаган деб эълон қилинганида, гаровга олувчи гаров нарсасини такрорӣ ким ошди савдосидаги бошланғич сотиш нархини кўпи билан ўн фоиз камайтирган суммада баҳолаб, ўзида олиб қолишга ҳақли. Агар гаровга олувчи бу ҳуқуқдан бир ой давомида фойдаланмаса, гаров шартномаси бекор бўлади.

Агар гаровга қўйилган мол-мулкни сотишдан тушган сумма гаровга олувчининг талабини қоплашга етарли бўлмаса, у қонунда ёки шартномада бошқача кўрсатма бўлмаганида етишмаётган суммани умумӣ асосларда ва тартибда қарздорнинг бошқа мол-мулкидан олиш ҳуқуқига эга. Агар сотувдан тушган сумма гаровга олувчининг гаров билан таъминланган талабидан ошиб кетса, фарқ гаровга қўювчига қайтариб берилади.

Мол-мулкнинг гаровга қўйилиши:

–биринчидан, мол-мулкнинг доимо мавжуд бўлиши ва сақланишини таъминлайди;

–иккинчидан, кредитор бошқа шахсларга, яъни қарзларнинг бошқа кредиторларига нисбатан устунлик билан ўз талабларини қондириш имкониятига эга бўлади;

–учинчидан, мол-мулкнинг қарздор учун учинчи шахс томонидан гаровга қўйилиши қарздорга бўлган талабларнинг қондирилиши учун қўшимча манба ҳисобланади.

Ашённи гаровга олган кредитор талабларининг қондирилиши аниқ таъминланиши билан гаровнинг белгиланиши қарздорни ўз мажбуриятини ижро этишга мажбур қилади.

Қонунга кўра, ҳар қандай мажбурият ҳам гаров билан таъминланиши мумкин. Амалда гаров асосан қарз мажбуриятларининг ижро этилишини таъминлаш усули сифатида татбиқ этилади.

Ашёларнинг ломбардда гаровга қўйилиши.

Фуқаролик кодексининг 289-моддасида айтилганидек, фуқаролардан шахсий истеъмолга мўлжалланган кўчар мол-мулкни қисқа муддатли кредитлар бериш учун гаровга қабул қилиш ихтисослашган ташкилотлар, яъни лицензияси бўлган ломбардлар томонидан тадбиркорлик фаолияти сифатида амалга оширилиши мумкин.

Ломбардда ашёларни гаровга қўйиш ҳақидаги шартнома, ломбард томонидан гаров паттаси бериш йўли билан расмийлаштирилади.

ФКнинг 289-моддаси 4-қисмида кўрсатилганидек, ломбард гаровга қабул қилинган ашёларни гаровга қабул қилиш пайтида шунга ўхшаш ва

шундай сифатли ашёларнинг нархларига мос баҳодаги тўлиқ суммасида ўз хисобидан гаровга қўювчи фойдасига суғурталаши шарт.

Ломбард гаровга қўйилган ашёлардан фойдаланишга ва уларни тасарруф этишга ҳақли эмас. Ломбард ашёларнинг йўқолиши ёки шикастланиши енгиб бўлмас куч оқибатида юз берганлигини исботлай олмаса, гаровга қўйилган ашёларнинг йўқолганлиги ёки шикастланганлиги учун жавобгар бўлади.

Агар ломбардда ашёлар гарови билан таъминланган кредит суммаси белгиланган муддатда қайтариб берилмаса, ломбард нотариуснинг ижро ёзуви асосида имтиёзли бир ойлик муддат ўтганидан кейин гаровга қўйган мол-мулкни сотиш учун белгилаб қўйилган тартибда мол-мулкни сотишга ҳақли. Гаровга қўйилган мол-мулкни сотишдан тушган сумма талабларни тўлиқ қаноатлантириш учун етарли бўлмаса ҳам, ломбарднинг гаровга қўювчига (қарздорга) талаблари бекор бўлади (ФК, 289-модда, 7-банд).

Қарздорнинг мол-мулкни ушлаб қолиш – мажбуриятларнинг бажарилишини таъминлаш усули сифатида

Ўзбекистон Республикаси ФКнинг 259-моддасида мажбуриятларнинг бажарилишини таъминлаш усуллари тизимида қарздорнинг мол-мулкни ушлаб қолиш ҳам назарда тутилади. Бу усулларни қўллаш асослари ФКнинг 290-моддасида белгилаб берилган. Бунга асосан қарздорга ёки қарздор кўрсатган шахсга топширилиши лозим бўлган ашёни сақлаётган кредитор ушбу ашё ҳақини ёки у билан боғлиқ чиқимлар ва бошқа зарарни кредиторга тўлаш мажбуриятлари қарздор томонидан муддатида бажарилмаган тақдирда унга тегишли мажбурият бажарилгунга қадар ушлаб қолишга ҳақли.

Гарчи ашёнинг ҳақини тўлаш унинг чиқимларини ва бошқа зарарни тўлаш билан боғлиқ бўлмаса-да, бироқ тарафлари тадбиркор сифатида иш кўраётган мажбуриятдан келиб чиққан талаблар ҳам ашёни ушлаб қолиш билан таъминланиши мумкин.

Ашё кредитор эгалигига ўтганидан кейин унга бўлган ҳуқуқлар учинчи шахс томонидан олинганлигига қарамасдан, кредитор ўз қўлидаги бу ашёни ушлаб қолиши мумкин.

Ушлаб қолиш ўз моҳиятига кўра гаровга ўхшайди. Бироқ айни вақтда у қатор ўзига хосликларга ҳам эга. Биринчидан, ушлаб қолишда ашё фақат кредитор ихтиёрида бўлади, гаров нарчаси эса қарздорда ҳам, учинчи шахсда ҳам сақланиши мумкин. Иккинчидан, ушлаб қолинаётган ашё кредитор ихтиёрига турли асослар бўйича ўтган бўлиши мумкин. Гаров нарчаси эса ҳар доим қарздор ёки учинчи шахс (гаровга қўювчи) иродаси билан шартнома асосидагина вужудга келади ва ҳ.к.

Ашёни ушлаб қолган кредиторнинг талаблари унинг қийматидан гаров билан таъминланган талабларни қондириш учун назарда тутилган ҳажмда ва тартибда қаноатлантирилади. Бинобарин, ушлаб қолинган мол-мулк ёки пул маблағлари ҳажми қарздорнинг қарзи ҳажмидан кўп бўлса, у ҳолда кредитор

ортиқча қисмини қайтариши лозим. Агар ушлаб турилган мол-мулк ёки пул маблағлари қарздор қарз ҳажмига тенг бўлса, ФКнинг 343-345-моддаларида кўрсатилган талабларга риоя қилинган ҳолда мажбурият ҳисобга ўтказиш орқали бекор бўлиши мумин.

Қарздор томонидан мажбурият ижро этилган ҳолларда кредитор ушлаб қолинган мол-мулкни қарздорга ёки учинчи шахсга қайтариши шарт.

Закалат – мажбуриятларнинг бажарилишини таъминлаш усули сифатида

Закалат деб, шартнома тузаётган тарафлардан бири шартноманинг тузилганлигини исботлаш ва унинг ижросини таъминлаш юзасидан берадиган пул суммасига айтилади.

Закалат тўғрисидаги келишув закалатнинг суммасидан қатъи назар, ёзма равишда тузилиши керак (ФК, 311-модда). Закалат қуйидаги учта вазифани бажаради:

биринчидан, закалат берилиб тузилган шартнома ҳақиқатан тузилганлигини исботловчи далил ҳисобланади;

иккинчидан, закалат шартнома юзасидан аввалдан тўлаб қўйиладиган пул суммаси бўлиб, тегишли тўловлар ҳисобига муайян суммани тўлаган тараф шартномани қисман ижро этган ҳисобланади. Закалат олувчи тараф учун ҳам бу ҳол маълум аҳамиятга эга. Чунончи, бирор-бир уй-жой ижарага берилишида унинг мулкдори уй-жойни яшаш учун яроқли ҳолга келтириш мақсадларида уни таъмирлайди ва хоказо;

учинчидан, закалат шартномадан келиб чиққан мажбуриятнинг ижро этилишини таъминлаш учун белгиланади. Закалатнинг мазкур вазифаси шундаки, закалат берган тараф шартнома юзасидан олган ўз мажбуриятларини бажармаганида, берган закалатни йўқотади. Агар закалат берган тараф шартномадан воз кечган бўлса, бу ҳолда у берган закалатнинг қайтариб берилишини талаб қила олмайди. Агар закалат олган тараф ўз мажбуриятларини бажармаса, у иккинчи тарафга закалат суммасини икки барабар миқдорда тўлашга мажбур.

Баъзи ҳолларда закалат уни берган тарафга бир миқдорда қайтарилиши лозим. Чунончи, агар мажбурият тарафлардан ҳеч қайсисининг айби билан боғлиқ бўлмаган ҳолда бажарилмаса, ўзаро келишув бўйича бериладиган закалат қайтарилади.

Агар ижро этилган шартнома кейинчалик ҳақиқий эмас, деб топилса ва бунинг натижасида ҳар икки тараф ҳам аввалги ҳолларига келтирилиши лозим бўлса ёки закалат берган тараф шартнома юзасидан амалга оширилган барча суммани ўзига қайтарилишини талаб қилишга ҳақли бўлса-ю, аммо иккинчи тараф бундай ҳуқуққа эга бўлмаса закалат юқорида кўрсатилганидек, аслича бир карра миқдорда қайтарилиши лозим бўлади.

ФКнинг 312-моддаси учинчи қисмида кўрсатилганидек, шартноманинг бажарилмаслиги учун жавобгар бўлган тараф, агар шартномада бошқача тартиб назарда тутилмаган бўлса, закалат суммасини ҳисобга олган ҳолда, иккинчи тарафга зарарларни тўлаши шарт.

Агар закат суммаси зарар суммасидан бирмунча кўпроқ бўлса, у ҳолда фақат закатгина ундирилади. Агар мажбуриятни бажармаслик натижасида кўрилган зарар закат суммасидан ортиқ бўлса, у ҳолда закат суммаси ҳам, зарарларни қоплаш учун етишмаган сумма ҳам ундирилади.

Кафиллик – мажбуриятларнинг бажарилишини таъминлаш усули сифатида

Кафиллик – мажбуриятлар бажарилишини таъминлашнинг алоҳида тури бўлиб, у кафиллик тўғрисидаги шартномадан вужудга келади. Кафиллик шартномасига асосан, бир тараф кафил, бошқа шахс ўз мажбуриятларини тўла ёки қисман бажариши учун унинг кредитори олдида жавоб беришни ўз зиммасига олади (ФК, 292-модда, 1-қисм).

Кафил қарздор учун мулкӣ жавобгарликни олганлигини тўғридан-тўғри аниқ билдириши лозим.

Мажбуриятнинг бажарилишини таъминлаш усули сифатида кўриладиган кафилликнинг моҳияти шундаки, кредитор асосий мажбурият бажарилмаган ҳолда ўз талабларини фақат асосий қарздоргагина қўймай, балки кафилга нисбатан ҳам қўя олади.

Кафиллик шартномаси ёзма шаклда тузилиши лозим. Бу ҳолда тарафлар кафиллик тўғрисида алоҳида ёзма шартнома тузишлари шарт бўлмайди. Кафиллик белгиланишида кафил асосий қарздор томонидан бериладиган тилхатда қарздор томонидан мажбуриятнинг лозим даражада бажарилиши жавобгарлигини ўз зиммасига олганлигини кўрсатиб белги қўйса ёки қарздорнинг муайян мажбурият юзасидан кафил бўлишини кредитор номига ёзган хатида билдирса ҳам kifоя.

Кафиллик ҳақидаги шартноманинг ёзма шаклда тузилиши лозимлиги тўғрисидаги қонун билан белгиланган талабларга риоя қилмаслик – кафиллик шартномасининг ҳақиқий саналмаслигига сабаб бўлади.

Кафиллик асосий мажбуриятга қўшимча характерда бўлиши шундан иборатки, кафиллик билан фақат асосий талабгина таъминланиши мумкин. Агар асосий шартнома унинг шаклига риоя қилинмаганлиги сабабли ёки шартномада иштирок этувчи тарафларнинг муомалага лаёқатсиз бўлиши туфайли ва бошқа шу каби сабаблар бўйича ҳақиқий эмас деб топилса, мазкур шартномага қўшимча ҳисобланган кафиллик шартномаси ҳам ўзининг юридик кучини йўқотади.

Кафилнинг жавобгарлиги ҳажми асосий мажбурият юзасидан қарздорнинг жавобгарлигидан ошиқ бўлиши мумкин эмас. Қарздор қандай ҳажмда жавобгар бўлса, кафил ҳам шу ҳажмда жавобгар бўлади. Хусусан, кафиллик шартномаси билан бошқача ҳол белгиланмаган бўлса, фоизлар, зарарлар ва неустойканинг тўланиши учун ҳам жавобгар бўлади.

Қарздор учун мажбуриятни бажарган кафил мазкур мажбурият юзасидан бўлган барча ҳуқуқларни олади. ФКнинг 295-моддасида кўрсатилганидек, мажбуриятни бажарган кафилга шу мажбурият юзасидан кредиторга тегишли бўлган барча ҳуқуқлар ўтади.

Кафил мажбуриятни бажарганидан кейинги кредитор қарздорга бўлган талабни тасдиқловчи ҳужжатларни кафилга топшириши ва бу талабни таъминлайдиган ҳуқуқларни бериши шарт.

Қарздор кафиллик билан таъминланган мажбуриятни бажармаган ёки лозим даражада бажармаган тақдирда кафил ва қарздор кредитор олдида солидар жавоб берадилар (ФК, 293-модда).

ФКда кўрсатилган юқоридаги қоида диспозитив характерда бўлгани, яъни ўзгартирилиши, тўлғазилиши мумкин бўлгани сабабли тарафлар ўзаро келишиб, кафилнинг бошқача ҳажмда жавобгар бўлишини, масалан, асосий қарздорга қўшимча жавобгар бўлишини белгилашлари мумкин. Бу ҳолда кафил мажбуриятнинг бажарилиши юзасидан қарздордан ҳеч нарса ундириш мумкин бўлмагани ҳолдагина қарздор учун жавобгар бўлади.

ФКнинг 293-моддаси 3-қисмида айтилганидек, биргалашиб кафил бўлган шахслар, агар кафиллик шартномасида бошқача ҳол кўрсатилмаган бўлса, кредитор олдида солидар жавоб берадилар.

Агар кредитор кафилга нисбатан даъво кўзғатса, у ҳолда кафил қарздорларни ишда иштирок этиш учун жалб қилишга мажбур. Шунинг ўзи билан у қарздорга ўзининг манфаатларини ҳимоя қилиш имкониятини берган бўлади. Агар кафил ишда иштирок этишга жалб қилмаса, қарздор ўзининг кредиторига қарши қўйиши мумкин бўлган барча эътирозларини, яъни ФКнинг 294-моддасида кўрсатилган эътирозларини кафилнинг унга қилган талабига қарши қўйишга ҳақли.

Кафиллик қуйидаги ҳолларда бекор бўлади:

- 1) кафиллик билан таъминланган мажбурият бекор бўлганда;
- 2) кафилнинг розилигисиз мажбуриятда унинг жавобгарлиги ошиши ёки унинг учун бошқа ноқулай оқибатлар юз беришига олиб келадиган тарзда мажбурият шартлари ўзгартирилганда;
- 3) кафиллик билан таъминланган мажбурият бўйича қарз бошқа шахсга ўтказилганда, агар кафил янги қарздор учун жавобгар бўлиши ҳақида кредиторга розилик берган бўлмаса;
- 4) мажбуриятни бажариш муддати келганида, кредитор қарздор ёки кафил таклиф қилган тегишли ижрони қабул қилишдан бош тортганда;
- 5) шартномада белгиланган кафиллик муддати ўтганда;
- 6) агар шартномада кафиллик муддати кўрсатилмаган бўлса, кредитор мажбуриятни бажариш муддати етган кундан бошлаб, бир йил давомида кафилга даъво кўзғатмаса;
- 7) агар асосий мажбуриятни бажариш муддати кўрсатилмаган ва белгиланиши мумкин бўлмаган ёки талаб қилиб олиш пайти билан белгиланган бўлса, кредитор кафиллик шартномаси тузилган кундан бошлаб, бир йил мобайнида кафилга нисбатан даъво кўзғатмаган тақдирда (ФК, 298-модда).

Кафолат – мажбуриятларнинг бажарилишини таъминлаш усули сифатида

Мажбуриятнинг бажарилишини таъминлаш усулларида бири кафолат ҳисобланади. Кафолатга биноан банк, бошқа кредит муассасаси ёки суғурта

ташкilotи (кафил) бошқа шахс (принципал)нинг илтимосига кўра, кафил ўз зиммасига олаётган мажбурият шартларига мувофиқ принципалнинг кредитори (бенефициар) пул суммасини тўлаш ҳақида ёзма талабнома тақдим этса, пулни унга тўлаш ҳақида принципалга ёзма мажбурият беради (ФК, 299-модда).

Кафолатнинг ўзига хос хусусиятларидан бири шундаки, бунда ҳар доим кафил сифатида банк, бошқа кредит муассасаси ёхуд суғурта ташкilotи қатнашади. Кўп ҳолларда кафил принципалга хизмат кўрсатувчи ташкilot ҳисобланади. Шу сабабли ҳам кафил принципалнинг банкда сақлаётган пул маблағлари ҳисобидан унинг кредиторлари олдидаги мажбуриятини бажаради. Бироқ қонун буни шарт қилиб қўймайди, шу сабабли ҳам кафил сифатида ҳар қандай кредит муассасаси ёки кредит ташкilotи бўлиши мумкин.

Кафолатнинг асосий моҳияти шундаки, у орқали принципалнинг бенефициар олдидаги ўз мажбуриятини (асосий мажбуриятни) тегишли даражада бажарилиши таъминланади.

Кафолат ҳақ бараварига тузилади. Кафолат берган банк (кредит муассасаси, суғурта ташкilotи)га принципал тегишли миқдорда ҳақ тўлайди.

Кафолат асосий мажбуриятдан (яъни принципалнинг бенефициар олдидаги мажбуриятдан), гарчи кафолатда ушбу мажбуриятга ҳавола қилинса-да, мустақил ҳисобланади.

Агар кафолатда бошқача тартиб назарда тутилмаган бўлса, у кафил томонидан чақириб олиниши мумкин эмас.

Кафолат бўйича бенефициарга тегишли бўлган кафилга талаб қўйиш ҳуқуқи агар кафолатда бошқача тартиб назарда тутилмаган бўлса, бошқа шахсга ўтказилиши мумкин эмас.

Агар кафолатда бошқача тартиб назарда тутилмаган бўлмаса, у берилган кундан эътиборан кучга киради. Бенефициарнинг кафолат бўйича пул суммасини тўлаш ҳақидаги талаби кафолатда кўрсатилган ҳужжатларни илова қилган ҳолда кафилга ёзма равишда тақдим этилиши лозим. Талабда ёки унга иловада бенефициар принципални таъминлаш учун кафолат берилган асосий мажбуриятни бузиши нимадан иборатлигини кўрсатиши керак.

Кафил бенефициарнинг талабларини олганидан сўнг бу ҳақда дархол принципални хабардор қилиши ва унга талабнинг нусхасини барча тегишли ҳужжатлар билан топшириши керак.

Кафилнинг кафолат бўйича бенефициар олдидаги мажбурияти қуйидаги ҳолларда бекор бўлади:

- 1) кафолат берилган сумма бенефициарга тўланиши билан;
- 2) кафолатда белгиланган муддат тамом бўлиши билан;
- 3) бенефициар кафолат бўйича ўз ҳуқуқларидан воз кечиши ва уни кафилга қайтариб бериш оқибатида;
- 4) бенефициар кафилни унинг мажбуриятларидан озод қилиш ҳақидаги ёзма ариза бериш йўли билан кафолат бўйича ўз ҳуқуқларидан воз кечиши оқибатида.

Кафолатнинг юқоридаги 1, 2, 4-бандларида кўрсатилган асослар бўйича бекор қилиниши кафилга кафолат қайтариб берилган ёки берилмаганлигига боғлиқ бўлмайди.

Кафолат бекор бўлганлигидан хабар топган кафил дарҳол бу ҳақда принципални хабардор қилиши керак.

Кафилнинг принципалдан кафолат бўйича бенефициарга тўланган суммаларни регресс тартибида тўлашни талаб қилиш ҳуқуқи кафилнинг принципал билан бажариш юзасидан кафолат берилган келишувида белгилаб кўйилади.

Агар кафилнинг принципал билан келишувида бошқача тартиб назарда тутилмаган бўлса, кафил бенефициарга кафолат шартларига мувофиқ тарзда ёки кафилнинг бенефициар олдидаги мажбуриятни бузганлиги учун тўланган суммаларни қоплашни принципалдан талаб қилишга ҳақли эмас (ФК, 310-модда).

4-савол. Мажбуриятларнинг бузилиши ва бунинг учун жавобгарлик .

Маълумки, жамиятимиз ҳаётининг энг муҳим тамойилларидан бири қонун устуворлиги ҳисобланади. Унинг моҳияти шундан иборатки, “асосий ижтимоий, энг аввало иқтисодий муносабатлар фақат қонун билан тартибга солинади, унинг барча қатнашчилари эса ҳеч бир истисносиз ҳуқуқ нормаларини бузганлиги учун жавобгар бўлади”⁷¹. Бозор механизмининг энг асосий хусусиятларидан бири “хўжалик юритувчи субъектлар ўртасида уларнинг иқтисодий жавобгарлиги ва тўлиқ иқтисодий мустақиллиги асосида”⁷² қонун ва шартномалар интизомига қатъий риоя қилиш ҳисобланади. Қонун ва шартномалар мазмунида эса кўп ҳолларда фуқаролар ва юридик шахслар зиммасига юкланган мажбуриятлар ётади.

Фуқаролик-ҳуқуқий жавобгарлик юридик жавобгарликнинг мустақил тури бўлиб, ҳуқуқбузарга нисбатан белгиланадиган санкция сифатида, ҳуқуқбузарнинг кўшимча мулкӣ харажатни қилишга ҳамда янги мажбуриятни бажаришга мажбур қилади⁷³.

Мажбуриятларни бузганлик учун жавобгарлик асослари

Қарздор томонидан мажбуриятнинг бажарилмаслиги ёки лозим даражада бажарилмаслиги ҳуқуққа хилоф ҳаракат ёки ҳаракатсизлик ҳисобланади. Бунинг учун умумий қоида сифатида фақат муайян асослар

⁷¹ Каримов И.А. Ўзбекистон - бозор муносабатларига ўтишнинг ўзига хос йўли./ Биздан озод ва обод Ватан қолсин. -Тошкент: Ўзбекистон, 1994. -48 б.

⁷² Ўша асарда. -50 б.

⁷³ Эгамбердиева Н. Фуқаролик-ҳуқуқий жавобгарликнинг асослари ва шакллари. –Тошкент: ТДЮИ, 2007. - 21 б.

мавжуд бўлгандагина қарздорнинг, яъни мажбуриятни бузган шахснинг мулкӣ жавобгарликка тортилиши белгиланади.

Фуқаролик ҳуқуқида, одатда, мажбуриятни бузганлик учун қарздорнинг ёки зарар етказувчининг жавобгарликка тортилиши учун қуйидаги тўртта асос бўлиши кўрсатилган:

биринчидан, ҳуқуққа хилоф ҳаракат ёки ҳаракатсизлик;

иккинчидан, зарар етказилиши;

учинчидан, ҳуқуққа хилоф ҳаракат ёки ҳаракатсизлик билан содир бўлган зарар ўртасида сабабий боғланиш бўлиши;

тўртинчидан, қарздорнинг ёки зарар етказувчининг айби мавжуд бўлиши.

Шуни кўрсатиб ўтиш керакки, шартномадан ёхуд бошқа бир томонлама битимдан келиб чиқадиган мажбуриятларда унинг бажарилмаслиги бошқа шахсга ғайриқонуний равишда зарар етказиш – барча ҳолларда ҳуқуққа хилоф ҳисобланади. Мазкур ҳолларда қарздор хатти-ҳаракатининг ҳуқуққа хилоф бўлишини белгилашда қандай шартлар мавжуд бўлганида мажбуриятни ижро этмаслик учун фуқаролик-ҳуқуқий жавобгарликнинг белгиланишини аниқлаш зарур бўлади.

Зарарлар ҳамма вақт ҳам қарздорнинг мажбуриятни бажармаганлиги ёки лозим даражада бажармаганлигидан келиб чиқавермайди. Баъзи ҳолларда мажбуриятнинг бажарилмаслиги натижасида юқорида айтганимиздек, мулкӣ зарар бўлмаслиги ҳам мумкин. Аммо аксарият ҳолларда зарар жавобгарликни белгилаш учун зарур асос бўлади.

Зарар етказишдан келиб чиқадиган мажбуриятлар баъзи ҳолларда қонун йўл қўйган ҳаракатлар натижасида ҳам етказилиши мумкин. Масалан, давлат, жамият ёки айрим фуқароларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилишда етказилган зарар қонуний, ҳуқуқ йўл қўйган ҳаракат бўлиб ҳисобланади.

Агар кредиторнинг талаблари зарарни ундиришга қаратилган бўлса, у ҳолда, албатта, қуйидаги асослар: зарарнинг бўлиши, қарздорнинг ҳуқуққа хилоф ҳаракати ёки ҳаракатсизлиги билан кредиторнинг кўрган зарари ўртасида сабабий боғланишлар бўлиши ва ниҳоят, қарздорнинг айби бўлиши талаб этилади. Агар кредиторнинг талаби фақат неустойка, пеня, жаримани ундиришга қаратилган бўлса, қарздор фақат айби бўлгандагина мулкӣ жавобгарликка тортилади.

Қарздорга мулкӣ жавобгарликни белгилашдан олдин, яъни кредиторга етказилган зарарнинг ундан ундирилишидан олдин суд ҳар бир аниқ ҳолатда, мазкур зарарлар қарздорнинг ўз мажбуриятларини бузишидан келган-келмаганлигини аниқлаши, яъни қарздорнинг ҳуқуққа хилоф ҳаракати ёки ҳаракатсизлиги билан кредиторнинг кўрган зарари ўртасида сабабий боғланиш бўлиб-бўлмаслигини аниқлаши лозим. Масалан, агар темир йўл транспорти корхонаси юк олувчига зарарланган юкни етказиб берса, суд кредиторга бундай зарарни ким етказганлигини, маҳсулот юборувчи ташкилотми ёки темир йўл корхонаси томонидан етказилганлигини, бундай зарарнинг сифатсиз товар юборувчи ташкилотнинг айби, ҳуқуққа хилоф

харакати билан бўлиш-бўлмаганлигини ёки ташиш учун қабул қилинган юкнинг йўлда сақланишини таъминламаган темир йўл корхонасининг ҳуқуққа хилоф ҳаракатларидан бўлган-бўлмаганлигини аниқлаши лозим.

Фуқаролик-ҳуқуқий жавобгарликнинг турлари

Мажбурият бўйича жавобгарликнинг турлари ушбу мажбуриятнинг хусусиятлари, қайси мақсадни кўзлаб ва уни амалга ошириш учун тузилган бўлиши, нимага, яъни қайси юридик фактга асосан вужудга келган бўлиши билан ифодаланади. Масалан мажбурият шартномага асосланган ёки шартномадан ташқари бўлишига қараб жавобгарлик шартномавий ёки ношартномавий, жавобгарлик бир неча шахслар ўртасида бўлинган бўлишига қараб улушли, солидар ва субсидиар характерга эга бўлиши мумкин.

Шартномавий жавобгарлик. Бу жавобгарлик шартномадан келиб чиқадиган мажбуриятлар бузилганлиги ҳолларида юзага келади ҳамда шартномага асосланган мажбурият бузилганлиги учун қўлланиладиган ҳуқуқий чора сифатида кўрилади.

Шартномадан ташқари жавобгарлик жабрланувчи тарафга у билан шартнома муносабатларида бўлмаган шахс томонидан етказилган зиён, зарар ва бошқа оқибатлар туфайли пайдо бўлади⁷⁴. Масалан, маҳсулотни етказиб бериш (поставка) шартномаси бўйича маҳсулот етказиб бермаслик, етказиб бериш муддатларини бузганлик, етказиб берилган маҳсулот сифати бўйича талабга жавоб бермаслиги туфайли вужудга келадиган жавобгарлик-шартномавий жавобгарликдан иборат.

ФКнинг 1017-моддаси ва Ўзбекистон Республикасининг “Истеъмолчиларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида”ги қонуннинг 20-моддасига мувофиқ сотилган товарларнинг нуқсонлари оқибатида истеъмолчининг зарарни сотувчи ва тайёрловчи (ижрочи) томонидан қопланиши лозим. Бу ерда сотувчининг жавобгарлиги шартномавий характерга эга, чунки у истеъмолчи (сотиб олувчи) билан бевосита шартномавий муносабатда бўлган. Тайёрловчи (ижрочи)нинг жавобгарлиги шартномавий характерга эга эмас, чунки у истеъмолчи (сотиб олувчи) билан шартномавий муносабатда бўлган эмас. Шартномадан ташқари зарар етказишдан келиб чиқадиган мажбуриятлар бўйича жавобгарлик барча ҳолларда шартномавий характерга эга бўлмайди.

Ношартномавий жавобгарлик шартномадан ташқари мажбуриятлар бузилиши оқибатида келиб чиқадиган жавобгарлик ҳисобланади. Шартномавий жавобгарлик билан ношартномавий жавобгарликни бир-биридан ажратиш муҳим юридик аҳамиятга эга.

Шартномадан ташқари жавобгарликнинг шакллари ва ҳажмлари фақат қонун билан белгиланади, шартнома мажбуриятининг шакллари ва миқдори эса ҳам қонун билан, ҳам тузилган шартноманинг шартлари билан белгиланади.

Масалан, агар зарар жабрланувчи билан шартномавий муносабатларда бўлмаган шахс томонидан етказилган бўлса, бундай зарар ФКнинг 985-1030-

⁷⁴ Раҳмонқулов Ҳ. Мажбурият ҳуқуқи. –Тошкент: ТДЮИ, 2005. -158 б.

моддарида назарда тутилган қоидаларга асосан ва тартибда ундирилади. Агар зарар шартномага асосан ўз зиммасига мажбуриятни бажариш вазифасини олган шахс томонидан етказилган бўлса, бундай зарар Фуқаролик кодексининг 324-339-моддаларида назарда тутилган қоидаларга асосан ундирилади.

Умуман олганда деликт ва асосиз бойлик ортириш оқибатида зарар етказилган бўлса у ҳолда жавобгарлик шартномадан ташқари жавобгарлик саналади.

Улушли жавобгарлик. Қарздорларнинг ҳар бири ёки умумий мулк субъектлари орасидан битта қарздор қонун ёки шартномада белгиланган муайян улушда жавобгар бўлишганда юзага келади. Бу жавобгарлик тури адабиётларда турлича номланиши мумкин. Айрим адабиётларда улушли⁷⁵, айримларида эса хиссали⁷⁶ жавобгарлик тарзида қўлланилади. Лекин ҳар икки атама ҳам синоним сўзлар бўлганлиги сабабли хатоликни келтириб чиқармайди.

Улушли жавобгарлик умумий аҳамиятга эга бўлган қоидадан иборат бўлиб, қонунда ва шартномада солидар ва субсидиар жавобгарликлар назарда тутилмаган ҳолларда қўлланилади.

Солидар жавобгарлик. Бир мажбурият бўйича бир неча шахснинг биргаликдаги жавобгарлиги ҳисобланади.

Солидар деган тушунча фуқаролик-ҳуқуқий муносабатларда шерикликни, биргаликда ҳаракат қилишни, бирор бир вазифани, тадбиркорлик фаолиятини жисмоний ёки юридик шахслар томонидан ўзаро келишилган ҳолда биргаликда амалга ошириш, бажариш мажбуриятини олиш, шунинг билан бирга олинган мажбурият бажарилмаган тақдирда биргаликда ёки бири учун иккинчиси жавоб бериш маъносини беради.

Солидар қарздорнинг биридан тўлиқ қаноатланмаган кредитор олаолмаган нарчасини бошқа солидар қарздорлардан талаб қилиш ҳуқуқига эга. Солидар қарздорлар мажбурият тўла бажарилгунча бурчли бўлиб қолаверадилар.

Масалан, Оддий ширкат шартномаси бекор бўлган пайтдан бошлаб унинг иштирокчилари учинчи шахсларга нисбатан бажарилмаган умумий мажбуриятлар бўйича солидар жавобгар бўладилар (ФКнинг 971-моддаси).

Субсидиар жавобгарлик – қарздор томонидан мажбурият бўйича қарзнинг қопланмаган қисмига нисбатан учинчи шахснинг қўшимча жавобгарлиги ҳисобланади. Соддароқ қилиб айтганда субсидиар жавобгар кредитор олдида асосий қарздорнинг жавобгарлигига нисбатан қўшимча жавобгарликни ўз зиммасига олади. Кредитор дастлаб мажбурият бўйича жавобгарликни асосий қарздорга қаратади, агар у бажарилмаса субсидиар қарздор муносабатга жалб этилади. Масалан, ўн тўрт ёшдан ўн саккиз ёшгача вояга етмаганнинг зарарни қоплаш учун етарли мол-мулки ёки бошқа даромад манбалари бўлмаган тақдирда, зарар тўлиғича ёки унинг етишмаган қисми вояга етмаганнинг ота-онаси (фарзандликка олувчилари) ёки ҳомийси

⁷⁵ Муаллифлар жамоаси. Шартнома ҳуқуқи. –Тошкент. ТДЮИ, 2006.

⁷⁶ Раҳмонқулов Ҳ. Мажбурият ҳуқуқи. –Тошкент: ТДЮИ, 2005. -160 б.

томонидан, агар улар зарар ўзларининг айби билан етказилмаганлигини исботлай олмасалар, тўланиши лозим (ФКнинг 994-моддаси).

Субсидиар жавобгарлик қонунда, бошқа ҳуқуқий ҳужжатларда назарда тутилиши ёки шартномага асосланган мажбуриятнинг шартларидан келиб чиқиши мумкин. Фуқаролик кодекси 48-моддасининг 4-қисмига биноан “Агар юридик шахснинг ночорлиги (банкротлиги) шу юридик шахс учун мажбурий кўрсатмаларни бериш ҳуқуқига эга бўлган муассис (иштирокчи) сифатидаги шахснинг ёки юридик шахс мол-мулки мулкдорнинг ғайриқонуний ҳаракатлари туфайли вужудга келтирилган бўлса, юридик шахснинг мол-мулки етарли бўлмаган тақдирда бундай шахс зиммасига унинг мажбуриятлари бўйича субсидиар жавобгарлик юклатилиши мумкин”.

Учинчи шахслар ҳаракатлари учун жавобгарлик ФКнинг 334-моддасига мувофиқ қонун ҳужжатлари ёки шартномада бевосита ижрочи бўлган учинчи шахснинг жавобгарлиги белгилаб қўйилмаган бўлса, зиммасига мажбуриятни бажариш вазифаси юклатилган учинчи шахснинг мажбуриятни бажармаганлиги ёки лозим даражада бажармаганлиги учун қарздор жавоб беради. Қарздорнинг учинчи шахслар ҳаракатлари учун жавобгарлиги мажбуриятни ижро этиш қарздор томонидан шартномага мувофиқ ана шу учинчи шахс зиммасига юклатилган ва қонун ҳужжатлари, мажбуриятнинг шартлари ва моҳиятидан қарздор мажбуриятни шахсан ижро этиши керак деган мазмун келиб чиқмагани ҳолларда, умумий қоида сифатида юзага келади (ФК. 241-модда).

ФКнинг 324, 333-моддалари талабларидан келиб чиқадиган бўлсак, қарздорнинг учинчи шахслар ҳаракатлари учун жавобгарлиги фуқаролик-ҳуқуқий жавобгарликнинг умумий асослари мавжуд бўлганида юзага келади.

Қонун ҳужжатларида бевосита учинчи шахс – мажбуриятнинг ижрочиси жавобгар бўлиши назарда тутилиши мумкин.

Айрим ҳолларда учинчи шахс-ижрочининг тўғридан-тўғри жавобгарлигига доир қоида шартнома тарафларининг келишувида назарда тутилиши мумкин. Масалан, лизинг олувчи лизинг шартномасининг нарсаи бўлган мол-мулкни бевосита сотувчига (учинчи шахсга) сотувчи билан лизинг берувчи ўртасида тузилган олди-сотди шартномасидан келиб чиқадиган талабларни, хусусан, мол-мулкнинг сифати ва бутлиги, уни етказиб бериш муддатлари ҳақидаги талабларни ва шартнома сотувчи томонидан зарур даражада бажарилмаётган бошқа ҳоллардан келиб чиқадиган талабларни қўйишга ҳақли. Бундай ҳолларда қарздор (лизинг берувчи) кредитор (лизинг олувчи) олдида учинчи шахс, яъни мол-мулкни сотувчининг ҳаракатлари учун жавобгар бўлмайди (ФКнинг 598-моддаси).

Қарздорнинг зарарни тўлаш мажбурияти

ФКнинг 324-моддасида қарздор мажбуриятни бутунлай бажармаганлиги ёки лозим даражада бажармаганлиги туфайли кредиторга етказилган зарарни тўлаши шартлиги нормаланган.

Қарздорнинг мажбуриятни бажармаслиги натижасида вужудга келган ва тўланиши лозим бўлган кредиторнинг харажатлари деганда, кредитор томонидан мазкур мажбурият юзасидан қилинган харажатлар ва қарздорнинг

Ўз вазифасини бажармаганлиги билан боғлиқ харажатлар тушунилади. Чунончи, маҳсулот етказиб берувчи томонидан маҳсулотнинг белгиланган муддатларда етказиб берилмаслиги туфайли маҳсулот олувчи корхонанинг фаолият кўрсатиб туриши вақтида қилинган харажатлар тўланиши лозим.

Мажбуриятни бажариш юзасидан топширилган мулк шартнома шартларига мувофиқ келмаганда ва кредитор бундай ҳолларда мулкни қарздорга қайтариш ёки мажбур бўлганида кредитор зарарларининг ундирилишидан қатъи назар, мулк учун тўланган пул суммаларининг ўзига қайтарилишини талаб қилиш ҳуқуқига эга.

Кредитор қарздорнинг ўз вазифасини бажарганлиги туфайли йўқотган мулкнинг қийматини ёки мулкнинг зарарланиши натижасида унинг қиймати камайишидан келган суммаларнинг тўланишини талаб қилиши мумкин. Маълумки, бозор муносабатлари шароитида шартномавий нархлар амал қилади. Унинг асосий хусусияти шундан иборатки, баъзи ҳолларда мажбурият вужудга келган пайтдаги нарх билан зарарни ундириш вақтидаги баҳолар ўртасида тафовут бўлиши мумкин. Қонунда ушбу ҳолатлар ҳам кўзда тутилади. ФКнинг 324-моддаси 2-қисми мазмунига кўра, агар қонун ҳужжатлари ёки шартномада ўзгача тартиб назарда тутилмаган бўлса, зарарни аниқлашда мажбурият бажарилиши керак бўлган жойда, қарздор кредиторнинг талабларини ихтиёрий қаноатлантирган кунда, борди-ю, талаб ихтиёрий қаноатлантирилмаган бўлса, даъво кўзгатиш кунда мавжуд бўлган нархлар эътиборга олинади. Суд вазиятга қараб, зарарни тўлаш ҳақидаги талабни қарор чиқарилган кунда мавжуд бўлган нархларни эътиборга олган ҳолда қаноатлантириши мумкин.

Қарздорнинг жавобгарликдан озод қилиниши асослари

Қарздорнинг мажбуриятни бажармаганлиги ёки лозим даражада бажармаганлиги унинг айбисиз содир бўлганлиги ёки бундай ҳолат кредиторнинг айби билан боғлиқ бўлса, умумий қоида бўйича қарздор жавобгарликдан озод бўлади.

Қарздор томонидан мажбуриятнинг аниқ бажарилишига тўсқинлик қилган юқорида кўрсатилган юридик фактлардан бирининг бўлиши – мажбурият бажарилиши мумкин бўлмаслиги тушунчасини билдиради.

Оддий тасодифий ҳолат – юридик маънода мажбуриятнинг қарздор томонидан унинг ва кредиторнинг айби бўлмаётган туриб бажарилганлиги ёки лозим даражада бажарилмаганлигини содир қилган ҳолат ҳисобланади. Бундай ҳолатлар учинчи шахсларнинг, чунончи, бошқа шахсларнинг ҳаракатлари билан ҳам боғлиқ бўлиши мумкин. Масалан, бегона бир шахснинг ҳаракатлари натижасида қарздор йўқлигида у томондан олди-сотди шартномаси бўйича кредиторга топширилиши лозим бўлган уйга ўт тушиб, ёниб кетишини кўрсатиш мумкин. Бозор муносабатлари шароитида тадбиркорликнинг аҳамиятини ҳисобга олган ҳолда тадбиркорлар учун муҳим кафолатни кўзда тутати. ФКнинг 333-моддаси 3-қисмига асосан ба-шарти, қонунда ёки шартномада назарда тутилган бўлмаса, тадбиркорлик фаолиятини амалга оширишда мажбуриятни бажармаган ёки лозим даражада бажармаган шахс мажбуриятни лозим даражада бажаришга енгиб

бўлмайдиган куч, яъни, фавқулодда ва муайян шароитларда олдини олиб бўлмайдиган вазиятлар (форс-мажор) туфайли имкон бўлмаганлигини исботлай олмаса, жавобгар бўлади.

Қарздор томонидан мажбуриятни бажармаганлик ёки лозим даражада бажармаганлик учун жавобгарликдан озод бўлишига асос бўлувчи ҳолатларга назария ва амалиётда “форс-мажор” дейилади. Француз ҳуқуқида бу ибора “енгиб бўлмайдиган куч” ва “тасодиф” тушунчасини ўз ичига камраб олади.

Мажбуриятнинг қарздор ва кредитор томонидан кечиктирилиши оқибатлари

ФКнинг 337-339-моддалари мажбуриятнинг бажарилиши қарздор ёки кредитор томонидан кечиктирилгани учун жавобгарлик тўғрисидаги масалани тартибга соладиган қоидаларни белгилайди.

Ижронинг қарздор томонидан кечиктирилиши деб, мажбуриятнинг у томонидан белгиланган муддатда бажарилмаслиги тушунилади.

Мажбуриятнинг бажарилишини кечиктирган қарздор бундай кечиктириши натижасида кредиторга етказилган зарарни тўлашга мажбур бўлади. Мазкур зарарнинг тўланишини қарздорни ўз мажбуриятини асл ҳолида бажаришидан озод қилмайди.

Қарздорнинг айби билан мажбуриятнинг ижро этилишининг кечиктирилиши мажбуриятнинг кейинчалик ижро этилиши имконияти бўлмаслиги учун жавобгарлигини оширади.

Агар мажбуриятнинг ижро этилиши кечиктирилган даврда мазкур мажбурият қарздорнинг айбидан қатъи назар, ижро этилиши мумкин бўлмаса ҳам, у ўз айби билан мажбуриятни ижро этмаганида қандай жавобгарликка тортиладиган бўлса, унга нисбатан худди шундай жавобгарлик белгиланади. Бундай ҳолларда жавобгарликни белгилаш учун қарздор томонидан кечиктирилиши асос қилиб олинади. Чунки қарздор сотилган нарсани ёки ижарага берилган ашёни ўз вақтида топширганида эди, ашё тасодифан нобуд бўлмаган бўлур эди, деб фараз қилинади.

Агар мажбуриятнинг бажарилиши қарздор томонидан кечиктирилганлиги туфайли унинг кейинчалик бажарилишига зарурат қолмаган бўлса, кредитор ФКнинг 337-моддаси 2-қисмида кўрсатилганидек, ижрони қабул қилишдан бош тортишга ва зарарни тўлашни талаб қилишга ҳақли.

Кредиторнинг кечиктирилиши ҳам муҳим ҳуқуқий оқибатлар туғдиради. Фуқаролик қонунчилиги юқорида айтилганидек, мажбуриятнинг бажарилишида қарздорнинг ҳам, кредиторнинг ҳам манфаатлари бир бўлиши зарурлигини белгилайди. Модомики, тарафлар мажбуриятни бажаришда бири-бирига кўмаклашишлари лозим экан, кредитор ўзининг хатти-ҳаракати билан мажбуриятнинг қарздор томонидан бажарилишига тўсқинлик қилмаслиги, ижрони оғирлаштирмаслиги керак.

Кредиторнинг кечиктирилиши деганда, мажбуриятнинг қарздор томонидан бажарилишида тўсқинлик қилишга ёки бундай ижронинг қийинлаштирилишига қаратилган ҳаракат тушунилади. Бундай ҳаракатнинг

оқибати учун кредитор мулкӣ жавобгар бўлиши, яъни бундай ҳаракатнинг мулкӣ оқибати кредиторнинг зиммасига кўйилиши керак.

Юқорида айтилганидек, кредитор мажбуриятнинг қарздор томонидан бажарилишида унга кўмаклашишга мажбур. Агар у ўзининг бундай мажбуриятини бажармаса, оқибатлари учун ҳам жавобгар бўлади. Кредиторнинг мажбуриятни кечиктириш оқибатлари қуйидагилардан иборат бўлиши мумкин:

биринчидан, мажбуриятнинг кечиктирилиши натижасида қарздорга етказилган зарарни тўлайди; масалан, қарздор мажбуриятини бажариш юзасидан керакли маҳсулотларни ўз вақтида етказган бўлса-ю, кредитор бўш омбор биносининг бўлмаслигини баҳона қилиб, маҳсулотни қабул қилишдан бош тортса, қарздор маҳсулотнинг ташилиши ва сақланиши билан боғлиқ ошқоча харажатлардан келган зарарларни кредитордан ундиришга ҳақли. Бу ҳолда кредитор бундай кечиктиришнинг ўз қасди ёки эҳтиётсизлиги билан боғлиқ бўлмаганлигини ёки бундай кечиктиришда қонун ёхуд кредиторнинг топшириғи бўйича мажбуриятни бажаришни ўз зиммасига олган бошқа шахсларнинг қасд ёки эҳтиётсизлигидан келмаганлигини исботласа, қарздор кўрган зарарларни тўлашдан озод қилинади;

иккинчидан, кредиторнинг кечиктириш вақти учун қарздор пул мажбуриятлари бўйича фоизлар тўламайди;

учинчидан, агар кредитор қарздорга унинг берган тилхатини ёки бошқа қарз ҳужжатини қайтаришдан, ёхуд тилхатда қарз ҳужжатининг қайтарилиши мумкин бўлмаслигини кўрсатишдан бош тортса, қарздор ижро этишни тўхтатишга ҳақли.

Қарздордан мажбуриятнинг реал тарзда бажарилишини баъзи ҳолларда ва баъзи асослар бўйича талаб қилиш мумкин бўлмайди. Бунга қуйидагиларни кўрсатиш мумкин:

1) мажбуриятнинг аслича бажарилиши мумкин бўлмаслиги, яъни мажбурият нарсаи хусусий аломатлари билан белгиланган ашё бўлиб, уни аслича топшириш мумкин бўлмаган ҳолатларнинг мавжудлиги ёки бирор-бир ҳолатнинг содир бўлиши сабабли қарздор мажбуриятини маълум бир жойда бажара олмаслиги каби;

2) мажбуриятнинг ҳуқуқий жиҳатдан бажарилиши мумкин бўлмаслиги, яъни баъзи ҳолларда мажбуриятнинг бажарилиши бундай мажбурият вужудга келгандан сўнг қабул қилинган қонун ҳужжатларига ҳилоф келадиган бўлса, мажбурият бажарилмаслиги мумкин;

3) баъзи ҳолларда мажбуриятнинг реал бажарилиши ниҳоятда қийин бўлиши мумкин. Масалан, шартнома бўйича бирор-бир мажбуриятни шахсан бажаришга мажбур қарздорнинг каттиқ бетоб бўлиб қолишини кўрсатиш мумкин.

5-савол. Мажбуриятларнинг бекор бўлиши тушунчаси

Ҳар қандай ҳуқуқий муносабат каби мажбурият ҳам муайян асослар, яъни, муайян юридик фактлар мавжуд бўлган вақтда бекор бўлади. Мажбуриятнинг бекор бўлиши деганда вужудга келган юридик факт туфайли

мажбурият иштирокчилари ҳуқуқ ва бурчларининг бекор бўлиши тушунилади.

Мажбурият Фуқаролик кодексида, бошқа қонунларда ёки шартномада назарда тутилган асосларга кўра тўлиқ ёки қисман бекор бўлади.

Мажбуриятни тарафлардан бирининг талаби билан бекор қилишга қонун ҳужжатлари ёки шартномада назарда тутилган ҳоллардагина йўл қўйилади (ФК, 340-модда). Амалдаги қонунчиликка кўра, мажбурият қуйидаги ҳолларда бекор бўлади:

- 1) мажбуриятнинг бажарилиши билан;
- 2) воз кечиш ҳақини бериш билан;
- 3) ҳисобга ўтказиш билан;
- 4) талабдан бошқа шахс фойдасига воз кечиш билан;
- 5) қарздор билан кредитор бир шахс бўлиб қолиши билан;
- 6) мажбурият янгилалиши билан;
- 7) қарздан воз кечиш билан;
- 8) бажариш мумкин бўлмаганлиги туфайли;
- 9) давлат органи ҳужжати асосида;
- 10) фуқаронинг вафот этиши билан;
- 11) юридик шахс тугатилиши билан.

Юқорида кўрсатилган умумий асослардан ташқари мажбуриятларни бекор қиладиган яна баъзи асослар уларнинг айрим турларини тартибга соладиган тегишли бобларда назарда тутилган. Жумладан, мулкни ижарага олувчи шартномани истаган вақтида бир томонлама бекор қила олиши мумкинлиги кўрсатилади.

Мажбуриятларнинг бажарилиши билан бекор бўлиши

ФКнинг 341-моддасида кўрсатилганидек, мажбурият қоида тариқасида унинг лозим даражада бажарилиши билан бекор бўлади.

Мажбуриятлар бекор бўлишининг кенг тарқалган усулларида бири – мажбуриятни тегишли равишда ижро этилишидир. Мажбуриятларнинг бекор бўлиши учун бажариш тегишли равишда амалга оширилмаса, мажбуриятни бекор қилмай, балки уни бузганлик учун мулкий жавобгарлик белгиланади, баъзи ҳолларда мажбуриятни реал равишда бажариш вазифаси ҳам сақланиб қолади.

Айрим мажбуриятлар тегишли равишда бажарилиши билан бекор бўлади, шу билан бирга, мажбуриятни талаб даражасида бажарган шахсга шу шартномани қайта тиклашда имтиёзли ҳуқуқ берилади. Масалан, бирор мулкни ижарага олган шахс ўз зиммасига олган мажбуриятини, талаб даражасида бажарса, шу мулкни ижарага олиш учун янги шартнома тузишда бошқа шахсларга нисбатан имтиёзли ҳуқуққа эга бўлади.

Кредитор ижрони қабул қила туриб, қарздорнинг талаби бўйича унга ижронинг тўла ёки қисман қабул қилинганлиги тўғрисида тилхат беришга мажбур. Агар қарздор мажбуриятни тасдиқлаш юзасидан кредиторга қарз ҳужжати берган бўлса, кредитор ижрони қабул қила туриб, бу ҳужжатни қайтариши, агар уни қайтариш мумкин бўлмаса, бу тўғрида ўзи берган

тилхатда кўрсатиши лозим. Тилхат қайтарилаётган қарз ҳужжатида устхат ёзиш билан ҳам алмаштирилиши мумкин.

Мажбуриятнинг бажарилганлигини исботловчи бошқа ҳужжатлар ҳам бўлиши мумкин. Сотилган ашёларни олувчига жўнатиш учун транспорт ташкилотига топширилиши ёки олувчига юбориш учун алоқа бўлимига берилиши тўғрисидаги ҳужжат шулар сирасига киради.

Қарз ҳужжатининг қарздор қўлида бўлиши, бошқа бир ҳол исботланмагунча, мажбуриятнинг бекор бўлганлигини тасдиқлайди.

Кредитор тилхат беришдан, қарз ҳужжатини қайтаришдан ёки қайтариб бериш имконияти йўқлигини тилхатда кўрсатишдан бош тортган тақдирда, қарздор ижрони тўхтатиб туришга ҳақли бўлади. Бундай ҳолларда кредитор муддатни кечиктирган ҳисобланади (ФК, 258-модда).

Қарз ҳужжатининг қайтарилиши ёки уни қайтариш мумкин бўлмаганлиги тўғрисидаги тилхат ўрнига берилган ҳужжат устига ижронинг қабул қилинганлиги ҳақида ёзиб бериши мажбуриятнинг ижро этилганлигини исботлаш ҳужжатларидан бири ҳисобланади.

Мажбуриятларнинг ҳисобга ўтказиш йўли билан бекор бўлиши

Ҳисобга ўтказиш – бу мажбуриятни бекор қиладиган шундай усулки, бунинг воситасида муддати тўлган ёки қисман муддати кўрсатилмаган ёхуд талаб қилиш пайти билан белгиланган муқобил ўхшаш талаб ҳисобга ўтказилиши билан мажбурият тўлиқ ёки қисман бекор бўлади (ФКнинг 343-моддаси, чунончи, ким ошди савдосида ғолиб чиққан шахс билан шартнома тузишда у тўлаган закат суммаси тузилган шартнома бўйича мажбуриятларни бажаришда ҳисобга ўтказилади).

Ҳисобга ўтказиш ўз-ўзича автоматик равишда амалга оширилмайди. Фуқаролик ҳуқуқи нуқтаи назаридан ҳисобга ўтказиш бир томонлама битим бўлиб кўрингани туфайли бунга бир томоннинг ҳисоблашиш тўғрисидаги аризаси кифоя қилади.

Ҳисобга ўтказиш – мажбуриятларнинг бажарилишини осонлаштиради, чунки бу усул тарафларни бир-бирларига пул тўлаш билан бўлган ошиқча ҳаракатларни қилишдан озод қилади ва ҳар икки кредиторнинг манфаатларини яхши таъминлайди.

Муқобил (қарши) талабни ҳисобга ўтказиш фуқаролар иштирок этган муносабатларда ҳам, ташкилотлар ўртасидаги муносабатларда ҳам қўлланилади. Ташкилотлар ўртасидаги ўзаро муносабатларга муқобил (қарши) талабни ҳисобга ўтказиш, банк орқали ҳисоблашиш шаклида амалга оширилади. Банк ташкилотлар ихтиёридаги пул маблағларининг айланишини тезлатиш мақсадида нақд пулсиз ўзаро ҳисоблашишни амалга оширади.

Банк орқали ҳисобга ўтказиш ФКнинг тегишли моддаларидан ташқари ваколатли органлар томонидан чиқарилган махсус ҳужжатлар билан ҳам тартибга солинади.

Қонун муқобил (қарши) талаб ҳисоби йўли билан мажбуриятларнинг бекор бўлиши учун қуйидаги уч талабни қўяди:

1) мажбуриятлар қайтарма бўлиши, яъни кредиторлар бир-бирига нисбатан қарздор бўлиши керак. Масалан, ижарага олувчи ижарага берувчига ижара ҳақи учун 20.000 сўм тўлаши керак бўлса, ижарага берувчи ундан 20.000 сўм қарз бўлса – муқобил талаб ҳисобидир;

2) қарама-қарши талаб бир хилда, талаб қилинадиган нарсанинг аломатлари ҳам шу турда бўлиши керак. Масалан, пулга пул, буғдойга буғдой каби. Агар қарама-қарши талабнинг нарсаси бир хилда бўлмаса, ўзаро муқобил талабни ҳисобга ўтказиш мумкин эмас. Масалан, бир томон бир ашё юзасидан виндикацион даъво қўзғатса, иккинчи томон эса шартнома бўйича кўрсатилган хизматни талаб қилса, бундай талаблар ўзаро қарши талабни ҳисобга ўтказиш йўли билан бекор бўлмайди, яъни муқобил (қарши) талабни ҳисобга ўтказиш йўли билан ҳисоблашиш мумкин эмас;

3) бир хилдаги қарама-қарши талабни ҳисобга ўтказишда уларни бажариш муддатлари тўлган бўлиши керак. Агар бажариш муддати кўрсатилмаган ёки талаб қилиш пайти билан белгиланган бўлса, мажбуриятни бажаришнинг ҳисобланиши ҳар қачон талаб этилиши мумкин. Шунинг учун бундай талабни ўзаро ҳисобга ўтказишда бажариш муддати аҳамиятсиздир. Бироқ кредитор бажариш муддати тўлмаган талабини шу кредитордан талаб қилиш муддати тўлган қарздорнинг талабига қарши ўзаро ҳисобга ўтказишга ҳақли эмас.

Муқобил (қарши) талабларни ҳисобга ўтказишга қўйилмайдиган ҳолатлар амалдаги қонун ҳужжатларида белгиланганидек,

–даъво муддати ўтган талабларни (даъво муддатининг ўтиб кетиши талаб қилиш ҳуқуқини йўқотади);

–фуқаронинг соғлиғига шикаст етказиш ёки унинг вафоти муносабати билан етказилган зарарни тўлаш тўғрисидаги талабини;

–алиментлар ундириш ҳақидаги талабни;

–умрбод таъминлаш шарти билан уй-жойни (квартирани) бошқа шахсга топшириш талабини (меҳнатга қобилиятсиз шахсларни моддий жиҳатдан таъминлаш мақсадида бўлганлиги туфайли);

–қишлоқ хўжалик маҳсулотлари контракция шартномалари бўйича мажбуриятларнинг бажарилмаганлиги ёки зарур даражада бажарилмаганлиги учун томонларнинг мулкий жавобгарлигини⁷⁷;

–қонунда ёки шартномада назарда тутилган бошқа ҳоллардаги талабни ҳисобга ўтказишга йўл қўйилмайди.

Қарздор билан кредитор бир шахс бўлиб қолганида мажбуриятнинг бекор бўлиши

Қарздор билан кредитор бир шахс бўлиб қолганида мажбурият бекор бўлади (ФК, 346-модда). Маълумки, ҳар қандай шахс ўзига ўзи ҳам қарздор, ҳам кредитор бўлиши мумкин эмас. Бундай кредитор ва қарздорнинг бир

⁷⁷Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил 4 сентябрдаги 383-сонли қарори билан тасдиқланган “Қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштирувчилар билан тайёрлов, хизмат кўрсатиш ташкилотлари ўртасида шартномалар тузиш, уларни рўйхатдан ўтказиш, бажариш, шунингдек уларнинг бажарилиши мониторингини олиб бориш тартиби тўғрисида”ги Низом // Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2003, 17-сон, 143-модда.

шахс бўлиб қолиши кўпинча мерос олишда учрайди. Масалан, мерос олувчи шахс ўз акаси ёки отасига қарздор бўлса, кейинчалик мерос очилиши натижасида кредиторнинг (мархум ака ёки отанинг) талаб қилиш ҳуқуқларини ўзига олади.

Қарздор билан кредиторнинг бир шахс бўлиб қолиши фуқаролар ўртасидагина эмас, балки юридик шахслар ўртасида ҳам юз бериши мумкин. Одатда, юридик шахслар қайта ташкил бўлиши ёки бир нечаси қўшилиши туфайли (универсал ҳуқуқий ворислик) қарздор ва кредитор бўлган ташкилотлар бир юридик шахс бўлиб қолиши – мажбуриятни бекор қилади. Агар бунда қўшилиш кейинчалик бекор бўлса, мажбурият янгидан пайдо бўлади. Чунончи, бир-бирига қарздор бўлган икки хўжалик қўшила туриб, кейинчалик яна ажралсалар аввалги қарздор хўжаликларнинг мажбурияти янгидан пайдо бўлади.

Тарафларнинг келишуви бўйича ва қарздорни қарздан воз кечиши бўйича мажбуриятнинг бекор бўлиши

Тарафларнинг келишувига мувофиқ мажбуриятларнинг бекор қилинишида бундай келишув бажарилмаган мажбуриятларни келгусида бажаришдан озод қилишга қаратилган бўлади ва ҳар икки тараф мажбуриятни бажаришга ҳали киришмаган вақтда ёки мажбуриятнинг бир қисми бажарилган пайтда юз беради. Тарафларнинг келишувлари турлича мазмунда, чунончи, қарзни тўлашдан ёки бирор-бир ишни бажаришдан озод қилиш тўғрисида бўлиши мумкин. ФКнинг 342-моддасига асосан тарафларнинг келишувига мувофиқ мажбурият уни бажариш ўрнига воз кечиш ҳақини бериш (пул тўлаш, мол-мулк бериш каби) билан бекор қилиниши мумкин. Воз кечиш ҳақининг миқдори, муддатлари ва уни бериш тартибини тарафлар белгилайдилар.

Кредиторнинг қарздан воз кечиши ҳам мажбуриятнинг бекор бўлишига олиб келади. Бу бир тарафлама битим бўлиб, унда тарафларнинг келишуви рўй бермайди. Бироқ бунда кредиторнинг қарздан воз кечиши бошқа шахсларнинг кредитор мол-мулкига нисбатан ҳуқуқларини бузмаса, мажбурият бекор бўлади (ФК, 348-модда).

ФКнинг 347-моддасида кўрсатилганидек, тарафлар ўз ўрталаридаги дастлабки мажбуриятни бошқа нарсани ёки бошқача ижро этиш усулини назарда тутувчи янги мажбурият билан алмаштириш (мажбуриятни янгилаш) ҳақида келишиб олсалар, мажбурият бекор бўлади. Чунончи, бирор-бир нарса насияга олинганида олди-сотди шартномасидан келиб чиққан мажбурият тарафларнинг келишуви билан қарз мажбуриятига айлантирилади. Бундай ҳолда тарафлар ўртасида қарз шартномаси билан тартибга солинадиган ҳуқуқий муносабат келиб чиқади.

Бир мажбуриятнинг бошқа бир мажбурият билан алмаштирилиши учун қатор шартлар талаб қилинади. Бунда, биринчидан, тарафлар ўртасидаги бир мажбуриятни бекор қилиш учун бошқа турдаги мажбурият билан алмаштириш ҳақидаги келишув бўлиши; иккинчидан, ҳаракатда бўлган, ҳақиқий мажбуриятнинг бўлиши (агар дастлабки мажбурият ҳақиқий бўлмаса ёки бекор қилинган бўлса, у ҳолда мажбуриятни бошқа бир

мажбурият билан алмаштириш тўғрисида келишув ҳам бўлиши мумкин эмас); учинчидан, янги мажбурият ҳақиқий бўлиши ва эски мажбуриятдан бирор-бир фарқи бўлиши керак.

Бажариш мумкин бўлмаганлиги туфайли мажбуриятнинг бекор бўлиши

Фуқаролик ҳуқуқида мажбуриятни бажариш мумкин бўлмаслиги деб шундай вазият тушуниладики, бунда қарздорга мажбурият мазмунини ташкил этган ҳаракатларни бажариш имконияти бўлмай қолади.

ФКнинг 349-моддасида кўрсатилишича, агар тарафлардан бирортаси ҳам жавоб бермайдиган вазият туфайли мажбуриятни бажариш мумкин бўлмай қолса, у бекор бўлади. Башарти, қарздор мажбуриятни кредиторнинг айбли ҳаракатлари туфайли бажариши мумкин бўлмаса, кредитор ўзининг айбли ҳаракатлари туфайли бажариши мумкин бўлмаса, кредитор ўзининг мажбурият бўйича бажарганларини қайтариб беришни талаб қилишга ҳақли эмас.

Бажариш мумкин бўлмаслик тасодифий ҳолатлар туфайли бўлишини бировнинг айби билан боғлиқ бўлиши ҳолатидан ажратиш керак. Тасодифий ҳолат туфайли бажариш мумкин бўлмаслиги деб мазкур шароитда, вазиятда қайтара олмайдиган куч, чунончи, сув тошқини, zilзила, ёнғин каби табиий офатлар туфайли бажариш мумкин бўлмаслиги тушунилади.

Бажаришнинг мумкин бўлмай қолиши қарздор айби билан бўлган деб ҳисоблаш учун бажариш имкониятини бермаган ҳолатлар қарздор қасддан ёки эҳтиётсизликдан йўл қўйган бўлиши ёхуд унинг олдини олмаган бўлиши керак. Агар бажаришга имконият бермайдиган ҳолатлар қарздорнинг айби билан содир этилган бўлса, у ҳолда қарздор мажбуриятни бажаришдан озод бўлмайди, бундай ҳолда мажбурият бекор бўлмай ўз кучида қолиб, фақат унинг мазмуни юз берган ҳолатга қараб ўзгариши мумкин.

Мажбуриятнинг давлат органи ҳужжати асосида бекор бўлиши

ФКнинг 350-моддасига асосан агар давлат органининг ҳужжати чиқиши натижасида мажбуриятни бажариш тўлиқ ёки қисман мумкин бўлмай қолса, мажбурият тўлиқ ёки унинг тегишли қисми бекор бўлади. Масалан, Ўзбекистондаги мис комбинати хориждаги корхонага мис етказиб бериш ҳақидаги шартнома бўйича мажбуриятга эга бўлиши мумкин. Борди-ю, Ўзбекистон Республикаси Ҳукумати хорижга мис экспорт қилишни чеклаш ҳақида қарор қабул қилгудай бўлса, ушбу мажбурият бекор бўлади. Бунинг натижасида зарар кўрган тарафлар ФКнинг 12- ва 15-моддаларига мувофиқ уни тўлашни талаб қилишга ҳақлидирлар.

Давлат органининг мажбурият бекор бўлишига асос бўлган ҳужжати белгиланган тартибда ҳақиқий эмас деб топилганда, агар тарафларнинг келишувида ёки мажбуриятнинг моҳиятидан бошқача тартиб келиб чиқмаса ва мажбуриятни бажариш кредитор учун ўз аҳамиятини йўқотмаган бўлса, мажбурият тикланади.

Фуқаронинг вафот этиши ёки юридик шахснинг тугатилиши сабабли мажбуриятнинг бекор бўлиши

Мажбурият иштирокчиси бўлган фуқаро вафот этиши туфайли мажбуриятлар барча ҳолларда ҳам тугатилмайди, чунки қонун билан белгиланган баъзи ҳолларда марҳумнинг ҳуқуқ ва бурчлари унинг ворисларига ўтади. Жумладан, меросни қабул қилган ворис мерос қолдирувчининг қарзлари юзасидан ўзига ўтган мерос мулкининг ҳақиқий қиймати доирасида жавобгар бўлади. Мерос мулки ворислар бўлмагани учун давлатга ўтган бўлса, давлат ҳам шу тартибда марҳумнинг қарзлари учун жавоб беради.

Агар мажбуриятни қарздорнинг шахсий иштирокисиз бажариш мумкин бўлмаса ёки мажбурият бошқача тарзда қарздорнинг шахси билан чамбарчас боғлиқ бўлса, қарздор вафот этиши билан бекор бўлади (ФК, 351-модда). Чунончи, вакил вафот этса, у томондан олинган мажбурият ҳам бекор қилинади, чунки вакиллик шахсий ишончга асосланиб белгиланган ҳуқуқий муносабат ҳисобланади. Агар мажбуриятни бажариш шахсан кредитор учун мўлжалланган ёки мажбурият бошқача тарзда кредиторнинг шахси билан боғлиқ бўлса, кредитор вафот этиши билан мажбурият бекор бўлади. Чунончи, соғлиғига шикаст етказганлиги туфайли зарар ҳақини олиб турган фуқаронинг вафот этиши билан унга нисбатан белгиланган мажбуриятлар ҳам бекор бўлади ва ҳоказо.

Мавзуни мустаҳкамлаш учун саволлар.

- 1.Мажбурият ва мажбурият ҳуқуқи тушунчалари.
- 2.Мажбурият турлари ва мазмуни.
- 3.Мажбуриятларнинг вужудга келиш асослари.
- 4.Мажбуриятнинг тарафлари. Улушли ва шерик мажбуриятлар.
- 5.Мажбуриятда қатнашувчи тарафларнинг кўпчилик бўлиши.
- 6.Мажбуриятда шахсларнинг ўзгариши.
- 7.Регресс (қайтарма) мажбурият.
- 8.Мажбуриятларни бажариш тушунчаси ва аҳамияти.
- 9.Мажбуриятларни бажариш тамойиллари.
- 10.Мажбуриятни бажарувчи субъектлар (шахслар).
- 11.Мажбуриятни бажариш предмети, муддати, жойи ва усуллари.
- 12.Пул мажбуриятларининг валютаси. Муқобил мажбуриятлар
- 13.Мажбуриятларнинг бажарилишини таъминлаш тушунчаси ва аҳамияти.
- 14.Мажбуриятларни таъминлаш усуллари:
 - а) неустойка ва унинг шакллари;
 - б) гаров ва унинг турлари;
 - в) ушлаб қолиш;
 - г) кафиллик;
 - д) кафолат;
 - е) закат.
- 15.Мажбуриятларни бузганлик учун фуқаролик ҳуқуқий жавобгарлик тушунчаси ва унинг ўзига хос хусусиятлари.
- 16.Мажбуриятларни бузганлик учун фуқаролик ҳуқуқий жавобгарлик шакллари ва турлари.
- 17.Мажбуриятларни бузганлик учун жавобгарлик асослари.

18. Жавобгарликдан озод қилиш асослари.

19. Мажбуриятнинг қарздор ва кредитор томонидан кечиктирилиши оқибатлари.

20. Мажбуриятларнинг бекор бўлиши тушунчаси ва асослари.

21. Мажбуриятлар бекор бўлишининг асослари:

а) бажарилиши билан;

б) воз кечиш ҳақини тўлаш билан;

в) ҳисобга ўтказиш йўли билан;

г) қарздор билан кредитор бир шахс бўлиб қолиши билан;

д) мажбурият янгиланиши билан;

е) қарздан воз кечиш билан;

ж) бажарилиши мумкин бўлмаганлиги туфайли;

з) давлат органи ҳужжати асосида;

и) фуқаронинг вафот этиши билан;

к) юридик шахснинг тугатилиши билан.

Таянч сўз ва иборалар.

Мажбурият ҳуқуқи, виндикацион даъво, негатор даво, мажбуриятни лозим даражада бажарилиши, неустойка, гаров, закат, ушлаб қолиш, шартнома мажбуриятлари, кредитор, қарздор, муқобил мажбуриятлар, юридик шахс, регрес мажбурият, улушли ва шерик мажбуриятлар.

Глоссарийлар.

Виндикацион даъво - мулкни бировнинг қонунсиз эгаллашидан талаб қилиб олиш.

Негатор даъво - мулкдорнинг ҳуқуқларини эгаллик қилишдан маҳрум этиш билан боғлиқ бўлмаган ҳуқуқбузарликлардан ҳимоя қилиш.

Мажбуриятларни бажариш - қарздор томонидан кредитор талабига мувофиқ муайян бир ҳаракатнинг қилиниши ёки ҳаракатдан сақланиши тушунилади.

Мажбуриятларнинг аниқ бажарилиши - шартномада кўрсатилган ҳаракатнинг айнан ўзи бажарилишининг, топширилиши лозим бўлган нарсанинг (маҳсулотнинг) асл ҳолатида топширилишини билдиради.

Мажбуриятнинг бажарилишини таъминлаш - қарздор томонидан олинган ва унинг зиммасида бўлган вазифани бажаришга мажбур қиладиган чора тушунилади.

Неустойка - қонун ҳужжатлари ёки шартнома билан белгиланган, қарздор мажбуриятни бажармаган ёки лозим даражада бажармаган тақдирда кредиторга тўлаши шарт бўлган пул суммасидир.

Гаров - амалдаги қонунчиликка кўра, бир шахснинг бошқа шахсга мол-мулкни ёки унга бўлган ҳуқуқни мажбуриятларни таъминлаш учун берилиши.

Шартнома - икки ёки бир неча жисмоний ёки юридик шахснинг ҳуқуқ ва бурчларини вужудга келтириш, ўзгартириш ёки бекор қилиш ҳақидаги ёзма келишувидир.

Мажбурият ҳуқуқи – мулк топшириш, ишларни бажариш, хизмат кўрсатиш ёки пул тўлаш билан боғлиқ бўлган ижтимоий муносабатларни тартибга соладиган фуқаролик-ҳуқуқий нормалар йиғиндиси.

Шартномали мажбуриятларга оид ҳуқуқий институтлар асосан шартномавий муносабатлардан вужудга келади ва унинг асосий хусусияти мажбурият тарафларининг эрк-иродасини номоён этиш орқали юзага келади.

Шартномасиз мажбуриятлар шахснинг эрк-иродасидан ташқарида юз беради ёки бир томонлама ҳаракат натижасида келиб чиқади.

Мажбурият мазмуни деганда, кредиторнинг қарздор томонидан муайян ҳаракатлар қилинишини (ёки қилинмаслигини) талаб этишга бўлган ҳуқуқи ва қарздорнинг шунга яраша бўлган бурчи тушунилади.

Шартномавий жавобгарлик. Бу жавобгарлик шартномадан келиб чиқадиган мажбуриятлар бузилганлиги ҳолларида юзага келади ҳамда шартномага асосланган мажбурият бузилганлиги учун қўлланиладиган ҳуқуқий чора сифатида кўрилади.

Ношартномавий жавобгарлик шартномадан ташқари мажбуриятлар бузилиши оқибатида келиб чиқадиган жавобгарлик ҳисобланади. Шартномавий жавобгарлик билан ношартномавий жавобгарликни бири-биридан ажратиш муҳим юридик аҳамиятга эга.

Улушли жавобгарлик. Қарздорларнинг ҳар бири ёки умумий мулк субъектлари орасидан битта қарздор қонун ёки шартномада белгиланган муайян улушда жавобгар бўлишганда юзага келади. Бу жавобгарлик тури адабиётларда турлича номланиши мумкин. Айрим адабиётларда улушли⁷⁸, айримларида эса хиссали⁷⁹ жавобгарлик тарзида қўлланилади. Лекин ҳар икки атама ҳам синоним сўзлар бўлганлиги сабабли хатоликни келтириб чиқармайди.

Солидар жавобгарлик. Бир мажбурият бўйича бир неча шахснинг биргаликдаги жавобгарлиги ҳисобланади.

Солидар деган тушунча фуқаролик-ҳуқуқий муносабатларда шерикликни, биргаликда ҳаракат қилишни, бирор бир вазифани, тадбиркорлик фаолиятини жисмоний ёки юридик шахслар томонидан ўзаро келишилган ҳолда биргаликда амалга ошириш, бажариш мажбуриятини олиш, шунинг билан бирга олинган мажбурият бажарилмаган тақдирда биргаликда ёки бири учун иккинчиси жавоб бериш маъносини беради.

Субсидиар жавобгарлик – қарздор томонидан мажбурият бўйича қарзнинг қопланмаган қисмига нисбатан учинчи шахснинг қўшимча жавобгарлиги ҳисобланади. Соддароқ қилиб айтганда субсидиар жавобгар кредитор олдида асосий қарздорнинг жавобгарлигига нисбатан қўшимча жавобгарликни ўз зиммасига олади.

Фойдаланилган адабиётлар.

Асосий адабиётлар:

1. Зокиров И.Б. Фуқаролик ҳуқуқи: Дарслик. 1 қисм. –Т. ТДЮИ нашриёти, 2009. 611 б.
2. Инсон ҳуқуқлари тўғрисида халқаро Билль. -Т.: Адолат. 1992.
3. Муаллифлар жамоаси. Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг иккинчи қисмига шарҳлар. -Т.: Иқтисодиёт ва ҳуқуқ дунёси. 1998. 324 б.
3. Топилдиев Б. Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик ҳуқуқи. (биринчи ва иккинчи қисмлар). -Т.: ТДЮИ. 2014. 511 б.

Қўшимча адабиётлар:

1. Каримов И.А. Инсон, унинг ҳуқуқ ва эркинликлари ҳамда манфаатлари – энг олий қадрият. // Халқ сўзи, 2005 йил 9 декабрь.
2. Мирзиёев Ш.М. Демократик ислоҳотларни изчил давом эттириш халқимиз учун тинч ва осойишта, муносиб ҳаёт даражасини яратиш барқарор тараққиёт кафолатидир // Халқ сўзи. 2016 йил 2 ноябр.
3. Каримов И.А. Ўзбекистон - бозор муносабатларига ўтишнинг ўзига хос йўли./ Биздан озод ва обод Ватан қолсин. -Тошкент: Ўзбекистон, 1994. -48 б.
3. Мирзиёев Ш.М. Қонун устуворлиги ва инсон манфаатларини таъминлаш-юрт тараққиёти ва халқ фаровонлигининг гарови Халқ сўзи 8 декабр 2016 йил. Ўзбекистон Республикасининг сайланган Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганлигининг 24 йиллигига бағишланган тантанали маросимидаги маърузаси .
4. Ўзбекистон Республикаси Президентининг "2017 — 2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устивор йуналиши буйича Ҳаракатлар стратегиясини амалга оширишга доир ташкилий чоратadbирлар туғрисида" 2017 йил 14 февралдаги Ф-4849- сонли Фармойиши. Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2017 й.. 7-сои, 88-модда;
5. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси-Т.: Ўзбекистон, 2017.
6. Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик кодекси. (2016 йил 1 июлгача бўлган ўзгариш ва қўшимчалар билан). Тўплам. “Адолат” нашриёти.
7. Раҳмонқулов Ҳ. Фуқаролик ҳуқуқининг объектлари. Ўқув қўлланма. – Тошкент: ТДЮИ. 2009. -6 б.
8. Фуқаролик ҳуқуқи. Иккинчи қисм. –Тошкент: Илм зиё, 2008. -392 б.
9. Раҳмонқулов Ҳ. Мажбурият ҳуқуқи. –Тошкент: ТДЮИ, 2005. -46 б.
10. Муаллифлар жамоаси. Шартнома ҳуқуқи. –Тошкент. ТДЮИ, 2006.

Elektron resurslar.

1. <http://Allpravo.ru>
2. <http://Internet-law.ru>
3. <http://dissertation1.narod.ru/avtoreferats1>
4. <http://www.library.by/data>
5. <http://www.lawportal.ru>
6. <http://www.legislature.ru>
7. <http://www.ziyonet.uz>
8. <http://www.gov.uz>

9-МАВЗУ: Шартнома тушунчаси ва аҳамияти. Режа;

1. Бозор муносабатлари шароитида шартнома тушунчаси ва аҳамияти.
Шартномани тузиш эркинлиги.
2. Шартномаларнинг турлари. Оммавий шартнома.
3. Шартнома мазмуни. Шартноманинг асосий шартлари.(бандлари)
Шартноманинг намунавий шартлари.Шартноманинг бошқа бандлари.
1. Шартноманинг бекор қилиниши ҳоллари.
Шартнома тузиш тўғрисидаги асосий қоидалар.
5. Шартномани ўзгартириш ва бекор қилиш асослари.

1.Бозор муносабатлари шароитида шартнома тушунчаси ва аҳамияти.

ФКнинг 8-моддаси талабига кўра, шартномалар тарафлар ўртасида фуқаролик ҳуқуқ ва бурчлари вужудга келишининг асосларидан биридир. Шубҳасиз, бугунги кунда шартномаларга алоҳида аҳамият берилмоқда. Чунки шартномаларда бошқа юридик фактларга қараганда, тарафларнинг эрки-иродаси тўла ифодаланadi.

Шартномага киришувчи шахслар ким билан, қанча, қачон шартнома тузишни у туфайли етказиб берилиши лозим бўлган пул, товар, ашёларни қайси муддатларда, қандай транспортларда етказилишини, тўлов амалдаги қандай шаклларда бўлишини мутлақо ўзлари, мустақил ҳал қиладилар. Улар шартномалар тузишда эркиндирлар, шартнома тузишга мажбурлашга йўл қўйилмайди⁸⁰.

⁸⁰Аммо бу ҳолатдан айрим истиснолар бор. Чунончи, парвоз вақтида ёки аэропорт, шохбекат, бекат, бандаргоҳда рўй бериши мумкин бўлган бахтсиз ҳодисаларда давлат мажбурий сўғуртасидан ўтказилиши керак бўлган ҳаво, темир йўл, ички сув ва автомобиль транспорти йўловчилари муқаррар тарзда сўғурталанадилар. //Ўзбекистон Республикасининг 1993 йил 7 майдаги “Умумий фойдаланишдаги ҳаво,

Амалиёт шуни кўрсатмоқдаки, шартномалар тузишнинг эркинлиги, ундан тарафларнинг ўзаро манфаатдорлиги, шартномада шартнома интизомининг мустаҳкамлиги (яъни, халқ тили билан айтганда, “шартноманинг пулдан қимматлиги”), унда маъмурий-буйруқбозликка асосланган жавобгарликдан кўра, мулкый жавобгарликнинг кенг белгиланиши хўжалик юритувчи субъектларни тобора ушбу ҳуқуқий воситадан (шартномадан) тўлароқ фойдаланишга жалб қилмоқда. Шартномаларнинг аҳамиятини кенг тушунтириш мумкин.

Аммо уларнинг сараси шартномалар тўлов интизомини кучайтиради, тарафларнинг фаолиятини ҳар томонлама рағбатлантиради, ўз навбатида тарафларнинг масъулиятини оширади, хўжаликнинг дебиторлик ва кредиторлик ҳолатини яхшилайти, пировардида тарафларнинг барқарорлигини таъминлайди. Бу эса, ўз навбатида, жамиятда товарлар, хизматлар ва капиталларнинг мўл-кўллигига гаровдир.

Шу маънода соҳанинг тезкор ва таъсирчан ҳуқуқий механизмини яратиш, шартномалар тузиш ва бажаришни таъминлаш мақсадида мамлакатимизда “Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий-ҳуқуқий базаси тўғрисида” қонун⁸¹ қабул қилинди, шартномаларни тузиш ва бажариш мониторинги юритилмоқда. Булар, ўз навбатида, тузилган шартномаларни тезроқ ва реалроқ ишлашига хизмат қилмоқда.

Шартнома икки ёки ундан ортиқ шахснинг фуқаролик ҳуқуқлари ва бурчларини белгилаш, ўзгартириш ёки бекор қилишга қаратилган ўзаро келишувидир.

Шартнома атамаси уч маънода: юридик факт; бирор-бир юридик фактга асосланган, моддий манфаатлар тўғрисидаги ҳуқуқий муносабат; шахслар (фуқаролар ва ташкилотлар) нима тўғрисида ўзаро келишсалар, шуни акс эттирувчи, ифодаловчи ҳужжат маъносида ишлатилади. Бу ерда у ўзининг биринчи маъноси – юридик факт сифатида кўрилади ва ўрганилади.

Шартномадан келиб чиққан мажбуриятларга, агар қонунларда бошқача ҳол назарда тутилмаган бўлса, ФКда белгиланган мажбуриятлар ҳақидаги умумий қоидалар (ФКнинг 234-352-моддалари) қўлланилади.

2 савол. Шартномаларнинг турлари

Шартнома унда иштирок этаётган тарафлар ўртасида ҳуқуқ ва мажбуриятларнинг ўзаро тақсимланишига қараб **бир томонлама, икки томонлама** ва **кўп томонлама** шартномаларга бўлинади.

Бир томонлама шартномада иштирок этаётган тарафларнинг бирида фақат ҳуқуқ бўлиб, ҳеч қандай мажбурият бўлмайди, иккинчи тарафда эса фақат мажбурият бўлади. Масалан, қарз шартномасида қарздор олган пул суммасини ўз вақтида қарз берувчига тўлаш мажбуриятига ва кредитор эса уни талаб қилиш ҳуқуқига эга.

темир йўл, ички сув ва автомобиль транспорти йўловчиларининг мажбурий шахсий суғуртаси тўғрисида”ги қонуни// Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг Ахборотномаси, 1993. 6-сон, 250-модда.

⁸¹Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1998. 9-сон, 170-модда.

Икки томонлама шартномада эса ҳар икки тараф ҳам мустақил ҳуқуқ ва мажбуриятга эга бўлади. Бундай шартномага олди-сотди шартномасини мисол қилиб келтириш мумкин. Бу шартнома бўйича сотувчи сотилган ашёнинг баҳосини талаб қилиш ҳуқуқига эга бўлиб, сотилган ашёни олувчига топширишга мажбур, олувчи эса – олаётган ашёнинг баҳосини тўлаши зарур бўлиб, сотиб олинган ашёни талаб қилиб олишга ҳақли.

Шартномалар **ҳақ бараварига** ва **текинга** тузиладиган шартномаларга бўлинади. Ҳақ бараварига тузиладиган шартномалар бир тараф топширган мулки, қилган хизмати эвазига пул ёки мулк билан ҳақ олади. Масалан, бир тараф вақтинчалик фойдаланиш учун мулкни ижарага олувчи ундан фойдалангани учун ижара ҳақи тўлашга мажбур бўлади. Бундай ҳақ бараварига тузиладиган шартномаларга олди-сотди, маҳсулот етказиб бериш, айирбошлаш, пудрат ва бошқа кўплаб шартномаларни мисол қилиб кўрсатиш мумкин. Агар қонун ҳужжатларидан бошқача қоида келиб чиқмаса, шартноманинг мазмуни-моҳиятидан ўзгача ҳол англашилмаса, шартнома ҳақ эвазига тузилган шартнома деб ҳисобланади.

Текинга тузиладиган шартномада эса бир тараф бошқа бир тараф фойдасига ҳақ олмай, бирор-бир мулкни топшириш, бирор ишни бажариши мумкин. Масалан, ҳадя шартномаси бўйича мулк эгаси ўз мулкни бошқа бир шахсга текинга беради. Текин фойдаланиш, фойсиз қарз шартномалари ҳам бепул тузиладиган шартномаларга киради.

Шартномалар тузилиш пайтига ва мазмунига қараб **консенсуал** ва **реал** шартномаларга бўлинади.

Консенсуал шартномалар ҳуқуқ ва мажбуриятлар тарафларнинг келишувлари асосида қонун талаб қилган шаклда расмийлаштирилганлари заҳоти тузилган ҳисобланади. “Консенсуал” сўзи латинча “консенсус” сўзидан олинган бўлиб, “келишув” маъносини билдиради. Консенсуал шартномага мисол қилиб олди-сотди, маҳсулот етказиб бериш, пудрат, мулкни ижарага бериш каби шартномаларни кўрсатса бўлади. Фуқаролик ҳуқуқида аксарият кўпчилик шартномалар консенсуал шартномалар гуруҳига киради.

Реал шартномалар бўйича ҳуқуқ ва мажбуриятлар тарафлар ўзаро келишган ва шартнома нарсаи ашё ёки пул топширилган пайтдан вужудга келади.

“Реал” сўзи латинча “рес” сўзидан олинган бўлиб, “ашё” маъносини билдиради. Реал шартномага мисол қилиб қарз, омонат, ҳадя, текин фойдаланиш шартномаларини кўрсатиш мумкин.

Учинчи шахс фойдасига тузиладиган шартномалар умумий қоида бўйича шартномадан келиб чиқадиган ҳуқуқ ва мажбуриятлар шартнома тузишда қатнашган тарафлар учун пайдо бўлади. Айрим ҳолларда шартнома учинчи шахс фойдасига тузилиши ҳам мумкин. Учинчи шахс фойдасига тузилган шартномага мисол қилиб суғурта шартномасини кўрсатиш мумкин. Учинчи шахс шартномада алоҳида тараф ҳисобланмайди. Бироқ, ФКнинг 362-моддасида кўрсатилганидек, агар қонун ҳужжатларида ёки шартномада ўзгача тартиб назарда тутилмаган бўлса, учинчи шахс шартнома бўйича ўз

ҳуқуқидан фойдаланиш ниятини қарздорга билдирган пайдан бошлаб тарафлар ўзлари тузган шартномани учинчи шахснинг розилигисиз бекор қилишлари ёки ўзгартиришлари мумкин эмас.

Шартнома тузган шахс шартномадан келиб чиққан мажбуриятнинг учинчи шахсга нисбатан бажарилишини шарт қилган бўлса, бу ҳақда шартномада бошқача ҳол кўрсатилмаган бўлса, мажбуриятнинг бажарилишини шартномани тузган шахс ҳам, фойдасига мажбуриятнинг бажарилиши кўрсатилган учинчи шахс ҳам талаб қилиши мумкин.

Агар учинчи шахс ўзига шартнома бўйича берилган ҳуқуқдан воз кечса, шартнома тузган шахс, агар шартноманинг мазмунига хилоф келмаса, бу ҳуқуқдан ўзи фойдаланиши мумкин.

Оммавий шартнома.

Шартномалар, шунингдек оммавий шартнома, қўшилиш шартномаси ва дастлабки шартнома каби турларга ҳам бўлинади.

Ташкилот тарафидан тузилган ҳамда унинг бундай ташкилот ўз фаолияти хусусиятига кўра ўзига мурожаат қиладиган ҳар бир шахсга нисбатан амалга ошириш шарт бўлган товарлар сотиш, ишлар бажариш ёки хизматлар кўрсатиш соҳасидаги вазифаларини (чакана савдо, жамоат транспортида йўловчи ташиш, алоқа хизмати, электр қуввати билан таъминлаш, тиббий хизмат, меҳмонхона хизмати ва бошқаларни) белгилаб қўядиган шартнома тузишда бир шахсни бошқа шахсга нисбатан афзал кўришга ҳақли эмас (қонун ҳужжатларида назарда тутилган ҳоллардан ташқари).

Товарлар, ишлар, хизматларнинг баҳоси; шунингдек **оммавий шартноманинг** бошқа шартлари ҳамма истеъмолчилар учун бир хил қилиб белгиланади. Ташкилотнинг истеъмолчига тегишли товарларни бериши, хизматлар кўрсатиши, унинг учун тегишли ишларни бажариш имконияти бўла туриб оммавий шартнома тузишдан бош тортишига йўл қўйилмайди. Ташкилот оммавий шартнома тузишдан асоссиз бош тортганида харидор (мижоз) уни суд орқали шартнома тузишга мажбур қилиш имкониятига (ФК, 358-модда) эга. Маиший пудрат, йўловчи ташиш, ҳақ эвазига хизмат кўрсатиш шартномалари оммавий шартномалардир.

Шартларини тарафлардан бири формулярлар ёки бошқа стандарт шаклларда таърифлаган ҳамда иккинчи тараф фақат таклиф қилинган шартномага бутунлай қўшилиш йўли билан қабул қилиши мумкин бўлган шартнома қўшилиш шартномаси дейилади. Бундай шартномаларга мисол қилиб ҳаво ва темир йўл транспортида юк ва йўловчилар ташиш шартномаларини кўрсатиш мумкин.

Одатда, бундай шартномалар мазмуни ҳамма учун деярли бир хил бўлиб, олдиндан белгилаб қўйилади ва бинобарин, мижоз унинг шартларини бошқача тузишни таклиф этиш имкониятига эга эмас. Бироқ қўшилиш шартномаси мижознинг ўз ихтиёри, эрки ва иродаси билан шартномага қўшилишини билдиради. Бундай шартномаларни асло бир томонлама битим деб ҳисоблаш мумкин эмас.

Қўшилиш шартномасини бекор қилиш ёки шартномаларини ўзгартириш асослари ФКнинг 360-моддасида назарда тутилган.

Дастлабки шартнома бўйича тарафлар келгусида мол-мулк бериш, ишлар бажариш ёки хизматлар кўрсатиш ҳақида дастлабки шартномада назарда тутилган шартлар асосида шартнома тузиш (асосий шартнома) мажбуриятини оладилар.

Бундан ташқари шартномаларни: биринчидан, *мулкни топширишга қаратилган*; иккинчидан, *ишларни бажаришга қаратилган*; учинчидан: *хизматлар бажаришга қаратилган*; тўртинчидан, *турли хил тузилмаларни таъсис этишга йўналтирилган* тўрт гуруҳга бўлиш мумкин. Қуйида уларни янада кенгроқ кўриб чиқамиз.

Биринчи гуруҳда мулкни топшириш асосида муҳим мезон саналади ва ўз навбатида мулкни ҳақ эвазига ва текинга топширишни чегаралаш имконини беради. Ниҳоят, мулкни ҳақ эвазига ва текинга топширишга қаратилган шартнома ўтказиладиган ҳуқуқ ҳажмига кўра ажратилади. Натижада тўртта кичик гуруҳ ташкил топади. Буларга мулкни ҳақ эвазига хўжалик юритувга ёки оператив бошқарувга ёхуд мулк қилиб топшириш (олди-сотди, айирбошлаш, рента ва умрбод таъминлаш шарти билан уй-жойни бериш, қарз ва кредит, банк омонати ва банк ҳисобварағи), мулкдан ҳақ эвазига фойдаланишга топшириш (ижара шартномаси, уй-жой ижараси, франшизинг), текинга мулк қилиб хўжалик юритиш, оператив бошқаришга топшириш (ҳадя), ҳақ эвазига фойдаланишга (франшизинг) шунингдек, текинга фойдаланишга топшириш (ссуда) киради.

Иккинчи гуруҳнинг хусусияти шундаки, мажбур бўлган шахснинг ҳаракатлари ундан ажратиладиган натижани келтириб чиқаради ва шу натижа шартнома предмети бўлади. Уларни ички гуруҳга бўлишга тўхталадиган бўлсак, мазкур ҳолатда муайян юридик-техник белгига кўра қўлланилади, яъни: тасодифан натижага эриша олмаслик хавфи қайси тарафга тегишли бўлиш. Бунда таваккалчилик хавфи пудрат шартномасида - пудратчига; илмий-тадқиқот, тажриба-конструкторлик ишлари пудрати шартномасида – буюртмачига юклаш мос келади.

Бугунги кунда ишларни бажариш ва хизмат кўрсатишга оид шартномалар мустақил шартнома турлари ҳисобланиб, қонунда улар ўртасидаги умумийликка ҳам эътибор берилган. Мазкур ҳолатни биз илмий текшириш ва технология ишлари ва ҳақ эвазига хизмат кўрсатиш шартномасига доир бобларга муайян даражада пудрат шартномасига доир ҳавола нормалар борлигида кўришимиз мумкин (масалан, ФК 694-моддасида берилган ҳавола).

Учинчи гуруҳга кирувчи (хизмат кўрсатишга доир) шартномалар ҳақ эвазига ва текинга тузиладиган шартномаларга бўлинади. Хизмат кўрсатишга доир шартномаларнинг аксарият кўпчилиги ҳақ эвазига тузилади (ҳақ эвазига хизмат кўрсатиш шартномаси, ташиш шартномаси, транспорт экспедицияси, банк омонати, банк ҳисобварағи, ҳисоб-китоблар, омонат сақлаш, суғурта воситачилик, топшириқ, мол-мулкни ишончли бошқариш шартномаси кабилар).

Текинга тузиладиган шартномаларга эса агарда қонунда, бошқа норматив ҳужжатлардаёки шартномада ўзгача ҳол назарда тутилган бўлмаса фақатгина топшириқ шартномасини кўрсатиш мумкин. Бироқ ФК 818-моддасида 356-модда 4-қисмига ҳавола мавжуд бўлиб унга кўра, ҳақ тўлашни назарда тутадиган шартномада баҳо назарда тутилмаган ва шартнома шартлари бўйича белгиланиши мумкин бўлмаган ҳолларда шартномани бажарганлик учун ўхшаш вазиятларда одатда шундай товарлар, ишлар ёки хизматлар учун олинадиган баҳо бўйича ҳақ тўланиши кераклиги кўрсатиб ўтилган.

Тўртинчи гуруҳ таркибига кирувчи шартномалар тузиш мақсадини ҳисобга олган ҳолда бўлинади. Биринчи ҳолатда юридик шахсни ташкил қилиш мақсади кўзга ташланса (масалан, тўлиқ ширкатни ташкил этиш, Масъулияти чекланган жамият ва Қўшимча масъулиятли жамият, ассоциация ва иттифокни, Акциядорлик жамиятини ташкил этиш ҳақидаги таъсис шартномалари), кейинги ҳолатда юридик шахсни ташкил этмаган ҳолда ҳамкорликда фаолиятни юритиш, яъни бунда ҳуқуқ субъекти ҳисобланмаган, юридик шахс мақомига эга бўлмаган, масалан оддий ширкат шаклидаги тузилмани барпо этиш мақсади кўзга ташланади.

Бундан ташқари, тарафлари фақат хўжалик юритувчи субъектлар ҳисобланган хўжалик шартномалари ҳам борки улар ўзига хос хусусиятлари, тарафлари ва уларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари, тузиш ва расмийлаштириш тартиби ва бошқа жиҳатлари билан ажралиб туради.

Хўжалик шартномаси деб, тарафлардан бири шартлашилган муддатда тадбиркорлик фаолияти соҳасида товарларни бериш, ишларни бажариш ёки хизматлар кўрсатиш мажбуриятини оладиган, иккинчи тараф эса товарларни, ишларни, хизматларни қабул қилиб олиш ва уларнинг ҳақини тўлаш мажбуриятини оладиган келишувга айтилади.

Шу билан бир қаторда хўжалик шартномаси ўзига хос хусусиятларга эга бўлиб, улар қуйидагилардир:

биринчидан – шартнома фақат тадбиркорлик фаолияти соҳасида, яъни фойда олиш мақсадида;

иккинчидан – шартнома юридик шахслар ва якка тартибда фаолият юритувчи тадбиркорлар ўртасида;

учинчидан – шартнома товарлар бериш, ишларни бажариш ёки хизматлар кўрсатиш тўғрисида;

тўртинчидан – шартнома фақат ёзма тарзда тузилади⁸².

3-савол Шартноманинг мазмуни. Шартноманинг асосий бандлари.(шартлари). Шартноманинг намунавий шартлари. Шартноманинг бошқа бандлари.

Шартноманинг мазмунини унинг бандлари (шартлари, реквизитлари) ташкил этади. Амалдаги қонунчиликка кўра, агар тарафлар ўртасида шартноманинг барча муҳим шартлари юзасидан шундай ҳолларда талаб

⁸² Хўжалик (тадбиркорлик) ҳуқуқи. Дарслик. Тошкент. ТДЮИ, 2003. -179 б.

килинадиган шаклда келишувга эришилган бўлса, шартнома тузилган ҳисобланади.

Шартнома шартлари (бандлари) муҳим, одатдаги ва тасодифий шартларга бўлинади. Шартноманинг нарсаси тўғрисидаги шартлар қонун ҳужжатларида бундай турдаги шартномалар учун муҳим ёки зарур деб ҳисобланган шартлар, шунингдек, тарафлардан бирининг аризасига кўра келишиб олинishi зарур бўлган ҳамма шартлар муҳим шартлар ҳисобланади. Баъзи шартномалар учун хос муҳим бандлар қонун билан белгиланади. Чунончи, “Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий-ҳуқуқий базаси тўғрисида”ги қонуннинг 10-моддасида, “Қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштирувчилар билан тайёрлов, хизмат кўрсатиш ташкилотлари ўртасида шартномалар тузиш, уларни рўйхатдан ўтказиш, бажариш, шунингдек, уларнинг бажарилиш мониторингини олиб бориш тартиби тўғрисида”ги Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил 4 сентябрдаги 383-сонли қарори билан тасдиқланган Низомнинг II бандига мувофиқ, шартномаларда қуйидагилар кўрсатилади:

- шартноманинг мавзуси, маҳсулотнинг номи, ассортимент, миқдори (ҳажми), сифати, нархи (турлари бўйича);
- шартноманинг умумий суммаси;
- томонларнинг ҳуқуқлари ва ўзаро мажбуриятлари;
- маҳсулотларни етказиб бериш тартиби ва шартлари, топшириш – қабул қилиб олиш (ишларни бажариш, хизматлар кўрсатиш) пунктлари ва даврлари (муддатлари);
- идишга, маркировка қилишга, ўраш-жойлашга қўйиладиган талаблар;
- ҳисоб-китоблар тартиби, шакли ва муддатлари, томонларнинг тўлов, почта ва юклаб жўнатиш реквизитлари;
- шартнома мажбуриятлари бажарилмаганлиги ёки зарур даражада бажармаганлиги учун томонларнинг мулкӣ жавобгарлиги;
- низоларни, форс-мажор ҳолатларни ҳал этиш тартиби, томонларнинг реквизитлари, шартнома тузилган сана ва жой.

4. савол. Шартнома тузиш тўғрисидаги асосий қоидалар.

Шартноманинг тузилиши ФКнинг 354-моддасида кўрсатилганидек, агар тарафлар ўртасида шартноманинг барча талаб қилинадиган шаклда келишувга эришилган бўлса, шартнома тузилган ҳисобланади.

Шартноманинг умумий тартибда тузилиши икки давр билан белгиланади. Биринчи давр – шартнома тузишга таклиф қилиш даври; бу офферта, шартнома тузишга таклиф қилувчи эса, офферент, деб аталади.

Иккинчи давр – шартнома тузиш тўғрисидаги таклифни қабул қилиш даври; бу акцепт, таклифни қабул қилувчи акцептант деб айтилади.

Шартнома тузишнинг умумий тартибига оид қоидалар ФКнинг 364-381-моддаларида берилган. Бу қоидаларда айтилишича, агар шартнома тузиш тўғрисидаги таклиф (офферта) жавоб учун муддат тайинлаб қилинган бўлса, бу ҳолда шартнома иккинчи тараф (акцептант) томонидан таклифнинг қабул қилинганлиги тўғрисидаги жавоб шу муддат ичида таклиф қилувчи (офферент) томонидан олинган ҳолдагина тузилган ҳисобланади. Офферта

йўллаган шахс унинг акцептини олган пайтдан шартнома тузилган ҳисобланади.

Шартнома тузилиши учун тарафлар ўзаро келишувининг ўзигина кифоя эмас. Бу келишув тегишли шаклда расмийлаштирилган бўлиши шарт. Шартномаларнинг шакли ФКнинг 366-моддасида белгиланган қоидаларга мувофиқ бўлиши шарт. Унга асосан, агар қонунда муайян турдаги шартномалар учун маълум бир шакл белгилаб қўйилмаган бўлса, шартнома битимлар тузиш учун назарда тутилган ҳар қандай шаклда тузилиши мумкин.

Нотариал тасдиқланиши ёки давлат рўйхатидан ўтказилиши шарт бўлган шартнома нотариал тасдиқланган ёки рўйхатдан ўтказилган пайтдан эътиборан, нотариал тасдиқланиши ва рўйхатдан ўтказилиши зарур бўлганда эса – шартнома рўйхатдан ўтказилган пайтдан эътиборан шартнома тузилган ҳисобланади.

Агар тарафлар шартномани муайян шаклда тузишга келишган бўлсалар, гарчи қонунда бу турдаги шартномалар учун бундай шакл талаб қилинган бўлмаса-да, шартнома белгиланган шаклга келтирилганидан кейин тузилган ҳисобланади.

Ёзма шартнома тарафлар имзолаган битта ҳужжатни тузиш йўли билан; шунингдек, почта, телеграф, телетайп, телефон, электрон алоқа ёки ҳужжат шартномадаги тарафдан чиққанлигини ишончли суратда аниқлаш имконини берадиган бошқа алоқа ёрдамида ҳужжатлар алмашиш йўли билан тузилиши мумкин.

Шартнома тузиш ҳақидаги таклиф (оферта) акцептантга билдирилгунича чақириб олинishi мумкин. Бироқ у акцептант томонидан қабул қилиб олинган бўлса, акцептлаш учун белгиланган муддат давомида чақириб олинishi мумкин эмас.

Оферта муайян шахсга ҳам, номуайян шахсларга ҳам қаратилган бўлиши мумкин. Масалан, маҳсулотни реклама қилиш, ўз хизматини таклиф этиб эълон бериш – номуайян шахслар доирасида йўлланган оферта ҳисобланади. Бундай офертани, одатда, оммавий оферта деб ҳам юритилади.

Оферта юборилган шахснинг уни қабул қилганлиги ҳақидаги жавоби акцепт ҳисобланади. Акцепт тўлиқ ва писандасиз бўлмоғи шарт. Агар қонундан, иш муомаласи одатидан ёки тарафларнинг иш бўйича аввалги муносабатларидан бошқача маъно келиб чиқмаса, сукут сақлаш акцепт бўлмайди.

5. Шартномаларни ўзгартириш ва бекор қилиш

Умумий қоида бўйича, шартнома тарафларнинг келишувига мувофиқ, ўзгартирилиши ва бекор қилиниши мумкин.

Тарафлардан бирининг талаби билан шартнома суд томонидан фақат қуйидаги ҳоллардагина ўзгартирилиши ёки бекор қилиниши мумкин:

- 1) иккинчи тараф шартномани жиддий равишда бузса;
- 2) Фуқаролик кодекси, бошқа қонунлар ва шартномада тузилган ўзга ҳолатларда.

Тарафлардан бирининг шартнома бузиши иккинчи тарафга у шартнома тузишга умид қилишга ҳақли бўлган нарсадан кўп даражада маҳрум бўладиган қилиб зарар етказиши шартномани жиддий бузиш ҳисобланади.

Бир тараф шартнома бажаришда тўла ёки қисман бош тортиб, қонун ёхуд тарафларнинг келишувида бунга йўл қўйса, шартнома тегишлича бекор қилинган ва ўзгартирилган ҳисобланади.

Қонун вазият жиддий ўзгариши муносабати билан шартномани ўзгартириш ва бекор қилишга ҳам йўл қўяди. Шартнома тузишда тарафлар учун асос бўлган вазиятнинг жиддий ўзгариши, агар бошқача тартиб шартномада назарда тутилмаган бўлса ёки унинг моҳиятидан англашилмаса, шартномани ўзгартириш ёки бекор қилиш учун асос бўлади.

Вазиятни тарафлар олдиндан кўра олганларида шартнома умуман тузмасликлари ёки анча фарқ қиладиган шартлар билан тузишлари, мумкин бўлган даражада ўзгартириши жиддий ўзгариш ҳисобланади.

Агар тарафлар шартномани жиддий ўзгарган вазиятга мувофиқлаштириш ёки уни бекор қилиш ҳақида ўзаро келиша олмаган бўлсалар, шартнома манфаатдор тарафнинг талаби билан ФКнинг 383-моддасида кўрсатилган шартлар мавжуд бўлган ҳолларда суд томонидан бекор қилиниши мумкин.

Мавзуни мустахкамлаш учун саволлар.

1. Шартнома тушунчаси ва унинг бозор муносабатлари шароитида аҳамияти.
2. Шартномалар тузиш эркинлиги тамойилининг ўзига хос хусусиятлари.
3. Шартномаларнинг турлари. Хўжалик шартномалари.
4. Шартнома шакли. Битим ва шартнома ўртасидаги нисбат.
5. Шартноманинг мазмуни (муҳим, одатдаги ва тасодифий шартлар).
6. Шартнома тузиш тартиби ва босқичлари.
7. Шартномани ўзгартириш ва бекор қилиш асослари, тартиби.
8. Шартнома тузиш усуллари: ким ошди савдоси орқали шартномалар тузиш ва электрон воситалар орқали шартномалар тузиш.
9. Шартномаларни ижро этиш. шартнома интизоми.
10. Шартномаларни бузганлик учун жавобгарлик асослари шакллари.

Таянч сўз ва иборалар.

Шартнома тузиш эркинлиги, шартнома турлари, офферта, офферент, акцепт, акцептант, аукцион, ким ошди савдоси, реал, консенсуал, бир томонлама шартномалар, икки томонлама шартномалар. шартномадан воз кечиш, шартнома интизоми.

Глоссарийлар.

Қимматли қоғозлар - Ўзбекистон Республикасида уларни сотиб олиш ва сотиш шунингдек республика қонунларида назарда тутилган қимматли қоғозлар эгаси алмашинувида олиб келадиган бошқа ҳаракатлар тушунилади.

Шартнома - икки ёки бир неча жисмоний ёки юридик шахсининг ҳуқуқ ва бурчларини вужудга келтириш, ўзгартириш ёки бекор қилиш ҳақидаги ёзма келишувидир.

Биринчи давр – шартнома тузишга таклиф қилиш даври; бу **оферта**, шартнома тузишга таклиф қилувчи эса, **офферент**, деб аталади.

Иккинчи давр – шартнома тузиш тўғрисидаги таклифни қабул қилиш даври; бу **акцепт**, таклифни қабул қилувчи **акцептант** деб айтилади.

Хўжалик шартномаси деб, тарафлардан бири шартлашилган муддатда тадбиркорлик фаолияти соҳасида товарларни бериш, ишларни бажариш ёки хизматлар кўрсатиш мажбуриятини оладиган, иккинчи тараф эса товарларни, ишларни, хизматларни қабул қилиб олиш ва уларнинг ҳақини тўлаш мажбуриятини оладиган келишувга айтилади.

Консенсуал шартномалар ҳуқуқ ва мажбуриятлар тарафларнинг келишувлари асосида қонун талаб қилган шаклда расмийлаштирилганлари заҳоти тузилган ҳисобланади.

“Консенсуал” сўзи латинча “консенсус” сўзидан олинган бўлиб, “келишув” маъносини билдиради.

Реал шартномалар бўйича ҳуқуқ ва мажбуриятлар тарафлар ўзаро келишган ва шартнома нарсаси ашё ёки пул топширилган пайтдан вужудга келади.

“Реал” сўзи латинча “рес” сўзидан олинган бўлиб, “ашё” маъносини билдиради. Реал шартномага мисол қилиб қарз, омонат, ҳадя, текин фойдаланиш шартномаларини кўрсатиш мумкин.

Бир томонлама шартномада иштирок этаётган тарафларнинг бирида фақат ҳуқуқ бўлиб, ҳеч қандай мажбурият бўлмайди, иккинчи тарафда эса фақат мажбурият бўлади. Масалан, қарз шартномасида қарздор олган пул суммасини ўз вақтида қарз берувчига тўлаш мажбуриятига ва кредитор эса уни талаб қилиш ҳуқуқига эга.

Икки томонлама шартномада эса ҳар икки тараф ҳам мустақил ҳуқуқ ва мажбуриятга эга бўлади. Бундай шартномага олди-сотди шартномасини мисол қилиб келтириш мумкин.

Ҳақ бараварига тузиладиган шартномалар бир тараф топширган мулк, қилган хизмати эвазига пул ёки мулк билан ҳақ олади. Масалан, бир тараф вақтинчалик фойдаланиш учун мулкни ижарага олувчи ундан фойдалангани учун ижара ҳақи тўлашга мажбур бўлади

Текинга тузиладиган шартномада эса бир тараф бошқа бир тараф фойдасига ҳақ олмай, бирор-бир мулкни топшириш, бирор ишни бажариши мумкин. Масалан, ҳадя шартномаси бўйича мулк эгаси ўз мулкни бошқа бир шахсга текинга беради. Текин фойдаланиш, фойсиз қарз шартномалари ҳам бепул тузиладиган шартномаларга киради.

Фойдаланилган адабиётлар.

Асосий адабиётлар:

1. Зокиров И.Б. Фуқаролик ҳуқуқи: Дарслик. 1 қисм. –Т. ТДҶОИ нашриёти, 2009. 611 б.

2. Инсон ҳуқуқлари тўғрисида халқаро Билль. -Т.: Адолат. 1992.
3. Муаллифлар жамоаси. Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг иккинчи қисмига шарҳлар. -Т.: Иқтисодиёт ва ҳуқуқ дунёси. 1998. 324 б.
3. Топилдиев Б. Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик ҳуқуқи. (биринчи ва иккинчи қисмлар). -Т.: ТДЮИ. 2014. 511 б.

Қўшимча адабиётлар:

1. Каримов И.А. Инсон, унинг ҳуқуқ ва эркинликлари ҳамда манфаатлари – энг олий кадрият. // Халқ сўзи, 2005 йил 9 декабрь.
2. . Каримов И.А. Ўзбекистон - бозор муносабатларига ўтишнинг ўзига хос йўли./ Биздан озод ва обод Ватан қолсин. -Тошкент: Ўзбекистон, 1994. -48 б.
3. Мирзиёев Ш.М. Демократик ислохотларни изчил давом эттириш халқимиз учун тинч ва осойишта, муносиб ҳаёт даражасини яратиш барқарор тараққиёт кафолатидир // Халқ сўзи. 2016 йил 2 ноябр.
4. Мирзиёев Ш.М. Қонун устуворлиги ва инсон манфаатларини таъминлаш-юрт тараққиёти ва халқ фаровонлигининг гарови Халқ сўзи 8 декабр 2016 йил. Ўзбекистон Республикасининг сайланган Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганлигининг 24 йиллигига бағишланган тантанали маросимидаги маърузаси.
5. Ўзбекистон Республикаси Президентининг "2017 — 2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устивор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясини амалга оширишга доир ташкилий чоратadbирлар тўғрисида" 2017 йил 14 февралдаги Ф-4849- сонли Фармойиши. Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2017 й.. 7-сои, 88-модда;
6. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси-Т.: Ўзбекистон, 2017.
7. Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик кодекси. (2016 йил 1 июлгача бўлган ўзгариш ва қўшимчалар билан). Тўплам. “Адолат” нашриёти.
8. Фуқаролик ҳуқуқи. Иккинчи қисм. –Тошкент: Илм зиё, 2008. -392 б.
9. Муаллифлар жамоаси. Шартнома ҳуқуқи. –Тошкент. ТДЮИ, 2006.
10. Баратов М. Кўчмас мулкни сотиш шартномаси.//ТДЮИ Ахборотномаси. 2006. №1. -Б.30-32.
11. Баратов М. Корхонани сотиш шартномаси.//ТДЮИ Ахборотномаси. 2006. №3. -28-31 б.
12. Бобоқулов С.Б. Лизинг шартномасини ҳуқуқий тартибга солишнинг баъзи бир муаммолари./Бозор иқтисодиёти шароитида савдо муносабатларини ҳуқуқий таъминлаш муаммолари мавзусидаги илмий-амалий конференция материаллари тўпламида. –Т.: ТДЮИ. 2004 й.-Б.78-84.

Elektron resurslar.

1. <http://Allpravo.ru>
2. <http://Internet-law.ru>
3. <http://dissertation1.narod.ru/avtoreferats1>
4. <http://www.library.by/data>
5. <http://www.lawportal.ru>
6. <http://www.legislature.ru>
7. <http://www.ziyonet.uz>
8. <http://www.inter-mba.ru/c...>
2. <http://www.businesspravo.ru>
9. <http://www.daryo.uz>
4. <http://www.kun.uz>
5. <http://www.lex.uz>
10. <http://www.gov.uz>

10-МАВЗУ: Зарар етказишдан келиб чиқадиган мажбуриятларнинг умумий қоидалари.

Режа:

1. Зарар етказишдан келиб чиқадиган мажбуриятлар тўғрисида умумий қоидалар.
2. Фуқаролар ҳаёти ва соғлиги га етказилган зарарнинг ўрнини қоплаш қоидалари. Соғлиққа шикаст етказилганлиги туфайли зарарнинг ўрнини қоплаш ҳажми, хусусияти, муддати.
3. Товарлар, ишлар, хизматлардаги нуқсонлар оқибатида етказилган зарарнинг ўрнини қоплаш.
4. Маънавий зарарни қоплаш.

Зарар етказишдан келиб чиқадиган мажбурият тушунчасига фуқаролик қонунчилигида таъриф берилмаган. Бироқ, мазкур тушунча бевосита, ғайриқонуний ҳаракат (ҳаракатсизлик) туфайли фуқаронинг шахсига ёки мол-мулкига етказилган зарар, шунингдек юридик шахсга етказилган зарар, шу жумладан бой берилган фойда зарарни етказган шахс томонидан тўлиқ ҳажмда қопланиши лозимлиги тарзда ФКнинг 985-моддасида ўз ифодасини топган.

Мазкур нормадан зарар етказган шахснинг етказилган зарарни тўлиқ қоплаш мажбурияти, ҳамда жабрланувчининг етказилган зарарни қоплашни талаб қилиш ҳуқуқи мавжудлигини англаш мумкин. Бу эса ўз навбатида мажбуриятнинг анъанавий тузилиши (конструкцияси) – кредитор ва қарздор муносабатлари мавжудлигини билдиради. Мазкур ҳолатда зарар етказувчи -

қарздор ҳисобланса, жабрланувчи (мулкига, ҳаёти ёки соғлиғига зарар етган шахс) – кредитор ҳисобланади. Шу билан бирга зарар етказилганда жабрланувчининг талаб қилиши ҳуқуқи зарар етказувчи учун мажбурият сифатида намоён бўлади.

Зарар етказишдан келиб чиқадиган мажбуриятларга мувофиқ, шахс (жисмоний ёки юридик шахс) нинг ҳаёти ва соғлиғи ёки мол-мулкига зарар етказган шахс етказилган зарар тўлиқ қоплаш мажбуриятини олади, жабрланувчи эса ўзига етказилган зарар қоплашни талаб қилиши ҳуқуқига эга бўлади.

Таъкидлаш лозимки, кишиларнинг бир-бири билан доимий равишда ўзаро муносабатларида баъзан уларнинг моддий ёки номоддий манфаатларига зарар етиш оқибатлари келиб чиқади. Бу зарарлар турли тасодифлар, эҳтиётсизлик, қасд орқали, табиий офатлар натижасида юзага келади[157]. Шундай ҳолатда етказилган зарар ким томонидан тўланиши (зарар етказилган шахс ёки жабрланган шахс ёхуд учинчи шахслар томонидан) масаласи юзага келади.

Ҳозирги вақтда юридик ва жисмоний шахслар кутилмаган зарарлардан ҳимояланиш мақсадида суғурта хизматидан фойдаланишга ҳаракат қилмоқдалар. Аммо ҳар доим ҳам вақтида суғурта хизматидан фойдаланишининг иложи бўлавермайди. Натижада кутилмаган зарар келиб чиқади. Шунини таъкидлаб ўтиш лозимки, суғурта товони ҳар доим ҳам етказилган зарарни тўла қоплай олмайди. Шу сабабли етказилган зарарни бир ҳуқуқий институт ёрдамида тартибга солишнинг иложи йўқ[158]. Мазкур муносабатларни тартибга солишда зарар етказишдан келиб чиқадиган мажбурият институти асосий ўринга эга бўлади. Фуқаролик ҳуқуқида мажбуриятларнинг бу тури деликт мажбуриятлар – деб ҳам аталади.

Дилект мажбуриятларининг ҳуқуқий табиатини аниқлашда, мажбуриятнинг мазкур турини фуқаролик-ҳуқуқий жавобгарлик тушунчаси билан ўзаро нисбатани белгилаш алоҳида аҳамият касб этади. Ҳуқуқий адабиётларда «зарар етказишдан келиб чиқадиган мажбурият» ва «зарар етказганлик учун жавобгарлик тушунчалари» айний тушунчалар сифатида қўлланилади, ҳамда «жавобгарлик» тушунчаси бу ҳолатда асосий ўринни эгаллайди[159]. Мазкур ҳолат ФКнинг 57-бобиди ҳам ўз ифодасини топган бўлиб, ушбу боб «зарар етказишдан келиб чиқадиган мажбуриятлар» - деб номланса, бобнинг биринчи моддаси (ФКнинг 985-моддаси) зарар етказганлик учун жавобгарликнинг умумий асосларига бағишланади.

Шу билан бирга кейинги моддаларда ҳам асосан «мажбурият» тушунчаси эмас, «жавобгарлик» тушунчаси қўлланилади. Бу эса ушбу тушунчалар ўртасида қарама-қаршилик мавжуд эмаслигини, уларнинг узвий боғлиқлигини англатади[160].

Фуқаролик ҳуқуқий жавобгарлик деганда, мулкий тусдаги санкцияларни ҳуқуқбузарга нисбатан татбиқ этиш тушунилади. Фуқаролик ҳуқуқининг умумий асосларига мувофиқ, фуқаролик-ҳуқуқий жавобгарлик мулкий тусга эга бўлиб[161], шартномали мажбуриятларга ҳам, шартномадан ташқари вужудга келадиган мажбуриятларга ҳам татбиқ этилади. Бироқ,

шартномали мажбуриятларда жавобгарлик иккиламчи тусга эга бўлади. Фуқаролик-ҳуқуқий жавобгарлик шартномали мажбуриятларни «кузатиб боради» ва мажбурият бузилгандагина қўлланилади. Агар мажбурият лозим даражада бажарилса, жавобгарлик масаласи вужудга келмайди.

Зарар етказишдан вужудга келадиган мажбуриятларда эса, жавобгарлик ҳуқуқбузарлик факти асосида вужудга келади. Яъни, зарар етказишдан вужудга келадиган мажбурият вужудга келиши билан у ўз мазмунида жавобгарликни, ҳуқуқбузарга санкция қўллаш имкониятини мавжудлигини ифодалайди. Албатта бу вазиятда жавобгарлик бошқа бир мажбуриятни тўлдирмайди, «кузатмайди» (шартномали мажбуриятлардаги каби), у зарар етказишдан келиб чиқадиган мажбуриятлардаги ҳуқуқбузар мажбуриятининг мазмунини ташкил этади.

Зарар етказишдан келиб чиқадиган мажбуриятларнинг қуйидаги ўзига хос белгилари мавжуд:

- а) бу мажбуриятларнинг таъсир доираси зарарни қоплаш моддий хусусиятларга эга бўлишига қарамасдан, мулкӣ ҳамда шахсий номулкий муносабатларни қамраб олади;
- б) улар мутлақ характерга эга бўлган мулкӣ ҳуқуқлар (мулк ҳуқуқи, умрбод эгалик қилиш ҳуқуқи, юритиш ҳуқуқи, оператив бошқариш ҳуқуқи ва бошқалар) ёки шахсий номулкий манфаатларининг бузилиши натижасида келиб чиқади;
- в) гарчи ҳуқуқ жабрланувчи билан шартномавий муносабатларида бўлган шахс томонидан тўзилган бўлса-да, мажбуриятлар мутлақ ҳуқуқлар бузилганлиги туфайли шартномасиз характерга эга бўлади;
- г) бу мажбуриятлар зарар ким томонидан кимга етказилгани, зарар қай тқўринишда етказилгани ва зарарни қоплаш усулларида қатъи назар, тўлик қопланишини назарда тутаяди;
- д) қонунда назарда тутилган ҳолларда зарарни тўлаш мажбурияти бошқа шахсларга ҳам юклатилиши мумкин[165].

Зарар етказишдан келиб чиқадиган мажбуриятлар ўзига хос эквивалентлик вазифасини бажаради. Яъни, деликт мажбуриятлари орқали ҳуқуқ бузилишидан олдинги ҳолат тикланади. Масалан, фуқаронинг соғлиғига зарар етказилганда, унинг соғлиғини тиклаш учун қилган харажатлари ҳуқуқбузар томонидан қопланиши ҳуқуқни бузилишини бузилишидан олдинги ҳолатини тиклаш ҳисобланади.

Шу билан бирга, деликт мажбуриятлари учун жавобгарликнинг белгиланганлиги ҳуқуқбузарликнинг олдини олишда ҳам аҳамиятли ҳисобланади.

Деликт институтининг аҳамияти, унинг функциялари фуқаролик-ҳуқуқий жавобгарликнинг аҳамияти ва функциялари билан бир хилда деб ҳисоблаш мумкин. Зеро, деликт институти ҳам фуқаролик-ҳуқуқий жавобгарлик каби ҳуқуқни тикловчи, ҳуқуқбузарликнинг олдини олувчи, тарбиявий вазифаларни бажаради.

Зарар етказишдан келиб чиқадиган мажбуриятларнинг вужудга келиш асослари. Бош деликт тамойили. Зарар етказишдан келиб чиқадиган

мажбуриятлар фуқаролик-ҳуқуқий мажбуриятларнинг бошқа турлари каби муайян юридик фактлар асосида вужудга келади. Мазкур мажбурият вужудга келиши учун асос бўладиган қонун ҳужжатларидан кўзда тутилган юридик фактлар – зарар етказиш факти, деликт ҳисобланади.

Умумий қоидага кўра шахснинг ҳаркатлари ҳуқуқ нормаларида белгиланган қиодаларни, ҳамда бир вақтнинг ўзида муайян шахснинг субъектив ҳуқуқларини бузса ҳуқуққа хилоф ҳисобланади. Масалан, фуқаро катта тезликда югуриб кета туриб, қаршисидан келаётган кишини туртиб кетди, - дейлик натижада иккинчи фуқаронинг йиқилиб тушиши натижасида унинг қўли синди, яъни соғлиғига жиддий зарар етказилди. Бунда инсон ҳаёти ва соғлиғини ҳимоя қилиш тўғрисидаги объектив ҳуқуқ нормаси, ҳамда у билан бир вақтда жабрланувчининг соғлиққа нисбатан субъектив ҳуқуқи бузилди.

Деликт мажбуриятларида зарар етказувчи ҳаракатнинг ҳуқуққа хилофлиги презумпцияси амал қилади. Бу қоида бош деликт тамойилиданга таянади. Мазкур тамойилга мувофиқ, шахсларнинг мол-мулкига ёки фуқаронинг соғлиғига етказилган ҳар қандай зарар қонун ҳужжатларида бошқача ҳолат белгиланмаган бўлса, ҳуқуққа хилоф деб баҳолашни лозим. Шу билан бирга жабрланувчига зарар етказувчи ҳаракатининг ҳуқуққа хилофлигини исботлаш мажбурият юклатилмайди, аксинча зарар етказувчининг ҳаракати ҳуқуққа хилоф тахмин қилинади. Яъни, зарар етказувчи ўз ҳаракатларини ҳуқуқ хилоф эмаслигини исботламагунича, унинг ҳаракати ҳуқуққа хилоф – деб ҳисобланади.

Қонун жабрланувчи айбининг шаклларига қараб дилект мажбуриятлари учун фуқаролик-ҳуқуқий жавобгарликни татбиқ этиш, зарарни қоплаш ҳажми ёки тўланадиган товон миқдорини белгилайди.

- агар зарар жабрланувчининг қасддан иш кўриши натижасида юзага келган бўлса, у тўланмайди;
- агар жабрланувчи ўзининг қўпол эҳтиётсизлиги туфайли зарарнинг юзага келишига ёки ортишига кўмаклашган бўлса, унда жабрланувчининг ва зарар етказувчининг айби даражасига қараб товон миқдори камайтирилиши лозим;
- жабрланувчи қўпол эҳтиётсизлик қилганда ва зарар етказувчининг айби бўлмаганда, унинг жавобгарлиги айбидан қатъи назар юзага келган ҳолларда, товон миқдори камайтирилиши лозим ёки, агар қонунда бошқача тартиб назарда тутилмаган бўлса, зарарни тўлаш рад этилиши мумкин. Фуқаронинг ҳаёти ёки соғлиғига зарар етказилганда товон тўлашни рад этишга йўл қўйилмайди.

2. Фуқаролар ҳаёти ва соғлиғига етказилган зарарни ўрнини қоплаш қоидалари. Соғлиқга шикаст етказилганлиги туфайли зарнинг ўрнини қоплаш. Ҳажми, хусусияти, муддати.

Умумий қоидалар. Инсоннинг ҳаёти ва соғлиғи бебаҳо неъмат ҳисобланади. Ҳаёт ва соғлиқ бирор-бир моддий миқдорда ўлчаниши ёки у билан тенглаштирилиши мумкин эмас. Шу сабабли ҳуқуқнинг асосий

вазифаларидан бири ҳам инсон ҳуқуқлари, шу жумладан инсоннинг ҳаёти ва соғлиғини ҳимоя қилиш ҳисобланади. Қўриқлаш функциясини бажарадиган ҳуқуқ соҳалари: жиноят ҳуқуқи, маъмурий ҳуқуқ, солиқ ҳуқуқи билан биргаликда фуқаролик ҳуқуқи ҳам инсоннинг ҳаёти ва соғлиғини ҳимоя қилишга қаратилган нормаларни белгилайди.

ФК фуқаронинг ҳаёти ва соғлиғига етказилган зарарни қоплашга нисбатан алоҳида қоидаларни белгилайди. Бу қоидалар алоҳида деликт сифатида ҳуқуқнинг бузилишидан олдинги ҳолатни тиклаш вазифасини бажаради. Бунда фуқаронинг ҳаёти ва соғлиғига етказилган ҳар қандай зарар, жумладан соғлиғига шикаст етказиш (қўлнинг синиши, тана аъзоларининг шикастланиши ва шу кабилар) зарар етказувчи томонидан қопланиши лозим ҳисобланади. Масалан, икки фуқаронинг ўзаро жанжаллашиб қолиши натижасида, бирининг иккинчисини туртиб юбориши натижасида унинг қўли синганда, зарар етказувчи шахс жабрланган фуқаронинг даволаниши учун кетган харажатларни тўлиқ қоплаши лозим. Мазкур зарарни қоплаш дилект мажбуриятларининг умумий қоидалари ва бош деликт тамойилига асосан қопланади.

Бироқ фуқаронинг ҳаёти ва соғлиғига етказилган зарарнинг ўрнини қоплаш ФКнинг 1005-1017 моддалари билан тартибга солинади.

ФКнинг 1005-моддасига мувофиқ шартнома мажбуриятларини бажаришда, шунингдек ҳарбий хизмат мажбуриятларини, ички ишлар органларидаги хизматни ва бошқа шунга ўхшаш мажбуриятларни бажаришда фуқаронинг ҳаёти ва соғлиғига етказилган зарар, агар қонунда ёки шартномада жавобгарликнинг анча юқори миқдори назарда тутилмаган бўлса, ушбу боб қоидадаларига мувофиқ қопланади.

Фуқаронинг соғлиғига зарар ёки шикаст етказиш, шунингдек ҳаётдан маҳрум этиш айбдор шахсга зарар етказишдан келиб чиқадиган мажбуриятларни вужудга келтириб, мажбуриятларнинг умумий қоидаларидан ўлароқ ўзига хос хусусиятларга эга. Бу мажбуриятлар ФКнинг алоҳида нормалари, яъни 57-боб билан тартибга солинади.

Айниқса, ишчи ва ходимларнинг меҳнат фаолияти жараёнида ҳаёти ва соғлиғига зарар етказилишида зарарни ундириш ҳозирги кунга қадар жуда баҳсли бўлиб келган. Чунки бундай муносабатлар нафақат фуқаролик, балки меҳнат ва маъмурий қонунчилиги билан ҳам тартибга солинади.

Фуқаронинг соғлиғига зарар етказганлик учун жавобгарлик. Фуқаронинг соғлиғига зарар ёки шикаст етказилиши натижасидаги мулкӣ йўқотиш бўлиб меҳнат қобилиятини қисман ёхуд тўла йўқотиши оқибатида ойлик иш ҳақини (даромад) ололмаслиги, соғлиғини тиклаш учун қиладиган ёхуд қилган харажати тушунилади.

Ололмай қолган даромад ёхуд ойлик иш ҳақи кўринишидаги зарар икки омилга кўра аниқланади: 1) зарар етгунга қадар оладиган даромади ёки ўртача ойлик маоши; 2) жабрланган шахснинг профессионал даражасининг камайиши, профессионал меҳнат қобилиятининг йўқлигида – умумий меҳнат қобилиятининг йўқотилиши инобатга олинади. Йўқотилган иш ҳақи (даромади) нинг таркибига меҳнат ва фуқаролик-ҳуқуқӣ шартномалар

асосида оладиган, ҳамда даромад соғлиғига қаратиладиган тўловлар киради. Тадбиркорлик фаолияти натижасида олинадиган даромадлар ва муаллифлик гунобари ҳам шу таркибга киради.

Меҳнат таътилидан фойдаланмаганлик учун олинадиган компенсациялар ва ишдан бўшатирилганлик учун бериладиган ҳисоб-китоблар қайд этилган таркибга кирмайди. Вақтинча меҳнатга қобилиятсиз бўлган, ҳомиладорлик ва туғиш таътили учун тўланган нафақалар инобатга олинади. Бунда барча иш ҳақи (даромадлар) солиқ солишдан олдинги суммалар ҳисобида аниқланади.

Жабрланувчининг ўртача ойлик иш ҳақи (даромад) соғлиққа шикаст етказилишидан олдинги ишланган ўн икки ой ичидаги иш ҳақи (даромад)нинг умумий суммасини ўн иккига бўлиш йўли билан ҳисобланади. Зарар етказилган пайтгача жабрланувчи ўн икки ойдан кам ишлаган ҳолларда ўртача иш ҳақи (даромад) соғлиққа шикаст етказилишидан олдинги амалда ишлаган ойлардаги иш ҳақи (даромад)нинг умумий суммасини ана шу ойлар сонига бўлиш йўли билан ҳисоблаб чиқилади.

Жабрланувчи тўлиқ ишламаган ойлар унинг хоҳишига кўра бундан олдинги тўлиқ ишланган ойларга алмаштирилади ёки уларни алмаштириш имконияти бўлмаганда ҳисобдан чиқариб ташланади. Жабрланувчининг мулкӣ аҳволи ўзгариши аниқ бўлган, яъни иш ҳақининг ошиши, янги лавозимга тайинланиши соғлиққа зарар етгунга қадар содир бўлса, олиши мумкин бўлган иш ҳақи (даромади) инобатга олинади.

Жабрланувчи бу вақт мобайнида ҳеч қаерда ишламаган тақдирда, унинг хоҳишига кўра меҳнат шартномаси бекор қилинишигача бўлган иш ҳақи (даромади) ёки мазкур жойда унинг малакасидаги ходимга тўланадиган, аммо қонун ҳужжатларида белгиланган энг кам иш ҳақининг беш қаррасидан кам бўлмаган одатдаги ҳақ тўлаш миқдори ҳисобга олинади (ФКнинг 1007-модда).

Иш даври тўлиқ ойдан кам вақтни ташкил қилган тақдирда, зарарни тўлаш миқдори шартли ойлик иш ҳақи (даромад) миқдоридан келиб чиққан ҳолда ҳисоблаб чиқилади. У қуйидаги тартибда аниқланади: бутун ишланган вақт давомида олинган иш ҳақи (даромад) кунлар сонига бўлинади, ҳосил бўлган сумма бир йил учун ўрта ҳисобда ҳисоблаб чиқилган бир ойдаги иш кунлари сонига кўпайтирилади.

Умуман меҳнат қобилиятини йўқотиш эса давлатга тегишли тиббий муассасалар (ҳозирги ВКК) ва суд-тиббий экспертизаси томонидан тўлиқ ёхуд қисман йўқотилганлиги аниқланади. Фуқаронинг доимий меҳнат қобилиятини йўқотиши уни I, II ёки III гуруҳ ногирони деб тан олиниши билан белгиланади.

Тўлиқ меҳнат қобилиятини йўқотган фуқаронинг ўртача иш ҳақи (даромад) ни белгилаш юқорида белгиланган тартиб бўйича аниқланади. Қисман меҳнат қобилиятини йўқотганда унинг миқдори фуқарода сақланиб қолган меҳнат қобилиятининг фоизи ҳисобида аниқланади. Мисол учун экспертизанинг хулосасига мувофиқ жабрланган шахсда 60% профессионал

меҳнат қобилияти сақланиб қолган бўлса, қолган 40% қопланиши керак бўлади.

Фуқаронинг соғлиғига шикаст етказилиши натижасида жабрланувчи ўз касби билан шуғулланиш имкониятидан маҳрум бўлиб, тадбиркорлик билан шуғулланиш натижасида кўп даромад топадиган бўлган тақдирда ҳам зарарни ундириш миқдори таъсир этмайди.

Зарарнинг миқдори автоматик равишда ва манфаатдор шахсларнинг талаби билан ўзгариши мумкин. ФКнинг 1013-моддасига мувофиқ, турмуш қийматининг ошиб бориши ва қонун ҳужжатларида белгиланган энг кам иш ҳақи миқдорининг оширилиши муносабати билан тўловлар миқдори мутаносиб равишда ўзгаради. Қолган вазиятларда тўловлар миқдорининг камайиши ёхуд кўпайиши ФКнинг 1012-моддасида қайд этилган манфаатдор тарафларнинг талаби билан ўзгариши мумкин.

Меҳнат қобилиятини қисман йўқотган жабрланувчи зарарни тўлаш мажбурияти юкланган шахсдан исталган вақтда, агар унинг меҳнат қобилияти соғлиғига етказилган шикаст туфайли ўзига зарарни ундириш белгиланган пайтда соғлиғи нисбатан ёмонлашса, қоплаш миқдорини тегишлича кўпайтиришни талаб қилишга ҳақли.

Вояга етмаган шахсларнинг соғлиғига шикаст етказилганда зарар ундиришнинг алоҳида хусусиятлари мавжуд. Маълумки, 14 ёшгача бўлган вояга етмаган фуқароларнинг соғлиғига шикаст етказилганда, уларнинг ишламаслигини инобатга олган ҳолда фақат қўшимча харажатларнигина ундириш мумкин. Чунки уларнинг ишламаганликлари боис, табиийки, улар иш ҳақи (даромад) ни йўқотмайдилар. Агар 14 ёшдан то 18 ёшгача бўлган вояга етмаган шахсларнинг соғлиғига шикаст етказилганда қўшимча харажатлардан ташқари, унинг меҳнат қобилиятининг йўқотилиши ёхуд камайишини ҳисобга олган ҳолда ФКнинг 1008-моддасига мувофиқ зарарни ундириш мумкин.

Агар вояга етмаган шахс меҳнат фаолиятини бошлаб, муайян даромадга ёхуд иш ҳақи олаётган тақдирда, унинг миқдоридан келиб чиққан ҳолда зарарни ундириши ҳамда кўпайтиришни талаб этиши мумкин (ФКнинг 1008-модданнинг 3-4 бандлари).

Чунончи, вояга етмаган шахслар стипендия олаётган бўлсалар, уларнинг стипендиялари иш ҳақига тенглаштирилиши ҳам мумкин.

Кейинги иккинчи хусусияти бўлмиш боқувчисини йўқотганлик учун жавобгарликда фуқаронинг вафот этишига бевосита алоқадор шахс унинг қарамоғидаги шахсларга зарарни қоплаб бериши шарт. Боқувчисини йўқотганлик учун зарарни қоплашни талаб этувчи шахсларга қуйидагилар киради:

- марҳумнинг қарамоғида турган ёки у вафот этган кунгача ундан таъминот олиш ҳуқуқига эга бўлган меҳнатга лаёқатсиз шахслар;
- марҳумнинг вафотидан кейин туғилган фарзанди;

- меҳнат фаолиятдан қатъи назар, марҳумнинг қарамоғида бўлган унинг 14 ёшга тўлмаган ёки кўрсатилган ёшга тўлган бўлса ҳам тиббиёт муассасасининг хулосасига кўра саломатлиги бўйича бошқаларнинг парваришига муҳтож бўлган болалари, неваралари, ака-укалари ва опа-сингилларини парваришlashда банд бўлган ва ишламайдиган ота-онасидан бири, эри (хотини) ёки оиланинг бошқа аъзоси;
- марҳумнинг қарамоғида бўлган ва унинг вафотидан кейин беш йил ичида меҳнатга қобилиятсиз бўлиб қолган шахслар.

Ушбу категориядаги шахслар доирасига вафот этган шахснинг қарамоғида бўлган меҳнатга лаёқатли турмуш ўртоғи унинг вафотидан кейин 5 йил ичида нафақа олиш ёшига етганлар кирази.

ФКнинг 1009-моддасига мувофиқ зарар қуйидагиларга тўланади:

- вояга етмаганларга – 18 ёшга тўлгунга қадар;
- 18 ёшдан ошган ўқувчиларга – ўқувнинг кундузги шаклида ўқишни тугатгунга қадар, бироқ 23 ёшдан ошмагунча;
- 55 ёшдан ошган аёлларга ва 60 ёшдан ошган эркекларга – умрбод;
- ногиронларга – ногиронлик муддатигача;
- марҳумнинг қарамоғида бўлган болалари, неваралари, ака-укалари ва опа-сингилларини улар 14 ёшга тўлгунга қадар парваришlashда банд бўлган ота-онасидан бири, эри (хотини) ёхуд оиланинг бошқа аъзоси.

Боқувчисини йўқотганлик муносабати билан зарар ундиришнинг асосларини манфаатдор шахслар томонидан исботлаб бериши лозим. Қариндошлик алоқалари тегишли ҳужжатлар ёрдамида аниқланади, агар аниқлаш мураккаб бўладиган бўлса, суд томонидан аниқланади. Фарзандлари ФХДЁ органлари томонидан берилган туғилганлик гувоҳномаларини тақдим этиши билан исботланади.

Оила аъзоларининг таркибий қисми эса ўзини ўзи бошқариш органларининг маълумотномалари асосида аниқланади. 18 ёшдан 23 ёшгача бўлган, олий ёхуд ўрта махсус касб-ҳунар ўқув муассасаларида таҳсил оладиган ўқувчи ёхуд талабалар тегишли муассасанинг берган билдиришномалари билан аниқланади.

Боқувчисини йўқотганлик туфайли зарар тўловини олиш ҳуқуқига эга бўлган шахслар учун уларга боқувчи вафоти туфайли тайинланган пенсия, шунингдек бошқа пенсиялар, иш ҳақи, стипендиялар ва бошқа даромадлар зарар тўлови ҳисобига киритилмайди. Бунда қарамоғида бўлган ҳар бир шахс ҳисобига зарар тўлови миқдори қонун ҳужжатларида белгиланган энг кам ойлик иш ҳақи миқдорининг эллик фоизидан кам бўлиши мумкин эмас.

Агар вафот этган шахснинг қарамоғида бўлмаган, бироқ ундан таъминот олиш ҳуқуқига эга бўлган фуқаролар бўлган тақдирда, уларга зарарнинг миқдори қуйидагича аниқланади:

- таъминот суд тартибида ундирилган бўлса, суд томонидан белгиланган сумма билан;

- фуқароларнинг моддий аҳволи ва вафот этган шахснинг ўлиmidан олдин қанчалик таъминот бера олиши мумкинлигини ҳисобга олган ҳолда, агар таъминот суд тартибида белгиланмаган бўлса.

Агар зарар етказган шахс ёхуд юридик шахс ўз хошишига биноан зарарни қопламаса, жабрланган шахс манфаатини ҳимоя қилиш мақсадида судга мурожаат этиши мумкин. Фуқаронинг ҳаёти ёки соғлиғига зарар етказганда даъво муддати қўлланилмайди, бироқ 3 йиллик даъво муддати ўтгандан сўнг мурожаат этилганида зарар даъводан олдинги 3 йилдан ортиқ бўлмаган муддат учун қаноатлантирилиши мумкин. Масалан, фуқаронинг ҳаётига 1996 йил зарар етказилган бўлса-ю, даъво 2004 йил қўзғатилган бўлса, суд фақатгина 2001 йилдан 2004 йилгача бўлган муддат учун зарарни қоплаш тўғрисида қарор чиқаради.[194]

Қоида бўйича зарар ҳар ойда тўлаб борилади, ҳамда пулнинг ўтказиш масъулияти тўловчининг зиммасида бўлади. Истисно ҳолатида суд тўловчининг белгиланган муддат мобайнида узрли сабабларга кўра тўлолмаслигини инобатга олган ҳолда 3 йилдан ортиқ бўлмаган муддатга бир йўла тўлашни белгилаши мумкин. Мисол учун зарар етказган шахс узоқ муддатга хизмат сафарига жўнаши бўлиши мумкин.

3.Товарлар, ишлар ва хизматлардаги нуқсонлар оқибатида етказилган зарарнинг ўрнини қоплаш

Товарлар, иш ёки хизматлар таркибий қисмининг камчилиги ёхуд нуқсонлари оқибатида фуқаронинг ҳаёти, соғлиғига ҳамда мол-мулкига зарар етказилиши оқибатида зарарни қоплаш нафақат Фуқаролик кодекси, балки “Истеъмомчиларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида” ги қонун билан ҳам тартибга солинади. Шу ўринда таъкидлаш жоизки мазкур, ҳужжатлар қоидаларини қўллаш доираси ва мазмуни жиҳатидан бир-бирига мос келмайди.

Деликт мажбуриятлар қаторида товарлар, ишлар, хизматлардаги нуқсонлар оқибатида етказилган зарар жабрланувчи ва зарар етказган шахс ўртасида шартномадан ташқари мажбуриятни вужудга келтиради. Бироқ жабрланувчи ва зарар етказган шахс ўртасида шартномавий муносабат бўлиши мумкинлигини эътироф этиш мумкин.

Тегишли сифатда бўлмаган товар сотилганда, сотиб олувчида бир қатор ҳуқуқлар пайдо бўлади. Улар жумласига етказилган зарарни қоплаш ҳам киради. Бундай ҳуқуқ шартномавий характерда бўлиб, олди-сотди шартномаси билан тартибга солинади. Башарти, сотиб олинган товарнинг камчилиги туфайли фуқаронинг ҳаёти, соғлиғи ёки мол-мулкига зарар етказилса ва зарарни ундириш бўйича келиб чиқадиган муносабат шартномадан ташқари деб қаралади.

ФКнинг 1017-моддасига мувофиқ, товарнинг (ишнинг, хизматнинг) конструктив, рецептуравий ёки бошқа нуқсонлари оқибатида, шунингдек товар (иш, хизмат) тўғрисидаги маълумот нотўғри ёки етарли эмаслиги

оқибатида фуқаронинг ҳаёти, соғлиғи ёки мол-мулкига, юридик шахснинг мол-мулкига етказилган зарар сотувчи ёки тайёрловчи (ижрочи) томонидан, уларнинг айбидан ва жабрланувчи улар билан шартнома муносабатларида бўлгани ёки бўлмаган-нидан қатъи назар, қопланиши лозим. Ушбу қоидалар истеъмол мақсадларида харид қилинганида қўлланилади.

“Истеъмолчиларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида”ги қонун истеъмолчига товар (иш, хизмат)нинг нуқсонлари туфайли етказилган мулкӣ жавобгарликни вужудга келтирувчи ҳолатлар ва бунинг натижасида қопланиши зарур бўлган оқибатлар кўрсатилган. Мазкур қонуннинг 20-моддасида товарнинг қуйидаги камчиликлари юзасидан жавобгарлик белгиланади:

- товарнинг тузилишига;
- товарнинг ишлаб чиқарилишига;
- товарнинг таркибига;
- товарнинг бошқа жиҳатларидаги нуқсонларга.

Одатда, товарнинг тузилиши деганда, унинг белгиланган шакли-шамойили, мавжуд стандартларга мослиги, муайян тасавур доирасидалиги, тегишли мақсад учун фойдаланиладиган товар туркумидаги бошқа товарларга ўхшашлиги тушунилади. Масалан, оддий пиёла ёки ручканинг тузилишини тасаввур қиладиган бўлсак, пиёла конуссимон шаклдаги атрофи ясси қилиб ишланган суюқлик истеъмол қилишга мўлжалланган предмет ҳисобланса, ручка ўз шакл шамойилига кўра, қўлда ёзиш учун қулай бўлган ашё ҳисобланади[195].

ФКнинг 1018-моддасига асосан, товарнинг нуқсонлари оқибатида етказилган зарар жабрланувчининг танловига кўра товарнинг сотувчиси ёки тайёрловчиси томонидан қопланиши лозим.

Ишнинг (хизматнинг) нуқсонлари оқибатида етказилган зарар ишни бажарган ёки хизматни кўрсатган шахс (ижрочи) томонидан қопланиши лозим.

Истеъмолчига етказилган зарар учун, етказилган зарарни қоплаш билан бирга қуйидаги жавобгарлик чоралари ҳам қўлланилиши мумкин:

- шартномада ёки қонунда белгиланган неустойкани тўлаш;
- бурчни натура ҳолда бажариш ва кўшимча равишда жарима тўлаш;
- мажбуриятни қарздор (биз кўриб чиқаётган масалада эса сотувчи (ишлаб чиқарувчи, ижрочи)) ҳисобидан бажариш;
- товар (иш ёки хизмат) даги нуқсонларни текинга бартараф этиш билан бирга етказилган зарани қоплашни ҳам талаб қилиш.

Ушбу жавобгарлик чораларининг барчаси истеъмолчининг хоҳиш-иродаси ёки қонун ва шартномага мувофиқ ҳамда мажбурият моҳиятидан келиб чиқиб белгиланади.

Истеъмолчига зарар етказилганда қўлланиладиган жавобгарлик чоралари жумласига бой берилган фойдани ундириш кирмайди.

“Истеъмолчиларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида”ги қонунда истеъмолчининг ҳаёти, соғлиғи ёки мол-мулкига етказилган зарарнинг қопланиши лозим бўлган муддатлари белгиланган:

- норматив ҳужжатларда назарда тутилган товарнинг хизмат (яроқлилиқ) муддати мобайнида;
- бундай муддатлар белгиланмаган тақдирда эса, товар ишлаб чиқарилган (иш, хизмат қабул қилинган) пайтдан эътиборан ўн йил мобайнида.

4.Маънавий зарарни қоплаш

Фуқаролик қонун ҳужжатларида маънавий зарар тушунчасининг таърифи берилмаган. Бироқ, Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2000 йил 28 апрелдаги «маънавий зарарни қоплаш ҳақидаги қонунларни қўллашнинг айрим масалалари тўғрисида» ги №7-сонли Қарорида[196] маънавий зарар тушунчаси таъриф берилган унга кўра, маънавий зарар деганда жарбланувчига қарши содир этилган ҳуқуқбузарлик ҳаракати (ҳаракатсизлик) оқибатида у бошидан кечирган (ўтказган) маънавий ва жисмоний (камситиш, жисмоний оғриқ, зарар кўриш, ноқулайлик ва бошқа) бошқа азоблар тушунилади.

Маънавий зарар, жумладан яқин қариндошини йўқотиш (ўлими) сабабли маънавий қағуриш, ижтимоий ҳаётдаги фаолиятини давом эттира олмаслик, ишини йўқотиш, оилавий, тиббий сирларни ошкор қилиш, фуқароларнинг шаъни, кадр-қиммати ва ишчанлик обрўсига путур етказувчи ҳақиқатга тўғри келмайдиган маълумотларни тарқатиш, ҳар қандай бошқа ҳуқуқларини вақтинча чеклаш ёки улардан маҳрум қилиш, етказилган зарар ёки соғлиққа бошқача зиён етказиш туфайли жисмоний оғриқ, соғлиққа бошқача етказилган ёхуд етказилган маънавий азоблар натижасида бошидан ўтказилган бошқа касал-ликларда намоён бўлади.

Агар маънавий зарар жабр этувчига етказилган зарарни қоплашни назарда тутган кучга киргунга қадарли етказилган бўлса, шунингдек даъвогар бундай қонун кучга киришидан кейин ҳам маънавий ва жисмоний азоб ҳис қилаётган бўлса ҳам даъвогарнинг бу ҳақдаги талаби қаноатлантиришга тегишли эмас, чунки зарар етказилган вақтда жавобгарликнинг бу тури белгиланмаган бўлган ва умумий қоидага кўра содир қилинган вақтда амалда бўлган қонунда белги-ланган хилоф ҳаракатга нисбатан жавобгарликни кучайтирадиган қонун орқага қайтиш кучига эга бўлиши мумкин эмас.

ФКнинг 1021-моддасига мувофиқ, маънавий зарар уни етказувчининг айби бўлган тақдирда, зарар етказувчи томонидан қопланади. Бироқ, қуйидаги ҳолатларда маънавий зарар уни етказувчининг айбидан қатъи назар қопланади, агар:

- зарар фуқаронинг ҳаёти ва соғлиғига ошиқча хавф манбаи томонидан етказилган бўлса;
- зарар фуқарога уни қонунга хилоф тарзда ҳукм қилиш, қонунга хилоф тарзда жиноий жавобгарликка тортиш, эҳтиёт чораси сифатида қамокқа олишни ёки муносиб ҳуққ-атворда бўлиш ҳақида тилхат олишни қонунга хилоф тарзда қўлланиш, қонунга хилоф тарзда маъмурий жазо қўлланиш ва қонунга хилоф тарзда ушлаб туриш натижасида етказилган бўлса;
- зарар ор-номус, кадр-қиммат ва ишчанлик обрў-эътиборини ҳақоратловчи маълумотларни тарқатиш туфайли етказилган бўлса;
- қонунда назарда тутилган бошқа ҳолларда.

Умумий қоидага кўра, маънавий зарар пул билан қопланади. Маънавий зарарни қоплаш миқдори жабрланувчига етказилган жисмоний ва маънавий азобларнинг хусусиятига, шунингдек айб товон тўлашга асос бўлган ҳолларда зарар етказувчининг айби даражасига қараб суд томонидан аниқланади. Зарарни қоплаш миқдорини аниқлашда оқилоналик ва адолатлилик талаблари эътиборга олинishi лозим.

Жисмоний ва маънавий азобларнинг хусусияти маънавий зарар етказилган ҳақиқий ҳолатлар ва жабрланувчининг шахсий хусусиятлари ҳисобга олинган ҳолда суд томонидан баҳоланади.

Маънавий зарар тўланиши лозим бўлган мулкӣ зарардан қатъи назар қопланади.

Мавзунӣ мустаҳкамлаш учун саволлар.

1. Зарар етказишдан келиб чиқадиган мажбуриятлар тушунчаси, аҳамияти.
2. Зарар етказишдан келиб чиқадиган мажбуриятлар бўйича жавобгарликнинг умумий асослари.
3. Зарурий муодофаа ҳолатида етказилган зарар учун жавобгарлик.
4. Охирги зарурат ҳолатида етказилган зарар учун жавобгарлик.
5. Иш берувчининг ўз ходими томонидан етказилган зарар учун жавобгарлиги.
6. Мансабдор шахслар томонидан етказилган зарар учун жавобгарлик.
7. Ҳуқуқ-тартибот идораларининг қонунга хилоф ҳаракатлари юзасидан етказилган зарар учун жавобгарлик.
8. Муомалага лаёқатсизлар томонидан етказилган зарар учун жавобгарлик.
9. Муомала лаёқати чекланган фуқаролар томонидан етказилган зарар учун жавобгарлик.
10. Ўн тўрт ёшгача бўлган вояга етмаганлар томонидан етказилган зарар учун жавобгарлик.
11. Ўн тўрт ёшдан ўн саккиз ёшгача бўлган вояга етмаган томонидан етказилган зарар учун жавобгарлик.
12. Ошиқча хавф манбаларидан етказилган зарар учун жавобгарлик.
13. Жавобгарликдан озод қилиш асослари.
14. Зарарни қоплаш миқдорини ўзгартириш тартиби.
15. Юридик шахсни бекор қилганда зарарни қоплаш тартиби.
16. Шартномаларга оид ёки бошқа мажбуриятларни бажаришда фуқаронинг ҳаёти ва соғлиғига етказилган зарарнинг ўрнини қоплаш.

17. Соғлиққа шикаст етказилганлиги туфайли зарарнинг ўрнини қоплаш ҳажми, хусусияти, муддати.
18. Соғлиққа шикаст етказилиши натижасида йўқотилган иш ҳақини (даромадини) аниқлаш.
19. Вояга етмаган шахснинг соғлиғига шикаст етказилганда зарар ўрнини қоплаш.
20. Боқувчиси вафот этган тақдирда кўрилган зарарни қоплаш миқдори.
21. Товарнинг, ишнинг, хизматнинг нуқсонлари оқибатида етказилган зарарнинг ўрнини қоплаш асослари.
22. Товарнинг, ишнинг, хизматнинг нуқсонлари оқибатида етказилган зарар учун жавобгар шахслар.
23. Зарарни қоплаш муддатлари.
24. Зарар учун жавобгар шахслар доираси.
25. Жавобгарликдан озод қилиш асослари.
26. Маънавий зарар тушунчаси
27. Маънавий зарарни қоплаш тартиби
28. Маънавий зарар миқдорини аниқлаш

Глоссарийлар.

Фуқаролик ҳуқуқий жавобгарлик деганда, мулкӣ тусдаги санкцияларни ҳуқуқбузарга нисбатан татбиқ этиш тушунилади.

Маънавий зарар деганда жарбланувчига қарши содир этилган ҳуқуқбузарлик ҳаракати (ҳаракатсизлик) оқибатида у бошидан кечирган (ўтказган) маънавий ва жисмоний (камситиш, жисмоний оғриқ, зарар кўриш, ноқулайлик ва бошқа) бошқа азоблар тушунилади.

Зарар етказишдан келиб чиқадиган мажбуриятларга мувофиқ, шахс (жисмоний ёки юридик шахс) нинг ҳаёти ва соғлиғи ёки мол-мулкига зарар етказган шахс етказилган зарар тўлиқ қоплаш мажбуриятини олади, жабрланувчи эса ўзига етказилган зарар қоплашни талаб қилиши ҳуқуқига эга бўлади.

Фойдаланилган адабиётлар.

Асосий адабиётлар:

1. Зокиров И.Б. Фуқаролик ҳуқуқи: Дарслик. 1 қисм. –Т. ТДЮИ нашриёти, 2009. 611 б.
2. Инсон ҳуқуқлари тўғрисида халқаро Билль. -Т.: Адолат. 1992.
3. Муаллифлар жамоаси. Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг иккинчи қисмига шарҳлар. -Т.: Иқтисодий ва ҳуқуқ дунёси. 1998.324 б.
3. Топилдиев Б. Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик ҳуқуқи. (биринчи ва иккинчи қисмлар). -Т.: ТДЮИ. 2014.511 б.

Қўшимча адабиётлар:

1. Каримов И.А. Инсон, унинг ҳуқуқ ва эркинликлари ҳамда манфаатлари – энг олий кадрият. // Халқ сўзи, 2005 йил 9 декабрь.
2. . Каримов И.А. Ўзбекистон - бозор муносабатларига ўтишнинг ўзига хос йўли./ Биздан озод ва обод Ватан қолсин. -Тошкент: Ўзбекистон, 1994. -48 б.
3. Мирзиёев Ш.М. Демократик ислохотларни изчил давом эттириш халқимиз учун тинч ва осойишта, муносиб ҳаёт даражасини яратиш барқарор тараққиёт кафолатидир // Халқ сўзи. 2016 йил 2 ноябр.
4. Мирзиёев Ш.М. Қонун устуворлиги ва инсон манфаатларини таъминлаш-юрт тараққиёти ва халқ фаровонлигининг гарови Халқ сўзи 8 декабр 2016 йил. Ўзбекистон Республикасининг сайланган Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганлигининг 24 йиллигига бағишланган тантанали маросимидаги маърузаси.
5. Ўзбекистон Республикаси Президентининг "2017 — 2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устивор йуналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясини амалга оширишга доир ташкилий чоратadbирлар туғрисида" 2017 йил 14 февралдаги Ф-4849- сонли Фармойиши. Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2017 й.. 7-сон, 88-модда;
6. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси-Т.: Ўзбекистон, 2017.
7. Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик кодекси. (2016 йил 1 июлгача бўлган ўзгариш ва қўшимчалар билан). Тўплам. “Адолат” нашриёти.
8. Фуқаролик ҳуқуқи. Иккинчи қисм. –Тошкент: Илм зиё, 2008. -392 б.
9. Муаллифлар жамоаси. Шартнома ҳуқуқи. –Тошкент. ТДЮИ, 2006.

Elektron resurslar.

1. <http://Allpravo.ru>
2. <http://Internet-law.ru>
3. <http://dissertation1.narod.ru/avtoreferats1>
4. <http://www.library.by/data>
5. <http://www.lawportal.ru>
6. <http://www.legislature.ru>
7. <http://www.ziyonet.uz>.
8. <http://www.inter-mba.ru/c...> 2. <http://www.businesspravo.ru>.
9. <http://www.daryo.uz> 4. <http://www.kun.uz> 5. <http://www.lex.uz>
10. <http://www.gov.uz>

11. мавзу: Интеллектуал мулк.

Режа:

1. Интеллектуал фаолият тушунчаси ва унинг асосий белгилари. Интеллектуал мулк ҳуқуқи (моддий ашёвий)нинг ўзига хос хусусиятлари.
 2. Интеллектуал мулк ҳуқуқи объектлари таркиби ва уларни ҳуқуқий муҳофаза этиш асослари.
 3. Интеллектуал мулк ҳуқуқи объектларига нисбатан шахсий ва мулкӣ ҳуқуқлар.
 4. Мутлоқ ҳуқуқлар (тушунчаси, мазмуни, амал қилиш муддати, ҳимоя қилиш усуллари, уни бошқа шахсга ўтказиш).
 5. Интеллектуал мулк ҳуқуқи билан боғлиқ шартномавий муносабатлар.
 6. Муаллифлик ҳуқуқи. Турдош ҳуқуқлар.
 7. Саноат мулкига бўлган ҳуқуқ. Ихтиро, фойдали модел, саноат намунаси тушунчаси, уларни ҳуқуқий муҳофаза қилиш асослари: янгилик ва бошқа мезонлар.
 8. Фуқаролик муомаласи қатнашчилари, товарлар, ишлар ва хизматларни шахсийлаштириш воситалари. Фирма номи.
- 1. Интеллектуал фаолият тушунчаси ва унинг асосий белгилари.**
Интеллектуал мулк ҳуқуқи (моддий ашёвий)нинг ўзига хос хусусиятлари.

Интеллектуал мулк объектлари фуқаролик ҳуқуқининг алоҳида ўзига хос объекти бўлиб ҳисобланади. «Интеллект» лотинча сўз бўлиб, «ақл» маъносини англатади. Интеллектуал мулк объектлари фуқаролик ҳуқуқининг бошқа объектлари — ашёлар, қимматбаҳо қоғозлардан қуйидаги хусусиятлари бўйича фарқ қилади:

- а) кўп ҳолларда интеллектуал мулк объектлари моддий кўринишда эмас, балки, ғоя, билим, ахборот шаклида намоён бўлади. Объектив шаклда ифодаланган ғоя, билим моддий элтувчида, моддий ифодада, масалан, чизма, макет, аппарат, қурилмада мужассамлашган бўлиши мумкин, бироқ, бунда ғоя, билим бирламчи, унинг моддий мужассами ҳар доим иккиламчи бўлади;
- б) ғоя, билим шаклидаги интеллектуал мулк объектига одатдаги моддий ашёга эгалик қилгандай эгалик қилиш мумкин эмас;
- в) бундай объектлардан бир вақтнинг ўзида чексиз доирадаги шахслар фойдалана олиши мумкин;
- г) интеллектуал мулк ҳуқуқи объектларига мулк ҳуқуқининг муддатсизлиги ҳақидаги қоида (ФКнинг 164-моддаси) қўлланилмайди. Бинобарин, кўпчилик ҳолларда (ноу-хауга нисбатан истиснони ҳисобга олмаганда) интеллектуал мулк ҳуқуқи амал қилиши қонунларда белгиланган муддатлар билан чегараланган бўлади;
- д) қонунларда белгиланган муддатлар ўтиши билан интеллектуал мулк ҳуқуқи соҳибининг интеллектуал мулкнинг муайян объектига нисбатан ҳуқуқлари бекор бўлади ва бу объектлар умуминсоний бойликка айланиб, ҳар ким ундан маълум шартлар асосида (муаллифининг шахсий ҳуқуқларига риоя қилган ҳолда) текин ва рухсатсиз фойдаланишга ҳақли бўлади;
- е) интеллектуал мулк ҳуқуқи объектлари ғоя кўринишида бўлган ҳолларда уларни ашёлар сингари эгаллаш мумкин эмаслиги, улардан бир вақтнинг ўзида чексиз доирадаги шахслар фойдалана олиш имкониятлари мавжудлиги сабабли бундай объектларга нисбатан мулк ҳуқуқини ҳимоя қилишда виндикацион даъвони қўллаш (ФКнинг 228-моддаси) имконияти амалда мавжуд эмас;
- ё) интеллектуал мулк ҳуқуқи объектларига нисбатан одатдаги мулк ҳуқуқи эмас, балки мутлақ ҳуқуқлар ҳақидаги қоидалар қўлланилади;
- ж) интеллектуал мулк ҳуқуқининг амал қилиши, айти вақтда, маълум ҳудуд билан ҳам чегараланган бўлади. Масалан, ихтирога нисбатан Ўзбекистон Республикаси Патент идораси томонидан берилган патент Ўзбекистон Республикаси ҳудудида, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси билан хорижий давлатлар ўртасида тузилган икки томонлама шартномалар асосида белгиланган ҳудудлардагина амал қилади;
- з) кўпгина интеллектуал мулк объектларига нисбатан уларнинг муаллифлари шахсий ҳуқуқлари мавжуд бўлиб, бу объектлардан фойдаланувчилар ушбу шахсий ҳуқуқларга риоя қилишлари лозим бўлади.

Интеллектуал мулк объектлари бу объектларнинг қандай фаолият маҳсули эканлиги, уларнинг ҳуқуқий режими ва шу каби хусусиятларига қараб қуйидаги турларга бўлинади:

1.Интеллектуал фаолият натижалари. Интеллектуал фаолият ўз характерига кўра, инсон фаолиятининг энг олий кўриниши — ижодий фаолият бўлиб ҳисобланади. Инсон ижодий фаолияти бу фаолиятни амалга ошириш усул-воситалари, фаолият маҳсуллари хусусиятларига кўра инсон онгли фаолиятининг бошқа кўриниши одатдаги, кундалик фаолиятидан фарқ қилади.

Одатдаги, кундалик фаолият доимий, такрорланиб турувчи фаолият бўлиб, бунда фаолият ўзи ҳам, ундан вужудга келадиган натижалар ҳам илгаридан маълум бўлади. Шу сабабли ҳам одатдаги, кундалик фаолият репродуктив фаолият ҳисобланиб, бунда тайёр ўй-фикрлар формал мантик ёки бошқа қонун-қоидалар асосида қайтадан, такрорий ҳосил бўлади. Ижодий фаолият (аклий, тафаккур) интеллектуал фаолият бўлиб, унинг натижасида фан, техника, адабиёт ёки санъат соҳасида янги, ижодий мустақил маҳсул яратилади (қаранг: Ионас В. Л., Производство творчества в гражданском праве. М., 1972 й. 9-10 б).

Интеллектуал фаолият натижаларига қуйидагилар киради:

- фан, адабиёт, санъат асарлари, ижролар, фонограммалар, эфир ёки кабель орқали кўрсатув ёки эшиттириш берувчи ташкилотларнинг кўрсатувлари ёки эшиттиришлари;
- электрон ҳисоблаш машиналари учун дастурлар ва маълумот-лар базалари;
- ихтиролар, фойдали моделлар, саноат намуналари;
- селекция ютуқлари;
- ошкор этилмаган ахборот, шу жумладан, ишлаб чиқариш сир-лари (ноухау).

Фуқаролик муомаласи иштирокчиларининг товарлари, ишлар ва хизматларнинг хусусий унсурларини акс эттирувчи воситаларга нисбатан бўлган ҳуқуқпарга ҳам мутлақ ҳуқуқлар ҳақидаги қоидалар қўлланилади. Маълумки, фуқаролик муомаласида турли-туман субъектлар иштирок этади, айни вақтда, муомалада хилма-хил маҳсулотлар ва хизматлар ҳам ҳаракатда бўлади. Мана шундай шароитда субъектлар, улар ишлаб чиқарган товарлар ва кўрсатадиган хизматлар алоҳида фарқлаш белгиларига эга бўлиши шарт, акс ҳолда, турли англашилмовчилик, қийинчиликлар вужудга келиши мумкин.

Ана шундай фарқлаш белгилари фуқаролик муомаласи иштирокчиларининг ўзларини, унинг ишлаб чиқарган товарлари, бажарадиган ишлари ва кўрсатадиган хизматларининг хусусий аломатларини (индивидуал белгиларини) акс эттирувчи воситалар бўлиб ҳисобланади.

Бундай алоҳида фарқлаш белгиларининг қуйидаги турлари мавжуд:

- фирма номлари;
- товар (хизмат кўрсатиш) белгилари;
- товар чиқарилган жой номи.

2.Интеллектуал мулк ҳуқуқи объектлари таркиби ва уларни ҳуқуқий муҳофаза этиш асослари.

Интеллектуал мулк объектларини ҳуқуқий муҳофаза қилиш деганда бу объектларга нисбатан субъектив ҳуқуқяар соҳиби ҳуқуқларининг қонуний жиҳатдан қўриқлашини вужудга келтириш асослари тушунилади. Бинобарин, интеллектуал мулк объекти ўз-ўзидан ҳуқуқий муҳофаза остига олинмайди, балки бу объектга нисбатан субъектив ҳуқуқларга эга бўлган шахслар (муаллифнинг шахсий ҳуқуқлари, мутлақ ҳуқуқлар соҳибининг ҳуқуқлари, лицензия асосида фойдаланувчининг ҳуқуқлари, аввалдан фойдаланувчининг ҳуқуқлари ва шу кабилар) ҳуқуқлари ҳуқуқий жиҳатдан муҳофаза остига олинади.

Интеллектуал мулк объектларини ҳуқуқий муҳофаза остига олиш:

- уларнинг яратилганлилик факти асосида;
- ФКда ёки бошқа қонунларда назарда тутилган ҳолларда ва тартибда ваколатли давлат органи томонидан ҳуқуқий муҳофаза ҳужжати берилиши асосида вужудга келади.

Ошкор этилмаган ахборотга нисбатан ҳуқуқий муҳофаза бериш шартлари қонун билан белгиланади.

Интеллектуал объектларнинг қуйидаги турлари бўйича уларни ҳуқуқий муҳофаза қилиш уларнинг яратилиши (вужудга келиш) факти асосида содир бўлади:

- фан, адабиёт, санъат асарлари;
- ЭХМ учун дастурлар ва маълумотлар базалари;
- ижролар, ижроларни сахналаштириш, эшитгириш ва кўрсатувлар;
- топологик ва интеграл схемалар.

Бунда объект ижодкор томонидан оғзаки, ёзма, тасвир шаклида ёки бошқалар томонидан идрок этиш (қабул қилиш) учун имкон берадиган бошқа объектив шаклда мужассам этилиши билан яратилган ҳисобланади. Бинобарин, шу вақтдан бошлаб унга нисбатан бошқа шахсларда субъектив ҳуқуқлар вужудга келади ва ҳуқуқий муҳофаза қилинади.

Бундай ҳолда объектдан учинчи шахсларнинг фойдаланган бўлиши, объект рўйхатдан ўтказилиши ёки бошқа расмиятчиликларга риоя этилиши талаб этилмайди. Ҳатто объект кейинчалик рўйхатдан ўтказилиши лозимлиги ҳақидаги қоида мавжуд бўлса ҳам (масалан, ЭХМ учун дастурлар ва маълумотлар базалари учун давлат рўйхати мавжуд) бу ҳолат уларнинг ҳуқуқий муҳофаза қилиш ҳолатига таъсир этмайди. Бунда интеллектуал мулк объектлари Ўзбекистон Республикаси ҳудудида ёки хорижий давлат ҳудудида яратилганлиги факти аҳамиятга эга эмас.

Ваколатли давлат органи (кўп объектлар бўйича бундай орган бўлиб Ўзбекистон Республикаси Давлат Патент идораси ҳисобланади) ҳуқуқий муҳофаза ёрлиғи беришда қуйидаги ҳолатларни, албатта, ўрганиб чиқади:

- а) ҳуқуқий муҳофаза берилиши сўралаётган объект интеллектуал мулк объекти сифатида тегишли хусусиятларга эгами, йўқми;
- б) ўз номига ҳуқуқий муҳофаза ёрлиғи берилишини сўраб мурожаат қилаётган фуқаро ёки юридик шахс талаби қонуний асосларга эгами, йўқми;
- в) ҳуқуқий муҳофаза ёрлиғи берилиши бошқа шахсларнинг қонуний ҳуқуқ ва манфаатларига путур етказмайдими ва ҳоказо.

Интеллектуал мулк қуйидаги объектларининг ҳуқуқий муҳофазаси давлат органи томонидан ҳуқуқий муҳофаза ёрлиғи берилиши асосида вужудга келади:

- ихтиро, саноат намунасига нисбатан патент берилади;
- фойдали моделга нисбатан гувоҳнома берилади («Ихтиролар, саноат намуналари, фойдали моделлар тўғрисида»ги Қонуннинг 3-моддаси);
- селекция ютуқларига нисбатан патент берилади;
- товар (хизмат кўрсатиш) белгисига нисбатан у давлат рўйхатидан ўтказилиб, гувоҳнома берилади;
- фирма номи давлат рўйхатидан ўтказилиб (реестрга киритилиб) бу ҳақда далолатнома берилади;
- товар чиқарилган жой номига бўлган ҳуқуқ давлат рўйхатидан ўтказилиб, ундан фойдаланиш ҳуқуқи тўғрисида гувоҳнома берилади.

Интеллектуал мулк объектига нисбатан берилган ҳуқуқий муҳофаза ёрлиғида объект номи, унинг алоҳида хусусиятлари, ушбу объект муаллифи (ихтиро, фойдали модел, саноат намуналари, селекция ютуқларига нисбатан ҳуқуқлар соҳибининг номи) ҳуқуқий муҳофаза муддатининг бошланиш ва бекор бўлиш вақти, ушбу ёрликни берган ваколатли давлат органи номи кўрсатилади, унинг раҳбари томонидан имзоланиб, муҳр билан тасдиқланади. Кўп ҳолларда бундай шартлар асосида ошкор этилмаган ахборот соҳибининг бу ахборотга нисбатан фактик монопол ҳолати ётади. Фактик монопол ҳолат қуйидаги шартлар бир вақтнинг ўзида мавжудлигини билдиради:

- а) ошкор қилинмаган ахборот учинчи шахсларга номаълум бўлиши;
- б) худди шу номаълумлиги сабабли у ҳақиқий ёки нисбий тижорат қийматига эга бўлиши;
- в) учинчи шахсларга бундай ахборотдан қонуний асосларда эркин баҳраманд бўлиши (танишуви, хабардор бўлиши, фойдаланиши) имкониятлари бўлмаслиги;
- г) ахборот соҳиби унинг махфийлиги (сирлигини)ни сақлаш бўйича барча чораларни кўрган бўлиши шарт.

Фактик монопол ҳолатини ҳуқуқий муҳофаза ёрлиғи бериш, рўйхатдан ўтказиш (бундай ахборот ноу-хау сифатида лицензия шартномаси асосида берилиши ҳолларидан ташқари) ёки бошқа расмийликларга риоя қилиш тартибида расмийлаштирилиши лозим эмас.

3. Интеллектуал мулк ҳуқуқи объектларига нисбатан шахсий ва мулкий ҳуқуқлар.

Интеллектуал фаолият натижаларининг муаллифлари ана шу натижаларга нисбатан шахсий ва мулкий ҳуқуқларга эга бўлади.

Интеллектуал фаолият натижаларига нисбатан унинг муаллифининг шахсий ҳуқуқлари деганда, мулкий мазмунга эга бўлмаган, ушбу натижага нисбатан ижодкор-яратувчи сифатидаги мавқеини эътироф этиш, мустаҳкамлаш ва ҳимоя қилишга қаратилган мутлақ ҳуқуқлари тушунилади ва ҳуқуқлар муаллифнинг фақат ўзигагина тегишли бўлиб, бошқа бировга

етказилиши, яъни муаллифдан бегоналаштирилиши мумкин эмас. Шахсий ҳуқуқлар мазмуни, доираси ҳар бир интеллектуал фаолият натижаси учун алоҳида ўзига хос тарзда белгиланади. Масалан, муаллифлик ҳуқуқи объектларига нисбатан муаллиф шахсий ҳуқуқлари доираси кенг (муаллифлик ҳуқуқи, муаллифлик исми-шарифига бўлган ҳуқуқ, муаллиф обрўсини ҳимоя қилиш ҳуқуқи, асарни чақириб олиш ҳуқуқи ва ҳоказо). Баъзи объектлар бўйича эса (масалан, селекция ютуқларида) шахсий ҳуқуқ объект муаллифи сифатида тан олиними ҳуқуқи билан кифояланади.

Интеллектуал фаолият натижалари муаллифи шахсий ҳуқуқлари билан бир қаторда, ушбу натижага нисбатан мулкӣ ҳуқуқларга ҳам эга. Мулкӣ ҳуқуқ мазмуни муаллифнинг ушбу ўзи яратган интеллектуал фаолият натижасидан фойдаланиши, бошқаларга ҳақ эвазига фойдаланишга бериш ёки ҳақ эвазига фойдаланиш учун руҳсат бериш ёхуд ҳақ эвазига бу натижага нисбатан ҳуқуқларни бошқаларга етказиш имкониятлари билан белгиланади.

Муаллифнинг мулкӣ ҳуқуқлари ҳажми тўлиқ ёки чекланган бўлиши мумкин. Интеллектуал фаолият натижасига нисбатан мутлақ ҳуқуқлар (ФКнинг 1034-моддаси) муаллифнинг ўзига эмас, бошқа шахсга тегишли бўлса, муаллифнинг интеллектуал фаолияти натижасига мулкӣ ҳуқуқлари чекланган тусга эга бўлади (масалан, муаллифлик ҳуқуқида эргашма ҳуқуқ ёки улуш ҳуқуқи, селекция ютуқлари бўйича селекционерларнинг патент эгасидан мукофот олиш ҳуқуқи, ихтирочининг ихтиродан илмий-тадқиқот ва шахсий мақсадларда фойдаланиш ҳуқуқи ва ҳоказо).

Шахсий номулкӣ ҳуқуқлар муаллифга унинг мулкӣ ҳуқуқларидан қатъи назар, тегишли бўлади ва унинг интеллектуал фаолият натижаларига бўлган мулкӣ ҳуқуқлар бошқа шахсларга ўтган тақдирда ҳам унинг ўзида сақланиб қолади. Интеллектуал фаолият натижаларига нисбатан шахсий ҳуқуқлар фақат ижодкор-яратувчи (муаллиф)нинг ўзига тегишли бўлади, мулкӣ ҳуқуқлар эса, учинчи шахсларга ҳам тегишли бўлиши мумкин (масалан, объект буюртма асосида яратилганда).

Муаллифлик ҳуқуқи бошқа шахсга ўтказилмайди, берилмайди. Ижодий фаолият натижасига нисбатан муаллиф ҳуқуқи ижодкор яратувчисининг ўзигагина тегишли, унинг ўзидан ҳар қандай тарзда, ҳар қандай асосда бегоналаштирилиши, бошқа бировга ўтказилиши мумкин эмас. Шу сабабдан муаллифлик ҳуқуқини битим ёки шартнома асосида бошқа бировга ўтказиш (сотиш, ҳадя қилиш) ёки ундан бошқа шахслар фойдасига воз кечиш муаллифнинг ўз эрки, ихтиёри ва хоҳиши билан содир бўлса ҳам ҳақиқий ҳисобланмайди. Бинобарин, бир шахс иккинчи шахс учун унинг номидан диссертация ёзиб бериши, асар ёзиб бериши ҳақидаги келишувлари ҳақиқий ҳисобланмайди ва қонунга номувофиқ битим саналади.

4. Мутлоқ ҳуқуқлар(тушунчаси,мазмуни, амал қилиш муддати,ҳимоя қилиш усуллари,уни бошқа шахсга ўтказиш).

Фуқаролик ҳуқуқи назариясида мутлақ ҳуқуқлар дейилганда бундай ҳуқуқ соҳиблари (эгалари)ни турли ҳаракатлар содир этиш (ижодий фаолият маҳсулидан фойдаланиш, уни тасарруф этиш ва ш.к.) бўйича ҳақдорлиги,

ваколатлилигини ва айни вақтнинг ўзида бошқа ҳар қандай шахсларга бундай юқорида кўрсатилган ҳаракатларни содир этишнинг тақиқланишини таъминловчи субъектив мутлақ ҳуқуқ тушунилади.[211]

Мутлақ ҳуқуқлар ҳуқуқий механизми одатдагидек эгаллаб туриши мумкин бўлмаган, бир вақтнинг ўзида номуайян доирадаги шахслар фойдалана олиши мумкин бўлган объектларга нисбатан ҳуқуқ соҳиби мулк ҳуқуқларининг амалга оширилишини таъминловчи муҳим воситадир, бироқ мулк ҳуқуқи ва мутлақ ҳуқуқлар асло айний тушунчалар эмас, уларнинг фарқлари ҳақида юқорида муфассал тўхтаб ўтилган эди.

Интеллектуал фаолият натижасига ёки хусусий аломатларни акс эттирувчи воситага нисбатан мулк ҳуқуқлар эгасига ана шу интеллектуал мулк объектдан ўз хоҳишига кўра ҳар қандай шаклда, ҳар қандай усулда мутлақ қонуний фойдаланиш ҳуқуқи тегишли бўлади.

Ушбу мутлақ ҳуқуқлар ўз характери ва мазмунига кўра мулк ҳуқуқ ҳисобланади.

Интеллектуал мулк объектдан ўз хоҳишига кўра фойдаланиш дейилганда ҳуқуқ соҳибининг ўз эрки, иродаси билан, ҳеч қандай мажбурлашсиз, тазйиқларсиз фойдаланиш тушунилади.

Объектлардан ҳар қандай шаклда ва ҳар қандай усулда фойдаланиш дейилганда ундан турли объектив шаклда — қўлёзма, босма асар, аппарат, қурилма, этикетка, ҳар хил ёрлиқлар, макет, иншоотлар, ҳайкаллар ва шу қабиларда ҳамда турли воситалар ёрдамида қўлёзма шаклида тарқатиш, нашр этиш, оғзаки ўқиш, реклама проспектига жойлаштириш, қурилишларда мужассамлаштириш ва ҳоказо усулларда эксплуатация қилиш, фойдаланиш тушунилади.

Объектдан фойдаланиш шакллари ва усуллари қонун йўл қўйган асосларга тўла мувофиқ бўлиши шарт. Бунинг учун мутлақ ҳуқуқ соҳиби белгиланган талабларга риоя қилмоғи шарт. Масалан, янги ихтиро асосида автомобиль ясаган ихтирочи бу автомобилни тегишли давлат идораларида (масалан, Давлат автомобиль инспекциясида) қайд эттирган бўлиши шарт. Спиртли ичимликлар, тамаки маҳсулотларига нисбатан товар белгилари болалар муассасаларида реклама проспектига оқали жойлаштирилиши мумкин эмас. Янги дори-дармонлар яратган шифокор ундан фойдаланишда қонунда белгиланган талабларга риоя қилиши шарт. Акс ҳолда интеллектуал мулк объектдан бундай фойдаланиш қонуний фойдаланиш ҳисобланмайди.

Қуйидаги интеллектуал мулк объектларига нисбатан ҳуқуқ соҳибининг мутлақ ҳуқуқларини чеклаш ҳоллари, тартиби қонунларда назарда тутилган:

- ихтиро, фойдали модель, саноат намунасига нисбатан («Ихти-ролар, фойдали моделлар ва саноат намуналари тўғрисида»ги Қонуннинг 12-моддаси);
- селекция ютуқларидан («Селекция ютуқлари тўғрисида»ги Қонуннинг 31-моддаси);

ЭХМ учун дастурлар ва маълумотлар базаларидан («ЭХМ учун дастурлар ва маълумотлар базаларини ҳуқуқий муҳофаза қилиш тўғрисида»ги Қонуннинг 12-моддаси);

- муаллифлик ҳуқуқи объектларидан (ФКнинг 1058—1061-моддалари).

Мутлақ ҳуқуқлар интеллектуал мулк объектидан бошқа шахсларнинг фойдаланишига имконият бериш орқали қонунларда назарда тутилган ҳолларда чекланиши мумкин. Бундай ҳолатлар қуйидаги объектларга нисбатан мавжуд:

- саноат мулки объектларидан «Ихтиролар, фойдали моделлар ва саноат намуналар тўғрисида» ги Қонуннинг 11-моддасида белгиланган ҳолларда ва тартибда учинчи шахслар фойдаланиши учун мажбурий лицензия бериш тартибида;

- саноат мулки объектларидан аввалдан фойдаланиб келувчи шахсларга («Ихтиролар, фойдали моделлар ва саноат намуналари тўғрисида»ги Қонуннинг 31-моддаси);

- ошкор этилмаган ахборотлардан фойдаланиш (ФКнинг 1086-моддаси 4-қисмида белгиланган ҳолларда);

- муаллифлик ҳуқуқи объектларидан («Муаллифлик ва турдош ҳуқуқлар тўғрисида»ги Қонуннинг 24-32-моддалари).

5. Интеллектуал мулк ҳуқуқи билан боғлиқ шартномавий муносабатлар.

Мулкий ҳуқуқ тўлиқ ўтказилганда ҳуқуқ эгаси бу ҳуқуқлардан маҳрум бўлади ва бундай ҳуқуқ учинчи шахсларда вужудга келади. Мулкий ҳуқуқ қисман ўтказилганда ҳуқуқ эгаси унинг маълум қисмини ўзида сақлаб қолиб, қолган қисмини ўтказиши мумкин. Мулкий ҳуқуқлар фақат шартнома асосида ўтказилади.

Шартнома мулкий ҳуқуқ эгаси ва ҳуқуқ тўлиқ ёки қисман ўтказилаётган шахс ўртасида тузилади. Бундай шартномаларга нисбатан агарда қонунларда бошқача тартиб назарда тутилмаган бўлса, ФКнинг 26-боби (Шартнома тушунчаси ва шартлари), 28-боби (Шартнома шартларини ўзгартириш ва шартноманинг бекор бўлиши)да белгиланган қоидалар қўлланилади.

Мерос тартибида ва ҳуқуқий ворислик тартибида мутлақ ҳуқуқларнинг ўтиши факти нотариус томонидан берилган мерос гувоҳномаси, ҳуқуқий муҳофаза ёрлиғи мавжуд бўлса, ушбу ёрлиқни мутлақ ҳуқуқни янги эгаси номига расмийлаштириш ҳақида ваколатли давлат идорасининг тегишли ҳужжати олиниши ва у давлат рўйхатидан ўтказилиши шарт.

Мулкий ҳуқуқларнинг шартнома бўйича ўтказилиши ёхуд уларнинг универсал ҳуқуқий ворислик тартибида ўтиши муаллифлик ҳуқуқларининг ва бошқа бегоналаштирилмайдиган ҳамда ўзгага ўтказилмайдиган мутлақ ҳуқуқларнинг ўтказилишига ёки чекланишига сабаб бўлмайди. Бундай

хуқуқлар ўтказилиши ёки чекланиши тўғрисидаги шартнома шартлари ҳақиқий эмас.

Лицензия шартномалари ва уларнинг турлари

Лицензия шартномаси бўйича интеллектуал фаолияти натижасига ёки хусусий аломатларни акс эттирувчи воситаларга нисбатан мутлақ ҳуқуққа эга бўлган тарафга (лицензияга) тегишли интеллектуал мулк объектдан фойдаланишига рухсат берилади.

Лицензия шартномаси интеллектуал мулк объектларидан учинчи шахсларнинг фойдаланишига имкон берувчи муҳим фуқаролик ҳуқуқий восита ҳисобланади. Лицензия шартномаси интеллектуал мулк объектдан фойдаланишга рухсат бериш ҳақидаги келишув ҳисобланади. Мулк эгаси (патент эгаси, товар белгиси соҳиби, муаллифлик ҳуқуқи объекти соҳиби, ошқор этилмаган ахборотлар эгаси) нинг ҳуқуқий муҳофаза остидаги объектдан фойдаланиш ўзига тегишли ҳуқуқларни белгиланган тартибда ва маълум шартлар асосида учинчи шахсларга беришга лицензия (рухсатнома) дейилади. (Қаранг: Гражданское право. М., изд. Бек, 1994. 248—249-б.).

Лицензия шартномаси ўзининг ҳуқуқий табиатига кўра анъана-вий олиш-сотиш ва мулк ижара белгиларига ўхшаб кетса ҳам бу шартномалардан ўзига хос жиҳатлари билан фарқ қилади.

Биринчидан, олиш-сотиш ва мулк ижараси шартномалари сотувчининг ёки ижарага берувчининг мулк ҳуқуқига ёки ашёвий ҳуқуқига асосланади. Лицензия шартномаси эса лицензия берувчининг интеллектуал мулк объектга нисбатан мутлақ ҳуқуқига асосланади.

Иккинчидан, олиш-сотиш ёхуд мулк ижара асосида ашё олувчига ёки ижарага топширилади ва бу ашёга нисбатан бир вақтнинг ўзида икки тарафлама эгаллик қилиш мумкин. Мутлақ ҳуқуқ объектини эса кўп ҳолларда топширишга ҳожат йўқ: ихтиро, саноат намунаси мазмуни ёки товар белгиси тасвири эълон этилган ва ҳамма у билан танишиши, хабардор бўлиши имконига эга. Шартномада қатнашувчи тараф – интеллектуал мулк объектга нисбатан мутлақ ҳуқуқ соҳиби – лицензиар ҳисобланади. Мутлақ ҳуқуқ эгасининг ҳуқуқлари қонуний асосга кўра вужудга келган ёки ваколатли давлат идораси берган ҳуқуқий муҳофаза ёрлиғи билан гувоҳлантирилган бўлиши шарт. Шартномада қатнашувчи бошқа тараф – интеллектуал мулк объектдан фойдаланишга рухсатнома олган шахс – лицензиат деб аталади.

Интеллектуал фаолият натижаларини яратиш ва улардан фойдаланиш тўғрисидаги шартномалар

Муаллиф интеллектуал фаолият натижаларини яратиш ва улардан фойдаланиш тўғрисидаги шартнома бўйича келгусида асар, ихтиро ёки бошқа интеллектуал фаолият натижасини яратишга ва ўзининг иш берувчиси бўлмаган буюртмачига бу натижадан фойдаланиш учун мутлақ ҳуқуқлар бериш мажбуриятини ўз зиммасига олиш мумкин.

Ҳар бир ижодкор шахс ўз интеллектуал фаолиятини ўз хоҳишига кўра, ўз ташаббуси, ўз маблағлари асосида, иш берувчиси билан тузилган меҳнат битими (контракт) асосида ёки иш берувчиси бўлмаган бошқа шахс буюртмаси бўйича шартнома асосида ташкил этиши мумкин. Муаллиф – ижодкорнинг ўз ташаббуси ва ўз маблағлари асосида яратилган ижодий фаолият натижасига нисбатан шахсий номулкий ва мутлақ ҳуқуқлар фақат унинг ўзигагина тегишли бўлади. У ижодий фаолият маҳсули бўлган объектга нисбатан мутлақ ҳуқуқларни ўз хоҳишига кўра эркин равишда тасарруф этади.

Муаллиф – ижодкор бошқа бир шахс (иш берувчи) билан меҳнат муносабатида бўлган ҳолда, меҳнат битимида шарт қилиб қўйилган ижодий фаолиятни амалга ошириш, иш (топширик) бажариш асосида вужудга келган ижодий фаолият маҳсулига нисбатан мутлақ ҳуқуқларга ушбу ФКнинг 1062, 1087-моддалари ва бошқа қонун ҳужжатларида (масалан, «Селекция ютуқлари тўғрисида»ги Қонуннинг 7-моддаси, «ЭҲМ учун дастурлар ва маълумотлар базалари тўғрисида»ги қонуннинг 8-моддаси ва шу кабилар) белгилаб қўйилган қоидалар ва Ўзбекистон Республикаси Меҳнат кодекси нормалари қўлланилади.

Интеллектуал фаолият натижаларини яратиш ва улардан фойдаланиш шартномалар предмети қандай объект бўлишига қараб, қуйидаги турларга бўлинади:

илмий-тадқиқот, тажриба-конструкторлик ва технология ишла-ри пудрат шартномаси (ФКнинг 693-702-моддалари);

муаллифлик шартномаси (ФКнинг 1067-моддаси).

Интеллектуал фаолият натижаларини яратиш ва улардан фойдаланиш тўғрисидаги шартнома яратилиши лозим бўлган интеллектуал фаолият натижаси хусусиятини, шунингдек, ундан фойдаланиш мақсадлари ёхуд усуллари белгилаши лозим.

Интеллектуал фаолият натижаси хусусияти, туси, энг аввало, унинг маълум сифат кўрсаткичларида намоён бўлади. Бундай сифат кўрсаткичлари объектнинг техник-иқтисодий характеристикасида, ҳуқуқий мезонларга мослигига (масалан, ҳуқуқий муҳофаза ёрлиғи олиш – патентга лаёқатлилиқ даражасида эканлиги) ва шу кабиларга кўра ифодаланади.

Шартномада ўз аксини топиши лозим бўлган ҳолатлардан яна бири – интеллектуал фаолият натижасидан фойдаланиш мақсадлари (масалан, ихтиродан қайси тармоқда, қандай маҳсулотдан ёки илмий асардан тижорат мақсадида ёки ўқув-таълим мақсадларида ва ҳоказо) ёки фойдаланиш усуллари (масалан, адабий асарни нашр этиш ёки сахналаштириш ёки кинофильм қилиш) ҳисобланади.

Интеллектуал фаолият натижаларини яратиш ва улардан фойдаланиш ҳақидаги шартнома предмети бўлиб, ҳар доим келгусида яратиладиган, муайян хусусиятларга эга бўлган, аниқ ва конкрет белгилаб қўйилган асар, ихтиро, селекция ютуғи ва шу кабилар ҳисобланади.

6.САВОЛ. МУАЛЛИФЛИК ҲУҚУҚИ

Интеллектуал фаолият маҳсуллари орасида муаллифлик ҳуқуқи ва турдош ҳуқуқлар объектлари алоҳида ажралиб туради. Бу алоҳидалик ижодкор-муаллиф ҳуқуқий мақомида ҳам, муаллифлик ҳуқуқи ва турдош ҳуқуқлар объекти бўлган фан, адабиёт, санъат асарлари, ижрочилик фаолияти ҳуқуқий режимида ҳам ўз ифодасини топган.

Жаҳонда турли мамлакатлар ўртасида ижтимоий-маданий алоқалар ўсиб боргани сайин бир мамлакатдаги ижодкорлар асарларидан бошқа мамлакатлардаги кишилар фойдаланиш имкониятлари кенгайиб бормоқда, бу эса муаллифлик ва турдош ҳуқуқлар дунёнинг кўп мамлакатларида бир хилда тартибга солинишига бўлган заруратни вужудга келтирмоқда. Ушбу зарурат тақозосига кўра, муаллифлик ҳуқуқи бўйича Бутунжаҳон Конвенциясида (уни Женева Конвенцияси ҳам дейишади) ҳамда адабий ва бадиий асарларни муҳофаза қилиш бўйича Халқаро Конвенцияда (уни Берн Конвенцияси деб ҳам атайдилар[212]) ишлаб чиқилган ва дунёнинг кўпгина мамлакатлари ўз миллий қонунларини у ёки бу Конвенция асосида шакллантирмоқдалар. Берн Конвенцияси меъёрлари муаллифлик ҳуқуқларини ҳуқуқий муҳофаза этишда қатъийроқ тусга эга[213]. Ўзбекистон Республикасининг 2006 йил 20 июлдаги «Муаллифлик ҳуқуқи ва турдош ҳуқуқлар тўғрисида»ги Қонун мазмунида Берн Конвенциясининг асосий қоидалари ётади.

Муаллифлик ҳуқуқи фуқаролик ҳуқуқининг таркибий қисми бўлиб, унинг энг муҳим институтларидан ҳисобланади. Муаллифлик ҳуқуқи ва турдош ҳуқуқлар адабиёт, санъат асарларини яратиш, улардан фойдаланиш ва ижро этиш билан боғлиқ бўлган шахсий ва мулкий муносабатларни тартибга солади.

Муаллифлик ҳуқуқи тамойиллари деб унинг негизида ётган асосий қоидаларга айтилади. Бу тамойиллар ичида Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 42-моддасида мустақамлаб қўйилган ижод эркинлиги муҳим аҳамиятга эга. Унинг моҳияти шундан иборатки, ижодкор ўз ижодий маҳсули мавзусини танлашда, унинг шаклини белгилашда, уни яратиш услубларини танлашда, ундан фойдаланишда эркин ва мустақилдир. Айни вақтда бу эркинлик қонун доирасида амалга оширилмоғи лозим. Ижодкор ўз асари орқали конституциявий тузумга қарши, зўравонлик ёки беҳаёликни тарғиб қилиш, бошқаларнинг ҳуқуқларини поймол қилиш мақсадларини кўзламаслиги лозим. Муҳим конституциявий тамойиллардан яна бири ижодий маҳсулотларга нисбатан цензуранинг йўл қўйилмаслиги ҳақидаги қоидадир.

Муаллиф асарни яратишда ёки эълон қилишда агарда у давлат сирлари, шахсий сирлар ёхуд бошқаларнинг қонуний манфаатлари билан боғлиқ бўлмаса, олдиндан рухсат олиш, асар мазмунини назоратдан ўтказиш талаб этилмайди. Муаллифлик ҳуқуқининг яна бир асосий қоидаларидан бири – муаллиф ҳуқуқларининг вужудга келиши, уни муҳофаза этиш, асарни яратиш факти асосида вужудга келиши, у қандайдир расмийликларга риоя

этилиши талаб этилмаслигидир. Ушбу тамойил ФКнинг 1041-моддаси ва Қонуннинг 10-моддасида ўз ифодасини топган.

Муаллифларнинг асарларни яратиш ва улардан фойдаланишда маънавий ва моддий манфаатдорлигини ҳар томонлама муҳофаза этиш ҳам қонунларда мустаҳкамлаб қўйилган.

Муаллифлик ҳуқуқи объектлари

ФКнинг 1041-моддасига асосан, муаллифлик ҳуқуқи ижодий фаолият натижаси бўлмиш фан, адабиёт, санъат асарларига уларнинг мақсади ва кадр-қиймати, шунингдек, ифодаланиш усулидан қатъи назар, жорий этилади.

Ҳар қандай асар муаллифлик ҳуқуқи объекти сифатида муҳофаза этилиши учун у ижодий фаолият маҳсули бўлиши шарт. Шу сабабли ҳам оддий, кундалик ҳаётдаги сўзлашувлар, мулоқотлар муаллифлик ҳуқуқи объекти бўлиб ҳисобланмайди. Ижодий жараён бу, энг аввало, инсон тафаккури, ақлий фаолият маҳсули; у ўзига хос оригинал тусга эга.

Ҳуқуқий адабиётларда ижодий жараённинг икки ҳолати таъкидлаб кўрсатилади:

- а) асар яратиш жараёнининг онгли, интеллектуал характери;
- б) яратилган асарнинг янгилиги, оригиналиги[214].

Ижодкор ижодий жараёнининг онгли, интеллектуал туси шундан иборатки, асар яратилишидан олдин у ижодкорнинг онгида, ҳаёлида шаклланади, вужудга келади. Асар маълум бир ўй-фикр асосида пайдо бўлиб, у фикр-ғоя, фикр-режа, фикр-қоралама тарзида босқичлардан ўтади, шу тарзда асар яратилиб, шаклланиб боради[215].

Асарнинг янгиланиши ижодий фаолиятнинг зарур унсури сифатида асарнинг янги мазмунида, янги шаклида, янги ғояларида, янги миллий концепцияда ифодаланади³.

Асарнинг янгилиги ҳақидаги мезон мутлақ тусга эга бўлмай, нисбий тусга эга. Илм-фан соҳаларидаги асарларда янги ғоялар, ечимлар муҳим аҳамиятга эга бўлса, адабий асарларда ва санъат асарларида шаклан янгилик муҳим ўринни эгаллайди. Масалан, ўтмишда «Ҳамса» – 5 дoston сюжети бўйича Низомий Ганжавий, Хисрав Дехдавий, Алишер Навоий асарлари бунга яққол далилдир. Ойбекнинг «Қутлуғ қон» ва Ҳамзанинг «Бой ила хизматчи» асарларида сюжет бўйича ўхшашлик мавжуд, бироқ асар шаклан бир-бирига ўхшамайди. Шу сабабли ҳам муаллифлик ҳуқуқида шакл бўйича янгилик ўзига хос тарзда биринчи режага чиқади, дейиш мумкин.

Асарнинг муаллифлик ҳуқуқи объекти- сифатида муҳофаза қилиш учун яна бир белгиси — бу унинг объектив шаклда ифодаланганлигидир. Асардаги ғоя, мазмун, ўй-фикр, образ учинчи шахслар идрок этиши, танишуви, қабул қилиши учун имкон берувчи маълум бир объектив шаклда ифодаланган бўлиши шарт. Шу маънода олганда ҳали муаллифнинг ўй-фикрида бўлган, бироқ бошқалар қабул қилиш учун объектив шаклга киритилмаган асар муаллифлик ҳуқуқи объекти бўлиб ҳисобланмайди.

Ёзма асарлар, видеотасвирлар, икки ўлчовли асарлар (расмлар) ҳажмий-фазовий шаклдаги тасвир (масалан, ҳайкал, меъморий бинолар) кўриш туйғуси орқали қабул қилинса, мусиқа, нутқлар, бадиий ўқишлар эшитиш туйғуси орқали қабул қилинади.

Муаллифлик ҳуқуқи объектлари қуйидаги турлардан иборат:

адабий асарлар (адабий-бадиий, илмий, ўқув, публицистик ва бошқа асарлар);
драма ва сценарий асарлари;
матнли ёки матнсиз мусиқа асарлари;
мусикали драма асарлари;
хореография асарлари ва пантомималар;
аудиовизуал асарлар;
рангтасвир, ҳайкалтарошлик, графика, дизайн асарлари ва тасвирий санъатнинг бошқа асарлари;
манзарали-амалий ва сахна беағи санъати асарлари;
архитектура, шаҳарсозлик ва боғ-парк барпо этиш санъати асарлари;
фотография асарлари ва фотографияга ўхшаш усулларда яратилган асарлар;
жўғрофия, геология хариталари ва бошқа хариталар, жўғрофия, топография ва бошқа фанларга тааллуқли тархлар, эскизлар ва асарлар;
барча турдаги ЭҲМ учун дастурлар, шу жумладан ҳар қандай дастурлаш тилида ва ҳар қандай шаклда, чунончи бошланғич матн ҳамда объект кодида ифодаланиши мумкин бўлган амалий дастурлар ва операция тизимлари;

Муаллифлик ҳуқуқи субъектлари

Муаллифлик ҳуқуқи субъектлари ичида фан, адабиёт, санъат асарларини ижодий меҳнати билан яратган шахс-муаллиф алоҳида ўринни эгаллайди. Фуқаронинг субъектив муаллифлик ҳуқуқи вужудга келиши, фан, адабиёт ёки санъат асарларининг муаллифи сифатида эътироф этилиши унинг ёшига, ақли ва руҳий ҳолатига, асарнинг яратилиш жойига, нашр этилган-этилмаганлигига боғлиқ эмас.

Ўзбекистон Республикаси ҳудудида эълон қилинган ёки объектив шаклда мавжуд бўлган асарни яратган шахснинг муаллифлик ҳуқуқи унинг қайси давлатнинг фуқаролигидан қатъи назар, тан олинади.

Асари хорижда нашр этилган ёки қўлёзма ҳолида хорижда сақланаётган Ўзбекистон Республикаси фуқароларининг муаллифлик ҳуқуқлари ҳам тан олинади. Агарда бундай шахс хорижий давлат фуқароси бўлса, унинг муаллифлик ҳуқуқи Ўзбекистон Республикаси томонидан тузилган халқаро шартномалар асосида белгиланади.

Қонунда фильмлар муаллифлари, ҳосила асарлар муаллифлари, интервью муаллифлари ҳақидаги масалалар бевосита ўз ифодасини топган бўлиб, улар муаллифлик ҳуқуқи субъектлари ҳисобландилар. Қонуннинг 15-моддасига асосан, қуйидагилар кинофильм, телефильм, видеофильм (аудиовизуал асар) нинг тўлиқ муаллифлари ҳисобландилар:

фильмни сахналаштирувчи режиссёр;

сценарий муаллифи;

муайян(аудиовизуал асар учун махсус яратилган матнли ёхуд матнсиз музика асарининг муаллифи;

сахналаштирувчи (суратга олувчи) оператор;

сахналаштирувчи расом.

Бундай асарнинг ҳаммуаллифлари жумласига фильмда фойда-ланилган бошқа асарларнинг муаллифи ҳам киритилиши мумкин.

Ҳосила асарлар, одатда, бошқа бир асар асосида яратилади. Ҳосила асарни яратиш учун асос бўлган асар асосий ёки бирламчи асар сифатда қаралади. Масалан, Абдулла қодирийнинг «Ўтган кунлар» романи асосий асар бўлса, «Ўтган кунлар» радиопостановкаси ёки «Ўтган кунлар» бадиий фильми сценарийси ҳосила асар ҳисобланади.

Бошқа асарларни қайта ишлаган шахслар, таржимонлар, тўпламлар ва бошқа жамлама асарларни тузувчилар ҳосила асарнинг муаллифи деб эътироф этилади. Ҳосила асарнинг муаллифи қайта ишланган, таржима қилинган ёки жамланма асарга киритилган асар муаллифининг ҳуқуқларига риоя этган тақдирдагина ҳосила асарга бўлган муаллифлик ҳуқуқидан фойдаланади.

Интервью савол-жавоб тарзидаги асар ҳисобланади. Бунда интервью берувчи ва интервью олувчи иштирок этадилар. Интервью ёзувчига бўлган муаллифлик ҳуқуқи ҳаммуаллифлик асосида интервью берган шахс билан интервью ўтказган ёки уни ёзиб олган шахсга, башарти улар ўртасидаги келишувда бошқача ҳол назарда тутилган бўлмаса, тегишлидир. Бироқ, интервью ёзувини эълон қилиш, кўрсатиш ёки эшиттиришга интервью берган шахснинг розилиги билангина йўл қўйилади.

Муаллифларнинг ҳуқуқлари ва уларни ҳимоя қилиш

Муаллифларнинг ҳуқуқлари ўз мазмунига кўра шахсий номулкий ва мулкий тусдадаги ҳуқуқларга бўлинади.

Қонуннинг 18-моддасига мувофиқ, асар муаллифига қуйидаги шахсий номулкий ҳуқуқлар тегишлидир:

- асар муаллифи деб эътироф этилиш ҳуқуқи (муаллифлик ҳуқуқи);
- асардан муаллифнинг ҳақиқий исми-шарифи, таҳаллусини кўрсатган ҳолда ёхуд исми-шарифини кўрсатмасдан, яъни имзосиз фойдаланиш ёки фойдаланишга рухсат бериш ҳуқуқи (муаллифлик исми-шарифига бўлган ҳуқуқ);
- асарни ҳар қандай шаклда ошкор қилиш ёки ошкор қилишга рухсат бериш ҳуқуқи (ошкор қилишга бўлган ҳуқуқ), шу жумладан чақириб олиш ҳуқуқи;
- асарни, шу жумладан унинг номини муаллифнинг шаъни ва кадр-қимматига зарар етказиши мумкин бўлган ҳар қандай тарзда бузиб кўрсатилишидан ёки

хар қандай бошқача тарзда тажовуз этилишидан ҳимоя қилиш ҳуқуқи (муаллиф обрўсини ҳимоя қилиш ҳуқуқи).

Муаллифлик ҳуқуқини белгилашда асар имзосиз ёхуд тахаллус остида эълон қилинганлиги маълум ўзига хосликни келтириб чиқаради. Асар имзосиз (муаллиф номи кўрсатилмасдан аноним тарзда) босиб чиқарилганда ижодкор бу асар ўзиники эканлигини ошкора-оммавий эълон қилиб, белгиланган тартибда исботлаб бериши лозим. Агарда асар тахаллус остида босиб чиқарилган бўлса (муаллифнинг тахаллуси унинг ким эканлигига шубҳа қолдирмайдиган ҳоллар бундан мустасно, масалан, Ойбек тахаллуси остида чиқарилган асар атоқли адиб Мусо Тошмуҳамедовга тегишли эканлиги барчага аён) ҳам юқоридаги қоида амал қилади. Масалан, «Муштум» журналида 20-йиллари ўз асарларини эълон қилган баъзи ижодкорлар ўнлаб тахаллуслардан фойдаланганлар. Чунончи, Абдулла Қодирий Жулқунбой тахаллусидан ташқари, Баттол, Думбул ва шу каби бир марталик тахаллуслар остида ҳам асарлар эълон қилган.

Муаллифлик ҳуқуқи объектларига нисбатан мутлақ ҳуқуқ соҳиби ўз ҳуқуқларидан барчани хабардор қилиш учун объектнинг (асарнинг) ҳар бир нусхасида акс эттириладиган ва қуйидаги уч элемент (унсур)дан иборат муаллифлик ҳуқуқи ҳимоя белгисидан фойдаланиши мумкин:

айлана (доира) ичига олинган лотинча «С» ҳарфи;

муаллифлик мутлақ ҳуқуқлари соҳибининг номи;

асар биринчи марта эълон қилинган йил.

Ушбу белги халқаро миқёсда, бошқа хорижий давлатларнинг кўпчилигида ҳам қабул қилинган. Амалда муаллиф ёки унинг ме-росхўри муаллифлик шартномаси тузиш орқали асардан фойдаланиш ҳуқуқини бошқа шахсга ўтказиши мумкин. Бундай шартнома ҳақ бараварига тузиладиган шартнома ҳисобланади. Тайёр асар ёки яратилиши лозим бўлган асар учун муаллифлик буюртма-шартномаси тузилади.

6-савол давоми. ТУРДОШ ҲУҚУҚЛАР

Муаллифлик ҳуқуқининг объекти бўлган баъзи асарлар бевосита учинчи шахслар томонидан ижро этилиши (балет, спектакль кўринишида) лозим бўлади. Ижрочилар ва ижрони ташкил этувчиларнинг фаолиятлари ҳам ўз тусига кўра ижодий фаолият ҳисобланади, бироқ бунда ижодий фаолият услуби, туси ва маҳсуллари ўзига хос хусусиятларга эга бўлади, шу сабабли ҳам у муаллифлик ҳуқуқига туташ, муштарак бўлган турдош ҳуқуқлар орқали тартибга солинади. Турдош ҳуқуқлар сахна асарларига, ижрога, ижронинг аудио ва видео ёзувига, эфир ва кабель орқали кўрсатув ва эшиттириш берувчи ташкилотнинг кўрсатув ва эшиттиришларига татбиқ этилади. Бинобарин, асарнинг ижролари, ижронинг аудиовизуал ёзувлари, радиоэшиттириш ва телевизион кўрсатувлар турдош ҳуқуқлар объекти ҳисобланади. Турдош ҳуқуқлар субъекти бўлиб, ижрочилар, асарнинг ижро

ёзувини яратувчилар, радиоэшитгириш ва телекўрсатувлар ва уларни узатувчи ташкилотлар ҳисобланади (шунингдек, уларнинг меросхўрлари ва ҳуқуқий ворислари ҳам).

Муаллифлик ҳуқуқлари каби турдош ҳуқуқлар ҳам ўз ҳимоя белгиларига эга. Ижро ёзувини яратган шахс ва ижрочи ўз ҳуқуқларидан хабардор қилиши учун бундай белгидан фойдаланишлари мумкин. Аудиоёзув (овоз ёзиб олинган грампластинка, компакт-диск ва ҳоказо) ёки видеоёзув (тасвир ёзилган видеокассеталар)нинг ҳар бир нусхасида ва (ёки) улар сақланадиган ғилофда акс эттириладиган бу белги учун унсур (элемент)дан иборат:

айланага олинган «Р» ҳарфи;

турдош мутлақ ҳуқуқлар эгасининг исм-шарифи (номи);

ёзув биринчи марта эълон қилинган йил.

Қонуннинг 47-моддасига асосан, ижрочига қуйидаги ҳуқуқлар тегишлидир:

исм-шарифга бўлган ҳуқуқ;

ижрони ижрочининг шаъни ва қадр-қимматига зарар етказиши мумкин бўлган ҳар қандай тарзда бузиб кўрсатилишидан ёки ҳар қандай бошқача тарзда тажовуз этилишидан ҳимоя қилиш ҳуқуқи;

ижродан ҳар қандай шаклда фойдаланишга бўлган мутлақ ҳуқуқлар, шу жумладан ижрочининг ижросидан фойдаланишнинг ҳар бир тури учун ҳақ олишга бўлган ҳуқуқ.

Ижрочилар ўз ҳуқуқларини ижро этилаётган асарлар муаллифларининг ҳуқуқларини риоя этган ҳолда рўёбга чиқарадилар. Масалан, хонанда айтаётган ашуласи матн муаллифи ва мусиқа муаллифи ҳуқуқларига риоя қилиш лозим.

Ижрочининг ҳуқуқлари мерос ёхуд ворислик тартибида ўтади. Ижрочининг ҳуқуқлари ижрони биринчи бор намойиш этиш (саҳналаштириш) ёки ижро ёзувини илк бор тайёрлаш вақтидан бошлаб 50 йил давомида амал қилади. Ижрочининг шахсий ҳуқуқлари бемуддат кўриқланади. Ижрочи ижрога бўлган ўз мутлақ ҳуқуқини бошқа шахсларга шартнома асосида ўтказишга ҳақли. Ижродан фойдаланмоқчи бўлган ҳар қандай шахслар ижрога нисбатан мутлақ ҳуқуқ эгаси рухсатини олмоғи шарт.

Ашула, рақс, мусиқа ва бошқа турли ижролардан кенг доирадаги шахслар фойдалана олишлари учун улар тегишли моддий воситаларда (пластинка, компакт-диск, аудиовидеокассета) ифодаланмоғи лозим.

Бинобарин, турдош ҳуқуқлар субъектларидан бири бўлиб, ижро ёзувини яратган шахс ҳисобланади.

Муаллифлик ҳуқуқларида ношир қандай ўрин тутса, турдош ҳуқуқларда ижро ёзуви тайёрловчиси ҳам худди шундай ўрин эгаллайди. Ижро ёзувини яратиш жараёни икки томонлама характерга эга.

Бир томондан у техник жараён, яъни ижро техник қурилмалар ёрдамида ёзиб олинади. Бундай ижро ёзуви тайёрловчиси зиммасига техник қурилмаларни тайёрлаш, уларга хизмат қилиш билан боғлиқ бўлган ва умуман бошқа моддий харажатлар юкланади. Иккинчи томондан баъзи ҳолларда ижро ёзувини тайёрловчи фаолияти баъзи ижодий элементлардан ҳам холи эмас.

Бироқ ижро ёзувини тайёрловчи ижро ёзувига нисбатан, асосан, мулкӣ ҳуқуқларга эга бўлади. Қонунга асосан ижрочининг товуш-тасвир ёзувларига бўлган мутлақ ҳуқуқлар унинг яратувчиси ва унинг ҳуқуқӣ ворисларига тегишли бўлади. Ижро ёзувидан фойдаланмоқчи бўлган бошқа шахслар ундан рухсат олишлари шарт. Бунда мутлақ ҳуқуқнинг мазмуни қуйидагиларда ифодаланади:

- ижро ёзувини такрорлаш (такрорлаш ҳуқуқи);
- ижро ёзувининг асл нусхаси ёки нусхаларини сотиш ёки мулк ҳуқуқини ўзгача тарзда бошқа шахсга ўтказиш йўли билан тарқатиш (тарқатиш ҳуқуқи);
- ижро ёзувини барчанинг эътиборига етказиш (барчанинг эътиборига етказиш ҳуқуқи);
- ижро ёзувининг асл нусхаси ёки нусхаларини, ҳатто улар ижрочининг розилиги билан тарқатилганидан кейин ҳамда асл нусхага ва нусхаларга бўлган мулк ҳуқуқидан қатъи назар, прокатга бериш (прокатга бериш ҳуқуқи);
- илгари ёзилмаган ижроларни ёзиб олиш (ёзиб олиш ҳуқуқи);
- ижрони эфирга узатиш ёки кабель орқали юбориш, агар бундай эшиттириш ёки кўрсатув учун фойдаланиладиган ижро илгари эфирга узатилмаган бўлса ёки ёзувдан фойдаланилган ҳолда амалга оширилмаса (ёзиб олинмаган ижрони эфирга узатиш ёки кабель орқали юбориш ҳуқуқи);
- ижро ёзувини эфирга узатиш ёки кабель орқали юбориш, агар дастлаб бу ёзув нотижорат мақсадлар учун тайёрланган бўлса (ижро ёзувини эфирга узатиш ёки кабель орқали юбориш ҳуқуқи).

Қонуннинг 47-моддасига асосан, фойда олиш (тижорат) мақсадида эълон қилинган ижро ёзуви ижрочи ва ижро ёзуви яратувчиси розилигисиз

бошқа учинчи шахслар томонидан фойдаланишга йўл қўйилади. Бироқ бунда албатга ҳақ тўланиши шарт.

Бинобарин, кинотеатрларда, видеобарларда, ресторан, кафеларда ва бошқа кўнгилочар-дам олиш жойларида ёзувларни намойиш этиш, радио ва телевидение орқали эшиттириш, кўрсатиш ва ҳоказо ҳолларда бундай фойдаланувчи шахслар тегишли муассасаларга (муаллифлик ва турдош ҳуқуқларни бошқарувчи ташкилот, масалан, муаллифлик ҳуқуқлари бўйича вакилликка) белгиланган ставкаларда ҳақ тўлаб турадилар. Фонограммани тайёрловчига ушбу қонунга мувофиқ мазкур фонограммадан фойдаланишда мутлақ ҳуқуқлар тегишлидир.

Фонограммани тайёрловчининг фонограммадан фойдаланишга бўлган мутлақ ҳуқуқлари қуйидаги ҳаракатларни амалга ошириш ёки бундай ҳаракатларга рухсат бериш ҳуқуқини англатади:

- фонограммани такрорлаш (такрорлаш ҳуқуқи);
- фонограмманинг асл нусхаси ёки нусхаларини сотиш ёки мулк ҳуқуқини ўзгача тарзда бошқа шахсга ўтказиш йўли билан тарқатиш (тарқатиш ҳуқуқи);
- фонограммани барчанинг эътиборига етказиш (барчанинг эътиборига етказиш ҳуқуқи);
- фонограмманинг асл нусхаси ёки нусхаларини, ҳатто улар фонограммани тайёрловчи томонидан ёки унинг розилиги билан тарқатилганидан кейин ҳамда унинг асл нусхаси ёки нусхаларига бўлган мулк ҳуқуқидан қатъи назар, прокатга бериш (прокатга бериш ҳуқуқи);
- фонограмманинг асл нусхаси ёки нусхаларини, шу жумладан фонограммага бўлган мутлақ ҳуқуқлар эгасининг розилиги билан тайёрланган нусхаларини тарқатиш мақсадида импорт қилиш (импорт қилиш ҳуқуқи);
- фонограммани эфирга узатиш ёки кабель орқали юбориш (эфирга узатиш ёки кабель орқали юбориш ҳуқуқи);
- фонограммага тузатишлар киритиш ёки уни бошқача усулда қайта ишлаш (қайта ишлаш ҳуқуқи).

Фонограммани тайёрловчи ўз фонограммасидан фойдаланишнинг ҳар бир тури учун ҳақ олиш ҳуқуқига эга.

Агар чоп этилган фонограмма нусхалари уларни сотиш ёки мулк ҳуқуқини ўзгача тарзда бошқа шахсга ўтказиш воситасида фуқаролик муомаласига қонуний киритилган бўлса, уларнинг бундан буёнги тарқатилишига фонограммани тайёрловчининг розилигисиз ва унга ҳақ тўламаган ҳолда йўл қўйилади.

Эфир орқали кўрсатув ва эшиттиришлар берувчи ташкилот қуйидагиларга ҳақлидир:

- кўрсатув ёки эшиттириш ёзувини такрорлаш (такрорлаш ҳуқуқи);
- кўрсатув ёки эшиттириш ёзувининг асл нусхаси ёхуд нусхаларини сотиш ёки мулк ҳуқуқини ўзгача тарзда бошқа шахсга ўтказиш йўли билан тарқатиш (тарқатиш ҳуқуқи);

-кўрсатув ёки эшиттириш ёзувини барчанинг эътиборига етказиш (барчанинг эътиборига етказиш ҳуқуқи);
-кўрсатув ёки эшиттиришни ёзиб олиш (ёзиб олиш ҳуқуқи);
-кириш пулли жойларда кўрсатув ёки эшиттиришни барчанинг эътибори учун юбориш (кириш пулли жойларда барчанинг эътибори учун юбориш ҳуқуқи);
-кўрсатув ёки эшиттиришни ретрансляция қилиш (ретрансляция ҳуқуқи);
-кўрсатув ёки эшиттиришни кабель орқали барчанинг эътибори учун юбориш ёхуд кўрсатув ёки эшиттиришни эфирга узатиш (кўрсатув ёки эшиттиришни кабель орқали юбориш ёки эфирга узатиш ҳуқуқи).

Эфир ёки кабель орқали кўрсатув ёхуд эшиттириш берувчи ташкилот ўз кўрсатуви ёки эшиттиришидан фойдаланишнинг ҳар бир тури учун ҳақ олиш ҳуқуқига эга.

Эфир ёки кабель орқали кўрсатув ёхуд эшиттириш берувчи ташкилотнинг кўрсатуви ёки эшиттириши ёзувини такрорлашга бўлган мутлақ ҳуқуқи қуйидаги ҳолларга нисбатан татбиқ этилмайди:

кўрсатув ёки эшиттиришни ёзиб олиш эфир ёки кабель орқали кўрсатув ёхуд эшиттириш берувчи ташкилотнинг розилиги билан амалга оширилганда;

кўрсатув ёки эшиттириш ёзувини такрорлаш Қонуннинг 53-моддаси қоидаларига мувофиқ тайёрланган ёзув мақсадида амалга оширилганда.

7. Саноат мулкига бўлган ҳуқуқ

Саноат мулки объектлари интеллектуал мулк объектларининг таркибий қисми ҳисобланади. «Саноат мулки» иборасини том маънода тушунмаслик лозим. Ушбу иборани қўллаш XVII-XIX асрларда Европа мамлакатларида ҳуқуқий ёрлик – патент орқали муҳофаза қилинадиган ихтиролар – техник тусдаги ечимларни, асосан, саноат соҳасида қўлланганлиги билан боғлиқ. Ҳозирги вақтда саноат мулки нафақат саноатда, балки амалиётнинг, турмушнинг ҳамма соҳаларида кенг қўлланилади.

Гарчи бу ибора унчалик аниқ-равшан бўлмаса ҳам, бироқ қонуншуносликда мустаҳкам ўрнашиб қолгани сабабли халқаро конвенцияларда, ривожланган мамлакатлар қонунларида интеллектуал мулк ҳуқуқи объектларини ҳуқуқий муҳофаза ёрлиғи асосида ҳимоя қилинадиган катта бир гуруҳининг номи сифатида анъанавий жиҳатдан кенг қўлланиб келмоқда.

Саноат мулкини муҳофаза қилиш бўйича Париж конвенциясида саноат мулкининг муҳофаза объектлари сифатида қуйидагилар кўрсатилади: 1) ихтиролар; 2) фойдали моделлар; 3) саноат намуналари; 4) товар белгилари; 5) хизмат кўрсатиш белгилари; 6) фирма номи; 7) манбани кўрсатиш; 8) товарнинг келиб чиқиш жойи номи (1-2-моддалар); 9) фирром рақобатнинг олдини олиш.

Амалдаги ФКда саноат мулкига бўлган ҳуқуқ ихтиро, фойдали модель саноат намунасига бўлган ҳуқуқ сифатида назарда тутилади.

ФКнинг 1082-моддасига асосан ихтиро, фойдали модель, саноат намунаси яратилиш факги бўйича эмас, балки махсус ҳуқуқий муҳофаза ёрлиғи ҳужжати – патент берилган тақдирдагина ҳимоя қилинади, кўриқланади. Ҳуқуқий муҳофаза ёрлиғи – ихтиро, фойдали модель ва саноат намунасига нисбатан патент дастлабки патент деб аталади.

Ихтиро, фойдали модель, саноат намунасига нисбатан қўйил-диган, патент олиш ҳуқуқини вужудга келтирадиган талаблар ҳамда патент идорасининг бундай ҳужжатни бериш тартиби Ўзбекистон Республикасининг 2002 йил 29 августда қабул қилинган «Ихтиро-ар, фойдали моделлар ва саноат намуналари тўғрисида»ги Қонун (бундан кейин матнда Қонун деб юритилади) билан белгиланади.

Ихтиро объектлари турли-туман кўринишларга эга. Баъзи ҳолларда аввалдан мавжуд объектнинг янги мақсадларда қўлланиши ҳам ихтиро ҳисобланади. Масалан, қурилмалар, усуллар, моддалар, микроорганизмларнинг штаммлари, ўсимликлар ва ҳайвонлар ҳужайраларининг турлари, илгаридан маълум бўлган қурилмалар, усуллар, моддаларнинг, микроорганизмлар штаммларининг янги мақсадда қўлланилиши ихтиро сифатида эътироф этилади..

қуйидагилар ихтиро сифатида эътироф этилмайди:

илмий назариялар ва математика усуллари;

ташқил этиш ва бошқариш усуллари;

шартли белгилар, жадваллар, қоидалар;

ақлий операцияларни бажариш қоидалари ва усуллари;

электрон ҳисоблаш машиналари учун алгоритмлар ва дастурлар;

бинолар, иншоотлар, ҳудудларни режалаштириш лойиҳалари ва чизма тарҳлари;

эстетика талабларини қаноатлантиришга йўналтирилган, буюмларнинг фақат ташқи кўринишига оид ечимлар;

интеграл микросхемаларнинг топологиялари;

ўсимлик навлари ва ҳайвон зотлари;

жамоат манфаатларига, инсонпарварлик ва ахлоқ қоидаларига зид ечимлар (масалан, инсонни руҳий ёки жисмоний қийноққа солиш воситалари, фаҳш-бузуқлик воситалари ва ҳоказо).

Фойдали моделларнинг патентга лаёқатлилиқ шартлари Қонуннинг 7-моддасида белгилаб қўйилган.

Ишлаб чиқариш воситалари ва истеъмол буюмларининг конструктив жиҳатдан ясалиши, тайёрланиши, шунингдек, уларнинг таркибий қисмлари фойдали модель ҳисобланади.

Фойдали модель сифатида кўрсатилган объект, ағари у янги бўлса, уни амалиётда қўллаш мумин бўлса, патент бериш орқали ҳуқуқий муҳофаза қилинади. Ушбу талаблар ихтирога қўйиладиган талабларга ўхшашдир. Айни вақтда улар ўртасида жиддий тафовутлар ҳам мавжуд. Масалан, фойдали модель ихтирочилиқ даражасига эга эмас.

Фойдали модель объектлари доираси торроқ. Жумладан, усуллар, моддалар, микроорганизм штаммлари, ўсимлик ва ҳайвонлар ҳужайраларининг турлари, шунингдек, уларнинг янги мақсадда қўлланиши фойдали модель ҳисобланмайди.

Айни вақтда, ихтиро бўлиб ҳисобланмайдиган объектлар ҳам фойдали модель сифатида муҳофаза қилинмайди.

Қуйидагилар саноат намунаси ҳисобланмайди: матбаа (нашр) маҳсулотлари (газета, журнал, китоб ва ҳоказо, меъморчилик шаклларида ташқари), саноат, гидротехника иншоотлари ва бошқа стационар, суюқ, газсимон, сочилувчан ёки шунга ўхшаш моддалардан иборат ўзгарувчан шаклдаги объектлар, буюмларнинг фақат техник функцияси билан боғлиқ бўлган ечимлар (гайка, шуруп, болт, винт ва шу кабилар), жамоат манфаатларига, инсон-парварлик ва ахлоқ қоидаларига зид ечимлар.

Дастлабки патент ва гувоҳнома дастлабки экспертиза ўтказилганидан кейин, патент эса объект моҳиятан экспертизадан ўтказилганидан сўнг берилади.

Устуворлик санасидан бошлаб ихтирога бўлган патент 20 йил мобайнида, саноат намунасига бўлган патент 10 йил давомида амал қилади.

Ихтирога берилган дастлабки патент ва фойдали моделга берилган патент беш йил мобайнида амал қилади.

Саноат намунаси, фойдали модель патенти, амал қилиш муддати патент эгасининг илтимосига кўра Патент идораси томонидан тегишли равишда беш йилга ва уч йилга узайтирилиши мумкин.

Патент, дастлабки патент бериш тартиби Қонуннинг 14-26-моддаларида белгилаб қўйилган.

Ҳуқуқ эгаси патент билан муҳофазаланган ихтиро, фойдали модель, саноат намунасида ўз хоҳишига кўра фойдаланиш бўйича мутлақ ҳуқуққа эгадир. Бундай мутлақ ҳуқуқ қуйидаги таркибий қисмлардан иборат:

а) ҳуқуқий муҳофаза қилинган ечимларни қўллаган ҳолда маҳсулот ишлаб чиқариш, хизмат кўрсатиш, иш бажариш;

б) патент билан муҳофазаланган технологик жараёнларни ўз ишлаб чиқаришида қўллаш, жорий қилиш, амалга ошириш;

в) муҳофазаланган ечимга эга бўлган маҳсулотларни сотиш ёки сотишга таклиф қилиш;

г) худди шундай муҳофазаланган ечимга эга бўлган буюмларни импорт қилиш.

ФКнинг 1034-моддаси, «Ихтиролар, фойдали моделлар ва саноат намуналари тўғрисида» ги қонуннинг 11, 32-моддаларига асосан саноат мулки объектларига нисбатан мутлақ ҳуқуқ эгаси ушбу объектдан ўз хоҳишига кўра фойдаланишга, бошқаларнинг фойдаланишига рухсат беришга ёки фойдаланишни тақиқлаб қўйишга ҳақли.

Қонунлар бошқа шахслар томонидан содир этиладиган ҳар қандай ҳаракатлар мутлақ ҳуқуқни бузиш деб ҳисобланишини белгилайди. Бинобарин ҳуқуқий муҳофаза ёрлиғи берилган ихтиро, фойдали модель ёки саноат намунасидан мутлақ ҳуқуқ эгасидан рухсат олмасдан фойдаланган ҳолда:

а) маҳсулот тайёрлаш;

б) технологик жараёнларни йўлга қўйиш, қўллаш;

в) четдан олиб келиш (импорт қилиш);

г) сотишга таклиф этиш, сотиш;

д) фуқаролик муомаласига бошқача йўсинда киритиш (масалан, ижарага бериш, ҳадя қилиш ва ҳоказолар);

е) ҳақ эвазига ёки ҳақсиз фуқаролик муомаласига киритиш мақсадида сақлаш;

ж) ихтиро патенти билан муҳофаза қилинаётган усулни қўлланиш ёки ихтиро патенти билан муҳофаза қилинаётган усул воситасидагина тайёрланган маҳсулотни фуқаролик муомаласига киритиш (сотиш, ижарага бериш ва ҳоказо) ёки шу мақсадда сақлаш ҳуқуқий муҳофаза ёрлиғи эгаси (патент ёки гувоҳнома эгаси) мутлақ ҳуқуқларини бузиш ҳисобланади.

Патентга бўлган ҳуқуқ ва шахсий ҳуқуқлар

Патентга бўлган ҳуқуқни тасарруф этиш ҳуқуқларнинг юридик тақдирини белгилашни англатади. Мутлақ ҳуқуқ соҳиби бу ҳуқуқларни шахсан ўзи амалга ошириши, бошқа ҳар қандай шахсларга тўлиқ ёки қисман ҳақ бараварига (лицензия бериш, сотиш) ёки текин (ҳадя қилиш) ўтказишга ҳақли.

Патентга бўлган ҳуқуқ ўз таркибига, доирасига хилма-хил ҳуқуқларни камраб олади. Бу ҳуқуқларнинг мажмуи патентга бўлган ҳуқуқни ташкил этади. ФКнинг 1034-моддасида патентга бўлган ҳуқуқларнинг асосий турлари белгилаб қўйилган бўлиб, улар қуйидагилардан иборат:

а) патент олиш ҳуқуқи. Қонуннинг 9-моддасига асосан тубандагилар саноат мулки объектига ҳуқуқий муҳофаза ёрлиғи (патент) олишга ҳақли: саноат мулк объектининг муаллифи (ҳаммуаллифлари) ёки унинг (уларнинг) меросхўрлари;

муаллиф ёки унинг ҳуқуқий вориси томонидан патент, дастлабки патент ёки гувоҳномага оид талабларда ёхуд саноат мулки объекти Патент идорасида рўйхатдан ўтказилгунга қадар топширилган аризада кўрсатилган жисмоний ва (ёки) юридик шахсларга (улар розилиги шартли билан) ушбу асосга кўра патент олиш ҳуқуқи ҳақ эвазига ёки текин ҳар қандай шахсга ўтказилиши мумкин.

Муаллиф билан саноат мулки объектини яратиш бўйича шартнома тузган ва шартнома бўйича ўз мажбуриятларини лозим даражада бажарган буюртмачи ҳам ушбу асосга кўра, патент олиш ҳуқуқини қўлга киритади;

объект хизмат топшириғи бўйича яратилганда, муаллиф учун иш берувчига (ФКнинг 1087-моддасида белгиланган ҳолларда асосларда ва тартибда);

патент олиш ҳуқуқи мерос бўйича ўтади;

б) саноат мулки объектига патент (гувоҳнома) бериш сўралган талабномани рўйхатдан ўтказилган келиб чиқадиган ҳуқуқлар. Патент олишга бўлган ҳуқуқ Патент идорасига белгиланган тартибда патент беришни сўраб талабнома бериш (Қонуннинг 14, 20-моддалари) орқали амалга оширилади. Талабнома топширилиб, у Патент идорасида рўйхатдан ўтказилгач, талабнома топширилган шахсда вужудга келадиган ҳуқуқлар (улар орасида марказий ўринда ўз номига патент олиш ҳуқуқи туради) бошқа шахсларга тўлиқ ёки қисман, ҳақ эвазига ёки текин ўтказилиши мумкин. Бундай ўтказиш тегишли шаклда расмийлаштирилиши лозим;

в) патентга эгалик ҳуқуқи бу, энг аввало, патент бўйича мутлақ ҳуқуқни тўлиқ ҳолда ўз ихтиёри, эрк-иродаси доирасида ушлаб туриш, сақлаб туриш ҳисобланади. Бу ҳуқуқ мазмуни Қонуннинг 11-моддасида белгилаб қўйилган. Патентга эгалик ҳуқуқи ҳам тўлиқ ёки қисман, ҳақ эвазига ёки текин тарзда бошқа шахсларга ўтказилиши мумкин (у тегишли тартибга риоя қилган ҳолда расмийлаштирилиши лозим – ёзма тузилиши ва давлат Патент идорасида рўйхатдан ўтказилиши шарт);

г) патентдан келиб чиқадиган ҳуқуқлар, яъни саноат мулки объектидан ўзи фойдаланиши, бошқаларнинг фойдаланишига рухсат (лицензия) бериши ва бошқаларнинг бу объектлардан фойдаланишини тақиқлаб қўйиши, лицензия учун тегишли ҳақ олиши, мутлақ ҳуқуқлари бузилиш натижасида етказилган зарарларнинг (ҳам моддий, ҳам маънавий зарарларнинг) қопланишини талаб қилиши ва шу каби ҳуқуқлардан иборат.

1. Саноат мулки объекти (ихтиро, фойдали модель, саноат намунаси)ни ўз ижодий меҳнати билан шахсан яратган жисмоний шахс бу объектнинг муаллифи деб эътироф этилади.

Патентга бўлган ҳуқуқни бошқа шахсларга ўтказиш тартиби

Саноат мулки объектига берилган патент патентга бўлган ҳуқуқни бошқа шахсга ўтказиш дақидаги шартнома ҳақ эвазига ёки ҳақсиз эканлигидан қатъи назар, ёзма равишда тузилиши шарт. Бундай шартномани

шакллантиришда ФКнинг 107-моддасида белгилаб қўйилган битимнинг ёзма шакли ҳақидаги қоидаларига риоя қилиниши лозим.

Ёзма равишда тузилган шартнома Давлат Патент идорасида рўйхатдан ўтказилиши шарт. Рўйхатдан ўтказишга ваколатли давлат идораси, энг аввало, шартнома шартларини қонунга мувофиқлиги нуқтаи назаридан текширади. Қонунга номувофиқ бўлган шартномаларни рўйхатдан ўтказдириш рад этилиб, тарафларга шартнома шартларини қонунга мувофиқлаштириш таклиф этилади.

Умумий қоидалар бўйича шартномаларнинг рўйхатдан ўтказилишида улар қанчалик мақсадга мувофиқлиги нуқтаи назаридан баҳоланмайди (давлат ва жамият манфаатларига атайлаб хилоф равишда тузилган шартномалар бундан мустасно). Шартнома рўйхатдан ўтказилганидан кейин юридик кучга эга бўлади.

Шартноманинг ёзма равишда тузилишига ёки рўйхатдан ўтказиш талабига риоя этмаслик шартноманинг ҳақиқий эмас деб топилишига сабаб бўлади. ФКнинг 112-моддасига асосан, бундай шартнома ўз-ўзидан ҳақиқий ҳисобланмайди. Агар шартнома ёзма равишда тузилган, аммо тарафлардан бири уни давлат рўйхатидан ўтказишдан бош тортса, суд бошқа тарафнинг талаби билан битимни ФКнинг 112-моддаси 3-қисмига биноан рўйхатдан ўтказишга ҳақли-дир. Шартномани Давлат рўйхатидан ўтказишдан асоссиз бош тортган тараф шартномани тузишни кечиктирганлиги туфайли етказилган зарарни иккинчи тарафга тўлаши лозим.

8. ФУҚАРОЛИК ҲУҚУҚИ МУОМАЛАСИ ҚАТНАШЧИЛАРИ, ТОВАРЛАР, ИШЛАР ВА ХИЗМАТЛАРНИ ШАХСИЙЛАШТИРИШ ВОСИТАЛАРИ.ФИРМА НОМИ.

Фирма номига бўлган ҳуқуқ

Маълумки, ҳар бир жисмоний шахс – фуқаро ўз исм, насабига эга ва бу уни бошқалардан ажратиб турувчи белгилардан биридир. Юридик шахслар ҳам ўзининг ташкилий-ҳуқуқий шаклини билдирадиган номга эга бўлади. Тижоратчи бўлмаган ташкилотлар, унитар корхоналарнинг номлари, қонунда назарда тутилган ҳолларда эса бошқа тижоратчи ташкилотларнинг ҳам номлари юридик шахс фаолиятининг хусусиятини кўрсатиши керак (масалан, «Лаззат» қандолат фабрикаси, «Камолот» жамғармаси ва ҳоказо).

Ўзбекистон Республикасининг «Фирма номлари тўғрисида»ги 2006 йил 18 сентябрдаги Қонуни (кейинги ўринларда Қонун)нинг 3-моддасига мувофиқ, фирма номи юридик шахс бўлган тижорат ташкилотининг (бундан буён матнда юридик шахс деб юритилади) индивидуал номи бўлиб, унга доир мутлақ ҳуқуқ юридик шахс давлат рўйхатидан ўтказилган вақтда юзага келади.

Юридик шахс тўлиқ фирма номи билан бирга қисқартирилган фирма номига ҳам эга бўлиши мумкин. Юридик шахснинг фирма номида унинг ташкилий-ҳуқуқий шакли кўрсатилиши керак. Қонунда назарда тутилган

холларда фирма номида юридик шахс фаолиятининг хусусияти кўрсатилиши керак.

Юридик шахснинг номига тўла ёки қисқартирилган расмий номни (давлатнинг номини) киритишга, юридик шахс ҳужжатларининг реквизитларига ёки реклама материалларига шундай номни ёхуд давлат рамзлари (герб, байроқ) элементларини қўшишга Ўзбекистон Республикаси ҳукумати белгилайдиган тартибда йўл қўйилади.

Юридик шахснинг номи унинг таъсис ҳужжатларида кўрсатилади.

Тижоратчи ташкилот бўлган юридик шахс ўз фирма номига эга бўлиши лозим ва у ундан фойдаланиш бўйича мутлақ ҳуқуққа эгадир. Ўзга фирма номидан ғайриқонуний суратда фойдаланаётган шахс фирма номига эгалик қилиш ҳуқуқи бўлган шахснинг талаби билан ундан фойдаланишни тўхтатиши ва етказилган зарарларни тўлаши лозим (ФКнинг 46-моддаси).

Фирма номи – тижоратчи ташкилотнинг фуқаролик муомаласида иштирокида уни бошқа қатнашчилардан, уларнинг товарлари, ишлари ва хизматларидан фарқловчи, ажратиб турувчи, индивидуаллаштириш воситаси ҳисобланади.

Юридик шахс фирма номидан юридик шахснинг ўзини ҳам, унинг ишлаб чиқарган товарлари, бажарган иши, кўрсатадиган хизматини фарқловчи, хабардор қилувчи восита, белги сифатида фойдаланишига бўлган мутлақ ҳуқуқи ФКнинг 1098-моддасида қоида тариқасида белгилаб қўйилган.

Юридик шахснинг фирма номи унинг таъсис ҳужжатларини (устав, таъсис шартномаси, ташкил этиш ҳақидаги қарор) тасдиқлашда муассислар томонидан белгиланади ва у юридик шахслар давлат реестрига киритиш йўли билан қайд этилади, бу ҳақда юридик шахсга далолатнома берилади.

Фирма номида қуйидаги белгилар кўрсатилмаслиги керак.:

- 1) давлатнинг расмий номи, халқаро, ҳукуматлараро ёки нодавлат нотижорат ташкилотининг қисқартирилган ёки тўлиқ номи;
- 2) тарихий ёки Ўзбекистон Республикасида машҳур бўлган шахснинг тўлиқ ёки қисқартирилган исми, белгиланган тартибда бериладиган руҳсатсиз;
- 3) фирма номининг эгаси, унинг фаолият тури ёки у келиб чиққан мамлакат хусусидаги сохта ёки истеъмолчини чалғитиши мумкин бўлган белгилар;
- 4) жамият манфаатларига, инсонпарварлик ва ахлоқ принципларига зид бўлган.

Шу билан бирга фирма номида қуйидагилар ҳам кўрсатилмаслиши мумкин эмас:

- илгари Ўзбекистон Республикасида бошқа юридик шахс номига рўйхатдан ўтказилган ёки рўйхатдан ўтказиш сўраб талабнома берилган, илгарироқ устуворликка эга бўлган фирма номлари;

- илгари Ўзбекистон Республикасида бошқа шахс номига рўйхатдан ўтказилган ёки рўйхатдан ўтказиш сўраб талабнома берилган, шунингдек Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномаларига мувофиқ рўйхатдан

ўтказилмай муҳофаза қилинадиган товар белгилари (хизмат кўрсатиш белгилари);

- белгиланган тартибда ҳаммага маълум деб эътироф этилган товар белгилари (хизмат кўрсатиш белгилари);

- белгиланган тартибда қонун ҳужжатлари билан муҳофаза қилинадиган товарлар келиб чиққан жойларнинг номлари билан, шундай номдан фойдаланиш ҳуқуқига эга бўлган шахс номига рўйхатдан ўтказиш ҳоллари бундан мустасно, адаштириб юбориш даражасида бир хил ёки уларга ўхшаш бўлган.

ФКнинг 1099-моддасида белгиланган қоидага асосан юридик шахснинг фирма номидан у ишлаб чиқарган товарлар, бажарган иш, кўрсатган хизмат белгисида фойдаланишга йўл қўйилади.

Юридик шахс товарларга, уларнинг идиши ва ўровида, рекламада, пешлавҳаларда, босма маълумотномаларда, ҳисоб варақалари, босма нашрлар, расмий бланкаларда ва шу каби фирма номидан товар (хизмат) белгисида фойдаланишга ҳақли.

«Истеъмолчиларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида»ги қонуннинг 5-моддасига асосан сотувчи (товар ишлаб чиқарувчи) ўз ташкилотининг фирма номини билдириши, хабардор қилиши шарт. Юридик шахснинг фирма номидан товар (хизмат) белгиси сифатида фойдаланиши бу унга тегишли ҳуқуқ бўлиб, мажбурият эмас.

Агар юридик шахс фирма номини товар белгисига киритса, у товар белгисининг таркибий қисми, элементи сифатида ёки унга қўшимча, илова элемент сифатида бўлиши мумкин. Фирма номи товар белгисининг таркибий қисми сифатида бўлганида, у ваколатли давлат идораси томонидан тасдиқланган бўлиши лозим.

Қуйидаги ҳолатлар фирма номидан фойдаланиш ҳисобланади.:

- фирма номини расмий бланкаларда, муҳрларда, штампларда ва юридик шахснинг фаолияти билан боғлиқ бўлган бошқа ҳужжатларда акс эттириш;
- фирма номини товарларда, уларнинг идиши ва ўровида, рекламада, пешлавҳаларда, босма маълумотномаларда, ҳисобварақларда, босма нашрларда, товарларни Ўзбекистон Республикасида ўтказиладиган кўргазмалар ва ярмаркаларда намойиш этиш вақтида ишлатиш

Товар (хизмат кўрсатиш) белгисига бўлган ҳуқуқ

Товар (хизмат) белгиси бу бир жисмоний ёки юридик шахснинг товарлари ва хизматларининг бошқа юридик ёки жисмоний шахсларнинг бир турдаги товарлари ва хизматларидан фарқлаш учун фойдаланиладиган белгилардир.

Товар белгиси сифатида сўзлар, тасвирлар, қабарик ва бошқа белгилар ёки уларнинг жамлама ифодаси рўйхатдан ўтказилиши мумкин. Товар белгиси исталган бир рангда ёки турли рангларда бўлиши мумкин.

Ўзбекистон Республикасида товар (хизмат) белгиларини рўйхатдан ўтказиш, ҳуқуқий жиҳатдан муҳофаза қилиш ва улардан фойдаланиш билан боғлиқ муносабатлар ФК, «Товар белгилари, хизмат кўрсатиш белгилари, товар келиб чиққан жой номлари тўғрисида» 2001 йил 30 августдаги Қонун

(бундан кейин матнда қонун деб юритилади) ва тегишли қонун ҳужжатлари билан тартибга солинади.

Қонунга асосан қуйидаги ҳолларда товар белгиларини рўйхатдан ўтказишга йўл қўйилмайди, агарда улар:

- 1) давлат герблари, байроқлари ва давлат мукофотларининг тасвири туширилган белгилар;
- 2) давлатларнинг расмий номлари, халқаро ёки ҳукуматлараро ташкилотларнинг қисқартирилган ёки тўлиқ номлари;
- 3) расмий назорат, кафолат тамғалари ва намуна йўсинидаги тамғалар, муҳрлар;
- 4) давлат хизматларининг Ўзбекистон Республикасида қўлланиладиган ажратиш ва фарқлаш белгилари тасвирлари;
- 5) фарқлаш хусусиятига эга бўлмаган белгилар;
- 6) муайян турдаги товарларнинг белгиси сифатида умум фойдаланишда бўлган белгилар;
- 7) умум эътироф этилган рамзлар ва атамалар ҳисобланган белгилар;
- 8) товарларни, шу жумладан уларнинг тури, сифати, сони, хусусияти, қандай мақсадга мўлжалланганлиги ва қийматини, шунингдек уларнинг ишлаб чиқариладиган ёки ўтказиладиган жойи ва вақтини тавсифлаш учун фойдаланиладиган белгилар;
- 9) товар ёки унинг тайёрловчиси хусусидаги ёлғон ёки истеъмолчини чалғитиши мумкин бўлган белгилар;
- 10) товар келиб чиққан ҳақиқий жойни расман кўрсатувчи, лекин товар бошқа ҳудудда чиқарилаётганлиги ҳақида янглиш тасаввур берувчи белгилар;
- 11) маъданли сувлар, вино ёки кучли спиртли ичимликларнинг аслиятини акс эттирувчи жўғрофий номлар бўлган ёки шундай номларни ифодаловчи белгилар, мазкур жойда чиқарилмаган товарларни белгилаш учун ишлатилган белгилар, шунингдек башарти улар таржима қилиниб ёки "кўринишдаги", "турдаги", "усулдаги" ва бошқа шунга ўхшаш сўзлар билан кўшилган ҳолда қўлланилса;
- 12) жамият манфаатларига, одамийлик ва ахлоқ қоидаларига зид бўлган белгилар;
- 13) қуйидаги белгилар:
илгари Ўзбекистон Республикасида бошқа шахс номига рўйхатдан ўтказилган ёки рўйхатдан ўтказиш сўраб талабнома берилган, шунингдек Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномаларига мувофиқ рўйхатдан ўтказилмай ҳам муҳофаза қилинадиган ёки шу турдаги товарларга нисбатан анча илгарироқ устуворликка эга бўлган товар белгилари билан адаштириб юбориш даражасида бир хил ёки уларга айнан ўхшаш бўлган белгилар;
ҳар қандай товарларга нисбатан бошқа шахсларнинг белгиланган тартибда умум эътироф этилган товар белгилари билан адаштириб юбориш даражасида бир хил ёки уларга айнан ўхшаш бўлган белгилар;
ушбу қонунга мувофиқ муҳофаза қилинадиган товар келиб чиққан жой номи бўлган белгилар билан адаштириб юбориш даражасида бир хил ёки уларга

айнан ўхшаш бўлган белгилар, бу белгилар ҳар қандай товарларга нисбатан шундай номдан фойдаланиш ҳуқуқига эга бўлган шахс номига рўйхатдан ўтказилаётган товар белгисига муҳофаза қилинмайдиган қисм сифатида киритилган ҳоллар бундан мустасно;
белгиланган тартибда рўйхатдан ўтказилган сертификатлаш белгилари билан адаштириб юбориш даражасида бир хил ёки уларга айнан ўхшаш бўлган белгилар;

14) қуйидаги белгилар:

ўзга шахсларга тегишли ва Ўзбекистон Республикаси ҳудудида таниқли бўлган фирма номларини (ёки уларнинг бир қисмини), агар бу номга бўлган ҳуқуқ бир турдаги товарларни белгилаш учун товар белгисига доир талабнома келиб тушган санадан аввалроқ олинган бўлса, такрорловчи белгилар;

саноат намуналарини, агар уларга бўлган ҳуқуқ Ўзбекистон Республикасида ўзга шахсларга тегишли бўлса, такрорловчи белгилар;

Ўзбекистон Республикасида машҳур бўлган илмий асарлар, адабиёт ва санъат асарларининг номларини, уларнинг қахрамонларини ёки ибораларини, санъат асарларини ёки улардан кўринишларни муаллифлик ҳуқуқига эга бўлган шахс ёки унинг ҳуқуқий ворислари (меросхўрлари) розилигини олмаган тарзда такрорловчи белгилар;
-атоқли шахсларнинг фамилиялари, исмлари, тахаллусларини ва улардан ясалган сўзларни, бундай шахсларнинг портретларини ҳамда дастхатларини, башарти булар Ўзбекистон Республикасининг тарихий ва маданий бойлиги бўлса, ана шу атоқли шахслар, уларнинг меросхўрлари ёки давлат органи розилигини олмаган тарзда такрорловчи белгилар.

Санаб ўтилганларнинг 1-4-бандларида кўрсатилган белгилар, агар бунга тегишли давлат органининг ёки белги эгасининг розилиги бўлса, товар белгисига муҳофаза қилинмайдиган қисмлар сифатида киритилиши мумкин, юқоридагиларнинг 5-8-бандларида кўрсатилган белгилар, агар улар товар белгисига устун мавқега эга бўлмаса, бу белгига муҳофаза қилинмайдиган қисмлар сифатида киритилиши мумкин.

Товар белгиси Давлат реестрида рўйхатдан ўтказилганидан ва белгиланган бож тўланганлиги ҳақида ҳужжат олинганидан кейин уч ой ичида Патент идораси товар белгиси эгасига гувоҳнома беради.

Товар белгиси, хизмат кўрсатиш белгиси рўйхатдан ўтказилганлиги ҳақидаги гувоҳнома белгининг товар белгиси, хизмат кўрсатиш белгиси сифатида рўйхатдан ўтказилганлиги, товар белгиси, хизмат кўрсатиш белгисининг устуворлигини, товар белгиси, хизмат кўрсатиш белгиси эгасининг гувоҳномада кўрсатилган маҳсулотлар ва хизматларга нисбатан мутлақ ҳуқуқини тасдиқлайди.

Товар белгиси, хизмат кўрсатиш белгиси рўйхатдан ўтганлиги ҳақидаги гувоҳнома устуворлик белгиланган санадан эътиборан ўн йил

давомида амал қилади. Бу муддат тегишли бож тўлаб борилган тақдирда ҳар гал ўн йилга узайтириб борилади.

Товар (хизмат) белгисига бўлган ҳуқуқни бузганлик учун жавобгарлик

ФКнинг 1007-моддасида товар белгисига бўлган ҳуқуқни бузганлик учун фуқаролик-ҳуқуқий жавобгарлик асоси, жавобгарлик ҳажми белгилаб қўйилган.

Товар белгисидан қонунга хилоф равишда фойдаланиш деганда товар белгисидан қонуний асосга эга бўлмаган ҳолда (товар белгиси эгаси билан ушбу белгига бўлган ҳуқуқни олиш ҳақида шартнома тузмасдан ёхуд товар белгисидан фойдаланишга лицензия олиш ҳақида шартнома тузмасдан) товар белгисидан фойдаланиш тушунилади.

Товар белгисидан қонунга хилоф равишда фойдаланаётган шахс қоидабузарликка йўл қўяётганлигини билган ёки билиши лозим бўлган вақтдан бошлаб, қоидабузарликни тўхтатмоғи шарт.

Товар белгисидан қонунга хилоф равишда фойдаланган шахс бунинг натижасида товар белгисининг эгасига (баъзи ҳолларда ушбу товар белгисидан фойдаланишга лицензия олган шахсга ҳам) етказилган зарарларни тўлаши шарт. Бунда ФКнинг 14-моддасида белгилаб қўйилган зарарни қоплаш ҳақидаги қоидалардан келиб чиқмоқ керак. Товар белгиси эгасига етказилган зарар, энг аввало, унинг товар белгиси эгаси сифатидаги ҳуқуқларини тиклаш учун қилган ёки қилиниши лозим бўлган харажатлар, шунингдек, қоидабузар бундай қоидабузарлик натижасида етказилган товар белгисидан қонунга хилоф равишда фойдаланиш натижасида даромад олган бўлса, олинган даромадлар товар белгиси эгаси (баъзи ҳолларда товар белгисидан фойдаланишга лицензия олган шахс)га ундириб берилиши лозим.

Товар белгисидан қонунга хилоф равишда фойдаланаётган шахс қоидабузарликни тўхтатиш билан бирга, қуйидаги ҳаракатларни ҳам амалга оширишга мажбур:

1) тайёрлаб қўйилган товар белгиси тасвирларини (этикеткалар, ёрликлар, тамғалар, муҳрлар, реклама проспектилари, шу кабилар) йўқ қилиб ташлаши шарт;

2) қонунга хилоф равишда фойдаланаётган товар белгисини ёки чалғитиб юбориш даражасида унга ўхшаши бўлган белгини товардан ёки унинг идиши ва ўровидан йўқотиши (ўчириб ташлаш, қириб ташлаш, қирқиб ташлаш, бўлиб ташлаш) шарт.

Мавзунини мустахкамлаш учун саволлар.

1. Интеллектуал мулк объектларининг ўзига хос хусусиятларига нималар киради?
2. Интеллектуал мулк объектларининг турлари.

3. Интеллектуал мулк ҳуқуқининг субинститутлари.
4. Интеллектуал мулк объектларини ҳуқуқий муҳофаза қилиш асослари.
5. Интеллектуал мулк ҳуқуқига нисбатан мулкӣ ва шахсий номулкий ҳуқуқлар.
6. Интеллектуал мулк ҳуқуқига нисбатан мулкӣ ҳуқуқларни бошқа шахсга ўтказиш. Лицензия шартномалари.
7. Интеллектуал мулк ҳуқуқига нисбатан мутлақ ҳуқуқларни ҳимоя қилиш усуллари.
8. Муаллифлик ҳуқуқи объектлари.
9. Муаллифлик ҳуқуқи жорий қилинмайдиган талаблар
10. Асар муаллифи
11. Ҳаммуаллифлик.
12. Муаллифлик презумпцияси.
13. Муаллифнинг шахсий номулкий ва мулкӣ ҳуқуқлар
14. Муаллифлик ҳуқуқларининг амал қилиш муддатлари.
15. Муаллифлик шартномаси
16. Хизмат тартибида яратилган асар
17. Муаллифлик ҳуқуқининг ҳимоя белгилари
18. Муаллифлик ҳуқуқларини жамоавий бошқариш
19. Турдош ҳуқуқ тушунчаси
20. Турдош ҳуқуқ объектлари.
21. Турдош ҳуқуқларни ҳимоя қилиш белгилари.
22. Турдош ҳуқуқларнинг амал қилиш муддатлари.
23. Турдош ҳуқуқ субъектларининг ваколатлари.
24. Саноат мулки тушунчаси ва турлари
25. Ихтиро тушунчаси
26. Ихтиро объектлари
27. Ихтиро ҳисобланмайдиган объектлар
28. Ихтиронинг ҳуқуқий муҳофазага лаёқатлилик шартлари
29. Фойдали модел тушунчаси ва ҳуқуқий муҳофазага лаёқатлилик шартлар
30. Фуқаролик муомаласи қатнашчиларини шахсийлаштирувчи воситалар тушунчаси
31. Фирма номи тушунчаси
32. Фирма номи сифатида рўйхатдан ўтказиладиган белгилар
33. Фирма номи сифатида рўйхатдан ўтказилмайдиган белгилар
34. Фирма номига гувоҳнома бериш тартиби
35. Фирма номига берилган гувоҳноманинг амал қилиш муддати
36. Муаллифлик ҳуқуқи объектлари.
37. Муаллифлик ҳуқуқи жорий қилинмайдиган талаблар
38. Асар муаллифи
39. Ҳаммуаллифлик.
40. Турдош ҳуқуқ тушунчаси
41. Турдош ҳуқуқ объектлари.
42. Турдош ҳуқуқларни ҳимоя қилиш белгилари.
43. Турдош ҳуқуқларнинг амал қилиш муддатлари.

44. Турдош ҳуқуқ субъектларининг ваколатлари.
45. Саноат мулки тушунчаси ва турлари
46. Ихтиро тушунчаси
47. Ихтиро объектлари
48. Ихтиро ҳисобланмайдиган объектлар
49. Ихтиронинг ҳуқуқий муҳофазага лаёқатлилиқ шартлари

Таянч сўз ва иборалар.

Муаллифлик ҳуқуқи объектлари, асар муаллифи, ҳаммуаллифлик, муаллифлик презумпцияси, муаллифнинг шахсий номулкий ва мулкий ҳуқуқлар, муаллифлик шартномаси, турдош ҳуқуқ тушунчаси, саноат мулки ихтиро тушунчаси, этикеткалар, ёрлиқлар, тамғалар, муҳрлар, реклама проспектлари.

Глоссарийлар.

«Интеллект» лотинча сўз бўлиб, «ақл» маъносини англатади.

Муаллифлик ҳуқуқи объектларига нисбатан мутлақ ҳуқуқ соҳиби ўз ҳуқуқларидан барчани хабардор қилиш учун объектнинг (асарнинг) ҳар бир нусхасида акс эттириладиган ва қуйидаги уч элемент (унсур)дан иборат муаллифлик ҳуқуқи ҳимоя белгисидан фойдаланиши мумкин:

айлана (доира) ичига олинган лотинча «С» ҳарфи;

муаллифлик мутлақ ҳуқуқлари соҳибининг номи;

асар биринчи марта эълон қилинган йил.

Муаллифлик ҳуқуқлари каби турдош ҳуқуқлар ҳам ўз ҳимоя белгиларига эга. Ижро ёзувини яратган шахс ва ижрочи ўз ҳуқуқларидан хабардор қилиши учун бундай белгидан фойдаланишлари мумкин. Аудиоёзув (овоз ёзиб олинган грампластинка, компакт диск ва ҳоказо) ёки видеоёзув (тасвир ёзилган видеокассеталар)нинг ҳар бир нусхасида ва (ёки) улар сақланадиган филофда акс эттириладиган бу белги учун унсур (элемент)дан иборат:

айланага олинган «Р» ҳарфи;

турдош мутлақ ҳуқуқлар эгасининг исм-шарифи (номи);

ёзув биринчи марта эълон қилинган йил.

Шўъба банки - устав капитали тўлалигича норезидент банк томонидан тўланадиган банк.

Эквайер банк - эквайрингни амалга оширувчи банк.

Электрон ҳужжат - электрон шаклда қайд этилган, электрон рақамли имзо билан тасдиқланган ҳамда электрон ҳужжатнинг уни идентификация қилиш имконини берадиган бошқа реквизитларига эга бўлган ахборот.

Электрон рақамли имзо - электрон ҳужжатдаги мазкур электрон ҳужжат ахборотини электрон рақамли имзонинг ёпиқ калитидан фойдаланган ҳолда махсус ўзгартириш натижасида ҳосил қилинган ҳамда электрон рақамли имзонинг очик калити ёрдамида электрон ҳужжатдаги ахборотда хатолик йўқлигини аниқлаш ва электрон рақамли имзо ёпиқ калитининг эгасини идентификация қилиш имкониятини берадиган имзо.

Электрон рақамли имзо калитининг сертификати - электрон рақамли имзонинг очик калити электрон рақамли имзонинг ёпиқ калитига мослигини тасдиқлайдиган ва электрон рақамли имзо ёпиқ калитининг эгасига рўйхатга олиш маркази томонидан берилган ҳужжатдир.

Электрон рақамли имзонинг ёпиқ калити - электрон рақамли имзо воситаларидан фойдаланган ҳолда ҳосил қилинган, фақат имзо кўювчи шахснинг ўзига маълум бўлган ва электрон ҳужжатда электрон рақамли имзони яратиш учун мўлжалланган белгилар кетма-кетлиги.

Электрон рақамли имзонинг ҳақиқийлигини тасдиқлаш - электрон рақамли имзонинг электрон рақамли имзо ёпиқ калитининг эгасига тегишлилигини ва электрон ҳужжатдаги ахборотда хатолик йўқлиги текширилгандаги ижобий натижа.

Электрон рақамли имзонинг очик калити - электрон рақамли имзо воситаларидан фойдаланган ҳолда ҳосил қилинган, электрон рақамли имзонинг ёпиқ калитига мос келувчи, ахборот тизимининг ҳар қандай фойдаланувчиси фойдалана оладиган ва электрон ҳужжатдаги электрон рақамли имзонинг ҳақиқийлигини тасдиқлаш учун мўлжалланган белгилар кетма-кетлиги.

Электрон тўловлар тизими (ЭТТ) - бу қоғозсиз технологияга ва Марказий банкнинг электрон почтаси воситалари билан маълумотни узатишга асосланган умумдавлат тўлов тизимидир.

Фойдаланилган адабиётлар.

Асосий адабиётлар:

1. Зокиров И.Б. Фуқаролик ҳуқуқи: Дарслик. 1 қисм. –Т. ТДЮИ нашриёти, 2009. 611 б.
2. Инсон ҳуқуқлари тўғрисида халқаро Билль. -Т.: Адолат. 1992.
3. Муаллифлар жамоаси. Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг иккинчи қисмига шарҳлар. -Т.: Иқтисодий ва ҳуқуқ дунёси. 1998.324 б.
3. Топилдиев Б. Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик ҳуқуқи.

(биринчи ва иккинчи қисмлар). -Т.: ТДЮИ. 2014.511 б.

Қўшимча адабиётлар:

- 1.Каримов И.А. Инсон, унинг ҳуқуқ ва эркинликлари ҳамда манфаатлари – энг олий кадрият. // Халқ сўзи, 2005 йил 9 декабрь.
2. . Каримов И.А. Ўзбекистон - бозор муносабатларига ўтишнинг ўзига хос йўли./ Биздан озод ва обод Ватан қолсин. -Тошкент: Ўзбекистон, 1994. -48 б.
- 3.Мирзиёев Ш.М. Демократик ислоҳотларни изчил давом эттириш халқимиз учун тинч ва осойишта, муносиб ҳаёт даражасини яратиш барқарор тараққиёт кафолатидир // Халқ сўзи. 2016 йил 2 ноябр.
- 4.Мирзиёев Ш.М. Қонун устуворлиги ва инсон манфаатларини таъминлаш- юрт тараққиёти ва халқ фаровонлигининг гарови Халқ сўзи 8 декабр 2016 йил. Ўзбекистон Республикасининг сайланган Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганлигининг 24 йиллигига бағишланган тантанали маросимидаги маърузаси.
5. Узбекистон Республикаси Президентининг "2017 — 2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устивор йуналиши буйича Ҳаракатлар стратегиясини амалга оширишга доир ташкилий чоратadbирлар туғрисида" 2017 йил 14 февралдаги Ф-4849- сонли Фармойиши. Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2017 й.. 7-сои, 88-модда.
- 6.Ўзбекистон Республикаси Конституцияси-Т.: Ўзбекистон, 2017.
- 7.Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик кодекси. (2016 йил 1 июлгача бўлган ўзгариш ва қўшимчалар билан). Тўплам. “Адолат” нашриёти.
- 8.Фуқаролик ҳуқуқи. Иккинчи қисм. –Тошкент: Илм зиё, 2008. -392 б.

Elektron resurslar.

- 1.<http://Allpravo.ru>
- 2.<http://Internet-law.ru>
- 3.<http://dissertation1.narod.ru/avtoreferats1>
- 4.<http://www.library.by/data>
- 5.<http://www.lawportal.ru>
- 6.<http://www.legislature.ru>
- 7.<http://www.ziyonet.uz>.
- 8.<http://www.inter-mba.ru/c...>2.<http://www.businesspravo.ru>.
- 9.<http://www.daryo.uz>4.<http://www.kun.uz>5.<http://www.lex.uz>
- 10.<http://www.gov.uz>

12-МАВЗУ: ВОРИСЛИК ТЎҒРИСИДА УМУМИЙ ҚОИДАЛАР (8-соат).

РЕЖА:

1. Ворислик асослари.
2. Мерос очилиш тартиби, меросхўрлар. Меросни эгаллаш.
3. Васият бўйича ворислик. Васиятнома шакли ва мазмунига қўйиладиган талаблар.
4. Нотариал тасдиқланадиган ва унга тенглаштирилган васиятномалар.
5. Васиятномани бекор қилиш ва ўзгартириш тартиби. Васиятномани ижро этиш.
1. Васият мажбурияти ва уни юклаш шартлари.
2. Қонун бўйича ворислик. Қонуний ворислик асослари ва ворислар гуруҳлари.
3. Такдим этиш ҳуқуқи бўйича ворислик. Мерос қолдирувчи қарамоғидаги меҳнатга лаёқатсиз шахслар, эр(хотин)нинг ҳуқуқлари.
4. Мажбурий улуш ҳуқуқи. Меросни муҳофаза қилиш ва уни бошқариш.
5. Меросни эгаллаш. Мерос гувоҳномаси. Меросдан воз кечиш ҳуқуқи ва уни чекланиши.
6. Меросни тақсимланиши. Корхонага ворислик. Мерос улушларининг ошиши.

1. Ворислик асослари.

Халқ ўртасида мерос деганда, вафот этган шахсдан қолган мол-мулк тушунилади.

Хусусий мулкнинг мазмуни кенгайиши билан мерос ҳуқуқининг мундарижаси такомиллашади ва кенгаяди.

Ҳаётда ҳар бир шахс бошқа бир шахслар билан ҳар хил муносабатларда бўлади. Бу муносабатлар, албатта, шахснинг эркин иродаси билан вужудга келади. Вақт ўтиши билан бир муносабат бекор бўлади, иккинчи бир муносабат вужудга келади. Муносабатнинг барчаси шахсий ёки мулкӣ муносабатлар бўлиб, маълум бир қоидалар билан тартибга солинади. Муносабатда турган ҳар бир шахс муайян бир ҳуқуқ ва мажбуриятларга эга бўлади. Бундай ҳуқуқ ва мажбурият, қоида тариқасида, шахс вафот этгандан сўнг ҳам ўз кучини сақлаб қолади.

Бошқача қилиб айтганда, шахснинг вафот этиши бундай ҳуқуқ ва мажбуриятларнинг бекор бўлишига олиб келмайди. Масалан, кредит муассасаларига қўйилган маблағ, уни қўйган шахс вафот этганда ҳам банк омонатни бериш мажбуриятдан озод бўлмайди. Мажбурият давом этади, аммо талаб қилиш ҳуқуқи бошқа шахсларга ўтади.

Фуқаро вафот этгандан кейин ҳам унинг барча ҳуқуқи ва мажбуриятлари ўз кучини сақлаб қолмайди, айримлари бекор бўлади.

Вафот этган шахснинг ҳаётлигида бошқа шахсга ўтиши мумкин бўлган унинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари мерос тариқасида ворисларга ўтади.

Шундай қилиб, шахснинг ҳаётлигида бошқа шахсларга ўтиши мумкин бўлган унинг ҳар қандай ҳуқуқ ва мажбуриятлари мерос ҳисобланади ва ворислик ҳуқуқи асосида меросхўрларга ўтади.

Аниқроқ қилиб айтганда, вафот этган шахсга тегишли бўлган мулк - уй-жой, автомашина ва бошқа мол-мулклар эмас, балки шу мол-мулкка нисбатан бўлган мулк ҳуқуқи мерос тариқасида ўтади.

Вафот этганнинг шахси билан боғлиқ бўлган ҳуқуқ ва мажбуриятлар мерос сифатида бошқаларга ўтмайди. Масалан, ижтимоий таъминот ва меҳнат қонунлари асосида шахснинг оладиган нафақа, пенсия ва бошқа тўловларига бўлган ҳуқуқлари, фуқаролик ҳуқуқи нормалари билан тартибга солинадиган муносабатларда вужудга келадиган шахсий номулкий ҳуқуқ ва мажбуриятлари.

Ҳар бир шахс ўз мулкнинг вафот этганидан сўнги тақдирини олдиндан, ҳаётлигида белгилаб қўйиши мумкин.

Демак, мерос деганда, вафот этган шахснинг мол-мулки, мулкка бўлган ҳуқуқи, бошқалардан талаб қилиш ҳуқуқи, бошқалар олдидаги мажбуриятлари ва қарзларини тушуниш керак.

Шундай қилиб, мерос-бу фуқароларнинг ҳаётлигида бошқа шахсларга ўтиши мумкин бўлган унинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари йиғиндисидан иборат.

Мерос ҳуқуқи, фуқароларнинг хусусий мулк ҳуқуқи билан чамбарчас боғланган ва фуқаролик ҳуқуқ тармоғининг ҳуқуқ тармоқчаларидан ҳисобланади. Мулк муносабатлари каби мерос ва ворислик муносабатлари ҳам фуқаролик ҳуқуқи нормалари билан тартибга солинади[251].

Мерос ҳуқуқи - бу фуқаронинг вафоти муносабати билан унинг мулкӣ, мулк билан боғлиқ бўлган шахсий-номулкий ҳуқуқ ва мажбуриятларининг бевосита қабул қилиб олишни амалга ошириш учун зарур бўлган ҳуқуқӣ нормалар йиғиндисидан иборатдир.

Мерос ҳуқуқи фуқароларнинг мулкӣ ҳуқуқлари ва манфаатларини кўриқлаш билан боғланган бўлиб, уларнинг ўз мулкига нисбатан тасарруф этиш ҳуқуқини ҳеч қандай тўсиқсиз, нафақат ҳаётлигида, шунингдек, вафот этгандан сўнг ҳам амалга оширилишини таъминлайди.

Хусусий мулк эгаси ўзи вафотидан кейин мулкнинг кимга ўтиши масаласини мерос ҳуқуқи асосида ҳаётлигида аниқлаб қўяди. Шу билан у хусусий мулк ҳуқуқининг мавқеини мустаҳкамлайди, мулкнинг кўпайиши ва ривожланишини таъминлаш йўли билан меросхўрларнинг ҳам яхши яшаш ва ҳаёт кечириш шароитларини яхшилашга кўмаклашади.

Шундай қилиб, мерос ҳуқуқи меросга оид барча муносабатларни тартибга солишга қаратилган ҳуқуқий нормалар йиғиндисидан иборат.

Мерос ҳуқуқининг асосий ўзига хос белгилари қуйидагилардан иборат:

- 1) мерос ҳуқуқи фуқароларнинг хусусий мулки ва мулкӣ ҳуқуқ ҳамда мажбуриятларини ҳимоя қилиш, уни мустаҳкамлаш воситаси ҳисобланади;
- 2) мерос қолдирувчи ўзининг хусусий мулк ҳуқуқини вафотидан кейин ҳам сақланиши, кўпайиши, ривож топиши билан оилавий ва қариндошлик ришталарини мустаҳкамлашдаги омилларини ҳисобга олган ҳолда, меросни кимга ўтишига бефарқ қарай олмайди.
- 3) қонунда белгилаб қўйилган меросхўрлар бўлиб, асосан мерос қолдирувчининг қариндошлик муносабати билан боғланган шахслар, унинг оила аъзолари ва қарамоғидаги меҳнатга қобилиятсиз, ёрдамга муҳтож шахслар ҳисобланадилар;
- 4) мерос мулкдан олинадиган ҳисса эркаклар учун ҳам, аёллар учун ҳам, қайд қилинган никоҳдан туғилган болалар учун ҳам, қонун билан белгиланган тартибда оталиги аниқланган болалар учун ҳам, фарзандликка олинганлар учун ҳам, баробардир;
- 5) васият бўйича меросхўрлар доирасини белгилаш мерос қолдирувчининг мутлақ ҳуқуқи бўлиб, у нафақат жисмоний шахслардан, шунингдек, юридик шахслардан ҳам иборат бўлиши мумкин;
- 6) қонун бўйича ҳам, васият бўйича ҳам ворислик амалга оширилмаган ҳолларда мерос мулк тақдири суднинг қарори билан ҳал қилинади.

Шундай қилиб, мерос ҳуқуқи фуқаролик ҳуқуқининг ажралмас ва яқунловчи қисми ҳисобланиб, фуқароларнинг хусусий мулк ҳуқуқи билан чамбарчас боғланган.

Фуқаролик қонунчилигида мерос ҳуқуқи, ворислик асослари, мерос таркиби, мероснинг очилиши, меросхўрлар тизими ва нолойиқ меросхўрларни меросдан четлатиш асослари, васият бўйича ворисларнинг умумий қоидалири, меросдан мажбурий ҳисса олиш ҳуқуқни, меросни муҳофаза қилиш, уни бошқариш, меросни эгаллашнинг умумий қоидалари, меросга бўлган ҳуқуқни тасдиқлаш, меросни тақсимлаш, меросдан воз кечиш ҳуқуқлари, ҳозир бўлмаган ворисларнинг ҳуқуқлари, мерос-мулкка нисбатан имтиёзли ҳуқуққа эга бўлган шахслар, мерос мулкдан қилинадиган

харажатлар, эгасиз қолган мерос мулкининг тақдирини белгилаш ва бошқа меросга оид ҳуқуқий нормалар йиғиндисидан иборатдир.

Ворислик ҳуқуқи тушунчаси. Ворис деганда, қонунда белгилаб қўйилган мерос қолдирувчининг қариндошлик муносабатлари билан боғланган авлод ва аждодлари, унинг қарамоғида бўлган меҳнатга қобилиятсиз боқимлари (қонун бўйича ворислар), шунингдек, қонунда белгиланган тартибда ва шартларга риоя қилиб, мерос қолдирувчи томонидан тайинланган, унинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари олингач, мероснинг ўтиши лозим бўлган, муомала лаёқатига эга бўлган шахслар (васият бўйича ворислар) тушунилади.

Ворислик ҳуқуқи, қонунда белгиланган ёки мерос қолдирувчи томонидан васиятномада кўрсатилган тартибда ва шартларга асосан унга тегишли бўлган мулк ва мулкый ҳуқуқ ҳамда мажбуриятларни меросхўрларга ўтиш тартибини белгилайди.

Фуқаролик қонунда ворислик деб, марҳум фуқаро мулкининг қонунларда белгиларган тартибда бир ёки бир неча шахсларга (ворисларга) ўтишига айтилади.

Ворислик ҳуқуқи деб, фуқаронинг вафот этганидан сўнг мулкининг бошқа шахсларга (ворисларга) ўтказилишида вужудга келадиган муносабатларнинг тартибга соладиган ҳуқуқий нормалар йиғиндисига айтилади.

Ворислик- бу ижтимоий муносабатларнинг алоҳида бир тури ҳисобланиб, мол-мулкни ёки мулкка бўлган ҳуқуқ ва мажбуриятларни бир шахсдан (мерос қолдирувчидан) иккинчи шахсга (меросхўрларга) ўтиши билан боғлиқ. Шунинг учун ҳам у ҳаммадан аввал, иқтисодий ҳодиса сифатида ва вафот этган шахснинг мулкни, мулкый ҳуқуқ ва мажбуриятларини бошқа шахсларга ўтиш тартибини белгилайди.

Бундан ташқари, қонун бўйича ворислик: Биринчидан, васиятнома қисман ёки бутунлай ҳақиқий эмас деб топилган ҳолларда; иккинчидан, мерос мулкининг ҳаммаси васият қилинмасдан қолган тақдирда, васият қилинмаган қисмига; учинчидан васият бўйича меросхўр мерос очилгандан кейин меросни қабул қилиб олмасдан вафот этган бўлса; тўртинчидан, васият бўйича меросхўр меросни олишдан бош тортган ёки ундан воз кечган ҳолларда вужудга келади.

Қонун бўйича меросхўр мерос қолдирувчи билан қон-қариндошлик ришталари билан боғланган унинг аждодлари ва авлодлари, оила аъзолари, меҳнатга лаёқатсиз, унинг қарамоғида бўлган, оила аъзоси бўлмаган шахслар бўлишлари мумкин.

Демак, қонун бўйича меросхўр бўлиш учун нафақат мерос қолдирувчининг расман қон-қариндошлари бўлиши, шунингдек, амалда ҳаётда ҳам яқин кишилари бўлиши мумкин.

Қонун бўйича ворислик муносабати билан мерос қолдирувчининг ҳуқуқ ва мажбуриятлари ўтиш тартиби ва шартлари қонунда белгилаб қўйилган бўлади. Мерос мулк қонунда белгиланган тартибда, миқдорда ва тартибда меросхўрлар ўртасида тақсимланади. Қонунда белгиланмаган

шахсларга ёки белгиланган тартибни бузиб, мерос мулкни яқин қариндошларига ёки бошқа яқин кишиларига, мерос қолдирувчининг қарамоғида бўлмаган шахсларга бериш мумкин эмас.

Қонун бўйича ворислик ҳуқуқи мерос қолдирувчининг вафоти ёки унинг суд қарори билан вафот этган деб эълон қилиниши билан бирданига ва тўлиғича меросхўрларга ўтади.

Васият бўйича ворислик мерос қолдирувчининг эрки билан вужудга келади. Мерос қолдирувчининг ҳуқуқ ва мажбуриятларини меросхўрлар ўртасида тақсимлаш, мерос қолдирувчининг эрки билан амалга оширилади.

Меросдан четлаштириш ёки мерос олишдан маҳрум қилиш фақат қонунда белгиланган асосларда ва тартибда суд томонидан ҳал қилинади.

Ворислик асослари қонун бўйича ворисликда ҳам, васият бўйича ворисликда ҳам келишув мавзуси бўлиши мумкин эмас. Аммо ҳаётда ва ҳатто, суд амалиётида ҳам бундай келишувлар учраб туради. Масалан, нотариал тартибда тасдиқланган васиятномага асосан фуқаро Сотиболдиев ўзига тегишли бўлган уй-жойни ва жамғарма банкида сақланаётган омонат маблағни набираси Баҳодиржонга васият қилиб қолдирган. Сотиболдиев вафотидан сўнг унинг вояга етган болалари судга мурожаат қилиб мерос қолдирувчи оғир касаллиги сабабли васиятномага имзо қилиш имконияти бўлмаган, васиятнома қалбаки-лаштирилган деган асосда уни ҳақиқий эмас деб топишни сўраганлар, аризани кўрган туман суди иш юритишни бекор қилиб, тарафларнинг мерос мулкни тақсимлаш ҳақидаги ўзаро келишувини тасдиқлаш тўғрисида ажрим чиқарган.

Вилоят судининг раёсати вилоят прокурорининг назорат тартибида берган протестини рад қилиб, туман суди ажримини кучда қолдирган. Республика Бош прокурори ўринбосарининг протести билан Олий суднинг фуқаролик ишлари бўйича суд ҳайъати туман судининг ажрими ва вилоят судининг қарорини бекор қилиб, ишни қайтадан кўришга юборган. Олий суд ҳайъати қарорида, иш бўйича васиятноманинг ҳақиқий ёки ҳақиқий эмаслигини аниқламасдан туриб, масалани ҳал қилиш мумкин эмаслигини ва бу масалада, васият бўйича ҳамда, шунингдек, қонун бўйича ворисликда ворислик асослари келишув мавзуси бўлиши мумкин эмаслигини кўрсатган.

2. Мерос очилиш тартиби, меросхўрлар. Меросни эгаллаш.

Мероснинг очилиш вақти ва жойи. Қонун ворислик ҳуқуқий муносабатларининг келиб чиқишини очилиши билан боғлайди. Ворислик ҳуқуқи асосида мерос мулкни қабул қилиб олиш мероснинг очилиши муносабати билангина амалга оширилади. Шунинг учун ҳам мероснинг очилиш жойи ва вақти муҳим ва зарур аҳамият касб этади.

Ворислик ҳуқуқининг вужудга келиши муайян бир ходисанинг содир бўлиши билан боғлиқ. Бундай ходиса биринчидан, фуқаронинг вафот этиши, ёки, иккинчидан, фуқаронинг суд қарори билан вафот этган деб эълон қилиниши ҳисобланади.

Мероснинг очилиши маълум бир вақтда вужудга келади. Мероснинг очилиши деганда, мерос ва ворислик ҳуқуқининг пайдо бўлишини белгилаб берувчи юридик фактнинг юзага келиши тушунилади.

Мероснинг очилиш вақтини тўғри аниқлаш меросга оид ҳуқуқий муносабатларни амалга ошириш ғайриқонуний ҳаракатларининг олдини олишга имкон беради.

Мероснинг очилиш вақтини тўғри аниқлаш биринчидан, мерос тариқасида ўтадиган қолдирувчинин ҳуқуқ ва мажбуриятларининг таркибини белгилаш; иккинчидан, меросхўрлар доирасини аниқлаш; учинчидан, қонун бўйича ҳамда васият бўйича белгиланган мерос мулкани қабул қилиб олиш ёки ундан воз кечиш; тўртинчидан, меросга бўлган ҳуқуқ тўғрисида гувоҳнома бериш ва кредитларнинг даъво қўзғатиши учун муддатни белгилаш ва бошқа меросга оид ҳуқуқий муносабатларни амалга ошириш билан бевосита боғлиқдир.

ФКнинг 1116-моддасига асосан, мерос қолдирувчининг вафот этган куни (зарур бўлганда пайти ҳам), мерос очилган вақт деб саналади. Фуқаро вафот этган деб эълон қилинган ҳолларда, агар суднинг қарорида бошқача муддат кўрсатилган бўлмаса, вафот этган деб эълон қилиш тўғрисидаги ҳал қилув қарори қонуний кучга кирадиган кун мерос очилган вақт ҳисобланади.

Фуқаронинг ўлими факти фуқаролик ҳамда далолатномаларни қайд қилиш идоралари томонидан берилган фуқаронинг вафот этгани тўғрисидаги гувоҳнома билан тасдиқланади.

Ҳар хил бахтсиз ҳодисалар оқибатида бедарак йўқолган шахсларнинг вафот этган кунини аниқлашда, суд шу бахтсиз ҳодиса рўй берган вақтни фуқаролик вафот этган кун деб ҳал қилув қарорида кўрсатиши мумкин. Бундай ҳолларда суд қарорида кўрсатилган кун мероснинг очилган вақти ҳисобланади. ФКнинг 36-моддасига асосан, агар фуқаронинг қаерда турганлиги ҳақида унинг доимий яшаш жойида 3 йил мобайнида маълумот бўлмаса, башарти у ўлим хавф солиб турган ёки муайян бахтсиз ҳодисадан ҳалок бўлган деб тахмин қилиш учун асос бўладиган вазиятларда бедарак йўқолган бўлиб, унинг қаердалиги ҳақида 6 ой мобайнида маълумотлар бўлмаса, манфаатдор шахсларни аризасига мувофиқ суд уни вафот этган деб эълон қилиши мумкин.

Фуқаронинг вафот этганлигини расмийлаштирилганда мерос қолдирувчининг вафот этган пайти, яъни соати ҳисобга олинмайди. Аммо бирининг вафотидан кейин бошқаси мерос олишга ҳақли бўлган шахсларнинг бир вақтда вафот этганларида уларнинг қайси бири олдин ва қайси бири кейин вафот этганлигини аниқлаш талаб қилинса, қонун бир календарь сутка (йигирма тўрт соат) ичида вафот этганларни бир вақтда вафот этган деб ҳисоблайди ва мерос уларниг ҳар биридан кейин очилади. Бундай ҳолда улардан ҳар бирининг меросхўри алоҳида ворисликка чақириладилар. Вафот этганларнинг бир-бирларидан мерос олиш ҳуқуқи пайдо бўлмайди.

Никоҳ муносабатлари ёки қон-қариндошлик туфайли бир-бирлари билан боғланган шахсларнинг бир вақтда вафот этганда, уларнинг ҳар

бирининг ворислари мустақил равишда ворисликка чақириладилар. Масалан, автоавария оқибатида эр ва хотин бир пайтда ҳалок бўлдилар. Эрнинг олдинги хотинидан бир боласи ва хотинининг ҳам олдинги эридан бир боласи бўлган.

Нотариус меросни тақсимлаганда, аввало, улардан қолган мол-мулкни Оила кодексининг 23-, 25- ва 27-моддалари, ҳамда никоҳ шартномаларига асосан, уларнинг ҳар бирининг хусусий, шахсий ва биргаликдаги мулкдаги ҳар бирининг ҳиссасини ОКнинг 27- ва 28-моддалари тартибида аниқлаб, меросни адолатли ворислар ўртасида тақсимлаш чораларини кўриши керак. Чунки эр билан хотин ўртасида ворислик ҳуқуқи пайдо бўлмайди. Уларниг ҳар биридан кейин мерос очилгани сабабли, ҳар иккаласининг меросхўрлари ўзларнинг бири отасининг, бири онасининг мерос мулкига ворис бўладилар.

Васиятнома берган шахс билан васиятномага асосан ҳуқуқ олувчи шахс бир вақтнинг ўзида вафот этган тақдирда васият бўйича мерос очилмайди. Мерос мулк қонун бўйича ворисларга ўтади.

Ота-бола «К» ва «Б» бир пайтда автоавария оқибатида ҳалок бўлганликлари сабабли, «Б»нинг боласи, «К»нинг набираси «В» нотариусга мурожаат қилиб, бобоси «К» томонидан отаси «Б» номига васият қилиб қолдирган енгил автомашинани тақдим қилиш ҳуқуқи бўйича унга гувоҳнома беришни сўраган. Нотариус гувоҳнома беришни рад қилиб, ФК.нинг 1116-моддасининг III қисмига асосан биридан кейин бошқаси мерос олишга ҳақли бўлган шахслар бир календарь сутка ичида вафот этган тақдирда, мерос уларнинг ҳар биридан кейин очилиши ва ҳар бирининг меросхўрлари ворисликка алоҳида чақирилишлари, васиятнома берган шахс билан васиятнома бўйича ҳуқуқ олувчи шахс бир вақтнинг ўзида вафот этганлигида, васият бўйича мерос очилмаслиги ва мерос мулки қонун бўйича ворисларга ўтиши ҳақида тушунтирган.

Мерос қолдирувчининг доимий яшаш жойига уй-жой бошқармалари, маҳалла қўмиталари, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари томонидан берилган хужжатларга асосан, уй дафтарида олинган кўчирма ёки паспортдаги белгидан аниқлаш мумкин. Фуқаро «Б» Қорақалпоғистон республикасининг Қўнғирот шаҳрида ўзининг туғишган онаси «Х»нинг уйида яшаб турган пайтда вафот этади. Унинг номига расмийлаштирилган енгил автомашина «Тико» Қўнғирот шаҳар Нотариуси томонидан меросга бўлган ҳуқуқ тўғрисида онаси «Х»га гувоҳнома берилган.

Тошкент шаҳрида доимий яшаб турган «Б»нинг хотини ва ўғли, унинг номидаги уй-жойни ва бошқа мерос мулкларини қонун бўйича ворислик асосида қабул қилиб оладилар ва меросга бўлган ҳуқуқ тўғрисида гувоҳнома беришни сўраб, Тошкент шаҳар Юнусобод тумани нотариусига мурожаат қилдилар. «Б» га тегишли енгил автомашинага Қўнғирот шаҳар нотариуси томонидан меросга бўлган ҳуқуқ тўғрисида гувоҳномани онаси «Х»га берилганидан хабар топиб, судга мурожаат қилиб, гувоҳномани ҳақиқий эмас деб топиш ҳақида даъво қўзғатадилар. Суд даъвони қаноатлантиради ва қаерда вафот этганининг доимий яшаш жойи Тошкент шаҳрида унинг кўчмас

мулки-уй-жойи мавжудлигини кўрсатиб, нотариус томонидан ФКнинг 1117-моддаси талаблари берилганлигини эътироф этади.

Мерос қолдирувчининг охириги доимий турар жойини, унинг кўчмас мулки ёки бошқа мулкларининг турган жойини аниқлаш учун етарли хужжатлар бўлмаса, мерос очилган жой факти манфаатдор шахснинг даъво аризасига асосан суд томонидан белгиланади.

Демак, мероснинг очилиш жойини аниқлаш учун нотариусда етарли хужжатлар бўлмаган тақдирда, мерос очилган жой фактини аниқлаган суднинг қарорини талаб қилишлари керак.

Мерос ҳуқуқининг объектлари

Мерос қолдирувчи ҳаётлигида бошқа шахсларга ўтиши мумкин бўлган унинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари мероснинг объекти бўлади.

Мерос очилган пайтда мерос қолдирувчига тегишли бўлган, унинг вафотидан кейин ҳам бекор бўлмайдиган барча ҳуқуқ ва мажбуриятлар мерос таркибига киради(ФКнинг 1113-моддаси).

«Ҳар бир шахс,-дейилади Ўзбекистон Конституциясининг 36-моддасида,-мулкдор бўлишга ҳақли».

«Қонун билан ман этилган айрим ашёлардан ташқари,-дейилади ФКнинг 209-моддасида,-ҳар қандай мол-мулк хусусий мулк бўлиши мумкин».

Демак, қонун билан ман этилмаган ҳар қандай мол-мулк хусусий мулк объекти бўлиши мумкин ва хусусий мулк бўлган мол-мулкнинг миқдори ва қиймати қонун билан чекланмаган.

Мероснинг объекти актив ва пассив бўлиши мумкин. Вафот этган шахснинг мерос очилган пайтдаги ашёвий ва мажбурият ҳуқуқлари-актив, вафот етганнинг зиммасидаги мажбуриятлар-пассив объектлар бўлиб ҳисобланади.

Актив ҳолатда меросхўр мерос мулкка нисбатан қонуний ҳуқуққа эга бўлиб, тасарруф қилиш ҳуқуқини ҳам қўлга киритади. Пассив ҳолатда эса, ўз устига мажбурият юклайди, яъни мерос қолдирувчининг мажбуриятлари меросхўрлар зиммасига ўтади.

Қонун билан тақиқланмаган фуқаронинг барча мулки ва мулкка бўлган ҳуқуқ ва мажбуриятлари хусусий мулк сифатида мерос ҳуқуқининг объекти бўлиб ҳисобланади.

Мерос қолдирувчига тегишли бўлган хусусий мулк ҳуқуқи (ФК-нинг 207-211- моддалари), кредит муассасаларида сақланаётган омонатларга бўлган ҳуқуқ, шунингдек мулк билан боғлиқ бўлган айрим номулкий ҳуқуқлар ва мажбуриятлар ҳам мерос қолдирувчининг мерос мулки таркибига киради[252].

«Мулкчилик тўғрисида»ги 1990 йил 31 октябрда қабул қилинган қонун[253] «уй-жойлар, дала ҳовлилар, боғ уйлари, ер участкаларидаги доводарахтлар, уй ҳайвонлари, транспорт воситалари, пул маблағлари, уй-рўзғор ва шахсий истеъмол буюмлари, шахсий ёрдамчи хўжаликни юритиш, боғдорчилик, полизчилик учун керакли мол-мулклар, ишлаб чиқарилган

маҳсулотлар, шунингдек истеъмолга мўлжалланган бошқа мол-мулк фуқаролар мулки бўлиши мумкин» дейилган.

ФКнинг 210-моддасига асосан белгиланан тартибда ажратиб берилган ер участкасида қурилган янги уй-жойга мулк ҳуқуқи улар давлат рўйхатидан ўтказилган пайдан бошлаб вужудга келади. Давлатга керакли уй-жой (квартира)га мулк ҳуқуқи қонун ҳужжатларида назарда тутилган хусусийлаштириш тартиби вужудга келади.

Ўзбошимчалик билан қурилган уй-жой ёки бошқа биноларга уни қурган шахс мулк ҳуқуқини ололмайди. Шунинг учун бу шахс қурган иморатни тасарруф этишга- сотиш, ҳада қилиш ёки васият қилишга ҳақли эмас.

ФКнинг 212-моддасига асосан, қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда қурилиш мақсадлари учун ажратилмаган ер участкаларида, шунингдек иморат қуриш учун рухсатнома олмасдан ёки архитектура ва қурилиш қоидаларини ҳамда нормаларини жиддий бузган ҳолда қурилган уй-жой, бошқа бино, иншоот ёки ўзга кўчмас мулк- ўзбошимчалик билан қурилган ҳисобланади.

Ўзбошимчалик билан қурилган уй-жой ва бошқа биноларга мулк ҳуқуқи вужудга келмагани сабабли, мерос ҳуқуқининг объекти бўлолмайди.

ФКнинг 1114-моддасига асосан, умумий биргаликдаги мулк бўлган мол-мулкнинг иштирокчиси фақатгина ўз улушини васият қилиб қолдириши мумкин. Умумий биргаликдаги мулк икки ёки ундан ортиқ шахснинг ихтиёрида бўлган мулк бўлиб, бу мулк уларга умумий мулк ҳуқуқи асосида тегишли бўлади. Бундай мол-мулк мулкдорлардан ҳар бирининг улуши аниқланиб қўйилган, яъни улушли мулк, ёки бундай улушлар аниқланмай, яъни биргаликдаги мулк ҳолида умумий мулк бўлиши мумкин (ФКнинг 216-моддаси.). Масалан, эр ва хотиннинг никоҳ давомида қурилган уй-жойга бўлган ҳуқуқи. Васиятнома эр ёки хотин томонидан биргаликдаги умумий мулк бўлган уй-жой улушига қолдирилганда, агар бу улуш аниқланмаган бўлса, уй-жойнинг тенг ярмига бўлган ҳуқуқ мерос объекти бўлади.

«Нотариат тўғрисидаги Қонун»нинг 62-моддасига асосан, эр-хотиннинг аризасига мувофиқ, улардан бирига ёки ҳар иккаласига никоҳ давомида орттирилган умумий мол-мулкдаги улушга бўлган мулк ҳуқуқи тўғрисида гувоҳнома берилиши мумкин. Бундай ҳолларда гувоҳномада белгилаб берилган мулк мерос ҳуқуқининг объекти таркибига киради.

«Васиятнома ёки қонун бўйича эрга (хотинга) тегишли бўлган ворислик ҳуқуқи,- дейилади ФКнинг 1143-моддасида,- унинг мерос қолдирувчи билан никоҳдаги ҳолатига боғлиқ бошқа мулк ҳуқуқларига, шу жумладан, никоҳда бўлиб, биргаликда орттирилган мол-мулкнинг муайян қисмига нисбатан бўлган мулк ҳуқуқига даҳл қилмайди ».

ФКнинг 1115-моддасига асосан, деҳқон (фермер) хўжалигининг ер участкаси мерос қилиб қолдириш ҳуқуқи билан эгалик қилиб олинган бўлса, бундан участкаларга умрбод эгалик қилиш ҳуқуқи мерос ҳуқуқининг объекти бўлади.

Мерос қолдирувчининг шахси билан боғлиқ қуйидаги ҳуқуқ ва мажбуриятлар мерос мулк таркибига кирмайди ва мерос ҳуқуқининг объекти бўлмайди.

Юридик шахс ҳисобланган ҳар қандай тижорат ташкилотлари, кооператив ва бошқа жамоат ташкилотларига ва бирлашмаларига бўлган аъзолик ҳуқуқи ҳамда улар фаолиятида иштирок этиш ҳуқуқлари;

1) бу ташкилотларда мулкдан фойдаланиш ҳуқуқи уларда аъзо бўлиб туриш ҳуқуқидан келиб чиқади, шу туфайли, бу ҳуқуқни на қонун ва на васият бўйича мерос қилиб қолдириб бўлади. Бу ташкилотларнинг фаолиятини тартибга солувчи қонун ҳужжатларида ёки шартнома ва Низомларда бошқача ҳол кўрсатилган бўлса, мерос ҳуқуқи татбиқ қилиниши мумкин;

2) мажбуриятларни ёки шартномаларни бажариш жараёнида мерос қолдирувчининг ҳаёти ва соғлиғига етказилган зарарни қоплаш учун тўланадиган товонни (ФКнинг 1005-моддаси.) ундириш ҳуқуқи ҳам мерос қолдирувчининг шахси билан боғлиқ бўлгани сабабли мерос объекти бўла олмайди. Аммо мерос қолдирувчи ҳаётлигида унга етказилган зарарни қоплаш ҳисобидан олиши лозим бўлган, лекин вафоти муносабати билан ололмай қолган сумма мерос таркибига киради ва у умумий тартибда ворисларга ўтади;

3) алимент мажбурияти туфайли вужудга келган ҳуқуқ ва мажбуриятлар, чунончи, вояга етмаган ёш болаларига таъминот бериш мажбурияти, меҳнатга лаёқатсиз, ёрдамга муҳтож шахсларга таъминот мажбурияти, бошқаларга зарар етказишдан келиб чиқадиган мажбуриятлар, боқувчиси вафот этганлиги муносабати билан етказилган зарарни тўлаш мажбурияти ва бошқа шахсий ҳуқуқ ва мажбуриятлар мерос таркибига кирмайди;

махсус қоидаларга асосан, меҳнат ва ижтимоий таъминот тўғрисидаги қонун ҳужжатлари асосида пенсия, нафақа ва бошқа тўловлар олиш ҳуқуқи ҳамда бошқа мулкӣ ҳуқуқлар билан боғлиқ бўлмаган шахсий номулкий ҳуқуқлар мерос объекти бўлмайди ва улар мерос таркибига кирмайди. Булар қуйидагилар:

а) ижтимоий таъминот йўли билан ногиронларга текинга берилган енгил автомашиналарнинг айнан ўзига бўлган ҳуқуқ мерос объекти бўлмайди ва мерос мулк сифатида меросхўрларга ўтмайди; имтиёзли ҳуқуқдан фойдаланиб, қийматининг бир қисми тўлаб олинган енгил автомобиль тасарруфида бўлган шахс вафот этганда, ижтимоий таъминот органлари томонидан бу мулк сотилиб, мерос қолдирувчига тегишли суммаси унинг меросхўрларига берилади; меросхўр тегишли суммани тўлаб, бу мулкни ўзига қолдириши ҳам мумкин.

б) меҳнат қонунлари асосида вақтинча меҳнат қобилиятини йўқотгани учун нафақа олиш ҳуқуқи ёки ногиронлик учун пенсия олиш ҳуқуқи, ҳомиладорлик ва қарамоғида бўлган ёш болалари учун олинадиган бошқа ҳар қандай нафақаларга бўлган ҳуқуқ, агар у мерос қолдирувчининг шахси билан боғлиқ бўлса, мерос таркибига кирмайди ва ҳоказолар.

Мерос ҳуқуқининг субъектлари

1. Қонун бўйича меросхўрлар доираси. Мерос қолдирувчининг қонунда белгилаб қўйилган қариндошлари бўлган ва унинг мулкӣ ҳуқуқ ва мажбуриятларини ўз зиммаларига қабул қилиб олувчи шахслар қонун бўйича меросхўрлар ҳисобланадилар. Меросхўрлар доираси мерос очилгандан сўнг аниқланади, чунки меросхўр бўлиш учун қонунда белгилаб қўйилган шахслар мерос очилган пайтда, албатта, ҳаёт бўлишлари керак.

Қонун бўйича меросхўрлар доирасига мерос қолдирувчи билан қариндошлик ришталари орқали боғланган қуйидаги шахслар киришлари мумкин:

Биринчидан, тўғри чизик бўйича юқорига қараб туташган мерос қолдирувчининг авлод-аждодлари: ота-онаси, бобо-бувиси ва хоказолар;

Иккинчидан, тўғри чизик бўйича пастга туташган мерос қолдирувчининг авлодлари-унинг фарзандлари, шу жумладан фарзандликка олинганлар ва уларнинг авлодлари (набира, чевара, эвара ва хоказолар);

Учинчидан, ён чизик бўйича қариндошлиги бўлган шахслар, яъни мерос қолдирувчининг ака-укалари, опа-сингиллари, тоға-амаки, амма-холалари ва уларнинг авлодлари;

Ундан ташқари, мерос қолдирувчи боқимида бўлган меҳнатга қобилиятсиз шахслар ҳам қонун бўйича меросхўрлар доирасига кирадилар.

ФКнинг 1118-моддасига асосан қонун бўйича меросхўрлар доирасига мерос қолдирувчи вафот этган пайтда, яъни мероснинг очилиш пайтида ҳаёт бўлган унинг қариндошлари ҳамда қонунда белгилаб қўйилган бошқа шахслар кирадилар.

Шунинг билан бирга, мерос қолдирувчи ҳаётлигида ҳомила ҳолида бўлган ва мерос очилганидан кейин уч юз кун ўтмасдан тирик туғилган болалари қонун бўйича меросхўр бўлишлари мумкин.

Қонун бўйича меросхўрлар доираси ФКнинг 1135-1141-моддаларида белгилаб қўйилган тартибда навбатлар билан ворисликка чақирилиш орқали амалга оширилади.

Оила қонунларига асосан, фарзандликка олинганлар ва уларнинг авлодлари фарзандликка олган шахсларга ва уларнинг қариндошларига нисбатан, фарзандликка бола олган шахслар ва уларнинг қариндошлари эса-фарзандликка олинганлар ва уларнинг авлодларига нисбатан шахсий ва мулкӣ ҳуқуқ ҳамда мажбуриятлар жиҳатидан қариндошларга тенглаштирилади.

Бола, набира, чевара ва эвараларнинг меросхўрлигида тақдим қилиш ҳуқуқи қариндошлик даражаси чекланмаган ҳолда амал қилади. Ён қариндошлик бўйича меросхўрликка тақдим қилиш ҳуқуқига мерос қолдирувчининг туғишган ака-ука, опа-сингиллари номидан уларнинг болалари, яъни мерос қолдирувчининг жиянлари ёхуд мерос қолдирувчининг туғишган амакиси(тоғаси) ёки аммаси (холаси) номидан уларнинг болалари, яъни мерос қолдирувчининг амакиваччалари (тоғаваччалари) ва аммаваччалари (холаваччалари) эга бўладилар.

ФКнинг 208-моддасида хусусий мулк ҳуқуқининг субъектлари белгиланган. Улар мерос ҳуқуқининг ҳам субъектлари бўла оладилар.

Хусусий мулк ҳуқуқининг субъектлари бўлиб, фуқаролар, хўжалик ширкатлари ва жамиятлари, кооперативлар, жамоат бирлашмалари, ижтимоий фондлар ва давлатга қарашли бўлмаган бошқа юридик шахслар ҳисобланадилар.

Фуқаролар кўрсатилган юридик шахслар таркибидаги умумий мулклардан ўз улушларига нисбатан хусусий мулк ҳуқуқига эга бўладилар ва фақат уларгина мерос ҳуқуқининг субъектлари бўла оладилар.

2. Васият бўйича меросхўрлар доираси. Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг 18-моддасига асосан, фуқаролар мулк ҳуқуқи асосида мол-мулкка эга бўлишлари, мол-мулкни мерос қилиб олишлари ва васият қилиб қолдиришлари мумкин.

Демак, ҳар бир фуқаро ўзига тегишли бўлган хусусий мулкни, мулкка бўлган ҳуқуқ ва мажбуриятларини хоҳлаган жисмоний ва юридик шахсларга мерос ҳуқуқи асосида васият қилиб қолдиришга ҳақли.

Нолойиқ меросхўрларни меросдан четлаштириш

Хусусий мулк эгасини ҳеч ким ва ҳеч қандай ҳолатда ғайриқонуний тарзда мулк ҳуқуқидан маҳрум қилишга ёки мулкдорнинг ўз мулкига нисбатан ўз эрки ва иродаси билан ёндашишга, уни тасарруф этишга тўсқинлик қилишга ҳақли эмас.

Қонун мерос қолдирувчига ворисларни меросдан четлатиш ҳуқуқини беради.

ФКнинг 1120-моддаси 4-қисмига асосан, васият қолдирувчи қонун бўйича меросхўрлардан биттасини, бир нечасини ёки ҳаммасини, изоҳ бермасдан, меросдан маҳрум этишга, агар васиятномадан бошқа ҳол келиб чиқмаса, бу васият қолдирувчининг тақдим этиш ҳуқуқи бўйича ворислик қиладиган авлодларига нисбатан татбиқ этилмайди.

Шунингдек, меросга бўлган ҳуқуқдан маҳрум қилиш тўғрисидаги мерос қолдирувчининг васиятномада берган фармойиши мажбурий ҳисса олиш ҳуқуқига эга бўлган меросхўрларнинг мажбурий ҳисса олиш ҳуқуқига ҳам таъсир этмайди, яъни васиятномада кўрсатилган меросхўрни меросдан четлатиш, унга тегадиган мероснинг мажбурий улушдан ортиқча қисмига нисбатангина ҳақиқий ҳисобланади. «Меросдан мажбурий улуш олиш ҳуқуқига эга бўлган меросхўрлар учун, - дейилади ФКнинг 1142-моддасининг III қисмида, - васиятномада белгиланган ҳар қандай чеклашлар ва шартлар унга тегадиган мероснинг мажбурий улушдан ортиқча қисмига нисбатангина ҳақиқийдир».

Мажбурий улуш олиши лозим бўлган меросхўрларнинг доираси ва улуши қонунда белгилаб қўйилган. (ФКнинг 1142-моддаси I қисми). Уларни мерос ҳиссаларидан маҳрум қилишга йўл қўйилмайди.

Меросхўрларни меросдан четлатиш асослари ФКнинг 1119-моддасида белгилаб қўйилган. Бу асослар қуйидагилардан иборат:

1. Мерос қолдирувчини ёки эҳтимол тутилган меросхўрлардан бирортасини қасддан ўлдирган ёки уларнинг ҳаётига суиқасд қилган шахслар васият бўйича ҳам, қонун бўйича ҳам мерос олиш ҳуқуқига эга бўлмайдилар.

Демак, меросхўрни мерос олиш ҳуқуқидан маҳрум қилиш учун, унинг содир қилган ғайриқонуний ҳаракати, биринчидан, мерос қолдирувчига ёки эҳтимол тутилган меросхўрлардан бирортасига қарши қаратилган бўлиши; иккинчидан, ғайриқонуний ҳаракат қасддан қилинган бўлиши; учинчидан, ғайриқонуний ҳаракат оқибатида мерос қолдирувчини ёки меросхўрлардан бирортасини ҳаётдан маҳрум қилишнинг ўзи мерос олиш ёки унга тегишли бўлган мерос мулкдан ўз ҳиссасини кўпайтиришга эришиш мақсадида бўлган-бўлмаганидан қатъи назар, аммо унинг мерос олишига имконият туғдирганининг ўзи меросдан четлатиш учун асос бўлади. Масалан, туман судининг ҳукми билан «Б» га ўз эгаси «М»ни қасддан ўлдиргани учун қамок жазоси берилган. «М» вафот этишидан олдин ўғли «Б»га ўзининг «Нексия» енгил машинасини васият қилиб қўйган бўлади. «Б»нинг ўғли «М» набираси «С» отасининг ишончномаси билан нотариусга мурожаат қилиб, «Нексия» машинасини олиш учун меросга бўлган ҳуқуқ тўғрисида гувоҳнома беришни сўрайди. Нотариус ФКнинг 1119-моддасининг биринчи қисмига асосан талабни рад қилади. «С» туман судига ариза билан мурожаат қилиб, нотариуснинг меросга бўлган ҳуқуқ гувоҳномасини беришни рад қилган қарорини бекор қилиб, «Б»нинг «Нексия» машинага бўлган васият бўйича ворислик ҳуқуқини тиклаб беришни сўрайди. Суднинг ҳал қилув қарори билан «С»нинг аризаси қаноатлатирилмасдан қолдирилган. Суд қарорида, «Б» отаси «М»ни, яъни мерос қолдирувчини, қасддан ўлдирганлиги туман судининг қонуний кучга кирган ҳукми билан ўз тасдиғини топганлигини кўрсатиб, нотариуснинг васият бўйича «Б» номига «М» томонидан қолдирилган «Нексия» автомашинасига меросга бўлган ҳуқуқ тўғрисида гувоҳнома беришни рад қилиб чиқарган қарори ФКнинг 1119-моддасининг 1-қисми талаблари асосида қонуний эканлигини тасдиқлаб қасддан ўлдиришнинг ўзи уни васият бўйича меросхўр бўлишдан четлатиш учун асос бўлишини кўрсатган.

Мол-мулкни васият қилиб қолдириш мерос қолдирувчининг мутлақ ҳуқуқи, эрки ва хоҳиш-иродаси бўлгани сабабли, унинг ҳаётига суиқасд қилингандан кейин, ўша шахс номига расмийлаштирилган васиятнома, агар уни бекор қилиш учун кейинчалик ҳаракат қилинган бўлмаса, ҳақиқий ҳисобланади. Масалан, «Б» эри «К» вафотидан кейин судга мурожаат қилиб эрининг аввалги хотинидан ўлган ўғли «Ш» эрининг ҳаётига бир неча маротаба суиқасд қилганлиги, уни ўлдирмоқчи бўлганлиги, аммо эри ўзининг хусусий уй-жойини унга васият қилиб қолдирганини кўрсатиб «Ш»ни меросдан четлатишни сўраган. Суиқасд қилинганини тасдиқлаш учун гувоҳликка қўшниларни кўрсатган. Туман суди ишни атрофлича текширганда васиятномани унинг ҳаётига суиқасд қилинганидан кейин тузилганлигини тасдиқлаб, ФКнинг 1119-модда 1-қисмига асосан «Б»нинг даъво аризаси рад этилган.

Демак, меросдан четлаштириш учун мерос қолдирувчи ҳаётига ёки эҳтимол тутилган меросхўрлардан бирортасининг ҳаётига нисбатан қилинган ғайриқонуний ҳаракат қасддан қилинган бўлиши шарт. Эҳтиётсизлик билан қилинган ҳаракат ёки ҳаракатсизлик эса, бундай меросхўрларни меросдан четлаштириш учун асос бўлмайди.

2. Мерос қолдирувчининг сўнгги хоҳиш-иродаси амалга оширилишига қасддан тўсқинлик қилган ва шу орқали ўзларининг ёки ўзларига яқин шахсларнинг ворисликка чақирилишига ёхуд мероснинг ўзларига ёки ўзларига яқин шахсларга тегишли улуши кўпайишига имкон яратиб берган шахслар васият бўйича ҳам, қонун бўйича ҳам мерос олиш ҳуқуқига эга бўлмайдилар.

Мерос қолдирувчининг энг сўнгги хоҳиш-иродаси васиятномада белгилаб қўйилган бўлиши мумкин ёки васиятнома тузиш олдидан изҳор қилинган бўлиши мумкин.

Мерос қолдирувчининг сўнгги хоҳиш-иродаси амалга оширилишига тўсқинлик қилиш ҳаракати; биринчидан, қасддан қилинган бўлиши, иккинчидан, бу ҳаракат оқибатида ўзларининг ёки ўзларига яқин кишиларнинг ворисликка чақирилишига шароит туғдирган бўлиши, учинчидан, бу ҳаракат билан мерос мулкнинг ўзларига ёки ўзларига яқин шахсларга тегишли улушининг кўпайишига имкон яратиб берган тақдирдагина бундай шахсларни меросдан четлаштириш учун асос бўлади.

Мерос қолдирувчининг сўнгги хоҳиш-иродасини амалга оширишга тўсқинлик қилиш ҳар хил йўллар билан бажарилиши мумкин. Масалан, сохта васиятнома тузиш йўли билан, васиятномани ўз манфаатига мос тузишга мажбурлаш йўли билан, меросхўрлардан бирортасини меросдан воз кечишга мажбурлаш ва бошқа йўллар билан мерос қолдирувчининг сўнгги хоҳиш-иродаси бажарилмасдан қолишига эришиш мумкин.

3. Болаларига нисбатан ота-оналик ҳуқуқидан маҳрум этилган шахслар ҳамда қонунда назарда тутилган асосларда мерос қолдирувчига таъминот бериш мажбурияти зиммаларига юклатилган шахслар ўз мажбуриятларини бажаришдан бош тортган тақдирда қонун бўйича ворис бўлиш ҳуқуқига эга эмаслар.

Ота-оналик ҳуқуқидан маҳрум қилинган, аммо мерос очилган пайтда ота-оналик ҳуқуқи тикланган ҳолларда улар меросдан четлаштирилмасликлари мумкин.

Ота-оналик ҳуқуқидан маҳрум қилиш (Оила кодексининг 79-моддаси) ва бу ҳуқуқни тиклаш (оила кодексининг 82-моддаси) Ўзбекистон Республикасининг оила кодекси қоидаларига асосан амалга оширилган бўлиши керак.

«Б» судга мурожаат қилиб, Эри «С» вафот этганини ва у ҳаётлигида қарилги туфайли ёрдамга муҳтож бўлиб, ўғли «В» томонидан ихтиёрий таъминот бермаганлиги сабабли, суд қарори билан таъминот олиб турганлигини ва уни мунтазам бермай келганлигини кўрсатиб, ўғли «В» ни мерос олишдан четлаштиришни сўраган.

Туман суди ишни мазмунан кўриб аниқланишича «С» ҳаётлик даврида бир неча мартаба суд ижросига мурожаат қилиб, суд ҳал қилув қарорини мажбурий бажарилишини таъминлашни сўраганлиги, милиция ва прокуратура органларига мурожаат қилиб, ўғли «В» суд қарорини бажаришдан мунтазам равишда бўйин товлаб келаётганлигини ва унга нисбатан чора кўришни сўраганлиги тасдиқланган.

Туман суди ФКнинг 1119-моддасининг 3-қисмига асосан «В»ни мерос олишдан четлатиш ҳақида ҳал қилув қарори чиқарди. «В»нинг даъво аризаси қаноатлантирилди.

Нолойиқ меросхўрлар деб топиш учун ва ворисни меросдан четлатиш учун етарли далиллар тўпланиб, қонун билан зиммасига юклатилган моддий ёрдам бериш мажбуриятини бажаришдан бўйин товлаганлиги тасдиқланиши керак.

Бу далиллар қуйидагилар бўлиши мумкин:

а) жиной тартибда жавобгарликка тортишга асос бўлган ҳаракатларни содир қилган шахсларга нисбатан суднинг қонуний кучга кирган ҳукми, ажрими ёки қарори;

б) ота-оналик ҳуқуқидан маҳрум қилинганлик ҳақидаги суднинг қонуний кучга кирган ва амал қилиб турган ҳал қилув қарори, ажрими ёки қарори;

в) мерос қолдирувчига таъминот беришдан бош тортган ёки зиммасига юклатилган таъминот бериш мажбуриятини бажаришдан бўйин товлаган шахсларга нисбатан суднинг ҳукми, қарори ёки ажрими, шунингдек, қидирув эълон қилинганлиги ҳақидаги ҳужжатлар;

г) ижро варақа бўйича суд ижросининг, ариза, шикоят ва хабарлар бўйича милиция ва прокуратура органларининг текшириш ҳужжатлари ва ҳоказо бошқа далиллар.

Юқорида кўрсатилган асосларда меросдан ворисни четлаштириш васият мажбуриятига нисбатан ҳам, мажбурий ҳисса олиш ҳуқуқига эга бўлган меросхўрларга ҳам тааллуқлидир.

Шундай қилиб, ота-оналик ҳуқуқидан маҳрум қилинганлик ёки қонунга асосан таъминот бериш мажбурияти зиммасига юклатилган шахсларни ўз мажбуриятларини бажаришдан бўйин товлаганлик учун мерос олишдан четлаштириш фақатгина қонун бўйича ворисликни амалга оширишда татбиқ этилади. Бу асослар васият бўйича ворисликни амалга оширишга тўсқинлик қилмайди.

3-савол. ВАСИЯТ БЎЙИЧА ВОРИСЛИК

«Мулқдор, - дейилади Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 54-моддасида, мулкига ўз хоҳишига эгаликқилади, ундан фойдаланади ва уни тасарруф этади».

Мулкдор ўз мулкани тасарруф этишда эркин бўлиб, у «фақат қонунда назарда тутилган ҳолларда ва тартибдагина мулкдан маҳрум этилиши мумкин» (53-модда)

ФКнинг 1120-моддасида «Фуқаронинг ўзига тегишли мол-мўлки ёки бу мол-мулкка нисбатан ҳуқуқни вафот этган тақдирда тасарруф этиш ҳусусидаги хоҳиш-иродаси васият деб эътироф этилади».

Юридик адабиётларда васият тушунчаси ҳуқуқшунос олимлар томонидан ҳар хил таърифланади.

Р.О. Халфинанинг таърифи бўйича, васият-бу шахс вафот этган тақдирда ўз мулкига нисбатан қонунда белгилаб қўйилган шаклда амалга оширилган фармойиш ҳисобланади[255].

М.Ю. Баршевскийнинг фикри бўйича васият-бу мерос қолдирувчи вафотидан сўнг ҳуқуқни олиш тартибини белгиловчи шахсий-расмий характерга эга бўлган бир томонлама битим ҳисобланади[256].

Ф.Сайфуллаевнинг берган таърифи бўйича «васият деб, мерос қолдирувчининг ўзи вафот этгандан кейин мулкнинг барчасини ёки бир қисмини қонун билан белгиланган тартибда ворисларнинг ёки ворислари бўлиб ҳисобланмаган шахсларнинг бири ёки бир нечтасига, давлатга ёки давлат, жамоат ташкилотлари, корхона ёки муассасаларга қолдириш ҳақидаги берган ёзма буйруғига айтилади»[257].

Бу таърифларнинг ҳар бирида бир умумий камчилиги-бу васиятноманинг ўзига хос белгилари тўла равишда кўрсатилмаган.

Ўзбекистон Республикасининг 1996 йил 29 августда қабул қилиниб, ўтган ўн йил давомида ўзининг ҳаётийлигини кўрсатган фуқаролик кодексининг меросга оид ҳуқуқий нормаларини таҳлил этиш натижасида васиятнинг қуйидаги белгиларини эътироф этишлари лозим.:

Биринчидан, васиятнома, ўз-ўзидан маълумки у ёзма шаклда тузилган ҳужжат;

Иккинчидан, ҳужжат албатта васият қолдирувчи томонидан шахсан тузилган бўлиши керак, уни вакил орқали тузилишига йўл қўйилмайди;

Учинчидан, васиятнома қоида тариқасида шахсан ёзилиб имзо қилиниш керак;

Тўртинчидан, васиятнома бир томонлама битим бўлиб, фақат мерос қолдирувчининг эрки билан тузилади, меросхўрнинг эрки билан олинади;

Бешинчидан, мол-мулкни кимга васият қилиш мерос қолдирувчининг мутлақ ҳуқуқи ҳисобланади;

Олтинчидан, васиятномада васият бўйича ҳуқуқ олув олдига фақат қонуний талаб ва шартларни қўйиши мумкин;

Еттинчидан, васиятнома хоҳлаган пайтда ва изох бермай ўзгартириш, бекор қилиш мумкин;

Саккизинчидан, васиятнома, албатта, нотариус ёки бошқа қонун билан ҳуқуқ берилган мансабдор шахслар томонидан гувоҳлантирилиши шарт;

Тўққизинчидан, васиятнома фақат мерос очилгандан кейингина амал қила бошлайди;

Ўнинчидан, васиятнома бўйича ҳуқуқий оқибат-икки томоннинг-васият қолдирувчи ва меросхўрларнинг хоҳиш-иродаси амалга оширилган ҳолда вужудга келади.

Юқоридагиларга асосланиб, қуйидаги таърифни этироф этамиз.

Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси билан берилган ҳуқуққа асосан ҳар бир фуқаро томонидан ўзига тегишли бўлган шахсий ва хусусий мулкни, мулкка бўлган ҳуқуқ ва мажбуриятларини ўзи вафот этганидан сўнг тасарруф этиш шакл ва қоидалари белгилаб берилган хоҳиш-иродасини эркин тарзда ифода этадиган фармойиши васият деб эътироф этилади.

Васиятнома ўзига хос хусусиятларга эга:

Биринчидан, васиятнома васият қолдирувчининг шахси билан бевосита боғлиқ. Васиятнома фуқаронинг шахсий фармойиши ҳисобланиб, шахсан васият қолдирувчи томонидан тузилади. Ишончномага асосан, бошқа шахслар, ҳатто қонуний вакиллар томонидан тузилишига йўл қўйилмайди.

Иккинчидан, васиятнома бир томонлама битим ҳисобланиб, фақат васиятномада кўрсатилган шахс томонидан амалга оширилади.

Учинчидан, ўз эрки билан ўз мулкни васият қилиб қолдириш ҳуқуқи-васият қилиш эркилиги, фақатгина тўла муомала лаёқатига эга бўлган фуқароларга берилади. Муомалага лаёқатсиз топилган шахслар ўзларининг мол-мулкларини васият қилиб қолдиролмайдилар. Васият қолдирувчининг муомала лаёқати васиятнома тузилган вақт билан белгиланади.

Тўртинчидан, васиятнома, албатта, қонунда белгиланган шаклда ва тартибда тузилиши ва фақат қонун билан ҳуқуқ берилган мансабдор шахслар томонидан гувоҳлантирилган бўлиши шарт.

Бешинчидан, васият қолдирувчи васиятномага фақат ўзига тегишли бўлган мулкни, мулкый ҳуқуқ ва мажбуриятларни, шунингдек мерос очилиш пайтига келиб унга тегишли бўлиш эҳтимоли бўлган мулкый ҳуқуқ ва мажбуриятларни ҳам васиятномага киритиш мумкин.

«Васиятномани тасдиқлаб беришда, - дейилади «Нотариат тўғрисидаги» қонуннинг 45-моддасида, - васият қилувчидан унинг васият қилинаётган мол-мулкка бўлган ҳуқуқини тасдиқловчи далилларни тақдим этиш талаб қилинмайди». Чунки васиятномада кўрсатилган мулк ёки унга бўлган ҳуқуқ ва мажбурият васият қилинаётган пайтда васият қолдирувчига тегишли бўлмаган бўлиши, лекин кейинчалик унга тегишли бўлиши эҳтимоли ҳисобга олиб, кўрсатилган мол-мулк ёки унга бўлган ҳуқуқ мерос очилган пайтга келиб унга ўтса, васиятномадаги фармойиш ҳақиқий ҳисобланади.

Мерос қолдирувчи, ФКнинг 1120-моддасига асосан ўзининг қонун билан ман этилмаган ҳар қандай мол-мулкни ва мулкка бўлган ҳуқуқ ва мажбуриятларининг барчасини ёки унинг муайян бир қисмини, шу жумладан уй-рўзғор буюмлари ва жиҳозларини ҳам васият қилиб қолдиришга ҳақли.

Агар васият қолдирувчи васиятномада ўзининг барча мулкни васият қилиш ҳақида фармойиш берган бўлса, унинг ҳамма мулки, шу жумладан уй-рўзғор буюмлари ва жиҳозлари ҳам васият бўйича меросхўрларга ўтади.

Васиятноманинг шакллари

Васиятноманинг ҳуқуқий аҳамиятини ҳисобга олиб, қонун унинг шаклига алоҳида эътиборни қаратган. ФКнинг 1124- моддасида васиятноманинг ёзма шакли белгилаб, унинг ёзилган жойи ва вақти кўрсатилиши шарт қилиб кўрсатилган.

Қонунда белгиланган шаклда тузилмаган васиятнома ҳақиқий ҳисобланмайди (ФКнинг 1130-моддаси). Васиятнома бир томонлама битим бўлгани сабабли, уни ҳақиқий эмас деб топиш асослари ФКнинг битимлари ҳақидаги (115-моддаси) қоидалари тартибида амалга оширилади. Нотариал тасдиқланган васиятномалар ва нотариал тасдиқланган васиятномаларга тенглаштирилган васиятномалар ёзма шаклда тузилган ҳисобланади. Васиятнома васият қолдирувчининг ўз қўли билан ёки унинг сўзидан нотариус томонидан ёзилган ва шахсан имзо қилинган бўлиши керак.

Васият қолдирувчининг жисмоний нуқсонлиги, касаллиги ёки саводсизлиги оқибатида васиятномани ўз қўли билан ёзиб имзо қўйиш имконияти бўлмаганда, унинг илтимосига кўра бошқа шахс томонидан ёзилиб, имзо қўйилиши мумкин. Бундай ҳолларда, албатта, васиятноманинг гувоҳлантирувчи нотариус ёки қонун билан васиятномаларни гувоҳлантириш ҳуқуқи берилган мансабдор шахсларнинг иштирокида, васиятнома васият қолдирувчининг ўз қўли билан ёзиб, имзолай олмаганлигининг сабаблари кўрсатилиши шарт.

«Нотариат тўғрисида»ги қонуннинг 30-моддасига асосан нотариал ҳаракатлар нотариат идораси ёки фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органи жойлашган бинода амалга оширилиши керак. Фуқаро касаллиги, ногиронлиги туфайли ёки бошқа сабабларга кўра, давлат нотариат идорасига, фуқаролар йиғини раиси (оқсоқол) ёки хусусий амалиёт билан шуғулланувчи нотариус ҳузурига бора олмайдиган айрим ҳолларда нотариал ҳаракатлар мазкур фуқаро турган жойда амалга оширилиши мумкин.

Васиятномани васият қилувчининг ўрнига имзолаш ман қилинган шахсларнинг тизими ФКнинг 1124-моддасида белгилаб қўйилган.

Булар қуйидагилар:

- нотариус ёки васиятномани тасдиқлаш ҳуқуқи берилган мансабдор шахс;
- васиятнома кимнинг фойдасига тузилган ёки кимга нисбатан васият мажбурияти юклатилган бўлса, ўша шахс, унинг эри (хотини), болалари, ота-онаси, неваралари ва чеваралари;
- васият қолдирувчининг қонун бўйича меросхўрлари;
- тўлиқ муомала лаёқатига эга бўлмаган фуқаролар;
- саводсизлар ва васиятномани ўқий олмайдиган бошқа шахслар;
- ёлғон гувоҳлик берганлик учун муқаддам судланган шахслар.

«Нотариат тўғрисида»ги қонуннинг 37-моддасига биноан, нотариуслар ўз номига ва ўз номидан, хотини(эри) номига ҳамда унинг номидан, хотинининг (эрининг) ва ўзининг қариндош-уруғлари (ота-онаси, болалари, набиралари, туғишган ака-ука ва опа-сингиллари), улар билан васийлик ва ҳомийлик туфайли боғланган шахслар номига ҳамда уларнинг номидан,

шунингдек, мазкур давлат нотариат идорасининг ходимлари ёки хусусий амалиёт билан шуғулланувчи нотариуснинг қўл остида ишловчи шахслар номига ва уларнинг номидан нотариал ҳаракатларни амалга оширишга ҳақли эмас.

Ўзбекистон Республикаси қонунлари бўйича оғзаки тузилган шартномалар, битимлар ҳар хил техник воситалар ёрдамида (магнитофон, телефонга, видео тасмага ва ҳоказо) ёзилган васият мазмунини англлатувчи ёзувлар, васият қолдирувчининг сўзидан бўлса ҳам, бундай васиятномалар ҳақиқий ҳисобланмайди. Уларнинг ҳақиқийлигини гувоҳлар кўрсатмалари ёки бошқа қўшимча ёзма ва оғзаки далиллар орқали суд йўли билан ҳам тасдиқлашга йўл қўйилмайди.

Туман судининг 1997 йил 8 октябр ҳал қилув қарори билан мерос қолдирувчининг кичик ўғли «Г» нинг ўз акаси «Б» га нисбатан кўзғатилган даввоси қаноатлантирилиб, оталари ҳаётлигиди маҳаллада, кўпчилик иштирокида (публично) ўзига тегишли енгил автомашина «Тико»ни кичик ўғли учун олганлигини ва оилавий маслаҳатда, катта ўғли «Б» ҳузурида, уни «кичик ўғлим «Г» га васият қилдим» деган оғзаки сўзлари тасдиқланади, деб ҳал қилув қарори чиқарган.

Суднинг бу ҳал қилув қарори «Б» нинг шикояти билан вилоят суди томонидан васиятноманинг қонунда белгиланган шаклга риоя қилинмаганлиги асос қилиниб, туман судининг ҳал қилув қарори юқори Конституция суди томонидан бекор қилинган.

Амалиётда, бундай воқеа ва ҳодисалар учраб туради. Шу билан бирга васиятноманинг тузилган вақти ва жойини белгилаб қўйиш ҳам катта аҳамият касб этади.

Мерос очилгандан кейин меросхўрлар ўртасида низо чиққанида, биринчидан, мерос қолдирувчининг васиятнома тузганда муомала лаёқатига эга бўлмаганлиги, ҳаракатларининг оқибатига кўзи етмаганлиги; иккинчидан, икки ёки ундан ортиқ васиятнома мавжуд бўлганда, улардан қайси бири олдин, қайси бири кейин тузилганлигини аниқлаш васиятномада кўрсатилган вақтда васият қолирувчи имзо қўйиш имкониятларига эга бўлган ёки бўлмаганлигини исботлаш учун зарур бўлади.

Қонунда белгиланган тартиб ва қоидаларга риоя қилинган ҳолда тузилган васиятномалар ҳақиқий бўлиб саналиб, акс ҳолда, низога сабаб бўлади.

Васиятноманинг сир сақланиши. Амалиётда мол-мулкни васият қилиб қолдириш қариндошлар олдида улар билан муносабатларда ноқулайлик туғдиради. Шу сабабдан қонун васиятномани сир сақланишини назарда тутди.

ФКнинг 1128-моддасида «Нотариус, васиятномани тасдиқловчи бошқа мансабдор шахс, шунингдек васиятномани васият қолдирувчи ўрнига имзо қилувчи фуқаро мерос очилганга қадар васиятноманинг мазмунига, унинг тузилиши, бекор қилиниши ёки ўзгартирилишига дахлдор маълумотларни ошкор қилишга ҳақли эмас».

Қонун васиятноманинг сир сақланишини таъминлаш учун етарли чоралар ва тадбирлар белгилаб қўяди. Васиятноманинг борлиги ҳақида ошкор қилишга ҳеч кимнинг ҳаққи йўқ.

«Нотариат тўғрисида»ги қонунинг 6-моддасига асосан амалга оширилган нотариал тўғрисидаги маълумотлар фақат суд, прокуратура ва тергов органларининг талабига асосан улар юритаётган ишлар муносабати билан берилади. Васиятнома вафотидан кейингина берилиши мумкин.

Хизмат вазифасини бажариш муносабати билан нотариал ҳаракатлар ҳақида ўзига маълум бўлган маълумотларни ҳар қандай мансабдор шахс ҳам ошкор қилишга ҳақли эмас. Бундай шахслар қонунда белгиланган тартибда васиятнома сирларини ошкор қилганликлари учун тегишлича жавобгарликка тортиладилар.

Васиятномани сир сақлаш ҳақидаги қонун талаблари васият қолдирувчи учун ҳам мажбурийдир. Васият қолдирувчи ўзининг васиятномаси ҳақида ошкор айтишга ва уни бошқаларга кўрсатишга ҳақли, аммо нотариал идорасига васиятномани ошкор қилиш учун фармойиш беришга ҳақли эмас. Васиятнома фақат мерос очилган пайтдан бошлаб кучга киради. Васиятноманинг тузилишидан унинг кучга киришига қадар анча вақт ўтиши мумкин. Қонун бу муддатни чегаралаб қўйган эмас.

4. Нотариал тасдиқланадиган ва унга тенглаштирилган васиятномалар.

Васиятномаларни тасдиқлаш ҳуқуқи давлат нотариал идораларида ишловчи нотариусларга («Нотариус тўғрисида»ги қонуннинг 23-моддаси), хусусий амалиёт билан шуғулланувчи нотариусларга (24-модда), шаҳарчалар, қишлоқлар ва овуллар фуқаролар йиғинларининг раислари (оқсоқоллари)га (25-модда) ва Ўзбекистон Республикасининг чет эллардаги консуллик муассасаларининг консуллари (28-модда)га берилган.

Нотариусларнинг, нотариал ҳаракатларни амалга ошириш ҳуқуқига эга бўлган бошқа мансабдор шахсларнинг нотариал ҳаракатларни амалга ошириш тартиби «Нотариат тўғрисида»ги қонунда белгилаб қўйилган.

Васиятномани тасдиқлаш вақтида нотариус уни тасдиқлашни сўраб мурожаат қилганнинг шахсини, муомалага лаёқатини белгиланган тартибда аниқлашни, васиятнома васият қолдирувчи томонидан ўз қўли билан ёзилганлигини, ундаги имзо ўз қўли билан қўйилганлигини текшириб, шунга ишонч ҳосил қилиши керак. Лекин қоида тариқасида васият қолдирувчи томонидан васиятнома нотариус ёки нотариал ҳаракатларни амалга ошириш ваколати берилган мансабдор шахснинг ҳузурда ёзилиши ва имзоланиши керак.

Васият қолдирувчининг жисмоний камчиликлари ёки саводсизлиги сабабли ўзи ўз қўли билан ёзиш ва имзо қилиш имкониятига эга бўлмаган тақдирда, нотариус ёки нотариал ҳаракатларни амалга ошириш ҳуқуқи берилган мансабдор шахс томонидан унинг сўзидан ёзиб олиниши мумкин. Бундай ҳолларда, албатта, васиятнома матни васият қолдирувчига ўқиб

берилиши шарт ва бу ҳақда васиятномага алоҳида белги қилиб қўйилиши керак.

Васиятномани тасдиқлаган вақт, уни тузиш вақти бўлиб саналади.

Васиятноманинг қонунда белгиланган шаклига риоя қилмаслик унинг ҳақиқий эмас деб топилиши учун асос бўлади.

Нотариал тасдиқланган васиятномаларга тенглаштирилган васиятномалар.

Нотариал идораларида тасдиқлаш имконияти бўлмаган ҳолларда, қонунда назарда тутилган тартибда белгиланган мансабдор шахслар томонидан васиятноманинг тасдиқланишига йўл қўйилади. Бундай васиятномалар нотариал тартибда тасдиқланган васиятномаларга тенглаштирилади.

Қонунда васиятномаларни тасдиқлаш ҳуқуқига эга бўлган мансабдор шахсларнинг аниқ рўйхати берилган. Шу билан бирга, қандай ҳолатларда уни амалга оширишга руҳсат берилиши ҳам аниқ белгиланган. Бу қонундан кенг талқин этишга йўл қўйилмайди. Қонунда назарда тутилган мансабдор шахслардан бошқа ҳеч ким васиятномани гувоҳлантиришга ҳақли эмас.

Васиятномани тасдиқлаш ҳуқуқи берилган мансабдор шахснинг шахсан ўзи васият қолдирувчининг шахсини аниқлаши, унинг муомала лаёқатига эга эканлигини, васиятнома ҳақиқатдан ҳам васият қолдирувчининг ўз қўли билан ёзилиб, имзо қилинганлигини аниқлаб, шунга ишонч ҳосил қилиши шарт, шундан кейингина васиятномани тасдиқлаши мумкин.

«Нотариат тўғрисида» ги қонуннинг 27-моддасига асосан мансабдор шахслар томонидан тасдиқланган васиятномалардан битта нусхаси васият қилувчи доимий яшайдиган жойдаги давлат нотариал идорасига сақлаш учун юборилиши шарт. Давлат нотариал идорасининг нотариуси сақлаш учун келиб тушган васиятномани текшириб, унинг шакл ва тартиб жиҳатидан қонунга мувофиқ тузилганлигини аниқлайди, номувофиқлиги аниқланганда, бу ҳақда васият қилувчига ва васиятномани тасдиқлаган мансабдор шахсга хабар қилиши керак. Амалиётда бундай васиятномалар васият қилувчи томонидан бевосита вафоти олдидан тузилган бўлади. Низо чиққанда уларнинг ҳақиқийлиги фақат мерос очилгандан кейин суд томонидан ҳал қилинади.

ФКнинг 1126-моддаси ва «Нотариат тўғрисида» ги қонуннинг 26-моддаси қуйидаги васиятномалар нотариал тасдиқланган васиятномаларга, тенглаштирилади:

касалхоналар, госпиталлар, бошқа стационар даволаш муассасаларида даволанаётган ёки қариялар ва ногиронлар уйларида яшаб турган фуқароларнинг ана шу касалхоналар, госпиталлар ва бошқа даволаш муассасаларининг бош врачлари, уларнинг даволаш ишлари бўйича ўринбосарлари ёки навбатчи врачлар, шунингдек, госпиталларнинг бошлиқлари, қариялар ва ногиронлар уйларида директорлари ёки бош врачлари томонидан тасдиқланган васиятномалар;

Ўзбекистон Республикаси давлат байроғи остида сузиб юрган кемаларда сафарда бўлган фуқароларнинг шу кемаларнинг капитанлари томонидан тасдиқланган васиятномалари;

қидирув экспедициялари ёки шунга ўхшаш бошқа экспедицияларда бўлган фуқароларнинг ана шу экспедиция бошлиқлари томонидан тасдиқланган васиятномалари;

Ҳарбий хизматчиларнинг, нотариус бўлмаган ерларда жойлашган ҳарбий қисмларда эса бу қисмларда ишлаётган ҳарбий бўлмаган фуқаролар, уларнинг оила аъзолари ва ҳарбий хизматчиларнинг оила аъзоларининг ҳам ҳарбий қисмларнинг командирлари томонидан тасдиқланган васиятномалари;

Озодликдан маҳрум қилиш жойларида ёки қамоқда сақланаётган шахсларнинг тегишли муассасалар бошлиқлари томонидан тасдиқланган васиятномалар;

Нотариус бўлмаган аҳоли пунктларида яшаётган фуқароларнинг қонунга мувофиқ нотариал ҳаракатларни амалга ошириш ҳуқуқи берилган мансабдор шахслар томонидан тасдиқланган васиятномалари.

Васиятноманинг кўрсатилган шаклларига доир қоидаларга риоя қилинганда унинг мазмуни ҳақида англашилмовчиликлар бўлмаслигига ва ҳар қандай низоларнинг келиб чиқишига асос қолдирмайди. Оқибатда васиятнома талқин қилинганда ундаги сўзлар ва ибораларнинг асл маъносини англаш ва уни эътиборга олиш имконияти туғилади.

Нотариал тасдиқланган васиятномаларга тенглаштирилган васиятномалар тасдиқланаётган, нотариал тасдиқлаш тўғрисидаги талаблардан бошқа ФКнинг 1125-моддасида белгиланган қоидаларга риоя қилиш талаб қилинади.

5.Васиятномани бекор қилиш ва ўзгартириш тартиби. Васиятномани ижро этиш.

Фуқароларга васиятномани эркин тузиш тўғрисида берилган ҳуқуқ, уни ўз хоҳиши билан бекор қилиш ёки ўзгартириш ҳуқуқини ҳам беради.

«Васият қилувчи, -дейилади ФКнинг 1127-моддасида, -исталган вақтда ўз васиятномасини тўлалигича бекор қилишга ёхуд унда мавжуд бўлган айрим васият фармойишларини янги васиятнома тузиш орқали бекор қилишга, ўзгартиришга ёки тўлдиришга ҳақли».

Васиятномани тўлиғича, унинг ҳамма бандларини бекор қилиш, биринчидан, унинг нотариусдаги нусхаларини йўқ қилиб ташлашни сўраб берган аризасига асосан, ва иккинчидан, янги васиятнома тузилиб, унда албатта васиятномани бекор қилиш ҳақида фармойиш бериш йўли билан амалга оширилади.

Васиятнома қисман ўзгартирилганда, биринчидан, янги тузилган васиятномада олдинги васиятноманинг айрим бандларини бекор қилиш, иккинчидан, ундаги айрим бандларига зид равишда тузилиш йўли билан ўзгартириш киритилади.

Кейинги тузилган васиятнома бекор қилинган тақдирда ҳам янги васиятнома тузиш йўли билан бекор қилинган ёки қисман, кейинги

васиятномага зид бўлгани сабабли бекор қилинган аввалги васиятнома қайтадан тикланмайди.

Васиятнома икки нусхада тузилиб, унинг бир нусхаси нотариат идорасида сақланади, бир нусхаси васият қолдирувчи қўлида бўлади.

Васият бекор қилинганда ёки у ўзгартирилганда, бу ҳаракат васиятноманинг ҳар иккала нусхасида ҳам ўз аксини топиши керак.

«Нотариат тўғрисида»ги қонунинг 46-моддасига асосан, нотариуслар васиятномани бекор қилиш тўғрисидаги аризани олган тақдирда, шунингдек, васиятномани бекор қилувчи ёки ўзгартирувчи янги васиятнома олинган тақдирда, аввалги васиятноманинг нотариусда сақланаётган нусхасига ва нотариал ҳаракатларини рўйхатга олиш реестрига бу хусусда белги қўяди.

Васиятномани бекор қилишни сўраб берилган аризадаги имзо, албатта, белгиланган тартиб бўйича нотариал гувоҳлантирилган бўлиши керак.

Васиятномани ўзгартириш, фақатгина, янги васиятнома тузиш йўли билан амалга оширилади. Бу васиятномада олдинги васиятноманинг айрим бандлари бекор қилиниши ёки ўзгартирилиши мумкин. Бундан ташқари, кейинги тузилган васиятнома олдинги васиятномани бекор қилмасдан ёки ўзгартирмасдан, қўшимча фармойишлар билан тўлдирилиши ҳам мумкин. Агарда олдинги васиятномаларда мерос қолдирувчи ўзининг мол-мулкидан бир қисмини васият қилиб қолдирган бўлиб, кейинги васиятномада мулкнинг қолган қисмига васиятнома тузган бўлса, мерос очилганда ҳар иккала васиятнома ҳам ҳақиқий ҳисобланади. Бундай ҳолларда ҳар иккала васиятнома бўйича ҳам ворислар мерос оладилар.

Васиятнома қўлида бўлган шахс унга ўзгартиришлар ёки қўшимчалар киритиб, тузатишлар қилишиги йўл қўйилмайди. Бундай ҳолларда мерос олиш масаласи нотариат идорасида сақланиб турган васиятноманинг биринчи нусхаси асосида амалга оширилади.

Нотариус томонидан тасдиқланган васиятнома, нотариал тасдиқланган васиятномаларга тенглаштирилган васиятномалар билан ҳам бекор бўлиши ёки ўзгартирилиши мумкин. Бундай васиятномаларнинг биринчи нусхалари «Нотариат тўғрисида»ги қонуннинг 27-моддасига асосан васият қолдирувчининг доимий яшайдиган жойдаги давлат нотариал идорасига сақлаш учун кечиктирмай юборилиши шарт.

Янги васиятнома тузилган вақтда васият қилувчи олдинги васиятномадаги айрим бандларини ўзгартиришни кўрсатмаслиги ҳам мумкин. Янги васиятномада берилган фармойиш нафақат эски васиятномани тўлдириш, шунинг билан бирга, унинг мазмунига бутунлай ёки қисман зид бўлишини ўзи кифоя қилади.

Айрим ҳолларда васият қолдирувчи эски васиятномага зид келмайдиган ва уни бекор қилмайдиган, ўзгартирмайдиган фармойишни ўз ичига олган васиятнома тузиши мумкин.

Масалан, фуқаро «М» 1999 йил декабр ойининг 15 куни Юнусобод туманидаги давлат нотариал идорасининг нотариуси томонидан

тасдиқланган васиятнома бўйича ўзининг уй-жойини кичик ўғли «В» га расмийлаштирган.

«М» 2001 йил август ойининг 5 куни эса янги васиятномани тузиб, унда ўзининг «Нексия» енгил автомашинасини набираси «Ш» га бериш тўғрисида фармойиш берган. 2003 йилнинг март ойи 21 кунида «М» вафот этиши муносабати билан «В» ва «Ш» нотариусга мурожаат қилганда, нотариус «М»га тегишли уй-жойга нисбатан бўлган ҳуқуқ тўғрисида, «Ш»га эса, «Нексия» автомашинасига бўлган ҳуқуқ тўғрисида гувоҳнома берган.

Васиятноманинг ҳақиқий эмас деб топилиши

Васиятнома, бир томонлама битим ҳисобланиб, у мерос қолдирувчининг шахсан ўзи томонидан, васият бўйича ҳуқуқ олувчининг розилигисиз тузилади.

ФК.нинг 1130-моддасига асосан, тегишли шаклда тузилмаган, васиятнома уни тузиш, имзолаш ва тасдиқлашнинг қонунда белгилаб кўйилган тартиби бузилган тақдирда ҳақиқий эмас деб топилади.

Васиятноманинг айрим бандлари ҳақиқий эмаслиги унинг қолган қисмининг ҳақиқийлигига дахл қилмайди. Васиятнома тўлиғича ҳақиқий эмас деб топилган ҳолларда, ушбу васиятномага биноан меросдан маҳрум бўлган меросхўр умумий асосларда мерос олиш ҳуқуқига эга бўлади.

Васиятномани ҳақиқий эмас деб топиш, у бир томонлама битим бўлганлиги сабабли, ФКнинг 9-бобида назарда тутилган битимлар тўғрисидаги қоидаларга бўйсунди.

Васиятномани ҳақиқий эмас деб топиш ҳақидаги даъво аризалар мерос очилган пайтдан бошлаб 3 йил муддатда суд томонидан кўрилиб ҳал қилинади.

Даъво манфаатдор шахс-меросхўр, унинг вакили ёки прокурор томонидан кўзғатилиши мумкин.

ФКнинг 9-бобида 2-параграфида назарда тутилган битимларнинг ҳақиқий эмаслиги тўғрисидаги қоидалар васиятнома тузишда ҳам амал қилади.

Бу қоидалар қуйидагилардан иборат:

1. Битимнинг қонун талаб қилган шаклига (ФКнинг 1124-моддасида васиятноманинг ёзма шакли назарда тутилган) риоя қилмаслиги (ФКнинг 115-моддаси).
2. Қонун ҳужжатларининг талабларига мувофиқ бўлмаганлиги (ФКнинг 116-моддаси).
3. Ўн тўрт ёшга тўлмаган шахслар томонидан тузилганлиги (ФКнинг 117-моддаси).
4. Муомалага лаёқатсиз деб топилган шахслар томонидан тузилганлиги (ФКнинг 119-моддаси).
5. Муомала лаёқати чекланган фуқаролар томонидан ҳомийларининг рухсатисиз тузилганлиги (ФКнинг 120-моддаси).

6. Ўз ҳаракатининг аҳамиятини тушуна олмайдиган ёки уларни бошқара олмайдиган фуқаро томонидан тузилган (ФКнинг 121-моддаси).
7. Жиддий аҳамиятга эга бўлган янглишиш таъсирида тузилган (ФКнинг 122-моддаси).
8. Алдаш, зўрлик, кўрқитиш бир тараф вакилининг иккинчи тараф билан ёмон келишуви ёки оғир ҳолатлар юз бериши таъсирида тузилган (ФКнинг 123-моддаси).
9. Юридик оқибатлар туғдириш ният бўлмаган ҳолда, номигагина тузилган (ФКнинг 124-моддаси).

Васиятнома бутунлай бекор бўлган тақдирда, унда васият қилиб қолдирилган мулк бошқа қонуний ворислар ўртасида тенг тақсимланади.

Васиятномани ижро этиш

Васият қолдирувчи ўзининг фармойиши билан васиятномани ижро этишни қонун бўйича ворисга ёки васият бўйича тайинланган меросхўрлардан бирига ёки бир нечтасига, шунингдек меросхўр ҳисобланмайдиган бошқа шахсларга топшириши мумкин.

Агар васиятномани ижро этиш меросхўр бўлмаган шахсга топширилган бўлса, албатта, бу шахснинг васиятномани ижро этувчиси бўлишга розилиги унинг ўз қўли билан васиятномага ёзган устхатида ёки васиятномага илова қилинган аризасида акс эттирилган бўлиши керак. Васиятномани ижро этувчининг ҳуқуқ ва мажбуриятлари васиятноманинг мазмунида ифода этилган бўлиши керак. Шунинг учун васиятномани тасдиқлаётган нотариус ёки васиятномани тасдиқлаш ҳуқуқи берилган мансабдор шахс, албатта, васият қолдирувчининг истагини, васиятномани ижро этувчиларнинг ҳуқуқлари ва улар зиммасига юклатиладиган мажбуриятларни аниқлаши керак.

Мерос қолдирувчи томонидан васиятномани ижро этувчи тайинланмаган ҳолларда, меросхўрлар ўзаро келишиб, васиятнома ижросини меросхўрлардан бирига ёки бошқа шахсга топширишлари мумкин. Бундай келишувга эришилмаганда, улардан бирининг ёки бир нечтасининг талаби билан суд томонидан васиятномани ижро этувчи тайинланиши мумкин.

Васиятномада уни ижро этиш бўйича махсус топшириқ бўлмаган тақдирда, васиятномани ижро этиш меросни қабул қилган ворислар томонидан амалга оширилади.

Васиятномани ижро этувчи меросхўрлар доирасига кирадиган шахслардан бўлган тақдирда, улар томонидан мерос мулкни қабул қилиб олишлари васиятномани ижро этишга берган розилиги ҳисобланади.

Васиятномани ижро этувчи васият қолдирувчи томонидан унга берилган ваколат доирасида барча ҳаракатларни амалга оширишга ҳақли.

Васиятномада уни ижро этувчиларга васиятномани тўла равишда бажарилишини, шунингдек, унинг маълум бир қисмини бажариш ҳақида топшириқ берилиши мумкин. Васият қолдирувчининг васиятномада берган фармойишини ўз вақтида ва тўлиғича бажариш васиятномани ижро этувчининг вазифаси ҳисобланади.

Васиятномани ижро этувчи ўз мажбуриятларини меросни қарзлардан холи этиш, мерос қолдирувчига тегишли бўлган суммаларни ундириш ва барча меросхўрларнинг меросга эгалик қилишга киришиши учун зарар бўлган мақбул муддат мобайнида амалга ошириши керак. Бу муддат ҳар қандай ҳолда ҳам мерос очилган кундан бошлаб, бир йилдан ошмаслиги керак.

ФКнинг 1131-моддасига асосан васиятномани ижро этувчи:

1. Меросни муҳофаза қилиши ва уни бошқариши;
2. Барча меросхўрларни вва васият мажбурияти юзасидан ҳуқуқ олувчиларни мерос очилганлиги тўғрисида ҳамда улар фойдасига васият мажбуриятлари тўғрисида хабардор қилиш учун имкон қадар барча чора-тадбирларни кўриши;
3. Мерос қолдирувчига тегишли суммаларни олиши;
4. Мерос қолдирувчининг хоҳиш-иродаси ва қонунга мувофиқ, меросхўрларга уларга тегишли мол-мулкни бериши;
5. Меросхўрлар зиммаларига юклатилган васият мажбуриятлари ижро этилишини таъминлаши;
6. Васият мажбуриятларини бажариш ёхуд васиятнома бўйича меросхўрлардан васият мажбуриятини ижро этишларини талаб қилиши лозим.

Демак, васиятномани ижро этувчининг асосий вазифаси мерос мулкни жамлаш ва сақлаш чораларини кўриш, уни қонунда ва васиятномада белгиланган тартибда меросхўрлар ўртасида тақсимлаш ва кредиторларнинг талабларини қабул қилиб олиш ва амалга оширишдан иборатдир.

Васиятномани ижро этувчи ҳуқуқий мақомининг ўзига хос томонлари бор. Васиятномани ижро этувчи мерос қолдирувчининг топшириғига асосан меросни қабул қилган ёки қабул қилиши мумкин бўлган меросхўрлар номидан ҳаракат қилади. Васиятномани ижро этувчи меросни бошқариш ҳамда васиятномани ижро этиш билан боғлиқ суд ишларида ва бошқа ишларда ўз номидан қатнашишга ҳақли. Шунингдек, бундай ишларда иштирок этиш учун қилиниши мумкин.

6.Савол. Васият мажбурияти ва уни юклаш шартлари.

Васият мажбурияти. Васият қолдирувчи ўзи тузган васиятномасида васият бўйича меросхўрларнинг зиммасига маълум бир мажбуриятни юклаши мумкин. Бу васият мажбурияти ҳисобланади. Бундай мажбурият қонун бўйича меросхўрлар доирасига кирадиган шахсларга, шунингдек, бошқа хоҳлаган шахсга, шу жумладан, юридик шахсларга ҳам юклатилиши мумкин.

Васият мажбуриятини бажариш қонун бўйича ва васият бўйича меросхўрларнинг ҳаммасига, бир нечтасига ёки биттасининг зиммасига юклатилиши мумкин. Фойдасига мажбурият бўйича бажарилиши лозим бўлган топшириқ-васият мажбурияти бўйича ҳуқуқ олувчи ҳисобланади.

Қонун бўйича ворислар жумласига кирадиган, шунингдек, кирмайдиган шахслар ҳам васият юзасидан ҳуқуқ олувчилар бўлишлари мумкин. Булар васият мажбуриятининг бажарилишини васият мажбурияти юклатилган шахслардан талаб қилиш ҳуқуқига эгадирлар.

Шундай қилиб, васият мажбуриятининг асосини, зиммасига васият мажбурияти бажарилиши юклатилган меросхўр билан мажбуриятининг ижро этилишини талаб қилиш ҳуқуқига эга бўлган, васият мажбурияти юзасидан ҳуқуқ олувчи ўртасидаги мажбурият муносабати ташкил этади. Шу сабабдан бундай ҳолларда васият мажбурияти юзасидан ҳуқуқ олувчи-кредитор, меросхўр эса-қарздор бўлиб ҳисобланади.

Васият мажбуриятининг мазмуни, унинг предмети ҳар хил бўлиши мумкин.

ФКнинг 1132-моддаси 3-бандига асосан, васият мажбурияти юзасидан ҳуқуқ олувчи мерос таркибига кирадиган ашёни мулк қилиб ёки бошқа ашёвий ҳуқуқ қилиб бериш, мерос таркибига кирмайдиган мол-мулкни унинг учун сотиб олиш ва унга бериш, унинг учун муайян ишни бажариш, муайян хизматлар кўрсатиш ва ҳоказолар васият мажбуриятининг предмети бўлиши мумкин.

Васият қолдирувчининг васиятномадаги фармойишида кўрсатилган мажбуриятни бажариш вазифаси юклатилган шахс бу мажбуриятни бажаришга мажбур. Васият мажбуриятини ижро этиш фақатгина меросни қабул қилиб олган ворис учун мажбурийдир ва фақат мерос мулк ҳисобидан бўлиш мумкин. Зиммасига васият мажбурияти бажарилиши юклатилган меросхўр бу вазифа ўзига ўтган мероснинг мерос қолдирувчи қарзларининг ўзи тўлаши лозим бўлган қисмини чегириб ташлагандан сўнг қоладиган ҳақиқий қиймати доирасидагина бажариши лозим.

Мажбурият барча ворислар ёки бир неча ворислар зиммасига юклатилган тақдирда, уларнинг ҳар бири васият мажбурияти бўйича юклатилган мажбуриятнинг ўзига тегишли мерос ҳиссасига мутаносиб равишда бажаради. Васиятномада бошқача фармойиш берилган бўлса, у ҳолда зиммасига мажбурият юклатилган ворис васият қолдирувчининг фармойишига асосан мажбуриятни амалга оширилишида васият мажбурияти бўйича бундай фармойиш васият қолдирувчи томонидан васиятноманинг матнида белгилаб қўйилган бўлиши васият мажбурияти ҳисобланади.

Меросдан мажбурий улуш олиш ҳуқуқига эга бўлган вориснинг зиммасига васият мажбурияти юклатилган тақдирда, унинг васият мажбуриятини бажариш вазифаси ўзига ўтган мерос қийматининг мажбурий улуш миқдоридан ортиқ бўлган қисми чегараланади.

Зиммасига васият мажбурияти юклатилган ворис меросдан воз кечиб, уни қабул қилиб олмаган тақдирда, васият мажбуриятини бажариш унинг улушини олган бошқа меросхўрларга ўтади.

Васият қолдирувчи уй-жой, квартира ёки бошқа турар жойни васият бўйича мерос қилиб оладиган меросхўр зиммасига уй-жойнинг бир қисмини маълум бир шахсга ундан умрбод фойдаланиш учун бериб қўйиш мажбуриятини юклашга ҳақли. Шунингдек, уй-жойнинг бир қисмини маълум

бир шахснинг оила аъзолари учун маълум муддатга фойдаланишга қолдириш тўғрисида меросхўрларга фармойиш бериши мумкин. Бу турар жойига бўлган мулк ҳуқуқи бошқа шахсларга ўтганда ҳам умрбод ёки кўрсатилган муддат тамом бўлгунча фойдаланиш ҳуқуқи ўз кучини йўқотмайди. Аммо уй-жойдан умрбод фойдаланиш ҳуқуқини олган шахс вафот этганда, васият қолдирувчи васиятномада бошқача фармойиш бермаган бўлса, васият мажбурияти юзасидан ҳуқуқ олувчининг умрбод фойдаланиш ҳуқуқи унинг меросхўрларига ёки бошқа оила аъзоларига ўтмайди.

Васият мажбурияти қуйидаги ҳолларда бажарилмайди:

- а) васият мажбурияти юзасидан ҳуқуқ олувчи шахс мерос очилгунга қадар вафот этса;
- б) васият мажбурияти юзасидан ҳуқуқ олувчи васиятнома бўйича меросхўр мерос очилгандан кейин, аммо васият мажбуриятини қабул қилиб олишга улгармасдан, вафот этган тақдирда.

Зиммасига васият мажбурияти юклатилган меросхўр вафот этган тақдирда, васият мажбуриятини бажариш унинг улушини олган бошқа меросхўрларга ўтади, шу жумладан тақдим этиш ҳуқуқи бўйича меросхўр бўлган шахсларга ҳам. **Мажбурият юклаш.** Васият қолдирувчи васият бўйича меросхўр зиммасига бирон бир ҳаракатни бажариш ёки бажаришдан ўзини тийиш мажбуриятини юклаб, бу мажбуриятни бажариш кредитор сифатида талаб қилиш ҳуқуқини ҳеч кимга бермаслиги, худди шу каби умумфойдали мақсадни амалга ошириш учун васиятномани ижро этувчининг зиммасига маълум мажбурият юклаши мумкин. Бу мажбуриятни бажариш учун мерос қолдирувчи томонидан мол-мулкнинг бир қисми ажратилиши ҳам мумкин. Бундай мулк хусусиятга эга бўлган хатти-ҳаракатларни содир этишдан иборат мажбуриятга нисбатан ҳам васият мажбурияти тўғрисидаги қоидалар қўлланилади.

Васият мажбуриятдан фарқли ўлароқ, мажбурият юклашда васият қолдирувчи меросхўрлар зиммасига мулк ёки номулкий характердаги ҳаракатларни бажаришни юклайди. Меросхўр зиммасига юклатилган бундай ҳаракатнинг бажарилишини умумфойдали мақсадни амалга ошириш бўйича манфаатдор бўлган давлат ва жамоат ташкилотлари, шунингдек, прокуратура органлари ҳам васиятномани ижро этувчидан васият қолдирувчининг топшириғини тўғри бажариш учун мажбурият талаб қилишлари мумкин. Агар васият қолдирувчи томонидан қўйилган умумфойдали мақсадни амалга ошириш учун имконият бўлмаса, у вақтда мулк бошқа шунга яқин умумфойдали мақсадга сарф этилиши мумкин.

Васият бўйича юклатилган мажбуриятни бажариш зиммасида бўлган ворис вафот этиб қолган тақдирда, умумфойдали ҳаракатларни бажариш мерос олган бошқа меросхўрлар зиммасига тушади.

Мерос қолдирувчининг хоҳиш-иродасини амалга оширишга қасддан тўсқинлик қилган, меросхўрларга қарши ғайриқонуний ҳаракатлар содир қилиб, шу орқали ўзига васият мажбурияти юзасидан ҳуқуқ олишга имкон яратган, шунингдек, мерос қолдирувчини кўрсатиш, зўрлик ишлатиш ёки

товламачилик йўли билан васият мажбурияти бўйича ҳуқуқни васиятномага киритишга эришган шахслар васият мажбурияти юзасидан ҳуқуқ олишдан маҳрум этилиши мумкин.

Бу ҳуқуқ айти бир пайтнинг ўзида ҳам меросхўр, ҳам васият мажбуриятини қабул қилиб олувчи ҳисобланган шахсларнинг меросдан воз кечиш ҳуқуқига боғлиқ бўлмайди. Агар васият мажбуриятини қабул қилиб олувчи шахс ундан воз кечган бўлса, зиммасига васият мажбурияти юклатилган ворис бу мажбуриятни бажаришдан озод қилинади.

Умумфойдали мақсад учун бирор-бир ҳаракатни амалга ошириш мажбуриятини назарда тутган ворисга берилган мерос қолдирувчининг махсус васият фармойиши мажбурият юклаш ҳисобланади.

Мажбуриятни юклаш васият мажбуриятдан фарқ қилади. Мажбуриятни юклаш ҳам худди васият мажбурияти сингари маълум мажбуриятни меросхўрнинг ҳиссаси ҳисобига бажарилиши назарда тутилади. Аммо васият мажбуриятида васият бўйича маълум бир меросхўр фойдасига мерос мулкдан ажратишни назарда тутса, мажбурият юклаш мулккий ёки номулкий характерда бўлиши билан умумфойдали мақсадни амалга оширишга қаратилган ҳаракат кимга нисбатан қилиниши лозимлиги кўрсатилмайди. Ваҳоланки, васият мажбурияти бўйича ҳуқуқ олувчи шахс белгилаб қўйилади.

7.савол. Қонун бўйича ворислик. Қонуний ворислик асослари ва ворислар гуруҳлари.

Мерос қолдирувчи ўзининг хусусий мулкининг ўзи вафот этгандан кейинги тақдирини ўзи ҳаётлик вақтида белгилаб қўйиш ҳуқуқига эга. Аммо қонун билан бир қатор шартлар белгиланганки, бунга асосан мерос қолдирувчи уларни ўзгартириш ҳуқуқига эга эмас. Қонунда махсус белгилаб қўйилган айрим категория меросхўрларнинг меросга бўлган ҳуқуқларини қонун ҳимоя қилади. Мерос қолдирувчи бундай меросхўрларнинг қонунда белгиланган мерос улушларини камайтиришга ёки уларни умуман мерос олишдан маҳрум қилишга ҳақли эмас.

«Мерос очилган пайтда, -дейилади Олий суднинг 2000 йил 22 декабрда қабул қилинган 33-сон Пленум қарорининг 3-моддаси 2-қисмида, -ҳаёт бўлган мерос қолдирувчи билан қариндошлик муносабатларида бўлган шахслар қонун бўйича меросхўрлар доирасига киради ҳамда қариндошлик доирасига қараб. Фуқаролик кодексининг 1135-1138-моддалари талабига мувофиқ ворисликка чақирилган».

Қонун бўйича ворисликни амалга ошириш учун мерос қолдирувчи билан қариндошлик муносабатида бўлган ҳамда мерос қолдирувчининг қарамида, унинг боқимида бўлган меҳнатга қобилиятсиз шахслар ҳисобланади.

Демак, вафот этган шахсга хусусий мулк ҳуқуқи асосида тегишли бўлган мол-мулкка бўлган ҳуқуқ ҳамда мажбуриятларнинг қонунда белгилаб қўйилган шахсларга ўтиши қонун бўйича ворислик ҳисобланади[259].

ФКнинг 1134-моддасига асосан, қонун бўйича ворисликда фарзандликка олинган шахс ва унинг авлодлари бир тарафдан фарзандликка олувчи шахс ва унинг қариндошлари иккинчи тарафдан, туғишган қариндошларга тенглаштириладилар.

Фарзандликка олинганлар ўз ота-оналарига, уларнинг қариндошларига нисбатан шахсий ва мулкӣ ҳуқуқларини йўқотадилар, шу билан бирга мажбуриятлардан ҳам озод бўладилар.

«Фарзандликка олинганлар ва уларнинг авлодлари, дейилади ФКнинг 1134-моддасининг 3-қисмида, -фарзандликка олинган шахснинг ота-онаси, бобо-бувалари, ака-укалари, опа-сингиллари вафот этгандан кейин қонун бўйича мерос олмайдилар».

Демак, фарзандликка олинган шахснинг ота-она, бобо-буваси, ака-ука ва опа-сингиллари, фарзандликка олинган шахс ва унинг авлодларига нисбатан шахсий ва мулкӣ ҳуқуқларини ҳамда мажбуриятларини йўқотадилар.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 46-моддасига асосан хотин-қизлар ва эркаклар мерос олишда ҳам тенг ҳуқуқдан фойдаланадилар.

Қонун бўйича меросхўрлар, ФКнинг 1135-1139-моддасида назарда тутилган тартибга асосан, беш навбатда ворисликка чақириладилар.

Бундан ташқари ФКнинг 1140-моддасига асосан мерос қолдирувчининг меҳнатга қобилиятсиз боқимлари сифатида ворисликка чақирилишлари мумкин.

Қонун бўйича меросхўрларнинг ҳар бир навбати аввалги навбатдаги меросхўрлар а) бўлмаган тақдирда; б) меросхўрларнинг ҳаммаси меросдан четлаштирилганда; в) барча ворислар меросни қабул қилиб олмаганда; ёки ундан воз кечганда ворислик ҳуқуқини қўлга киритади.

Бир навбат доирасида қонун бўйича ворисликка чақирилган меросхўрлар ўртасида мерос мулк тенг ҳиссада тақсимланади.

Вояга етмаган болалар ўзларининг ота-оналари билан бирга яшаганда вафот этган тақдирда улардан мерос қолган мол-мулк, агар қонунда белгиланган тартибда васият қилинган бўлса, ота-оналарга ўтади.

Қонун бўйича ворисликка фақат мерос қолдирувчи вафот этган пайтда ҳаёт бўлган шахсларгина чақириладилар.

Қонун бўйича меросхўр мерос очилгандан кейин уни қабул қилиб олмасдан вафот этган тақдирда, унинг улуши тақдим қилиш ҳуқуқи бўйича унинг меросхўрларига ўтади.

Қонун бўйича меросхўрлар доирасини аниқлаш унинг мерос қолдирувчига нисбатан қариндошлик даражасини белгилаш Ўзбекистон Республикасининг Оила кодексига асосан амалга оширилади.

Қонун бўйича ворисликнинг ўзига хос хусусияти шундан иборатки, мерос қолдирувчининг оддий уй жиҳозлари ва рўзғор буюмлари ворисликнинг чақирилиш нисбатига боғлиқ эмас. Оддий уй жиҳозлари ва рўзғор буюмлари мерос қолдирувчи билан унинг вафотигача 3 йил бирга яшаб келган қонун бўйича ворисларга ўтади. Оддий уй жиҳозлари ва рўзғор буюмлари таркибига кундалик уй-рўзғор юмушларини бажариш ва оила

аззоларининг маиший эҳтиёжларини қондириш учун зарур бўлган ашёлар киради.

Фуқаро «Б» вафот этгангача ўзининг туғишган опаси билан «В» билан ўн йил давомида бирга яшаган. «Б» вафот этиши билан унинг алоҳида яшаб турган ўғли «Л» нотариусга мурожаат қилиб, ўзини биринчи навбатда меросхўр деб, отасидан қолган барча мол-мулкка бўлган ҳуқуқ тўғрисида гувоҳнома беришни сўраган. Нотариус мерос таркибига кирган мол-мулкни тенг бўлиб, мерос мулкнинг ярмига-ўз улушига меросга бўлган ҳуқуқ тўғрисида гувоҳнома ёзиб берган. Уй жиҳозлари ва рўзғор буюмларини ҳамда тегишли улушни «Вга бериш ҳақида меросга бўлган ҳуқуқ тўғрисида гувоҳнома беради.

«Л»нинг аризасига асосан ишни кўрган туман суди, аризани қаноатлантирмай, нотариуснинг қарорини қонуний деб ҳал қилув қарори чиқарган.

Туман судининг ҳал қилув қарорида кўрсатишича «В» ФКнинг 1141-моддасига асосан қонун бўйича меросхўр бўлиб, мерос қолдирувчининг боқимида у вафот этгангача у билан биргаликда яшаганлиги ва меҳнатга қобилиятсизлиги туфайли ворисликка чақирилган навбатнинг меросхўрлари билан биргаликда мерос оладилар, ФКнинг 1153-моддасига асосан, мерос очилгунча мерос қолдирувчи билан 3 йил давомида биргаликда яшаган меросхўрлар мерос тақсимлаганда мерос таркибидан уй-жой, квартира, шунингдек уй-жой ашёлари ва рўзғор буюмларини олишда имтиёзли ҳуқуқга эга эканлигини асос қилиб олган.

Ворисликка чақириш навбатлари.

Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг 1135-1141-моддаларида қонун бўйича ворисликка чақириш навбатлари белгилаб қўйилган.

Навбат билан мерос қолдирувчининг авлод ва аждодлари, фарзандликка олинганлар, уларнинг авлодлари, қон-қариндошлик муносабатлари билан боғланган бошқа шахслар, қонун бўйича ворислик ҳуқуқига эга бўладилар. Бундан ташқари мерос қолдирувчининг қарамоғида бўлган меҳнатга қобилиятсиз боқимлари ҳам қонун бўйича меросхўр бўлиш ҳуқуқига эга.

Қонун бўйича ворисларнинг ҳар бир навбати аввалги навбатдаги меросхўрлар бўлмаганда, ёки меросдан четлаштирилганда, шунингдек меросни қабул қилиб олмаган ёки ундан воз кечганда ворислик ҳуқуқига эга бўладилар.

Биринчи навбатдаги меросхўрлар. Ўзбекистон Республикаси фуқаролик кодексининг 1135-моддасида белгилаб қўйилган фуқаролар. Булар - мерос қолдирувчининг болалари, шунингдек, фарзандликка олинган болалар, эри (хотини) ва ота-онаси, шу жумладан фарзандликка олувчилар, тенг улушларда қонун бўйича биринчи навбатдаги ворислик ҳуқуқига эга бўладилар. Шунинг билан бирга, мерос қолдирувчи ҳаётлигида ҳомила

бўлиб, у вафот этгандан сўнг 300 кун мобайнида тирик туғилган болалари ҳам биринчи навбатдаги ворислар жумласига кирадилар.

Қонуний никоҳда турган вақтда туғилиб, кейинчалик бу никоҳ ҳақиқий эмас деб топилган тақдирда, бу ҳол болаларнинг меросхўр бўлиш ҳуқуқига таъсир этмайди. Болаларнинг насл-насабини белгилаш Ўзбекистон Республикасининг Оила кодексининг Х бобида белгиланган қоидалар асосида амалга оширилади.

Ўғай болалар ўғай отанинг ёки ўғай онанинг меросхўрлари бўла олмайдилар. Булар фақат меҳнатга лаёқатсиз бўлиб, мерос қолдирувчи ўғай ота ёки ўғай онанинг боқимида бўлган тақдирда ворисликка чақирилишлари мумкин. Худди шунингдек, ўғай ота, ўғай оналар ҳам ўғай болалардан мерос олиш ҳуқуқига эга эмаслар.

Фарзандликка олинганлар қонунда белгиланган тартибда расмийлаштирилган ҳоллардагина қонун бўйича ворис бўла оладилар. 1926 йил 1 мартгача расмийлаштирилмасдан фарзандликка олинганлар, уларнинг ота-оналари сифатида ёзилган ёки ёзилмаганидан қатъи назар, қонун бўйича мерос олиш ҳуқуқига эга бўладилар.

Болаларнинг ота-оналаридан кейин меросхўр бўлишлари учун зарур бўлган шартлар ота-оналарнинг ҳам болаларидан кейин меросхўр бўлишлари учун зарур шартлардан ҳисобланади. Мерос қолдирувчининг туғилиш гувоҳномасида ота ва она сифатида ёзилган шахслар қонун бўйича биринчи навбатда ворисликка чақириладилар.

Демак, никоҳга кирган эр ёки хотиннинг ҳар бирининг биринчи никоҳдан туғилган болалари, қоида сифатида, фақат ўзларининг ота-оналари мол-мулкига биринчи навбатда қонун бўйича ворис бўла оладилар. Эр ёки хотин вафот этганда, фақатгина қайд қилинган никоҳда ёки қайд қилинган никоҳга тенглаштирилган никоҳда бўлган ҳаёт қолган эр ёки хотин қонун бўйича биринчи навбатда меросхўр бўлади.

Қонун билан йўл қўйилган айрим ҳолларда эр-хотинлик муносабатлари суд тартибида тасдиқланиши ҳам мумкин.

Миллий чегараланиш вақтида Ўзбекистон Республикаси таркибига кирган Хоразм ва Бухоро халқ Республикаларида 1928 йил 1 октябргача, яъни Ўзбекистон Республикасининг биринчи никоҳ ва оила кодекси амалга киритилгангача, бошқа ҳудудларда 1917 йил 20 декабргача, эски урф-одат ва диний маросимлар бўйича тузилган никоҳлар қайд қилинган никоҳга тенглаштирилади.

Қонун бўйича иккинчи навбат меросхўрлар. ФКнинг 1136-моддасида белгилаб қўйилган мерос қолдирувчининг туғишган ҳамда она бир-у ота бошқа ёки ота бир-у она бошқа ака-укалари ва опа-сингиллари қонун бўйича иккинчи навбат ворислар жумласига кирадилар.

Бундан ташқари, мерос қолдирувчининг ҳам ота, ҳам она тарафдан бобоси ва бувиси қонун бўйича иккинчи навбатда тенг улушларда мерос олиш ҳуқуқига эга бўладилар.

Мерос қолдирувчининг она томондан бобоси ва бувиси ҳар қандай ҳолатда ҳам ўзларининг набираларидан мерос олиш ҳуқуқига эга, аммо мерос қолдирувчининг ота томондан бобоси ва бувиси вафот этган набираси билан унинг отаси ўртасидаги юридик боғланиш қонуний бўлган ҳоллардагина ворис бўлиш ҳуқуқини қўлга киритадилар. Бошқача қилиб айтганда, мерос қолдирувчи билан унинг отаси ўртасидаги муносабат-ота-оналик муносабати қонуний никоҳ муносабатларидан келиб чиққан тақдирда ёки мерос қолдирувчига нисбатан оталик қонунда белгиланган тартибда расмийлаштирилган ҳоллардагина ота томондан бўлган бобо ва бувилари мерос қолдирувчи набираларининг мерос мулкига иккинчи навбатда қонун бўйича меросхўр бўла оладилар.

Қонун бўйича учинчи навбат меросхўрлар. ФКнинг 1137-моддасига асосан мерос қолдирувчининг туғишган амакиси, тоғаси, аммаси, холаси тенг улушларда мерос олиш ҳуқуқига эга.

Қонун бўйича учунчи навбат ворисликка чақирилиш учун, биринчи ва иккинчи навбат ворисларнинг умуман бўлмаслиги ёки улар мерос олишдан воз кечган бўлишлари, шунингдек, қонунда белгиланган тартибда меросдан четлаштирилган бўлишлари керак.

Қонун бўйича тўртинчи навбатда ворислик. ФКнинг 1138-моддасига асосан тўртинчи навбат ворислик ҳуқуқи мерос қолдирувчининг олтинчи даражагача (олтинчи даражанинг ўзи ҳам киритади) бўлган қариндошларига ўтади. Бу навбат бўйича мерос олишда мерос қолдирувчининг яқинроқ қариндошлари узоқроқ қариндошларига нисбатан имтиёзли ҳуқуқдан фойдаланадилар.

Қариндошлик деб, икки ёки бир неча шахслар ўртасидаги туғишганлик, қон-қариндошлик тизими туфайли ҳуқуқ ва мажбуриятларнинг юзага келиши, ўзгариши ёки тугашига боғлиқ бўлган қариндошлик алоқасига айтилади.

Қариндошликнинг узоқ-яқинлиги унинг чизиклари шажаралари ва даражалари билан белгиланади.

8. Тақдим этиш ҳуқуқи бўйича ворислик. Мерос қолдирувчи қарамоғидаги меҳнатга лаёқатсиз шахслар, эр(хотин)нинг ҳуқуқлари.

Мерос қолдирувчининг меҳнатга қобилиятсиз боқимлари

Меҳнатга қобилиятсиз мерос қолдирувчининг боқимида бўлган шахслар икки гуруҳга бўлинадилар ва икки тартибда мерос оладилар.

Биринчидан, мерос қолдирувчининг боқимида бўлган меҳнатга қобилиятсиз шахслар ФКнинг 1141-моддаси асосида мерос олиш ҳуқуқига эга бўлмасалар; фуқаролик кодексининг 1139-моддаси тартибида бешинчи навбатдаги қонун бўйича ворислик ҳуқуқига эга бўладилар.

Иккинчидан, мерос қолдирувчининг вафотига қадар камида бир йил унинг қарамоғида бўлган ва у билан биргаликда яшаган меҳнатга қобилиятсиз шахслар қонун бўйича меросхўрлар жумласига кирадилар.

Ўзбекистон Республикаси Олий судининг 2000 йил 22 декабрда «Мерос ҳуқуқига оид қонунларни қўллашнинг айрим масалалари тўғрисида» ги 33-сон Пленум қарорининг 4-моддасида фуқаролик кодексининг 1139-, 1141-моддаларида кўрсатилган мерос қолдирувчининг меҳнатга қобилиятсиз боқимларни уч тоифасини бир-биридан ажратиш лозимлигини кўрсатади.

Фуқаролик кодексининг 1141-моддаси 1-қисмида кўрсатилган боқимлар (1-тоифа) бўлиш учун, биринчидан, улар мерос қолдирувчининг вафотига қадар камида бир йил унинг қарамоғида бўлиши, иккинчидан, у билан бирга яшаган бўлиши, учинчидан, меҳнатга қобилиятсиз бўлиши керак.

ФКнинг 1141-моддаси 2-қисмида кўрсатилган боқимлар (2-тоифа) бўлиш учун, биринчидан, фуқаролик кодексининг 1136-1138-моддаларида кўрсатилган меросхўрлар жумласига мансуб бўлган мерос қолдирувчининг иккинчи, учинчи, тўртинчи навбатдаги меросхўрлари бўлиши, иккинчидан, мерос қолдирувчининг вафотига қадар камида бир йил унинг қарамоғида бўлиши, учинчидан, меҳнатга қобилиятсиз бўлиши керак.

Фуқаролик кодексининг 1139-моддасида кўрсатилган боқимлар (3-тоифа) бўлиш учун, биринчидан, мерос қолдирувчининг қариндошлари жумласига кирмайдиган, иккинчидан, меросхўр билан бирга яшамаган ёки бир йил муддатдан кам яшаган, учинчидан, ҳаёт кечириши учун бирдан бир манба сифатида мерос қолдирувчининг қарамоғида бўлиб, ундан доимий моддий ёрдам олиб турган меҳнатга қобилиятсиз шахс бўлиши керак.

Биринчи ва иккинчи тоифадаги боқимлар ворисликка чақириладиган навбатдаги меросхўрлар билан биргаликда ворисликка чақириладилар ва меросхўрлар билан биргаликда мерос оладилар, аммо уларнинг мерос мулкидан оладиган улушлари мерос мулкнинг тўртдан бир қисмидан ошмаслиги керак. Меросхўрлар бўлмаганда, бу тоифадаги боқимлар мустақил равишда қонун бўйича меросхўрлар ҳисобланиб мерос мулкни тўла оладилар.

Учинчи тоифадаги боқимлар бешинчи навбатдаги меросхўрлар бўлганлиги сабабли олдинги навбатдаги ворислар бўлмаганда ворисликка чақириладилар ва мерос мулкида шу навбатдаги меросхўрлар билан тенг улушда мерос оладилар.

Қонун бўйича меҳнатга қобилиятсизлар ўн саккиз ёшга кирмаган, вояга етмаганлар, биринчи, иккинчи ва учинчи гуруҳ ногиронлар, олтмиш ёшга кирган эркаклар, эллик беш ёшга тўлган аёллар, тиббий хулоса билан меҳнатга лаёқатсиз, ногирон деб топилган шахслардан иборат бўлади.

Айрим қонун ҳужжатларида назарда тутилган ҳолларда ёши етмасдан имтиёзли тартибда нафақа олаётган шахслар меҳнатга лаёқатсиз ҳисобланмайдилар. Буларнинг меҳнатга қобилиятсизлиги фақат тиббий меҳнат комиссияларининг хулосаси билан белгиланади. Ёши ёки ногиронлиги уларнинг нафақа дафтарчаларига асосан аниқланади.

Мерос қолдирувчининг қарамоғида бўлишини, бирга яшашини ва муддатини аниқлаш тегишли фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, маҳалла ва уй-жой қўмиталари, ижтимоий таъминот идоралари, ижтимоий

химоя органлари ва бошқа ташкилотлар, жамоатлардан талаб қилиб олинган хужжатларга асосан амалга оширилади. Бундан ташқари, мерос қолдирувчининг қарамоғида бўлиш факти суднинг қарори билан ҳам аниқланиши мумкин.

«Мерос қолдирувчинин қарамоғида бўлишлик деганда,-дейилади 33-сон Пленум қарорининг 5-моддасида,-унинг томонидан бериб турилган моддий ёрдам шахснинг ҳаёт кечириши учун бирон-бир асосий ва доимий манба бўлишини назарда тутмоқ лозим. Даврий, вақти-вақти билан бериб турилган моддий ёрдам мерос қолдирувчининг қарамоғида бўлиш фактини белгилаш учун асос бўлмайди. Моддий ёрдам мерос қолдирувчининг вафотигача узлуксиз берилган бўлиши шарт».

Такдим қилиш ҳуқуқи бўйича ворислик

Мерос очилгунга қадар, шунингдек, мерос очилгандан кейин, аммо меросни қабул қилиб ололмастан вафот этган қонун бўйича ворисликка чақирилган ёки чақирилиши лозим бўлагн меросхўрларнинг ворислари ўзларининг вафот этган ота-оналарига тегишли бўлган мерос мулкка ворис бўлиш ҳуқуқига эга бўладилар.

Бундай ворислик такдим қилиш ҳуқуқи бўйича ворислик дейилади.

«Такдим қилиш ҳуқуқи бўйича ворислик,-дейилади ФКнинг 1140-моддасида,-қонун бўйича меросхўр мерос очилганга қадар вафот этган тақдирда, унга тегишли улуш унинг авлодларига ўтишини назарда тутуди, бунда улуш такдим қилинаётган қонун бўйича меросхўр билан бир хил даражада қариндош бўлган авлодлар ўртасида тенг тақсимланади».

Ворисликка чақирилган **биринчи наватдаги қонун бўйича меросхўрлар вафот этиши муносабати билан уларнинг болалари, яъни мерос** қолдирувчининг набиралари, такдим этиш ҳуқуқи билан меросхўр бўлиб, ўзининг отасига ёки онасига тегишли бўлган мерос мулк ҳиссасига бўлган ҳуқуқни кўлга киритадилар.

Агар такдим қилиш ҳуқуқи бўйича бир неча меросхўрлар бўлса, вафот этган меросхўрларга тегишли ҳисса улар ўртасида ўзаро тенг тақсимланади.

33-сон Олий Суд Пленуми қарорининг 6-моддасида «бир хил даражадаги қариндошлар бўлган авлодлар ўртасида тенг тақсимланишини» кўрсатиш билан, бирга «бу қонундан келиб чиқиб, агар ўғил (қиз) ота ёки онадан олдин вафот этган бўлса, ундан кейин вафот этган ота ёки онанинг мулкига ўлган фарзанднинг болалари такдим қилиш ҳуқуқи бўйича ворис бўлади. Вафот этган шахснинг турмуш ўртоғи такдим қилиш ҳуқуқи бўйича меросхўр бўла олмайди» деб кўрсатилган.

«П»нинг ўғли «С» вафот этиб, унинг қизи «К» нотариусга мурожаат қилиб, «П»нинг вафотидан кейин ундан қолган мерос мулкидан отаси «С»га тегишли улуш меросга бўлган ҳуқуқ тўғрисида гувоҳнома беришни сўраган. Нотариус ФКнинг 1140-модда тартибида қарор чиқариб, талабни қондирган.

Болалар, набиралар, чеваралар ва эвараларнинг меросхўрларга такдим қилиш ҳуқуқи қариндошлик даражаси чекланмаган ҳолда амал қилади.

Бунда меросхўрдан қолган улуш тақдим қилинаётган қонун бўйича меросхўр билан бир хил даражада қариндош бўлган авлодлар ўртасида тенг тақсимланади. Ён қариндошлик бўйича ворисликка чақирилган туғишган ака-ука, опа-сингиллар ёки амаки-тоға, амма-холалар мерос очилгунга қадар ёки мерос очилгандан кейин уни қабул қилиб ололмасдан вафот этган бўлсалар, уларга тегишли бўлган мерос ҳиссаларини ўз ота-оналари номидан, яъни мерос қолдирувчининг туғишган ака-ука, опа-сингиллари ва бошқа қариндошлари номидан уларнинг болалари, яъни мерос қолдирувчининг жиянлари, мерос қолдирувчининг туғишган амакиси-тоғаси номидан, унинг амакиваччалари, тоғаваччалари, аммаси-холаси номидан аммаваччалари ва холаваччалари тенг ҳиссада оладилар.

Буларнинг ҳаммаси меросни тақдим қилиш ҳуқуқи бўйича ворислик асосида қўлга киритадилар. Кўп ҳолларда тақдим қилиш ҳуқуқи бўйича мерос олувчиларнинг ҳиссаси бошқа қонун бўйича меросхўрларнинг ҳиссаларидан анча кам бўлади, чунки мерос олиш лозим бўлган шахсга тегишли ҳисса унинг болалари, набиралари ўртасида тенг тақсимланади.

9.Мажбурий улуш ҳуқуқи. Меросни муҳофаза қилиш ва уни бошқариш.

Меросдан мажбурий ҳисса олиш ҳуқуқи

Мерос қолдирувчи ўз хоҳиши билан қонунда белилаб қўйилган тартибдан бошқача тарзда меросхўрларнинг доирасини белгилаши, улар ўртасида мерос мулкни бўлиш тартибини аниқлаб қўйиши ёки ўзи мерос мулкни тақсимлаб, ҳар қайси меросхўрнинг мерос ҳиссасини белгилаши, мерос мулкдан айрим ашёларни айрим меросхўрларга беришни васият қилиб қолдириши мумкин.

Аммо мерос қолдирувчининг ўз хусусий мулкни ўзи вафот этгандан кейинги тақдирини ҳал қилишдаги эрки қисман чегараланиб қўйилган.

Мажбурий ҳисса олиши лозим бўлган меросхўрларнинг доираси ва улуши қонунда белгилаб қўйилган. Уларни мерос ҳиссаларидан маҳрум қилишга йўл қўйилмайди. Бу меросхўрлар, асосан, қонун бўйича биринчи навбатда меросхўрлар жумласига кирувчилар ҳисобланадилар.

ФКнинг 1142-моддасига асосан, мерос қолдирувчининг вояга етмаган ёки меҳнатга қобилиятсиз болалари, шу жумладан, фарзандликка олган болалари, шунингдек, меҳнатга қобилиятсиз эри (хотини) ва ота-онаси, шу жумладан, уни фарзандликка олганлар, васиятноманинг мазмунидан қатъи назар, қонун бўйича ворис бўлганларида улардан ҳар бирига тегишли лозим бўлган улушнинг камида ярмини (мажбурий улуш) мерос қилиб оладилар.

Васият қолдирувчи ўз эрки билан мажбурий улуш олувчиларнинг ҳиссаларини қонунда белгиланганидан камайтиришга ҳақли эмас.

Мажбурий улуш мерос қолдирилган ҳамма мулк ва мулкый ҳуқуқларни ўз ичига олади мажбурий ҳиссани ҳисоблаш учун, аввало, мерос таркибига кирган ҳамма мулкнинг қийматини белгилаб, бундай меросхўр фойдасига қилинган васият мажбурияти билан белгиланган мулкнинг қиймати ва васият қилинган мулкнинг қийматини ҳисоблаб, мажбурий ҳисса миқдорини тўғри белгилаш учун мерос мулкнинг ҳаммасини, шу жумладан, оддий уй жиҳозлари ва рўзғор буюмларидан иборат мол-мулкнинг қийматини ҳам ҳисобга олиш зарурати туғилади.

Мажбурий ҳиссани васият қилинмай қолган мерос мулк ҳисобидан ундириш имконияти текширилиб кўрилади.

Демак, мажбурий ҳисса олиш ҳуқуқига эга бўлган меросхўрлар уй жиҳозлари ва рўзғор буюмларидан айнан ўзини, натура шаклида эмас, балки улардан ўзига тегишли ҳиссанинг қийматини олади. Мулк эса мерос қолдирувчи билан бирга яшаб турган шахс тасарруфида қолади.

Агар мерос қолдирувчи билан бирга яшаб турган ворис уй жиҳозлари ва рўзғор буюмларидан мажбурий ҳисса олувчиларга улушнинг қийматини эмас, балки мулкнинг айнан ўзини беришни хоҳласа, унинг бу ҳаракатини чеклаш мумкин эмас.

Соғлиғи, ёши жиҳатидан алоҳида ҳимояга муҳтож бўлган шахсларни моддий томондан таъминлаш мақсадида меросдан мажбурий ҳисса ажратиш йўли билан васият эркинлиги бир мунча чегараланган. Меросдан бутунлай маҳрум қилиш мумкин бўлмаган шахслар доираси қонун билан белгилаб қўйилган. Улар васиятнома мазмунидан қатъи назар, мерос мулкдан қонунда белгиланган улушни оладилар. Бу мажбурий ҳисса ҳисобланади.

Васиятномани тасдиқланаётган нотариус бу ҳақда, албатта, васият қолдирувчининг огоҳлантириши шарт.

Қонунда белгиланган мажбурия ҳиссани ажратиб беришда бошқа ворисларнинг розилиги талаб қилинмайди. Мажбурий улуш олувчиларнинг доираси қонун билан қатъий белгиланиб қўйилган. Улар фақат биринчи навбатдаги меросхўрлардан иборат бўлади. Бошқа қонуний ворислар, гарчи улар вояга етмаган ёки меҳнатга қобилиятсиз бўлсалар ҳам, мажбурий ҳисса олиш ҳуқуқига эга эмаслар.

Мерос қолдирувчининг набира, чеваралари тақдим қилиш ҳуқуқи бўйича меросхўр ҳисобланиб, улар гарчи меҳнатга лаёқатсиз бўлсалар ҳам, мажбурий ҳисса олиш ҳуқуқига эга эмаслар. Худди шунингдек, қонун бўйича биринчидан бошқа навбатдаги меросхўрлар меросдан мажбурий ҳисса олишга ҳақли эмаслар.

Мажбурий ҳисса фақат қонун бўйича ворислик асосида олинади. Шу сабабдан, ФКнинг 1119-моддаси тартибида нолайиқ меросхўрлар деб топилиб, меросдан четлаштирилганлар ҳам мажбурий ҳисса олиш ҳуқуқидан маҳрум бўладилар.

Мажбурий ҳисса олиш учун қонунда белгиланган шартлар мерос очилган пайтда мавжуд бўлиши керак. Масалан, мерос қолдирувчининг вояга етган боласи мерос очилган пайтга келиб, меҳнатга қобилиятсиз бўлиб қолса, бундай ҳолда у мажбурий ҳисса олиш ҳуқуқини қўлга киритади. Мерос

қолдирувчи томонидан маълум бир ворисга ҳисса ажратилмаганда ёки қонунда белгиланганидан мажбурий ҳиссани кам ажратганда ёхуд уни меросдан маҳрум қилганда, мажбурий ҳисса ҳақидаги қоидалар ҳаракат қилади. Бундай ҳолларда меросхўрларга, албатта, қонунда белгиланган қонун бўйича меросхўр бўлганда унга тегадиган ҳиссанинг ярмидан кам бўлмаган улушини ажратиб бериш лозим бўлади.

Меросни муҳофаза қилиш ва бошқариш

Мерос мулкни муҳофаза қилиш, аввало, мерос очилган жойдаги нотариус зиммасига юклатилади. «Нотариат тўғрисида»ги қонунинг 52-моддасига асосан, мерос очилган жойдаги нотариус, башарти меросхўрларнинг, васият мажбурияти юзасидан ҳуқуқ олувчиларнинг кредиторлар ёки давлатнинг манфаатлари учун зарур бўлса, жисмоний ва юридик шахсларнинг хабарга кўра ёки ўз ташаббуси билан мерос мол-мулкнинг қўриқлинишига доир чора-тадбирларни кўради.

Бундан ташқари маҳаллий ҳокимият органлари, уй-жой бошқармалари, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, маҳалла қўмиталари мерос очилган жойда мерос мулкни муҳофаза қилиш чораларини кўришлари керак.

«Аҳоли пунктларида нотариус мавжуд бўлмаган тақдирда, - дейилади «Нотариат тўғрисида»ги қонунинг 25-моддасида, -шаҳарлар, қишлоқлар ва овуллар фуқаролар йиғинларининг раислари (оқсоқоллари) мерос мол-мулкнинг қўриқлинишига доир чора-тадбирларни кўрадилар. Мерос мулкнинг қаердалиги, унинг таркибини аниқлаш, рўйхатга олиш ва сақлаш учун топшириш-мерос мулкни муҳофаза қилиш учун кўрилган чоралар ҳисобланади».

Агар мерос қолдирувчининг мол-мулки ёк унинг бир қисми мерос очилган жойдаги бошқа ерд булса, мерос очилган жойдаги нотариус бу ҳақда мерос мулк жойлашган ердаги нотариусга ёки нотариал ҳаракатларни амалга оширувчи фуқаролар йиғинининг раиси (оқсоқоли)га мерос мол-мулкни кўриқлашга доир чора-тадбирларни куриш тугрисида топшириқ беради.

«Мерос мол-мулкнинг қўриқлинишига доир чора-тадбирлар қурган нотариус ёки фуқаролар йиғини раиси (оқсоқоли) мерос очилган жойдаги нотариал идорасига кўрилган чора-тадбирлар ҳақида хабар қилади ва мерос мол-мулк рўйхатининг нусхасини юборади» («Нотариат тўғрисида»ги қонунинг 53-моддаси).

Рўйхатга олинган мерос мулк сақлаш учун меросхўрларга ёки бошқа шахсларга топширилиши мумкин.

Мерос мулкни сақлаш учун олган шахс уни бутунлигича, зарар етказмасдан сақлаш чораларини кўриши керак. Мерос мулкни сақлаш учун олган шахс меросхўрлар доирасига кирмайдиган бўлса, сақлагани учун ҳақ талаб қилишга ҳақли. Бундай ҳақнинг миқдори нотариус томонидан мулкни сақлашга олган шахс ўртасидаги келишувга асосланади мерос мулкни сақлаш жараёнида етказилган зарар учун жавобгарлик масалалари умумий тартибда

ҳал қилинади. Мерос мулкни сақлаш ҳаражатлари мерос мулк ҳисобидан бўлиши керак.

ФК.нинг 1131-моддасига асосан, васиятномани ижро этувчи меросни муҳофаза қилиш, уни бошқариш вазифасини амалга оширади. Васиятнома бўйича меросхўрлар ёки суд тартибида тайинланган васиятноани ижро этувчи, агар қонун бўйича меросхўрлар мероснинг қонун бўйича ворислик қилиш тартибида ўтадиган қисимга нисбатан белгиланган мажбуриятни амалга оширувчи тайинлашни талаб қилмасалар, меросни бошқарувчи мерос мулкнинг ҳаммасини муҳоўаза қилиш ҳамда уни бошқариш вазифасини бажаради.

10-савол. Меросни эгаллаш. Мерос гувоҳномаси. Меросдан воз кечиш ҳуқуқи ва уни чекланиши.

Меросни қабул қилиш

Мерос очилган пайтдан бошлаб ворислар мерос мулкка бўлган ворислик ҳуқуқига эга бўладилар.

Меросни қабул қилиб олиш ҳам бир томонлама битим бўлиб, ворисликка чақирилган шахснинг эрки-иродаси билан амалга оширилади. Бошқа битимлар сингари меросни қабул қилиб олиш ҳам фақат муомала лаёқатига эга бўлган шахслар томонидан амалга оширилиши мумкин. Муомала лаёқатига эга бўлмаган ёки муомала лаёқати чекланган шахслар томонидан мерос мулкни қабул қилиб олиш тартиби ФКнинг 27; 32-моддаларида назарда тутилган қоидаларга асосан амалга оширилади.

ФК.нинг 1145-моддасига асосан меросхўр ўзига тегишли лозим бўлган меросни ёки унинг бир қисмини (улушини) олиш ҳуқуқига, агар у кейинчалик меросдан воз кечмаса, ворислик ҳуқуқидан маҳрум этилмаса, уни меросхўр деб тайинлаш тўғрисидаги васият фармойиши ҳақиқий эмас деб топилиши натижисида мерос олиш ҳуқуқини йўқотмаса, мерос очилган вақтдан эътиборан эга бўлади.

Мерос мулк фақат ворисликка чақирилган шахслар томонидан қабул қилиб олиниши керак. Ворисликка, аввало, биринчи навбатдаги қонун бўйича меросхўрлар ёки васият бўйича меросхўрлар кирадилар.

Қонун бўйича ва васият бўйича меросхўрлар томонидан меросни қабул қилиб олиш тўғрисида ягона тартиб ўрнатилган. Бу тартиб мерос қолдирувчи билан бир жойда яшаб турган ворислар учун ҳам, бошқа жойда яшаб турган ворислар учун ҳам ягона ҳисобланади. Мерос мулкни қабул қилиб олинганлигини тасдиқловчи ҳаракат мерос мулкни бошқариш, сақлаш, ундан фойдаланиш, уни қўриқлаш, унга тегишли бўлган давлат солиқларини ва бошқа тўловларни тўлаш ва ҳоказо шунга ўхшаш бошқа ҳаракатлар ҳисобланади.

Мерос мулкни қабул қилиб олиб, унга эгалик қилишга киришилганлиги, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, маҳалла қўмиталари, уй-жой бошқармалари, давлат ва жамоат ташкилотлари, мерос қолдирувчи ва меросни қабул қилганларнинг уй жойи маъмурият ва бошқа

юримдик ҳамда жисмоний шахсларнинг ёзма хужжатларига асосан тасдиқланиши мумкин.

Васият бўйича меросхўрларга ҳам меросдан воз кечиш учун олти ой муддат берилган, шу муддатда меросдан воз кечгани тўғрисида нотариусга ариза билан мурожаат қилмасалар, меросни қабул қилган ҳисобланадилар.

Меросдан воз кечиш. «Меросхўр ўзининг ворисликка чақирилганлигини билган ёки билиши лозим бўлган кундан бошлаб олти ой ичида меросдан воз кечишга ҳақли, - дейилади ФКнинг 1147-моддасида, - Узрли сабаблар бўлган тақдирда бу муддат суд томонидан кўпи билан икки ойга узайтирилиши мумкин.»

Меросдан мажбурий ҳисса олиш ҳуқуқига эга бўлган ворислар ҳам қонунда белгиланган муддатда меросдан воз кечиш ҳақида нотариусга ариза берган бўлсалар уларнинг улушлари қонун бўйича ёки васият бўйича меросхўрларга ўтиши лозим.

Мерос қолдирувчининг невараси, чеваралари қонун бўйича фақатгина тақдим этиш ҳуқуқи бўйича ворис бўлишлари мумкин бўлганлиги сабабли, уларнинг фойдасига меросдан воз кечиш, шунингдек, агар улар васият бўйича меросхўр бўлсалар ёки мерос қолдирувчининг қарамоғида бўлган меҳнатга қобилиятсиз шахслар сифатида ундан мерос олиш ҳуқуқига эга бўлсалар, улар фойдасига ҳам меросдан воз кечиш мумкин. «Агар меросхўр, - дейилади ФКнинг 1147-модда 5-қисмида, - мерос қолдирилган мол-мулкни эгаллашга амалда киришган ёхуд уни тасарруф этган ёхуд ўзининг ана шу мол-мулкка бўлган ҳуқуқларини тасдиқловчи хужжатларни олиш учун мурожаат этган бўлса ҳам, меросдан воз кечиш ҳуқуқини кўрсатилган вақт ўтмасдан оқ йўқотади».

Меросхўрлар жумласига кирувчи шахс васият мажбуриятини қабул қилиб олувчи бўлган, тақдирда, васият мажбуриятдан воз кечиш ҳуқуқи, айна бир пайтнинг ўзида, уларнинг меросдан воз кечиш ҳуқуқига боғлиқ бўлмайди.

Шундай қилиб,

- а) қонун бўйича ҳам, васият бўйича ҳам меросхўрлар доирасига кирмайдиган шахслар фойдасига меросдан воз кечиш ҳақиқий ҳисобланмайди;
- б) мерос қолдирувчи томонидан махсус фармойиш билан меросдан маҳрум этилган меросхўрлар фойдасига меросдан воз кечишга йўл қўйилмайди;
- в) ФКнинг 1119-моддасида назарда тутилган асосларда меросдан четлаштирилган ворислар фойдасига меросдан воз кечиш мумкин эмас.

Мероснинг тақсимланиши

Қонун бўйича ворисликка чақирилган меросхўрлардан исталган бири мерос мулкни тақсимлашни ва ундан ўз улушини ажратиб беришни талаб қилиш ҳуқуқига эга. Мерос мулкни тақсимлаш меросхўрларнинг ўзаро келишуви билан улардан ҳар қайсисининг ўзига тегишли бўлган ҳиссасига яраша тақсимланади. Меросни тақсимлаш муносабати билан меросхўрлар ўртасида чиққан низо меросхўрлардан бирининг ёки бир нечтасининг даъво аризасига асосан суд тартибида ҳал қилинади.

Меросхўрлар ўртасида мерос мулкни тақсимлашдан олдин эр-хотиннинг ёки бошқа меросхўрларнинг мерос қолдирувчи билан умумий биргаликдаги мулкдан ҳаётлик вақтида тегишли бўлган қисмини ажратиб, шунингдек, васиятномада белгилаб қўйилган мол-мулк ҳам васият бўйича меросхўрга берилиб, қолган қисми қонун бўйича меросхўрлар ўртасида тақсимланади.

Умумий биргаликдаги мулкни тақсимлаш ФК.нинг 226-моддаси тартибида амалга оширилади.

Мерос қолдирувчининг ҳомила бўлиб, ҳали туғилмаган болалари бўлган тақдирда меросни тақсимлаш бундай меросхўр туғилганидан кейин амалга оширилиши керак.

«Агар ҳомила ҳолида бўлган, бироқ ҳали туғилмаган меросхўр тирик тўғилса,- дейилади ФК.нинг 1151-моддаси 5-қисмида, қолган меросхўрлар унга тегишли бўлган мерос улушини ажратган ҳолдагина меросни тақсимлаш амалга оширишга ҳақлидирлар. Мерос тақсимотда яқалокнинг манфаатларини ҳимоя қилиш учун васийлик ва ҳомийлик органининг вакили таклиф этилиши лозим».

Ҳомиладаги бола ўлик туғилган тақдирда, унга тегишли улуш бошқа қонуний меросхўрлар ўртасида тенг ҳиссаларда тақсимланади.

Барча мерос мулк ёки унинг бир қисми меросхўрларга улушларда ёки муайян мол-мулк кўрсатилмасдан васиятнома тузилган бўлса, мерос васиятнома бўйича меросхўрлар ўртасида тақсимланади.

Махсус давлат рўйхатидан ўтказилиши мажбурий бўлган мол-мулкнинг (уй-жой, машина ва ҳоказолар) меросхўрлар ўртасида тақсимланиши алоҳида шартнома билан расмийлаштирилиши мумкин. Бундай ҳолларда меросга бўлган ҳуқуқ тўғрисидаги гувоҳномага асосан берилиши керак.

Меросдан воз кечишлик бошқа қонун бўйича ёки васият бўйича ворислар фойдасига бўлмаган тақдирда ҳам мерос мулк қонун бўйича ворислар ихтиёрига ўтади.

Васиятномада кўрсатилмаган ва васият қилинмасдан қолган мулк ҳам қонун бўйича меросхўрларга ўтади, улар ўртасида тенг тақсимланади. Меросдан воз кечган ёки меросхўрлар қаторидан чиқиб кетган ворис ўрнига бошқа меросхўр тайинланган бўлса ёки меросхўр меросдан муайян шахс фойдасига воз кечган бўлса, шунингдек қонун бўйича ворисликда меросхўрнинг меросдан воз кечиши ёки меросхўрлар қаторидан чиқиб кетиши, кейинги навбатдаги меросхўрларнинг ворисликка чақирилишига сабаб бўлса, уларга тегишли мерос мулкдан улуш кўрсатилган шахсларга ўтади.

Фараз қилайлик, мерос қолдирувчи «С» ўзининг енгил машинасини ўғли «М»га, уй-жойни эса, набираси «К»га, қолган барча мол-мулкни хотини «Б»га васият қилиб қолдирди. Набираси «К» васият бўйича мерос олишдан воз кечиб, меросни қабул қилиб олмади. Бундай ҳолда «К»га тегишли бўлган уй-жой мерос қолдирувчининг қонун бўйича

меросхўрлари бўлган хотини «Б» ва ўғли «М»га тенг улушда бўлинади. Қонун бўйича ворислик вужудга келмайди, чунки «С» ўзининг барча мол-мулкнинг хотини «Б»га васият қилиб қолдирган.

Мерос мулк мерос очилиши билан ворислар ихтиёрига ўтади ва уни қабул қилиб олган ҳисобланадилар. Аммо мерос мулкни тасарруф этиш, мерос мулк ҳисобидан қонунда назарда тутилган харажатлардан бошқа талаблар қолдирилиши мумкин эмас. Мерос мулкни тасарруф қилиш қонунда белгиланган олти ой ўтгандан сўнг ёки ворислик ҳуқуқи ҳақида гувоҳнома олингандан кейин вужудга келади.

Мерос очилган жойда ҳамма ворислар ҳозир бўлгани ҳолда улар ўртасида келишмовчилик бўлмаган тақдирда, мерос мулк ҳисобидан ҳамма харажатларни амалга ошириш мумкин. Бундай ҳолларда меросни кейинчалик тақсимлаганда ворислар томонидан қилинган харажатларни ўзлари қабул қилган мерос ҳиссаларига мутаносиб равишда ҳисоб-китоб қилишлари мумкин.

«Нотариат тўғрисида»ги Қонуннинг 49-моддасига асосан, нотариус мерос очилганлик ҳақидаги хабарни эшитгач, бу ҳақда меросхўрларни хабардор қилиши шарт. Мерос очилган пайтда мерос очилган жойда ҳозир бўлмаган, лекин мерос олишга чақирилган ворис ФКнинг 1147-моддасида белгиланган олти ой давомида меросдан воз кечмаган бўлса, меросни қабул қилиб олган ворислар томонидан мерос мулкни тақсимлаш ниятлари ҳақида унга хабар бергандан кейин уч ой ичида меросни тақсимлашда иштирок этиш ниятини билдирмаса, мерос мулкдан унинг қисми ажратилиб, қолган қисми ўзаро келишилган ҳолда ворислар ўртасида тақсимланади.

Қонун билан тартибга солинмаган, шартнома билан ёки бошқача тарзда умумий мулк иштирокчилари келишувига кўра уларнинг ҳиссалари белгилаб қўйилмаган бўлса ва уни белгилаш ҳам мумкин бўлмаса, умумий мулк иштирокчиларининг ҳиссалари тенг бўлиб ҳисобланади.

Умумий мол-мулкни биргаликдаги мулк иштирокчилари ўртасида тақсимлаш, шунингдек, улардан бирининг улушини ажратиш дастлаб иштирокчилардан ҳар бирининг умумий мулк ҳуқуқидаги улуши аниқлангандан кейин амалга оширилиши мумкин. Умумий мулк тақсимланганда ва ундан улуш ажратилганда, агар қонунда ёки иштирокчиларнинг келишувида бошқача тартиб назарда тутилган бўлмаса, уларнинг улушлари тенг ҳисобланади.

ФКнинг 223-моддасида умумий мулкни тақсимлаш ва ундан улуш ажратиш асослари ҳамда тартиби, биргаликдаги мулкнинг айрим турлари учун бошқа қонунлар билан белгиланади.

Улушли мулкни тасарруф қилиш унинг барча иштирокчилари келишуви билан амалга оширилади.

«Улушли мулк иштирокчиси,- дейилади ФКнинг 218-моддасида, -ўз хоҳишига қараб ўз улушини сотишга, совға қилишга, васият қилиб қолдиришга, гаровга қўйишга ёки бошқача тарзда тасарруф этишга улушни ҳақ эвазига бошқа шахсга бериш чоғида ушбу кодекснинг 224-моддасида назарда тутилган қоидаларга амал қилган ҳолда ҳақли бўлади».

Демак, улушли мулк иштирокчиси мол-мулкни тасарруф қилаётганда имтиёзли ҳуқуққа эга бўлган иштирокчиларнинг ҳуқуқини бузмаслиги керак.

Умумий биргаликдаги мулк-бу ўз вазифасини ўзгартирмаган ҳолда тақсимланиши мумкин бўлмаган икки ёки ундан ортиқ шахс эгалигида бўлган мулк ҳисобланади.

Умумий биргаликдаги мулк иштирокчиларидан бирортасининг вафоти муносабати билан мерос таркибини белгилаш учун унинг улушини аниқлаш зарурати туғилади. Умумий биргаликдаги мулк иштирокчиларидан бирининг улушини аниқлаш дастлаб иштирокчилардан ҳар бирининг умумий мулк ҳуқуқидаги улушини аниқлашни талаб қилади. Умумий мулк тақсимланганда ва ундан вафот этганнинг улуши ажратилганда, қонунда ёки умумий мулк иштирокчиларининг бошқача келишуви бўлмаган тақдирда, ҳамма иштирокчиларнинг ҳиссалари тенг бўлади.

Эр ва хотинларнинг умумий биргаликдаги мулкда бўлган улушга нисбатан мулк ҳуқуқини улар ҳаётлигида расмийлаштиришлари мумкин.

«Нотариат тўғрисида»ги қонуннинг 62-моддасига асосан, эр-хотиннинг ёзма аризасига асосан улардан бирига ёки ҳар иккаласига никоҳ давомида орттирган умумий мол-мулкдаги улушга бўлган ҳуқуқ тўғрисида нотариус томонидан гувоҳнома берилади.

Уй-жойга(уй-жойнинг бир қисмига), квартирага, дала ҳовлига, боғ ҳовлига, гаражга, шунингдек, бошқа бинолар, иншоотлар, иморатлар ва бошқа мол-мулкка бўлган мулк ҳуқуқи тўғрисида гувоҳнома, шу мол-мулк жойлашган ердаги нотариус томонидан берилади.

Меросга бўлган ҳуқуқ тўғрисида гувоҳнома бериш

Меросни қабул қилиб олиш бир томонлама битим бўлгани сабабли, меросга бўлган ҳуқуқ тўғрисидаги гувоҳнома олиш меросни қабул қилиб олган меросхўрнинг мажбурияти эмас, балки уларнинг ҳуқуқи бўлиб ҳисобланади.

Меросга бўлган ҳуқуқ тўғрисидаги гувоҳнома меросхўрларнинг аризасига асосан мерос очилгандан сўнг олти ой ўтгандан кейин берилади.

«Нотариат тўғрисида»ги Қонуннинг 58-моддасига асосан, мерос очилган жойдаги нотариус меросхўрнинг ёзма аризасига кўра, меросга бўлган ҳуқуқ тўғрисида гувоҳнома беради. Меросхўр ариза билан бирга мерос қолдирувчининг вафоти ҳақидаги гувоҳнома, мерос очилган жой ва вақтини, мерос қолдирувчи билан қариндошлик муносабатини тасдиқловчи ҳужжатлар ва, шунингдек, мероснинг таркибини аниқловчи далилларни топшириш керак.

Мерос қолдирувчи билан ўзининг қариндошлик муносабатларини исботловчи ҳужжатлари бўлмаган ворислар бошқа меросхўрларнинг розилиги билан меросга бўлган ҳуқуқ тўғрисидаги гувоҳномага ўзларини киритишлари мумкин. Бундай розилик, албатта, ёзма равишда берилиши керак ва низо чиққан тақдирда суд орқали қилинади.

«Қонун бўйича мерос очилганида ҳам, васиятнома бўйича мерос очилганида ҳам,-дейлади ФКнинг 1146-моддасида,-агар нотариус тегишли мол-мулкка ёхуд бутун меросга нисбатан гувоҳнома беришни сўраб мурожаат этган шахслардан бошқа меросхўрлар йўқлиги тўғрисида маълумотларга эга бўлса, гувоҳнома юқорида кўрсатилган муддат (олти ой. Р.М.) тугамасдан олдин берилиши мумкин».

Меросга бўлган ҳуқуқ ҳақидаги муддатни ўтказиб юборган меросхўрлар меросни қабул қилиб олган бошқа барча меросхўрларнинг розилиги билан меросни қабул қилиб олган меросхўрлар қаторига киритиши мумкин. Бу розилик, албатта, меросга бўлган ҳуқуқ тўғрисидаги гувоҳномада ўз аксини топиши мумкин.

Мерос мулк таркибига кирган айрим ашёларга нисбатан бўлган ҳуқуқни тасдиқловчи ҳужжат талаб қилинади. Масалан уй-жой, автомашина ва бошқа шунга ўхшаш давлат рўйхатидан ўтказилган ашёларга эгалик ҳуқуқини тасдиқловчи ҳужжатлар бўлиши керак. Акс ҳолда, бу ашёларга нисбатан меросга бўлган ҳуқуқ тўғрисида гувоҳнома берилмайди, чунки улар мерос таркибига кирмайди.

Бундан ташқари, меросга бўлган ҳуқуқ тўғрисидаги гувоҳнома учинчи бўлган мерос мулкни талаб қилиб олиш учун, васият қилинмасдан қолган банклардаги жамғарма пулларни олиш учун ҳам керак бўлади.

Масалан, мерос қолдирувчининг ололмай қолган муаллифлик ҳақи, ихтиро ва кашфиётлар учун олинмаган ҳақ ва бошқа олиши лозим бўлган, васият қилинмасдан қолган ҳақлари.

Меросга бўлган ҳуқуқ тўғрисидаги гувоҳномани олиш учун асос - фақат мерос ҳуқуқини тасдиқловчи ҳужжат ҳисобланади. Меросхўрнинг қўлида меросга бўлган ҳуқуқ тўғрисидаги гувоҳноманинг бўлмаслиги бу ҳуқуқни йўқотишга олиб келмайди.

Миқдори қонун билан белгиланган бир ойлик энг кам иш ҳақидан ошмаган банклардаги васият қилинмасдан қолган жамғарма пулларни, мерос қолдирувчининг ололмай қолган иш ҳақини олиш учун меросга бўлган ҳуқуқ тўғрисидаги гувоҳнома олти ойлик муддат ўтмасдан берилиши мумкин.

«Нотариат тўғрисида»ги Қонуннинг 60-моддасида қонун бўйича меросга бўлган ҳуқуқ тўғрисида гувоҳнома бериш шартлари белгилаб қўйилган.

Тергов ва суриштирув органлари томонидан рўйхатга олинган ва арест солинган мол-мулкларга нисбатан, бу мулкларни рўйхатдан чиқарилмасдан ёки арест бекор қилинмасдан олдин меросга бўлган ҳуқуқ тўғрисида гувоҳнома бериш мумкин эмас.

Меросни қабул қилиб олган ворис меросга бўлган ҳуқуқ тўғрисида гувоҳнома олиш учун нотариусга мурожаат қилмаган бўлса, унинг ҳиссаси очик қолдирилади.

Нотариус вояга етмаган ёки муомалага лаёқатсиз бўлган меросхўрларнинг мулкий манфаатларини муҳофаза қилиш учун уларга меросга бўлган ҳуқуқ тўғрисида гувоҳнома берилганлиги ҳақида меросхўр яшаётган жойдаги васийлик ва ҳомийлик органларига хабар қилади.

Мажбурий ҳиссага бўлган мерос ҳуқуқи тўғрисида гувоҳнома васиятнома суд томонидан ҳақиқий эмас деб топилмасдан ҳам берилиши мумкин. Агар мажбурий ҳиссага бўлган ҳуқуқ ҳақида гувоҳнома беришда низо чиқиб қолса, нотариус гувоҳнома беришни тўхтатиб, муддат беради. Белгиланган муддатда манфаатдор ворислар судга мурожаат қилсалар, масала суд томонидан кўрилиб, ҳал қилинади ва суднинг қарорига асосланиб гувоҳнома берилади.

Меросга бўлган ҳуқуқ тўғрисида гувоҳнома бериш билан боғлиқ ҳамма низолар суд тартибида кўрилиб ҳал қилинади.

Меросга бўлган ҳуқуқ тўғрисидаги гувоҳнома фақат суд қарори билан бекор қилиниши ёки ҳақиқий эмас деб топилши мумкин.

Мерос мулк давлатга ёки давлат органларига васият қилинган бўлса, нотариус ҳеч кимнинг мурожаатини кутмасдан, меросга бўлган ҳуқуқ тўғрисидаги гувоҳномани мерос очилган жойдаги молия органига беради.

«Нотариус тўғрисида»ги Қонуннинг 61-моддасида васиятнома бўйича меросга бўлган ҳуқуқ тўғрисида гувоҳнома бериш шартлари белгиланган.

«Нотариус васиятнома бўйича меросга бўлган ҳуқуқ тўғрисида гувоҳнома бериш чоғида,- дейилади бу моддада,- тегишли далилларни талаб қилиб олиш йўли билан мерос қолдирувчининг вафот этганлигини, васиятноманинг бор-йўқлигини, мерос очилган вақт ва жойни, мерос мол-мулкнинг таркиби ва жойини текширади.

10.савол. Меросни тақсимланиши. Корхонага ворислик. Мерос улушларининг ошиши.

Меросни қабул қилиб олиш ҳуқуқининг ўтиши

Ворисликка чақирилган меросхўр қонун бўйича ҳам, васият бўйича ҳам ўзига тегишли бўлган мерос мулкнинг ҳаммасига ёки бир қисмини қабул қилиб олиш ҳуқуқига, мерос очилган пайтдан эътиборан эга бўлади.

Меросни қабул қилиб олиш бир томонлама битим бўлиб, уни бажариш фақатгина мерос олувчининг эрки-иродасига боғлиқ. Меросхўр мерос мулкни олиш ҳуқуқидан воз кечиши мумкин.

Мерос қабул қилиш учун махсус муддат қонунда белгиланган эмас. Лекин мерос ҳуқуқидан воз кечиш учун олти ой муддат белгиланган. Шу муддатда меросдан воз кечгани тўғрисида нотариусга ариза билан мурожаат қилмаса, меросхўр меросни қабул қилган ҳисобланади.

Мерос мулкни бошқариш, сақлаш, қисман бўлса ҳам, ундан фойдаланиш, шу билан бирга, меросга бўлган ҳуқуқ тўғрисида гувоҳнома беришни сўраб, нотариусга қилинган мурожаат - мерос мулкни қабул қилганлигини исботлайди.

«Агар меросхўр меросни қабул қилмаган ва мерос мулки фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органига, давлатга ёхуд бирор бир шахснинг эғалигига ўтказилмаган бўлса, - дейилади Олий суд Пленумининг

33-сон қарори 14-бандида, -меросхўр истаган вақтида меросга бўлган ҳуқуқ тўғрисида гувоҳнома олиш учун нотариусга мурожаат қилиши мумкин».

Қонун бўйича меросхўр ёки васият бўйича ворисликка чақирилган ворис мерос очилмасдан олдин ёки мерос очилгандан кейин, меросни ўзига тегишли қисмини олиш учун ҳаракат қилмасдан вафот этган тақдирда, мерос мулкдан унга тегишли улушни қабул қилиб олиш ҳуқуқи қонун бўйича тақдим этиш ҳуқуқи асосида унинг меросхўрларига ўтади.

Масалан, фуқаро «К» 2001 йил 15 мартда вафот этиши муносабати билан, унинг ўғиллари «Б» ва «Д» ворисликка чақирилган. Аммо «Б» икки ой ўтгандан кейин 2001 йил 15 май куни отасидан қолган мерос мулкдан ўз улушини ололмасдан вафот этган. Мерос қолдирувчи «К» билан биргаликда яшаб турган ўғли «Д» мерос мулкнинг ҳаммасига меросга бўлган ҳуқуқ тўғрисида гувоҳнома беришни сўраб, нотариусга мурожаат қилган. Мерос қолдирувчи «К»нинг катта ўғли «Б»нинг қонун бўйича меросхўри «Х» борлигидан хабар топган нотариус, уни ворисликка тақдим қилиш ҳуқуқи бўйича чақириб, отаси «Б»га тегишли бўлган мерос улушга бўлган ҳуқуқ тўғрисида гувоҳнома бериб, масалани адолатли ҳал қилган.

Мерос очилгандан кейин ёки мерос очилмасдан олдин вафот этган меросхўрнинг мерос улушини қабул қилиб олиш ҳуқуқи унинг меросхўрларига тақдим этиш ҳуқуқи бўйича ўтади.

Вафот этган меросхўрнинг мерос олиш ҳуқуқи ҳам унинг ворислари томонидан умумий даъво муддатида амалга оширилиши мумкин.

Мерос мулкни қабул қилиб олган, аммо уни тегишлича расмийлаштиришга улгурмасдан вафот этган тақдирда, унинг ворислари, меросни қабул қилиш ҳуқуқи тақдим қилиш ҳуқуқи асосида ўтади.

Меросни қабул қилиш ҳуқуқининг ўтиши билан тақдим қилиш ҳуқуқи бўйича мерос олиш қуйидагилар билан фарқ қилади:

а) Меросни қабул қилиш ҳуқуқининг ўтиши меросхўр мерос очилгандан сўнг меросни қабул қилиб, уни расмийлаштиришга улгурмасдан вафот этиши муносабати билан амалга оширилади;

б) Меросни қабул қилиш ҳуқуқининг ўтиши, нафақат қонун бўйича, шунингдек васият бўйича ворисликда ҳам амалга оширилади;

в) Меросни қабул қилиш ҳуқуқини нафақат набира ва чеваралар, шунингдек, бошқа ҳар қандай меросхўрлар ҳам қўлга киритадилар.

Демак, меросни қабул қилиб олган ворис меросга бўлган ҳуқуқ тўғрисида гувоҳнома олишга улгурмай вафот этган бўлса, унинг меросни қабул қилиш ҳуқуқи мерос таркибига киради ва унинг меросхўрлари меросга бўлган ҳуқуқ тўғрисида гувоҳнома беришни талаб қилишлари мумкин.

Мерос мулк ҳисобидан харажат қилиш

Мерос мулк мерос очилиши билан ворислар ихтиёрига ўтади. Аммо мерос мулкни қабул қилиб олган ворисга уни тасарруф қилиш ҳуқуқи

берилмаган. Мерос мулк ҳисобидан харажат қилиш ҳуқуқи қонун билан белгиланган олти ойлик муддат ўтгандан кейингина ёки меросга бўлган ҳуқуқ ҳақидаги гувоҳнома олингандан кейин вужудга келади. Мерос очилган жойда ҳамма ворислар мавжуд бўлган тақдирда, улар ўртасида келишув бўлса, мерос мулк ҳисобидан ҳамма харажатларни амалга ошириш мумкин. Бундай ҳолларда меросни кейинчалик тақсимлаганда, ворислар қилинган харажатларни ўзлари қабул қилган мерос хиссаларига мутаносиб равишда ҳисоб-китоб қилишлари мумкин.[260]

Мерос мулк ҳисобидан харажат қилиш тартиби ФКнинг 1155-моддаси, «Нотариат ўғрисида»ги Қонунинг 57-моддасида назарда тутилган.

«Мерос ворислар ўртасида тақсимланишидан олдин,- дейилади ФКнинг 1155-моддасида,- мерос қолдирувчининг вафоти олдиан хасталиги туфайли қилинган харажатлар, мерос қолдирувчининг дафн этиш харажатлари, меросни эгаллаш, муҳофаза қилиш, бошқариш ва васиятномани ижро этиш, шунингдек, васиятномани ижро этувчи ёки меросни бошқарувчи ҳақ тўлаш билан боғлиқ харажатларни қоплаш тўғрисидаги талаблар мерос ҳисобидан қондирилиши лозим.

Бу талаблар мерос қиймати ҳисобидан бошқа барча талаблардан, шу жумладан, ипотека ёки бошқа гаров билан таъминланган талаблардан олдин имтиёзли равишда қолдирилиши лозим».

Зарур ҳолларда, бу қоидадан истисно тариқасида нотариус мерос мулк ҳисобидан айрим харажатларни қоплаш учун маблағ ажратиб бериш ҳақида кўрсатма бериши мумкин.

Масалан, мерос қолдирувчининг қарамоғида бўлган вояга етмаган, ёрдамга муҳтож, меҳнатга лаёқатсиз боқимларининг турмуш кечириши учун вақтинча мерос мулк ҳисобидан маблағ ажратиб берилиши мумкин.

Мерос қолдирувчининг вафоти муносабати билан амалга оширилиши лозим бўлган дафн маросимига кетадиган харажатлар, биринчи навбатда, мерос мулк таркибига кирган пул маблағлари ҳисобидан бўлиши керак. Пул маблағлари етишмаган ёки умуман бўлмаган тақдирда, бошқа мулклар ҳисобидан қопланади.

Мерос мулкдан қилинган харажатлар юзасидан келиб чиққан ҳар қандай низолар ворисларнинг даъво аризасига биноан суд томонидан кўрилиб, ҳал қилинади.

Мерос қолдирувчининг қарзлари бўйича кредиторлар олдида жавобгарлик меросхўрлар зиммасига тушади. Одатда, ўзбекча урф-одатлар бўйича вафот этган шахснинг дафн этиш маросимида кўпчилик ўртасида ворислардан бири мерос қолдирувчининг қарзлари учун жавобгарликни ўз зиммасига олади.

Мерос мулкни эгасиз деб топиш

Маълумки, ФКнинг 1112-моддасига асосан, ворислик, фақат икки йўл билан-васият бўйича ва қонун бўйича амалга оширилади.

Васият мавжуд бўлмаган ёки мерос қолдирувчи томонидан мол-мулк тақдири ҳал қилинмаган ҳолларда, қонун бўйича ворислик амалга оширилади.

Қонунга асосан давлат фақат васият бўйича ворислик ҳуқуқи асосида меросхўр бўлиши мумкин. Бундай ҳолларда давлат меросдан воз кечишга ҳақли эмас.

Мерос мулк ворислик ҳуқуқи асосида давлатга ёки унинг айрим органларига, шунингдек жамоат ташкилотларига ёки фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларига ўтиши мумкин.

Мерос мулк давлатга ёки давлат органларига қуйидаги ҳолларда ўтади: биринчидан, мерос қолдирувчи ўзининг барча хусусий ва шахсий мулкларини, шунингдек, мулкӣ ҳуқуқ ва мажбуриятларини давлатга ёки давлатнинг айрим органларига васиятнома орқали қолдирган бўлса;

ёкинчидан, мерос қолдирувчи ўзининг молқ-мулкининг бир қисмини ёки айрим ашёларни давлатга ёки давлатнинг айрим органларига васият қилиб қилган бўлса;

учинчидан, меросхўрлардан бири ёки бир нечтаси, ўзининг мерос мулкдаги улушини олишдан, давлат ёки давлатнинг бирон органи фойдасига, воз кечса;

Мерос қолдирувчи ўз мулкни давлатга ёки давлат органига васият қилган тақдирда, нотариус васиятномага асосан васият қилинган мулкни тўғридан-тўғри давлат эгалигига ўтказиш учун мулкка бўлган ҳуқуқ ҳақида гувоҳнома ёзиб, молия органига юборади.

ФКнинг 1157-моддасида мерос мол-мулк қуйидаги асослар мавжуд бўлганда эгасиз деб топилиши кўрсатилган:

биринчидан, қонун бўйича ҳам, васият бўйича ҳам меросхўрлар бўлмаса;

иккинчидан, меросхўрлардан ҳеч қайсиси ворислик ҳуқуқига эга бўлмаса;

учинчидан, меросхўрларнинг ҳаммаси меросдан воз кечган бўлса;

тўртинчидан, ФКнинг 1119-моддасига асосан меросхўрлар меросдан четлаштирилган бўлса;

бешинчидан, мерос қолдирувчи барча меросхўрларни мерос олиш ҳуқуқидан маҳрум қилиб, мерос мулкни ҳеч кимга васият қилмаса;

олтинчидан, мерос мулкнинг бир қисмини ёки алоҳида ашёларни васият қилиб, қолган мол-мулкни оладиган қонунӣ ворислар бўлмаса;

Мавзунӣ мустаҳкамлаш учун саволлар.

1. Ворислик ҳуқуқи тушунчаси ва асослари.
2. Мерос таркиби, очилиши ва очилиш жойи.

3. Меросхўрлар ва нолайиқ меросхўрларни меросдан четлаштириш.
4. Қонун бўйича ворислик.
5. Қонуний ворислик асослари ва ворислар гуруҳлари.
6. Тақдим этиш ҳуқуқи бўйича ворислик.
7. Мерос қолдирувчи қарамоғидаги меҳнатга лаёқатсиз шахслар, эр (хотин)нинг ҳуқуқлари.
8. Мажбурий улуш ҳуқуқи.
9. Меросни муҳофаза қилиш ва уни бошқариш.
10. Васият бўйича ворислик.
11. Васиятнома шакли ва мазмунига қўйиладиган талаблар.
12. Нотариал тасдиқланган ва унга тенглаштирилган васиятномалар.
13. Васиятномани бекор қилиш ва ўзгартириш тартиби.
14. Васиятномани ижро этиш.
15. Васият мажбурияти ва уни юклаш шартлари.

Таянч сўз ва иборалар.

Меросни эгаллаш, Мерос гувоҳномаси, васият, қонун бўйича ворислик, васият бўйича ворислик, мероснинг тақсимланиши, корхонага ворислик, меросдан улуш олиш, эгасиз қолган мулк, мерос таркиби, меросхўрлар.

Глоссарий

Мерос ҳуқуқининг объектлари- Мерос қолдирувчи ҳаётлигида бошқа шахсларга ўтиши мумкин бўлган унинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари мероснинг объекти бўлади.

Мероснинг очилиши деганда- мерос ва ворислик ҳуқуқининг пайдо бўлишини белгилаб берувчи юридик фактнинг юзага келиши тушунилади.

Эмансипация - вояга етмаган шахснинг тўла муомалага лаёқатли деб эълон қилиш.

Ворислик ҳуқуқи деб* фуқаронинг вафот этганидан сўнг мулкининг бошқа шахсларга (ворисларга) ўтказилишида вужудга келадиган муносабатларнинг тартибга соладиган ҳуқуқий нормалар йиғиндисига айтилади.

Ворислик- бу ижтимоий муносабатларнинг алоҳида бир тури ҳисобланиб, мол-мулкни ёки мулкка бўлган ҳуқуқ ва мажбуриятларни бир шахсдан (мерос қолдирувчидан) иккинчи шахсга (меросхўрларга) ўтиши билан боғлиқ. Шунинг учун ҳам у ҳаммадан аввал, иқтисодий ҳодиса сифатида ва вафот этган шахснинг мулкни, мулкий ҳуқуқ ва мажбуриятларини бошқа шахсларга ўтиш тартибини белгилайди.

Қонун бўйича ворислик ҳуқуқи- мерос қолдирувчининг вафоти ёки унинг суд қарори билан вафот этган деб эълон қилиниши билан бирданига ва тўлиғича меросхўрларга ўтади.

Фуқаролик қонунда ворислик деб- марҳум фуқаро мулкнинг қонунларда белгиларган тартибда бир ёки бир неча шахсларга (ворисларга) ўтишига айтилади.

Халқ ўртасида **мерос** -деганда, вафот этган шахсдан қолган мол-мулк тушунилади.

Электрон тўловлар тизими (ЭТТ) - бу қоғозсиз технологияга ва Марказий банкнинг электрон почтаси воситалари билан маълумотни узатишга асосланган умумдавлат тўлов тизимидир.

Фойдаланилган адабиётлар.

Асосий адабиётлар:

1. Зокиров И.Б. Фуқаролик ҳуқуқи: Дарслик. 1 қисм. –Т. ТДЮИ нашриёти, 2009. 611 б.
2. Инсон ҳуқуқлари тўғрисида халқаро Билль. -Т.: Адолат. 1992.
3. Муаллифлар жамоаси. Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг иккинчи қисмига шарҳлар. -Т.: Иқтисодиёт ва ҳуқуқ дунёси. 1998.324 б.
3. Топилдиев Б. Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик ҳуқуқи. (биринчи ва иккинчи қисмлар). -Т.: ТДЮИ. 2014.511 б.

Қўшимча адабиётлар:

1. Каримов И.А. Инсон, унинг ҳуқуқ ва эркинликлари ҳамда манфаатлари – энг олий кадрият. // Халқ сўзи, 2005 йил 9 декабрь.
2. . Каримов И.А. Ўзбекистон - бозор муносабатларига ўтишнинг ўзига хос йўли./ Биздан озод ва обод Ватан қолсин. -Тошкент: Ўзбекистон, 1994. -48 б.
3. Мирзиёев Ш.М. Демократик ислоҳотларни изчил давом эттириш халқимиз учун тинч ва осойишта, муносиб ҳаёт даражасини яратиш барқарор тараққиёт кафолатидир // Халқ сўзи. 2016 йил 2 ноябр.
4. Мирзиёев Ш.М. Қонун устуворлиги ва инсон манфаатларини таъминлаш- юрт тараққиёти ва халқ фаровонлигининг гарови Халқ сўзи 8 декабр 2016 йил. Ўзбекистон Республикасининг сайланган Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганлигининг 24 йиллигига бағишланган тантанали маросимидаги маърузаси.
5. Ўзбекистон Республикаси Президентининг "2017 — 2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устивор йўналиши

бўйича Ҳаракатлар стратегиясини амалга оширишга доир ташкилий чоратadbирлар туғрисида" 2017 йил 14 февралдаги Ф-4849- сонли Фармойиши. Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2017 й.. 7-сои, 88-модда.

6.Ўзбекистон Республикаси Конституцияси-Т.: Ўзбекистон, 2017.

7.Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик кодекси. (2016 йил 1 июлгача бўлган ўзгариш ва қўшимчалар билан). Тўплам. “Адолат” нашриёти.

8.Фуқаролик ҳуқуқи. Иккинчи қисм. –Тошкент: Илм зиё, 2008. -392 б.

9.Муаллифлар жамоаси. Шартнома ҳуқуқи. –Тошкент. ТДЮИ, 2006.

10.Баратов М. Васият бўйича ворислик муносабатларида давлатнинг иштироки.//Давлат ва ҳуқуқ. 2005. №6.-Б.11-13.

Elektron resurslar.

1.<http://Allpravo.ru>

2.<http://Internet-law.ru>

3.<http://dissertation1.narod.ru/avtoreferats1>

4.<http://www.library.by/data>

5.<http://www.lawportal.ru>

6.<http://www.legislature.ru>

7.<http://www.ziyonet.uz>.

8.<http://www.inter-mba.ru/c...>2.<http://www.businesspravo.ru>.

9.<http://www.daryo.uz>4.<http://www.kun.uz>5.<http://www.lex.uz>

10.<http://www.gov.uz>